ARES

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

UIF: 6.1
SIS: 1.2
ASI-Factor: 1,3

SJIF: 5.7
Cite Factor: 0.89

2022/12

VOLUME 3
ISSUE 12

We increase scientific potential together!

ARES.UZ

Exact Sciences
Natural Sciences
Technical Sciences
Pedagogical Sciences
Medical Sciences
Social and Humanitarian Sciences

ISSN 2181-1385

VOLUME 3, ISSUE 12

DECEMBER, 2022

www.ares.uz

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES
SCIENTIFIC JOURNAL
VOLUME 3, ISSUE 12, DECEMBER, 2022

EDITOR-IN-CHIEF

G. Mukhamedov
Professor, Doctor of Chemical Sciences, Chirchik State Pedagogical University

EDITORIAL BOARD

U. Khodjamkulov
Associate Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
S. Botirova
Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
B. Eshchanov
Associate Professor, Doctor of Physical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
S. Madayeva
Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan
R. Bekmirzayev
Professor, Doctor of Physical Sciences, Jizzakh State Pedagogical University
G. Nurshiyeva
Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Kazakhstan
I. Tursunov
Professor, Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
G. Gaffarova
Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
Y. Safronova
Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia
G. Ruzmatova
Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan
N. Shermuhamedova
Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan
B. Khusanov
Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
K. Tulantayeva
Associate Professor, Candidate of Historical Sciences, National University of Kazakhstan
O. Naumenko
Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, National University of Science and Technology MISIS
M. Rakhimshikova
Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, South Kazakhstan State University
Kh. Paluanova
Associate Professor, Doctor of Sciences in Philology, Uzbekistan State World Languages University
M. Gulyamova
Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Uzbekistan State World Languages University
N. Makhmudova
Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Uzbekistan State World Languages University
M. Sultonov
Associate Professor, Doctor of Chemical Sciences, Jizzakh State Pedagogical University
N. Zolotyx
Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia
J. Kholmuminov
Associate Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Tashkent State University of Oriental Studies
A. Kholmakhmatov
PhD in Political Sciences, Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
O. Hayitov
Professor, Doctor of Psychological Sciences, Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan
D. Karshiyev
Associate Professor, Candidate of Physical Sciences, Tashkent Paediatric Medical Institute
T. Shevchenko
Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia
R. Ikramov
Associate Professor, Candidate of Juridical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
C. Nasritdinov
Associate Professor, Chirchik Higher School of Tank Command-Engineering
Z. Yakhshiyeva
Associate Professor, Doctor of Chemical Sciences, Jizzakh State Pedagogical University
B. Yuldashev
Associate Professor, Tashkent Paediatric Medical Institute
Y. Islamov
Associate Professor, Candidate of Biological Sciences, Tashkent Paediatric Medical Institute
S. Allayarova
Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan
M. Djumabekov
Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, South Kazakhstan State University
K. Toshov
Senior Teacher, PhD, National University of Uzbekistan
T. Khojiyev
Associate Professor, PhD, National University of Uzbekistan
A. Shofkorov
Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical University
I. Ergashev
Professor, Doctor of Political Sciences, National University of Uzbekistan
J. Davletov
Senior Teacher, PhD in Philosophical Sciences, Urgench State University
A. Makhmudov
Doctor of Philosophy in Economical Sciences, Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan
A. Yuldashev
PhD in Philological Sciences, Uzbekistan State World Languages University
S. Pirmatov
Associate Professor, PhD in Physics and Mathematics, Tashkent State Technical University

D. Otajonova
Senior Teacher, PhD in Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical University
F. Rajabov
Associate Professor, PhD in Geographical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
J. Namozov
Associate Professor, PhD in Geographical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
N. Umarova
Associate Professor, PhD in Psychological Sciences, Tashkent State Pedagogical University
S. Toshtemirova
PhD in Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
U. Shermatova
PhD in Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
S. Akhunova
Associate Professor, PhD in Economical Sciences, Fergana Polytechnic Institute
N. Juraeva
Senior Teacher, PD in Economical Sciences, Fergana Polytechnic Institute
S. Iskhakova
Associate Professor, Candidate of Agricultural Sciences, National University of Uzbekistan
U. Rustamov
Acting Associate Professor, Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
I. Mambetov
PhD in Philological Sciences, Karakalpak State University
Z. Sanakulov
Senior Teacher, PhD in Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical University
D. Sharipov
Senior Scientific Researcher, PhD in Technics, Tashkent University of Information Technologies
O. Jabborova
Acting Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
G. Tojiyeva
Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Karshi State University
A. Yekabsons
Acting Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical University
E. Makhkamov
Associate Professor, PhD in Physics and Mathematics, Chirchik State Pedagogical University
A. Seytov
Associate Professor, PhD in Physics and Mathematics, Chirchik State Pedagogical University
A. Tursunov
Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Navoi State Mining Institute
N. Bobomuradov
PhD in Pedagogical Sciences, Uzbekistan State University of Physical Education and Sport
U. Kasimov
Professor, Doctor of Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical University
Sh. Otajonov
Professor, Doctor of Physical and Mathematical Sciences, National University of Uzbekistan
L. Sobirova
PhD in Pedagogical Sciences, Uzbekistan State University of Physical Education and Sport
Sh. Kurbanov
Associate Professor, PhD in Technical Sciences, Karshi Engineering-Economic Institute
B. Salimov
Associate Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Tashkent State Transport University
R. Khudayberganov
Associate Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Tashkent State Transport University
M. Vafoeva
Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Samarkand State University
K. Inakov
Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, National University of Uzbekistan
G. Rashidova
Acting Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Jizzakh branch of National University of Uzbekistan
K. Mamadaliev
Acting Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
Sh. Muradkasimova
Senior teacher, Doctor of Pedagogical Sciences, Uzbekistan State University of World Languages
T. Kuyliev
Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Tashkent State Agrarian University
N. Soatova
Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical University
S. Eshonkulova
Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical University
G. Imomova
Associate Professor, Doctor of Philological Sciences, Karshi State University
N. Beketov
Acting Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
P. Turapova
Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical University
D. Niyazova
Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Karshi State University
B. Ramazonov
Associate Professor, PhD in Biological Sciences, Chirchik State Pedagogical University
N. Berdaliyev
Associate Professor, PhD in Political Sciences, Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering
N. Sultonova
Associate Professor, PhD in Philosophical Sciences, Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering
N. Yuldosheva
Associate Professor, PhD in Philology, Karshi State University
A. Narmanov
Acting Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical University
F. Holikulova
Acting Associate Professor, PhD in Pedagogical Sciences, Navoi State Pedagogical Institute

Editorial Secretary: T. Madalimov

O‘QUVCHILARNING MUSTAQIL FIKRLASH JARAYONLARINING DINAMIKASI

Zilola Farxod qizi Abdalimova
Chirchiq davlat pedagogika universiteti talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o‘qituvchining o‘quvchilarni mustaqil fikrlashida mustaqil yondashuv hvmda har bir fan sohasidan kelib chiqib turli psixologik va pedagogik yondashuv asosida o‘quvchilarni bilim olishida kerakli bo‘lgan metodlar va psixologik dinamikasi ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: laboratoriya, produktiv, mustaqil topshiriqlar, referat, xotira, diskursiv, verbal, amaliy, nazariy, ixtiyoriy-ixtiyorsiz, konkret, abstrakt, realistik, autistik, intuitiv, diskursiv, dialektik, reproduktiv, produktiv-ijodiy, vizual, fazoviy

ABSTRACT

In this article, the methods and psychological dynamics necessary for students' learning based on different psychological and pedagogical approaches based on the independent approach of the teacher to the students' independent thinking based on each subject area are revealed.

Keywords: laboratory, productive, independent assignments, abstract, memory, discursive, verbal, practical, theoretical, voluntary-involuntary, concrete, abstract, realistic, autistic, intuitive, discursive, dialectical, reproductive, productive-creative, visual, spatial

KIRISH

O‘quvchilar tafakkuri, asosan, o‘qish, amaliy mashg‘ulot va mustaqil bilim olish faoliyatlarida jadal va uzluksiz ravishda rivojlanadi. Goho ma’ruza jarayoni ulardan *reproduktiv (o‘zlashtirilgan bilimlarga asoslanuvchi) tafakkurni* taqozo etsa ham, lekin *mustaqil topshiriqlar, laboratoriya darslari produktiv (ijodiy) fikr yuritish* faoliyatini talab qiladi. Har ikkala ta’lim shakli ham o‘quvchilar aqliy mehnati, maqsadga yo‘naltirilgan va muvofiqlashtirilgan diqqati yordami bilan amalga oshadi.

Umumiy o‘rta maktabdagi mustaqil ishlarning barchasi: *konspekt tuzish, referat ishlari* o‘quvchidan mustaqillikni, ijodiy yondashishni, (kreativlikni) muammoli holatni, murakkab pedagogik-psixologik vaziyatni hal qilishni taqozo qiladi. Davlat ta’lim standarti va o‘quv rejasida ko‘rsatilgan, dasturda ko‘zda tutilgan materiallar va ilmiy

ma’lumotlarni o‘zlashtirish bilim-saviyani kengaytirish bilan qanoat hosil qilmasdan, balki ularni tushunish, anglab yetishni talab qiladi, bu esa bevosita tafakkurning funksiyasidir. Xotira bisotidagi bilimlarni izchil ravishda tartibga keltirish, esga tushirish, ular ichidan eng muhim jihatlarni ajratish, o‘zaro taqqoslash, turkumlarga kiritish, umumlashtirish bilish jarayonining aqliy yo‘li bilan, ya’ni tafakkur yordami bilan amalga oshiriladi.

Ijtimoiy gumanitar va tabiiy fanlarni o‘rganish davomida moddiy borliqdagi narsa va hodisalar o‘rtasidagi murakkab ichki bog‘lanishlar, aloqalar va ijtimoiy turmush qonuniyatlari yuzasidan chuqur nazariy metodologik, ilmiy-uslubiy xususiyatdagi bilimlar o‘zlashtiriladi. Ana shu fan asoslarini o‘zlashtirish davomida **diskursiv** (*lot. ijodiyot va haqiqat mezoni uchun bahs yuzasidan mulohaza yuritish*) tafakkur turi O‘quvchi uchun omilkor aql-zakovat quroli vazifasini bajaradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Umumiy o‘rta maktab ta’limi jarayonida fikr yuritish operatsiyalaridan unumli (*analiz, sintez, taqqoslash, konkretlashtirish, mavhumlashtirish, klassifikatsiyalash, sistemalashtirish, umumlashtirish*) foydalanish evaziga har qanday murakkab bilimlarni egallash imkoniyati vujudga keladi. O‘quvchilar tafakkur shakllari (*tushuncha, hukm, xulosa chiqarish*)ning funksional va operatsional jihatlari bilan yaqindan tanishadilar, shuningdek, ulardan mustaqil foydalanish uchun barcha iptellektual rezervlarini (aqliy zaxiralarini) ishga solishga harakat qiladilar. *Hukm chiqarish*ning barcha (yakka, xususiy, umumiy, ziddiyatli, faraziy, inkor) ko‘rinishlardan o‘quv va mustaqil bilim olish faoliyatlarida foydalanish shart-sharoitlari tug‘iladi. *Xulosa chiqarish*ning *induktiv (xususiydan umumiyga fikrning yo‘nalganligi)* va *deduktiv (umumiydan xususiy hollarga fikrning qaratilganligi)* yo‘llaridan muayyan tarzda bilish faoliyatida qo‘llashga intiladilar. *Tushunchalar (yakka, xususiy, umumiy, yakqol, mavhum, to‘planma)* mohiyatini anglagan holda ma’lumotlarni egallash bilimlarning barqarorligini ta’minlaydi. Bu narsalarning barchasi tafakkurni rivojlantirishga o‘z ta’sirini o‘tkazadi.

Umumiy o‘rta ta’lim uzluksiz ravishda ijodiy tafakkurni talab qiladigan, muammoli xususiyatdagi topshiriq va masalalar tizimidan iboratdir. Har bir ma’ruza, seminar mashg‘uloti, mustaqil topshiriqlar, hatto laboratoriya ishlari ham muammoli vaziyat, holatniig tarkibiy qismlaridan tuzilgan bo‘ladi. Ularni hal qilish (*echish, bajarish*) ijodiy izlanishni vujudga keltiradi, tafakkur va ularning turlarini (*ko‘rgazmali, harakat, ko‘rgazmali-obrazli, so‘z-mantiq. Verbal, amaliy, nazariy, ixtiyoriy-ixtiyorsiz, konkret, abstrakt, realistik, autistik, intuitiv, diskursiv, dialektik, reproduktiv, produktiv-*

ijodiy, vizual, fazoviy) kamolot sari yetaklaydi. Chunki muammoli holatgacha bo‘lgan davr, muammoli vaziyat, muammoli vaziyatdan keyingi aqliy jarayonlar ham O‘quvchidan ijodiy qidiruv, tadqiqot faoliyatini taqozo etadi. Topshiriqni mustaqil bajarish O‘quvchilardan tafakkur operatsiyalari *(analiz, sintez, taqqoslash, solishtirish, yaqqollash, mavhumlashtirish, guruhlash, turkumlash, umumlashtirish, sistemalashtirish)* va shakllaridan *(tushuncha, hukm, xulosa chiqarishdan)* foydalanishni talab qiladi.

NATIJALAR

O‘quvchilarni o‘quv faoliyati yoki ta’limiy usullar bilan tanishtirish tafakkur rivojida alohida ahamiyat kasb etadi. Jumladan, tushunchalarga (holatlarga) turli nuqtai nazardan qarash usulini O‘quvchilarda tarkib toptirish va uni sharoitga (vaziyatga) ko‘chirishga o‘rgatish yuqori ko‘rsatkichlar beradi. Shuni alohida ta’kidlab o‘tish kerakki, odatda usullarning ko‘chishini *“birdaniga”, asta-sekin, “buzib-tuzatib”*, qayta qurish, tarkibini yangidan tuzish, ko‘rgazmali materialdan matnli (mantiqiy) materialga o‘tishi kabi ko‘rinishlari mavjuddir. O‘quvchilarda o‘quv faoliyatining usulini tarkib toptirish quyidagicha amalga oshiriladi va muayyan qoidalar asosida olib boriladi:

– hamkorlik tushunchasiga turli nuqtai-nazardan qarash mumkin, chunonchi, u faoliyat turi, do‘stona aloqa o‘rnatish, muloqot, muomalaga kirishish, umumiy xatti-harakatlar yig‘indisi, o‘quv faoliyatining shakli, o‘qituvchi bilan O‘quvchi harakati, bitim, ijodiy tajriba almashish va hokazo.

Mazkur o‘quv faoliyati usulini mustaqnl topshiriqni bajarishga, ya’ni *“faoliyat”, “individual faoliyat”, “ijtimoiy faoliyat”, “guruhiy faoliyat”* kabi psixologik tushunchalar mohiyatini ochishga ko‘chirish mumkin. Psixologiya fanida ko‘chishning turlari to‘g‘risida chet el va sobiq Ittifoq davridagi psixologiyada birmuncha ma’lumotlar mavjud.

Xotira tushunchasini turli nuqtai nazardan qarash mumkin, chunonchi, u bilish jarayoni, *produktiv* yoki *reproduktiv mnemik (lot. – xotira) faoliyat, amaliyotda zarur bilimlar majmuasi, xotira – bu ko‘nikma, malaka va odatlar yig‘indisi; umumlashgan obrazlar to‘plami, grammatik termin, fenominal xotirali shaxs sifati tariqasida* va hokazo.

MUHOKAMA

O‘quv faoliyatining ushbu usulini mustaqil topshiriq bajarishga, ya’ni ***“Tafakkur”*** tushunchasiga ko‘chirish imkoniyati quyidagi tarzda namoyon bo‘ladi: *tafakkur – bu bilish jarayoni,*

fikr yuritish faoliyati, prognoz qilish, anglashilgan bilimlar, muloqot negizi, grammatik termin, aql sifati, zehni o‘tkirlik, shaxs sifati kabi tasavvur qilish mumkinligini ta’kidlab o‘tiladi.

Yuqoridagi mulohazalarga qaramasdan, o‘quvchilar tafakkurida sub’ektiv-shaxsiy xususiyatga ega bo‘lgan zaif jihatlar mavjuddir. Fikr yuritish faoliyatini nazorat qilishda qator kamchiliklarga yo‘l qo‘yiladi, masalan, faoliyat natijasini tekshirish sifatidagina qo‘llaniladi. Ularning aqliy faoliyatida xatti-harakat yoki bilim sifatini baholash va o‘z-o‘zini baholashda ham, voqelikni baholashda ham voqelikni oqilona, to‘g‘ri aks ettirish jarayonida illatlar ko‘zga tashlanadi. Narsa va hodisalar xususiyati yoki qonuniyati ko‘pincha orttirib baholanadi, ba’zan pasaytirib baholash hollari ham namoyon bo‘ladi. Ahyon-ahyonda bo‘lsa-da, to‘g‘ri, oqil, haqiqatan aniq baholash ko‘zga tashlanadi. Tafakkurning tanqidiylik va tashabbuskorlik sifatlarida ayrim nuqsonlar uchraydi. O‘quvchilarning intilishi bilan o‘z-o‘zini baholash o‘rtasidagi munosabat mutanosiblikka, o‘zaro uyg‘unlikka ega emas, shu tufayli imkoniyat (aqliy zaxira) bilan havoiy orzular orasida ziddiyat vujudga keladi, natijada oqillik o‘rnini g‘ayirlik egallay boshlaydi. Bunday salbiy hissiy kechinmaning, shaxs illatining oldini olish va mutlaqo bartaraf qilish uchun maxsus treningdan (*to‘g‘ri yo‘lga yetaklovchi mashq-namunalardan*) foydalanish ijobiy natijalar beradi.

Ta’kidlab o‘tilgan nuqsonlar, qusurlarga qaramasdan, o‘quvchilar tafakkuri ilk o‘spirinlik yosh davridan ham sifat, ham mazmun, ham ko‘lam jihatidan keskin tafovutlanadi. Bu fikrlar psixologlar tomonidan to‘plangan miqdoriy ma’lumotlar bilan allaqachonlar tasdiqlangan. Shunday qilib, muayyan bir sohaning yosh mutaxassis kishisi – O‘quvchi yuksak aql-zakovat egasi, uquvli-teran fikrli inson, iymonli, diyonatli shaxs, aniq dunyoqarashga; mustahkam e’tiqodga ega bo‘lgan ziyoli, milliy mafkuraning jonkuyari, targ‘ibotchisi sifatida ijtimoiy katta hayotga yo‘llanma oladi.

O‘quvchi-o‘spirinlik, ilk yoshlik davri o‘zining mahsuldorligi, refleksiv (*anglashilganlik, ongli rejalashtira olishlik*) xususiyati bilan boshqa yosh davridagi odamlardan o‘ziga xos ravishda ajralib turadi. O‘quvchilik yillari ijodiy izlanishlar, aql-zakovat zaxiralarini ishga sola bilish, aqliy qobiliyatni safarbar qilish imkoniyatlariga ega bo‘lgan shaxsning yetuklik davri hisoblanadi. Xullas, ushbu yosh davrda tafakkur sermahsul, sermazmun bosqichga ko‘tarilib, yaratish, ixtiro, ijod va kashfiyot qilish arafasida turadi.

XULOSA

O‘quvchilar o‘quv predmetlari, fan asoslarini egallash faoliyatida ijodiy mahsulot berish uchun tinimsiz harakat

qiladilar. Ularning bilishga, bilim olishga undovchi mayllari turg‘un, mustahkam va barqaror qiziqishga aylana boradi, badiiy ijodiyot va ilmiy-tadqiqot bobida dastlabki ezgu-niyatlari, orzularini ushatishga intiladilar. Jumladan, adabiy ta’limda o‘quvchilar badiiy ijod bilan, tabiiy-matematika fan sohasidagilar esa kuzatish va tajriba o‘tkazish bilan, tarixchi-arxeolog o‘quvchilar ijtimoiy turmush solnomalarini ochish bilan shug‘ullana boshlaydilar. Hatto o‘quvchilar o‘zlarining aqliy mehnati mahsullari bilan olimpiada, ilmiy-amaliy anjumanlarda, ixtirochilar va ratsionalizatorlar konkurs-tanlovlarida muvaffaqiyatli qatnasha oladilar. Bularning barchasi tafakkur yordami bilan chiqariladi, moddiy borliqni yanada aniqroq ifodalash, yaratish faoliyatlarida faol qatnashish uchun intilish, muammoli holat va vaziyatlarni hal qilish (echish) jarayonlarining mahsuli sifatida namoyon bo‘ladi. Bu va standart bo‘lmagan muammoli, boshqotirar topshiriqlarni yechish ijodiy fikr yuritishni, sermahsul vositalardan foydalanishni taqozo qiladi.

Umumiy o‘rta maktabda o‘zlashtirilgan nazariy bilimlarni o‘zlashtirish, targ‘ib qilish ham *o‘quvchilik davriga xos xususiyatlar*dan biridir. Nazariy va amaliy, ijodiy va diskursiv, fazoviy tafakkur bilan qurollangan o‘quvchilar omma o‘rtasida ilm-ma’rifatni yoyish ishida faol ishtirok qilmoqdalar.

Shunday qilib, o‘quvchilar narsa va hodisalar, voqelikni to‘g‘ri, oqilona, omilkorlik bilan aks ettirish, ijtimoiy hayot talabi va ehtiyojlarini anglash, ongli ravishda fikr yuritish faoliyatini tashkil qilish va boshqarish imkoniyatiga egadirlar. Ularda ta’lim jarayonida tafakkurning ***diskursiv*** (*lot. – mulohaza yuritish*) va ***refleksiv*** sifatlarini shakllantirish ilmiy, ijodiy tafakkurni vujudga keltiradi. Buning uchun ularni mustaqil bilim olish faoliyatini to‘g‘ri uyushtirish va boshqarishga o‘rgatish yuksak samaraning kafolatidir.

REFERENCES

1. Avlaev O. U. Talabalar kamolotida ijtimoiy intellektning gender farqlari. “Psixologiya” ilmiy jurnal. 2021. № 1, 34-41 betlar.
2. Avlaev O., Butaeva U. Shaxs kamolotining psixologik determinant. Xalq ta’limi lmiy-metodik jurnali. 2021. № 6, 87-92 betlar.
3. Sherzod Ibroim Ogli Ibroimov, & Maxina Anarbayevna Usmanova (2021). GEOGRAFIYANI O’QITISHDA OG`ZAKI BAYON QILISH METODLARI. Academic research in educational sciences, 2 (10), 961-970.
Sherzod Ibroim Ogli Ibroimov, & Munisa Maxkambayevna Fatxullayeva (2021).
4. MAKTABGACHA TA’LIM YOSHIDAGI BOLALARNI TABIAT BILAN TANISHTIRISH. Academic research in educational sciences, 2 (10), 1148-1157.

Иброимов, Ш. И. Ў. Амударё ҳозирги дельтасининг рельеф структураси ва мелиоратив тадбирлар / Ш. И. Ў. Иброимов // Экономика и социум. – 2021. – No 4-2(83). – P. 1115-1119. – EDN OPOOVD.

5. Barduhn, S. (2014). Developing cross-cultural awareness in the monolingual classroom. Teaching English, British Council, BBC. https://www.teachingenglish.org.uk/article/developing-cross-cultural-awareness monolingual-classroom

6. Butaeva U., Avlaev O., Abdumannotova N. Scientific and practical studies of psychological maturity of students./ Journal of critical reviews. JCR. 2020; 7(12): 3063-3070 doi: 10.31838/jcr.07.12.463

7. Burkhanov A., Avlaev O., Abdujalilova Sh. Responsibility as a criterion for determining personal maturity/ E3S Web of Conferences 2021.

8. Urazbaev A.K., Rajabov F.T., Ibroimov Sh.I. (2022), Methodological basis for using the relief plastic method in studying natural and economic systems of reservoir basins, Central Asian journal of the geographical researches, No 1-2, pp. 29-36.

IMOM BUXORIY MEROSINING MA'NAVIY AHLOQIY AHAMIYATI.

Xurshid O'lmasjonovich Samatov
TATU Samarqand filiali, dotsent

Bunyodbek Shoirovich Ro'ziyev
TATU Samarqand filiali talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada buyuk muhaddis Imom Buxoriyning hayot yo'li va uning asarlari, hadislari haqida fikr yuritilgan .

Kalit so'zlar: Imom Buxoriy,hufoz,hadis,ta'lim ,fiqh ,muhaddis.

KIRISH

Imom Buxoriy hadis ilmining rivojida oltin davr hisoblangan hijriy uchinchi (milodiy to‘qqizinchi) asrda hadisshunoslikda katta muvaffaqiyatlar qo‘lga kiritilgan. Chunonchi, butun islom dunyosidagi eng nufuzli manbalar deb tan olingan oltita ishonchli hadislar to‘plamining (as-sihoh as-sitta) mualliflari yashab ijod qilganlar. Yana shunisi diqqatga sazovorki, mazkur olti muhaddisning deyarli hammasi Markaziy osiyolik bo‘lib, ular: Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy, Imom Muslim ibn al-Hajjoj (206/819 – 261/874), Abu Iso Muhammad ibn Iso at-Termiziy (209/ 824 – 279/892), Imom Abu Dovud Sulaymon Sijistoniy (202/817 – 275/880), Imom Ahmad An-Nasoiy (215/830 – 303/915), Imom Abu Abdulloh Muhammad ibn Yazib ibn Mojja (209/824 – 273/886) kabi siymolardir. Shular ichidan “Hadis ilmida amir al-mo‘miniyn” degan sharafli nomga sazovor bo‘lgan Imom al-Buxoriy alohida e’tiborga molik buyuk olimdir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Uning to‘liq ismi Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil ibn Ibrohim ibn al-Mug‘iyra ibn Bardazbeh al-Juafiy al-Buxoriy bo‘lib, u hijriy hisobda 194 yil shavvol oyining 13-kuni (810 yil 20 iyul)da Buxoro shahrida tavallud topgan. Boshqa ko‘pgina olimlardan farqli o‘laroq al-Buxoriy tug‘ilgan sana aniq ko‘rsatilishiga sabab shuki, uning otasi Ismoil o‘z davrining ilmli odamlaridan bo‘lib, o‘g‘lining tug‘ilgan kunini o‘z qo‘li bilan yozib ketgan qog‘oz zamondosh olimlar ixtiyoriga yetgan va shu xususda ham uning aniqligiga hech shubha yo‘q. Al-Buxoriy yoshligidayoq otasi vafot etib, onasi tarbiyasida o‘sgan. U yoshligidan aql-idrokli, o‘tkir zehnli va ma’rifatga

havasi kuchli bo‘lib, turli ilm-fanlarni, ayniqsa, hadis ilmini zo‘r qiziqish bilan egallaydi. Manbalarda ko‘rsatilishicha, u o‘n yoshidan boshlab o‘z yurtidagi turli rivoyatchilardan eshitgan hadislarni, shuningdek, Abdulloh ibn al-Muborak va Vakiy kabi olimlarning hadis to‘plamlarini mutolaa qilib, yodlagan, ustozi Shayx Dohiliy bilan hadis rivoyatchilari haqidagi qizg‘in bahslarda qatnashgan. 825 yili o‘n olti yashar al-Buxoriy onasi va akasi Ahmad bilan Hijozga qarab yo‘l tutadi, muqaddas shaharlar Makka va Madinani ziyorat qilib, olti yil Hijozda yashab, hadis ilmidan o‘z bilimini yanada oshirish maqsadida o‘sha paytda ilm-fanning yirik markazlaridan hisoblangan Damashq, Qohira, Basra, Kufa, Bag‘dod kabi shaharlarda yashab, u joylardagi mashhur olimlardan hadis bilan bir qatorda fiqh ilmidan ham ta’lim oladi, yirik olimlar davrasida ilmiy bahslaru munozaralarda qatnashadi va ilm toliblariga dars ham beradi. Imom al-Buxoriy hayotining ko‘p qismi xorijiy ellarda, musofirchiliqda o‘tadi. Bu haqda uning o‘zi: “Misr, Shom, Mesopatamiyaga ikki martadan, Basraga to‘rt marta borganman. Hijozda olti yil yashaganman, Bag‘dod va Kufa shaharlariga necha marta borganim hisobini bilmayman”, degan ekan. U safar chog‘ida ham, bir shaharda muqim turganda ham ilmini oshirish borasida tinimsiz ishlar, to‘plagan hadislarini oqqa ko‘chirar edi. Muallifning yozishicha, Bag‘dodda istiqomat qilgan paytda ko‘pincha oyning nurida ijod qilib, qorong‘i kechalarda sham yorug‘ida kitob yozar ekan.Ilm oshirish maqsadida al-Buxoriy juda ko‘plab olimlardan ta’lim oladi. Nishopurlik al-Hakimning (1015 yilda vafot etgan) yozishicha, ustozlarining soni to‘qsontalar atrofida bo‘lib, ular: Muhammad ibn Yusuf al-G‘aryobiy, Ubaydulla ibn Musa al-Abasiy, Abu Bakr Abdulla ibn az-Zubayr al-Hamiydiy ibn Rohaviyh nomi bilan mashhur bo‘lgan Imom Is’hoq ibn Ibrohim, Imom Ahmad ibn Hanbal, Ali ibn al-Madaniy va boshqalardir.

O‘z navbatida al-Buxoriy ham ko‘pgina shogirdlariga ustozlik qilgan. Is’hoq ibn Muhammad ar-Ramodiy, Abdulloh ibn Muhammad al-Masnadiy, Muhammad ibn Xalaf ibn Qutayba, Ibrohim al-Harbiy, Abu Iso at-Termiziy, Muhammad ibn Nasr al-Marvaziy, Muslim ibn al-Hajjoj kabi yetuk olimlar uning shogirdlaridir.

Termizlik mashhur muhaddis Abu Iso at-Termiziy al-Buxoriyga ham shogird, ham safdosh hisoblanib, ularning o‘zaro munosabatlari ibratli bo‘lgan. Uzoq yillar Sharqning turli-tuman mamlakatlariga safar qilgandan keyin umrining oxirlarida al-Buxoriy besh (863 – 868) yil Nishopurda yashab, madrasada hadis ilmidan dars bergan. O‘sha paytda Nishopur musulmon Sharqidagi eng yirik ilmiy markazlardan biriga aylanganligi sababli ko‘p mashhur olimlar shu shaharda to‘plangan edilar. Al-Buxoriyning at-Termiziy bilan uchrashuvi ham Nishopurda yuz berib, diyorimizdan chiqqan ikki mashhur muhaddis o‘rtasida unutilmas, qizg‘in ilmiy bahslar, ko‘pdan-ko‘p ijodiy, do‘stona

uchrashuvlar bo‘lib o‘tadi. At-Termiziyning yozishicha, u o‘z asarlari uchun ko‘p ma’lumotlarni al-Buxoriy bilan uchrashuvlaridan olgan. Shu bilan birga al-Buxoriy ham at-Termiziyning bilimini yuqori baholab: “Men sendan ko‘rgan foyda sen mendan ko‘rgan foydadan ortiqroq”, deb unga nisbatan chuqur hurmatini bildirgan. At-Termiziy o‘z ustozi va safdoshi al-Buxoriyni butun umri davomida hurmatlab, unga samimiy sadoqatda bo‘lgan. Arab tarixchisi Shamsuddin az-Zahabiyning (1274 – 1374) “Tazkirat ul-Hufoz” (“Hofizlar haqida tazkira”) nomli asarida yozishicha, at-Termiziy o‘z ustozining vafoti tufayli qattiq qayg‘uga botib “ko‘p yig‘laganidan hatto ko‘zlari ko‘r bo‘lib qolib, uzoq yillar ko‘zi ojiz holda yashadi”.

Imom al-Buxoriy nafaqat yirik olim, balki o‘zining go‘zal xulq-atvori, odamoxunligi, muruvvatliligi, himmatliligi va beqiyos saxovatliligi bilan boshqalardan tamomila ajralib turgan. U zehni o‘tkirligi va yodlash qobiliyatining kuchliligi bilan ham xalq orasida g‘oyat shuhrat qozongan. Manbalarda al-Buxoriyning 600 mingga yaqin hadisni yod bilgani qayd qilingan.Imom al-Buxoriy xorijdan qaytgach, o‘z vatani Buxoroda ko‘plab shogirdlar va ulamolarga hadis ilmidan saboq berish bilan mashg‘ul bo‘ladi. Ko‘pchilik uni hurmat qilgan, ammo ba’zi hasadgo‘y, qora niyatli kishilar al-Buxoriyni ko‘rolmas edilar. Natijada hasadgo‘ylarning xatti-harakati tufayli Buxoro amiri Xolid ibn Ahmad az-Zuhaliy bilan al-Buxoriyning aloqasi buzilib qoladi. Bunga sabab, amir olimdan huzuriga kelib “Al-jome’ as-sahih”, “At-ta’rix” kitoblarini o‘qib berishni talab qiladi. Lekin al-Buxoriy “Men ilmni xor qilib, uni hokimlar eshigi oldiga olib bormayman, kimga ilm kerak bo‘lsa, o‘zi izlasin. Lekin Alloh oxirat kuni ilmni yashirmay uni toliblarga sarf qilgani uchun meni kechiradi”, degan javobni aytadi. Amirga javob yoqmay, fitnachi, bo‘htonkor shaxslarning gapiga kirib al-Buxoriyga shaharni tark etishni buyuradi. Shundan keyin al-Buxoriy Samarqandga qarab yo‘l oladi va birmuncha muddat Xartang qishlog‘ida o‘z shogirdlari va qarindosh-urug‘larinikida yashagandan keyin og‘ir kasalga chalinib, hijriy 256 yil (melodiy 870 yil 1 sentyabr) 60 yoshida vafot etadi va shu yerda dafn qilinadi.

Imom al-Buxoriy avlodlarga boy va qimmatli ilmiy meros qoldirgan bo‘lib, u yozgan asarlarning soni yigirmadan ortiqdir. Ulardan “Al-jome’ as-sahih”, “Al-adab al-mufrad”, “At-ta’rix as-sag‘ir”, “At-ta’rix al-avsot”, “At-ta’rixal-kabir”, “Kitob al-ilal”, “Barr ul-volidayn”, “Asomi us-sahoba”, “Kitob al-kuna” va boshqalarni ko‘rsatish mumkin. Buyuk allomaning eng muhim asari, shubhasiz, “Al-jome’ as-sahih”dir. Bu asar “Sahiyh al-Buxoriy” nomi bilan ham mashhur. Uning g‘oyat ahamiyatli tomoni shundaki, Imom al-Buxoriygacha o‘tgan muhaddislar o‘z to‘plamlariga eshitgan barcha hadislarini tanlab o‘tirmay qatorasiga kiritaverganlar. Imom al-Buxoriy esa turli

roviylardan eshitgan hadislarni tabaqalarga bo‘lib, ularning ishonchlilarini ajratib, alohida kitob yaratdi.Alloma ibn Salohning ta’kidlashicha, al-Buxoriyning bu asariga kiritilgan ishonchli hadislarning soni takrorlanadiganlari bilan birga 7275 ta bo‘lib, takrorlanmaidigan holda esa 4000 hadisdan iborat. Bu sharafli ishni birinchi al-Buxoriy boshlab bergan bo‘lib, keyin qator olimlar unga taqlid qilib, shu zaylda hadislar to‘plamini yaratganlar. Imom al-Buxoriyning ushbu yirik asari yozilganiga taxminan 1200 yil bo‘ldi, o‘sha davrdan boshlab toki shu vaqtgacha u islom ta’limotida Qur’ondan keyingi ikkinchi o‘rinda turadigan muhim manba sifatida yuqori baholanib kelinmoqda.

XULOSA

1974 yilda O‘rta Osiyo va Qozog‘iston musulmonlari Diniy boshqarmasi tashabbusi bilan jumhuriyatimizda butun islom dunyosi vakillari ishtirokida allomaning 1200 yillik yubileyi nishonlangan edi. Uning shoh asarlari hisoblanmish “Al-Jome’ as-sahih” va “Al-adab al-mufrad” kitoblari Toshkentda qaytadan nashr qilinishi al-Buxoriy merosini o‘rganishda katta ahamiyatga ega bo‘ldi. Toshkentdagi diniy oliy ma’hadning Imom al-Buxoriy nomi bilan atalishi bundan o‘n ikki asr muqaddam ilm-fan yo‘lida beqiyos katta xizmat qilgan buyuk olimga chuqur hurmat-etiborning ramzidir. Allomaning Xartang qishlog‘ida joylashgan salobatli maqbarasi eng obod va ko‘rkam qadamjolardan biri sifatida ardoqlanib, islom ahli va barcha mehmonlar uchun tabarruk ziyoratgoh sifatida mashhurdir. 1998 yilda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti formoni bilan buyuk hadisshunos allomaning 1225 yillik tavallud kuni keng jamoatchilik tomonidan katta hurmat va ehtirom ila nishonlanib, uning maqbarasi qayta qurildi.

REFERENCES

1. Ma’naviyat yulduzlari” (Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, Toshkent, 1999) kitobidan olindi.
2.Axloq-odobga oid hadis namunalari.-Toshkent:’’Fan’’1990-yil 32-bet .
3.Axloq-odobga oid hadis namunalari.-Toshkent;’’Fan’’ 1990-yil 106-bet.

ҒЎЗАНИНГ НАВ ВА ЛИНИЯЛАРАРО F_4 ДУРАГАЙ ЎСИМЛИКЛАРДА ЧАНГЧИНИНГ ПУШТЛИЛИК ДАРАЖАСИ

Ш. У. Бобохужаев, Б. Х. Аманов, Э. Файзуллаева
Чирчиқ давлат педогогика университети

АННОТАЦИЯ

Ғўзанинг (F_4АнгорхСурхон-14, F_4Т-2017хИлотон, F_4Т-2005хСурхон) иштирокида чатиштириб олинган F_4 дурагайларида чангчини пуштлиги даражаси таҳлили олиб борилди. Изланишлар давомида 13 та оилалар фақатгина битта оилада паст кўрсаткичга 97,85±0,45% эга бўлди, чангчиларни пуштлилик даражаси пастлигини кўрсатди билан ажралиб турди.

Калит сўзлар: ғўзани навлар дурагай,оила, линия, чангчи, пуштлилик даражаси.

КИРИШ

Маълумки, ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда экилаётган ғўза навлари, асосан, геномичи дурагайлари ва навлараро чатиштириш орқали яратилган бўлгани учун, уларга хос қимматли-хўжалик белгиларини, селекцион услублардан фойдаланган ҳолда, тубдан ўзгартириш қийин. Мураккаб ғўза турлараро 3-4-5 турларни чатиштириш тадқиқотларида ғўзанинг (иккита тетраплоид тури G.hirsutum L., G.barbadense L., ва учта диплоид турлари G.arboreum L., G.thurberi Tod., ва G.raimondii Ulbr.) ушбу турлар асносида янги дурагай оилалар, линиялар ва ғўза навлари яратилган бўлиб улар ғўзанинг генетик селекцион тадқиқотларда бошланғич материал сифатида хизмат қила олиши мумкин [2,3]. Ғўзанинг G. hirsutum L. туричи хилма-хилликларининг ҳамда G. mustelinum Miers ex Watt. турининг ва шу билан бирга уларнинг ўзаро F_1 ва F_2 авлод дурагайларида чанг ҳаётчанлигини ўрганган ҳолда, G. hirsutum L. турининг ёввойи, ярим ёввойи ва маданий хилма-хилликларида асосан юқори кўрсаткичлар қайд қилиниб, бунда туричи хилма-хилликлари 95,8% дан то 99,1% гача бўлган натижаларни намоён қилган [6].

Маълумки, ғўза турлари чангдонлари ва чангдондаги чанг доначаларининг сонини аниқлаш орқали генетик қардошлигини ҳамда алоҳида мустақил тур эканлигини кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади [1,4,5].

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБЛАРИ

Тажрибалар 2022 йилда Чирчик Давлат Педогогика Университети Табиий фанлар факультети қошидаги “Молекуляр биология ва биоинформатика” илмий лабораториясида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида G.Barbadense L. турига мансуб навлар (Ангор, Сурхон-14, Илотон, Т-2005, Т-2017) навлар узаро чатиштириб олинган (F_4Ангор х Сурхон-14, F_4 Т-2017 х Илотон, F_4Т 2005 х Сурхон) авлодларни оилаларга ажратган 13 та оилаларни дурагай комбинациялардан фойдаланилди. Дурагай ўсимликларни чангчиси пуштлиги Санамьян услуби ёрдамида чанг доналарини бўялди (Санамьян, Мусаев, 1990) ва олинган натижалар “Pollen” дастури ёрдамида статистик таҳлил қилинди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ

Ацетокармин ёрдамида чанг доналарини бўялиши натижасида 15 та F_2 дурагай-комбинацияларда юқори пуштлилик даражаси аниқланиб (97,85±0,45 дан 99,20±0,30 гача), қолган битта F_4Ангор х Сурхон-14 (2чи-олилада) (97,85±0,45) ва дурагайлари кам миқдорда пуштлилик даражаси билан ажралиб турди. Чанг ҳужайраларни кам пуштлилик даражасига эга бўлиши ташқи муҳит омиллари таъсирининг натижаси бўлиши мумкин (1-расм, 1-жадвал).

1-жадвал

Чатиштириш варианти	Материал	Умумий чангчилар сони	Пуштли чангчилар, %	Пуштсиз чангчилар, %
F_4Ангор х Сурхон-14	1-оила	1053	98,20±0,41	1,80±0,41
	2-оила	1022	97,85±0,45	2,15±0,45
	3-оила	1132	98,85±0,32	1,15±0,32
	4-оила	1016	98,82±0,34	1,18±0,34
	5-оила	1112	98,92±0,31	1,08±0,31
F_4Т-2017 х Илотон	1-оила	931	99,36±0,26	0,64±0,26
	2-оила	869	98,85±0,36	1,15±0,36
	3-оила	969	99,17±0,29	0,83±0,29
	4-оила	874	99,20±0,30	0,80±0,30
F_4Т- 2005 х Сурхон	1-оила	971	98,87±0,34	1,13±0,34
	2-оила	912	98,36±0,42	1,64±0,42
	3-оила	1003	98,40±0,40	1,60±0,40
	4-оила	937	98,51±0,40	1,49±0,40

Ғўзанинг G.barbadense L. турига мансуб нав ва линияларапо F_4 дурагай ўсимликларда чангчининг пуштлилик даражаси



А Б

Г Д

Ғўзанинг G.barbadense L. турига мансуб нав ва линияларарo F_4 дурагай ўсимликлардаги бўялган ва бўялмаган чангчининг пуштлили: а-б) F_4Ангор х Сурхон-14; г-д) F_4Т-2005хСурхон.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, ушбу F_4 дурагай оилаларда чангчиларнинг пуштлилик даражаси юқори бўлиб, фақатгина 2 та дурагай-комбинацияларда чангчиларнинг пуштлилик даражаси паст эканлиги аниқланиб, бундай пасайиш хромосома коънюгациясида бузилишлар содир бўлганлигидан далолат беради ҳамда ушбу дурагай-комбинацияларнинг кейинги бўғинларида цитогенетик тадқиқотларни давом эттириш тавсия этилади.

REFERENCES

1. Аманов Б.Х. Перу ғўза турларининг генетик хилма-хилликлари ва морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши.: Б.ф.н. дисс.- Ташкент. 2010.- Б. 34-42.
2. Бобоев С.Ғ., Муратов А., Намозов Ш.Э. Ғўзанинг кўп геномли турлараро дурагайларида эртапишарлик белгисини шаклланиши // Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликлари

эволюцион ва селекцион қирралари номли халқаро илмий конф. материаллари. Тошкент. ФАН. 2005. С.31-32.
3. Бобоев С., Намазов Ш.Э., Муратов А. Ғўзанинг янги кўп геномли турлараро дурагайларида тола сифат кўрсаткичларининг ирсийланиши // Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития: Материалы Международной научно-практической конференции. Ташкент. 2006. С.67-68.
4. Курязов З.Б. Афро-Осиё ғўза турларининг ўзаро генетик қардошлиги ва Америка ғўзаси G. raimondi Ulbr. билан бўлган филогенетик муносабатлари.: Автореф. дис. канд. биол. наук.-Тошкент: ЎзР ФА ГваЎЭБИ. 2002.- Б. 12-13.
5. Мўминов Х.А. Афро-Осиё ғўзаси (G.herbaceum L.) туричи намоёндалари ва уларнинг F_1 ўсимликларида битта гулдаги чангдонлар сони кўрсаткичлари // Қишлоқ хўжалик экинлари агробиологияси ютуқлари, муаммолари ва истиқболлари: Респ. ил.-амал. конф. мат.- ЎзР ФА ГваЎЭБИ, 5 июн 2015.- Тошкент: Фан. 2015.-Б. 212-214.
6. Рафиева Ф.У., Эрназарова З.А. G. hirsutum L. Туричи хилма хилликлари ва G. mustelinum Miers ex Watt. тури иштирокида олинган F_1 ва F_2 авлод дурагайларида чанг ҳаётчанлиги // “Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари. Халқаро ил.ам.конф. ПСУЕАИТИ, 15-16 декабрь 2016.- Тошкент: 2016 йил. Б.146-149.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI ERKIN SHAXSIYAT EGALARI ETIB TARBIYALASHDA MAKTABGACHA TA`LIM TASHKILOTINING O`ZIGA XOS AHAMIYATI.

Nilufar Sultonova
Jizzax davlat pedagogika universiteti magistri

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarni erkin shaxsiyat egalari etib tarbiyalashda maktabgacha ta`lim tashkilotining o`ziga xos ahamiyoti haqidagi masalalar muhokama qilinadi.

**Kalit so`zlar**: Maktabgacha ta`lim tashkiloti, rivojlanish markazlari, pullik xizmat, musiqa, sport,

KIRISH

Hayotimizni bolalarni kulgusisiz tasavvur eta olmaymiz.Farzandlarimizni baxtli kelajagi ustuvor maqsadimizdir.Zero,bolaning sog`lom,keng dunyoqarash va erkin shaxsiyatini rivojlantirish, uning qobiliyatlarini ko`rsatib berish va bilimga bo`lgan mehrini uyg`otishda maktabgacha ta`lim tashkiloti muhim ahamiyot kasb etadi.

ADABIYOTLAR TAXLILI VA METODOLOGIYA

Shu boisdan ham prezidentimiz tomonidan chiqarilayotgan qarorlar va farmonlar bejizga emas.Shunday farmonlardan biri “Maktabgacha ta`lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to`g`risida” gi PF-5198 bo`lib, unda xorijiy davlatlar ilg`or tajribasining tahlili zamonaviy maktabgacha ta`lim muassasalarida maktabgacha yoshdagi bolalarni rivojlantirish uchun sharoitlarni yaratishga yo`naltirilganligi bilan tavsiflanib, bolaning ijobiy ijtimoylashuvi imkoniyatlarini namoyon qilish, uning har tomonlama shaxsga oid ma`naviy-axloqiy va ongli rivojlanishi, maktabgacha yoshga oid tegishli faoliyat turlari asosida tashabbuskorligi va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga, muloqot doirasida katta yoshdagilar va tengdoshlari bilan hamkorlik qilish imkoniyatlarini ochishga qaratiladi .[1]

Qolaversa, maktabgacha ta`lim vazirligi o`z oldiga - maktabgacha yoshdagi bolalarni har tomonlama intellectual,axloqiy – estetik va jismoniy rivojlantirish, olamni teran idrok qilishi uchun shart-sharoitlar yaratish, milliy - madaniy qadriyatlarni aks ettiruvchi va

bolalikdan kitob o`qishga qiziqishini oshirish maqsadida maktabgacha ta`lim tashkilotlarini har tomonlama rivojlantirish, o`yinlar to`plamlari,mebel, jihozlar va boshqa reablitatsiya vositalari bilan ta`minlashni bugungi kundagi oliy maqsadlaridan biridir deb hisoblaydi.[2]

NATIJALAR

So`zlarimning yaqqol dalili sifatida bugungi kundagi zamon talablariga to`liq javob beraoladigan maktabgacha ta`lim tashkilotlarining mavjudligi quvonarli holdir.Zamonaviy maktabgacha ta`lim tashkiloti qanday bo`lishi kerak degan savol tug`iladi albatta.Meningcha, zamon talablariga javob beradigan maktabgacha ta`lim tashkiloti, har jihatdan – moddiy texnik bazasi, ta`lim – tarbiya, pedagoglarning bilim salohiyati va bolalarning maktab ta`limiga sifatli tayyorligida belgilanadi. Axborot komunikatsiya shiddat bilan rivojlanayotgan davrda yashayotganligimizni teran anglagan maktabgacha ta`lim tashkiloti barcha tarbiyachi-pedagoglari zamonaviy axborot komunikatsiya texnologiyalarini o`z o`rnida qo`llay olmog`i va kunlik faoliyatlari jarayonlarini multimedia, slayd va video roliklardan foydalangan holda olib borishlari lozimdir.

MUXOKAMA

Bundan tashqari maktabgacha ta`lim tashkilotida pullik xizmat ham tashkil etilib, unda bolalarning bo`sh vaqtlari samarali uyushtirilishi, rivojlanish sohalari asosida bilimlarini oshirib, ijodiy va badiiy qobiliyatlarini sayqallab borishlari lozim.Maktabgacha ta`lim tashkilotida barcha yosh guruhlarida tashkil etilgan rivojlanish markazlaridagi jarayonlar bolalarning doimiy ravishda yangi bilimlarni o`zlashtirishga , mustaxkamlashga yordam beradi.Undagi o`yinlar to`plamlari, didaktik, o`quv metodik qo`llanmalar, badiiy adabiyotlar va ko`rgazmali qurollardan tarbiyalanuvchilar bemalol foydalana olishi ularning ertangi kunda har tomonlama intellectual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish, olamni teran idrok qilaoladigan va bolalikdan kitob o`qishga mehr bilan ulg`ayadigan etib tarbiyalashga ko`mak beradi.

Maktabgacha ta`lim tashkilotida issiqxonlar tashkil etilsa bu yana ham yaxshi natijalar beradi.Masalan, bolalar issiqxonalarda o`zlari mehnat qilib,o`z qo`llari bilan poliz ekinlar va sabzavotlar, rezavorlarni tarbiyachilar yordamida ekishsa bu ilm, fan va tabiat markazlarida ishlash jarayonlarini yana ham zavqli va mazmunli o`tishini ta`minlaydi hamda Vatanga mehr – muhabbat, ona tabiatga g`amxo`r, o`z ishiga mas`uliyatli va irodali, mehnatsevar bo`lib ulg`ayishiga zamin bo`ladi.

Musiqa xonalari – zamon talablariga javob beradigan musiqiy asbobar bilan ta`minlangan bo`lishi kerak. Mazkur musiqa asboblari orqali bolalar musiqiy ta`lim – tarbiya oladilar,hamda o`z ijodlarini ko`rsata bilishlari va qalban musiqani his qilaolishlari, Vatanga muhabbat, estetik didni shakklantirish uchun musiqaning hissasi beqiyosdir.

Sport mamlakatni dunyoga tanitadigan va yurtni ulug`laydigan sohalardan biri ekanligi hech birimizga sir emas albatta. Shu tufayli ham hozirgi vaqtda sportga e`tibor kattadir.Bu e`tiborni esa maktabgacha yoshdan boshlasak maqsadli bo`ladi,axir aytishadiku ta`lim – tarbiya qancha tez boshlansa natijasini ham shunchalik tez ko`rsatadi deb. Shuning uchun maktabgacha ta`lim tashkilotida sport zallarining bolalar yoshi va ularning imkoniyatlarini hisobga olgan holda jixozlanishi bugunning talabidir.

XULOSA

Xulosa o`rnida shuni aytish kerakki, Yunon faylasufi Suqrot “Tarbiya-murakkab ish, uning shart-sharoitlarini yaxshilash esa har bir kishining muqaddas burchlaridan biridir” deya ta`kidlagan edi o`z zamonasida. Shunday ekan, bugungi kunda yorug` kelajak atalmish katta yo`lni boshida turgan farzandlarimizni rivojlangan mamlakatlardagi do`stlari, tengdoshlaridan kam bo`lmay ulg`ayishlari o`z fikrlarini baralla aytaolishlari va qatiyat bilan turaolishliklari uchun davlatimiz tomonidan barcha shart – sharoitlar shak shubxasiz yaratilmoqda. Biz maktabgacha ta`lim sohasi pedagog-tarbiyachilari bunday shart –sharoitlarni hamda yurtboshimiz va maktabgacha ta`lim vazirligi tomonidan ko`rsatilayotgan e`tiborlari va g`amxo`rliklarini mashaqqatli, lekin sharafli kasbimizning fidoiysi bo`lib, Vatanimizning yorug` istiqboli yo`lida bor kuch va g`ayratimizni safarbar etmog`imiz lozimligini unutmasligimiz darkor.

REFERENCES

1. O`zbekiston Respublikasi prezidenti Farmoni “Maktabgacha ta`lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to`g`risida” gi PF-5198 2017-yil 30-sentyabr.[1]
2.O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining “Maktabgacha ta`lim va tarbiyaning Davlar standartlarini tasdiqlash to`g`risida”gi Qarori-802 2020-yil 22-dekabr[2].
3. F.Qodirova. Maktabgacha pedagogika – 2019yil. 430 bet.
4. F.Qodirova, Sh.Toshpo`latova, N.Kayumova, M.A`zamova..Maktabgacha ta`lim – metodikasi va nazariyasi jurnali 2020 yil/8-son.

INFLYATSIYANING MAMLAKAT IQTISODIY XAVFSIZLIGIGA TA'SIRI VA UNI BARTARAF ETISH CHORA-TADBIRLARI

G'iyosiddin Abdullayevich Safarov
Toshkent moliya instituti, dotsent

Zokirjon Olimjon o'g'li Bahodirov
Toshkent moliya instituti talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada inflyatsiya, uning mohiyati, turlari, ichki va tashqi omillari, inflyatsiya avj olishiga sharoit yaratuvchi omillar, inflyatsiyaning mamlakat iqtisodiy xavfsizligiga ta'siri, uni oldini olish hamda bartaraf etish bo'yicha chora tadbirlar majmui atroflicha yoritilgan.

Kalit so'zlar: Inflyatsiya, mamlakat iqtisodiy xavfsizligi, sudraluvchi inflyatsiya shiddatli inflyatsiya, giperinflyatsiya, talab inflyatsiyasi, taklif inflyatsiyasi, inflyatsiyaga qarshi kurash, inflyatsion targetlash, monetar siyosat, xo'jalik faoliyati, iqtisodiy inqiroz, kredit.

KIRISH

Har bir mamlakatda iqtisodiy inqiroz nafaqat bir odamga, balki butun aholisiga ta'sir qilishi mumkin. Natijalar hayotning barcha sohalariga zararli bo'lishi mumkin. Inflyatsiya nima ekanligini tushunish, inqirozning kamchiliklari va kamchiliklari va uni bartaraf etish mumkinmi, degan savolni beramiz. ***Inflyatsiya*** *- bu nima?*

Ushbu iqtisodiy davrda tovar va xizmatlar qiymatini oshirish degani. Inflyatsiya mohiyati shundan iboratki, ayni paytda uning boshlanishidan oldin bir xil pulga nisbatan mol-mulkni kamroq sotib olish mumkin bo'ladi. Moliyani sotib olish kuchi kamayganligini aytish mumkin va ular o'z qiymatining bir qismini yo'qotib qo'ydi. Bozor iqtisodiyotida bunday jarayon narxlarning ko'tarilishida o'zini namoyon qilishi mumkin. Ma'muriy choralar bilan narxlash bir xil bo'lib qolmoqda, ammo mahsulot guruhlari etishmasligi bo'lishi mumkin.

MAVZUGA OID ADABIYOTLAR TAHLILI

Inflyatsiya atamasiga bir qancha ta'rif berish mumkin. Umuman olganda inflyatsiya bu pulning qadrsizlanishi hisoblanadi. Bu ta'rifning mazmun mohiyatini yanada chuqurroq ifodalash maqsadida

iqtisodiyot fanlari nomzodi I.Sayfiddinovning so'zlarini keltirib o'tamiz:

- *Inflyatsiya* – bu, ijtimoiy ishlab chiqarish rivojlanishida yuzaga keluvchi disproporsiyalar sababli tovarlar va xizmatlar bahosining umumiy yoki to'xtovsiz o'sishi natijasida pul muomalasi qonunining buzilishi va pul birligining qadrsizlanishidir.

TADQIQOT METODOLOGIYASI

Tadqiqot jarayonida statistic, analitik, qiyosiy, kuzatuv, induktiv, deduktik, mantiqiy, monitoring, ekspress – baholash va boshqa tahlil usullaridan foydalanildi. O'rganilgan adabiyotlar natijasida mavzu to'liq yoritib berildi.

TAHLIL VA NATIJALAR

Muomalada qog'o pullar va tanga pullarning mavjudligi inflyatsiyani vujudga keltiruvchi iqtisodiy kategoriyalardan biri hisoblanadi. "Inflyatsiya" termini – lotincha "*inflation*" so'zdan olingan bo'lib – "shishirilgan", "bo'rttirilgan", "ko'pchigan" degan ma'nolarni anglatadi. Inflyatsiyaning iqtisodiy mohiyati muomaladagi naqd pullarning sotib olish qobiliyatining pasayishi, tovarlar va xizmatlarning bahosini o'sib borishini anglatadi. Bu so'z XIX asrning o'rtalaridan boshlab iqtisodchilar tomonidan iqtisodiy termin sifatida ishlatilgunga qadar, u tibbiyotda xavfli o'sma kasalligini ifodalashda qo'llanilgan. Tarix haqiqatdan ham bu so'zning har tomonlama xavfli ekanligini ko'rsatdi. Chunki inflyatsiya qandaydir alohida olingan bozorlarda tovarlar va xizmatlar narxining o'sishidangina iborat bo'lmasdan, bu umumiqtisod uchun xavfli hodisadir. Inflyatsiya so'zining iqtisodiy o'girtmasi – muomalada mavjud bo'lgan tovarlar va ularning bahosiga nisbatan ko'p pul chiqarish degan ma'noni anglatadi. Agar tarixga e'tibor beradigan bo'lsak, urush va boshqa ofatlar sababli boshqa xarajatlarning oshib ketishi, inflyatsiya bilan uzviy bog'liq. Masalan, Angliyada kuchli inflyatsiya XIX asrning boshida Napaleon bilan urush davrida, Fransiyada – fransuz revolyutsiyasi davrida, Rossiyada XIX asrning o'rtalarida namoyon bo'lgan. Germaniyada juda yuqori su'atlardagi inflyatsiya 1923 – yillarda bo'lib, muomaladagi pul massasi 496 kvintillion markagacha yetgan va pul birligi trillion marta qadrsizlangan. Bu tarixiy misollar ko'rsatadiki, inflyatsiya hozirgi davr jarayoni bo'lmasdan, balki tarixan mavjud bo'lgan jarayon bo'lib hisoblanadi. Inflyatsiya va uning rivojlanishi alohida olingan mamlakatda ma'lum xususiyatlarga ega bo'lishi mumkin. Hozirgi davr inflyatsiyasi, o'tgan davr inflyatsiyasidan farq qiluvchi xusuiyatlarga ega. Oldingi inflyatsiyalar vaqtinchalik bo'lib, ular odatda urush vaqtida harbiy xarajatlarni qoplash uchun qog'oz

IV-турдаги ўйинларни ушбу жадвалда қисқача таҳлил қилар эканмиз ўнг бурчак ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 77,1%, (6 м дан отилган тўплари ҳам ҳисобга олинган). Ўнг ярим ўрта ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самрадорли 75,4%, марказ ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 77,1%, чап ярим ўрта ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 72,1%, чап бурчак ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 75,6%, чизиқ ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 70,2% ни ташкил этдилар, қайд этилган натижаларни солиштрадиган бўлсак, самарадорлик тадқиқотдан кейин анчагина ўзгариш борлигини кўришимиз мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1) Мусобақа фаолиятида юқори малакали гандболчиларнинг ҳужум ҳаракатларини ўрганганимизда, кўплаб жамоалар ҳусусан Олмалиқнинг “ОКМК” жамоаси ҳам ҳужумдаги самарадорликни айнан гандболчилардаги чаққонлик сифатининг ривожланганлик даражаси юқори бўлганлиги сабабли қўлга киритишган.

Тадқиқотимизнинг сўнгида “ҚарМИИ” жамоасининг ҳужумдаги техник ҳаракатлари самарадорлигининг сезиларли даражада ўсганлигини гувоҳи бўлдик.

2) Тадқиқот ишлари Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг “ҚарМИИ” жамоаси гандболчиларида олиб борилган эди ва уларнинг дарвозага тўп отиш техник ҳаракатлари назорат қилинди ва натижалар ўзаро таққосланди.

3) Ўзбекистон чемпионатининг 2021 йил сарҳисобига кўра бизнинг “ҚарМИИ” жамоамиз совриндорлар қаторига кира олмади, лекин 2022 йилги Ўзбекистон чемпионатида муносиб иштирок этишни режалаштирган. “ҚарМИИ” жамоаси ҳозирги кунда якунланган чемпионатда йўл қўйилган хатолар устида иш олиб бормоқда ва бошланажак чемпионатга юқори спорт формасида боришни мақсад қилдилар. Мусобақаларга тайёргарлик даврида жамоа ўйинчиларини авваламбор махсус дастур асосида тайёргарлик кўришини ташкил қилиш ва шу дастур билан таништириш зарур деб ҳисоблайдилар.

REFERENCES

1. Бобомуродов Н. Ш. Физическая реабилитация борцов с нарушениями в позвоночнике у квалифицированных борцов //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 874-879.
2. Бобомуродов Н. Ш. Technique of Recording Technical and Tactical Actions in Fight Turon //Eastern European Scientific Journal. – 2018. – №. 4. – С. 16-19.
3. Бобомуродов Н. Ш. Юкори малакали курашчиларнинг техник-тактик харакатларини ривожлантириш методикаси //Педагогик таълим" Илмий-назарий журнал. Тошкент. – 2011.
4. Бобомуродов Н. Ш. Контроль и анализ действий в борьбе турон //Фан-спортга" илмий-назарий журнали. Тошкент. – 2011.
5. Бобомуродов Н. Ш. Физиологический подход в прогнозировании перспективности борцов-туронистов //МуРаллим х, ем узликсиз билимлендириу" илмий-методикалык журнал. Нукус.-2019. – 2019.
6. Халмурадов Р. Н., Махмудов В. В., Арисланов И. Т. О значимости использования информационных технологий в образовательном процессе по физической культуре учащейся молодёжи //Молодой ученый. – 2017. – №. 15. – С. 684-686.
7. Арисланов И. Т. Тактическая подготовка квалифицированных спортсменов по мини-футболу на основе специальных упражнений: состояние проблемы и перспективы ее решения //Fan-Sportga. – 2020. – №. 2. – С. 17-20.

8. Эрдонов О. Л., Махмудов В. В., Арисланов И. Т. Соревнования по мини-футболу как эффективное средство физического воспитания студентов технического вуза //Молодой ученый. – 2015. – №. 3. – С. 886.
9. Сафронов А. А., Арисланов И. Т. Динамика физического развития и физической подготовленности учащихся 5–6 классов //Молодой ученый. – 2013. – №. 7. – С. 455-458.
10. Курбонов И. К. Факторы, влияющие на подготовку к гандбольной тренировке: развитие скорости и подвижности спортсменов на соревнованиях //Вестник науки. – 2021. – Т. 1. – №. 6-1 (39). – С. 305-310.
11. Қурбонов И. К. Юқори малакали гандболчиларнинг рақабатдошлик фаолиятида самарали ҳаракатларни қўллаш //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 533-538.
12. Курбонов И. К. Педагогико-психологические аспекты профессиональной подготовки будущих спортивных тренеров //Вестник науки. – 2022. – Т. 3. – №. 3 (48). – С. 52-56.

QISQA MASOFAGA YUGURUVCHILARNING SPORT MASHG'ULOTLARINI RIVOJLANTIRISHNING USULLARI

Farxod Abdirayimovich Maxmatqulov
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti
f.maxmatqulov@mail.ru

ANNOTATSIYA

Maqolada malakali sprinterchilarning sport mashg'ulotlarini rivojlantirishning usullari yoritib berilgan. Mazkur ishda nazorat (NG) va tadqiqot (TG) guruhining natijalari tahlil, tajribadan olingan ma'lumotlar, xulosalar, adabiyotlar ro'yxati berilgan.

Kalit so'zlar: yugurish, qisqa masofalar, texnik tayyorgarlik, pedagogik eksperiment, mashg'ulot texnikasi.

KIRISH

Xozirgi kunda sprinterlar natijalari dinamikasi nafaqat o'ta murakkab ko'p qirrali kinematik tizimga ega bo'lgan periferik lokomotor tizimning ishi, balki markaziy asab tizimining turli darajalarida joylashgan harakatlarini boshqarishning markaziy mexanizmlari ishi bilan ham bog'liqdir.

Vegetativ markazlar mexanizmlarning bir qismi bo'lib, vosita va sensor tizim bilan bir qatorda vegetativ jarayon darajasining motor harakatlarining intensivligiga mos kelishini ta'minlaydi. Sensor markazlari ishlaydigan mushak guruhlarining quvvat va tezlik parametrlarini hal qiladi. Shunday qilib, raqobatbardosh masofani bosib o'tish tezligi butun vujudning funktsiyasi deb qaralishi kerak.

Shunday qilib, raqobatdosh masofada poyga tezligi umumiy tana funktsiyasi deb qaralishi kerak. Yugurish qadamlarining mukammal individual texnikasi - bu sportchining imkoniyatlaridan oshishning asosiy sharti xisoblanadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOOGIYA

Sprinterlarda yugurish bosqichlari texnikasi samaradorligi darajasini oshirishni ta'minlaydigan yangicha yondashuvlarni nazariy asoslash edi. Qisqa masofada quvib otish bosqichlarida texnikani takomillashtirish sharoitlarini aniqlash va o'quv tajribasida ushbu shartlarning samaradorligini tekshirishdan iborat edi.

Qisqa masofaga yuguruvchilarning mashg'ulot jarayonining samaradorligi, tananing yuklamalarga moslashish xolatini hisobga olgan holda, mashg'ulot yuklamalarini muntazam ravishda

nazorat qilish orqali tezlikni asta-sekin oshirib borishi bilan belgilanadi. Mushak ishining asosiy parametrlari - bu individual ritm va uni dam olish bilan almashtirish chastotasini hisobga olgan holda hajm va intensivlik bilan bog'liqdir. Mashg'ulot ishlarining hajmi va intensivligining maqbul nisbati, vosita funktsiyasini rivojlantirish jarayonini boshqarish usuli sifatida qaraladigan tana reaksiyasi xususiyatiga qarab aniqlanadi.

Mushak ishini kuchaytirishga moslashishning asosiy xususiyatlari orasida tana hajmining ichki muhit ko'rsatkichlari va tashqi ta'sir xarakterining o'zgarishi mos keladi. Adaptiv o'zgarishlar shoshilinch ta'sir bilan ajralib turadi. Teskor o'zgarishlarga mashg'ulot yuklamasi ta'sir qiladi va normal holatga keladi. Umumiy moslashish tana tizimlari faoliyatidagi sezilarli morfologik o'zgarishlar bilan barqarorlashadi. Bu mashg'ulot jarayonining uzluksizligini talab qiladi.

Tanada muntazam intensivlik va hajmdagi mashqlarni bajarish qobiliyatini oshiradigan muntazam mashg'ulot yuklamasi ta'sirida tegishli reaksiyalar paydo bo'ladi. Shuni yodda tutish kerakki, tana asta-sekin bir xil mashqlarga moslashadi va mashg'ulot effekti yo'qoladi, shuning uchun ishlash xolati va yuklamaning shiddati o'zgarishi kerak.

Sport mahoratining o'sishi uchun raqobatbardosh harakatlarning oqilona texnikasini o'rganish juda muhimdir. Birinchi mashqdan boshlab sprinter fizika qonunlari asosida harakatlarni amalga oshirishi kerak: tananing og'irlik markazini saqlab qolish zarurligi va yugurish paytida uning harakati, harakatlarning soni, boshqaruv elementlari va tana qismlarini joylashtirish burchaklari oyoqni tayanchga qo'yayotganda, itarish, uchish bosqichi va boshqalar.

Yugurish pog'onasining individual vaqt-makon va kuch-quvvat parametrlaridan eng kichik og'ish pastroq ishlash tezligiga olib keladi.

Mashg'ulot eksperimenti 17-21 yoshdagi 37 nafar sportchi bilan (birinchi, ikkinchi toifadagi sportchilar va nomzodlar) raqobat masofasida yugurish tezligini oshirishni nazarda tutilgan mashg'ulot sharoitlarini tekshirish uchun o'tkazildi. Sportchilar nazorat (NG) va tadqiqot (TG) guruhlariga bo'lingan - mos ravishda 18 va 19 kishi.

Tadqiqotdan oldin 150 metr masofada sportchilarning dastlabki jismoniy tayyorgarligi darajasi va 400 metrga yugurgan sportchilarning tezlik ko'rsatkichlarini aniqlash uchun test o'tkazildi. Tadqiqotda qayta ishlash ikkala guruhdagi sportchilarda sezilarli farqlarni aniqlamadi ($p > 0.05$). Bundan tashqari, barcha sportchilarning yugurish ko'rsatkichlari 100, 200 va 400 m masofalar yordamida aniqlandi (pastki startdan).

Natijalarlarni tahlil qilinganda ikkala guruhdagi sprinterlar o'rtasida sezilarli farqlarni aniqlamadi (p> 0.05). NG mashg'ulotlari an'anaviy metodika bo'yicha, O'zbekiston yengil atletika federatsiyasi tomonidan tavsiya etilgan o'quv dasturi bo'yicha, TGda esa bizning metodikamizni hisobga olgan holda o'tkazildi.

Depsinuvchi oyoqning optimal burchaklari har bir sprinter uchun tana vaznining nisbati bo'yicha alohida-alohida hisoblab chiqilgan, old va orqa va lateral yo'nalishlarda bosh va tana tebranishlarining belgilangan amplitudasi, qo'llarning xarakatlanishlari qiymatini o'lchash va ularni muvofiqlashtirildi.

Sportchining har bir yugurishi barcha tavsiya etilgan masofalar oralig'ida faqat murabbiyning nazorati ostida sportchilarning individual xususiyatlariga mos keladigan vaqt oralig'i va parametrlarini muvofiqlashtirish darajasini belgilash bilan amalga oshirildi. TGda sprinterning nerv-mushak kuchlanishini hal qilish uchun ishlatilgan. Bu haddan tashqari asab-mushak kuchlanishini bartaraf etishga, kerakli qulaylik va harakatlanish erkinligini ta'minlashga, psixoemotsional holatni yaxshilashga, mashg'ulotlardan qoniqishni oshirishga yordam berdi.

Tajriba so'ngida 150 m oraliqda ikkala guruhdagi qisqa masofaga yuguruvchilarning tezlik va tezkorlik ko'rsatkichlari dinamikasini va kuch ko'rsatkichlarini aniqlash uchun qayta sinov o'tkazildi.

XULOSA

Tadqiqot natijalari sportchilarning individual xususiyatlarini hisobga olgan holda yugurish qadamlarini bajarish texnikasini doimiy ravishda kuzatib borish asosida 17-21 yoshdagi malakali sprinterchilarning o'quv mashg'ulot jarayonini tashkil etish bo'yicha uslubiy yondashuv samaradorligini isbotladi. Yugurish pog'onasining etakchi parametrlarini hisobga olgan holda, oyoqni tayanchga qo'yish maqsadga muofiq. Uning ishlatilishi 100, 200 va 400 m masofalarda yugurish tezligini sezilarli darajada oshirish uchun mo'ljallangan.

Shu bilan birga, Yugurish texnikasidan foydalanish ham katta ahamiyatga ega, chunki u mushaklarini bo'shashishiga yordam beradi, yugurish paytida ishlayotgan mushaklarning kuchlanish holatini maqbul boshqarish uchun sharoit yaratadi.

REFERENCES

1. Бобомуродов Н. Ш. Физическая реабилитация борцов с нарушениями в позвоночнике у квалифицированных борцов //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 874-879.
2. Бобомуродов Н. Ш. Technique of Recording Technical and Tactical Actions in Fight Turon //Eastern European Scientific Journal. – 2018. – №. 4. – С. 16-19.

3. Бобомуродов Н. Ш. Юкори малакали курашчиларнинг техник-тактик харакатларини ривожлантириш методикаси //Педагогик таълим" Илмий-назарий журнал. Тошкент. – 2011.
4. Бобомуродов Н. Ш. Контроль и анализ действий в борьбе турон //Фан-спортга" илмий-назарий журнали. Тошкент. – 2011.
5. Бобомуродов Н. Ш. Физиологический подход в прогнозировании перспективности борцов-туронистов //МуРаллим х, ем узликсиз билимлендириу" илмий-методикалык журнал. Нукус.-2019. – 2019.
6. Халмурадов Р. Н., Махмудов В. В., Арисланов И. Т. О значимости использования информационных технологий в образовательном процессе по физической культуре учащейся молодёжи //Молодой ученый. – 2017. – №. 15. – С. 684-686.
7. Арисланов И. Т. Тактическая подготовка квалифицированных спортсменов по мини-футболу на основе специальных упражнений: состояние проблемы и перспективы ее решения //Fan-Sportga. – 2020. – №. 2. – С. 17-20.
8. Эрдонов О. Л., Махмудов В. В., Арисланов И. Т. Соревнования по мини-футболу как эффективное средство физического воспитания студентов технического вуза //Молодой ученый. – 2015. – №. 3. – С. 886.
9. Сафронов А. А., Арисланов И. Т. Динамика физического развития и физической подготовленности учащихся 5–6 классов //Молодой ученый. – 2013. – №. 7. – С. 455-458.
10. Курбонов И. К. Факторы, влияющие на подготовку к гандбольной тренировке: развитие скорости и подвижности спортсменов на соревнованиях //Вестник науки. – 2021. – Т. 1. – №. 6-1 (39). – С. 305-310.
11. Қурбонов И. К. Юқори малакали гандболчиларнинг рақабатдошлик фаолиятида самарали ҳаракатларни қўллаш //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 533-538.
12. Курбонов И. К. Педагогико-психологические аспекты профессиональной подготовки будущих спортивных тренеров //Вестник науки. – 2022. – Т. 3. – №. 3 (48). – С. 52-56.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ЎРТАЧА ШЎРЛАНГАН ШАРОИТИДАГИ ҒЎЗА ЎСИМЛИГИНИНГ БАЪЗИ ФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

С. М. Аширалиева, С. М. Набиев
Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

М. И. Мадрахимов, А. Т. Хотамов
Гулистон давлат университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада Сирдарё вилоятининг ўртача шўрланган шароитида етиштирилган ўрта толали (*G. hirsutim L.*) ғўза нав ва нав намуналарида физиологик кўрсаткичлардан ўсимлик баргларидаги умумий хлорофилл, хлорофилл “a”, хлорофилл “b”, каротиноид ва пролин миқдорлари таҳлил натижалари келтирилган. Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Бек кластер МЖЧ Бахор СИУ ҳудудидаги “Ўсимлик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари илмий амалий маркази”нинг тажриба майдонида *G. hirsutum L.* турига мансуб Самара, Султон, Ан Баёвут-2, Бухоро-102, Т-1849, Т-606, Т-2460, Т-1205, Т-2204, Т-2796, Т-1907, Т-578 ва Т-989 нав ва тизмалар экилди. Тажрибада Султон, Т-2460 ва Т-1205 нав ва тизмалари физиологик жиҳатдан кучсиз шўрланишга Самара, Ан Баёвут-2, Бухоро-102, Т-1849, Т-606, Т-2204, Т-2796, Т-1907, Т-578 ва Т-989 нав ва тизмаларига нисбатан бардошли эканлиги аниқланди. Т-1849, Т-606, Т-2204, Т-2796 ва Т-1907 тизмалар физиологик хусусиятлари бўйича шўрҳоқликка мойил эканлиги аниқланган.

Калит сўзлар: *G. hirsutim L*, ғўза, нав, тизма, пролин, умумий хлорофилл, хлорофилл “a”, хлорофилл “b”, каротиноид.

ABSTRACT

The article presents the results of the analysis of total chlorophyll, chlorophyll "a", chlorophyll "b", carotenoid and proline amounts in plant leaves from physiological parameters of upland cotton (*G. hirsutim* L.) variety and lines grown in low salinity conditions of Syrdarya region. Samara, Sultan, An Bayovut-2, Sultan, An Bayovut-2, Bukhara-102, T-1849, T-1849, T-1849, T-1849, T-1849, T-1849, T-1849, T. -606, T-2460, T-1205, T-2204, T-2796, T-1907, T-578 and T-989 varieties and rows were planted. In the experiment, Sultan, T-2460 and T-1205 varieties and ridges are physiologically tolereance to weak salinity. 578 and T-989 were found to be resistant to cultivars and

lines. T-1849, T-606, T-2204, T-2796 and T-1907 lines were found to be prone to salinity according to their physiological characteristics.

Keywords: *G. hirsutim* L, cotton, cultivar, line, proline, total chlorophyll, chlorophyll "a", chlorophyll "b", carotenoid.

КИРИШ

Шўрланган тупроқлар шароитида дала экинлари етиштириш ва уларнинг тузга чидамлилигини ошириш мелиорацияда долзарб масала бўлиб келмоқда. Ушбу шароитида дала экинлари шўрга мослашувчанлиги ва чидамлилигини оширишнинг илғор технологияларини қўллаш асосида амалга ошириш, шунингдек тупроқлар мелиорациясига алоҳида аҳамият бериш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда, шўрланган ерлардан самарали фойдаланишда тупроқ шўрига нисбатан чидамли навларни ва экинларни тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, шўрланиш даражаларига боғлиқ ҳолда етиштириш технологиялари яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон республикасида пахтачилик қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий тармоғи ҳисобланади. Мамлакатимизда ғўза ўсимлигидан 200 дан ортиқ маҳсулот олинади ва саноатнинг турли соҳаларида ишлатилади. Ғўза ўсимлигининг асосий маҳсулоти бўлган толадан инсонлар учун кундалик зарурият ҳисобланган, экологик соф, табиий маҳсулотлар–кийим кечак тайёрланади [1,2]. Ер иқлимининг глобал тарзда ўзгариб бораётгани ва республикамиздаги сув захираларининг чекланганлиги, йилдан-йилга кучайиб бораётган сув танқислиги ғўза ҳосилининг миқдори ва сифатига кучли салбий таъсир қилмоқда [3,4]. Ғўзани сув танқислигига мослашувчанлигининг физиологик хусусиятларини тадқиқ қилиш орқали чидамли ашёларни ажратиб олиш селекция жараёнида муҳим ўрин тутади.

Республикамиз пахтачилигини ривожлантириш учун яратилаётган ғўза навлари ҳосилдор ва толасининг сифати юқори бўлиши билан бирга унинг шўрхоқликка чидамли бўлиши ҳам зарурдир.

Сув танқислиги ва шўрхоқлик таъсирида ўсимлик тўқима ҳужайраларида кислороднинг фаол шаклларини (пероксид, супероксид каби эркин радикаллар) ҳосил бўлиш даражаси ортиб, ҳужайраларда кенг кўламдаги функционал бузилишлар содир бўлади ва бунинг натижасида фотосинтез жараёнини издан чиқишига олиб келади. Бу ҳолат оксидланишли стресс деб номланиб, салбий таъсирлар натижасида ўсимлик организмида юзага келувчи бузилишларнинг асосий

сабабларидан бири ҳисобланади [5,6]. Ўсимлик организмида оксидланишли стресс таъсирига қаршилик кўрсатувчи бир қатор функционал тизимлар шаклланган. Жумладан, ўсимлик ҳужайраларида мавжуд бўлган турли ферментлар кислороднинг фаол шаклларини ҳосил бўлишини пасайтиради. Бундан ташқари, қуйи молекулали осмопротектор моддалар миқдори ортиб, ўсимликларни ички муҳит барқорорлигини таъминлайди. Булар эса ўсимликларни ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирларидан ҳимоялайди [7,8]. Шунингдек, ўсимлик ҳужайраларида осмопротектор моддалардан пролин, глицин бетанин ва маннитол каби моддалар биологик муҳим бўлган оқсил макромолекулалари ва ҳужайра мембраналарини барқарорлиги таъминлайди [9].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Фотосинтезнинг пасайиши хлоропластнинг асосий компонентлари бўлган хлорофиллнинг “а” ва “б” шаклларига боғлиқ бўлиб, улар ўсимликларни ўсиш ва ривожланишини чеклаб қўяди. Manivannan ва бошқалар (2007) ўз тадқиқотларида оптимал шароитга нисбатан стрессли шароитидаги кунгабоқар ўсимлик баргларида умумий хлорофилл, хлорофилл “а” ва “б” миқдорлари камайганлигини қайд этган [10]. Зайтун ўсимлигининг иккита навида оптимал шароитига нисбатан шўрли шароитида умумий хлорофилл миқдори 29% дан 42% гача камайиши кузатилган [11]. Тузли стресси остида хлорофилл миқдорининг камайиши фото-оксидланиш жараёнидаги хлорофилл деградацияси билан боғлиқлиги аниқланган [12].

Ўсимликлардаги умумий хлорофилл, хлорофилл “а” ва “б” хлорофилл физиологик нуқтаи назардан муҳим бўлиб, уларнинг паст концентрацияда бўлиши ўсимлик маҳсулдорлигини камайишига олиб келади. Ўсимликларда хлоропластнинг компонентларидан бири каротиноидлар эса стресс шароитда ўсимликларни фото-оксидланишдан ҳимоя қилади[9,10, 12].

Абиотик стресс шароитда ўсимликнинг сув билан боғлиқ физиологик хусусиятларидан баргларнинг сув ютиш хусусияти яъни нисбий сув миқдори ўсимликлардаги сув ҳолатининг энг муҳим ўлчови эканлиги ўрганилган [1,3,11]. Шурхоқлик шароитида сув ютиш хусусияти билан пахта ҳосилдорлиги ўртасидаги ўзига хос боғлиқлик аниқланган [8]. Хлорофилл миқдори стрессга чидамли ўсимлик баргларида чидамсиз ўсимлик барглардагига нисбатан кўп миқдорда бўлиши аниқланган [12,13]. Шурхоқлик шароитида юқори маҳсулдор генотипларни аниқлашда хлорофилл

миқдори ва сув ютиш хусусияти энг самарали физиологик белгилар эканлиги қайд этилган [13,].

Бир қатор олимлар томонидан абиотик стресс ўсимлик ривожланишига салбий таъсир кўрсатишини ва бу ўз навбатида ўсимлик маҳсулдорлигининг 50% гача камайишига олиб келишини аниқланган [12, 13]. Ўсимлик маҳсулдорлигининг барқарорлиги юқори бўлган ғўза навларини яратиш муаммоси – ғўзада ўсиш, ноқулай муҳит омилларига физиологик чидамлилик ва маҳсулдорликнинг ўзаро боғлиқликларини ҳар томонлама ўрганишни талаб этади. Чунки, ўсимлик организмидаги физиологик–биокимёвий жараёнлар ўсимликнинг биологик хусусиятларига ва муҳит шароитларига боғлиқдир.
Тадқиқотнинг мақсади сирдарё вилояти кучсиз шўрланган шароитида ғўзанинг нав ва тизмаларни физиологик кўрсаткичларини ўрганиш.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА ЎТКАЗИШ ШАРОИТЛАРИ

Тажриба ишлари Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Бек кластер МЖЧ Бахор СИУ ҳудудидаги “Ўсимлик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари илмий амалий маркази”нинг тажриба майдонида *G. hirsutum L.* турига мансуб Самара, Султон, Ан Баёвут-2, Бухоро-102, Т-1849, Т-606, Т-2460, Т-1205, Т-2204, Т-2796, Т-1907, Т-578 ва Т-989 нав ва тизмалар экилди. Дала тажриба майдони эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларидан ташкил топган ўртача шўрланган ер майдонлари хисобланади. Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари ўзига хос хусусиятларига эга. Тупроқнинг механик таркибини майда қум (0,1-0,05 мм) ва йирик чанг (0,05-0,01 мм) ташкил этиб, уларнинг миқдори 49-64% ни ташкил этди. Йирик заррачалар (0,25 мм катта) миқдори эса ўртача 1,8% ни ташкил этди. Умуман олганда, тажриба майдони тупроғининг механик таркиби бўйича енгил қумоқли ҳисобланади. Тупроқнинг солиштирма массаси 2,71-2,72 с/м^3 ни ташкил этди. Тупроқнинг умумий ғоваклиги 46-48 % ни ташкил этди. Тупроқ таркибида асосан NaCl, Na_2SO_4, $MgSO_4$, Na_2CO_3 тузлари учрайди. Ушбу тузлардан ўсимлик учун ош тузи NaCl ва сода Na_2CO_3 жуда зарарли ҳисобланади.

Ғўза генотип материаллари рендомизация қилинган ҳолда 3 такрорда олиб борилди. Намуналар ҳар бир такрорда жами 50 та уячадан иборат бўлган 5 метр узунлигидаги иккитадан ариққа экилган.
Тадқиқот ўсимликларини гуллаш даврида ўсимлик баргларидаги умумий хлорофилл, хлорофилл а, хлорофилл б, каротиноид ва пролин миқдорлари каби физиологик белгилар ўрганилиб, қуйидаги усулларда аниқланди:

1) Ғўза нав ва намуналарининг баргларидаги пигментлар миқдори умум қабул қилинган усул [H. K. Lichtenthaler ва A. R Wellburn, 1983] билан аниқланди.
2) Ғўза нав ва намуналарининг баргларидаги пролин миқдори бўйича Bates [Bates 1973] билан аниқланди.

Физиологик маълумотларининг бошланғич таҳлиллари Microsoft® Office EXCEL 2016 дастурида бажарилди ва NCSS 2022 дастурларидан фойдаланган ҳолда дисперсион (ANOVA, Two-Sample T-Test) таҳлиллар қилинди.

НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Тадқиқот намуналарида пролин миқдори ўрганилганда, энг юқори кўрсаткичлар Т-2460 ва Т-1205 ғўза тизмаларининг баргларида (мос равишда 271,5±8,15 мкг/г ва 279,13±9,22 мкг/г) бўлса, энг паст кўрсаткичлар эса Т-2796 ва Т-1907 ғўза намуналарида (мор равишда 182,8±7,62 мкг/г ва 157,8±7,52 мкг/г) аниқланди (1-расм).



Расм-1. Сирдарё вилояти шароитида ўрта толали ғўза нав ва тизмаларининг баргларида пролин миқдори

Тадқиқотларда стресс шароитда осмопротектор моддалар кўпроқ бўлса, ҳужайра ички муҳит барқарорлигини таъминлайди деб маълумотлар келтирилган. Тажрибада Султон нави, Т-2460 ва Т-1205 тизмаларидаги ўсимлик баргларида пролин бошқа генотипларга нисбатан кўпроқ синтезланди.

Сирдарё вилояти шароитида ғўза ўсимлигининг барглардаги хлорофилл а, хлорофилл б, умумий хлорофилл ва каротиноид миқдорлари ўрганилганда, энг юқори кўрсаткичлар хлорофилл а миқдори бўйича Т-2460 ва Т-1205 ғўза тизмаларининг баргларида (мос равишда 14,46±0,15 мг/г ва 14,72±0,15 мг/г)

бўлса, энг паст кўрсаткичлар эса Т-1849, Т-2204 ва Т-1907 ғўза тизмаларида (мор равишда 9,96±0,15 мг/г, 9,54±0,2 мг/г ва 9,03±0,18 мг/г) қайд этилди (2-расм).



Расм-2. Сирдарё вилояти шароитида ўрта толали ғўза нав ва тизмаларининг баргларида пролин миқдори

Хлорофилл а ёруғлик энергиясини кимёвий энергияга айлантириб беради. Бу эса фотосинтез самарадорлигини оширади. Тажрибада Султон нави, Т-2460 ва Т-1205 тизмаларидаги ўсимлик баргларида хлорофилл а бошқа генотипларга нисбатан кўпроқ синтезланди.

Ўрта толали ғўза нав ва тизмаларида барглардаги хлорофилл б миқдори энг юқори миқдорда Султон ва Т-2460 генотипларида (мос равишда 5,71±0,28 мг/г ва 5,9±0,23 мг/г) бўлса, энг паст кўрсаткич эса Т-1907 (3,58±0,05 мг/г) ғўза тизмасида қайд этилди (3-расм). Султон ва Т-2460 ғўза нав ва тизмаларида хлорофилл б миқдори бошқа генотипларга нисбатан ошишидаги фарқ ишончли эканлиги аниқланди.



Расм-3. Сирдарё вилояти шароитида ўрта толали ғўза нав ва тизмаларининг баргларида хлорофилл б миқдори

Хлорофилл б фотосинтез жараёнида ёрдамчи пигмент ҳисобланади. Бу пигмент асосан ўсимликларда 2-фотосинтез тизимини стресс шароитда ҳимоя ва мослашувчанлигини таъминлайди. Хлорофилл б натижасига кўра, Султон ва Т-2460 ғўза нав ва тизмалари тузли шароитда бошқа нав ва тизмаларга нисбатан мослашувчандир.

Султон нави, Т-2460 ва Т-1205 тизмаларида умумий хлорофилл энг юқори кўрсаткичларни (мос равишда 19,18±0,28 мг/г, 20,36±0,36 мг/г ва 19,89±0,11 мг/г) намоён этаган бўлса, энг паст кўрсаткич эса 12,6±0,23 мг/г га тенг бўлган ҳолда Т-1907 ғўза тизмасида аниқланди (4-расм). Ғўзанинг Т-1849, Т-606, Т-2204 ва Т-1907 тизмаларида барглардаги умумий хлорофилл миқдори бошқа генотипларга нисбатан камайишининг фарқи ишончли эканлиги аниқланди.

Расм-4. Сирдарё вилояти шароитида ўрта толали ғўза нав ва тизмаларининг баргларида умумий хлорофилл миқдори

Ўсимликлар баргларида умумий хлорофилл кўп миқдорда бўлиши унинг ҳосил элементларини шаклланишига ва ортишига олиб келади. Тажрибада эса Султон нави, Т-2460 ва Т-1205 тизмаларидаги ўсимлик баргларида умумий хлорофилл бошқа генотипларга нисбатан кўпроқ синтезланганлиги аниқланди. Ўсимликларда хлоропластнинг асосий компонентларидан бири бўлган каротиноид ўсимликларни қуёшнинг турли нурлари таъсиридаги оксидланиш стрессларидан ҳимоя қилишда муҳим ҳисобланади. Тадқиқот намуналарида каротиноид миқдори ўрганилганда, Султон нави, Т-2460 ва Т-1205 тизмаларида энг юқори кўрсаткичга (мос равишда 4,08±0,12 мг/г; 4,11±0,13 ва 4,1±0,06 мг/г) бўлса, энг паст миқдор 1,85±0,07 мг/г бўлиб, Т-1907 тизмасида қайд қилинди (4-расм).



Расм-5. Сирдарё вилояти шароитида ўрта толали ғўза нав ва тизмаларининг баргларида каротиноид миқдори

Шунингдек, ғўзанинг Султон нави, Т-2460 ва Т-1205 тизмаларида баргларидаги каротиноид миқдорининг бошқа навларга нисбатан ошишидаги фарқланишни ишончли эканлиги аниқланди. Абиотик стрессга чидамли ғўза навларида каротиноид миқдори чидамсиз навларга нисбатан кўпроқ бўлиши аниқланган [18].

Тажрибадан шуниси аниқландики, ғўзанинг нав ва тизмаларида баргларидаги пигмент миқдорлари уларнинг келиб чиқиши ёки ўзига хос табиати билан боғлиқ ҳолда турли даражада камайиш ва ошиши кузатилди.

ХУЛОСАЛАР

Сирдарё вилояти ўртача шўрланиш шароитида ғўзанинг нав ва тизмаларида хлорофилл а, хлорофилл б, умумий хлорофилл, каротиноид ва пролин миқдорлари генотипга боғлиқ ҳолда турли даражада ошиш ва камайиш ҳолатлари аниқланди. Султон, Т-2460 ва Т-1205 нав ва тизмалари физиологик жиҳатдан кучсиз шўрланишга Самара, Ан Баёвут-2, Бухоро-102, Т-1849, Т-606, Т-2204, Т-2796, Т-1907, Т-578 ва Т-989 нав ва тизмаларига нисбатан бардошли эканлиги аниқланди.

REFERENCES

1. Shavkiev Jaloliddin, Nabiev Saidgani, Abdulahat, Khamdullae,v Shukhrat. Economic and physiological traits of pima cotton lines in Uzbekistan and their correlation. UNIVERSUM: ХИМИЯ И БИОЛОГИЯ. 2021; 7 (85(2)): 14-22.
2. Shukhrat Khamdullaev, Saidgani Nabiev, Abdulahad Azimov, Jaloliddin Shavkiev and Utkir Yuldashov. Combining ability of yield and yield components in upland cotton (*G. hirsutum* L.) genotypes

under normal and water-deficit conditions. Plant Cell Biotechnology and Molecular Biology. 2021: 22(35&36):176-186

3. Shavkiev J, Azimov A, Nabiev S, Khamdullaev S, Amanov B, Kholikova M, Matniyazova H, Yuldashov U.Comparative performance and genetic attributes of upland cotton genotypes for yield-related traits under optimal and deficit irrigation conditions. SABRAO J. Breed. Genet. 2021; 53(2): 157-171.

4. Beknazarov B.O. “Plant physiology” Tashkent – Aloqachi, 2009. 424-443

5. Shavkiev J, Nabiev S, Azimov A, Khamdullaev S, Amanov B, Matniyazova H, et al. Correlation coefficients between physiology, biochemistry, common economic traits and yield of cotton cultivars under full and deficit irrigated conditions. J. Crit. Rev. 2020;7(4):131-136.

6. 27. Sunkar R., D. Bartels, H.H. Kirch. Overexpression of a stress-inducible aldehyde dehydrogenase gene from Arabidopsis thaliana in transgenic plants improves stress tolerance. Plant J. 2003; 35(4): 452-464.

7. Bohnert, H.J., D.E. Nelson, and R.G. Jensen. Adaptations to environmental stress. Plant Cell. 1995; 7: 1099-1111.

8. Tohir A Bozorov, Rustam M Usmanov, Yang Honglan, Shukhrat A Hamdullaev, Sardorbek Musayev, Jaloliddin Shavkiev, Saidgani Nabiev, Zhang Daoyuan, Alisher A Abdullaev. Effect of water deficiency on relationships between metabolism, physiology, biomass, and yield of upland cotton (*Gossypium hirsutum* L.). J Arid Land. 2018; 10(3): 441–456.

9. Shavkiev J, Nabiev S, Khamdullaev Sh, Usmanov R, Chorshanbiev N. Physiological-biochemical and yield traits parameters of cotton varieties under different water irrigated regimes. Bull. Agrarian Sci. Uzbekistan. 2019;78(4(2):157-162.

10. Manivannan P, Jaleel CA, Sankar B, Kishorekumar A, Somasundaram R, Alagu Lakshmanan GM, Panneerselvam R. Growth, biochemical modifications and proline metabolism in Helianthus annuus L. as induced by drought stress. Colloids Surf. B: Biointerf. 2007; 59:141-149

11. Guerfel M, Baccouri O, Boujnah D, Chaibi W, Zarrouk M. Impacts of water stress on gas exchange, water relations, chlorophyll content and leaf structure in the two main Tunisian olive (Olea europaea L.) cultivars. Sci. Horticult. 2009; 119: 257-263.

12. Massacci A., Nabiev S.M., Pietrosanti L., Nematov S.K., Chernikova T.N., Thor K and Leipner J., Response of the photosynthetic apparatus of cotton (*Gossypium hirsutum*) to the onset of drought stress under field conditions studied by gas-exchange analysis and chlorophyll

fluorescence imaging. Plant Physiol. Biochem. 2008; 46: 189– 195.
13. Shavkiev J, SH Hamdullaev, S Nabiev, R Usmanov. Water sensitivity and tolerance indices upon productivity in upland cotton and other economic valuable traits. Bulletin of Gulistan State University 2019; (2): 71-76.
14. Кушниренко М.Д., Гончарова Э.А., Бондарь Е.М. Методы изучения водного обмена и засухоустойчивости плодовых растений. Кишинев, 1970. – С.79.
15. Третьяков Н.Н., Карнаухова Т.В, Паничкин Л.А. Практикум по физиологии растений. Агропромиздат, 1990. – С. 271
16. Lichtenthaler H. K. and Wellburn, A. R., Determinations of total carotenoids and chlorophylls a and b of leaf extracts in different solvents, Biochem. Soc. Trans. 1983; 11: 591–592.
17. Bates L.S., Waldren R.P. and Teare I.D. Rapiddetermination of free proline for water-stress studies. Plant Soil. 1973; 39: 205-207.
18. Parida, A. K., Dagaonkar, V. S., Phalak, M. S., Umalkar, G. V., L. P. and Aurangabadkar, L. P. Alterations in Photosynthetic Pigments, Protein and Osmotic Components in Cotton Genotypes Subjected to Shortterm Drought Stress Followed by Recovery. Plant Biotechnol. Rep. 2007; (1): 37–48.

СУВ БИЛАН ОПТИМАЛ ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ВА СУВ ТАНҚИСЛИК ШАРОИТЛАРИДА ҒЎЗА ГЕНОТИПЛАРИНИНГ БАЪЗИ МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

А. Х. Макамов, Ж. К. Норбеков, З. З. Юлдашева, З. Т. Буриев
Геномика ва биоинформатика маркази

Ж. Ш. Шавкиев
Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада сув билан оптимал таъминланганлик (назорат) ва сув танқислиги (тажриба) шароитларида етиштирилган ўрта толали (*G. hirsutim L.*) ғўза навларида баъзи морфо-хўжалик белгиларидан ўсимлик бўйи, симподиал шохлар сони, барг сатҳи, ўсимлик маҳсулдорлиги, битта ўсимликдаги очилган кўсак сони ва битта ўсимликдаги умумий кўсак сони таҳлил натижалари келтирилган. Ғўзанинг морфо-хўжалик белгиларини кўрсаткичлар таҳлили асосида сув билан оптимал таъминлангаллик шароитига нисбатан сув танқислигида KK-1796, KK-1795, 1000, C-9006, KK-1086, Catamarca 811 ва L-N1 ғўза нав намуналари беқарор ва Наманган 77, Hapicala-19, Zangi-Ota, Saenr pena 85, SAD-35-11, C – 417 ғўза нав намуналари эса барқарор эканликлари аниқланган.

Калит сўзлар: *G. hirsutim L,* ғўза, сув режими, сув танқислиги, кўсак, маҳсулдорлик, барқарорлик.

ABSTRACT

In the article, under optimal water supply (control) and water deficit (experimental) conditions of some morpho-economic characteristics of medium fiber (G. hirsutim L.) cotton cultivars plant height, number of sympodial branches, leaf area, plant productivity, the number of opened bolls per plant and the total number of bolls per plant are presented results of the analysis Based on the analysis of the morpho-economic characteristics of cotton, KK-1796, KK-1795, 1000, C-9006, KK-1086, Catamarca 811 and L-N1 cotton variety samples are unstable and Namangan 77, Hapicala- 19, Zangi-Ota, Saenr Pena 85, SAD-35-11, C-417 samples of cotton varieties were found to be stable of water deficit.

Keywords: *G. hirsutim* L, cotton, water regime, water deficit, boll, productivity, stability.

КИРИШ

Сув таъминоти қишлоқ хўжалигида барча ўсимлик турларининг ўсиш–ривожланиши ва хосилдорлиги қийматини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги вақтда дунё миқёсида табиий иқлим шароитининг кескин ўзгариши, дунё аҳолиси сонининг ортиши билан боғлиқ ҳолатда озиқ–овқат махсулотларига бўлган талаб–эҳтиёж даражаси ортиши натижасида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларига бўлган талаб даражасининг ҳам ортиб бориши кузатилмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган пахтачиликда ғўза (*G. hirsutim* L)нинг серҳосил, тола сифати юқори, турли стресс омилларга чидамли бўлган навлар яратишда бошланғич ашё сифатида гермплазма нав намуналаридан фойдаланиш истиқболли йўналишдан бири ҳисобланади. Ғўзанинг тетроплоид турларига мансуб нав намуналарининг сув танқислилигига чидамлилик хусусиятларини маҳаллий ғўза навларига ўтказиш орқали янги ирсий асосга эга генотипларни яратиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Сув танқислиги ўсимликларнинг ўсиш–ривожланиши ва хосилдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардир. Ўсимлик илдизи орқали сўриб олинувчи ер ости сувлари заҳираларининг камайиши ва шунингдек, сувни сўриб олишга нисбатан кўп миқдорда қувват сарфланиши бевосита суғорма деҳқончиликда пахта хосилдорлигига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли ўсимликнинг қурғоқчиликка чидамлилик хоссасини ўрганиш – бу бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш соҳалари каби пахтачилик соҳасида ҳам деҳқонлар учун асосий диққат–эътибор қаратилувчи масалалардан бири ҳисобланади.

Сув танқислиги шароитида жавоб реакцияси сифатида дастлаб, эрта муддатларда ўсимликда барг юзаси катталашиши жараёни секинлашиши аниқланшан[1,2]. Бу эса ўсимлик организми тўқималарида моддалар алмашинуви жараёнида сарфланувчи углеводлар ва энергия истеъмоли даражаси камайишига олиб келади.

Бир қатор олимлар ўз тажрибалари натижасида сув танқислиги ўсимлик ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши ва бу ўз навбатида ўсимлик маҳсулдорлигининг 50% гача камайишига олиб келиши аниқланган[3]. Ўсимлик маҳсулдорлигининг барқарорлиги юқори даражада бўлган ғўза навларини яратиш муаммоси ғўзада ўсиш, ноқулай муҳит омилларига физиологик чидамлилик ва маҳсулдорликнинг ўзаро боғлиқликларини ҳар томонлама ўрганишни талаб

этади. Чунки, ўсимлик организмидаги морфо-хўжалик кўрсаткичлар ўсимликнинг биологик хусусиятларига ва муҳит шароитларига боғлиқдир.

Тадқиқотни мақсади: Турли сув режими шароитлари ғўза нав намуналарининг морфо-хўжалик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА ЎТКАЗИШ ШАРОИТЛАРИ

Геномика ва биоинформатика марказининг Тошкент вилояти, Қибрай туманида жойлашган минтақавий экспериментал базасининг тажриба дала майдонига ғўзанинг *G. hirsutum L.* турига мансуб Наманган-77, КК-1796, КК-1795, 1000, С-9006, КК – 1086, Catamarca 811, С-9008, L-N1, 141, Hapicala 19, 0-30, С-4769, L-45, Занги-Ота, Saenr pena 85, С-2025, КК-602, SAD-35-11, С – 417 нав намуналари экилди.

Ғўза чигитлари сув режими бўйича фарқланадиган 2 та фонга, яъни сув билан оптимал таъминланганлик 1-2-1 суғориш схемасида сарфланган жами сув 4800-5000 $м^3$/га яъни ўсимликларнинг гуллаш-ҳосил тўплаш даврида тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғимига нисбатан оптимал сув режимида 65-70% ва сув танқислиги фонига 0-1-0 суғориш схемасида сарфланган жами сув 1000-1200 $м^3$/га яъни ўсимликларнинг гуллаш-ҳосил тўплаш даврида тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғимига нисбатан сув танқислиги режимида 50-55% ни қайд этган. Моделлаштирилган қурғоқчилик яъни 0-1-0 суғориш схемаси ўсимликларнинг гуллаш даврида суғориш сонини камайтириш ва гуллашдан олдин ва кейин суғориш ўтказилмагани ҳисобига пайдо қилинди[4,5]. Агротехник тадбирлар ҳар иккала фонда бир хил ва тажриба базасида қабул қилинган умумий тарзда олиб борилди. Ҳар иккала фонда ўрганилаётган материал рендомизация қилинган ҳолда 3 қайтариқда, ҳар бир қайтариқда 2 қаторга, ҳар бир қаторда 25 уяни ташкил этади.

Тажрибада ўсимлик маҳсулдорлиги, битта ўсимликдаги кўсак сони, битта ўсимликдаги очилган кўсак сони, ўсимлик барг сатҳи, ўсимлик бўйи, симподиал шохлар сони кўрсаткичлари аниқланди.

Фенотипик маълумотларининг бошланғич таҳлиллари Microsoft® Office EXCEL 2016 дастурида бажарилди. Морфо-хўжалик белгиларнинг дисперсион (Pearson’s Correlation, ANOVA, Two-Sample T-Test) таҳлиллар қилинди.

НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Ғўза ота-она генотиплари турли сув режими шароитларида ўсимлик бўйи ўрганилганда, сув билан оптимал таъминланганлик шароитида Catamarca 811 ва С –

417 ғўза нав намуналарида (мос равишда115,4±1,44 см ва 115,4±1,23 см) ҳамда сув танқислигида Hapicala 19 ва Saenr pena ғўза нав намуналарида (мос равишда 85 77,7±1,67 см ва 75,55±0,99 см) энг юқори кўрсаткичларда қайд этса, назорат ва тажриба шароитларида эса энг паст кўрсаткич КК-1795 (78±1,6 см ва 34,2±0,12 см) бўлди. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида Hapicala 19 ғўза нав намунаси ва Наманган 77 навида қисман камайиш, қолган нав намуналардан кескин камаший аниқланди. Бир қанча тадқиқотчилар сув оптимал таъминланганлик шароитга нисбатан сув танқислигида ўсимлик бўйи пасайиши аниқланган[4,6].

Турли сув режими шароитларида ғўза ўсимлигинининг симподиал шохлар сони ўрганилганда, сув билан оптимал таъминланганлик шароитида Наманган-77 ва С-9006 ғўза нав намуналарида (мос равишда 19,4±0,46 дона ва 19,5±0,17 дона) энг юқори кўрсаткичларда қайд этса, сув танқислигида эса Zangi-Ota ва Saenr pena 85 ғўза нав намуналарида (мос равишда 13,1±0,17 дона ва 14,0±0,46 дона) бўлди. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида энг паст кўрсаткичлар Saenr pena 85 ғўза нав намунасида 11,8±1,04 дона, сув танқислигида эса КК-1795 ғўза намунасида 8,2±0,12 дона аниқланди. Zangi-Ota, Saenr pena 85 ва С – 417 ғўза нав намуналарида сув танқислиги шароитида симподиал шохлар сони сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан камайиш аниқланмади. КК-1796, КК-1795, 1000 ва С-9006 ғўза нав намуналарида сув танқислигида симподиал шохлар сони назорат нави(Наманган-77) га нисбатан камайиш аниқланди. КК-1796, КК-1795, 1000 ва С-9006 генотиплари ўсимликларининг симподиал шохлар сони бўйича сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида камайишидагии фарқ ишончли эканлиги аниқланди. Бир қанча тадқиқотчилар сув оптимал таъминланганлик шароитга нисбатан сув танқислигида ғўза ўсимлигининг симподиал шохлар сони камайиши аниқланган[1,3,7]. Бу эса ўсимликдаги кўсаклар миқдорини камайишига олиб келади.

Барг сатҳи белгиси ғўза нав намуналарида ўрганилганда, назорат фонида С-4769 навида энг юқори (152,22±1,6 $см^2$) ва КК-1796 ва КК-1795 ғўза нав намуналарида энг паст (мос равишда 71,89±4,83 $см^2$ ва 74,75±1,11 $см^2$) кўрсаткичларда бўлса, сув танқислиги шароитларида эса Zangi-Ota ва Saenr pena 85 ғўза нав намуналарида (мос равишда 117,55±1,54 $см^2$ ва 111,13±1,42 $см^2$) юқори ва С-9006 навида эса энг паст кўрсаткичда яъни 49,33±2,15 $см^2$ да қайд қилинди. Тажрибадан аниқландики, С-9006, С-4769, L-45 ва С-2025 генотиплари ўсимликларининг

барг сатҳи белгиси бўйича сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида кескин камайишидаги фарқ ишончли экан. Hapicala 19, 0-30, Zangi-Ota ва С – 417 ғўза нав намуналарида эса фарқ аниқланмади. Сув танқислиги ғўза хосилдорлигига таъсир даражаси бевосита тадқиқот амалга оширилган давр ва сув етишмаслигининг даражасига боғлиқ ҳисобланади. Баъзи тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда сув танқислиги шароитида ғўза ўсимлигида барг хосил бўлувчи куртаклар, барглар сони ва барг юза майдони кичиклашиши ҳисобига фотосинтез самарадорлиги камайиши ва бу эса ўсимлик хосилдорлигининг пасайиши олиб келиши аниқланган [3,7].

Ғўза генотиплари турли сув режими шароитларида битта ўсимликдаги кўсак сони ўрганилганда, сув билан оптимал таъминганлик ва сув танқислиги шароитларида энг юқори кўрсаткичлар Saenr pena 85 ғўза нав намунасида (мос равишда 23,0±0,92 дона ва 22,5±1,21 дона), сув билан оптимал таъминганлик шароитида эса энг паст кўрсаткичлар 141 ва 0 ғўза нав намуналарида (мос равишда 8,01±0,12 дона ва 8,7±0,06 дона) ҳамда сув танқислиги шароитида КК-1795 намунасида 4,0±0,12 дона бўлди. Hapicala 19, 0-30, L-45, Zangi-Ota, Saenr pena 85 ва SAD-35-11 ғўза нав намуналарида кўсак сони белгиси бўйича сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида кескин камайиш аниқланмади. Бу ғўза нав намуналарида сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида кўсак сони нисбатан турғун эканлиги аниқланди. Шу белги бўйича КК-1796, КК-1795, 1000, С-9006, КК – 1086, Catamarca 811 ва L-N1 ғўза нав намуналарида сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида кескин камайиш фарқ ишончлигиги қайд этди. Ўсимликда гуллаш давригача бўлган вақт давомида юзага келувчи сув танқислиги ўсимлик тупида гул хосил қилувчи куртаклар шаклланувчи соҳалар сони кескин камайиши қайд қилинади. Ушбу ҳолат эса ғўза ўсимлигида куртаклар ва кўсаклар сони камайиши ва бу эса хосилдорлик пасайиши аниқланган [1,3,4].

Ота-она генотиплари турли сув режими шароитларида очилган кўсак сони ўрганилганда, Saenr pena 85 ғўза нав намунасининг назорат ва тажриба фонларида энг юқори кўрсаткичлар (мос равишда 19,8±0,35дона ва 19,3±0,4 дона) аниқланди. Сув билан оптимал таъминганлик шароитида энг паст кўрсаткичлар 141 ва 0-30 ғўза нав намуналарида (мос равишда 8,01±0,12 дона ва 8,7±0,06 дона) ҳамда сув танқислиги шароитида эса энг паст кўрсаткичлар КК-1795 ва

1000 нав намуналарида (мос равишда 4±0,12 дона ва 5±0,69 дона) қайд қилинди.

1-жадвал

Турли сув режимида шароитларида ғўза генотипларининг баъзи морфо-хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари

Нав ва намуналари	Ўсимлик бўйи		Фарқ	Симподиал шохлар		Фарқ	Барг сатҳи		Фарқ
	Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE		Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE		Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE	
Namangan-77	84,0±1,00	64,8±0,58	19,2	19,4±0,46	12,9±0,52	6,5	90,7±3,31	80,5±1,90	10,1
KK-1796	87,0±0,53	44,0±0,58	43,0	17,0±0,12	9,35±0,03	7,6	71,9±4,83	63,7±1,64	8,2
KK-1795	78,0±1,60	34,2±0,12	43,8	18,4±0,12	8,2±0,12	10,2	74,7±1,11	64,8±1,90	9,9
1000	102,0±0,53	48,1±3,64	53,9	17,3±0,17	9,0±0,58	8,3	96,9±2,12	90,2±4,12	6,7
C-9006	101,0±1,87	45,0±1,62	56,0	19,5±0,17	11,2±0,23	8,3	86,3±2,4	49,3±2,15	37,0
KK – 1086	99,6±0,69	62,9±0,52	36,7	15,8±0,12	10,7±0,64	5,1	108,1±3,78	100,5±1,70	7,6
Catamarca 811	115,4±1,44	48,8±1,85	66,6	16,3±0,40	10,1±0,29	6,2	101,3±2,14	92,6±2,27	8,6
C-9008	98,2±2,38	50,7±2,48	47,5	15,9±0,29	10,9±0,4	5,0	98,4±2,59	74,3±3,13	24,2
L-N1	118,0±0,32	55,0±0,58	63,0	15,6±0,23	9,6±0,58	6,0	102,9±2,08	84,6±3,03	18,3
141	88,8±2,62	51,1±1,56	37,7	13,0±0,58	9,4±0,23	3,6	105,2±2,12	80,2±0,66	24,9
Hapicala 19	92,2±2,76	77,7±1,67	14,5	13,6±0,35	11,5±0,29	2,1	90,8±2,19	87,0±3,78	3,8
0-30	102,0±0,53	65,3±1,64	36,7	12,8±0,23	11,3±0,17	1,5	112,5±2,94	107,6±3,28	4,9
C-4769	95,2±0,80	47,1±1,67	48,1	13,6±0,23	10,1±0,17	3,5	152,2±1,6	108,5±2,70	43,8
L-45	84,2±0,48	42,2±0,81	42,0	13,1±0,17	9,6±0,12	3,5	89,6±1,9	52,9±1,48	36,7
Zangi-Ota	107,4±1,33	68,4±0,69	39,0	13,1±0,06	13,1±0,17	0,0	122,1±2,03	117,5±1,54	4,5
Saenrpena 85	113,4±0,37	75,5±0,99	37,85	11,8±1,04	14,0±0,46	-2,2	121,1±2,18	111,1±1,42	10,0
C-2025	109,0±2,00	71,2±0,92	37,8	15,1±0,64	13,1±0,29	2,0	123,8±1,97	82,6±3,170	41,1
KK-602	101,6±1,78	58,6±1,27	43,0	13,8±0,35	10,5±0,29	3,3	93,7±2,79	80,2±1,73	13,5
SAD-35-11	100,0±0,27	68,7±1,91	31,3	12,7±0,09	11,4±0,12	1,3	109,4±3,36	101,2±3,51	8,1
C – 417	115,4±1,23	73,1±2,02	42,3	12,7±0,11	14,5±0,52	-1,8	97,6±0,61	97,6±3,29	0,1

Наманган 77, Hapicala 19, 0-30, L-45, Zangi-Ota, Saenr pena 85 ва C – 417 ғўза нав намуналари очилган кўсак сони белгиси бўйича сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида кескин камайиш аниқланмади. Бу ғўза нав намуналарида сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида очилган кўсак сони турғун эканлиги билдиради. Бу белгиси бўйича KK-1796, KK-1795, 1000, C-9006, KK – 1086, Catamarca 811 ва L-N1 ғўза нав намуналарида сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида кескин камайиш фарқ ишончлигиги аниқланди. Тадқиқотчилар маълумотларига кўра, ўсимликда кўсакларнинг очилишига 3–4 сутка қолган даврда ва кўсаклар ривожланишининг 25–30 суткасида толанинг механик таъсирга чидамлилик кучига сув танқислиги сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатиши қайд қилинади [6,7].

Ғўза генотипларини ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича сув билан оптимал таъминланганлик шароитида энг паст кўрсаткичлар 0-30 ва L-45 ғўза нав намуналарида (мос равишда 35,78±0,28 г ва 38,13±0,29 г), сув танқислиги шароитида эса KK-1795 ғўза нав намунасида 13,17±0,14 г бўлди. Saenr pena 85 ғўза нав намунасида назорат ва тажриба фонларида энг юқори кўрсаткичларда (мос равишда 94,91±1,34 г ва 91,2±2,57 г) қайд этилди. Ғўза экининг ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича KK-1796, KK-1795, 1000, C-9006, KK – 1086, Catamarca 811 ва L-N1 ғўза нав намуналарида сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида кескин камайиш фарқи ишончли эканги аниқланди ва бу навлар ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича сув танқислигига мойиллиги қайд этилди. 0-30, C-4769, L-45, Zangi-Ota, Saenr pena 85, SAD-35-11, C – 417 ғўза нав намуналари ва назорат нави эса барқарор эканлиги аниқланди.

2-жадвал

Турли сув режимида шароитларида ғўза генотипларининг баъзи қиммат-хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари

Нав ва намуналари	Ўсимликдаги кўсаклар сони		Фарқ	Ўсимликдаги очилган кўсаклар сони		Фарқ	Ўсимлик маҳсулдорлиги		Фарқ
	Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE		Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE		Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE	
Namangan-77	17,0±1,27	13,7±0,87	3,3	12,3±0,17	12,4±0,92	-0,1	67,1±1,86	65,1±3,05	2,1
KK-1796	17,3±1,56	8,4±0,92	8,9	14,6±0,07	8,3±0,98	6,3	73,7±4,12	31,1±3,07	42,6
KK-1795	10,4±0,69	4,0±0,12	6,4	9,4±0,23	4,0±0,12	5,4	55,4±5,62	13,2±0,14	42,3
1000	11,0±1,96	5,5±0,87	5,5	11,2±0,14	5,0±0,69	6,2	65,3±1,30	27,1±1,96	38,1
C-9006	20,3±0,98	8,8±0,92	11,5	16,9±0,06	8,4±0,81	8,5	78,9±6,79	37,3±3,48	41,6
KK – 1086	16,3±1,21	8,8±1,39	7,5	13,6±0,23	8,8±1,39	4,8	65,2±3,34	30,4±3,32	34,8
Catamarca 811	12,5±0,98	6,8±0,35	5,7	13,7±0,06	6,8±0,35	6,9	79,1±5,04	22,3±0,34	56,8
C-9008	12,5±0,29	9,7±1,44	2,8	10,2±0,35	9,5±1,56	0,7	57,2±0,56	44,1±6,67	13,1
L-N1	14,7±1,6	5,8±0,69	8,9	13,4±0,1	5,4±0,58	8,0	86,6±4,9	20,9±1,37	65,7
	7			2			4		
141	9,2±0,46	6,5±1,10	2,7	8,01±0,12	6,5±1,10	1,5	47,9±3,09	28,7±5,44	19,2
Hapicala 19	16,3±0,98	15,9±0,06	0,4	13,7±0,40	13,4±0,23	0,3	61,2±0,91	51,3±0,52	9,9
0-30	10,2±0,23	9,6±0,23	0,6	8,7±0,06	8,4±0,46	0,3	35,8±0,28	35,5±1,29	0,3
C-4769	12,2±0,58	9,2±0,23	3,0	10,5±0,17	9,0±0,12	1,5	46,0±0,85	39,3±2,46	6,7
L-45	10,5±0,52	10,4±0,35	0,1	10,0±0,23	10,0±0,35	0,0	38,1±0,29	33,0±1,92	5,1
Zangi-Ota	14,4±1,15	13,9±1,21	0,5	13,5±0,87	12,9±1,10	0,6	65,9±8,70	61,5±4,85	4,4
Saenr pena 85	23,0±0,92	22,5±1,21	0,5	19,8±0,35	19,3±0,4	0,5	94,9±1,34	91,2±2,57	3,7
C-2025	14,5±1,44	12,9±0,29	1,6	11,1±0,17	10,0±0,12	1,1	71,3±8,04	57,0±1,08	14,3
KK-602	14,2±0,46	11,2±1,04	3,0	12,7±0,14	10,8±1,27	1,9	66,5±1,22	48,4±4,58	18,2
SAD-35-11	14,2±0,35	13,7±0,64	0,5	13,8±0,27	12,5±1,21	1,3	61,3±1,45	59,9±0,32	1,3
C – 417	18,8±0,46	17,3±1,33	1,5	16,1±0,17	15,4±0,23	0,7	75,4±0,24	71,8±5,40	3,5

3-жадвал

Сув билан турлича таминганлик шароитида ғўза генотиплари морфо-хўжалик кўрсаткичларининг умумий статистикаси.

Морфо-хўжалик белгилари	Фон	Ўртача кўрсаткичи	Тажрибанинг умумий хатоси	Ўртача фарқлари хатоси	Вариация коэффициенти	Лимит
Ўсимлик бўйи	Назорат	99,58	11,1327	2,48935	11,18%	75,25-117,45
	Тажриба	57,62	12,6376	2,82586	21,93%	34,2-77,7
Симподиал шохлар	Назорат	15,01	2,37471	0,531001	15,82%	11,8-19,5
	Тажриба	11,05	1,74371	0,389906	15,78%	8,20-14,5
Ўсимликдаги кўсак сони	Назорат	14,47	3,62809	0,811265	25,06%	9,20-23,00
	Тажриба	10,73	4,5248	1,01178	42,17%	4,00-22,50
Ўсимлик маҳсулдорлиги	Назорат	64,67	15,2014	3,39915	23,51%	35,78-94,91
	Тажриба	43,47	19,6398	4,3916	45,18%	13,17-91,20
Ўсимликдаги очилган кўсак сони	Назорат	12,66	2,90671	0,649961	22,95%	8,00-19,80
	Тажриба	9,84	3,72126	0,832099	37,82%	4,00-19,30
Барг сатҳи	Назорат	102,47	18,3532	4,10389	17,91%	71,89-152,22
	Тажриба	86,36	19,0127	4,25136	22,02%	49,33-117,55

Сув билан оптимал таминганлик шаротида ўсимлик бўйи маҳсулдорлиги ва очилган кўсаклар сони билан ўртача ижобий корреляция аниқланди. Сув танқислиги шароитида шароитида эса ўсимлик бўйи симподиал шохлар сони, кўсаклар сони, ўсимлик маҳсулдорлиги ва очилган кўсаклар сони билан кучли ижобий корреляция аниқланди.

Сув билан оптимал таминганлик шаротида симподиал шохлар сони барг сатҳи билан ўртача салбий корреляция аниқланди. Сув танқислиги шароитида шароитида эса симподиал шохлар сони кўсаклар сони, ўсимлик маҳсулдорлиги ва очилган кўсаклар сони билан кучли ижобий корреляция қайд этилди.

Кўсаклар сони сув билан оптимал таминганлик ва сув танқислиги шароитларида ўсимлик маҳсулдорлиги ва очилган кўсаклар сони билан кучли ижобий корреляция аниқланди.

Ўсимлик маҳсулдорлиги сув билан оптимал таминганлик шароитида ўсимлик бўйи ва очилган кўсаклар сони ижобий ҳамда сув танқислиги шароитида ўсимлик маҳсулдорлиги барг сатҳи билан ижобий корреляциялари борлиги қайд этилди.

4-жадвал

10. Мухамедова, З. М. (2004). Введение в биоэтику. Т., Уч. пособие-2004.-120с.; Мухамедова ЗМ Биоэтика. Т. ЎзМУ Ресурс маркази. Ўкув кўлланма-2006. 144б; Мухамедова ЗМ и др. Биоэтика. Т. Уч. пособие-2009.163 с.
11. Сатарова, Д. Г., & Умирзакова, Н. А. (2016). РАЗВИТИЕ ГЛОБАЛЬНОЙ ЭТИКИ И ВСЕОБЩАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ О БИОЭТИКЕ И ПРАВАХ ЧЕЛОВЕКА. In Этика и история философии (pp. 202-207).
12. Саттарова, Д. Г. (2015). СТРАТЕГИЯ КОМПЬЮТЕРИЗАЦИИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ И ПРОБЛЕМА ГУМАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ. îàãéëéîëääÖ íêÄÑàñàà à ëéÇêÖåÖççéëíú, 116.
13. Сатарова, Д. Г. (2014). СОЦИАЛЬНЫЙ ИДЕАЛ И ПОСТКОЛОНИАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ДЛЯ" ПОНИМАЮЩЕГО КОНТРОЛЯ". Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, (1), 106-108.
14. Sadullaevna, Y. L., & Baratovna, A. G. (2021). LOGICAL PRINCIPLES IN THE DOCTRINE OF IBN SINA AND THEIR FORMATION CHARACTERISTICS.
15. Юлдашева, Л. С., & Абдурахимова, Д. М. (2021). ЖАМИЯТДА ОДОБ-АХЛОҚ МЕЪЁРЛАРИНИ БУЗИЛИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ. Журнал Социальных Исследований, 4(4).
16. Yuldasheva, L. S., Khashimova, G. F., & Khosilova, A. A. (2020). THE CONCEPT OF TRUTH IN KANT AND HEGEL. Theoretical & Applied Science, (2), 451-454.
17. Il'ina, G. V., Berezhnaya, I. A., & Yuldasheva, L. S. (2019). Formirovanie gotovnosti pedagogov k realizatsii so-vremennykh zdorov'esberegayushchikh tekhnologii s det'mi doshkol'nogo vozrasta: monografiya, Magnitogorsk, Izd-vo Magnitogorsk. gos. tekhn. un-ta im. GI Nosova.
18. Obol'nikova, E. A., & Yuldasheva, L. S. (1973). Isolation and identification of the ubiquinone synthesized by the fungus Blakeslea trispora. Applied Biochemistry and Microbiology, 7(1), 38-40.
19. Akkazieva, B., Tello, J., Smith, B., Jakab, M., Krasovsky, K., Sautenkova, N., ... & Shoismatuloeva, M. (2015). Better noncommunicable disease outcomes: challenges and opportunities for health systems. Tajikistan country assessment. Geneva: WHO.

20. Умирзакова, Н. А. (2019). Репродуктивные технологии в системе здравоохранения Узбекистана в качестве социальной инновации. In Наука, образование, инновации: апробация результатов исследований (pp. 884-888).
21. Умирзакова, Н. А. (2022). СТОМАТОЛОГИК ТАЪЛИМДА БИОЭТИКАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ДОЛЗАРБЛИГИ. Academic research in educational sciences, (2), 69-72.
22. Умирзакова, Н. А. Востребованность биоэтики для гуманизации медицинского образования в Узбекистане. IX М1ЖНАРОДНОГО СИМПОЗ1УМУ З БЮЕТИКИ ЗДОРОВ'Я, МЕДИЦИНА ТА ФШОСОФШ: СТРАТЕГИ ВИЖИВАННЯ, 15-16.
23. Умирзакова, Н. А. (2020). Значение изучения биоэтики в формировании профессиональной компетентности у студентов медицинских ВУЗов. Научные исследования XXI века.-Нефтекамск, (5), 7.
24. Умирзакова, Н. А. (2020). БИОЭТИКА КАК ЦЕННОСТНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧЕЙ. Гуманитарный трактат, (77), 4-7.
25. Мухамедова, З. М., Умирзакова, Н. А., & Бабаджанов, Ж. (2017). Проблема смерти мозга в исламской биоэтике. Гуманитарный трактат, (17), 15-18.

СТОМАТОЛОГИЯДА БИОЭТИКАВИЙ ДУНЁҚАРАШ ВА МУНОСАБАТНИНГ АҲАМИЯТИ

Н. А. Умирзакова
PhD, ТДСИ Ижтимий фанлар биоэтика курси билан кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Тиббиётнинг асл мақсади одам организмига нисбатан биоэтик муносабатда бўлишдир ва бу стоматологиянинг барча йўналишларига ҳам тегишли. Оғиз бўшлиғи одам организмининг энг муҳим қисми хисобланади, чунки организмдаги бошқа ҳамма аъзо ва системаларнинг соғлом бўлиши унга боғлиқдир. Шунинг учун оғиз бўшлиғи тўқималари патологиясида тўғри даволаш усулини танлай олиш билан, инсонни бир бутун тизим сифатида соғлиғини тиклаш каби энг муҳим натижаларга эришиш мумкин. Биоэтик нуқтаи назардан врач-стоматолог у қандай йўналишда фаолият кўрсатишидан қатъий назар, терапевт, ортодонт, ортопед ёки жаррох биоэтиканинг фундаментал принципларига таянган ҳолда фаолият юритиши керак: “Яхшилик қил, зарар етказма”, “Даволаш фаолиятидаги объект - беморни ҳурмат қил”, “Соғлиқ ҳамма нарсадан устунлигини унутма”. “Яхшилик қил” принципида врач-стоматолог учун беморнинг соғлиғи ҳақида қайғуриш назарда тутилган.

Калит сўзлар. Биоэтика, дилемма, оғиз бўшлиғи, терапевт, ортопед, ортодонт, жаррох, дегуманизация, технологизация.

КИРИШ

Оғиз бўшлиғи одам организмининг мухим қисми бўлиб, у бир қанча вазифаларни бажаради. Шунинг учун ҳам стоматология соҳасида биоэтик муносабат ҳар бир врач-стоматологнинг асосий мажбуриятига айланиши керак.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тиббиётнинг ривожланиши, шу жумладан стоматологиянинг ривожланиши, у ёки бу патологик ҳолатларни даволашдаги муаммоларнинг ечимини топишга олиб келмоқда. Ҳозирги кунда жуда кўп касалликларнинг тури ва кўринишлари мавжуд бўлиб, врач тўғри ташхис қўйиши ва тўғри даволаш тактикасини олиб боришида иккиланишларга яъни диленмаларга юз тутмоқда. Шунинг учун ҳам тиббиётда турли даволаш усулларини қўллаш учун махсус тиббий кўрсатма ва қарши кўрсатмалар мавжуд. Улар ёрдамида шифокор қайси даволаш

усулларини беморда қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлай олади. Стоматологик фаолиятда ҳам шу каби кўрсатмаларни инобатга олган ҳолда даволаш ишларини олиб бориш, бемор билан самимий суҳбат қуриб анамнез йиғиш, аввал тахминий ташхис қуйиш ва кейин қўшимча текшириш усулларига юбориш кераклиги ҳозирги кун биоэтикасининг долзарб муаммоларига айланиб бормоқда. Авваллари қўшимча текшириш усуллари тахминий ташхисни тасдиқлаш учун керак бўлган. Ҳозирги кунда эса тахминий ташхис ёки бирламчи ташхис деган атама йўқолиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда тиббиёт дегуманизациялашиб, яъни инсонпарварликдан чекиниб, тобора технологизациялашмоқда. Бунда шифокор ва бемор ўртасида бўладиган мулоқот камайиб бормоқда, натижада беморларнинг шифокорга айтмоқчи бўлган дилдаги гаплари қолиб кетиб, уларнинг ўрнига инновацион технологиялар гапирмоқда. Афсуски, бу ҳолат стоматологияда ҳам кузатилмоқда. Бемор стоматолог-врач олдига жони оғриганидан келади (кўп ҳолатларда), врач уни эшитишни ўрнига қўлига бир қатор йўлланмаларни ёзиб, текшириш усулларига юборади. Балки олдин бемор билан суҳбатлашиб кўриш керак эди деган фикр эса унда пайдо булмайди. Бемор вақтини, маблағини сарфлаб керак ва керакмас тахлиллардан ўтиб келади. Вахоланки биргина дентал рентген етарли бўлган ҳолат эканлигини кейинроқ тушуниб етади. Агар врач бемор билан озгина вақт ажратиб суҳбат олиб борганда ва анамнезни тўлиқ йиға олганида, жони оғриб турган беморни шунча сарсон қилмасдан, тез тиббий ёрдам кўрсата олган бўлар эди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги биоэтиканинг яна бир муаммоларидан бири шифокор-бемор ўртасидаги мулоқотнинг камайиб бориши, бунинг натижасида тиббий терминологиядан тахминий ташхис ёки бирламчи ташхис атамасининг йўқолиб боришидир. Охир оқибатда эса яна бемор азият чекмоқда.

Ечим: Шифокор бирламчи кўрикда бемор билан вақтини аямасдан суҳбатлашиши керак. Бу суҳбат давомида анамнез учун керак бўлган кўпгина маълумотларни олиши ва тахминий ташхис қўя олиши мумкин бўлади. Натижада беморнинг шифокор ҳақидаги фикри ўзгариб, унга нисбатан ишончи ортади. Қолаверса беморни олтинга тенг вақти ва маблағи шарт бўлмаган қўшимча текшириш усулларига сарфланмай, зарурий малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

REFERENCES

1. Mukhamedzhanovna, M. Z., Akmalovna, U. N., Abdusamatovich, K. S., Gapparovna, S. D., Arifovna, U. D., & Tashpulatovna, K. P. (2021). Bioethics-Paradigm of Humanization of Medical Education. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 125-133.
2. Мухамедова, З. М. (2019). Умирзакова Н. А. Феномен медицинских гуманитарных наук и международный опыт интеграции гуманитарных наук в медицинском образовании. Философские проблемы биологии и медицины: феномен биорациональности, (13), 304.
3. Мухамедова, З. М. (2019). Интеграция гуманитарных наук в медицинское образование: проблемы и перспективы. Journal of Health Development, (1 (30)), 37-45.
4. Мухамедова, З. М. (2009). Биоэтика. Учебное пособие. Ташкент.
5. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2021). Актуальность формирования социального контекста биоэтических проблем в Узбекистане. Гуманитарный трактат, (99), 7-15.
6. Mukhamedova, Z. M., & Umirzakova, N. A. (2019). The phenomenon of medical humanities and the international experience of integrating the humanities in medical education. Philosophical problems of biology and medicine: the phenomenon of biorationality, (13).
7. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2018). Паллиативная помощь: современость и традиции мусульманской биомедицинской этики. Гуманитарный трактат, (21), 38-40.
8. Mukhamedova, Z. M. (2006, October). Issues and contradictions in bioethics of 21st century: Islamic prospects. In Abstract book, First sub-regional expert meeting on ethics education in science and technology, Iran, Tehran (pp. 28-29).
9. Мухамедова, З. М. (2005). Исламская биоэтика в историческом аспекте. Сайт Ташкентской Медицинской Академии: www. rpam. uzsci. net.
10. Мухамедова, З. М. (2004). Введение в биоэтику. Т., Уч. пособие-2004.-120с.; Мухамедова ЗМ Биоэтика. Т. ЎзМУ Ресурс маркази. Ўкув кўлланма-2006. 144б; Мухамедова ЗМ и др. Биоэтика. Т. Уч. пособие-2009.163 с.
11. Сатарова, Д. Г., & Умирзакова, Н. А. (2016). Развитие глобальной этики и всеобщая декларация о биоэтике и правах человека. In Этика и история философии (pp. 202-207).
12. Саттарова, Д. Г. (2015). Стратегия компьютеризации и информатизации и проблема гуманизации образования. îàãéëéîëääÖ íêÄÑàñàà à ëéÇêÖåÖççéëíú, 116.
13. Сатарова, Д. Г. (2014). СОЦИАЛЬНЫЙ ИДЕАЛ И ПОСТКОЛОНИАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ДЛЯ" ПОНИМАЮЩЕГО КОНТРОЛЯ". Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, (1), 106-108.

14. Sadullaevna, Y. L., & Baratovna, A. G. (2021). LOGICAL PRINCIPLES IN THE DOCTRINE OF IBN SINA AND THEIR FORMATION CHARACTERISTICS.
15. Юлдашева, Л. С., & Абдурахимова, Д. М. (2021). Жамиятда одоб-аҳлоқ меъёрларини бузилишининг ижтимоий омиллари. Журнал Социальных Исследований, 4(4).
16. Yuldasheva, L. S., Khashimova, G. F., & Khosilova, A. A. (2020). THE CONCEPT OF TRUTH IN KANT AND HEGEL. Theoretical & Applied Science, (2), 451-454.
17. Il'ina, G. V., Berezhnaya, I. A., & Yuldasheva, L. S. (2019). Formirovanie gotovnosti pedagogov k realizatsii so-vremennykh zdorov'esberegayushchikh tekhnologii s det'mi doshkol'nogo vozrasta: monografiya, Magnitogorsk, Izd-vo Magnitogorsk. gos. tekhn. un-ta im. GI Nosova.
18. Obol'nikova, E. A., & Yuldasheva, L. S. (1973). Isolation and identification of the ubiquinone synthesized by the fungus Blakeslea trispora. Applied Biochemistry and Microbiology, 7(1), 38-40.
19. Akkazieva, B., Tello, J., Smith, B., Jakab, M., Krasovsky, K., Sautenkova, N., ... & Shoismatuloeva, M. (2015). Better noncommunicable disease outcomes: challenges and opportunities for health systems. Tajikistan country assessment. Geneva: WHO.
20. Умирзакова, Н. А. (2019). Репродуктивные технологии в системе здравоохранения Узбекистана в качестве социальной инновации. In Наука, образование, инновации: апробация результатов исследований (pp. 884-888).
21. Умирзакова, Н. А. (2022). СТОМАТОЛОГИК ТАЪЛИМДА БИОЭТИКАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ДОЛЗАРБЛИГИ. Academic research in educational sciences, (2), 69-72.
22. Умирзакова, Н. А. Востребованность биоэтики для гуманизации медицинского образования в Узбекистане. IX м1жнародного симпоз1уму з бюетики здоров'я, медицина та фшософш: СТРАТЕГИ ВИЖИВАННЯ, 15-16.
23. Умирзакова, Н. А. (2020). Значение изучения биоэтики в формировании профессиональной компетентности у студентов медицинских ВУЗов. Научные исследования XXI века.-Нефтекамск, (5), 7.
24. Умирзакова, Н. А. (2020). БИОЭТИКА КАК ЦЕННОСТНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧЕЙ. Гуманитарный трактат, (77), 4-7.
25. Мухамедова, З. М., Умирзакова, Н. А., & Бабаджанов, Ж. (2017). Проблема смерти мозга в исламской биоэтике. Гуманитарный трактат, (17), 15-18.

СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТДА ЎЗБЕК ВА ТУРК ТИЛЛАРИДА МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИНИНГ ПАРАЛЛЕЛ КОРПУСДА ИФОДАЛАНИШИ

Нилуфар Зайнобиддин қизи Абдурахмонова
ЎзМУ в.б. профессори, филология фанлари доктори

Гулрухсор Ғайратовна Холиёрова
Узбекистон Миллий Университети

АННОТАЦИЯ

Ўзбек ва турк тилларидаги мурожаат шаклларининг ўзаро муносабатлари тизими ва ушбу тизимда ҳар бир бирликларининг мавқеини белгилашда илмий тадқиқот ишимиз муҳим аҳамиятга эга. Тиллардаги мавжуд мурожаат шаклларини йиғиш, уларнинг ўзаро муносабатлар тизимини қиёсий аспектда таҳлил қилиш, ўзбек нутқ одатларининг социолингвистик йуналишини алоҳида ўрганиш ишимизнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Калит сўзлар:Мурожаат шаклар, социолингвистик аспект, ўзбек тили, турк тили

ABSTRACT

Our scientific research work is important in determining the system of interrelationships of the forms of address in the Uzbek and Turkish languages and the position of each unit in this system. Collecting existing forms of address in the languages, analyzing their system of mutual relations in a comparative aspect, separately studying the sociolinguistic direction of Uzbek speech habits is the main content of our work.

Keywords: Address forms, sociolinguistic aspect, Uzbek language, Turkish language

КИРИШ

Мурожаат шакли фикр юритиш билан, тафаккур билан боғлиқ бўлган ижтимоий – мантиқий ҳодиса сифатида социолингвистиканинг объекти ҳисобланади. Нутқий актнинг социолингвистик аспекти тил ва нутқ, уларнинг ўзаро алоқаси ижтимоийлиги сингари масалалар билан узвий боғликдир.

Мулоқотнинг бошланишида учрайдиган мурожаат шакллари кейинги мулоқот учун хос бўлган нутқ йўналишини белгилайди. Мурожаатда кўпинча шахснинг номинацияси кўринади, шу сабабли нутқий одатда мурожаат шаклларининг ўрни муҳим. Мурожаатда аксар холларда адресатнинг касб, хизмат юзасидан жамоа орасида тутган ўрни, ёши ва жинси каби белгилар кўринади.

Мурожаат жумлалардан фарқланувчи ўз белгиларига эга, у сўзнинг ўзида бўлмаган қўшимча характеристкаларни ҳам олади. Масалан, тиқилинч автобусда кетяпсиз,ўзингиздан ёшроқ бир қиз йўлингизни тўсиб олган. Сиз тушадиган бекат яқинлашиб қолди. Мурожат қиласиз: *« Синглим!*».

Бу ҳолатда ишлатилган мурожаат шакли биринчидан, адресатнинг эътиборини тортиш, иккинчидан (керакли оҳангда) узр сўраш, учинчидан, йўлингизни бир оз бўшатиш ҳақидаги илтимосни ифодалаш ҳамда автобусдан тушмоқчи эканингизни англатиш учун хизмат қилади. Шунингдек, бу мурожаат шаклидан адресатнинг сиздан ёш эканлиги ва жинси англашилади.

Тадқиқотимизда икки тил ўртасидаги мурожаат шаклларни анализ қилиш учун ўзбек тили электрон корпусида параллел корпусига юкланган ўзбекча ва турча материаллар асосида ўрганишга ҳаракат қилдик[1].



Мурожаат борасида сўз юритганда *«ўртоқ(лар)»(*турк тилида «*arkadash(lar)»)* шаклига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бу шакл баъзан «*жаноб(лар)»* сўзи билан ҳам қўлланади.

Келиб чиқиши бошқа тилдан бўлишига қарамай турк тилига чуқур сингган ва ўз маъносидан ташқари жуда кўп маъноларда қўлланадиган *efendim* сўзи турк тилида 2 шакилда учрайди. а) *efe|ndi; b)efe|ndim.*

Турк тилида ***efendi*** қуйидаги маъноларда қўлланилади:

[1] http://uzbekcorpus.uz/parallel

1) Зиёли, ўқимишли кишиларнинг исмларига қўшилиб, «жаноб» маъносини билдиради: *Ismini gulmeden soylemedigim bu Hafiz Kurban* ***Efendi*** *elli yaslarinda bir olay imamidir.(Guntegin.)*

2) «Эга, соҳиб, хўжайин» маъноларини билдиради:

Koylu memleketin efendisidir. (Отатурк)

3) «Турмуш ўртоқ, эр» маъносида ҳам кенг қўлланади:

Bizim ***efendi*** *boyle yemekleri hic bir sekilde agzina bile almaz*. (Сўзлашув)

4) Эркаклар учун хитоб, ундов сўз сифатида қўлланади:

Efendi! *Allah in emriyle kizini bana ver*.

5) «Бойвачча, қўлини совуқ сувга урмайдиган одам» каби маъноларда: ***Efendi*** *gibi sikintisiz, varlik icerisinde yasamak isterim*

6) **Efendi** ***сўзи қўшма сўз таркибида ҳам учраши мумкин:***

Beyefendi, hanimefendi, hocaefendi сўзларида

7) Бир хитоб ёки мурожаатга жавоб сифатида «*шу ердаман, лаббай, сизни эшитаман»* ўрнида қўлланади:

-Aysun!–Efendim!

-Alyo

-Efendim!

8) Тушунолмай қолган сўзни қайтаришни сўраганда ёки рўпарасидаги кишининг сўз бораётган мавзудаги фикрини билишда, сиз нима дейсиз? сўроғини ифодалаш учун қўлланади: ***Bu boyle*** *hic, olacak sey degil* ***efendim***. ***Her istegin bir***

9) Севгилим маъносида ҳам қўлланади: *emirdir* ***efendim***

Ўзбек тилида ушбу бирлик қуйидаги ўринларда қўлланади:

1) «Афанди» сўзи ўзбек тилида турк тилида бўлганидек кишиларнинг исмига қўшилиб, «жаноб» маъносида қўлланади: *Мамарайим афанди саволни яна қайтарди. (М. Исмоилий)*

2) Турк тилидагидек «хўжайин» маъносида ишлатилади:

*-**Афанди**м подшоҳ хазинасини ўғирладим. (М.Исмоилий)*

3) қизиқчи, уддабурон, топқир одам маъносида. Бу кўпроқ Насридин Афандига тўғри келади.

4) латифа, ҳажвия маъносида: *Сизни афанди айтишга жуда уста деб эшитдим.*

Мисоллардан англашиладики, «афанди» сўзининг маъноси кенг. Бу мурожаат шакли ўзбек ва турк тилларида асосан эркакларга мурожаатда қўлланади.

Оила қариндошлик атамаларининг кўпинча мурожаатда қўлланиши уларнинг характерли хусусияти ҳисобланади. Алоқа-аралашув иштирокчиларининг ёшига хос белгилар «*опа», «ака*», *«сингил», «ука», «жиян», «тоға», «амаки», «хола», «ая*» каби сўзлар билан очилади.

«Жон укам!-дедим ялиниб. –Урманг, мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин!» (У.Хошимов).

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, «қариндош уруғликни англатувчи атамаларнинг ҳаммаси ҳам мурожаат шакли бўла олмайди: *қайнона, қайнота, қайноға, кайнэгачи, қайнсингил, қайни* каби қариндош уруғ атамалари ҳеч қачон мурожаатда қўлланмайди.»[1]

Ўзбек тилида ишлатилувчи мурожаат шакллари асосан қуйидаги омиллар билан белгиланади:

1. Ижтимоий мансублик.
2. Касб (лавозим, унвон).
3. Суҳбатдошларнинг таниш- нотанишлиги.
4. Нутқий ҳаракат шароити.
5. Мулоқотчиларнинг ёши.
6. Уларнинг жинси.
7. Яшаш жойи.
8. Услубий ҳолат.
9. Мулоқотчилар характери.

Мурожаат борасида фикр юритилганда, эр-хотин орасидаги мурожаат шаклларига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Маълум миллий тушунчалар, диний ақидалар юзага келган турли вазиятларда қўлланилувчи мурожаат шакллари ўзбек халқида эр- хотин ўртасидаги муносабатларда хилма-хил кўринишларда акс этади. Эр-хотин ўртасидаги мурожаат шаклларини шундай гуруҳлаш мумкин:

а) турмуш ўртоқларига ўз исми билан мурожаат қилинади, кўпинча исмига *-хон, -жон,-ой, -биби* аффикслари, аёллар нутқида эса эр исмига ака сўзини қўшиш ҳоллари кўзга ташланади:

«*Сорахон аввал менга тушунтир… Сорахон! Майли нима десанг хўп, сен менга тушунтир, гуноҳим бўлса тавба қилай…*» (А.Каххор).

Ёки:

«Жувон гап қотди:

- Раҳимжон ака, меҳмон сизни йўқлаб кептилар»

(С.Ахмад)

б) жинс англатувчи «эр» «хотин» каби сўзлар билан аталади, купрок эркаклар нутқида «хотин» деб мурожаат қилиш учрайди: «*Э, нодон хотин, менда пул нима қилади,сигир бўзоқни сотаман!» (С.Ахмад);*

в) кекса ёшли комуникантларда ёшни белгиловчи сўзлар билан мурожаат қилинади:

«Кампир, сен аралашмай тур бир пас!» (С.Ахмад)

Кўриниб турибдики, бундай мурожаатда ёш билан бирга адресатнинг жинсини ҳам ифодалайди;

г) фарзандларидан бирининг номи билан, кўпинча тўнғич фарзанд номи билан аталади:

«Нигор ойим югуриб эрининг орқасидан чиқди: -Хой, Раъно!-деди маҳдумга,-нонларимизнинг суви қочган, ҳамир килишга вақт оз, бозордан иссиқ нон олдирасизми? (А.Кодирий).

д) фарзандларнинг ота-оналарга мурожаати асосида мурожаат қилинади: *«онаси», «отаси», «ойиси», «дадаси», «аяси»* каби;

«Бир маҳал дадамнинг хотиржам овози эшитилди:-Идорада мажлис бўлди онаси…» (У.Хошимов)

«Икки эшик ораси» романидаги Хусан думани асранди қизи Робия «бобо» деб атайди, шу сабабли унга хотини «*бобоси»*, деб мурожаат қилади:

«*Ойим мени қайтадан қучоқлади:*

-Вой, ман оёқ-қўлидан боғлаётганим йўқ-ку, бобоси» (У.Хошимов)

е) умр йулдошининг лавозими, жамиятда тутган урнига кура аташ: *«домла», «бегим», «раис», «отинча»* кабилар. Кумушнинг Отабекка «бегим», Бобурга рафиқаларининг «*мирзам», «хазратим*» дейишларида ҳам шундай маъно ётади; Бобур катта мағлубиятга учраган кезларда рафиқаси мурожатининг ҳам ўзгариши фикримиз далилидир:

«Менинг эгачимдан яширадиган сирим йўқ, Мирзам! Бир вақтлар Бобурни улуғлаб «хазратим» деган Ойиша бегим энди хонга ўхшаб, баландроқдан келиб «мирзам» дейиши ҳам ғалати эди.» (П.Кодиров)

ё) эр-хотин орасидаги муносабатларда эркалаш муносабатини билдирувчи мурожаат шаклларидан кенг фойдаланилади. Бундай мурожаатлар интим ҳолатларда ишлатилади:

«жоним», «азизам», «хоним», «гўзалим», «ягонам», «фариштам», «асалим» сингари. Масалан: *«Шукуров кандайдир ўзини ноқкулай сезиб хотинига яқинлашди:*

-Салом, хоним!» (О.Ёқубов)

Ёки:

«Тохир: Ёлғизим! Сени шундай шодлик билан кўришни ўйлаб, тиззанга бош қўйиб, шодлик йиғиларини битказмоқ эдим» (Ҳамза).

ж) кекса эркаклар нутқида учрайдиган турли қўпол сўзлар, лақаблар билан аташ характерли ҳолат бўлиб, ўзбек халқида мурожаат меъёрига мувофиқ келиб қолган:

*«Аввалига хат ёзиш билан андармон бўлиб, парво қилмадиму, бобомнинг: «Ховлиқма, **пакана**, бу умр савдоси» дегани кулоғимга чалиниб сергак тортдим». (У.Хошимов).*

з) фақат ундов сўзлар билан мурожаат қилинади, кўпроқ аёллар мурожаатларида кўринади:

«Хой менга каранг, ишдан кейин лаққиллаб юрманг, дарров қайтинг!» (С.Ахмад).

Демак, эр-хотин ўртасидаги мурожаат шакллари нутқий одат вазиятларида учламчи номинациянинг юзага келишига сабаб бўлади: бирламчи номинация сифатида комуникантларнинг **инсон** иккиламчи номинация сифатида комуникантларнинг ўз номлари тушунилса, эр-хотин ўртасидаги учламчи номинациянинг белгиланиши (тахминан) эркак- адресатга ифодаланиши мумкин.

Нутқий одатда сухбатдошлар ўртасида контакт ўрнатишнинг ўзига хос усуллари мулоқотда шароитга мос муносабатларнинг турли кўринишларини белгилаш мумкин бўлган *«сен»* ва *«сиз»* шаклларини ишлатиш билан ҳам чамбарчас богликдир. Нутқий одатни тадқиқ қилишда шунга кўра бу муаммолар муҳим аҳамиятга эга. Фикримизга ойдинлик киритиш мақсадида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» да берилган изоҳларда *сен-кишилик олмоши, II-шахс,бирлик.*

1.Ўзидан кичик, яқин кишига мурожаатда ишлатилади.

2.Купчиликка муносабатда дағал ёки менсимасликни билдиради. Сиз-кишилик олмоши, 2-шахс, кўплик.

1.Кўпчиликка мурожаатда ишлатилади.

2.Ўзидан катта кишига ва умуман ҳар қандай шахсга нисбатан ҳурмат билдирилади.

Нутқий одат учун якка шахсга қаратилган мурожаат характерини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофикдир. «Сен/сиз» шаклларининг қарама-қаршилиги нутқий одатга хос ҳамма вазиятларда ишлатилади ва барча тил бирликларига қўшилади. Бу шакллар бирлик ва кўпликдаги кишилик олмошлари билан бирга феълнинг шахс-сон аффиксларида ҳам ойдинлашади.

«Сен/сиз» шакллари шароитга мосланган бўлиб, юқори услубий буёқдорликка эга бўлган тил бирликлари нутқий одатнинг «*сиз*» шаклига услубий жихатдан оддий, қўполрок бирликлар «сен»шаклига тўғри келади. Ҳар кандай сўз ўзиниг денотатив маъносидан ташқари коннотатив ва прогматик маъносига ҳам эга бўлиб, мазмунан мураккаблашиши мумкин. Жумладан, сен<=>сиз оппозициясидаги лексик бирликлар умумий денотатив маънога эга бўлса ҳам, бироқ улар прагматик маъноси билан бир-биридан фарқ қилади. «Сен ва сиз» ўзаро ҳурмат семасига эга эканлиги ва эга эмаслиги асосида фарқланади. Кўпрок буйруқ тариқасидаги сўзлар *сенлаб, узр, илтимос, миннатдорчилик* тарзидаги сўзлар сизланиб гапирилади. Шунингдек, акскарият тил бирликларида «сен/сиз» шакллари билан қўлланиш мумкинлигини англатувчи кўрсаткичлар мавжуд жумладан нотаниш шахснинг дастлабки мулоқат шароитида эътиборини тортиш усули ҳозир анча камайиб қолган адресатнинг исми ва отасининг исми билан мурожаат қилиш «сиз» шаклини ишлатишни талаб қилади.

Ўзбек тилида қариндошлик номини мурожаат вазифаси сифатида қўллаш ўзига хос ахамиятга эга. Бирламчи номинацияда ижтимоийлик, кумуникантларнинг ёшига қараб намаён бўлади: *ота, она, буви, тога, хола, амма, ака-опа* каби катта ёшли адресатларга сизлаб: ўғил, қиз, ука, сингил, жиян, набира сингари кичик ёшдаги қариндошларга сенлаб мурожаат қилиш кузатилади. Бизда ота оналар ўз фарзандларига нисбатан «сен» деб мурожаат килиш фарзандларнинг ўз ота-онасига ўзидан ёши катта бўлган барча қариндошларга «сиз» деб муносабатда бўлиш меъёрий ҳисобланади.

Бу ҳакида гап кетганда, ўзбек оилалари учун хос яна бир шарқона фазилатга тўхталиш лозим. Ғарб халқларида эр хотиннинг бир-бирига сенлаб гапириш табиий ҳолат қисобланади. Кўпчилк ўзбек эркаклари ўз рафиқаларига сенлаб гапирадилар. Бироқ ўзбек аёли хеч қачон ўз турмуш ўртоғини сенламайди, балки кўриб ўтилганидек мурожаатнинг ҳурмат белгиловчи турли сўзлар қўлланади.

Шунингдек, оилага янги аъзо бўлиб келган келинчак хатто энг кичик кайинсингил эрнинг укаларигача ёш болаларгача сизловчи ва ҳурмат оттенкаларни ифодаловчи лексик бирликлардан фойдаланади. Бу мурожаатнинг «сен»га айланиши нутқий одатга тўғри келмайди. *«Эр: намунча, аввал суюнчи берсангчи яхши ҳовли топиб келдим. Эртага кўчамиз. Хотин: кўчмайман дедим кўчмайман! –ўзинг кўчавер катта кўча!» (Т.Пўлат).* Бу ерда Хотин кишининг ўз эрини сенлаш билан нутқий одат меъёри жуда қўпол равишда бузилиш ҳолатлари кузатилади.

А.Қодирийнинг асарларида сизлашнинг ўзига хос кўринишларини учратиш мумкин: *«сабаби жуда аччик, - деди Отабек. Лекин нимани сабаб қилиб кўрсатишни ўзи ҳам биилмас эди.*

- Айтингиз ахир» (Зайнаб)

Бироқ юқоридаги асарларнинг рус тилидаги таржималарида ўзбек халқига хос меъёрлар бузилиши кузатилади. Бундай ҳолат халкимизнинг урф-одатлари, нутқий одатини билмаслик ёки уларга беписандлик, бепарво карашнинг натижасидир. Нотаниш адресатларга нисбатан қариндошликни белгиловчи мурожаат шаклларининг иккиламчи номинациясида доимо «сиз» шаклини ишлатилиши кўзга ташланади: *«энди, синглим тушунинг, шу биттагина боламизнинг онаси йиғлаб эси кетаяпти мен-ку чидаяпман…». (С.Ахмад)*

Социал ижтимоий ролларнинг ўзгаришини кўрсатадиган ушбу «сен/сиз» шаклларининг алмашиниши ҳам катта ахмиятга эга. Масалан, аввал таниш сўнгра дўст бўлган суҳбатдошлар сенлаб гапирадилар. Бу ҳодиса аксарият коммуникатларнинг ижтимоий мақоми ўзгариши билан белгиланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «сен/сиз» шаклларининг алмашиниш айрим ҳолларда услуб билан ҳам алоқадор бўлади. Масалан, отанинг ўз фарзандига сизлаб мурожаат килиши бироз киноявий маънода бўлиши мумкин ва х к. Шароит тақазоси билан баъзан коммуникация давомида «сен/сиз» шаклларини юзага чиқармасликка бўлган интилиш ўзаро муносабатларнинг характерини белгилайди. Нутқий одатнинг «саломлашиш», «хайрлашиш» вазиятларида «сен/сиз» шакллари ифодаланмаслиги мумкин.

«Сиз» шакли «сен» га қараганда чуқур ҳурматни ифодалаши табиий. Нутқий одатда тил ва нутқнинг бошқа белгиларига қараганда кўпрок ижтимоий рамзийлик хосдир. Бирор гуруҳда кўп ишлатилмаслиги табиийлиги туфайли уларни тил бирликларини ишлатишига қараб фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ёшлар нутқида «саломлашиш» вазиятида «С*алом калайсан*?» кексалар нутқида «*Ассалому алайкум бардаммисиз*?» каби бирликлар тез-тез жуда кенг қўлланади. Ёки «эркалаш» вазиятида аёллар кўпроқ «ўргулай» эркаклар «*Баракалла*» каби тил бирликларини ишлатишлари билан ажраладилар. Бунда уларни бирлаштирувчи сема-сўрашиш, эркалаш маъноси, дифференциал сема-ёш ва жинс белгиси сифатида кўрсатилади. Ўзбек халқи учун бу белгилар орасида ёш ва жинс белгилари нутқий одатда муҳим ўрин тутади. Шуни назарда тутиб, коммуникатларни хусусан, ёш ва жинси нуқтаий назаридан гуруҳларга ажратамиз ва қолган барча

аломатларини шу гуруҳ таркибида кейинги ишларимизда батафсил таҳлил қилишга ҳаракат қилимиз.

REFERENCES

1. Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. –Т: Фан,1988.
2. Искандарова Ш. Ўзбек нутк одатининг мулоқот шакллари. Филология фанлари номзоди .дис.автореф. -Самарканд,1994.
3. Махмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз -Т: Адабиёт ва санъат,1997.
4. N. Abdurakhmonova, I. Alisher and R. Sayfulleyeva, "MorphUz: Morphological Analyzer for the Uzbek Language," 2022 7th International Conference on Computer Science and Engineering (UBMK), 2022, pp. 61-66, doi: 10.1109/UBMK55850.2022.9919579.
5. Abdurakhmonova N. The bases of automatic morphological analysis for machine translation. Izvestiya Kyrgyzskogo gosudarstvennogo tekhnicheskogo universiteta. 2016;2 (38):12-7.
6. Abdurakhmonova N, Tuliyev U. Morphological analysis by finite state transducer for Uzbek-English machine translation/Foreign Philology: Language. Literature, Education. 2018(3):68.
7. Mengliev D, Barakhnin V, Abdurakhmonova N. Development of Intellectual Web System for Morph Analyzing of Uzbek Words. Applied Sciences. 2021; 11(19):9117. https://doi.org/10.3390/app11199117
8. Abdurakhmonova N., Tuliyev U. and Gatiatullin A., "Linguistic functionality of Uzbek Electron Corpus: uzbekcorpus.uz," 2021 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT), 2021, pp. 1-4, doi: 10.1109/ICISCT52966.2021.9670043.
9. Kubedinova L. Khusainov A., Suleymanov D., Gilmullin R., Abdurakhmonova N. First Results of the TurkLang-7 Project: Creating Russian-Turkic Parallel Corpora and MT Systems. Proceedings of the Computational Models in Language and Speech Workshop (CMLS 2020) co-located with 16th International Conference on Computational and Cognitive Linguistics (TEL 2020) .2020/11: 90-101

RuO_2 NANOZARRACHALARINING LEGIRLANGAN SILIKAT SHISHADAGI HOLATI

Avazbek Tolibjon o`g`li Dexqonov
Muhriddin Egamqul o`g`li Tursunov
O'zbekiston Milliy Universiteti
muhriddintursunov.1995@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada 700 K dan yuqori temperaturada Legirlangan slikat shisha (LSSh) ning solishtirma qarshiligi ρ va termoEYuK koeffitsienti S keskin oshib, maksimumga chiqadi va keyin kamayadi. ρ va S ning bunday o'zgarishlari ligaturaning kristall qoldiqlaridagi struktura o'tishlari oqibati bo'lishi mumkinligi taxmin qilindi. Mazkur ishning maqsadi - bu taxminni tajribada sinash. Buning uchun ligaturaning va LSSh ning tuzilishi 300, 773, 993 va 1123 K temperaturalarda rentgen nurlari difraksiyasi yordamida o'rganildi va olingan natijalar tahlil qilindi.

Kalit so'zlar: qo'rg'oshin-silikat shisha, legirlash, ruteniy dioksidi,elementar yacheyka, solishtirma qarshilik, termoEYuK, roentgen nurlari difraksiyasi, nanokristallar, struktura o'tishlari.

ABSTRACT

In this article, at a temperature above 700 K, the specific resistance ρ and thermoEMF coefficient S of Alloyed silicate glass (LSG) increase sharply, reach a maximum, and then decrease. It was assumed that such changes of ρ and S could be the result of structural transitions in the crystal remains of the ligature. The purpose of this work is to test this assumption in an experiment. For this, the structure of the ligature and LSG was studied using X-ray diffraction at temperatures of 300, 773, 993 and 1123 K and the obtained results were analyzed.

Keywords: lead-silicate glass, alloying, ruthenium dioxide, elementary cell, resistivity, thermoEMF, X-ray diffraction, nanocrystals, structural transitions.

KIRISH

Legirlangan qo'rg'oshin-silikat shisha (LSSh) qalin qatlamli rezistorlar, fizikaviy va kimyoviy ta'sirlar datchiklari hamda elektr isitgichlar sifatida uzoq yillar davomida keng qo'llanib kelayapti. Shunga qaramasdan LSSh ning hali o'rganilmagan jihatlari bor. Masalan, silikat shishani legirlaganda ligaturazarrachalari shishaning ichida qisman kristall

holida qolib ketadi (1-rasm) [1]. Adabiyotlarda bu qoldiq kristallar zaryad tashuvchilarning lokallashuvi markazlari bo'ladi va LSSh ning elektr o'tkazuvchanligi Mott mexanizmi (o'zgaruvchan masofaga sakrash) orqali bo'ladi, - degan faraz ko'p muhokama qilindi [2], ammo tajribada tasdiqlanmadi.

Ikkinchi tomondan, 700 K dan yuqori temperaturada LSSh ning solishtirma qarshiligi ρ va termoEYuK koeffitsienti S keskin oshib, maksimumga chiqadi va keyin kamayadi (2-rasm) [3]. ρ va S ning bunday o'zgarishlari ligaturaning kristall qoldiqlaridagi struktura o'tishlari oqibati bo'lishi mumkinligi taxmin qilindi. Mazkur ishning maqsadi - bu taxminni tajribada sinash. Buning uchun ligaturaning va LSSh ning tuzilishi 2-rasmdagi xos temperaturalar – 300, 773, 993 va 1123 Kda rentgen nurlari difraksiyasi yordamida o'rganildi.



1-rasm. Legirlangan silikatshisha tuzilishining elektron mikroskopdagi tasviri



2-rasm.RuO_2 bilan legirlangan $2SiO_2 \cdot PbO$tarkibli shishada solishtirma qarshilik ρ va termoEYuK koeffitsienti S ning temperaturabo'ylab o'zgarishi [3].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Silikat shishani legirlashda ko'p ishlatiladigan eng oddiy ligatura RuO_2 bo'lib, uning kimyoviy va fizikaviy xossalari ancha keng o'rganilgan [3]. RuO_2 ning elementar yacheykasi rutil turida (tetragonal) bo'lib (3-rasm), uning parametrlari

1-jadvalda keltirilgan [3], issiqlikdan kengayish koeffitsienti (IKK $\alpha = (\Delta L/L)/\Delta T$) anizotropik (xona temperaturasida a o'qi yo'nalishida $+140 \cdot 10^{-7}$ K^{-1}, c yo'nalishida $-32 \cdot 10^{-7}$ K^{-1}), ammo monoton emas (4-rasm) [4], va $2SiO_2 \cdot PbO$ tarkibli shishaning izotropik koeffitsienti ($70 \cdot 10^{-7}$ K^{-1}) dan ancha farq qiladi.

1-jadval

RuO2 ning elementar yacheykasi o'lchamlari		
Yacheyka o'lchami, Å		
a = b	c	a/c
4,51±0,02	3,11±0,02	0,690

RuO_2 ning yana bir o'ziga xos jihati – yumshoqligi – Young moduli 24-27,5 GPa [5, 6], holbuki silikat shishada bu xossa 48-83 GPa [7].



3-rasm.RuO_2 ning elementar yacheykasi



*4-rasm.RuO_2 kukunlarining issiqlikdan kengayish koeffitsientining **a** va **c** yo'nalishlarida temperatura bo'ylab o'zgarishi*

Masalaning yana bir jihati shunda-ki, odatda ligaturaning hajmi shishaninghajmidan bir necha marta kam bo'ladi. Shunga ko'ra LSSh ning ichida RuO_2 qoldiqlariga shishaning mexanik ta'siri ostida bu qoldiqlar deformatsiyalangan (*a* yo'nalishda siqilgan, *c* yo'nalishda cho'zilgan) bo'lishi lozim. Ammo bu mavzuda adabiyotlarda ma'lumot yo'q, shu sababdan RuO_2 qoldiqlarining shisha ichidagi holati tajribada aniqlash lozim.

NATIJALAR

Yuqorida biz legirlangan silikat shishada ligatura zarrachalarining kristal qoldig'i bo'lishi va bu qoldiqning issiqlikdan kengayish koeffitsienti (IKK) shishanikidan farq qilishi tufayli zarrachalar deformatsiyalangan holatda bo'lishi lozimligini ko'rsatilgan. Bu keltirilgan fikrlarni isbotlash uchun RuO_2 bilan (10 vazn %) legirlangan $2SiO_2 \cdot PbO$ (massasi bo'yicha 33 % SiO_2 , 67 % PbO) tarkibli shisha kukunlarida 300, 773, 973 va 1123 K temperaturalarda rentgen nurlarining difraksiyasini o'rgandik (5-rasm). Rentgenogrammalar O'zbekiston geologiya va mineral resurslar komitetining Mineral

resurslar institutida Simens firmasining D500 rentgen difraktometrida Anton Paar HTK16N yuqori temperatura kamerasida olindi.

$$\frac{1}{d_{hkl}^2} = \frac{h^2 + k^2}{a^2} + \frac{l^2}{c^2}$$



5-rasm. RuO_2 bilan legirlangan $2SiO_2 \cdot PbO$ tarkibli shishada rentgen nurlari sochilishining turli temperaturalardagi (K) tasviri:293 (a), 773 (b), 973 (c) va 1123 (d

2-jadvalda rentgenogrammalardagi RuO_2 ga xos bo'lgan asosiy maksimumlarning joylashuvi va nisbiy intensivligi va taqqoslash uchun RuO_2 monokristallarining ASTM (21-1172) kartotekasidan olingan xos chiziqlari keltirilgan. RuO_2 ning tetragonal elementar yacheykasi parametrlari $a = b$ va c tekisliklar aro masofa d_{hkl} dan [2] da keltirilgan formula orqali hisoblandi (6-rasm). Bunda biz rentgenogrammalardagi eng intensivligi katta kristallografik tekisliklarga mos maksimumlardan foydalandik.6-rasmning a) va b) ni solishtirganda ko'ramizki, legirlangan shisha tarkibidagi ligatura nanozarrachalarining IKK si keskin o'zgargan: a yo'nalishida elementar yacheyka kengayishi monoton tusga kirdi, c yo'nalishida IKK deyarli 2,5 baravar oshdi.

2-jadval.

RuO_2 monokristallarining ASTM (21-1172) kartotekasidagi chiziqlari									
d, Å	**3,17**	**2,550**	2,245	2,17	2,05	**1,685**	1,586	1,552	1,420
I/I_0	**100**	50	10	4	1	30	9	4	5
hkl	110	101	200	111	210	211	220	002	310
Izoh. Birinchi satrda ASTM (21-1172) bo'yicha eng intensiv maksimumlarajratilgan									



a) *b)*

6-rasm. Erkin RuO2 (a) va RuO2 bilan legirlangan S71-K shishaning panjara konstantalarining haroratga bog'liqligi (b)

MUHOKAMA

Ma'lumki, siqilish deformatsiyasida yarim o'tkazgichlar va metallarning o'tkazuvchanligi ortadi. Shuning uchun, legirlangan silikat shishaning o'tkazuvchanligi, agar u bir-biri bilan bevosita aloqada bo'lgan RuO2 zarralaridan iborat cheksiz klaster bo'ylab 800K<T<1123 K temperatura oralig`ida amalga oshirilgan bo'lsa, haroratning oshishi bilan o'q bo'ylab birlik panjara doimiysining pasayishi kuzatiladi. Demak, Shisha va $RuO_2$ ning issiqlikdan kengayish koeffitsientlarining farqi legirlangan shishadagi $RuO_2$ qoldiq zarrachalariga kuchli mexanik ta'sir ko`rsatadi.



7a-rasm. Erkin RuO_2 ning rengenogrammalari



7b-rasm. RuO2 bilan legirlangan S71-K shishaning rengenogrammasi

Yuqoridagi erkin RuO_2 ning rengenogrammalari hamda RuO_2 bilan legirlangan S71-K shishaning rengenogrammasida bir biridan sezilarli farq qiladigan spektrlarni ko'rishimiz mumkin.

XULOSA

RuO_2 nanozarrachalarining legirlangan silikat shishadagi holatini o`rganishda rentgen nurlar difraksiyasi yordamida olingan natijalar orqali taxlil qilindi. Bunda legirlangan shisha tarkibidagi

ligatura nanozarrachalarining Issiqlikdan kengayish koefitsienti (IKK) keskin o'zgargan: 1) a yo'nalishida elementar yacheyka kengayishi monoton tusga kirdi; 2) c yo'nalishida IKK deyarli 2,5 baravar oshdi. RuO_2 bilan legirlangan $2SiO_2 \cdot PbO$ tarkibli shishada solishtirma qarshilik ρ va termoEYuK koeffitsienti S ning temperatura bo'ylab o'zgarishi hamda uning rentgen nurlari sochilishining turli temperaturalardagi (293 ,773 , 973 va 1123 K) rengennogrammalari olindi.

Erkin RuO2 va RuO2 bilan legirlangan S71-K shishaning panjara konstantalarining haroratga bog'liqligi o`rganildi. Shisha va $RuO_2$ ning issiqlikdan kengayish koeffitsientlarining farqi legirlangan shishadagi $RuO_2$ qoldiq zarrachalariga kuchli mexanik ta'sir ko`rsatadi.

REFERENCES

1. T. Bekmurodov, X. Mardonova (Chorieva), G. Abduraxmanov // RIAK-15ilmiy-amaliy anjumani, Toshkent, 22-23 aprel 2022. Anjuman materiallari
2. Г.Б. Бокий, М.А. Порай-Кошиц. Рентгеноструктурный анализ. – Москва, изд-во МГУ, 1964. – 488 с. С. 321.
3. Morten B., Masoero A., Prudenziati M., Manfredini T. Evolution of ruthenate-based thick film cermet resistors // J.Phys.D: Ap.Ph., 1994, 27
4. Abdurakhmanov G. Electrical conduction in doped silicate glass (thick film resistors). In: New Insights into Physical Sciences. V. 4, 47-71. London- Hooghly, Book Publishers International, 2020
5. Звягинцев О. Е., Колбин Н. И., Рябов А. Н., Автократова Т. Д., Горюнов А.А. Химия рутения. Под ред. Звягинцева О. Е. - М.: Наука, 1965. – 300 с.
6. Fletcher J. M. et al. / Magnetic and other studies of ruthenium dioxide and its hydrate // J. Chem. Soc. a, 1968, pp. 653-657.

ПРИНЦИПЫ БИОЭТИКИ И ДЕОНТОЛОГИИ В ДЕТСКОЙ СТОМАТОЛОГИИ

Наргиза Акмаловна Умирзакова
PhD, доцент кафедры Общественных наук с курсом биоэтики ТГСИ

АННОТАЦИЯ

Посещение ребенка детского врача стоматолога в основном сопровождается стрессом из-за страха перед детским стоматологом. Страх так же может возникнуть из-за наличия в кабинете большого количества разных инструментов, бормашины и манипуляций. Особое внимание нужно обратить на детей, которые впервые посещают врача стоматолога. Именно поэтому этика и деонтология занимает важное место в детской стоматологии при общении с ребенком и его родителями.

Ключевые слова: биоэтика, деонтология, детская стоматология, ребенок, врач, стоматолог, зубы, этика, студенты.

ABSTRACT

The visit of a child to a pediatric dentist is mainly accompanied by stress due to fear of a pediatric dentist. Fear can also arise due to the presence in the office of a large number of different tools, drills and manipulations. Special attention should be paid to children who visit a dentist for the first time. That is why ethics and deontology occupy an important place in pediatric dentistry when communicating with a child and his parents.

Keywords: bioethics, deontology, pediatric dentistry, child, doctor, dentist, teeth, ethics, students.

ВВЕДЕНИЕ

Деонтология является учением о нравственных и моральных проблемах, правил поведения и оценке действий человека. На первый взгляд возникает вопрос, а как могут быть связаны эти направления? На самом деле, в настоящее время взаимосвязь действительно есть и она очень близкая.

Многие родители придерживаются мнения, что посещение детского врача стоматолога может вызвать только физическую боль, не придавая достаточного внимания психологическому состояния ребенка на приеме у врача стоматолога. Однако по результатам многих

проведенных исследований доказано что дети испытывают страх перед каждым посещением стоматолога.

Причина этого состояния может быть неизвестность, боязнь всех врачей, боязнь белого халата, неудачное проведенное лечение ранее, самовнушение и др. При работе с такими пациентами врач сталкивается с такими проблемами как ребенок не открывает рот, может сильно схватить сильно врача за руку, сильно кричать или выполнять иные действия, которые мешают провести доктору надлежащее лечение. В решении этих проблем помогает биоэтика и деонтология.

Главной задачей биоэтики и деонтологии в детской стоматологии является формирование доверия между пациентом и врачом. Этот подход необходим для установления доверительных отношений между ребенком и врачом.

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Завоевать доверие ребенка задача не легкая, которая может потребовать определенных знаний и навыков. Для того, чтобы обеспечить доверительные отношения врача с ребенком, ему необходимо приходить на профилактический осмотр для того чтобы не вызывать ужасающий страх как при наличии острой боли, когда заболевание перешло же в острую форму. Этот осмотр можно назвать как ознакомительный приём.

Медицинская деонтология является учением о профессиональном выполнении долга врача стоматолога перед пациентом. Деонтология учит как относится врачу стоматологу к пациенту не как к предмету наблюдения, а как к личности, имеющего свое мировозрение. Детский стоматолог должен иметь не только профессиональное образование и квалификацию, но и быть хорошим психологом. Применение учений деонтологии позволяет найти нужный подход к ребенку, применив психологические навыки манипуляций его поведением.

В детской стоматологии мы можем применить такое крылатое выражение как слово может лечить, а может и ранить. Ребенок во время болезни очень восприимчив в силу еще не сформированной психики. Правильные слова детского стоматолога при обращении к ребенку являются залогом успешного контакта, а так же лечения. Однако даже одна не правильная фраза могут изменить ситуацию, а так же спровоцировать психологическую травму.

Приветливый стоматолог, который всегда с трепетом и заботой относится к детям, всегда будет пользоваться авторитетом. И в дальнейшем, даже при болезненных

процедурах ребенок не будет капризничать и стойко переносить все манипуляции. Так как у него уже имеется доверие к детскому врачу стоматологу. В современной стоматологии лечение зубов проводится с применением самых разных видов анестезии. Единственной причиной страха может стать бормашина, инструменты врача и неизвестность процедур.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Для того, чтобы подготовить маленького пациента к стоматологическому лечению, следует начинать с небольших профилактических осмотров. Врач, который обладает достаточными знаниями в биоэтике и деонтологии, всегда найдет подход к ребенку, познакомит его со всеми особенностями лечения зубов в детской стоматологии и объяснит необходимость ухода и лечения. Родители же смогут убедится в компетентности врача стоматолога

В ТГСИ на кафедре «Детской хирургической стоматологии» обучение проводится с учетом биоэтических норм в процессе приёма пациентов врачами стоматологами. Студенты и магистры в своей практике успешно используют полученные знания. Они помогают быть коммуникабельными, находить общий язык с пациентами и коллегами, младшим медицинским персоналом, благодаря полученным знаниям и биоэтическому мировоззрению.

REFERENCES

1. Mukhamedzhanovna, M. Z., Akmalovna, U. N., Abdusamatovich, K. S., Gapparovna, S. D., Arifovna, U. D., & Tashpulatovna, K. P. (2021). Bioethics-Paradigm of Humanization of Medical Education. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 125-133.
2. Мухамедова, З. М. (2019). Умирзакова Н. А. Феномен медицинских гуманитарных наук и международный опыт интеграции гуманитарных наук в медицинском образовании. Философские проблемы биологии и медицины: феномен биорациональности, (13), 304.
3. Мухамедова, З. М. (2019). Интеграция гуманитарных наук в медицинское образование: проблемы и перспективы. Journal of Health Development, (1 (30)), 37-45.
4. Мухамедова, З. М. (2009). Биоэтика. Учебное пособие. Ташкент.
5. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2021). Актуальность формирования социального контекста биоэтических проблем в Узбекистане. Гуманитарный трактат, (99), 7-15.

6. Mukhamedova, Z. M., & Umirzakova, N. A. (2019). The phenomenon of medical humanities and the international experience of integrating the humanities in medical education. Philosophical problems of biology and medicine: the phenomenon of biorationality, (13).
7. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2018). Паллиативная помощь: современость и традиции мусульманской биомедицинской этики. Гуманитарный трактат, (21), 38-40.
8. Mukhamedova, Z. M. (2006, October). Issues and contradictions in bioethics of 21st century: Islamic prospects. In Abstract book, First sub-regional expert meeting on ethics education in science and technology, Iran, Tehran (pp. 28-29).
9. Мухамедова, З. М. (2005). Исламская биоэтика в историческом аспекте. Сайт Ташкентской Медицинской Академии: www. rpam. uzsci. net.
10. Мухамедова, З. М. (2004). Введение в биоэтику. Т., Уч. пособие-2004.-120с.; Мухамедова ЗМ Биоэтика. Т. ЎзМУ Ресурс маркази. Ўкув кўлланма-2006. 144б; Мухамедова ЗМ и др. Биоэтика. Т. Уч. пособие-2009.163 с.
11. Сатарова, Д. Г., & Умирзакова, Н. А. (2016). Развитие глобальной этики и всеобщая декларация о биоэтике и правах человека. In Этика и история философии (pp. 202-207).
12. Саттарова, Д. Г. (2015). Стратегия компьютеризации и информатизации и проблема гуманизации образования. îàãéëéîëääÖ íêÄÑàñàà à ëéÇêÖåÖççéëíú, 116.
13. Сатарова, Д. Г. (2014). Социальный идеал и постколониальные исследования центральной азии для" понимающего контроля". Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, (1), 106-108.
14. Sadullaevna, Y. L., & Baratovna, A. G. (2021). LOGICAL PRINCIPLES IN THE DOCTRINE OF IBN SINA AND THEIR FORMATION CHARACTERISTICS.
15. Юлдашева, Л. С., & Абдурахимова, Д. М. (2021). Жамиятда одоб-аҳлоқ меъёрларини бузилишининг ижтимоий омиллари. Журнал Социальных Исследований, 4(4).
16. Yuldasheva, L. S., Khashimova, G. F., & Khosilova, A. A. (2020). THE CONCEPT OF TRUTH IN KANT AND HEGEL. Theoretical & Applied Science, (2), 451-454.
17. Il'ina, G. V., Berezhnaya, I. A., & Yuldasheva, L. S. (2019). Formirovanie gotovnosti pedagogov k realizatsii so-vremennykh zdorov'esberegayushchikh tekhnologii s det'mi doshkol'nogo vozrasta: monografiya, Magnitogorsk, Izd-vo Magnitogorsk. gos. tekhn. un-ta im. GI Nosova.

18. Obol'nikova, E. A., & Yuldasheva, L. S. (1973). Isolation and identification of the ubiquinone synthesized by the fungus Blakeslea trispora. Applied Biochemistry and Microbiology, 7(1), 38-40.
19. Akkazieva, B., Tello, J., Smith, B., Jakab, M., Krasovsky, K., Sautenkova, N., ... & Shoismatuloeva, M. (2015). Better noncommunicable disease outcomes: challenges and opportunities for health systems. Tajikistan country assessment. Geneva: WHO.
20. Умирзакова, Н. А. (2019). Репродуктивные технологии в системе здравоохранения Узбекистана в качестве социальной инновации. In Наука, образование, инновации: апробация результатов исследований (pp. 884-888).
21. Умирзакова, Н. А. (2022). СТОМАТОЛОГИК ТАЪЛИМДА БИОЭТИКАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ДОЛЗАРБЛИГИ. Academic research in educational sciences, (2), 69-72.
22. Умирзакова, Н. А. Востребованность биоэтики для гуманизации медицинского образования в Узбекистане. IX М1ЖНАРОДНОГО СИМПОЗ1УМУ З БЮЕТИКИ ЗДОРОВ'Я, МЕДИЦИНА ТА ФШОСОФШ: СТРАТЕГИ ВИЖИВАННЯ, 15-16.
23. Умирзакова, Н. А. (2020). Значение изучения биоэтики в формировании профессиональной компетентности у студентов медицинских ВУЗов. Научные исследования XXI века.-Нефтекамск, (5), 7.
24. Умирзакова, Н. А. (2020). БИОЭТИКА КАК ЦЕННОСТНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧЕЙ. Гуманитарный трактат, (77), 4-7.
25. Мухамедова, З. М., Умирзакова, Н. А., & Бабаджанов, Ж. (2017). Проблема смерти мозга в исламской биоэтике. Гуманитарный трактат, (17), 15-18.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРИ

А. Собиржонов, Б. Элмурадов, В. Мелиев
Тошкент давлат транспорт университети

АННОТАЦИЯ

Автомобилсозлик йўналиши талабалари келгусида мойлаш материаллари соҳасида юқори малакали мутахассис бўлиши лозим: мойнинг турлари ва хусусиятлари тўғрисида замонавий билимларга эга бўлишлари талаб этилади.

Тошкент давлат транспорт университети ўқув дастурини ишлаб чиқишда мойлаш воситаларига ҳам кўп саот ажратилган бўлиб, бу бу фан мавзулари чуқур ўзлаштирилади. Бунда ҳар бир мавзу бўйича турли йўлдошувлар асосида ёндошилади: ьфърузалар, лабораторияб амалий ва мустақил ишлар. Бу маъруза-суҳбат ва маъруза-монолог, лаборатория – анимация, видео, тақдимот, амалий ва муаммоларни ҳал қилишда амалий, семенар-конференциялар ёки бощқача ёндошувлар бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: мой, восита, транспорт, ўқитиш, инновация, педагогика усул.

ABSTRACT

In the future, students of the automotive industry should become highly qualified specialists in the field of lubricants: they must have up-to-date knowledge about the types and properties of oils.

When developing the curriculum of the Tashkent State University of Communications, many hours were devoted to lubricants, which means that the subjects of this subject are mastered deeply. Each topic is approached on the basis of different approaches: lectures, laboratory, practical and independent work. It can be a lecture-conversation and a lecture-monologue, laboratory-animation, video, presentation, practical and practical in solving problems, a seminar-conference or other approaches.

Keywords: oil, means, transport, education, innovation, pedagogical method.

КИРИШ

Hakim Termiziy qalamiga mansubasarlar haqida yozgan mualliflar, uning asarlarining soni haqida turli raqamlarni keltirganlar. Ba'zilarning fikrlariga ko'ra uning asarlari soni to'rt yuztaga yaqin bo'lsa, yana boshqalar Hakim Termiziy saksonta yoinki qirqta asar yaratganligi haqida yozgan. Jumladan, misrlik olim, shayx Abdulfattoh Abdulloh Barakaning yozishicha, Hakim Termiziy to'rt yuzdan ortiq asarlar yaratgan bo'lib, ulardan oltmishga yaqini 30 bizgacha yetib kelgan. Eng muhimi, Hakim Termiziyning bizgacha yetib kelgan asarlari, ilmiy merosining muhim qismi "Ma'rifati ahodis ar-Rasul"ni tashkil qiladi. Mana shu asarlaridan, eng avvalo, payg'ambar alayhissalomning hadislariga bag'ishlangan "Navodir al-usul fi Rasul" ("Rasululloh hadislarini bilishda nodir usullar"] nomli asarini aytish kerak. Bu asar, shuningdek, "Salvat alorifiyn va bo'ston al-muvahhadiyn" ("Oriflar ovunchog'i va Allohning yagonaligiga ishonuvchilar bo'stoni") deb ham ataladi. Hijriy 1294 (1876)-yilda Istanbulda chop etilib, o'zi tanlab olgan 31 291 hadisdan iborat ushbu kitobda Hakim Termiziy o'z qarashlarini mufassal holda sharhlagan. Ushbu asarning bir qo'lyozma nusxasi O'zbekiston musulmonlari idorasining kutubxonasida saqlanadi. Hakim Termiziy asarlarining aksariyati qo'lyozma holda ja honning yirik shaharlaridagi qo'lyozmalar xazinalarida saqlanadi. Jumladan, Parij milliy kutubxonasida quyidagi asarlarning qo'lyozmalari mavjud: "Kitob ussalot va maqosiduhu" ("Namoz va uning maqsadlari"), "Kitobu-1- -hajj va asrorihi" ("Haj va uning sirlari"), "Kitobu-l-ihtiyotot" 32 ("Ehtiyotkorlik yo'llari"}, "Kitobu-l-juma al-lozim ma'rifotiho" ("Bilish lozim bo'lgan jumlalar"}, "Kitobu-l-furuq va man'attaroduf" ("Farqlar va tarodif (ketma-ketlikni)ni man qilish"), "Kitob haqiqat ul-odamiya" ("Insoniyat haqiqati to'g'risida kitob"), "Kitob urs al-muvahhidiyn" ("Yakka Xudoga e'tiqod qilganlarning zavqi"), "Kitobu-1- a'zo va-n-nafs va yusammo kazolika g'avr ul-umur" ("A'zolar va jon yoki ishlarning mohiyati haqida kitob"). Allomaning keyingi yillarda nashr etilgan asarlaridan tasavvufga oid ikki asarini ko'rsatish mumkin. Ulardan biri "Kitob haqiqat al-odamiya" ('Tnsoniyat haqiqati to'g'risida kitob") va ikkinchisi "Adab an-nafs" ("Nafs odobi") nomli asaridir. Hakim Termiziy asarlarini shartli ravishda besh guruhga (majmuaga) bo'lish mumkin. Allomaning asarlari Parij, Qohira, Damashq, Iskandariya, Istanbul va London kabi shaharlardagi qo'lyozmalar jamg'armalarida saqlanadi.

Hakim At- Termiziyning hayotidagi o`chmas xotiralar.

Fariduddin al-Attorning yozishicha, yoshi yigirma yettiga yetganda Hakim Termiziy ikki 12 o'rtog'i bilan o'sha paytda butun

Sharqda ilm-u ma'rifatning eng yirik markazlaridan biri sanalgan Bag'dodga borib ta'lim olishni niyat qilganda, birdan onasi betob bo'lib qoladi va unga: "Ey o'g'lim! Men bir mushtipar, zaifa ayol bo'lsam, menga sendan bo'lak boshpanoh bo'lib yordam beradigan biror kimsa bo'lmasa, mening butun borlig'im faqat sen bilan bog'liq bo'lsa. Sen meni kimga tashlab ketmoqchisan?" - deb unga iltijo qiladi. Volidasining bu so'zlari Hakim Termiziyga qattiq ta'sir qilib, u ilm talabidagi ushbu safaridan voz kechadi. Uning ikki o'rtog'i esa safarga otlanib yo'lga tushadilar. 13 Ushbu voqeadan keyin ma'lum vaqt o'tgach, Hakim Termiziy Bag'dodgaborolmaganligi uchun g'oyatda afsuslanib, maqbaralardan birining yonida yig'lab xafa bo'lib turganida, uning yonida yuzidan nur yog'ilib turgan bir shayx paydo bo'ladi va undan yig'isining sababini so'raydi. Termiziy unga yuz bergan voqeani birma-bir aytib beradi. Shunda shayx: "Istasang, men senga har kuni turli ilmlardan saboq berib, seni o'qitaman", - deydi. Hakim Termiziy uning bu so'ziga darhol rozi bo'ladi. Bu hol bir necha yil davom etadi. So'ng u bilsa, bu kishi Xizr alayhissalom ekanlar. 14 Uning bu saodatli marhamatga erishishi volidai mushfiqasining duosi barokotidan bo'lgan >d&di. Ayni shu voqea boshqa manbalarda biroz boshqacharoq tarzda hikoya qilinadi. Bu hikoya haqiqatmi yoki afsonaviy rivoyatmi, qanday bo'lmasin, uning oilasi haqida muayyan darajada tasavvur beradi. Chunonchi, ushbu hikoyadan ma'lum bo'lishicha, u ota-onasining yakka-yu yagona farzandi bo'lgan, onasining iltijosiga qaraganda, ularning oilasida al-Hakimdan boshqa unga boshpanoh bo'lib qaraydigan kimsa bo'lmagan. U o'z onasiga 15 mehribon, uni boquvchisiz tashlab ketishga jur'at qilmagan - oilaparvar, qanchalik ilm olishga ishtiyoqi kuchli bo'lgani bilan o'z volidasining so'ziga quloq solib, uning duosini olganligi bois oxiroqibatda u ilm olishda ham o'z maqsadiga erishadi. Shuningdek, manbalarda uning oilaviy ahvoli uning rafiqasi soliha, taqvodor, pokiza ayol bo'lganligi ularning oltita farzandi bo'lganligi, shuningdek, Hakim Termiziyning o'z farzandlari bilan munosabatlari haqida ham ba'zi ma'lumotlar keltirilgan.

Al Hakim at-Termiziy maqbarasi.

Musulmonlar uchun muqaddas bo‘lgan Al Hakim at-Termiziy maqbarasi me’moriy yodgorlik bo‘lib, qadimgi Termiz shahrining chekkasida joylashgan. Maqbarada buyuk islom arbobi, turli falsafiy va diniy asarlar muallifi, darveshlar jamoasining yaratuvchisi Abu Abdulloh ibn Hasan ibn Bashir al-Hakimiy at-Termiziy maqbarada dafn etilgan. U xalq orasida Termiz-ota deb ham nomlanadi. Afsonaga ko‘ra, o‘n yoshida unga vahiy kelib, bir qariya unga bilim bergan. Vaqt o‘tishi bilan u shuhrat qozondi, lekin ota-onasining uyida kamtarona yashashni davom ettirdi. Hakim at-Termiziy shahid sifatida vafot etdi – qarilik chog‘ida shaharga bostirib kirgan

dushmanlar uni boshidan judo qildilar (IX asr oxiri). Afsonaga ko‘ra, Chingizxon ushbu noyob durdonadan hayratda qolgan, o‘z qo‘shiniga yodgorlikka zarar bermaslikni buyurgan, chunki u bu binoni odamlar emas, balki xudolar yaratgan deb ishongan. Maqbara ustida gumbaz ko‘tarilgan, bino ichida esa juda hashamatli bezaklar bor. Marmardan yasalgan va noyob naqshlar va arab yozuvlari bilan bezatilgan avliyoning qabr toshli diqqatni o‘ziga tortadi. Ansamblning yonida sal keyinroq qurilgan jome masjidi joylashgan. At-Termiziy majmuasi hududida yana bir nechta qiziqarli diqqatga sazovor joylar mavjud: Chillaxonalar – milodiy V-X asrlarga oid qadimiy g‘or inshootlari, qadimgi Tarmita shaharchasining xarobalari (Eski Termiz), Termiz shahri va Termiz shahar muzeyi.

XULOSA

Avliyo haqidagi sufiyona tasavvurlarni birinchi bo`lib nazariy asoslab, hukuk borasida ularni rusul va anbiyo bilan amalda tenglashtirgan ham, aftidan, Hakim at-Termiziydir. Allomaning risolat va valoyat nisbati, sufiylikdagi avliyolik darajasi to`g`risidagi g`oyalari taniqli olim Ibn Arabiy ijodida o`z rivojini topdi. Ibn Arabiy o`z asarlariga ko`pincha Hakim at-Termiziy risolalaridan katta-katta bo`laklar kiritgan. Tadqiqotchilar ta`kidlashicha, Hakim at-Termiziy budda-viylik, xristianlik va moniylik ta`limotlaridan xabardor bo`lgani ehtimol. Uning asarlarida shu ta`limotlar ta`sirini ko`rish mumkin. Allomaning chuqur va har tomonlama bilimini e`tirof etgan zamondoshlari unga faxrli al-Hakim donishmand rutbasini bejiz berishmagan.

REFERENCES

1. «TAFAKKUR NASHRIYOTI» TOSHKENT – 2019, `` Hakim AT-TERMIZIY``
2. “Ma’naviyat yulduzlari” (Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, Toshkent, 1999)
3. Mirziyoyev,`` Mamlakatimizdagidek boy tarix, bobolarimizdek buyuk allomalar hech qayerda yo‘q``, 2018

TARIX FANINI O'QITISHDA MNEMONIK USULLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Sabriddin Ahmadov
Chirchiq davlat pedagogika universiteti talabasi

Mahfuza Husenovna Sa'dullayeva
Ilmiy rahbar, Chirchiq davlat pedagogika universiteti oqituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada tarix fanini o'qitishda mnemonik usullarning o'ziga xos jihatlari va uning ta'limni rivojlantirishdagi o'rni va ahamiyati borasida so'z boradi. Shuningdek, zamonaviy ta'lim tizimida yangicha metodlarning qo'llanilishi qanchalik ahamiyat kasb etishi haqida fikr-mulohazalar yuritiladi.

Kalit so'zlar: Mnemonika, interfaol metod, innovatsiya, usul, Loci metodi, assotsiatsiyasi, Akrostik usul.

ABSTRACT

This article will talk about the peculiarities of mnemonic methods in teaching historical science and its role and importance in the development of Education. It also provides feedback on how significant the application of new methods in the modern educational system will be.

Keywords: Mnemonics, interactive method, innovation, method, Loci method, association, acoustic method.

KIRISH

Yangi O'zbekistonda har bir sohada bo'lgani kabi ta'limda, uning mazmun va mohiyatida ham juda katta o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Yangi O'zbekistonda taraqqiyotning asosiy tayanchi bo'lmish ta'lim va ilm-fanni rivojlanttirish, bu orqali Uchinchi renessans poydevorini yaratishdek ezgu maqsad sari qadam qo'yilmoqda. Bu borada zamonaviy sharoitda talabalarning, maktab o'quvchilaring o'quv-bilish faolliklarini kuchaytirish, o'qitish sifatini va samaradorligini oshirish maqsadida innovatsion xarakterga ega ta'lim shakllaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Zamonaviy ta'lim tizimida hozirgi kunga kelib bir qancha yangi metodlar qo'llanilmoqda va ta'lim sifatini oshirish uchun bu metodlar yanada takomillashtirilmoqda. Ana shunday metodlardan biri ta'limda mnemonik usullardan foydalanishdir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Avvalo "Mnemonika" qanday fan ekanligi va rivojlanish bosqichlarini qisqacha tahlil qilib chiqsak. Mnemonika yunoncha mnemonika — eslab qolish san'ati — sun'iy assotsiatsiyalar hosil qilish yo'li bilan esda olib qolishni osonlashtiruvchi va xotira hajmini kengaytiruvchi usullar tizimi hisoblanadi. Mnemotexnika tushunchasi greklarning xotira ilohasi Mnemosyne nomidan olingan. Xotira san'atining o`ylab topilishi miloddan avvalgi 556-468-yillarga borib taqaladi. Ushbu davrda xotira san'ati haqidagi ma'lumotlar notiq Sitseron va lirik shoir Simonides von Keosning qarashlarida paydo bo`ladi. Sitseron o`zining mnemonikaga bag`ishlangan asarida bu texnikani joy va rasmlar bilan bog`lab tasvirlaydi. Simonides esa o`z texnikasining asosi sifatida narsalar hamda g`oyalarni unga bog`liq bo`lgan hudud va joylar bilan bog`lash orqali xotirada saqlashni tushuntiradi. Xatto Simonidesning "Loci" metodi bilan bog`laydigan anekdot ham mavjud bo`lib, anekdotda Simonidesning bayramona kechki ovqatga taklif qilingani, lekin bazmning fojiyaviy yakun topgani haqida gap boradi. Bayram kechasi barcha mehmonlarni uy qulab bosib qoladi, ularni ichida faqat Simonidesgagina tirik qolish nasib etadi. Keyinchalik Simonides o`lganlarning o`tirgan joylarini ko`z oldiga keltiradi. Chunki u barchaning qayerda o`tirganini eslab qolgan bo`ladi. Shundan so`ng uning qarashlari natijasida mnemotexnikada „Loci" metodi yuzaga keladi. „Loci" so`zi grekcha „lokation" so`zidan olingan bo`lib, „joylashish" degan ma'noni bildiradi. Bu xotira san'ati antik davr Rim notiqligiga tegishli bo`lib, chunki bu davrda Rimda notiqlik san'ati juda rivojlangan edi. Notiqlar esa xotiralarini kuchaytirishga muhtoj edilar.[1]. Simonidesdan so`ng mnemotexnika bilan antik davr olimlari Hippias va Aristotel shug'illangan. Mnemotexnika notiqlik san'ati darslari doirasida o`rgatilgan va ko`pincha sud nutqlari, xalqining oldida va xalq majlislarida qo`llanilgan. Keyinchalik mnemotexnika unutila borgan. XII asrga qadar mnemotexnika deyarli unutib yuborilgan edi. XV asrga kelib esa antik davrdagi mnemotexnika yana rivojlantirila boshlandi. Avvallari asosan "loki" metodidan foydalanilgan bo`lsa, bu davrga kelib yangicha usullardan foydalanila boshlandi. Misol uchun harflar va sonlar bilan ma'lumotlarni bog`lash usullari paydo bo`la boshladi.

Mnemotexnikani yoritishdagi asosiy tushuncha xotira hisoblanadi. Nemis tadqiqotchisi H.Shperber mnemotexnika borasidagi turli nazariyalarni keltirib o`tadi.U Platondan tortib Jon Lokke singari zamonaviy xotira tadqiqotchilariga bo`lgan olimlarning fikrini o`rganib chiqadi. Uning qayd etishicha, Jon Lokke xotirani "bizning g`oyalarimizni saqlovchisi" deb ta'riflaydi[2].
Bugungi kunda nemis tadqiqotchilari Shiffrin und Atkinsonlarning tadqiqotlari o`quv jarayonini tushunishda

mnemotexnikaning katta ahamiyatga ega ekanligi ta’kidlanadi. Ularning tadqiqotida xotiraning 3 turi haqida so`z boradi: ultra qisqa xotira, qisqa xotira hamda uzoq muddatli xotira. Mnemotexnika yordamida o`rganilganda ikkala miya yarimshari ham faollashadi, chunki konkret va abstrakt (verbal) ma’lumotlar mnemonik “rasmlar”ga bog`langan bo`ladi. Shunga ko`ra assotsatsiyalar yuzaga keladi. Ularning yordamida avval saqlangan ma’lumotga tez murojaat qilish imkoniyati yuzaga keladi. Bunday assotsatsiyalarni yaratishning turli usullari mavjud.[3].

Ko'plab ma'lumotlarni eslab qolish ayniqsa gumanitar va tabiiy fanlar doirasida juda ham muhim. Bugungi kunda ko'pgina talabalarning xotirasi tarixiy voqea va hodisalar, yillari, tarixiy joy nomlarni eslab qolishda pand beradi. Sabab, so'zlarning "oddiy esdalik"ga yoki u uchun hech qanday ma'noni anglatmagan ko'p tartibli qoidaga moslashtirilmaganligidadir. Biroq bu xotira juda porloq va hayolli, ayniqsa, miya o'ng yarim sharining dominantligi bo'lgan tahsil oluvchilarda, L.P. Pavlova ta'rifiga ko'ra "badiiy tur" deb ataluvchi obrazlarda o'z ifodasini topadi [4]. Murakkab atamalar va boshqa tarixiy voqealarni sodda va qiziqarli tarzda yodlab qolish osonroq. Ushbu usullarni tarix fanida mnemonik vositalardan foydalib tezroq esda saqlab qolishni bir nechta misollar yordamida ko'rib chiqamiz.

So'z assotsiatsiyasi. Ushbu uslub ikki atama o'rtasida bog'lanishni o'rnatishdan iborat. Bir tomondan, siz o'rganmoqchi bo'lgan ma'lumotlar, boshqa tomondan, bu sizga tanish bo'lgan so'z. Ikkala tushuncha o'rtasidagi o'xshashlikning ba'zi bir munosabatlarini kuzatib, siz ushbu so'z o'yinini tuzishingiz mumkin. Misol uchun, "yarmarka" atamasini olaylik. Yarmarka-tadbirkor va ishlab chiqaruvchilarning ko'rgazmaga qo'yilgan mahsulotlarni ko'tara sotish hamda sotib olish maqsadida o'tkaziladigan yig'ini. Endi "yarmarka" sozini o'zbekcha bo'lgan bironta talafuzi o'xshash bo'lgan so'z bilan bog'laymiz. Masalani, arka, ya'ni tepasi yarim doyia shaklida solingan darvoza, eshik, derazaga nisbatan qo'llaniladigan so'z. Endi tasavvurni ishga solgan holda yarmarka bo'layotgan joyga yarmi qulab tushgan arkali darvozadan kirilishini tasavvur qilamiz. Yarmarka yarimarkali darvoza yonida bo'lmoqda desak bo'ladi.

Akrostik usul. Ushbu atama she'riy kompozitsiyani anglatadi. Ushbu she'rda ism yoki fe'lning harflari har bir misraning boshidan boshlanadi. Shu tarzda, har bir satr boshida joylashgan harflarni o'qib, asosiy so'zni topish mumkin. Misol uchun Shiroq jazorati va bu ismni eslab qolishni ko'rib chiqamiz:

Shiroq edi mashxur pahlavon
Istar edi yurtning tinchligin,
Rahna soldi dushman nogahon
Otdi o'zin o'lim tomonga

Qoldi yurtin saqlab omonga

Bu usullning avzallik tomoni shundaki, biz yodlab qolmoqchi bo'lgan ism yoki boshqa ma'lumot har bir satr boshidagi harflarni ko'rishimiz yoki eslashimiz bilanoq esga keladi.

Loci usuli. Yuqorida biz "Loci" usuli haqida ma'lumot berib o'tgan edik. Shuningdek, bu usul makondan foydalanish usuli desak ham bo'ladi. Bu usul ma'lumotlarni o'rganish uchun eng ko'p ishlatiladigan qoidalardan biridir. Sizga yaxshi ma'lum bo'lgan muhitni, masalan, sizning mahallangiz, uyingiz yoki ko'changiz kabi ma'lumotnoma sifatida ishlatishingiz juda muhimdir. Misol uchun, o'zingizning sinf xonangizda ushbu metod orqali ma'lumotlarni eslab qolamiz. Dastlabki makon sifatida sinf xonasining eshigini ko'z oldimizga keltiramiz. Eshik oldida Turkiygo‘y adib, mutafakkir va davlat arbobi bo‘lgan Yusuf Xos Hojibni qo'lida “Qutadg‘u bilig” dostonini ishlab turgan holda tasavvur qilamiz. Tarixdan bizga ma'lumki, “Xos Hojib” eshik og‘asi degan ma'noni bildiradi va “Qutadg‘u bilig” asibning mashxur dostonidir. Bir makon doirasida eshik orqali bir nechta ma'lumotlarni yodlab olish ham mumkin. Ikkinchi makon sifatida o'qituvchining stol va stulidan foydalanamiz. Abdulla Avloniy o‘lkada ta’lim, matbuot, teatr sohalarining rivojlanishiga katta hissa qo‘shgan jadidchilardan hisoblanadi. O‘zi tashkil qilgan yangi usul maktabi uchun "Birinchi muallim", "Ikkinchi muallim", kabi darsliklarni yaratdi. Endi esa sizning sinf xonangizda doimiy o'qituvchi o'tradigan makondan Abdulla Avloniyni "Birinchi muallim" va "Ikkinchi muallim" kitoblarini ushlagan holda sizga ma'riza o'qiyotganini tasavvur qilamiz. Bu orqali ushbu asarlar kimning qalamiga mansub ekanligini oson yodlab olishimiz mumkin. Uchinchi makon esa sinf doskasi. Bu makonda yana bir mashxur insonni ko'z oldimizga keltirishim mumkin. Albert Einstein — nemis va yahudiy fizik-nazariyotchisi.[5]. U nisbiylik nazariyasi asoschisi, maydon kvant nazariyasi va statistik fizika asoschilaridan biri uning rasmlari asosan ish stoli yonida, ma'ruza qilayotgni yoki doska yonida qandaydir misollarni tushuntirayotgan holda uchratamiz. Misol uchun:



1-rasm

Aynan shu rasm orqali sinf doskasiga Enshteynning mavzu yozayotgani va bu mavzu "Nisbiylik nazariyasi" haqida ekanligini tasavvur qilishimiz mumkin. Bu orqali Albert Enshteynning nisbiylik nazariyasi asoschisi ekanligini yodlab qolishda qiyinchilik tug'dirmaydi. To'rtinchi makon sinf xonasidagi kitob javoni. Tarixda Ossuriya davlatining hukumdori bo'lgan Oshshurbanapal hukmronligi davrida poytaxt Nineviyada Old Osiyodagi eng yirik sopol taxtachalardan iborat kutubxona jamlangan edi. Ana shu kitob javoni oldida hukmdor Oshshurbanapalning sopol taxtachadan yasagan kitoblarini joylayotganini ko'z oldimizga keltiramiz. Bu ham ma'lumotning mnemonik usul yordamida eslab qolishiga misol bo'la oladi. "Loci" metodi juda ham keng qo'llaniladigan metod bo'lib, undan foydalanishda asosan o'z joyini o'zgartirmaydigan va biz ko'p duch keladigan obyektlar va predmetlardan foydalanish talab etiladi.

Qofiyalar usuli. Bu usul orqali siz she'riy shaklda ma'lumotlarni eslab qolishingiz mumkin. Bu jarayonda bolalikda yodlagan she'rlaringiz yoki qo'shiqlaringiz ohangiga mos keladigan tartibda tuzilsa yana ham maqsadga muvofiq bo'ladi. Tarix fanida mnemonik usuldan foydalanilganda haqiqiy she'riy tartibda bo'lishi muhim emas. Shunchaki so'zlarni sodda va qofiyali joylashni o'zi kifoya qiladi. Misol uchun:

"Nola falsafasi" yozdi Bruno,
Shuning uchun yondi gulxanda.
Jim turolmadi hatto Galileo,
Teleskopni yaratdi shunda.
Nyuton boshiga olma tushganda,
Goyo butun olam tortishdi shu kunda.

Bu qofiyali ma'lumot yodlab qolish orqlali siz Jardano Bruno o'z qarashlarini "Nola falsafasi"da ifodalagani va shuning oqibatida inkvizitsiya tomonidan gulxanda yoqilganini yodlab olishingiz mumkin. Shuningdek, Galileo Galiley teleskopni, Nyuton esa butun olam tortishish qonuni kashf etganligini eslab qolasiz.

XULOSA

Xulosa qilib shuni ta'kidlash kerakki, tarix fanida mnemonik usullardan keng foydalanish ta'lim olish jarayoniga ijobiy ta'sir ko'rsatadi va samaradorlikni oshirdi. Bu usullarning samarali ekanligi ham bir necha marotaba isbotlangan. Gerald Miller tomonidan o’tkazilgan tadqiqotlar natijasi shuni ko’rsatdi : mnemonika mexanizmlarini ishlatgan studentlarning test natijalarida 77% ga o’sish kuzatilingan. Shu va shu kabi tatqiqot natijalari mnemonik usullarning ta'lim jarayonida foydalanish ahamiyatini oshirdi.

REFERENCES

1. Frances A. Gedächtnis und erinnern: Mnemonik von Aristoteles bis Shakespeare, Edition: 6, Akademie Verlag, 1999,405 S., ISBN 3050035307. S. 11-14
2. Sperber, Horst G. (1989): Chet tilini o'zlashtirishda mnemonika - "Nemis tili chet tili sifatida" mavzusiga e'tibor qaratgan holda. Myunxen: Iudicium Verlag. 59-61-betlar
3. Jung, Lothar (2001): o'qitish uchun 99 ta kalit so'z. Nemis tili chet tili sifatida, Ismaning: Hueber.
4. Павлов Л.П. Исследование влияния игровой учебной деятельности на формирование межкультурной компетенции студентов ВУЗа: На материале иностранного языка: дисс. ... канд. пед. наук. - Ставропол, 2004.-86-89 б.
5. Albert Einstein – Biography“. Nobel Jamg‘armasi. 6-mart 2007-yilda asl nusxadan arxivlandi.
6.Frensis A. Xotira va esda tuting: Aristoteldan Shekspirgacha bo'lgan mnemonika, Nashr: 6, Akademie Verlag, 1999, 405 p.
7. Саъдуллаева, М. Х. (2022). IJTIMOIY KOMPETENSIYALARNI RIVOJLANTIRISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA: Chirchiq davlat pedagogika universiteti “O‘zbekiston tarixi” kafedrasi o ‘qituvchisi. Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (10), 189-195.
8. Sa’Dullaeva, M. H. (2022). MNEMONIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA TARIXIY BILIMLARGA XOS KOMPETENSIYALARNI RIVOJLANTIRISH. Academic research in educational sciences, 3(10), 206-212.
9. Sa’Dullaeva, M. H. (2022). MNEMONIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA TARIXIY BILIMLARGA XOS KOMPETENSIYALARNI RIVOJLANTIRISH. Academic research in educational sciences, 3(10), 206-212.

IXTIROCHILIK MASALALARINI YECHISHGA O'RGATISH BOSQICHLARI

Qarshiboyeva Xuriniso Karimovna
ChDPU Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasi o'qituvchi

ANNOTATSIYA

Maqolada TRIZ – (teoriya resheniye izobretatelskix zadach) asoschisi G.S.Altshuller hayoti haqida qisqacha ma'lumot berilgan. TRIZni amalga oshirish bosqichlari tahlil qilingan bolalarda ixtirochilik masalalarini yechishga undovchi nosandart fikrlashni o'stirish faoliyati ketma-ketligi ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar: ixtirochilik, algoritm, ijodiy fikrlash, yosh ixtirochilar maktabi,TRIZ markazi, masalani to'g'ri shakllantirish, psixologik inertsiya,texnik qarama-qarshi fikrlash, professional terminlar.

KIRISH

Rossiyalik buyuk olim, fantast yozuvchi ,o'qituvchi, Genrix Saulovich Altshuller 1926 yil 15- oktabrda Toshkent shahrida jurnalistlar oilasida dunyoga keldi. 1931 yil ular Bokuga keldi. Shu yerda maktabni a'lo baholarga bitirib, harbiy xizmatlarni o'tab, urushdan so'ng ham xizmatni davom ettirdi. Stalinga tanqidiy fikrlari bilan chiqqani uchun 25 yil ozodlikdan mahrum etildi. Qamoqda bir necha ixtirolar qildi.Siyosat olamidagi o'zgarishlar tufayli 1954 yil ozodlikka chiqdi. U o'n minglab olimlarning ixtiro qilgan narsasi uchun patent yoki guvohnoma olgunigacha bosib o'tgan ijod va mehnat jarayonini batafsil tahlil etib, natijalarni sarhisob qildi va ixtirochilikning asosiy qonunlarini yaratdi. Altshuller texnik, badiiy, ilmiy va boshqa tizimlar rivojlanishining obektiv qonuniyatlariga asoslangan holda pinsipial jihatdan yangi "ixtiro ususli"ni qurishni boshladi va ixtiro jarayonini boshqarish mumkinligini ko'rsatib berdi. Barcha mavjud ixtirolar bir qator umumiy texnika va usullardan foydalanishgacha qisqartirilishi mumkinligini isbotladi. Olimning bu g'oyalarini o'rganib chiqqandan so'ng kutubxona va internetdan foydalanishni biladigan muhandis, ixtirochi bo'lish va undan yaxshigina pul ishlash imkoniyatiga ega bo'ldi. Qisqa fursatlarda 40dan ortiq texnika ixtiro qilindi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Altshuller barcha ixtirochilar ko'plab sinovlarning samarasiz usulini ishlatayotganini, natijada ixtirolar bir necha yilga kechikayotganini ochib berdi. 1946-1948 yillar TRIZ ustida

qattiq ish olib bordi. 1956 yil “Psixologiya savollari” jurnalida dastlabki nashrlarini berib boshladi. 50 yillik ijod faoliyatida Respublika bo’ylab 70 dan ortiq seminarlar o’tkazdi. 1970 yil “Yosh ixtirochilar “ maktabini tashkil etdi. Bu maktab 1971 yil bu AzOIIT(oliygoh) ga aylandi, ya’ni dunyodagi birinchi TRIZ markazini barpo qildi . 1970yilda TRIZ maktab tashkil etdi va 80- yillarga borib bunday maktablar 500 tadan oshib ketdi. 10-17 yil davomida TRIZ muammolar yechimi yozib jo’natilgan yarim million xatni o’rganib , bu bebaho tajribalar asosida “И тут появился изобретатель” nomli kitobini yozdi. 1957-1982 yillar olim hayotining jo’shqin va samarali ijod yillari bo’ldi. TRIZ, TRTS, TRTL muallifi G.S. Altshuller 1998 yil 24 sentabrda Rossiya Petrozavodskda vafot etdi

TRIZ nima?

Т----теория

Р----решения

И----изобретательских

З---задач

TRIZ o’tgan yuz yillikning eng muhim va kelajakdagi yuiz yillikda ham ahamiyatini yo’qotmaydigan nazariya deb atash mumkin. **Mohiyat** shundan ibotatki, ixtirochilik bir necha bosqichlarni o’z ichiga oladi.Ya’ni TRIZ ni amalga oshirish bir necha bosqichdan iborat.

1,**Masalani to’g’ri shakda tuzish** (Правильно формулировка задачи) Aynan muammoni noto’g’ri shaklda qo’yilishi 95% muammo yechimi yo’q debhisoblanib bir burchakka otib yuborilishiga sabab bo’lmoqda. Aslida ularning hammasini yechimi bor. Misol keltiramiz; poyga mashinasini olaylik. Muammoli masala shuki, mashinaning havoga aerodinamik qarshiligini(обтекаемость) oshirishimiz kerak. Poyga mashinasining g’ildiraklari katta va ancha tashqarida joylashgan bo’lib, ular havo qarshiligini yengishga sezilarli ravishda halal beradi. Bu muammoni hal qilish uchun havo qarshiligini kamaytirish maqsadida **bu g’ildiraklarni qanotlar (крыло) bilan yopish kerak.** Mana sizga hayotiy masala!

Muammo shundaki, bu g’ildiraklarni yopish mumkin emas. Chunki haydovchi ularni ko’rib turishi kerak. Agar ko’rinmasa tezlik juda katta bo’lgani uchun g’ildiraklarni ng tebranishiga qarab mashinani yo’nalishini aniqlay olmaydi. Noto’g’ri yo’nalishda ketayotganini tushungunida esa kech bo’lishi mumkin. Shuning uchun ham ballonlar ochiq holda ishlangan, haydovchi ularni ko’rib turishi uchun. Demak, bu muammoning yechimi yo’q,, uni qanday bo’lsa shu holicha qoldirish kerak. Bu bosqichda ushbu muammo injenerga berilsa, u darhol quyidagi takliflarni bera boshlaydi. Keling, qanotlar o’rnatamiz-da, g’ildiraklarni ko’rsatib turuvchi oynalar qo’yamiz,

yoki qanotlar ostiga videokamera qo'yamiz, haydovchi monitordan g'ildiraklar harakatini ko'rib boradi. Bular darhol hayolga keladigan yuzaki yechimlar, chunki qimmat va haydovchilar uchun qayta tayyorlovni talab qiladi va h.k. Nima uchun yechim topilmadi? Chunki muammo noto'g'ri shaklda tuzilgan edi. Keling, xuddi shu masalani qayta shakllantirib ko'ramiz. Biz g'ildiraklarni nima bilandir yopishimiz kerak va ular haydovchiga ko'rinib tursin. Bu savolga har qanday bola javob bera oladi. Ballonlarni qandayair shaffof narsa bilan yopsh kerak. Nima uchun birinchi masala yechimsiz qoldi va ikkinchi masala elementar hal bo'ldi? Chunki,ballonlarni yopuvchi qanotlar haqida eshitgan zahoti ko'z oldimizga temir yoki plastikdan yasalgan qanotlar keladi . Hayotda shaffof qanotlar ko'rishga odatlanmaganmiz. Shuning uchun boshqacha yechim topa olmay temir yoki plastik qanotlar bilan bog'liq yechimlar bera olamiz, xolos.. Mana bu narsa **psixologik inertsiya** deb ataladi.

2.Psixologik inertsiya bilan kurashish: Psixologik inertsiya bilan kurashish bu--- barcha **professional terminlarni olib tashlash**. **Psixologik inertsiya** bu - shunday fikrlar zanjiriki, bunda eshitgan narsamiz haqida tasavvurimizda nima bo'lsa masalaga faqat shu professional termin atrofida aylanaveradigan yechimdan boshqa yechim bera olmaymiz. Agar masalada truba so'zini ishlatsak, siz taklif qilayotgan yechimlar hammasi dumaloq truba bilan bog'liq bo'laveradi. Chunki biz aniq bilamizki, trubalar dumaloq bo'ladi. Aniq va tushunarli termin bu. Agar suyuqlikni bir joydan ikkinchi joyga olib boorish uchun nimalardan foydalansak bo'ladi, deb so'ralsa, yechimlarning turli variantlarini taklif qilish uchun katta spektr ochiladi. Bu fontan , uchburchak uzun temir, shlang, truba va h.k. bo'lishi mumkin. Biz professional termin bo'lgan truba so'zini olib tashladik va uni suyuqlik oqiadigan nimadir, so'zi bilan almashtirdik. Yechim variantlari ko'paydi. Mana **shu psixologik inertsiya bilan kurashish deyiladi**. Mana shu joyi TRIZning eng kulminatsion nuqtasidir

Qarang, qarshimizda ikkita muammoli masala turibdi.

1) g'ldirakni krilo bian yopish kerak

2) havo qarshiligini yengish uchun g'ildirakni nima bilandir yopish kerak va uni ko'rish ham mumkin bo'lsin. Ekvivalent ikkita muammo turib birinchisining yechimi yo'q.Ikkinchisini osongina yechish mumkin. Nega? Chunki masalani tog'ri shakllantirdik va professional terminlarni olib tashlash orqali psixologik inertsiyadan qutuldik.

Demak, sizga noto'g'ri shakllantirilgan masala berilsa, uni to'g'ri shaakllantirish uchun avvalo professional terminlarni olib tashlaysiz va oddiy masalaga aylantirasiz. Shunda ham yechish

qiyinchilik tug'dirsa (**texnicheskoe protivorechiya)** bilan qayta shakllantirasiz.Krilo masalasiga qaytamiz. Nima bilandir yopish kerak g'ildiraklarni va u haydovchiga ko'rinib tursin. Bu to'gri shakllantirilgan masala, lekin shunda ham yechimi topilmasa, o'zingizga savol bering, "В чем техническое противоречие?" Y'ani, ballonlarni qandaydir qattiq narsa bilan yopish kerak, u nafaqat shamoldan, quyosh nurlaridan ham himoya qilsin. Endi masalaga yanayam chuqurroq kirib borish imkoni paydo bo'ladi.Техническое противоречие qattiq material kerak va quyosh nurlarini ham o'tkazsin degan fikrga olib keladi. Mana endi masala yanayam soddalashdi. Demak, bizga berilgan masalani avvalo qayta shakllantirishimiz kerak, ko'pincha unga noto'g'ri shakldagi savol qo'yilgan bo'ladi va bu narsa masalani tupikka olib boradi. Biz krilo shaffof bo'lishi mumkin emas deb turib olsak (negaki biz bunday krilolarga odatlanmaganmiz) bu muammoning yechimi yo'q degan yuzaki xulosaga kelib qolamiz.Kamera qo'yish kerak kabi fikrlar yuzaki kuchsiz texnik yechimlardir. Bu odatdagi oddiy muhandislik yechimi.Ammo ixtirochilikka asoslangan yechim— bu kuchli ijodkorona yechimdir. TRIZ --qayta shakllantirish, texnicheskoe protivorechiyadan foydalanish, professional terminlarni olib tashlash, psixologik inertsiya bilan kurashish yordamida kuchsiz injenerik yechimdan kuchli ixtirochilik yechimiga kelish degani. 60 yillardan 80 yillargacha TRIZ ijtimoiy hayotning hamma sohasini qamrab oldi. Shu davrda juda ko'plab ixtirolar yaratildi. TRIZ pedagogika sohasiga ham kirib keldi. Shuningdek pedagogika sohasiga ham kirib kelib jadallik bilan rivojlandi

Hozirgi kunda TRIZga asoslangan bog'cha, maktab,oliygohlar,metodik qo'llanmalar, multiplikatsion filmlar,qiziqarli kitoblar, ota-onalar maktablari, jamiyatning hamma bo'g'ini uchun onlayn darslar bor.

Ammo TRIZ bolani ixtirochi,ijodkor,faylasuf qilib qo'yadigan sehrli tabletka emas. Ota-onalar bu haqdagi qo'llanmalar, kitoblar sotib olib shug'ullanishni boshlashadi. Keyin esa negadir bola qiziqmayapti, o'rganmayapti, xohlamayapti deb hayron bo'lishadi.

TRIZning asosiy g'oyasi ixtirochilik bu tug'ma qobiliyat, iqtidor emas, aniq algoritmlarga asoslangan fan. Uni har kim o'zlashtira oladi. Chunki TRIZ asosida algoritm yotibdi va bu ARIZ (алгоритм решения изобретателских задач)deb ataladi. Ba'zan ota-onalar tushunib-tushunmay TRIZ bilan shu'g'ullanishga urinishadi. Biz ixtirochilik ijodiy fikrlashni rivojlantirmoqchimiz.Ammo TRIZ asosida algoritm yotibdi, xuddi shablondek.

XULOSA

Agar insonda tasavvur qilish rivojlangan bo'lsa, inertsiya

bilan kurasha olsa , qayta-qayta o'ylash ustidan chiqa olsa, ongli ravishda masalani har tomonlama ko'ra olsa nostandart yechimlar bera oladi. Aks holda TRIZ ishlamaydi. Ishlashi uchun ijodiy fikrlashni uyg'otishi kerak. Har bir urinishda, har bir muammoli masalani yechishda bu narsa rivojlanib yaxshilanib boraveradi. Ijodiy tasavvurni uyg'otish va kengaytirish o'z ichiga quyidagilarni oladi.

1. Har bir muammoga 15-20 ta yechim variantini topish kerak. Masalan, qarg'a nega daraxtda o'tiribdi? … Keyin nima bo'ladi?

Masalani har tomonidan ko'rib chiqish kerak.

Buning uchun bir necha metodlar tavsiya etiladi.

1.Binom fantaziya

2.Robinzon Kruzo metodi

3.Sonlar o'qi metodi

Bu metodlarning umumiy tomoni shundaki ikkita umuman boshqa-boshqa predmetlarni bir-biriga bog'lash kerak. Keling Binom fantaziya metodini ko'rib chiqamiz.Turli narsalarning rasmlari teskari holda qo'yiladi. Bola undan ikkitasini tanlab olib ochadi. Undagi ikki rasmni bir-biriga turli shaklda(ustida, ostida, ichida,orasida…) bog'lab berishi kerak. Aytaylik pomidor va odeyal rasmi ekan. Bir eshitganda bu savollar juda g'alati. 1.Pomidor ustida odeyal? Pomidor ustida odeyal nima qiladi?

Lekin biroz o'ylasak , chang bo'lmasligi uchun yoki quyosh urmasligi uchun terilgan pomidor odeyal bilan yopilgan bo'lishi mumkin.

2.Pomidor ichida odeyal?

Biroz o'ylab ko'rsak pomidor shaklidagi katta upakovka ichida yaxshilab o'rab taxlangan odeyal bo'lishi mumkin.

3.Pomidor tagida odeyal?

Bir o'ylab ko'rsak, pomidor ko'chatlari tagiga odeyal solingan , terilayotgan pomidorlar yerga tushib ezilmasligi uchun.

2.Savol berishni o'rgatish kerak

Har bir ko'rgan narsa va hodisalar haqida ko'plab savollar berishni o'rganamiz. Aytaylik gulhan yonib turibdi va uning atrofidagilar maza qilib o'tirishibdi.Masalan gulhan haqida ko'pdan-ko'p savollar o'ylab topish kerak.
1.Gulhan ustini metal banka bilan yopsak, u qancha vaqt yonib tura oladi?
2.Qancha balandlikkacha gulhan 40 gradusdan kam bo'lmagan issiqlikda yonishi mumkin?

3.Gulhanni o'chirmay turib unda kolbasa qovurish uchun nima qilish kerak?

3. Tasavvurni rivojlantirish. Aynan shu narsa

rivojlanmagani uchun bolalar kitob o’qishga qiziqmas? Ular voqealarni, qahramonlarni tasavvurida jonlantira olmaydi. Shuning uchun kitob ularga bir-biriga qalashib yotgan so’zlar yig’indisi bo’lib ko’rinadi. Shuning uchun bolalarni juda yosh paytidayoq ko’rganlarini qayta hikoya qilib berishga o’rgatish kerak.

Ayni shu yerda bolalarning ijodiy fikrlash qobiliyatlari harakatga tushadi, kundan-kunga bolalarda topqirlikni, ijodkorlikni o’stiradi.

TRIZ bu kreativ, shu bilan birga produktiv fikrlashni o’stiradi. Ba’zilar doimo kreativ fikrlaydilar, yangidan-yangi takliflar beradi, ammo ularning fikrlari, g’oyalari oxiriga yetmaydi. TRIZ bilan bu g’oyalar o’nlab variantlar o’ylab ko’rish hisobiga oxiriga yetadi, natijada ajoyib nostandart ixtirolarga erishish mumkin.

REFERENCES

1. Найти идею; Введение в ТРИЗ. Г С Алтшуллер
2. И тут появился изобретатель. Г С Алтшуллер
3. You Tube DevEducation kanali. Что такое ТРИЗ?
4 You Tube Ксения Несютина Как развивать творческое мышление?

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “ТАРБИЯ” ФАНИНИ ЎҚИТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Р. Мусурмонов
Чирчиқ давлат педагогика университети доценти,

Ж. Наримонов
Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада “Тарбия” фанини бўлажак ўқитувчиларга сингдириш, “Тарбия” фанини ўқитишга қўйиладиган талаблар ва ўзига хос хусусиятлари, “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” талаблари ва уни амалга оширишнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: “Тарбия”фани, ўқитишга қўйиладиган талаблар,Учинчи Ренессанс пойдевори, давлат сиѐсатининг асосий тамойиллари, жамиятнинг педагогик маданияти.

КИРИШ

Мамлакатимизда олиб борилаѐтган таълим ислоҳотлари, илм-фан, технология соҳаларида эришилаѐтган ютуқлар узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўқитилаѐтган фанларни оптималлаштириш ва янги фанларни ўқитишни тақозо этмоқда. Бу каби ўқув фанларининг ўқитилишидаги талаблардан энг муҳими – уларнинг мазмунида мавжуд илмий билимлар ўз ифодасини топибгина қолмай, шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаѐтган ислоҳотларни мазмун-моҳиятини хусусан таълим соҳасида олиб борилаѐтган давлат сиѐсатининг асосий тамойилларини ҳам очиб бериш ҳисобланади.

Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаѐтганини алоҳида таъкидлаб ўтди. ―Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Ҳар қандай мустақил давлат мустаҳкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина юксак тараққиѐтга эриша олади. Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўѐбга чиқариш,

ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаѐтда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буѐн ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади.

Шу мақсадда биз ―Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта ―Тарбия фанини жорий этмоқдамиз - деб таъкидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат, узоқ йиллар давомида тарбия таълимдан бўш вақтида амалга ошириладиган қўшимча юкламага – иккинчи даражали ишга айланиб, узуқюлуқ жараѐн бўлиб келганлиги ҳамда жамиятнинг педагогик маданияти пасайиб, мактабгача таълим, мактаб педагоглари, ота-оналарнинг тарбияга оид педагогик-психологик билимлари замон талабларига жавоб бермай қолди.

Тарбияда йўл қўйилган хатолар асоратлари кундалик ҳаѐтда, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилиниб, жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Масаланинг яна бир томони олий таълим муассасаларида замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали тарбиячи педагогларни тайѐрлаш ишининг сустлашиб кетгани билан боғлиқ. Чунки, ѐш авлодни тарбиялашда маълум малака ва компетенцияларни эгалламай туриб, бундай масъулиятли ишга киришишнинг ўзи мақсадга мувофиқ эмас.

Шундай бир вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ―Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида‖ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ 4307-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31декабрдаги ―Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида‖ги 1059-сонли қарорининг чиқиши бу миллат келажаги, миллат маънавий тараққиѐти учун бир ўзига ҳос тарихий воқелик бўлди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг асоси миллий тарбиямиз, Унсур ал Маолий Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абу Наср Форобий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат каби улуғ мутафаккирларимизнинг маънавий-илмий меросига асосланган. Айни вақтда дунѐнинг ривожланган давлатлари тажрибасида синовдан ўтган замонавий тарбия технологияларидан фойдаланиш Концепциянинг замон билан ҳамнафаслигини таъминлайди.

Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясида дунѐ педагогик тажрибаси ва ютуқларини мужассам этганлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, Европа Иттифоқининг тарбиявий тавсиялари, АҚШ тажрибасидан шахс эркинлиги, тадбиркорлик, муваффақиятга эришишга интилиш, Жанубий Кореяда ѐшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеалларни сингдириш, Япониянинг ―характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим‖, Хитойнинг яхшилик, тўғрилик, поклик, донолик ва ишончлилик каби фазилатларни тарбиялашга қаратилган педагогик тажрибалари ўрганилган.

Концепцияда Ўзбекистонда ѐшлар тарбиясини замонавий асосда илмийтехнологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаѐтган ишлар ва уни бугунги кун эҳтиѐжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантириш ишига катта аҳамият берилган. Бунинг учун оила, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик ҳамкорликни янги даражага кўтарилади.

Президентимиз Ўзбекистонни ривожланган давлатлар даражасига кўтариш учун фуқароларнинг фаоллигига эришиш муҳим омил эканлигига эътиборни қаратди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун фикрлаши, ҳаѐтга муносабати бутунлай ўзгача бўлган янги авлодни тарбиялаш, таълим-тарбия бериш вазифаси муҳимдир. Бу борада мамлакатимизда қисқа давр ичида амалга оширилган ишлар, хусусан, мактабгача таълим, умумий ўрта-таълим, олий таълимдаги ислоҳотлар янги авлодни тарбиялаш асосларини мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сонли ―Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиѐтга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида‖ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг мақсади Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг ѐши ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, умумий ўрта таълим муассасаларидаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш этиб белгиланган. Мазкур қарорга мувофиқ, Умумий ўрта таълим муассасаларида «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ҳамда «Дунѐ динлари тарихи» фанларини бирлаштирган ҳолда ягона «Тарбия» фани 1 — 9-синфларда — 2020/2021 ўқув йилидан, 10 — 11-синфларда эса — 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб фанларга

ажратилган умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиѐтга жорий этилди.

Қарор доирасида 2020 — 2023 йилларда республика олий таълим муассасаларининг «Бошланғич таълим», «Тарих» (мамлакатлар ва минтақалар бўйича), «Тарих ўқитиш методикаси», «Филология ва тилларни ўқитиш: Ўзбек тили», «Ўзбек тили ва адабиѐти», «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими», «Педагогика ва психология», «Диншунослик» ва Исломшунослик (Ислом тарихи ва манбашунослиги)», «Психология (Дин социопсихологияси)» таълим йўналишлари битирувчиларига умумий ўрта таълим мактабларида «Тарбия» фанини ўқитиш ҳуқуқи берилиши юзасидан зарур чораларни кўрсин ва мазкур таълим йўналишлари ўқув режаларига 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тегишли ўзгартиришлар киритишни режалаштирилган бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда жамиятда ижтимоий бирдамлик ҳиссини мустаҳкамлаш, халқимиз турмушини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қиладиган эзгу ғоялар атрофида ѐш авлодни бирлаштириш таълим тизими олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Албатта, бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди, бунинг учун аввало мавжуд ҳолатни ҳисобга олган ҳолди тизимли ѐндашув зарур. Шунинг учун ―Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси‖ доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта ―Тарбия‖ фани жорий этилди. Аввало айтиш керак, бу фан бошқа фанлардан ўзининг интегратив жихатлари билан фарқ қилади. Узлуксиз таълим тизимида мазкур фанни ўқитиш бўйича самарали натижаларга эришиш осон эмас, албатта. Ўқитувчи-педагоглар олдида ҳали жуда катта ташкилий, педагогик, дидактик, услубий ишларни амалга ошириш вазифаси турибди. Янги авлодга таълим-тарбия беришда энг масъулиятли вазифа ўқитувчи-педагогларимиз зиммасига тушади. ―Тарбия‖ фани қайси фанлар билан узвийлашади, қайси мавзуларга кўпроқ эътибор қаратиш керак? Бугунги замонни ривожлантирадиган фанлар, қандай қадриятлар билан уйғун бўлиши лозим, деган муҳим саволларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Агар ўқитувчи-педагогларнинг янги тарбия фанини ўқитишга малака ва кўникмалари оширилмаса, уларни руҳан тайѐрланмаса, фан дастури ўз самарасини бериши қийин кечади. Шу нуқтаи назардан тарбия фанини ўқитадиган мутахассис педагог кадрларни тайѐрлаш, қайта тайѐрлаш, малака кўникмаларини ошириш биринчи даражали вазифадир. Олий таълим тизимида тарбия фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари аниқ белгилаб олиниши лозим. Тарбия фанни

ўқитишдан мақсад – талабаларга келажак авлодни маънавий юксад физилатлар эгаси қилиб тарбиялашда инновацион тарбия технологияларини қонуниятларини, жаҳон тарбия концепциялари намуналарининг қиѐсий таҳлили, таълим муассасаларида тарбия фанини ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларини ўргатишдан иборат. Фаннинг вазифаси эса – талабаларга тарбия фанини ўқитишнинг назарийилмий, амалий ва методологик асослари ҳақида билим бериш, тарбия фанини ўқитиш ижтимоий зарурат сифатида илмий-амалий асослаш, фанни ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланишнинг сифат самарадорлигини оширишга оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ―Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида‖ги қарорида: ―Ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараѐнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий хамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш‖ таъкидланганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси миллий ва маънавий-маърифий тараққиѐтининг муваффақиятларини белгилаб берувчи, бу туб вазифаларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи инновацион педагогик технологияларни амалиѐтга татбиқ этишдан иборат. Бунда авторитар педагогикадан воз кечиб, инновацион технологиясини қабул қилишимиз керак бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг бош мақсади ва мазмуни тубдан янгиланди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида инновацион технологияларни самарали жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълим тизимида тарбия фанини ўқитишда қуйидагилар инобатга олиниши лозим: Биринчидан, тарбия ҳар қандай жамият ва ҳар қандай мамлакат ҳаѐтида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ёш авлоднинг, умуман, жамият аъзоларининг тарбияси билан етарлича шуғулланмаган мамлакат турғунлик ва инқирозга маҳкумдир. Негаки, ўсиши ва ривожланиши учун ҳар қандай жамиятда ҳам моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш, тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ѐш авлод моддий ва маънавий бойликлар етиштиришни аждодлари тажрибаларидан унумли фойдаланиб, улардан ҳам яхшироқ ишлаб чиқара билишлари керак.

Ёш авлодда ана шундай моддий ва маънавий қобилиятларни шакллантира билиш учун эса, жамият узлуксиз равишда самарали фаолият кўрсатадиган нафақат тарбиявий ишлар тизимига, балки тарбияни фан сифатида ўқитишнинг зарурлигини тўлақонли англамоқ лозим. Иккинчидан, тарбия фанини ўқитиш жараènида талабаларнинг ҳаèти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараènида талаба ташқаридан келаèтган ахборот хуружларига, тарбиявий таъсирларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиèж ва хоҳишларини ифодалайди.

Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари шахсга ташқи омилларнинг (хоҳ салбий, хоҳ ижобий) таъсири боланинг уларга муносабатига боғлиқлигини кўрсатади. Талабалар фаолиятини уюштиришгина эмас, балки тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан турли кечинмаларни қандай англаши, баҳолаши, ҳис қилиши, улардан ўзи учун нималарни олаèтганлигини билиши зарур.

Олий таълим тизида ўқитиладиган тарбия фанида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий, мафкуравий, ижтимоий, сиèсий, ҳуқуқий билимлар билан қуролланиши зарур. Чунки у èш авлод онгу тафаккурини, тарбияси ўз билимлари асосида шакллантиради. Учинчидан, тарбия фанини ўқитиш жараènида талабанинг онгигина эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларини ривожлантириш лозим. Бунга эришиш учун ўқитувчи талабанинг онги, ҳиссиèти, тафакккури ва иродасига таъсир этиб боради. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбия жараènини ўқитувчи бошқаради, у талабалар фаолиятини белгилайди, уларнинг ижтимоий жараènда иштирок этишлари учун шарт-шароит яратади. Тўртинчидан, олий таълим тизимида ўқитилаèтган ―Тарбия‖ фанни ўзлаштириш натижасида талаба билиши лозим бўлган билимлар мажмуи ҳам аниқлаштириб олиниши лозим.

Тарбия фанининг Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, меъèрий-ҳуқуқий асослари, ушбу фанини ўқитишнинг илмий, диний, бадиий ва фалсафий асослари, ўқитишдаги янгича èндашувлар; Замонавий тарбияшуносликнинг глобаллашув, ўзаро интеграцион ва ахборот технологиялари ривожланган жараènидаги муаммолари, вазифалари ва уларнинг ечимлари, тарбиявий жараènлар, уни ташкил этишда миллий тажриба, маънавий меросдан самарали фойдалана олиш ҳамда юксак маънавиятли педогок кадрларни шакллантириш, таълим тизими фаолиятини таъминлашнинг меъèрий-ҳуқуқий

ҳужжатлари, ѐшларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш кабиларни билиши керак. Бешинчидан, талабалар тарбия фани ўрганиш мавзусига киритган муаммоларини идрок этиш, тарбияни мустаҳкамлашда миллий тарбия мезонларини қўллай билиш, атрофида содир бўлаѐтган жараѐнларга ўз муносабатини билдира олиш, жамият ва инсон ҳаѐтида тарбиянинг ўрнини англаш ва бугунги кунда таълим тарбия жараѐнида содир бўлаѐтган воқеаларни баҳолай олиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг таълим-тарбия сиѐсатини билиш, тарбия жараѐнида маънавий-миллий ва умуминсоний қадриятлар, мезон ва тамойилларлар бўйича ўз қарашларини илмий асослашни ва ифодалашни билиш, миллий тарбия талабларига амал қиладиган фаол ҳаѐтий дунѐқараш каби малакаларга эга бўлиши керак.

Чирчиқ давлат педагогика университети “Мактаб менежменти” кафедраси професор-ўқитувчилари томонидан мазкур, умумий ўрта таълим мактабларида “Тарбия” фанини ўқитишнинг долзарблиги ва аҳамияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, “Мактаб менежменти” мутахассислик йўналиши талабаларига ва Чирчиқ шаҳар умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари методик ва амалий ѐрдам беришда жонбозлик кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, 8, 13, 21 умумий таълим мактабларида намунали дарс машғулотлари ўтилиб, синф раҳбарлари, ўқитувчилар ва ота-оналарга зарур тавсияларни бериб кемоқдалар.

ХУЛОСА

Хуллас, таълим-тарбия ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда олиб бориладиган жараѐн. Бу ерда олий таълим тизимида таҳсил олаѐтган бўлажак ўқитувчимураббийнинг алоҳида, ота-онанинг алоҳида ўрни ва жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги вазифалари бор. Шу жиҳатдан қарасак, демак, —Тарбия фанининг ўқитилиши, самарадорлиги масаласи умумхалқ иши даражасига кўтарилиши зарур. Ўзбекистон келажаги бўлган ѐшларнинг истиқболи учун астойдил ва ҳамкорликда ишлашимиз керак, деган маънавий талабни умумхалқ харакатига айлантирилса ва ҳар бир педагог ўқитувчи ўзига қатъий вазифа сифатида белгиласа, —Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари концептуал ғояни амалга ошириш имконияти ошади.

REFERENCES

1. http://www.uzdaily.uz/uz/post/6557
2. https://lex.uz/docs/4320700
3. https://lex.uz/docs/4676839
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сонли —Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичмабосқич амалиѐтга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори https://lex.uz
5. https://lex.uz/docs/3171590

THE HISTORY OF USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN DIDACTIC WAY

Said-Fozilhkon Akmakhonovich Akmalkhonov
Chirchik State Pedagogical University

ABSTRACT

ligatura nanozarrachalarining Issiqlikdan kengayish koefitsienti (IKK) keskin o'zgargan: 1) a yo'nalishida elementar yacheyka kengayishi monoton tusga kirdi; 2) c yo'nalishida IKK deyarli 2,5 baravar oshdi. RuO_2 bilan legirlangan $2SiO_2 \cdot PbO$ tarkibli shishada solishtirma qarshilik ρ va termoEYuK koeffitsienti S ning temperatura bo'ylab o'zgarishi hamda uning rentgen nurlari sochilishining turli temperaturalardagi (293 ,773 , 973 va 1123 K) rengennogrammalari olindi.

Erkin RuO2 va RuO2 bilan legirlangan S71-K shishaning panjara konstantalarining haroratga bog'liqligi o`rganildi. Shisha va $RuO_2$ ning issiqlikdan kengayish koeffitsientlarining farqi legirlangan shishadagi $RuO_2$ qoldiq zarrachalariga kuchli mexanik ta'sir ko`rsatadi.

REFERENCES

1. T. Bekmurodov, X. Mardonova (Chorieva), G. Abduraxmanov // RIAK-15ilmiy-amaliy anjumani, Toshkent, 22-23 aprel 2022. Anjuman materiallari
2. Г.Б. Бокий, М.А. Порай-Кошиц. Рентгеноструктурный анализ. – Москва, изд-во МГУ, 1964. – 488 с. С. 321.
3. Morten B., Masoero A., Prudenziati M., Manfredini T. Evolution of ruthenate-based thick film cermet resistors // J.Phys.D: Ap.Ph., 1994, 27
4. Abdurakhmanov G. Electrical conduction in doped silicate glass (thick film resistors). In: New Insights into Physical Sciences. V. 4, 47-71. London- Hooghly, Book Publishers International, 2020
5. Звягинцев О. Е., Колбин Н. И., Рябов А. Н., Автократова Т. Д., Горюнов А.А. Химия рутения. Под ред. Звягинцева О. Е. - М.: Наука, 1965. – 300 с.
6. Fletcher J. M. et al. / Magnetic and other studies of ruthenium dioxide and its hydrate // J. Chem. Soc. a, 1968, pp. 653-657.

BOLA HAYOTINI MUHOFAZA QILISHDA OILA VA MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTINING O'RNI

Nazokat Xusanovna Iskandarova
Jizzax shahar Maktabgacha ta'lim bo'limi tasarrufidagi
1-sonli DMTT tarbiyachisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada bola xayotini muhofaza qilishda oila va maktabgacha ta'lim tashkilotining o'rni haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: yetuk shaxs, sixik jarayonlari, psixik holatlari, individual psixologik xususiyatlar, bola hayotini va xavfsizligini ta'minlash, sog`lig`ini muhofaza qilish, profilaktika.

ABSTRACT

This article discusses the role of the family and preschool education organization in protecting the child's life.

Keywords: mature person, mental processes, mental states, individual psychological characteristics, ensuring the child's life and safety, health protection, prevention.

KIRISH

Maktabgacha ta'lim sohasini yanada rivojlantirishga qaratilgan dasturlarda maktabgacha ta'lim sohasi uzluksiz ta'lim tizimining birlamchi bo'g'ini sifatida, bu jarayonda maktabgacha ta'lim tashkilotlarining bolalar huquqiy savodxonligini shakllantirishdagi o'rni hamda, respublikada ta'lim-tarbiya tizimi va barkamol avlodni tarbiyalash, xar tomonlama yetuk shaxs etib tarbiyalash davlat siyosatining asosiy ustuvor yo'nalishi ekanligi ta'kidlangan. Bu o'rinda esa maktabgacha ta'limda faoliyat olib boruvchi pedagog tarbiyachilar tarbiyalanuvchilarning psixik jarayonlari, psixik holatlari, individual psixologik xususiyatlarining rivojlanish qonuniyatlarini ham bilishlari va ularni rivojlantirishga shuningdek, hayot faoliyati va xavfsizligini ta'minlashga alohida e'tibor bilan qarashlari talab etiladi.

ADABIYOTLAR TAXLILI VA METODOLOGIYA

Bugungi kunda maktabgacha yoshdagi bolalarni har tomonlama sog'lom, barkamol qilib tarbiyalash, bola hayotini va xavfsizligini ta'minlash Davlat ahamiyatiga molik bo'lgan

jarayondir. Chunki unda jamiyatning barcha a'zolari ishtirok etadilar. Shuning uchun ham Respublikamizda ushbu jarayonga katta ahamiyat berilmoqda. Shuning bilan barobarida maktabgacha ta’lim tashkilotlarida bola xayotini va xavfsizligini ta’minlash ham muhim sanaladi. O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2007 yil 25 oktyabrdagi 225-son qarori bilan tasdiqlangan O`zbekiston Respublikasida davlat maktabgacha ta’lim tashkiloti to`g`risidagi Nizomga muvofiq O`zbekiston Respublikasida maktabgacha ta’lim tashkilotlarida bolalarning hayoti va sog`lig`ini muhofaza qilishni tashkil yetish tartibini belgilaydi. Maktabgacha ta’lim tashkilotida bolalarning hayoti va sog`lig`ini muhofaza qilish maktabgacha ta’lim tashkiloti hamda shtatdagi tibbiyot xodimlari, shuningdek maktabgacha ta’lim tashkilotiga biriktirilgan sog`liqni saqlash organlarining tibbiyot xodimlari tomonidan amalga oshiriladi. Maktabgacha ta’lim tashkiloti ma’muriyati tomonidan bolalarning hayoti, sog`lig`i va jismoniy rivojlanishi, davolash-profilaktika tadbirlari o`tkazilishi, sanitariya-gigiyena normalariga, ovqatlanish rejimi va sifatiga rioya yetilishi doimiy ravishda nazorat qilib borilishi lozim. Ota-onalar yoki ularning o`rnini bosuvchi shaxslar ular bilan maktabgacha ta’lim tashkiloti o`rtasida o`zaro munosabatlar bo`yicha shartnoma tuzilayotgan vaqtda ushbu Nizom talablari bilan tanishtirilishi lozim.

NATIJALAR

Maktabgacha ta’lim tashkilotida bolalarning hayoti va sog`lig`ini muhofaza qilishda quyidagilar:

1. barcha telefon apparatlari oldida hamda maktabgacha ta’lim tashkilotining markazida yong`in xavfsizligi, favqulodda vaziyatlar, tez yordam xizmatlari, ichki ishlar idoralarining telefon raqamlari va ularga bog`lanish tartibi ko`rsatilgan peshlavhalar mavjud bo`lishi;

2. MTTning barcha xodimlarida tashkilot mudiri hamda o`z guruhidagi tarbiyalanuvchilarning yashash manzili, ota-onalar yoki ularning o’rnini bosuvchi shaxslarning telefon raqamlari mavjud bo`lishi shart.

3. MTT xodimlari bola to`satdan kasal bo`lib qolsa yoki noxush holat yuzaga kelgan taqdirda, birinchi tibbiy yordam ko`rsatishga tayyor turishi lozim. Har bir guruhda bolalar tomonidan olishning imkoniyati bo`lmagan joyda kerakli dori-darmonlari bo`lgan aptechka bo`lishi shart.

4. MTTda pedagogik kengashlar, kasaba uyushmasi yig`ilishlari va boshqa tadbirlarni bolalarning uyqu soatlarida tashkil yetish lozim. Bunda albatta guruhda tarbiyachi yordamchisi qolishi shart.

5. MTTda ovqatlanishni tashkil yetish, oziq-ovqat mahsulotlarining saqlanishi va taomlarning tayyorlanishi O`zbekiston Respublikasida tasdiqlangan sanitariya qoidalari va normalariga muvofiq amalga oshirilishi lozim.

6. Bolalar sayr va yekskursiyaga olib chiqilganda, tarbiyachi tomonidan ularning hech qanday meva va o`simliklarni iste'mol qilmasliklari nazorat qilinishi lozim.

7. MTT hududidan uzoqroqqa sayr yoki yekskursiyaga chiqayotgan guruh kamida ikki nafar xodim bilan ta'minlangan bo`lishi lozim. Bunda xodimlarning biri safning oldida, ikkinchisi safning orqasida harakatlanib borishi lozim.

8. Bolalarning tartibli ravishda sayr yoki yekskursiyaga olib chiqilishi ichki ishlar idoralari bilan kelishilgan holda o`rnatilgan tartibda yo`l-patrul xizmati xodimlari kuzatuvida amalga oshirilishi kerak.

MUHOKAMA

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tarbiyalanuvchilarning hayotini muhofaza qilish maqsadida:

✓ maktabgacha ta'lim tashkiloti hududiga kirish eshigiga qo‘ng‘iroq o‘rnatilishi;

✓ guruhda mavjud bo‘lgan javon, ilgak, portretlar, shuningdek gul tuvaklarini joylashtirishga mo‘ljallangan maxsus moslamalar devor yoki polga mahkamlab qo‘yilishi lozim.

✓ Maktabgacha ta'lim tashkiloti hududida, shuningdek guruhlarda inson uchun xavfli bo‘lgan o‘simlik va buyumlardan foydalanish taqiqlanadi.

XULOSA

Mamlakatimizda bola tarbiyasi bilan quyidagi ijtimoiy institutlar: oila, davlat tizimidagi ta'lim va tarbiya beruvchi muassasalar, madaniy - ma'rifiy tashkilotlar, ommaviy axborot vositalari ularni o'rab turgan tashqi muhit, o'rtoqlari shug'ullanadi. Ayniqsa, bolalarga atalgan vaqtli matbuot, bolalar va o'smirlar kitobi ularga ta'lim va tarbiya berishda juda katta o'rinni egallaydi. Tarbiyalanuvchi maktabgacha ta'lim tashkilotida bo‘lgan vaqtda sog‘lig‘ining yomonlashuvi, shuningdek boshqa noxush holatlar kuzatilgan hollarda maktabgacha ta'lim tashkiloti xodimlari tomonidan zudlik bilan tibbiyot hamshirasiga, shuningdek tarbiyalanuvchining ota-onasiga yoki ularning o‘rnini bosuvchi shaxslarga xabar beriladi. Bunda tarbiyalanuvchining ota-onasi yoki ularning o‘rinini bosuvchi

shaxslar yetib kelgunga qadar tibbiyot xodimi tomonidan birinchi tibbiy yordam ko‘rsatilishi lozim.

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. Maktabgacha ta’lim muassasalarini kurish, rekonstruktsiya qilish va kapital ta’mirlash manzilli dasturi to‘g‘risida. 02.07.2018 y. PQ-3822. 2018 yil
2. Mirziyoyev Sh.M. Maktabgacha ta’lim tizimini takomillashtirishga qaratilgan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim qarorlariga o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida. 08.08.2018 y. PQ-3904.
3. Kamolidinov M., Vaxobjonov B. Innovatsion pedagogik texnologiya asoslari savollar, javoblar. T.: “Talqin” 2010y, 220 bet.
4. L.Mirjalolova va boshq. “Mashg‘ulotlarni o‘tkazish texnologiyalari” moduli bo‘yicha o‘quv –uslubiy majmua. T.: 2018 y. 257 bet.
5.www.google.uz

KOMPLEKS SONLARNI KO'PHAD ILDIZLARINI TOPISHDA TADBIQ QILISH

Ravshanbek Rozboyevich Kutlumuratov
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti o'qituvchisi
ravshanbektdiutf@gmail.com

Asqar Jaxangirovich Ismailov
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti o'qituvchisi
ismailasqar@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada kompleks sonlar mavzusini o'qitishda, ba'zi uslub va metodlardan kelib chiqib, kompleks sonlarni tadbiq qilish orqali ko'phad ildizlari yechimlarini topish usuli bayon qilingan.

Kalit so'zlar: Kompleks sonlar va ular ustida amallar, kompleks sonlarning algebraik ko`rinishi, geometrik tasviri, trigonometrik ko`rinishda yozilishi, Muavr formulasi.

ABSTRACT

This article describes the method of finding solutions of polynomial roots by applying complex numbers in the teaching of complex numbers based on some methods and methods.

Keywords: Complex numbers and operations on them, algebraic representation of complex numbers, geometric representation, writing in trigonometric form, Muavr formula.

KIRISH

Hozirgi kunda jahon miqiyosida aniq fanlarga bo'lgan qiziqish ortib borayotgan bir davrda, mamlakatimizda ham bu fanlarni o'qitish takomillashib borayotir, shu o'rinda prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev o'z ma'ruzalarida "Matematika hamma aniq fanlarga asos. Bu fanni yaxshi bilgan bola aqlli, keng tafakkurli bo'lib o'sadi, istalgan sohada muvoffaqiyatli ishlab ketadi" degan fikrni keltirib o'tgan.

Fan va texnika jadal sur'atlar bilan rivojlanayotgan bugungi kunda ilmiy bilimlar, tushuncha va tasavvurlar hajmi keskin ortib bormoqda. Shu sabab biz O'zbekiston Respublikasi kelajagi-

yoshlarni matematika faniga o'rgatishimiz dolzarb masala bo'lib hisoblanadi. Kompleks sonlar mavzusi bizga maktab matematika kursidan tanish hisoblanadi. Bu mavzuni oliy ta'lim muassasalarida alohida fan sifatida ham o'qitiladi.

Bu soha texnikada, ishlab chiqarishning ko'plab sohalarida g'oyat keng qo'llanishga ega.

MUHOKAMA

Ma'lumki matematika fan sifatida talabalarning tafakkurini shakllantirish, turli muommali vaziyatlarga echim topish raqamlashtirish tehnologiyalarini anglashda yuksak o'rin egallaydi. Bugungi zamonaviy ta'lim tizimining o'zi turlicha fanlarning g'oyalari va metodlari uzviy ta'siriga asoslangan. Tabiiyki bu ko'p jihatdan matematik fikrlash bilan bog'liq munosabatlar hisoblanadi. Maktab o'quv dasturlariga matematika fani kiritilishi, o'quv jarayonini chuqurroq o'zlashtirishga xizmat qiladi va o'quvchilarni bozor munosabatlari sharoitida hayot va mehnatga tayyorlaydi.

Ma'lumki iqtisodiyotning amaliy masalalari aksariyat hollarda matematiklar tomonidan hal qilinadi.

Kompleks sonlar

Ta'rif. *Agar* x *va* y *haqiqiy sonlar hamda* i *belgi uchun :*

1) $x+0\cdot i=x$, $0+i\cdot y=iy$, $1\cdot i=i$, $-1\cdot i=-i$,

2) *faqat* $x=x_1$, $y=y_1$ *bo'lgandagina* $x+yi=x_1+y_1i$ *boladi,*

3) $(x+yi)\pm(x_1+y_1i)=(x\pm x_1)+(y\pm y_1)i$,

4) $(x+yi)\cdot(x_1+y_1i)=(x\cdot x_1-y\cdot y_1)+(x\cdot y_1+x_1\cdot y)i$

5) $\dfrac{x+yi}{a+bi}=\dfrac{ax+by}{a^2+b^2}+\dfrac{ay-bx}{a^2+b^2}i$

munosabatlar o'rinli bo'lsa, u holda $x+yi$ *ifodaga* ***kompleks son*** *deyiladi.*

1) va 4) shartlardan: $i^2=i\cdot i=-1$, $i^3=-i$, $i^4=1$, $i^5=i$ *va h.k.*

$i=\sqrt{-1}$ *belgini odatda mavhum birlik deyiladi.*

$x+yi$ *kompleks sonda* x *– kompleks sonning haqiqiy qismi Re(z) ,* yi *- – kompleks sonning mavhum qismi Im(z) deyiladi.*

$x+yi$ *va* $x-yi$ *o'zaro qo'shma kompleks sonlar deyiladi.*

Kompleks sonlarni qo'shish, ayirish, ko'paytirish va darajaga ko'tarish ko'phadlar ustidagi kabi bajariladi. Bo'lish va ildiz chiqarish amallari esa mos ravishda ko'paytirish va darajaga ko'tarish amallariga teskari amallar kabi aniqlanadi.

Kompleks sonning trigonometrik ko'rinishi

$x+yi$ kompleks son $(x;y)$ haqiqiy sonlar jufti bilan aniqlanadi.Shuning uchun $x+yi$ kompleks son tekislikdagi M$(x;y)$ nuqta yoki uning $r=\overrightarrow{OM}$ radius - vektori bilan ifodalanadi.



Bu vektorning uzunligi $r=\sqrt{x^2+y^2}$ –kompleks sonning moduli, bu vector bilan Ox o'q orasidagi φ - burchak kompleks sonning argumenti deyiladi.

$x=r\cos\varphi$, $y=\sin\varphi$ *bo'lgani uchun* $x+y\cdot i=r\cdot(\cos\varphi+i\cdot\sin\varphi)$ *boladi va bu ifodaga kompleks sonning trigonometrik ko'rinishi deyiladi.*

Trigonometrik ko'rinishidagi kompleks sonlarni ko'paytirish va bo'lish. $z_1=x_1+y_1\cdot i=r_1\cdot(\cos\varphi_1+i\cdot\sin\varphi_1)$, $z_2=x_2+y_2\cdot i=r_2\cdot(\cos\varphi_2+i\cdot\sin\varphi_2)$ berilgan bo'lsa, u holda

$$z_1\cdot z_2=r_1\cdot r_2\left(\cos(\varphi_1+\varphi_2)+i\cdot\sin(\varphi_1+\varphi_2)\right),\ \frac{z_1}{z_2}=\frac{r_1}{r_2}\left(\cos\left(\varphi_1-\varphi_2\right)+i\left(\sin\left(\varphi_1-\varphi_2\right)\right)\right).$$

$$z_1=x_1+y_1\cdot i=r_1\cdot(\cos\varphi_1+i\cdot\sin\varphi_1),\ z_2=x_2+y_2\cdot i=r_2\cdot(\cos\varphi_2+i\cdot\sin\varphi_2),\ldots,z_n=x_n+y_n\cdot i=$$
$$=r_n\cdot(\cos\varphi_n+i\sin\varphi_n)$$
$$z_1\cdot z_2\cdot\ldots\cdot z_n=r_1\cdot r_2\cdot\ldots\cdot r_n\left(\cos(\varphi_1+\varphi_2+\ldots+\varphi_n)+i\cdot\sin(\varphi_1+\varphi_2+\ldots+\varphi_n)\right).$$

1.4.2. Muavr formulasi

Agar $z_1=z_2=\ldots=z_n=z=r(\cos\varphi+i\cdot\sin\varphi)$ bolsa, u holda $z^n=r^n(\cos n\varphi+i\cdot\sin n\varphi)$ munosabatni hosil qilamiz.

Bu formulaning r = 1 bo'lgandagi ko'rinishiga Muavr formulasi deyiladi:

$$(\cos\varphi+i\cdot\sin\varphi)^n=\cos n\varphi+i\cdot\sin n\varphi.$$

Xuddi shu kabi $\left(\frac{1}{r(\cos\varphi+i\cdot\sin\varphi)}\right)^n=r^{-n}(\cos n\varphi-i\cdot\sin n\varphi).$

Kompleks sondan ildiz chiqarish

$\sqrt[n]{z}=\sqrt[n]{r\left(\cos\varphi+i\cdot\sin\varphi\right)}=\sqrt[n]{r}\left(\cos\frac{\varphi+2\pi k}{n}+i\sin\frac{\varphi+2\pi k}{n}\right)$, bu yerda k=0,1,2,…,n-1.

$e^{i\varphi}=\cos\varphi+i\cdot\sin\varphi$ - Eyler formulasi deyiladi.

Misol. z = -2+2i . a) $z^4=?$ *b)* $\sqrt[3]{z}$.

Yechish. a) $r=\sqrt{(-2)^2+2^2}=2\sqrt{2}$, $\varphi=\pi+arctg\frac{2}{-2}=\frac{3\pi}{4}$.

$$z^4=(2\sqrt{2})^4\left(\cos\frac{3\pi}{4}+i\sin\frac{3\pi}{4}\right)^4=64\left(\cos4\cdot\frac{3\pi}{4}+i\sin4\cdot\frac{3\pi}{4}\right)=64\left(\cos3\pi+i\sin3\pi\right)=64\left(-1+0\right)=-64.$$

b) $$\sqrt[3]{z}=\sqrt[3]{-2+2i}=\sqrt[3]{\sqrt{8}\left(\cos\frac{3\pi}{4}+i\sin\frac{3\pi}{4}\right)}=\sqrt{2}\left(\cos\frac{\frac{3\pi}{4}+2\pi k}{3}+i\sin\frac{\frac{3\pi}{4}+2\pi k}{3}\right),k=0,1,2.$$

$k=0$ *da* $\sqrt[3]{z}=\sqrt{2}\left(\cos\frac{\pi}{4}+i\sin\frac{\pi}{4}\right)=1+i.$

$k=1$ *da* $\sqrt[3]{z}=\sqrt{2}\left(\cos\frac{11\pi}{12}+i\sin\frac{11\pi}{12}\right)=-\frac{\sqrt{3}+1}{2}+i\frac{\sqrt{3}-1}{2}$

$k=2$ *da* $\sqrt[3]{z}=\sqrt{2}\left(\cos\frac{19\pi}{12}+i\sin\frac{19\pi}{12}\right)=\frac{\sqrt{3}-1}{2}-i\frac{\sqrt{3}+1}{2}.$

Algebraning asosiy teoremasi[1]

$f(x)=a_0x^n+a_1x^{n-1}+...+a_{n-1}x+a_n$ – kompleks sonlar maydonidagi n- darajali ko'phad bo'lsin.

Ta'rif . *Agar x ning α son qiymatida $f(x)$ ko'phad nolga aylansa, u holda α soni $f(x)$ ko'phadning ildizi deyiladi.*

Demak, $x=\alpha$ son $f(x)$ ko'phadning ildizi bo'lsa $f(\alpha)=0$ bo'ladi.

Teorema (Bezu teoremasi). *$f(x)$ ko'phadni $x-\alpha$ ga bo'lgandagi qoldig'i $f(\alpha)$ ga teng.*

Teorema. *$x=\alpha$ son $f(x)$ ko'phadning ildizi bo'l ishi uchun u $x-\alpha$ ga qoldiqsiz bo'linishi zarur va yetarli.*

Teorema (Algebraning asosiy teoremasi). *Kompleks sonlar maydonida nolinchi darajadan yuqori darajali har bir $f(x)$ ko'phadning eng kamida bitta kompleks ildizi bor.*

Teorema. *Kompleks sonlar maydonida n - darajali $f(x)$ ko'phadning n ta ildizi bor.*

$f(x)=a_0\cdot(x-\alpha_1)\cdot(x-\alpha_2)\cdot\ldots\cdot(x-\alpha_n)$ ifoda ko'phadning chiziqli ko'paytuvchilarga yoyilmasi deyiladi.

Haqiqiy sonlar maydonidagi $f(x)$ ko'phad uchun $x+yi$ kompleks son ildiz bo'lsa, u holda $x-yi$ qo'shma kompleks son ham ildiz bo'ladi $(y\neq 0)$.

Haqiqiy sonlar maydonidagi $f(x)$ ko'phadning kompleks ildizlari soni faqat juft bo'lishi mumkin.

Haqiqiy sonlar maydonidagi juft daragali $f(x)$ ko'phadning haqiqiy ildizlari soni faqat juft bo'la oladi.

Haqiqiy sonlar maydonida toq daragali $f(x)$ ko'phadning haqiqiy ildizlari soni faqat toq bo'la oladi.

Haqiqiy sonlar maydonidagi har bir $f(x)$ ko'phadni shu maydondagi birinchi va ikkinchi darajali ko'phadlar ko'paytmasi ko'rinishida ifodalash mumkin.

1. SH.SHarahmetov, O.Qurbanov, "Iqtisodchilar uchun matematika" O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2017.

NATIJA

Misol sifatida eng sodda misollar bo'lgan

a) $f(x)=x^3-8$

b) $f(x)=x^4-16$

c) $f(x)=x^8-196$

ko'phadlarni ildizlarini topaylik

Yechish: agar biz kompleks sonlarga doir ma'lumotlarga ega bo'lmasak bu ko'phadlarni ildizlarini uni nolga tenglab x ning qiymatlarini topamiz

a) $f(x)=x^3-8$, $x^3-8=0$ tenglamani echib $x=2$

b) $f(x)=x^4-16$, $x^4-16=0$ tenglamani echib $x_1=2$, $x_2=-2$

c) $f(x)=x^8-196$, $x^8-196=0$ tenglamani echib $x_1=2$, $x_2=-2$

ko'rinisdagi haqiqiy ildiz javoblarni olamiz.

Ko'phadlarning hossasiga ko'ra a) ko'phadimizning darajasi 3 ga teng, demak 3 ta javob chiqishi kerak; b) ko'phadimizning darajasi 4 ga teng, demak 4 ta javob chiqishi kerak; c) ko'phadimizning darajasi 8 ga teng, demak 8 ta javob chiqishi kerak; ammo bizning qo'llagan

usulimizda bu qoidallar bajarilmayapdi. Keling edi shu misollarimizni kompleks sonlarga doir ma'lumotlarga ega bo'lgan holda ishlab ko'ramiz[2].

$$a)\ x^3-8=0,\ x^3=8,\qquad x=\sqrt[3]{8}\left(cos\frac{2\pi k}{3}+isin\frac{2\pi k}{3}\right),k=0,1,2$$

$$k=0,\ x_1=\sqrt[3]{8}\,(cos\tfrac{0}{3}+isin\tfrac{0}{3})=2$$

$$k=1,\ x_2=\sqrt[3]{8}\,(cos\tfrac{2\pi}{3}+isin\tfrac{2\pi}{3})=2(-\tfrac{1}{2}+\tfrac{\sqrt{3}}{2}i)=-1+\sqrt{3}i$$

$$k=2,\ x_3=\sqrt[3]{8}\left(cos\tfrac{4\pi}{3}+isin\tfrac{4\pi}{3}\right)=2\left(-\tfrac{1}{2}-\tfrac{\sqrt{3}}{2}i\right)=-1-\sqrt{3}i$$

$$b)\ x^4-16=0,\ x^4=16,\qquad x=\sqrt[4]{16}\left(cos\frac{2\pi k}{4}+isin\frac{2\pi k}{4}\right),k=0,1,2,3$$

$$k=0,\ x_1=\sqrt[4]{16}\,(cos\tfrac{0}{4}+isin\tfrac{0}{4})=2$$

$$k=1,\ x_2=\sqrt[4]{16}\,(cos\tfrac{2\pi}{4}+isin\tfrac{2\pi}{4})=2(0+1i)=2i$$

$$k=2,\ x_3=\sqrt[4]{16}\left(cos\tfrac{4\pi}{4}+isin\tfrac{4\pi}{4}\right)=2(-1-0i)=-2$$

$$k=3,\ x_4=\sqrt[4]{16}\left(cos\frac{6\pi}{4}+isin\frac{6\pi}{4}\right)=2(0-1i)=-2i$$

$$c)\ x^8-196=0,\ x^8=196,\qquad x=\sqrt[8]{196}\left(cos\frac{2\pi k}{8}+isin\frac{2\pi k}{8}\right),$$

$$k=0,1,2,3,4,5,6,7$$

$$k=0,\ x_1=\sqrt[8]{196}\,(cos\tfrac{0}{8}+isin\tfrac{0}{8})=2$$

$$k=1,\ x_2=\sqrt[8]{196}\,(cos\tfrac{2\pi}{8}+isin\tfrac{2\pi}{8})=2\left(\tfrac{\sqrt{2}}{2}+\tfrac{\sqrt{2}}{2}i\right)=\sqrt{2}+\sqrt{2}i$$

2. Данко П.Е. и др. "Высшая математика в упражнениях и задачах." Часть I, II. Учебное пособие. М.: «Высшая школа», 1998.

$$k=2,\ x_3=\sqrt[8]{196}\left(cos\tfrac{4\pi}{8}+isin\tfrac{4\pi}{8}\right)=2(0+1i)=2i$$

$$k=3,\ x_4=\sqrt[8]{196}\left(cos\frac{6\pi}{8}+isin\frac{6\pi}{8}\right)=2\left(-\frac{\sqrt{2}}{2}+\frac{\sqrt{2}}{2}i\right)=-\sqrt{2}+\sqrt{2}i$$

$$k=4,\ x_5=\sqrt[5]{196}\left(cos\tfrac{8\pi}{8}+isin\tfrac{8\pi}{8}\right)=2(-1+0i)=$$

-2

$$k = 5,\ x_5 = \sqrt[5]{196}\left(cos\frac{8\pi}{8} + isin\frac{8\pi}{8}\right) = 2\left(-\frac{\sqrt{2}}{2} - \frac{\sqrt{2}}{2}i\right) = -\sqrt{2} - \sqrt{2}i$$

$$k = 6,\ x_5 = \sqrt[5]{196}\left(cos\frac{8\pi}{8} + isin\frac{8\pi}{8}\right) = 2(0 - 1i) = -2i$$

$$k = 7,\ x_5 = \sqrt[5]{196}\left(cos\frac{8\pi}{8} + isin\frac{8\pi}{8}\right) = 2\left(\frac{\sqrt{2}}{2} - \frac{\sqrt{2}}{2}i\right) = \sqrt{2} - \sqrt{2}i$$

Ushbu ishda kompleks sonlardan foydalanib ko'phadning ildizlarini hisoblashni ko'rib o'tdik. Tarifga ko'ra n-chi darajali ko'phad n ta ildizga ega bo'lishi kerak. Bu topilgan ildizlarni grafik ko'rinishda ham ifodalash mumkin. Ya'ni R^2 Dekart koordinatalar sistemasida OX o'qini Re(z), OY o'qini Im(z) bilan almashtiramiz. a) misoldagi 3 ta ildizni topib ularni birlashtirsak muntazam uch burchakni, b) misoldagi 4 ta ildizni topib ularni birlashtirsak muntazam to'rt burchakni, c) misoldagi 8 ta ildizni topib ularni birlashtirsak muntazam sakkizt burchakni hosil qilamiz.

XULOSA

C kompleks sonlar to'plami o'z ichiga: N-natural sonlar to'plamini, Z-butun sonlar to'plamini, Q-ratsional sonlar to'plamini, R-haqiqiy sonlar to'plamini oladi. Demak n-chi darajali ko'phad ildizlarini hisoblaganda kompleks sonlardan foydalansak n-ta ildizga ega bolamiz. Kompleks sonlarni fizika sohasida ya'ni zanjirdagi qarshiliklarni hisoblaganda ahamiyati kattadir. Hozirgi paytda kundalik hayotimizning barcha javhalarida raqamlashtirildan tehnologiyalardan foydalanamiz. Bu tehnologiyalarni ishlab chiqarishda mikro protsessorlar, integral protsessorlar qo'llaniladi. Protsessorlarni yaratish jarayonida, undagi qarshiliklarni hisoblashada juda kichik qarshiliklarni ham etiborga olishga to'g'ri keladi. Aynan shu hisob kitoblarni aniq hisoblashda fizik olimlarimiz kompleks sonlardan foydalanadilar. Bu esa ko'mpleks sonlar bizning kundalik hayonimizda o'zining o'rniga ega ekanligini ko'rsatadi.

REFERENCES

1. SH.SHarahmetov, O.Qurbanov, Iqtisodchilar uchun matematika, ISBN 978-9943-07-554-2, O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2017.
2. F.Rajabov, S.Masharipova, R.Madraximov. Oliy matematika. "Turon iqbol" nashriyoti. Toshkent 2007.
3. B.A.Shoimqulov, T.T.Tuychiyev, D.H.Djumaboyev. Matematik analizdan mustaqil ishlar. "O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati" nashriyoti. Toshkent 2008.

4. D.G'.Raximov. Oliy matematika. "O'AMBNT" nashriyoti. Toshkent 2003.
5. Данко П.Е. и др. Высшая математика в упражнениях и задачах. Часть I, II. Учебное пособие. М.: «Высшая школа», 1998.
6. F.Rajabov, S.Masharipova, R.Madraximov. Oliy matematika. "Turon iqbol" nashriyoti. Toshkent 2007.
7. B.A.Shoimqulov, T.T.Tuychiyev, D.H.Djumaboyev. Matematik analizdan mustaqil ishlar. "O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati" nashriyoti. Toshkent 2008.
8. D.G'.Raximov. Oliy matematika. "O'AMBNT" nashriyoti. Toshkent 2003.
9. Nasriddinov, G'. Iqtisodiy-matematik modellar va usullar: darslik/ G '. N asritdinov; 0 'zbekiston Respublikasi Oliy va o 'rta maxsus ta'lim vazirligi. — T.: 0 'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2019.
10. Stephen Boyd, Lieven Vandenberghe. Introduction to Applied Linear Algebra**,** ISBN 978-1-316-51896-0 Hardback, © Cambridge University Press 2018. (Ushbu kitob universitet ARMda PDF variantda mavjud).
11. Dan A Simovici. Linear Algebra Tools for Data Mining, University of Massachusetts, USA Copyright © by World Scientific Publishing Co. Pte. Ltd 2012. (Ushbu kitob universitet ARMda PDF variantda mavjud).
12. Dejen Ketema, Applied Mathematics, Arba Minch University, Department of Mathematics, 2016. (Ushbu kitob universitet ARMda PDF variantda mavjud).
13. Андропов А.М., Копытов Е.А. Гринглаз Л.Я. Теория вероятностей и математическая статистика, ISBN5-94723-615-X, Питер, 2004. (Ushbu kitob universitet ARMda PDF variantda mavjud).
14. Ismailov A. A. Ishniyazov A.I. Iqtisodiy tahlilning matematik usullari va bashoratlash. TDIU 2007
15. Kurpayanidi, K., Ilyosov, A. (2020) Problems of the use of digital technologies in industry in the context of increasing the export potential of the country// ISJl Theoretical & Applied Science. p. 113-117.
16. G'.M. Porsaev, B.Sh. Safarov, D.Q. Usmanova. Raqamli iqtisodiyot asoslari 2020-yil.

TECHNIQUE AND TECHNOLOGY OF THE MAIN IN-SITU LEACHING METHODS AND TECHNIQUES

Gulnoza Azamatovna Makhmudova
Doctoral student at Tashkent State Technical University

ABSTRACT

The paper presents the technique and technology of in-situ leaching mining, as well as the basic technological scheme of in-situ leaching. The technological parameters of uranium mining are calculated. Three variants of calculation of technological parameters of in-situ leaching development are proposed.

Key words: mineral, in-situ leaching, technology, technique, uranium, ore, geotechnological wells.

INTRODUCTION

The essence of in-situ leaching (ISL) of a mineral resource is the selective conversion of a mineral component to the liquid phase by controlled movement of the solvent through the ore in its natural state or through the solution prepared for dissolution and lifting of the metal-saturated solution to the surface. To this end, a chemical reagent is injected through holes drilled from the surface into the ISL formation, capable of converting minerals of the mineral resource to a soluble form. The solution, having passed through part of the ore body, is brought to the surface through other boreholes and then piped to the processing facilities [1-4]. A schematic diagram of underground metal leaching is shown in Figure 1.

MATERIAL AND METHODS

Mining (geotechnological) complex - combines technical means, facilities and technological processes associated with the extraction of uranium productive solutions from the subsurface.

It includes:

- operating fields, sections, cells;
- technological, observation and control wells;
- internal technological pipelines and pumping stations;
- sumps and mixers;
- local sorption units (LSU);
- equipment for lifting solutions;
- control and process automation equipment;

- internal reagent facilities;
- external communications.

Processing facility - combines equipment, facilities and technological processes associated with the processing of productive solutions to produce final commercial products for a given enterprise.

It includes:

- technological (sorption-desorption) unit (SDU);
- compressor;
- reagent facilities;
- instrumentation and automation service;
- internal energy networks, roads.

In the case of monolithic, impermeable ores, leaching is carried out from the mine workings that have penetrated the PI formation. The rock mass that has been broken up by drilling and blasting is sprayed with solvent, which flows down and dissolves the minerals. Productive solutions are collected at the lower horizon and then pumped to the surface for processing [4,5].



Figure 1. Schematic flow diagram of in-situ leaching

The most important natural prerequisites for in-situ leaching (ISL) are the ability of PI and its compounds to be converted into solution when the ore formation is exposed to a water solution of a leaching agent, and the ability of leaching solutions to filter into the rocks of the payzone.

The choice of solvent for ISL depends on the composition of the ores. The most widely used are aqueous solutions of acids (sulphuric, hydrochloric, nitric) or soda.

Ore-forming mineralization is located both on the surface of clastic grains and particles and also inside them. In this regard, depending on the composition of the host rocks, one or another method of uranium extraction from the subsurface is used.

ISL is used in the extraction of uranium ores, non-ferrous and rare metals (copper, nickel, lead, zinc, gold, etc.). There are prerequisites for using it in extraction of phosphates, borates etc.

The important factor for increasing the efficiency of mining by ISL method is the correct choice of a scheme of allocation of technological boreholes and distances between them. In the practice of field operation, a linear scheme of wells' arrangement is mainly applied, which represents an alternation of rows of injection and pumping wells. The distance between rows and wells in a row varies in a wide range (15-50 m and more). The most widespread scheme is 25x50 m. When ore is exposed to acidic, alkaline and bacterial solvents, the diameter of the borehole is determined by the size of the solvent lifting equipment (airlifts, submersible pumps, etc.) [6,7].

he choice of solvent for ISL depends on the composition of the ores. The most widely used are aqueous solutions of acids (sulphuric, hydrochloric, nitric) or soda.

Ore-forming mineralisation is found both on the surface of the clastic grains and particles and also within them. In this regard, depending on the composition of the host rocks, one method or another is used to extract uranium from the subsurface.

ISL is used in the extraction of uranium ores, non-ferrous and rare metals (copper, nickel, lead, zinc, gold, etc.). There are prerequisites for its use in extraction of phosphates, borates etc [8,9].

The important factor of increasing extraction efficiency using ISL method is the correct choice of process borehole pattern and distance between boreholes. In field operation practice, a linear scheme of well arrangement is mainly applied, which represents an alternation of rows of injection and extraction wells. The distance between rows and wells in a row varies in a wide range (15-50 m and more). The most widespread is the scheme of 25x50 m. At ISL ores by exposure to acidic, alkaline and bacterial solvents, the

diameter of the borehole is determined by the size of the solvent lifting equipment (airlifts, submersible pumps, etc.) [9].

Depending on existing extraction unit designs, the final diameters of geotechnical wells range from 150 to 400 mm.

It should be noted that wellbore diameters of geotechnical wells should be determined taking into account the costs of drilling and production of the useful component.

It is known that with the decrease of wellbore diameter all the technical-economical indices of drilling increase - mechanical and running speeds increase, power inputs and working intensity of round-trip operations decrease, the cost of 1 m of drilling and borehole equipment decreases.

On the other hand, when production and hoisting equipment size increases, well productivity and production efficiency go up. Therefore, the criterion for the choice of borehole diameter is ultimately the cost of the ore extracted. It is necessary to strive for smaller sizes of mining equipment to be used for the same production capacity. This will reduce well diameters, drilling costs and, as a result, production costs.

CALCULATION OF TECHNOLOGICAL PARAMETERS FOR ISL DEVELOPMENT

For the calculations, we select an ore deposit located in the central area of the deposit - 11-2.

According to geological exploration on exploration line 100-4-1, the depth of the deposit is 450m, metal reserves of 55 tonnes, area productivity of 5.5kg/m^2, the area occupied by the deposit F=53525m^2.

Variant - I.

With the arrangement of injection and injection wells in a row (longitudinal rows), (Fig.2.2).



Figure 2. Diagram of the arrangement of the pumping and injection wells in a row.

1. Average metal concentration in productive solutions C_a (g/l).

$C_a=E\cdot P\cdot 10^3/W$;

$\beta=0.2$; $\upsilon_f=K_f\cdot I$; $I=0.24$

υ_f = 5m/d·0,24=1,2 m/d.

$Y_v = \upsilon_f \cdot \beta$=1,2m/d·0,2 = 0,24 m/d.

Solution to ore weight ratio

L:H f= 0,6/ β= 0,6/0,2= β

W=W_m/ d – solution volume m^3.

W_m= $f \cdot \rho \cdot F \cdot M$ – solution weight t

W_m = 3·1,6т/$м^3$·53525$м^2$·3,2м = 822144 t.

W = 822144т/(1т/$м^3$) = 822144 m^3.

C_a = 0,8·55т·10^3/822144 = 0,054 g/l.

2) Total flow rate of pumped wells

Q_e=(Me·10^3)/(C_a·T) m^3/d T= 300 days

Q_e = (55т·10^3) / (0,054·300) = 3395 m^3/d.

3) The flow rate of one well pumped out.

q = H·b·υ_f m^3/d.

The width of the flow of the boreholes moving to the pumping well is equal to the average width of the ore body b = 55m.

q = 3,2·55·1,2 = 212 m^3/d.

4) Number of pumping wells working simultaneously N = (3395 m^3/d)/(212 m^3/d) = 16.

5) The distance between holes is determined by dividing the distance of the ore body by the number of all holes. N = 32 .

G = 1120m/32 = 35 m.

6) Duration of area worked per pumping well:

t_o = (3·1,6t/m^3·3,2m·3345m^2)/1t/m^3·212m^3/d = 242 d.

F_o = 3345m^2 area coming in per pumping well.

7) Time of occurrence of productive fluids in the wells.

t_n = M·n·l·b/q n = 0,3

t_n = 3,2m·0,3·35m·55m/212m^3/d = 8,75d = 9d.

8) Total flow rate of unproductive solutions.

Q_n = Q_e tn / t_o = (3395m^3/d ·8,75d)/242d = 125m^3/d.

9) Medium concentration (increased after diversion of unproductive solutions).

C = Q_e C_a / (Q_e - Q_n) = [(3395m^3/d ·0,054)/(3395m^3/d – 125m^3/d)] = 183,3/3270 = 0,056 g/l.

10) Solvent consumption.

P_r = [((0.8·55t)/55t)·(3395m^3/d – 125m^3/d)(25g/l – 20g/l)] = 13080t.

11) The length of time the area to be assessed has been in operation.

$t = (3 \cdot 1.6t/m^3 \cdot 53525m^2 \cdot 3,2m)/3395m^3/d = 242d.$

Variant – II.

With injection wells along the contour and disposal wells along the axis of the orebody. (Figure 3)



Figure 3. Layout of injection wells along the contour and disposal wells along the axis of the orebody

1) Flow rate per well pumped out.

$q = 3,2m \cdot 25m \cdot 1,2m/d = 96m^3/d.$

2) Number of pumping wells working simultaneously.

$N = (3395m^3/d)/(96m^3/d) = 36.$

3) Duration of area worked per pumping well: $F_0 = 1487m^2$;

$t_0 = (3 \cdot 1.6t/m^3 \cdot 3,2m \cdot 1487m^2)/(1t/m^3 \cdot 96m^3/d) = 238$ d.

4) Time of occurrence of productive fluids in the wells.

$t_n = (3,2m \cdot 0,3 \cdot 30m \cdot 25m)/96m^3/d = 7,5$ d.

5) The distance between holes is determined by dividing the distance of the ore body by the number of pumping holes. N = 36.

$G = 1120m/36 = 30m.$

6) Total flow rate of unproductive solutions.

$Q_n = Q_e t_n / t_o = (3395m^3/d \cdot 7,5d)/238d = 107\ m^3/d.$

7) Medium concentration (increased after diversion of unproductive solutions).

$C = Q_e C_a/(Q_e - Q_n) = [(3395m^3/d \cdot 0,054)/(3395m^3/d – 107m^3/d)] = 183,3/3288=0,056$ g/l.

8) Solvent consumption.

$P_r = [((0.8 \cdot 55t)/55t) \cdot (3395m^3/d – 107m^3/d)(25g/l – 20g/l)] = 13152$ t.

Variant – III.

With the boreholes positioned in a cross formation along the strike of the ore body.

1) Flow rate of one well pumped out. (Figure 4)

$q = 3,2m \cdot 50m \cdot 1,2m/d = 192\ m^3/d.$

2) Number of pumping wells working simultaneously.

$N = (3395m^3/d)/(192m^3/d) = 18.$

3) Duration of area worked per pumping well: $F_0 = 2974m^2$;



Figure 4. Cross-hole pattern along the strike of the ore body

$t_0 = (3 \cdot 1.6t/m^3 \cdot 3,2m \cdot 2974m^2)/(1t/m^3 \cdot 192m^3/d) = 238$ d.

4) The timing of the appearance of productive fluids in the wells.

$t_n = (3,2m \cdot 0,3 \cdot 30m \cdot 50m)/192m^3/d = 7,5$ d.

5) The distance between holes is determined by dividing the distance of the ore body by the number of all holes. N = 37.

G = 1120m/37 = 30m.

6) Total flow rate of unproductive solutions.

$Q_n = Q_e t_n / t_o = (3395m^3/d \cdot 7,5d)/238d = 107\ m^3/d$.

7) Medium concentration (increased after diversion of unproductive solutions).

$C = Q_e C_a/(Q_e - Q_n) = [(3395m^3/d \cdot 0,054)/(3395m^3/d – 107m^3/d)] = 183,3/3288 = 0,056$ g/l.

8) Solvent consumption.

$P_r = [((0.8 \cdot 55t)/55t) \cdot (3395m^3/d – 107m^3/d)(25g/l – 20g/l)] = 13152$ t.

Table.1

Geotechnological indicators

№	Name	designation	measurements	V_1	V_2	V_3
1	Metal concentrations in productive solutions.	C_a	g/l	0.054	0.054	0.054
2	Total flow rate of the wells.	Q_e	m^3/d	3395	3395	3395
3	Number of pumping wells working simultaneously.	N		16	36	18
4	Block duration per 1 well	t_0	d	242	238	238
5	Time of occurrence of productive solutions.	t_n	d	9	7.5	7.5
6	Solvent consumption and concentration.	V_r/C_r	t/g/l	13080 25	13150 25	13150 25
7	Dimensions of the rise and fall of the water level in the well.	H_Y	m			
8	Spacing of wells and rows.	σ/λ	м / м	35 / 55	25 / 30	30 / 50

CONCLUSION

Qualitative reduction of radioactive metal mining cost is possible only on the base of modern technologies of in-situ leaching well construction. One of the most important stages of the work was a complex technology of construction of in-situ leaching wells. Each in-situ leaching mining option calculated contributes to the individual area of the uranium deposit.

REFERENCES

1. Аренс В.Ж. Скважинная добыча полезных ископаемых (геотехнология). М.: Недра, 1986. –279 с.
2. Хчеян Г. Х., Нафтулин И. С. Геотехнологические процессы добычи полезных ископаемых. М: Недра, 1983. 221 с.
3. Истомин В.П. Особенности минерально-сырьевой базы и перспективы добычи урана в рудоуправлении №5.// Горный вестник Узбекистана. №14, 2003. С. 67-68.
4. Толстов Е.А., Толстов Д.Е. Физико-химические геотехнологии освоения месторождения урана и золота в Кызылкумском регионе. М.: Геоинформцентр, 2002.
5. Скрипко С.В. Простая геотехнология месторождения «Лявлякан». // Горный вестник Узбекистана. № 14, 2003.
6. Мамилов В.А., Петров В.А. и др. Добыча урана методом подземного выщелачивания. М.: Атомиздат, 1980.
7. Махмудов А. М., Худайбердиев Ш. М. Определение основных параметров энергоэффективности работы насосных установок в технологии подземного выщелачивания //Науч.-техн. и произв. журнал «Горный вестник Узбекистана».–Навоий. – 2012. – Т. 3. – С. 73.
8. Махмудов А., Курбонов О. М., Сафарова М. Д. Технические решения по совершенствованию монтажно-демонтажных работ погружных насосных агрегатов в условиях рудников ПВ //Горный вестник Узбекистана»(ISSN 2181-7383) Научно-технический и производственный журнал Выпуск. – №. 3. – С. 9-12.
9. Makhmudov A., Kurbonov O. M., Safarova M. D. Research of the pressure characteristics of the centrifugal water drainage plant of the WCP 25-60G brand //Australian Journal of Science and Technology, ISSN. – №. 2208-6404. – С. 279-282.

ПАРА ДЗЮДОЧИЛАРНИНГ АЭРОБ-АНАЭРОБ ЧИДАМКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШИ УСЛУБИЯТИ

Норпулот Ширинович Бобомурадов (PhD)
Шерзод Абдурахмонович Абдиев (PhD)
Мирзонаби Рамазанович Ташев
Гулчехра Ренатовна Гареева
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
norpulatbobomurodov06@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада пара дзюдочиларнинг аэроб-анаэроб чидамкорлиги тайёргарлик турлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, машғулотлар давомида барча жисмоний сифатларни (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамкорлик, эгилувчанлик ва уларнинг турлари) мунтазам ва мақсадли ривожлантириш спортчи организмининг функционал имкониятлари кучайиб бориши пара дзюдочиларнинг мусобақаларга тайёрлашнинг замонавий инновацион усулларини аниқлаш, тайёргарлик даражасини назорат қилиш юзасидан илмий-назарий фикрлар илгари сўрилган ҳамда илмий тадқиқот натижалари жадвалда акс эттирилган.

Калит сўзлар: функционал, саралаш, мослашув, цикл, интервал абсолют куч, аэроб-анаэроб чидамкорлик.

ABSTRACT

In this article, the types of aerobic-anaerobic endurance of para-judokas are closely related to each other, the regular and purposeful development of all physical qualities (strength, speed, agility, endurance, flexibility and their types) during training, the strengthening of the functional capabilities of the athlete's organism, the modern preparation of para-judokas for competitions. scientific-theoretical opinions on identifying innovative methods, controlling the level of preparation were asked and the results of scientific research are shown in the table.

Keywords: functional, sorting, adaptation, cycle, interval absolute strength

КИРИШ

Адаптив спорт амалиётида, шу жумладан пара дзюдода ҳам юксак натижаларга эришиш имконияти техник-тактик маҳоратни “ҳаракатга” келтирувчи, уни мусобақалар давомида барқарор сақлаб турувчи аэроб-анаэроб чидамкорлик салоҳияти билан белгиланиши азалдан маълумдир. Аэроб-анаэроб чидамкорлиги тайёргарлик турлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, машғулотлар давомида барча жисмоний сифатларни (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамкорлик, эгилувчанлик ва уларнинг турлари) мунтазам ва мақсадли ривожлантириш натижасида спортчи организмининг функционал имкониятлари кучайиб боради. Лекин машғулотлар жараёнида ушбу сифатлар пропорционал нисбатда шакллантирилмаган бўлса ёки оптимал меъёрланмаган юкламалар асосида “шакллантирилган” бўлса, функционал органлар фаолияти заифлашиши, ҳатто зўриқиш ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, жисмоний тайёргарлик – бу инсон (спортчи) имкониятининг ташқи кўриниши, функционал тайёргарлик эса – бу шу имкониятнинг ички кўринишидир. Демак, жисмоний тайёргарлик даражаси функционал тайёргарликнинг маҳсули бўлиб, техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади Ўз навбатида мақсадли шакллантирилган жисмоний ва функционал тайёргарлик аэроб ҳамда анаэроб чидамкорликни самарали ривожлантиришда пойдевор бўлиб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Спортчилар тайёрлаш амалиётида аэроб-анаэроб чидамкорлиги тайёргарлик даражаси нафақат техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш, уларни шакллантириш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, балки аэроб-анаэроб ва координацион чидамлиликни ривожлантириши билан бир қаторда, мусобақа беллашувида ғалабага эришиш имкониятини ошириши ҳам етакчи олимлар томонидан эътироф этилган (Л.П. Матвеев, 2008, В.Н. Платонов, 2013, Ю.В. Верхошанский, 2014, Ж.К. Холодов, В.С. Кузнецов, 2014, В.М. Зациорский, 2019).

Тадқиқотни ташкил қилиниши. Спорт назарияси ва амалиётида ўта муҳим роль ўйновчи мазкур қонуниятларни эътиборга олган ҳолда биз пара дзюдочилар билан олиб борилган анъанавий машғулотлар давомида аэроб-анаэроб чидамкорлик имкониятларни ривожланиш суръатини тадқиқот остига олдик.(жадвалда кўрсатилган)

Жадвалда айрим вазн тоифаларга мансуб курашчиларда жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг ривожланиш динамикаси келтирилган. Жадвалдан шу нарса кузатиладики, қўлларнинг абсолют куч даражасини ифодаловчи турникда максимал марта тортилиш сони енгил вазн тоифасига мансуб (60-66 кг) курашчиларда дастлаб 11,7±1.59 мартани ташкил этган бўлса, 9 ой давомида анъанавий машғулотларда шуғуланиш натижасида ушбу кўрсаткич 0,7 мартача камайди ёки 1,3 – 1.140 марта билан ифодаланди1

Ўрта вазн тоифасидаги (73-81 кг) курашчиларда мазкур кўрсаткичлар дастлаб 12,9±1,65 марта, 9 ойдан сўнг 12,2±1,59 марта билан қайд этилди.

Жадвал-1

Енгил, ўрта, оғир вазнли пара дзюдочиларда аэроб-анаэроб чидамкорлигининг ривожланиши кўрсаткичи –X ±2

Т/р	Тестлар	Вазн тоифалари			Вазн тоифалари бўйича ўртача n=62
		Енгил вазн 60-66 n=12x2	Ўрта вазн 73-81 n=15x2	Оғир вазн 90-100 n=9x2	
1.	Турникда максимал марта тортилиш (марта)	$\frac{11,7 \pm 1,59}{11,3 \pm 1,40}$	$\frac{12,9 \pm 1,65}{12,2 \pm 1,59}$	$\frac{9,6 \pm 0,97}{10,8 \pm 1,15}$	$\frac{11,1 \pm 1,64}{11,4 \pm 1,39}$
2.	10 сек. ичида турникда тортилиш (марта)	$\frac{4,9 \pm 0,11}{5,2 \pm 0,19}$	$\frac{5,5 \pm 0,23}{5,7 \pm 0,25}$	$\frac{4,1 \pm 0,91}{4,5 \pm 0,97}$	$\frac{4,8 \pm 0,42}{5,1 \pm 0,47}$
3.	Ўнг оёқда ўтириб-туриш (марта)	$\frac{11,2 \pm 1,57}{11,7 \pm 1,64}$	$\frac{13,3 \pm 2,04}{13,6 \pm 1,86}$	$\frac{12,9 \pm 1,65}{13,4 \pm 1,39}$	$\frac{12,5 \pm 1,82}{12,9 \pm 1,63}$
4.	Чап оёқда ўтириб-туриш (марта)	$\frac{13,5 \pm 2,72}{13,8 \pm 2,13}$	$\frac{15,7 \pm 2,86}{16,1 \pm 2,93}$	$\frac{14,5 \pm 2,09}{13,9 \pm 2,15}$	$\frac{14,5 \pm 2,56}{14,6 \pm 2,13}$
5.	5x6 м. га мокисимон югуриш (сек.)	$\frac{11,2 \pm 0,29}{11,9 \pm 0,37}$	$\frac{11,5 \pm 0,30}{12,1 \pm 0,39}$	$\frac{12,7 \pm 0,43}{12,5 \pm 0,38}$	$\frac{11,8 \pm 0,34}{12,2 \pm 0,38}$
6.	Рақибни 10 сек. ичида елкадан ошириб ташлаш сони (марта) - ўнг елкадан - чап елкадан	$\frac{6,2 \pm 0,28}{5,7 \pm 0,25}$ $\frac{4,3 \pm 0,19}{4,0 \pm 0,15}$	$\frac{6,9 \pm 0,31}{6,2 \pm 0,29}$ $\frac{4,5 \pm 0,21}{4,1 \pm 0,19}$	$\frac{5,7 \pm 0,20}{5,5 \pm 0,19}$ $\frac{3,9 \pm 0,15}{4,3 \pm 0,17}$	$\frac{6,3 \pm 0,23}{5,8 \pm 0,24}$ $\frac{4,2 \pm 0,18}{4,1 \pm 0,17}$

7.	Рақибни 10 марта елкадан ошириб ташлаш вақти (сек.) - ўнг елкадан - чап елкадан	$18{,}3 \pm 2{,}31$ $17{,}7 \pm 2{,}13$ $21{,}2 \pm 2{,}53$ $22{,}3 \pm 2{,}61$	$17{,}4 \pm 2{,}11$ $16{,}5 \pm 2{,}02$ $20{,}1 \pm 2{,}24$ $21{,}5 \pm 2{,}31$	$19{,}5 \pm 2{,}37$ $18{,}3 \pm 2{,}25$ $23{,}5 \pm 2{,}91$ $22{,}7 \pm 2{,}77$	$18{,}6 \pm 2{,}23$ $17{,}5 \pm 2{,}13$ $21{,}6 \pm 2{,}47$ $22{,}2 \pm 2{,}73$

***Изоҳ**: елкадан ошириб ташлаш ўз вазнига тенг рақиб иштирокида амалга оширилади. Гуруҳлар 2021 йил октябрда (суратдаги кўрсаткичлар) ва 2022 йил июнда (маҳраждаги кўрсаткичлар) 2 мартадан ташкил этиш.*

Оғир вазн (90-100 кг) – дастлаб 9,6±0.97 марта ифодаланди. Кўриниб турибдики, оғир вазн тоифасидаги кўрсаткичларда кузатилган дастлабки ва якуний кўрсаткичлар кам енгил ва ўрта вазн тоифаларига мансуб кўрсаткичларга нисбатан камроқ бўлган. Аммо, енгил ва ўрта вазн тоифаларидаги пара дзюдочиларда дастлаб қайд этилган кўрсаткичлар 9 ойдан сўнг бир оз камайган.

Оғир вазн тоифасидаги пара дзюдочиларда эса, аксинча, қисман ортган. Шундай бўлсада, пара дзюдочиларда қайд этилган турникда максимал марта тортилиш сони (10,8-12,9 марта) ниҳоятда кам деб эътироф этиш лозим.

10 секунд ичида турникда максимал марта тортилиш кўрсаткичлари ҳам айнан шундай йўналишда намойиш этилди. Жумладан, дастлабки кўрсаткичлар енгил ва ўрта вазн тоифасидаги кўрсаткичларда мувофиқ равишда 4,9±0,11 ва 5,5±0,23 мартагача, 9 ойдан сўнг 5,2±0,19 ва 5,7±0,25 мартага тенг бўлди ёки бир оз ўсиш тенденцияси билан фарқланди. Оғир вазн тоифасига мансуб пара дзюдочиларда ушбу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 4,1±0,91 ва 4,5±0,97 марта билан ифодаланди.

НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Пара дзюдочиларнинг машғулотларини ривожлантириш йўллари услубиятини ишлаб чиқиш орқали пара дзюдочиларнинг тайёргарлигини юкори даражага кўтариш мумкин.

Машғулот жараёнида машк юкламалари организмнинг шу юкламани кўтара олиш имконияти, чарчаш, зўриқиш, иш қобилияти ва уни тикланиш хусусияти каби тушунчалар бир-бирига узвий боғлик бўлган атамалар, чарчаш ва зўриқиш атамаларини жудга келиш муддатини узайтириш ёки тикланиш муддатини қисқартириш йўлларини излаш ва

амалётга жорий этиш, иш қобилятини шакилланишига олиб келади.

Қўлланиладиган жисмоний ва техник - тактик машқлар ҳажми ҳамда шиддати спортчи организми шу юкламани кўтара олиш даражасидан ҳиёл юқорироқ бўлиб, кўп йиллик тринировка жараёнида юкламани ошира бориш тўлқинсимон принципга асосланиши керак. Қандай бўлмасин ушбу жараённи бошқариш мунтазам назорат қилишни ва натижаларни илмий таҳлил остига олишга тақозо этади.

Маълумки узоқ давом этадиган ҳаракат фаолияти секин - аста иш қобилиятини сусайишига олиб келади ва чарчаш асоратлари вужудга келтиради. Биоэнергетик ресурслар камаяди, юрак - томир, нафас олиш, мушаклар, МНС фаолиятлари пассивлашади. Лекин, машқлар оралиғида машғулотлардан сўнг дам олиш натижасида организмнинг функционал фаолияти, шу билан бирга секин тиклана бошлайди. Функционал имконият доирасида ёки навбатма - навбат бироз кўп ва бироз кам (ҳажм ва шиддат жиҳатидан) бериладиган юклама, организмнинг шу юкламага мослаша боришига олиб келади.

1. Машғулотларда қўлланилган юкламалар шиддати меъёридан ортиқ бўлган.

2. Шиддатли машқлар оралиқлари ва машғулотлар якунида функционал органлар фаолияти ҳамда шу қобилият ўз вақтида етарли тикланмаган.

3. Пара дзюдочиларнинг аэроб-анаэроб чидамкорлиги етарли сайқал топмаган.

ХУЛОСА

Ўрганилган машғулотлар ва жисмоний имкониятлар натижаларига асосан эҳтимол қилиш мумкинки, тадқиқотда иштирок этган пара дзюдочиларда 9 ой якунига келиб тезкорлик даражасининг тушиб кетганлиги улардан авваламбор жисмоний имкониятларни етарли шаклланмаганлиги билан исботланади, қолаверса бундай жисмоний тайёргарлик функционал заҳира миқдорини мувофиқ ҳажмда таъминлай олмаганлигидандир. Бундай жисмоний тайёргарлик даражаси пара дзюдочиларнинг техник имкониятларига ҳам салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Масалан, рақибни 10 сек. ичида ўнг елкадан (қулай томондан) ошириб ташлаш сони енгил вазн тоифасидаги курашчиларда дастлаб 6,2±0,28 мартани, 9 ойдан сўнг 5,7±0,25 мартани, ўрта вазнда мувофиқ равишда 6,9±0,31 марта ва 6,2±0,29, оғир вазнда 5,7±0,20 марта ва 5,5±0,19 мартани ташкил этди.

REFERENCES

1.Dilshod Baxtiyorovich Baxtiyorov Ampuntant futbolchilarni jismoniy tarbiya vositalari va uslubiyati // Scientific progress. 2022. №2. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/ampuntant-futbolchilarni-jismoniy-tarbiya-vositalari-va-uslubiyati (дата обращения: 15.11.2022).

2. Sherali Hoshimovich G'Ofurov, Dilshod Baxtiyor O'G'Li Baxtiyorov, Umid Abdugaforovich Saidov Maktabgacha yoshdagi bolalarni yengil atletika mashqlari orqali mashg'ulotlarini tashkil etish // Scientific progress. 2022. №1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/maktabgacha-yoshdagi-bolalarni-yengil-atletika-mashqlari-orqali-mashg-ulotlarini-tashkil-etish (дата обращения: 15.11.2022)

3. M. X.Mirjamolov, R. F.Odilov, N. Y.Valiyeva, D. B.Baxtiyorov Ko'rish qobilyatida nuqsoni bo'lgan talabalarda harakat koordinatsiyasini rivojlantirish uslubiyati // Academic research in educational sciences. 2021. №12. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/ko-rish-qobilyatida-nuqsoni-bo-lgan-talabalarda-harakat-koordinatsiyasini-rivojlantirish-uslubiyati (дата обращения: 12.12.2022)

4. М. Х. Миржамолов, Р. Ф. Одилов, Н. Ю. Валиева, Д. Б. Бахтиёров Методика развития координации движений у студентов с нарушениями зрения // Scientific progress. 2022. №1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/metodika-razvitiya-koordinatsii-dvizheniy-u-studentov-s-narusheniyami-zreniya (дата обращения: 12.12.2022).

5. Kh M. M., Svetlichnaya N. K. Abdiev Sh. A., Davlatova LT, Sobirova LB Improving Pedagogical Mechanisms to Increase Special Physical Preparation of Students with Disabilities in Uzbekistan //Psychology and education. – 2021. – Т. 58. – №. 2. – С. 1379-1389

6. Lola Tilapovna Davlatova Jismoniy tarbiya va sportda sog'lomlashtirish texnologiyalarining dolzarbligi va ahamiyati // Scientific progress. 2021. №8. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/jismoniy-tarbiya-va-sportda-sog-lomlashtirish-texnologiyalarining-dolzarbligi-va-ahamiyati (дата обращения: 12.12.2022)

7. Л. Б. Собирова Кўриш қобилияти бузилган болаларни sport фаолияти шароитларига мослашиш хусусиятлари // Scientific progress. 2022. №6. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/k-rish-obiliyati-buzilgan-bolalarni-sport-faoliyati-sharoitlariga-moslashish-hususiyatlari (дата обращения: 12.12.2022).

8. Шерали Хошимович Ғофуров, Баҳодир Хошимович Ғофуров Ўзбекистонда 5х5 футбол спорт турини оммалаштириш орқали кўриш қобилиятида нуқсони бор шахслар ҳаракат фаоллигини ривожлантириш // Scientific progress. 2022. №6. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-5x5-futbol-sport-

turini-ommalashtirish-or-ali-k-rish-obiliyatida-nu-soni-bor-shahslar-arakat-faolligini-rivozhlantirish (дата обращения: 15.11.2022)
9. Sherali Xoshimovich G'ofurov, Baxodir Xoshimovich G'ofurov Nogironlar aravachasidan foydalanadigan umurtqa pog'onasi shikastlangan yoshlarning adaptiv jismoniy tarbiyasi // Scientific progress. 2022. №6. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/nogironlar-aravachasidan-foydalanadigan-umurtqa-pog-onasi-shikastlangan-yoshlarning-adaptiv-jismoniy-tarbiyasi (дата обращения: 15.11.2022).
10. Юнусов С.А. Роль и значимость психологической подготовки паралимпийцев пауэрлифтёров высокой квалификации // Fan-Sportga. 2020. №3. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/rol-i-znachimost-psihologicheskoy-podgotovki-paralimpiytsev-pauerliftyorov-vysokoy-kvalifikatsii (дата обращения: 12.12.2022).
11. Юнусов, С. А. "Физическое воспитание школьников в инклюзивном образовании" Scientific progress." Scientific Journal ISSN (2021): 2181-1601
12. Charos Alisher Qizi Berdiyeva Jismoniy imkoniyati cheklangan talaba qizlarda egiluvchanlik va uni rivojlantirish usuliyati // Scientific progress. 2022. №2. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/jismoniy-imkoniyati-cheklangan-talaba-qizlarda-egiluvchanlik-va-uni-rivojlantirish-usuliyati (дата обращения: 12.12.2022).
13. Ч. А. Бердиева Жисмоний имконияти чекланган талабалар организмининг функционал ҳолатини баҳолаш усули // Academic research in educational sciences. 2021. №Special Issue 1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/zhismoniy-imkoniyati-cheklangan-talabalar-organizmining-funktsional-olatini-ba-olash-usuli (дата обращения: 12.12.2022)
14. Абдиев Ш.А. Таянч-ҳаракат аппарати шикастланган юқори малакали енгил атлетикачиларни мусобақа юкламаларини режалаштириш // Fan-Sportga. 2020. №7. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/tayanch-arakat-apparati-shikastlangan-yu-ori-malakali-engil-atletikachilarni-musoba-a-yuklamalarini-rezhalashtirish (дата обращения: 11.11.2022).
15. Абдиев Ш.А. Таянч-ҳаракат аппарати шикастланган юқори малакали улоқтирувчиларни машғулот юкламаларини меъёрлаш // Fan-Sportga. 2021. №4. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/tayanch-arakat-apparati-shikastlangan-yu-ori-malakali-ulo-tiruvchilarni-mash-ulot-yuklamalarini-meyorlash (дата обращения: 11.11.2022)
16. Lola Tilopovna Davlatova Adaptiv sport o'yinlarini (voleybol) o'qitish metodikasida harakat uslublari va qoidalari // Scientific progress. 2022. №2. URL:

https://cyberleninka.ru/article/n/adaptiv-sport-o-yinlarini-voleybol-o-qitish-metodikasida-harakat-uslublari-va-qoidalari (дата обращения: 12.12.2022).
17. Миржамолов М.Х. Пара-спортчиларнинг кинематик ҳаракат имкониятлари таҳлили // Fan-Sportga. 2022. №2. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/para-sportchilarning-kinematik-arakat-imkoniyatlari-ta-lili (дата обращения: 12.12.2022)
18. Бобомуродов, Н. Ш. "Структуры физической подготовленности курашистов" Вестник" науки и образования научно-методической журнал № 4 (82)." Часть 2.2020 (2020): 41-44
19.Бобомуродов, Н. Ш. "Features of development of physical qualities in the process of sports training of students." International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24.09 (2020): 4225-4229.
20. Светличная Н. Коррекционно-педагогическое воздействие на сенсомоторное развитие детей с нарушениями интеллектуального развития // Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 379-386.
21. Светличная Н.К. Развитие инклюзивного образования в области адаптивного физического воспитания детей // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. – 2022. – Т. 27. – № 3. – С. 705-713. – DOI 10.20310/1810-0201-2022-27-3-705-713. ISSN: 1810-0201 (Print). ISSN: 2782-5825 (Online).
22.«Олимпийский спорт и спорт для всех. – 2021. – С. 412-414.
Валиева Н. Ю., Одилов Р. Ф. Методы развития эффекта тонусных рефлексов при детском церебральном параличе с помощью фитбольной гимнастики //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 966-972.
23.Odilov R.F., Valiyeva N.Y.Q. Sensor tizimida nuqsoni bo’lgan bolalar mashg’ulotlarini kompleks nazorat qilish //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 8. – С. 670-674.
24. Миржамолов М. Х., Одилов Р. Ф., Зокиров Д. Р. Совершенствование специальной физической подготовки студентов с ограниченными возможностями здоровья //Актуальные проблемы физической культуры и спорта. – 2020. – С. 20-23.
25. Миржамолов М. Х. Эшитиш қобилияти ривожланмаган ўқувчиларда жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш услубияти //Scientific progress. – 2022. – Т. 3. – №. 6. – С. 214-221.

ТАРБИЯДА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Машҳура Каримовна Рашидова
Фалсафа фанлар номзоди, доцент, ТАҚИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бугунги кун ёшларининг онг-шуурини, тафаккурини тўғри шакллантириш, жисмонан ва руҳан соғлом тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарблиги, инсоний фазилатларни барча сифатлардан юқори қўйишлари таъкидлаб ўтилган.

Калит сўзлар: соғлом авлод, маънавий баркамол инсон, комил инсон, фалсафий, ахлоқий, маънавият, маърифат, ҳалоллик, поклик, мардлик .

КИРИШ

Мустақилликнинг тараққиёт йўли мамлакатимизда фан ривожи учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларидаги каби этикада ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, энг қадимий ривожланиш тарихига эга бўлган этика ўзида турли даврларнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, маънавий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, нафақат англаш, балки уларга муносабат билдиришни шакллантиради. Модомики шундай экан, бугунги кунда этикани янада ривожлантириш, ёш авлодни ахлоқий онг ва ҳиссиётлар, замонавий фан ютуқларига асосланган ахлоқий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ахлоққа зид бўлган ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Бугунги глобаллашган XXI асрда ёшларни ахлоқимизга зид бўлган иллатлардан ҳимоя қилиш долзарб вазифадир. Гўзал ахлоқ ва одоб билан белгиланган маънавий фазилатлар инсонлар ўртасидаги барча муносабатларга сингиб кетганидан кейингина чинакам ахлоқий аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ахлоқий қадриятлар барча даврларда инсоннинг маънавий камолоти, жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилган. Барча ижтимоий, иқтисодий,

сиёсий муаммоларни ҳал этиш имконияти инсон шахсини тарбиялаш орқали яратилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мезони, маънавий-маърифий соҳадаги янгиланишларнинг асосий йўналишлари, замонавий дунёқарашни шакллантираётган муҳим омиллар бевосита ахлоқнинг маънавият тизимида муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради.

Ахлоқ нормалари бир халқдан бошқа халқларга, авлоддан авлодга ўтиб, бойиб, такомиллашиб боради. Мукаммал ахлоқ ва комил инсон ҳақидаги тушунчалар ҳар бир даврнинг имкониятлари ва мезонлари асосида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ турли ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтганда, Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Ўйлайманки, бундай хулосани инсоният ўз онгли ҳаёти давомида доимо орзу қилиб, интилиб келган юксак маънавий идеалнинг фалсафий ифодаси, мантиқий натижаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.”

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Илм дунёсидаги, ҳар қандай илмнинг тарихисиз назарияси бўлмайди, деган ҳикмат, айниқса, этикака тааллуқли. Зеро, этика тарихи ахлоқий тафаккурнинг вужудга келиши ҳамда унинг тараққиёти қонунларини ўрганади, маънавий мероснинг улкан қисми бўлмиш ахлоқий таълимотлар, ҳикматлар, панд-ўгитларни замонавий жамият ҳаётига татбиқ этиш ва тарғиб қилиш йўлларини таҳлил этади.

Мақолада диёнат, шараф, ҳаё, виждон, Ватанни суймак сингари фазилатлар шарҳига алоҳида тўхталади, шунингдек республикамиз олимлари тадқиқотларидан фойдаланилган.

НАТИЖАЛАР

Инсоннинг ақлий ва ахлоқий камолотида оиланинг ўрни, ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи ва тарбияловчи вазифаларига алоҳида эътибор беришган. Аждодларимиз фақат оиладагина шаклланиши мумкин бўлган сифатлар – ҳалоллик, поклик, мардлик, меҳрибонлик, ростгўйлик каби бир қатор инсоний

фазилатларни барча сифатлардан юқори қўйишлари билан биргаликда инсоний муносабатларда намоён бўладиган юксак сифатлар, аввало, ота-онадан болага ўтиши ва уларнинг жамият тараққиётига ижобий таъсири каби қимматли фикрлар ва бу борадаги амалий кўрсатмаларни ўз фалсафий-ахлоқий, бадиий-илмий, шеърий ва насрий қарашларида ифодалаб берганлар.

Биз мустақилликка эришганимиздан кейин ўз давлатимизни қадимий давлатчилигимизнинг энг яхши анъаналари билан бирга замонавий демократик тамойиллар асосида қуришга киришдик. Бугунги кунда ёшларнинг онг-шуурини, тафаккурини тўғри шакллантириш, жисмонан ва руҳан соғлом тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Шу муносабат билан давлатимиз томонидан ҳам маънавий-ахлоқий, ҳам жисмоний тарбияга катта аҳамият бериб, юксак ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёёв томонидан илгари сурилган муҳим 5 ташаббус ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини, жисмоний ва руҳий имкониятларини аниқлаш ва уни мақсад сари самарали йўналтириш, ҳар бир ёш ўсмирга ҳаётий позициясини белгилаш шароитини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони замирида ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, иқтидорини тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимиой-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлаш, юртимиз келажаги, эртамиз эгалари бўлмиш ёшларга билдирилган катта ишонч ётади

Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар иймон эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.

МУҲОКАМА

Ахлоқий тарбия инсон учун, халқона қилиб айтганда, бешикдан то қабргача асқотади. Тарбия гўдакдаги ахлоқий моҳиятини юзага чиқариши учун, унда ахлоқий йўналмаларнинг, хулқ ва одатларнинг шаклланишига хизмат қилади, ахлоқий тақиқларининг моҳиятини бола онгига сингдиради. Катталарда эса ўз-ўзини

тарбиялаш хислатини пайдо қилади ва ривожлантиради, уларни онгли ахлоқий танлов билан иш кўришга ўргатади. Ахлоқнинг тарбиявий вазифасини амалга оширишда турли хил воситалар ва омиллар иштирок этади. Жумладан панд-ўгит, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари в.ҳ.

Инсонни қадриятларга йўналтириш ҳам ахлоқнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Чунки ахлоқий қадриятлар шахснинг камол топишида катта рол ўйнайди, инсонга эзгуликка қараб бориш ва ёвузликдан қочиш йўлини кўрсатади. Мазкур вазифа қадриятларга асосланган холда одамлар ахлоқий хатти-ҳаракатларини баҳолаш имконини ҳам беради; уларнинг умум қабул қилинган тамойиллар ва меъёрларга мос ёки мос эмаслигини белгилашда объективликни таъминлайди. Шунингдек, у энг яхши анъанавий ва замонавий қадриятлар ҳамда умумбашарий ва миллий фазилатлар уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш орзусига тарихимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” , Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, Кайковуснинг “Қобуснома” асари, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ”, Саъдийнинг “Гулистон”, Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул-қулуб”, Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий ” каби асарларида соғлом ва баркамол инсонни шакллантириш мазмуни, йўллари, шакллари ҳамда усуллари ёритилади. Шундай асарлардан бири Кайковуснинг “Қобуснома” асаридир. Минг йилга яқин даврлардан бери халқни айниқса ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда қўлланма бўлиб келаётган “Қобуснома” асари ҳозирги ўзгаришлар даврида инсонни маънавий комолотга етказишда муҳим ўрин касб этмоқда.

Буюк аждодларимизнинг илм-фанга, тарбияга оид қарашлари ҳозирги кунда миллатимиз учун жуда муҳим ва долзарбдир.

Республикамизда аввало жисмонан соғлом, ақлан етук, маънан бой, умуммиллий ва умумбашарий ғояларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ўз самарасини бериб келмоқда. Ёш авлодни ҳар қандай умуммиллий ва умумбашарий ғояларимизга ёт бўлган таъсирлар ва мафкуралардан асраш ва ҳимоя қилишда таълим билан бир қаторда тарбиянинг ўрни ҳам беқиёсдир. Чунки, таълим инсонда юксак комилликни шакллантирса, тарбия эса инсоний фазилатларни намоён этишга ёрдам беради.

Бу борада биринчи президентиз таъкидлаганидек, “...Таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб

этади. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”.

Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар иймон эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.

ХУЛОСА

Инсон борликдаги энг буюк зотдир. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти эса унинг ахлоқий тарбияси билан боғликдир. Зеро ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири.

Комилликнинг ҳар бир даврга хос ижтимоий мезонлари ҳам бўлган. Бунинг боиси шуки, одамзод ақлий, руҳий ва жисмоний иқтидори, истеъдоди, салоҳияти жиҳатидан бир – биридан фарқланади. Дарҳақиқат бир – биридан фарқланувчи инсонларни ахлоқий тарбия орқали комилликка етказиш мумкин. Азизиддин Насафий камолотнинг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган. Бунинг бири – ахлоқ бўлса, иккинчиси – ўз - ўзини таниш.

Шу тариқа, комил инсоннинг ўзига ҳос ахлоқ қоидаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу – армони деб қаралган.

Бугунги кунда одамларнинг хатти-ҳаракати, воқеликка ва ҳар қандай янгиликка муносабати, энг аввало юксак ахлоқ-одоб, шарқона вазминлик, энг қийин ва мураккаб шароитларда ҳам турли шахсий манфаатларни умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини устун қўйиш, жамоа бўлиб яшаш каби инсоний фазилатларга қаратилган.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сонида эълон қилинган.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. 2-нашр –Т.:Маънавият, 2016.
3. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010.
4. Кайковус “Қобуснома”. – Т., “Ўқитувчи” НМИУ.2011
5. https://lex.uz/ru/docs/4381463
6. www. Ziyo net.uz
7. www.faylasuf.uz

ORGANIK KIMYO FANINI O'QITISHDA MIS VA KUMUSH BIRIKMASINI KIMYOVIY REAKSIYALARINI KLASTER USULIDA OLIB BORISH

Habiba Toshboboyevna To`rayeva
Chirchiq davlat pedagogika unversitet katta o`qituvchisi
turayevaxabiba2020@gmail.com

Imomjon Ikrom o`g`li Sharipov
Chirchiq davlat pedagogika unversitet o`qituvchisi
sharibovimomjon@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada organik kimyo fanini klaster tizim yordamida mis va kumush birikmalarini o`zaro ta`sirini talabalarga samarali usul yordamida o'rgatishdan iboratdir.

Kalit so'zlar: klaster, asetilen, Mis glitserat, chumoli aldegid, kumush nitrat, mis (II)-gidroksid, aminokislota, glyukoza

KIRISH

Klaster (g'uncha, bog'lam) metodi pedagogik, didaktik strategiyaning muayyan shakli bo'lib, u o'quvchilarga ixtiyoriy muammo (mavzu)lar xususida erkin, ochiq o'ylash va shaxsiy fikrlarni bemalol bayon etish uchun sharoit yaratishga yordam beradi. Mazkur metod turli xil g'oyalar o'rtasidagi aloqalar to'g'risida fikrlash imkoniyatini beruvchi tuzilmani aniqlashni talab etadi. "Klaster" metodi aniq ob`ektga yo'naltirilmagan fikrlash shakli sanaladi. Undan foydalanish inson miya faoliyatining ishlash tamoyili bilan bog'liq ravishda amalga oshadi. Ushbu metod muayyan mavzuning o'quvchilar tomonidan chuqur hamda puxta o'zlashtirilguniga qadar fikrlash faoliyatining bir maromda bo'lishini ta`minlashga xizmat qiladi. Organik kimyo fani laboratoriya ishlarida kumush va mis birikmalarini o`zaro ta`sirini klaster usuli yordamida olib boramiz.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

1.Asetilen metallar bilan o'rin almashinib, asetilenidlar hosil qiladi. Ular tuz holidagi moddalar bo'lib, rangli va portlovchi moddalardir.

$$CH \equiv CH + Ag_2O \rightarrow \underset{\text{ок чукма}}{Ag - C \equiv C - Ag} + H_2O$$

$$CH \equiv CH + 2CuCl \rightarrow \underset{\text{кизил чукма}}{Cu - C \equiv C - Cu} + 2HCl$$

2. Mis glitseratning olinishi.

Probirkaga 5 % li mis sulfat eritmasidan 1 ml va 1 n o'yuvchi natriy eritmasidan 1 ml solib aralashtiring, bunda mis(II)-gidroksid cho'kmasi hosil bo'ladi. Aralashma ustiga 1 ml glitserin qo'shib chayqating. Cho'kma erib, to'q-ko'k rangdagi mis glitserat hosil bo'ladi.

$$CuSO_4 + 2NaOH \rightarrow Cu(OH)_2 + Na_2SO_4$$



3. Chumoli aldegidning hosil bo'lishi.

Pipetka bilan quruq probirkaga 1 ml metil spirt soling. Uchi spiralsimon mis simni gaz alangasida qip-qizil chog' holiga kelguncha qattiq qizdiring va yuzasi qoramtir oksid bilan qoplanguncha kuting. So'ngra u sovib qolmasdan, tezda spirtli probirkaga tushiring. Mis oksid qoramtir rangining o'zgarishi, ya`ni qaytarilishi kuzatiladi va chumoli aldegidning o'tkir hidi keladi (ehtiyot bo'lib hidlang). Probirkaga bir necha tomchi fuksinsulfat kislota eritmasidan tomizing. Aralashmada formaldegid bo'lsa, u qizgish binafsha rangga bo'yaladi.



4. Kumush oksid ta`sirida oksidlanishi – «Kumush ko'zgu» reaksiyasi.

Toza va quruq reaksion probirkaga pipetka bilan 1 ml 1% li kumush nitrat eritmasidan quying, uning ustiga avval hosil bo'lgan oq cho'kma erib ketguncha, oz-ozdan ammoniy gidroksid eritmasidan qo'shing. Shu eritmaga 5-6 tomchi sirka aldegid tomizing. Aralashmani ohista qizdiring. Probirka tubida kumush jilo (kumush kuzgu) hosil bo'ladi.

$$AgNO_3 + NH_4OH \rightarrow AgOH\downarrow + NH_4NO_3$$
$$AgOH + 2NH_4OH \rightarrow [Ag(NH_3)_2]OH + 2H_2O$$
$$2[Ag(NH_3)_2]OH \xrightarrow{t^o} Ag_2O + 4NH_3\uparrow + H_2O$$



Kumush nitratning gidroksidga aylanishi, mo'l ammiak bilan kompleks hosil qilishi va qizdirilgan kumush oksid hosil bo'lishi, kumush oksidning esa aldegid bilan qaytarilishi reaksiyalari tenglamasi «kumush ko'zgu» hosil bo'lishidan dalolat beradi.

5. Aldegid guruhiga sifat reaksiyalar. Ikkinchi probirkaga NaOH ning 10%li eritmasidan 1 ml soling va unga zangori rangli

cho‘kma hosil bo‘lguncha mis kuporosining 5%li eritmasidan tomchilab qo‘shing. Aralashmani ehtiyotlik bilan qizdiring. Cho‘kmaning dastlab sariq, keyin qizil rangga o‘tishiga e’tibor bering:

$$CuSO_4 + 2NaOH \rightarrow \downarrow Cu(OH)_2 + Na_2SO_4$$

zangori



$$2CuOH \rightarrow \downarrow Cu_2O + H_2O$$

qizil

6. Aminokislotalarni kumush nitrat va mis (II)-gidroksid bilan reaksiyasi. Aminokislotalar kumush nitrat bilan reaksiyaga kirishib, qiyin eriydigan kumushli tuzlarini hosil qiladi.

Probirkaga glikokolning 5%li eritmasidan 1-2 ml quying va unga kumush nitratning 1%li eritmasidan tomchilab qo‘shing. Bunda kumushli glikokol tuzining cho‘kmasi hosil bo‘ladi:

$$H_2N–CH_2–COOH + AgNO_3 \rightarrow H_2N–CH_2–COOAg + HNO_3$$

2) Aminokislotalar mis tuzlari bilan reaksiyaga kirishib, suvda eriydigan ko‘k rangli juda barqaror ichki kompleks tuzlar hosil qiladi:



Bu ichki kompleks tuzda azot atomlari o‘zining erkin elektron juftlari hisobiga mis atomi bilan koordinatsion bog‘ orqali bog‘lanadi. Shuning uchun ham kompleksdagi metilen guruhlarining vodorod atomlari harakatchan bo‘lib qoladi.

Probirkaga glikokolning 5%li eritmasidan 2 ml quying va unga mis sulfatning 5%li eritmasidan tomchilatib qo‘shing. Misning eruvchan kompleks tuzi hosil bo‘lganligidan suyuqlik ochiq ko‘k rangga bo‘yaladi.

Eritmadan tuzni cho‘ktirish uchun unga 4 ml 96%li etil spirt qo‘shing. Ba’zan cho‘kma bir necha soatdan so‘ng hosil bo‘ladi.

7. Glyukozaning kumush oksidning ammiakdagi eritmasi ta’sirida oksidlanishi (kumush-ko‘zgu reaksiyasi). Dastlab, qaynoq ishqor eritmasi bilan, so‘ngra suv bilan yaxshilab yuvilgan probirkaga kumush oksidning 0,2 n. eritmasidan 1 ml va o‘yuvchi natriyning 2 n. eritmasidan 2 ml soling. Hosil bo‘lgan kumush gidroksid cho‘kmasi erib ketguncha ammiakning 2 n. eritmasidan tomchilatib qo‘shing. Probirkadagi aralashmaga glyukozaning 70-80°Cgacha isitilgan suv hammomiga bir necha daqiqa botirib

qo‘ying. Agar probirka toza bo‘lsa reaksiyada ajralgan kumush uning devorlarida yaltiroq ko‘zgu qavatini hosil qiladi. Aks holda qora cho‘kma hosil bo‘ladi:

$$Ag_2O + 4NH_3 + H_2O \rightarrow 2[Ag(NH_3)_2]^+OH^-$$



8. Glyukozaning mis(II)-gidroksid ta’sirida oksidlanishi. Glyukoza ishqoriy muhitda mis(II)-gidroksid ta’sirida ham glyukon kislotagacha oksidlanadi.

Probirkaga glyukozaning 3%li eritmasidan 2 ml quyib, ustiga uyuvchi natriyning 10%li eritmasidan 1 ml qo‘shing. So‘ngra probirkadagi aralashmani chayqatib turgan holda unga mis sulfatning 5%li eritmasidan mis(II)-gidroksidning ko‘k rangli cho‘kmasi hosil bo‘lgunicha tomchilatib qo‘shing. Probirkani qiya holda ushlab turing va aralashmaning yuqori qismini ochiq alangada ehtiyotlik bilan qizdiring. Bunda, avval sariq rangli mis (I)-gidroksid hosil bo‘ladi. Qizdirish davom ettirilsa, u qizil rangli mis (I)-oksidga aylanadi:

$$2NaOH + CuSO_4 \rightarrow \underset{\text{ko‘k cho‘kma}}{\downarrow Cu(OH)_2} + Na_2SO_4$$



$$2\ CuOH \xrightarrow{\Delta} \underset{\text{qizil cho‘kma}}{\downarrow Cu_2O} + H_2O$$

Glyukozaning ishqoriy muhitda oksidlanishi murakkab jarayondir. Bunda glyukoza molekulasi parchalanib formaldegid, atsetaldegid va chumoli kislota kabi birikmalar ham hosil bo‘ladi.

XULOSA

Yangi pedagogik texnologiyaning afzalligi zamon sinovidan o‘tib, interfaol darsning sifat va samaradorligini oshirishda muhim omil ekanligi o‘z isbotini topmoqda. Bu borada tajribaga ega tadqiqotchilar pedagogik texnologiya darsining muvaffaqiyatlarini kafalotlovchi omil ekanligini ta`kidlab, pedagogik jarayonlarni ilmiy lohihalashtirish,

uni amalga oshirish, loyihalashtirilgan ta’lim tarbiya jarayonini amaliyotga aniq va ketma-ket tatbiq qilish xususida o‘z fikr-mulohazalarini ommaning diqqat-e’tiboriga havola etmoqda.



REFERENCES

1. Abdullaeva N. Kimyo fanini o‘qitishda ilg‘or pedagogik texnologiyalardan foydalanishni turli shakl va usullari. - Urganch, 2011.
2. Abdullaev Sh.V., Muxitdinova D.X. «Kimyo o‘qitish metodikasi»dan uslubiy qo‘llanma. Namangan, 2003.
3. Алимова Ф.А. Современные технологии при обучении химии. Учебник. – Ташкент: Иқтисодиёт дунёси, 2020 г. – с. 307.
4. Тураева Х.Т. ПРОВЕДЕНИЕ ЗАДАНИЯ РЕАКЦИИ ПОЛИКОНДЕНСАЦИИ КЛАСТЕРНЫМ МЕТОДОМ. Редакция журнала ««Universum: психология и образование»» сообщает ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ ОБЩАЯ ПЕДАГОГИКА, ИСТОРИЯ ПЕДАГОГИКИ И ОБРАЗОВАНИЯ № 7 (97) июль, 2022 г.
5. S.Y.Khushvaktov S.X. Mullaboyeva. D.A. Shayzakova. D.S. Murodullayeva. Explain the topic of hybridization to schoolchildren in a systematic way. Journal Academicia Globe: Inderscience Research: 2022. № Vol. 3 No. 04 (2022): https://doi.org/10.17605/OSF.IO/EA3Y6
6. Shirinova Dilshoda Ortiq qizi. Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» Выпуск № 25 (том 2) (апрел 2022) стр 666-668 betlar. Kimyo fanidan suv mavzusini o`qitishda barqaror taraqqiyot ta’limi tushunchalarining tatbiqi

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ КАК ОДНО ИЗ СРЕДСТВ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА В ВУЗе

Сайёра Эгамовна Атаджанова
Старший преподаватель, ТАСИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается возможность разработки и применения различных методов обучения для подготовки студентов технических вузов к инновационной инженерной деятельности. Доказывается перспективность применения активных и интерактивных методов в формировании условий для развития активности учебной деятельности студентов.

Ключевые слова: пассивные методы обучения, активные и интерактивные методы обучения, процесс обучения, мотивация учебной деятельности.

ВВЕДЕНИЕ

Современное развитие экономики обусловливает потребность общества и предприятий не только в высококвалифицированных специалистах, компетентных в профессии, но и компетентных в инновационной деятельности, обладающих качественными знаниями, способных самостоятельно решать не только профессионально-производственные, но и научные проблемы, готовых к творческой инновационной деятельности, к непрерывному личностному и профессиональному развитию. Сегодня эта очень актуальная тема порождает изменения в требованиях к подготовке выпускников вузов, а значит изменения стратегии и тактики обучения [1-2].

Обучение – это целенаправленное общение субъектов системы обучения (педагогов, студентов, инфраструктуры), реализуемое в соответствии с разработанным проектом, в ходе которого осуществляется изучение и осуществление опыта, выработанного человечеством, и наработка собственного опыта деятельности. Процесс обучения направлен на формирование профессиональной компетентности через осознание и использование мотивации к учебной деятельности, использование природных и наработку приобретаемых специфических способностей, и освоение компетенций, основанных на знаниях, умениях, навыках.

АНАЛИЗ ЛИТЕРАТУРЫ И МЕТОДОЛОГИЯ

Главными характеристиками выпускника являются его компетентность в профессии, в инновационной деятельности [4-5]. Поэтому акценты в современном процессе обучения переносятся с преимущественно информативного общения двух субъектов системы обучения «педагог – студент» на сам процесс познания и способы переноса знаний в деятельность. Эффективность этого процесса зависит от множества компонентов, входящих в систему, но центром внимания является студент и его познавательная активность. Формирование мотивации, активизация творческого мышления, умение добывать, анализировать и использовать информацию для решения проблем, генерирование идей и управление результатами интеллектуальной деятельности, быстрая адаптация к изменяющимся условиям – задачи современного обучения и решить их можно лишь путем творческого подхода к организации учебного процесса, сочетанию традиционных и новых методов обучения, что выступает гарантом результативности педагогического процесса. В зависимости от выделенной цели и сформулированных задач по изучаемой теме подбираются методы обучения. Педагогическая технология как совокупность средств и методов для воспроизведения процесса обучения и воспитания проектируется на основании новых идей, моделируется в зависимости от выделенной цели и сформулированных задач обучения и реализуется преподавателем с учетом временного фактора – количества часов, выделенных для изучения дисциплины, используемых условий и средств обучения, изучаемой тематики, значимости учебного материала для дальнейшей профессиональной или текущей учебной деятельности студента. При этом новыми педагогическими идеями чаще всего становятся методы обучения.

РЕЗУЛЬТАТЫ

Применяемые современными преподавателями методы обучения можно классифицировать по трем видам: пассивные, активные и интерактивные – каждый со своими характеристиками, условиями и ситуациями для применения.

Пассивные методы – традиционный повествовательный способ донесения преподавателем необходимой для формирования знаний по определенной тематике информации. В этом взаимодействии преподавателя со студентами доминирует преподаватель и используя свои способности лектора доносит содержание лекции до

слушателей, использующих свои репродуктивные способности слушать, воспринимать, конспектировать, воспроизводить, т. е. пассивно. Опросы, самостоятельные и контрольные работы, закрытые тесты служат, как правило, средствами диагностики при использовании таких методов. При существовании в современном мире огромного количества информации видится невозможным донести преподавателями и изучить студентами ее всю. И с этой точки зрения 3 подобные методы малоэффективны. Но если занятия посвящены ознакомлению, например, с необходимыми для понимания последующего материала, терминами и определениями, их применение оправдано и сегодня. Кроме того, они привлекательны с точки зрения возможности донесения до студентов сразу большого количества учебного материала.

Активные и интерактивные методы обучения в отличие от предыдущей группы методов, предполагающих плавное подробное изложение материала преподавателем, предполагают активное участие студентов в процессе обретения ими знаний, умений навыков, основанных на информации, найденной самими студентами с подачи преподавателя, т. е. сознательное их усвоение. Толковый словарь русского языка С. И. Ожегова, Н. Ю. Шведовой дает значение слова активный как деятельный, энергичный [6]. Поэтому активность обучаемых – это их интенсивная учебная деятельность, а педагогов – интенсивная педагогическая деятельность. Оба субъекта обучения – и педагог, и сам студент заинтересованы в развитии познавательной активности студента (самостоятельное творческое мышление, желание получить знания и проведение, в связи с этим активного информационного поиска, нахождение собственных подходов к решению проблем, критичность к своим и чужим решениям и т.п.) как инструмента учебной деятельности. Интерактивный («inter» – это взаимный, «act» – действовать) – означает взаимодействовать, находиться в режиме беседы, диалога с кем-либо.

Интерактивный подход – это определенный тип деятельности учащихся, связанный с изучением учебного материала в ходе интерактивного урока. Костяком интерактивных подходов являются интерактивные упражнения и задания, которые выполняются учащимися. Интерактивные методы ориентированы на активизацию учебно-познавательной деятельности студентов посредством диалогового взаимодействия с преподавателем, между собой, с компьютером. Любой участник процесса обучения имеет возможность вмешиваться в ход решения проблемы, задачи и получать необходимые ему пояснения и помощь, обучение и практику.

В режиме диалога процессом решения задачи может управлять не только преподаватель.

Использование подобных методов предполагает обратную связь, двунаправленность действия: вопрос – запрос – ответ. Использование таких методов обучения позволяет обучающимся раскрыть в себе потенциальные способности и наработать недостающие специфические способности и, как следствие, умения и навыки. В процессе диалога они учатся слушать и слышать, анализировать высказывания других, формировать и формулировать свое мнение, принимать решения и анализировать их, развивать коммуникативные способности, открывать, понимать и использовать природные способности (творца, критика, исполнителя). Преподаватель, студенты, компьютерные технологии выступают равноправными участниками диалогового процесса обучения. Разумеется, этому естественному диалогу предшествует большая работа преподавателя по выбору проблемных тем содержания обучения, разработка плана проведения занятия, заданий, выбор способов диагностики результатов и т. п. Одновременно он должен быть готов к некоторой спонтанности хода рассуждений, зависящей от потенциальных способностей обучающихся и степени сформированности мотивации к обучению. Тем не менее, именно эти методы позволяют создать условия для проявления студентами своих способностей, формирования мотивации к творческо-исследовательской учебной деятельности, получения информации для трансформирования ее в знания, умения, навыки, необходимые для наработки компетенций, необходимых для решения профессиональных, социальных и других проблем. Использование активных и интерактивных методов обучения с одной стороны «осложняет жизнь» преподавателю, так как, во-первых, он сам должен активизироваться, затрачивая дополнительные силы и время на подготовку занятий, активно их проводить, формулируя актуальные проблемы, соответствующие изучаемой теме, задавая направление их анализа и разрешения, используя способы активизации творческого мышления, формируя при этом познавательную мотивацию у студентов. Студенты со своей стороны принимают участие в формировании этой мотивации в процессе нахождения необходимой информации, позволяющей разрешить поставленную преподавателем проблему, ощущая потребность, испытывая интерес, понимая мотив учебной деятельности.

С учетом всех обозначенных факторов применяются различные технологии активного обучения – развивающая, проблемная, исследовательская, поисковая и другие,

предполагающие использование активных и интерактивных методов, ориентированных на формирование и проявление обучающимися внутренних средств к учебной деятельности (способности, потребность, интерес, мотив), а сами методы и технологии, создавая благоприятную среду для обучения, выступают в качестве внешнего средства (стимула).

ОБСУЖДЕНИЕ

Рассмотрим некоторые методы обучения. Проблемное обучение, когда новое знание обретается студентом через попытку разрешения им проблемного вопроса, задачи или ситуации. При этом процесс познания студентов в сотрудничестве и диалоге с преподавателем приближается к исследовательской деятельности. Содержание проблемы раскрывается путем организации поиска ее решения или суммирования и анализа традиционных и современных точек зрения.

Задача преподавателя в начале и по ходу изложения учебного материала создавать и формулировать проблемные ситуации, привлекать обучающихся к их анализу и разрешению. При этом они самостоятельно могут прийти к тем выводам, которые должен был сообщить преподаватель, при условии достаточности предыдущих знаний. Преподаватель должен 5 направлять обучающихся к поиску правильного решения проблемы, предлагая, например, определенные источники необходимой информации.

Проблемная лекция стимулирует процесс познания студентов, придавая ему поисковый характер, что формирует творческие способности.

В основе метода проектов лежит развитие познавательных, творческих навыков обучающихся и критического мышления, умения самостоятельно конструировать свои знания, ориентироваться в информационном пространстве. Говоря о методе проектов, следует иметь в виду способ достижения дидактической цели через детальную разработку проблемы, которая должна завершиться вполне реальным, осязаемым практическим результатом, оформленным тем или иным образом. Метод проектов основан на идее взаимодействия и сотрудничества, учащихся в ходе учебного процесса, он создает условия для развития у них различных необходимых качеств и как автономной, и как социально-активной личности, способной взаимодействовать в учебной группе и принимать на себя ответственность как личную, так и за учебную группу. Это создает условия для социализации личности, развивает её профессиональную и деловую активность. Именно такие качества необходимы студентам,

чтобы стать квалифицированными специалистами. Те социальные роли, которые принимают и выполняют студенты в ходе работы над проектами (организатора, лидера, исполнителя и др.), приучают и готовят их к выполнению и решению сложных проблемных профессиональных задач в ситуациях реального взаимодействия.

Метод моделирования конкретных ситуаций позволяет обсуждать профессиональные, социальные, инновационные, правовые и другие проблемы. Он активно действует на формирование мотивации к конкретной деятельности, в том числе мотивации к поисковой деятельности, в процессе которой находится нужная информация, позволяющая разрешить проблемную ситуацию. В процессе моделирования выделяется проблема, ее участники, связи между ними, цель, которой надо достигнуть, решая проблему, моделируется и решается задача путем использования имеющихся и трансформированных из вновь найденной информации знаний. Анализ полученных решений, выбор лучшего в процессе общего обсуждения, грамотное его изложение, описание и применение для решения аналогичных ситуаций формируют профессиональные умения.

Ролевые игры – один из активных методов обучения, являющийся творческим, а значит продуктивным. Применение метода стимулирует познавательные интересы, поисковую активность, формирует мотивацию к учебной деятельности и к мотивации профессиональной и инновационной. Игра как один из видов человеческой деятельности снимает психологическую инерцию у студентов, настраивает на позитивный характер взаимодействия.

Работая над игровыми заданиями, студенты имеют возможность понять свою роль в деловой игре, оценив свои способности (творческие, исполнительские, критические). Также этот метод позволяет проверить степень умения переноса знаний в деятельность. Создание в процессе игры среды, приближенной к реальным условиям профессиональной деятельности, позволяет научиться самостоятельно выделять проблемы, анализировать их, формулировать задачи, находить возможные для применения методы их решения, правильно управлять результатами интеллектуальной деятельности.

Метод dilemmadecision (решение дилеммы) предполагает активные действия студентов по анализу и разрешению ситуации неопределенности, сложившейся в фирме, сотрудниками которой они якобы являются. Перенося знания из естественных, общетехнических, специальных наук и применяя методы активизации творческого мышления (системный анализ, мозговой штурм и др.) студенты, каждый

с позиции занимаемой должности, предлагают решение проблемной ситуации. Затем им предлагается ознакомиться с реально существующим решением и сравнить тот и другой. Метод способствует повышению мотивации к обучению, поскольку позволяет погрузиться в реальные профессиональные проблемные ситуации, осознать себя соучастником их разрешения.

«Круглый стол» можно считать интерактивным методом обучения, позволяющим активизировать познавательную деятельность обучающихся, использовать полученные ранее знания и восполнить недостающую информацию для формирования необходимых в рассматриваемой ситуации знаний, формировать компетенции, направленные на выделение, анализ и решение проблем, научиться культуре ведения дискуссии. Беседа за «круглым столом» является сочетанием тематической дискуссии с групповой консультацией и взаимообучением.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Наряду с активным обменом знаниями у обучающихся формируются коммуникативные способности, включающие способность взаимодействовать с другими участниками, излагать свои мысли, аргументировать и обосновывать предлагаемые решения. Одно из условий организации «круглого стола» — это предоставление возможности участникам видеть друг друга, реагировать на мимику, жесты, эмоции. Это добавляет красок в процесс общения, создает творческий настрой и возможность активного включения в обсуждение проблемы каждого участника.

Программированное обучение внесло серьезный вклад в разработку подходов к индивидуализации обучения на основе специально построенных учебных курсов индивидуального пользования, получивших новый толчок в связи с развитием компьютерных технологий и дистанционного обучения. Сюда можно отнести такие методы как «мозговой штурм», «метод контрольных вопросов», «метод я – ты – мы», «изучение через обучение», «метод пазла» и другие, активизирующие учебную деятельность студентов.

«Пассивные» методы обучения способствуют развитию преимущественно репродуктивных способностей. Активные и интерактивные в большей мере способствуют развивать мышление обучающихся, поисковые и исследовательские способности, вовлекать их в решение проблем, максимально приближенных к реальным производственным ситуациям, расширяют и углубляют профессиональные знания, практические навыки и умения на основе использования

знаний, формируют мотивацию к инновационной деятельности. Проявляя и развивая свои способности и личностные качества, понимая значимость самообучения и самовоспитания, студенты становятся активными участниками процесса образования, способными к самооценке и самоорганизации.

Однозначно можно утверждать, что инновационная деятельность преподавателей по поиску, разработке и реализации новых методов и средств обучения, активизирующих творческое мышление студентов, является современной и перспективной тенденцией развития образования.

REFERENCES

1. Берденникова Н. Г., Меденцев В. И., Панов Н. И. Организационное и методическое обеспечение учебного процесса в вузе: учебное пособие. Серия: Новое в высшем профессиональном образовании. – СПб.: Д.А.Р.К., 2006. – 208 с.
2. Братцева Г. Г. Активные методы обучения и их влияние на смену педагогической парадигмы // Философия образования. Серия “Symposium”: сб. мат. конф. – Вып. 23. – СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2002. – С.336-340.
3. Вербицкий А. А. Активное обучение в высшей школе. Контекстный подход. – М.: Высшая школа, 1991. – 205 с.
4. Наумкин Н. И. Методическая система формирования у студентов технических вузов способностей к инновационной инженерной деятельности: монография / под ред. П. В. Сенина, Л. В. Масленниковой, Д. Я. Тамарчака; Моск. пед. гос. ун-т. – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2008. – 172 с.
5. Наумкин Н. И., Грошева Е. П., Фролова Н. Н. Подготовка студентов национальных исследовательских университетов к инновационной деятельности на основе компетентностного подхода // Интеграция образования. – 2010. – № 4 (61). – С. 28-33.
6. Ожегов С. И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.ozhegov.info/slovar.

PAXTACHILIK KLASTERI - QISHLOQ XO'JALIGIDA YANGI IMKONIYAT VA SAMARADORLIK OMILI

Farhod Bagibekovich Xalimbetov
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti assistent-o'qituvchi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada "Klaster" tushunchasi va mohiyati, texnologiyasi va ularning metodikasi, ishlab chiqarish jarayonida samaradorlik jihatlari, qishloq xo'jaligida yangi imkoniyat va samaradorlik omili ilmiy-tajribaviy jihatlari ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: klaster, texnologiya, metodika, ishlab chiqarish, samaradorlik, qishloq xo'jaligi, imkoniyat

KIRISH

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 23-oktabrdagi "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020 - 2030-yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5853-son Farmoni ijrosini ta'minlash, jumladan qishloq xo'jaligida erkin raqobatni ta'minlaydigan bozor tamoyillarini joriy etish, paxta yetishtirishda davlat buyurtmasini bekor qilish, ishlab chiqarish iqtisodiy samaradorligini va mahsulot ishlab chiqaruvchilar manfaatdorligini oshirish, investitsiyalarni keng jalb qilish hisobiga qo'shimcha ish o'rinlarini yaratish maqsadida:

Prezident Shavkat Mirziyoyev: "Klaster elga manfaat keltiradi, odamlarni ish bilan, daromad bilan ta'minlaydi. Eng katta maqsadimiz mana shu" dedilar.

Umuman, klaster paxta xom ashyosi yetishtirish, uni qayta ishlab, tayyor mahsulotlargacha bo'lgan 8 ta loyihani o'z ichiga oladi. Kalava ip va mato ishlab chiqarish, ularni bo'yash, tayyor kiyim tikish fabrikalari qurilishi davom etmoqda. Shuningdek, yog'-moy zavodi tashkil etish rejalashtirilgan. Yana bir jihati: shuncha paxta tola sifatida sotilgandan qayta ishlab, tayyor mahsulot sifatida sotilganda qariyb 5 barobar ko'p qo'shimcha qiymat yaratilgan bo'lardi. Mana, klasterlar qanday bo'lishi kerak. Tadbirkorda manfaatdorlik hissi, yangicha dunyoqarash bo'lsa, albatta natija qiladi. Iqtisodiyot ishlasa, ijtimoiy sohalarni ham "tortadi". Klaster elga manfaat keltiradi, odamlarni ish bilan, daromad bilan ta'minlaydi. Eng katta maqsadimiz mana shu, — dedi Shavkat Mirziyoyev.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va sanoat vazirligi, Moliya vazirligi, Qishloq xo‘jaligi vazirligi, “O‘zpaxtasanoat” AJ, O‘zbekiston fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalari kengashining 2020-yil hosilidan boshlab paxta xomashyosini yetishtirishda davlat buyurtmasini bekor qilish to‘g‘risidagi taklifiga rozilik berildi. Paxtachilikda bozor tamoyillari joriy etilishi munosabati bilan paxta yetishtiruvchi fermer xo‘jaliklari va qayta ishlovchi korxonalarning o‘zaro munosabatlarini tartibga solish bo‘yicha amalga oshiriladigan chora-tadbirlar dasturi tasdiqlandi. Paxta xomashyosining xarid narxini belgilash amaliyotidan voz kechildi. Paxta xomashyosini yetishtiruvchilar (fermer xo‘jaliklari, paxta-to‘qimachilik klasterlari, kooperatsiyalar)ga rayonlashtirilgan g‘o‘za navlarini erkin joylashtirish huquqi berildi. Paxta xomashyosi yetishtiruvchilarni sifatli urug‘lik bilan ta’minlash maqsadida sertfikatlangan urug‘lik yetkazib berish tizimi saqlab qolindi hamda bosqichma-bosqich Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzuridagi “Urug‘chilikni rivojlantirish markazi” tarkibidagi urug‘chilik klasterlari hamda paxta-to‘qimachilik klasterlari zimmasiga yuklatildi.

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovichning shunday so’zlari bor: Paxta xom ashyosi kim uchun kerak davlat uchunmi yoki tekstil fabrikalari uchun, albatta uni xom-ashyo materiallari sifatida ishlatadigan fabrikalar uchun, yana shuni qo’shimcha qilish lozimki unga bog’langan trikotaj va tayyor mahsulot ishlab chiqaruvchi korxonalar uchun juda zarurdir. Shuning uchun paxta kimlarga kerak bo’lsa o’shalar paxtachilik bilan shug’ullansin. Mana bu yil mamlakat majburiy mehnatga jalb qilishdan holi hududga aylangandan keyin Xalqaro Tashkilotlar tomonidan paxtamizga qo’yilgan boykot olib tashlangangandan keyin paxtamizga jahon bozorida talab sezilarni darajada oshdi. Bundan eng asosiysi paxta yetishtiruvchi fermer xo’jaligi rahbarining quvonchlari cheksiz edi. *(PF-14-son, 16.11.2021 y.)*

Klaster tushunchasi amerikalik olim M. Porter tomonidan "Mamlakatlarning raqobat ustunliklari" (1990) nomli fundamental asarida ilmiy atama sifatida kiritilgan. Bu tushuncha Amerika va Yevropa koorporatsiyalarining muvaffaqiyatli faoliyati haqidagi ma’lumotlarni tizimli o‘rganish asosida vujudga keldi. [C. 51]

Klaster-muayyan faoliyat sohasidagi geografik jihatdan o‘zaro yaqin bog‘langan kompaniyalar va tegishli muassasalar guruhi bo‘lib, umumiylik va o‘zaro bir-birini to‘ldiruvchanlik bilan xarakterlanadi. Klaster odatda mavjud mehnat hududlarida, aloqa, va logistikada shakllanadi. Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, klasterdagi ishlab chiqarish hajmlarining o‘sish sur’ati sanoat o‘rtacha ko‘rsatkichidan ancha yuqori. Shu sababli

klasterlarni umuman iqtisodiyotning o‘sish nuqtalari deb hisoblash maqsadga muvofiqdir. Mamlakatda klasterlarning mavjudligi xalq xo‘jaligi samaradorligiga ta’sir etuvchi muhim omil hisoblanadi. Muayyan mamlakatda klasterlar qanchalik rivojlangan bo‘lsa, uning iqtisodiyotining raqobatbardoshlik darajasi shunchalik yuqori bo‘ladi va natijada aholi turmush darajasi yuqori bo‘ladi.

Klaster – bitta sohaga birlashgan va bir-biri bilan uzviy aloqada bo‘lgan korxonalar guruhi ekan, demak **bu jarayonda huquqiy asos mustahkam bo‘lishi ayni muddao.** Vaholanki, har qanday islohot joriy etish, amalga oshirish, natijadorlik va oqibat jarayonlarini o‘zida mujassam etadi. Soddaroq qilib aytganda, islohotlar samarasi uni harakatlantiruvchi huquqiy formulaga asoslanadi. (V. M 04.12.2021 733-son qarori)

Qishloq xo‘jaligi klasterining yerni shudgorlashdan tortib, ekish, parvarishlash va xom ashyodan tayyor mahsulot ishlab chiqarishgacha bo‘lgan jarayondagi ko‘p bosqichli kompleks tizimga ega korxona ekanligidan xabaringiz bor. Chunki bu haqida ommaviy axborot vositalarida yetarlicha ma’lumot berildi. Natijaning qanday bo‘lganligi ko‘pchilikni qiziqtirishi tabiiy. Ma’lumotlarni tahlil qilarkanmiz, klasterlar agrar sohasining lokomotiviga aylanayotganini e’tirof etishimiz mumkin.

Qishloq xo'jaligida chuqur qayta ishlashni va sanoatni rivojlantirmasdan ko'zlangan maqsadga erishib bo'lmasligini bugun hayotning o'zi ko'rsatib turibdi. Bu yilgi mavsumda ham paxta-to'qimachilik klasterlari yaratilgan sharoitlardan omilkorlik bilan foydalanib, paxtadan mo'l hosil etishtirishdi. Xususan, klasterlar tizimi joriy etilgandan to bugungi kunga qadar, paxta hosildorligi o'tgan yillarga nisbatan oshib bormoqda.

Zamonaviy klasterlik faoliyati bu raqobatbardosh samarali iqtisodiyotning shakllantirilishi, zamonaviy iqtisodiy vositachisi, u yaratilgan mahsulotlarning iste’molchilarga yetib borishini, ishlab chiqarish hajmining o’sishini, sog’lom ishlab chiqarish munosabatlari hamda samaradorlikni ta’minlovchi tuzilmadir. Ushbu yutuqlarga erishishning bosh mezoni kaster faoliyatini jahon tajribalariga tayanib, mavjud hududiy hamda tashqi ilmiy salohiyatdan foydalanishdadir.

Qoraqalpog’iston Respublikasi To’rtko’l tumani

"Agro To'rtko'l tekstil cluster" MChJ

"Agro To'rtko'l tekstil cluster" MChJ ning fermer va ularga aloqador tashkilotlar bilan uchrashuvda

"Agro To'rtko'l tekstil cluster" MChJ bilan paxta yetishtiruvchi xo'jaliklar o'rtasida tuzilgan shartnomalar bajarilishining umumiy miqdoriy ko'rinishi

Tumanlar nomi	2021-yil holatiga				2022-yil holatiga			
	Shartnomaviy reja		Tayyorlangan paxta xom-ashyosi		Shartnomaviy reja		Tayyorlangan paxta xom-ashyosi	
	tonna	gektar	tonna	%	tonna	gektar	tonna	%
To'rtko'l	28440	9330	28458	100.06	27610	8500	27684	100.27
Qonliko'l	10240	4320	10247	100.07	11225	4600	11249	100.21
Qo'ng'irot	9350	4090	9358	100.09	11005	4500	11020	100.14
Jami tayyorlangan paxta xom-ashyosi	48030	17740	48063	100.07	49840	17600	49953	100.23

Milliy iqtisodiyotimiz uchun yangi bo'lgan, sanoatning ilg'or turi klaster sxemasini yaratish va joriy etish asosida paxta

xomashyosini etishtirish masalasi bu dolzarb masala. Paxta sanoat klasteri hozirgi kunda faqat paxta xom-ashyosini qayta ishlash bilan emas, ular paxta xom-ashyosini yetishtiruvchi xo'jaliklarga dalalarni shudgorlashdan boshlab paxta hosilini tergungacha davr ichida qanday muammolarga duch kelayotgan bo'lsa, ushbu muammolarni yechimini birgalikda topishga yaqindan o'z yordamlarini ko'rsatyapti. Bu esa kelajakda ikki tomon ham o'z maqsadiga erishishiga, ya'ni paxta hosildorligining baland bo'lishiga sabab bo'ladi. Bu yuqoridagi jadvalda o'z aksini topgan, ya'ni jami tayyorlangan paxta xom-ashyosi 2021-yil reja bo'yicha 48030 tonna, tayyorlangan paxta xom-ashyosi 48063 tonnaga, yani 100.07 % ga bajarilgan. 2022-yil hozirgi kungacha 49840 tonna rejalashtirilgan, 49953 tonna paxta xom-ashyosi topshirilgan, ya'ni 100.23 % ga bajarilgan.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, endi biz bu ko'rsatkichlarni yanada oshirish yo'llarini qidirishimiz kerak, chunki mamlakat yalpi ichki mahsulotining o'sib borishi uchun juda muhim Qishloq xo'jalik mahsulotlarini yetishtirish tabiiy iqlim sharoitga juda bog'iq. Har qanday sharoitda ham agrar sohada mehnat unumdorligi va unga aloqador inson omili juda muhim sanaladi. Paxta yetishtirish bo'yicha orqada qolayotgan xo'jaliklar bor, ularning yerlari ham ko'p, imkoniyani kami yoki kuchi yetmayaptimi, buni har tomonlama o'rganib, ularning yerlaridan unumli foydalanish yo'llarini izlab topishimiz kerak bo'ladi. Masalan qishloqda paxta, g'alla yetishtirishni biladigan dehqonlar ko'p. Shu dehqonlarga, ya'ni paxta yetishtirish tajribasiga ega bo'lgan dehqonlarga imkoniyatiga qarab bir yilga shartnoma asosida tajriba-sinov tariqasida bo'lib berilsada, ular yetishtirgan paxta hosili bilan o'tgan davr hosili solishtirilsa. Bu masalada dehqon ham o'zini ish bilan band qilgan bo'lardi. Shuningdek oilasini ham ishga jalb qiladi. Biz bu yerda masalaning bir tomoni, ya'ni paxta hosilini oshirish emas, balki makroiqtisodiy ko'rsatkichlar: ish bilan bandlik, aholining daromadlilik darajasiga ijobiy ta'sir qilishini ham baholashimiz kerak. Vaholanki aholining doim ish biland band bo'lishi jamiyatning asosiy maqsadlaridan biri hisoblanadi. Bekorchilik turli illatlarning sababchisi bo'ladi.

Savol tug'ilishi mumkin dehqon bu ishni qilarmikan? degan. Albatta bu yil paxtaning narxi baland bo'lganligi sabab, dehqonlarda paxta yetishtirishga qiziqish uyg'onyapti. Eng avvalo mahalliy hokimlik, OFY raisi va xodimlari, fermerlar bilan "Paxta-to'qimachilik klasteri" ta'sischilari va rahbariyati birgalikda qishloq fuqarolari bilan uchrashib suhbatlashuvni tashkil qilish kerak.

Albatta bu uchrashuvlarda ko’p munozarali taklif va fikrlar bo’ladi. Mana shu fuqarolarning o’z mustaqil fikrlari va tashabbuslari kelgusi rejalar uchun juda muhimdir. “Tashabbus”- bu barqarorlik, g’ayrat, biror ishga qattiq bel bo’g’lashdir. Paxtaning xalqimiz turmushidagi o’rni juda ham katta, asosiy milliy boyligimiz, ko’pchilik sanoat tarmog’i ishlab chiqarishining muhim xom-ashyo bo’g’inidir. Paxta- bobodehqonning zaxmatli mehnatlari samarasi, milliy boyligimiz, faxrimiz ekanligini barcha butun vujudi bilan xis qilishi lozimdir.

REFERENCES

1. Paxta-to‘qimachilik klasterlari faoliyatini tartibga solish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi Prezident Farmoni *(PF-14-son, 16.11.2021 y.)*
2. Vazirlar Mahkamasi 04.12.2021 yildagi “Paxta-to’qimachilik klasterlari faoliyatini tashkil etish tartibi to’g’risidagi nizomni tasdiqlash haqida” gi 733-son qarori https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/pahta tuqimachilik_klasterlari_faoliyatini_tashkil_etish_tartibi_tasdiqlandi
3. **“**Paxta-to’qimachilik klasteri – iqtisodiy taraqqiyot lakomativi” kitobi Cotton-Textile Cluster - locomotive of the economic development: The cluster system is an important factor in the transition to market principles Paperback – March 4, 2021 de Gruyter, pp. 190-213.
4. F.X. Raximov, M. A. Raxmatov, B. Z. Zaripov, B. Sh. Usmanov Paxta to’qimachilik klasteri yoxud iqtisodiy yukshalish sari odimlar. T. To’qimachilik muammolari 2018 №4 120-125b
5. Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. С. 51.

YASMIQ O‘SIMLIGI NAMUNALARINING DUKKAKLAR SONI BELGISI BO‘YICHA QIYOSIY TAHLIL

Aygerim Azimbay qizi Asilbekova
Chirchiq davlat pedagogika universiteti magistranti

Hasan Aliqulovich Mo‘minov
Chirchiq davlat pedagogika universiteti dotsenti

Nargiza Amanboy qizi Yo‘ldasheva
Chirchiq davlat pedagogika universiteti talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada yasmiqning mayda urug’li xalqaro elita ko‘chatzori namunalarining qimmatli xo‘jalik belgilaridan biri bo‘lgan dukakklar soni belgisining qiyosiy tahlili keltirilgan. Olib borilgan izlanishlar natijasida yasmiqning mayda urug’li xalqaro elita ko`chatzori namunalarining dukkaklar sonining yuqori ko‘rsatkichlari L/S - 57040 namunasida aniqlandi. 1 - qaytariqda dukkaklar soni belgisi 135,6 dona ekanligi kuzatildi. 2 - qaytariqda esa 138,2 dona ekanligi aniqlandi. 3 - qaytariqda 136,0 donani tashkil qildi. Ushbu qaytariqlardagi yuqori ko’rsatkichga ega bo’lgan L/S - 57040 namunasini kelgusida genetika va seleksion izlanishlarda boshlang’ich manba sifatida foydalanish tavsiya etiladi.

Kalit so‘zlar: o‘simlik, kolleksiya, namuna, kombinatsiya, yasmiq, dukkak, belgi.

ABSTRACT

This article presents a comparative analysis of the number of pods, which is one of the valuable economic traits of small-seeded international elite nursery samples of lentils. As a result of the conducted research, high indicators of the number of pods of the samples of the international elite nursery of lentils with small seeds were determined in the L/S - 57040 sample. On the first return, the number of pods was observed to be 135,6. On the second return, it was found to be 138,2 units. On the third return, it was 136,0 units. The sample L/S - 57040, which has a high index in these returns, is recommended to be used as a starting source in future genetics and selection research.

Keyswords: plant, collection, sample, combination, lentil, bean, trait.

KIRISH

Yasmiq (chechevitsa) o‘simligini tarixiga nazar soladigan bo‘lsak vatani Janubiy-G‘arbiy Osiyo hisoblanib Kanada, Hindiston, Turkiya, Gretsiya, Misr, Rossiyani katta maydonlarida yetishtiriladi. Yasmiq *Lens culinaris* Medik dunyodagi eng keng tarqalgan dukkakli ekinlardan biri. FAO ma’lumotlariga ko‘ra, 2010-yilda uning ekinlari 4,2 million gektar maydonni egallagan, yalpi don hosili 4,6 million tonnani tashkil etgan. Yasmiqning asosiy ishlab chiqaruvchilari Kanadadir (1947 ming tonna), Hindiston (900 ming tonna) va Turkiya (447,4 ming tonna) [24].

Yasmiq tuproqni azot bilan boyitadi, Yasmiqdan keyin dala toza holatda qoladi. Yasmiq ekish uchun ham dala begona o‘tlardan toza bo‘lishi kerak. Kuzgi yasmiqni kuzgi boshoqli don ekinlaridan - kartoshka, makkajo‘xori, qand lavlagidan keyin ekish yaxshi samara beradi. Dukkakli o‘simliklar ekilgan maydonlarga ekish tavsiya qilinmaydi, chunki kasallik va zarakunandalar ko‘payadi. Kungaboqardan keyin va cho‘l hududlariga ekish ham yaxshi natija bermaydi.

Yasmiq o‘simligi oziq-ovqat maqsadida o‘stiriladi, urug‘ tarkibidagi oqsilning tez eruvchanligi, yuqori mazali sifati, engil xazm bo‘lishi bilan hamma dukkakli don ekinlaridan yuqori turadi. Donlari va unidan turli xil oshxona taomlari tayyorlashda foydalaniladi.

Dunyoning ko‘pgina mamlakatlarida mutaxassislar *Lens* turkumi germplazmasini keng miqyosda skrining qilish asosida qimmatli xo’jalik belgilarning manbalari va donorlarini izlashda faol izlanish olib bormoqda.

Hozirgi vaqtda 10800 ta namuna mavjud, shu jumladan 583 yovvoyi shaklni o’z ichiga olgan yasmiqning eng katta va eng vakil kollektsiyasi hosilni yaxshilash bo'yicha xalqaro mandatga ega bo’lgan quruq hududlarda qishloq xo’jaligi tadqiqotlari xalqaro markazi (ICARDA, Allepo, Suriya) tomonidan saqlanadi [11]. Ayni vaqta dukkakli ekinlar bo’yicha ko’plab maxalliy va xorijiy olimlar tomonidan tadqiqot ishlari olib borilmoqda [6, 7, 8, 10, 12, 15, 18, 19,].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Dukkakli don ekinlari insoniyatni oqsilli ozuqa bilan ta’minlash, don yetishtirishni ko‘paytirish, tuproq unumdorligini oshirish kabi muammolarni hal qilishga yordam beradi [17]. Yasmiq o‘simligi oziq-ovqat maqsadida o‘stiriladi, urug‘ tarkibidagi oqsilning tez eruvchanligi, yuqori mazali sifati, engil xazm bo‘lishi bilan hamma dukkakli don ekinlaridan yuqori turadi. Donlari va unidan turli xil oshxona taomlari tayyorlashda foydalaniladi. Yasmiqdan ozuqa ekin sifatida ham foydalaniladi. Ozuqa uchun

uning doni, somoni, chiqindilari - to‘poni ishlatiladi. Yasmiq boshqa dukkakli don ekinlari singari tuproqni azot bilan boyitadi va yaxshi o‘tmishdosh ekin hisoblanadi. Yasmiq donida 21,3-36,0 foiz oqsil, 0,7-1,4 foiz yog‘, 2,5-3,6 foiz kul, 43,8-53,9 foiz kraxmal, 2,7-4,5 foiz kletchatka mavjud. Yasmiq inson organizmida engil o‘zlashtirilganligi uchun parhez taom hisoblanadi [1]. Nafaqat urug‘ning o‘lchami, balki don po‘stlog‘ining rangi ham ko‘p jihatdan iste’mol bozorida mahsulotga bo‘lgan talabni belgilaydi. Yasmiqning urug’ qobig’i 4 ta asosiy rangga ega: qora, jigarrang, kulrang va yashil. Qora rang geni Blt epistatik bo’lib, urug’ qoplami rangining boshqa turlarining namoyon bo’lishini bloklaydi, hatto ularni boshqaradigan genlar dominant holatda bo’lsa ham [23].

Urug’ po’stlog’ining jigarrang rangining belgisi kulrang va sariq-jigar rangga nisbatan ustunlik qiladi. Sariq-jigarrang fenotiplar boshqa rang genlari retsessiv holatda bo‘lganda paydo bo‘ladi va yashil mos rangini boshqaruvchi gen tomonidan aniqlanadi. Yasmiq urug‘ po‘stlog‘ida ikki xil dog‘lar mavjudligi bilan ajralib turadi: mos ravishda Mot va Spt genlari tomonidan boshqariladigan kichik dumaloq (ola-chipor) va kattaroq tartibsiz shaklli (dog‘li) [13].

Hozirgi vaqtda dunyoda yasmiqning ko‘pchilik navlari urug‘ qobig‘i bo‘lib, saqlash vaqtida qorayadi, pishirish vaqtida esa jigarrang yoki to‘q jigarrang rangga ega bo‘ladi. Bu tanin sinfiga mansub polifenol birikmalarining mavjudligi bilan aniqlanadi. Aniqlanishicha, taninlar sintezi retsessiv tan geni tomonidan bloklanadi. Genning pleyotrop ta’siri urug’ qobig’ini yupqalashdan iborat bo'lib, birinchi bunday shakllarni yetishtirishda ma’lum qiyinchiliklar tug'diradi [17].

Yasmiqda urug’palla rangi uchta asosiy gen tomonidan boshqariladi: Y (sariq), B (jigarrang) va Dg (to’q yashil). Ikki dominant BBYY kombinatsiyasi qizil urug’li yasmiq uchun xos bo’lgan urug’pallalarning to’q sariq rangini aniqlaydi [14]. Ikki retsessiv (yybb) och yashil urug’pallalarning rivojlanishini belgilaydi. Uchinchi gen retsessiv holatda (dgdg) Y va B ga epistatik bo’lib, quyuq yashil urug’pallalarning rivojlanishini nazorat qiladi. Shubhasiz, dg retsessiv pigmentlar sintezini bloklaydi, ular Y va B genlari ta’sirida aniqlanadi [9].

Barglari, poyalari va dukkaklarining rivojlangan o‘sganligi mikrosperma (mayda urug‘li) guruhidagi yasmiq shakllarining o‘ziga xos xususiyati bo‘lib, bu evolyutsion jihatdan ancha qadimiydir [23]. Poya uzunligi agrotsenozlarning joylashishga chidamliligi nuqtai nazaridan muhim morfologik belgidir. Yasmiq o'simliklarida u monogen tarzda boshqariladi va uni aniqlaydigan Ph (past bo’y) geni 8 ta morfologik va kamida 13 ta oqsil belgilari bilan aniqlangan bog'lanish guruhiga kiradi [16].

Gullash davri ekinning mahsuldorlik imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishda katta rol o'ynaydi va fotoperiod va harorat mutanosibligi nuqtai nazaridan farq qiluvchi genotipning turli xil ekish mintaqalari sharoitlariga moslashishini belgilaydi [14]. Gullash davrining irsiylanishi yasmiqda monogen, erta pishish esa retsessiv (gen sn) bilan aniqlanadi [20, 21]. Ammo boshqa olimlarning tadqiqotlari natijalari bu belgining poligenligini ko'rsatadi [13]. Mikrosperma guruhidagi navlar, qoida tariqasida, makrosperma shakllariga qaraganda erta pishgan. Argentinadan faqat bitta yirik urug'li "Precoz" navi eng ertapishar mayda urug'li navlarga qaraganda ertapishar ekani ma'lumdir. Mikrosperma va makrosperma guruhlaridagi erta yetilish genlari turli genofondlarga tegishli bo'lib, bu belgi uchun transgressiyalar eng erta pishgan kichik va yirik urug'li shakllar kesishganida paydo bo'ladi [22, 23].

Ko'pchilik dukkakli ekinlar uchun 1000 ta urug'ning vazni seleksiya jarayonida hosildorlikning o'sishining hal qiluvchi omili va ularning iste'molchi afzalliklari mezoni hisoblanadi [2, 3]. Shu bilan birga, urug'ning kattaligi va oqsil miqdori o'rtasida salbiy bog'liqlik aniqlandilar [4].

Yasmiq erta bahorda (fevral-mart) gektariga 2-4 mln. dona urug' ekiladi. Ekish usuli yoppasiga qatorlab, qator orasi 15 sm qilib ekiladi, ekish chuqurligi 3-6 sm. 0 'rtacha 60-120 kg urug' ekiladi [9].

Tajribamiz dala sharoitida, Chirchiq davlat pedagogika universiteti "Genetika va evolutsion biologiya" kafedrasi issiqxona atrofidagi tajriba maydonida olib borildi. Tadqiqot obyekti sifatida O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasiga qarashli Genetika va o'simliklar eksperimental biologiyasi institutining "Donli ekinlar genetikasi selektsiyasi va urug'chiligi" laboratoriyasida mavjud jahon kolleksiyasidan keltirilgan yasmiqning mayda urug`li xalqaro elita ko`chatzori LIENS - 20 57017, LIENS - 20 57034, LIENS - 20 57037, L/S - 57013, L/S - 57030, L/S - 57040, L/S - 57045, L/S - 57048, namunalaridan foydalanildi. Universitetning tajriba maydoniga yasmiq o'simligi namunalari quruq holda har bir urug' oralari 5 sm oraliqda, 2-3 sm chuqurlikda ekildi. Tajribada har bir o'simlikdagi dukkaklar soni belgisi 3 qaytariqda o'rganildi.

Olingan natijalarning statistik tahlili EXCEL 2010 dasturi yordamida B.A.Dospexov (1985) formulasi orqali amalga oshirildi.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Tajribamizda tajriba maydonida jahon kolleksiyasidan keltirilgan yasmiqning mayda urug`li xalqaro elita ko`chatzori LIENS - 20 57017, LIENS - 20 57034, LIENS - 20 57037, L/S - 57013, L/S - 57030,

L/S - 57040, L/S - 57045, L/S - 57048, namunalarida dukkak soni kuzatildi va qiyosiy tahlil qilindi.

Tadqiqot natijalariga ko‘ra, jahon kolleksiyasidan keltirilgan yasmiqning mayda urug`li xalqaro elita ko`chatzori namunalarining dukkaklar soni belgisi bo‘yicha tahlil qilganimizda 1-qaytariqda 107,2 - 135,6 dona oralig‘idagi miqdorlarni tashkil etdi. Dukkaklar soni belgisi bo‘yicha eng yuqori ko‘rsatkich L/S - 57040 namunasida aniqlandi (1-jadval, 1-rasm).

1-jadval

Yasmiqning mayda urug`li xalqaro elita ko`chatzori namunalarining dukkaklar soni (dona)

Qaytariqlar soni	O`simliklar soni	Jami dukkaklar soni, dona	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	Limit	S	V%
Liens - 20 57017						
1	5	103	107,2 ± 2,64	100 - 115	5,89	5,50
2	5	115	108,4 ± 2,43	101 - 115	5,41	4,99
3	5	106	105,2 ± 1,86	100 - 110	4,15	3,94
Liens - 20 57034						
1	5	106	109,6 ± 1,37	106 - 114	3,05	1,25
2	5	114	110,8 ± 1,63	106 - 114	3,63	3,28
3	5	108	109,2 ± 1,36	105 - 113	3,03	2,78
Liens - 20 57037						
1	5	100	109,2 ± 1,36	105 - 113	3,03	2,78
2	5	116	117,6 ± 0,93	115 - 120	2,07	1,76
3	5	109	112,2 ± 1,78	109 - 117	3,96	3,53
L/S - 57013						
1	5	120	127,8 ± 2,90	120 - 135	6,46	5,05
2	5	121	123,0 ± 1,68	120 - 128	3,74	3,04
3	5	122	129,6 ±2,66	122 - 136	5,94	4,58
L/S - 57030						
1	5	100	109,0 ± 2,82	100 - 115	6,28	5,77
2	5	108	104,4 ± 2,16	100 - 111	4,83	4,62
3	5	115	110,2 ± 2,79	110 - 115	6,22	5,65
L/S - 57040						
1	5	135	135,6 ± 2,53	130 - 145	5,64	4,16
2	5	145	138,2 ± 2,42	130 - 145	5,40	3,91
3	5	139	136,0 ± 2,76	130 - 145	6,16	4,53
L/S - 57045						
1	5	108	109,8 ± 1,72	105 - 115	3,83	3,49

2	5	115	111,2 ± 2,04	106 - 116	4,55	4,09
3	5	109	109,8 ± 1,86	105 - 115	4,15	3,78
L/S - 57048						
1	5	120	128,6 ± 2,74	120 - 135	6,11	4,75
2	5	125	125,6 ± 2,30	120 - 133	5,13	4,08
3	5	135	125,6 ± 2,59	120 - 135	5,77	4,59



1-rasm. 1-qaytariqda o'rganilgan yasmiq o'simligining dukkaklar soni, dona

Uning dukkaklar soni o‘simlikda 135,6 dona ekanligi kuzatildi. Nisbatan past ko‘rsatkichlar, L/S - 57013, L/S - 57048 namunalarida aniqlanib, dukkaklar soni 127,8 - 128,6 dona oralig‘idagi miqdorlarni tashkil etdi.

Yasmiq o‘simligining eng past ko‘rsatkichi LIENS - 20 57017 namunasida kuzatilib, uning dukkaklar soni 107,2 dona ekanligi aniqlandi.

Tadqiqot natijalariga ko‘ra, jahon kolleksiyasidan keltirilgan yasmiqning mayda urug`li xalqaro elita ko`chatzori namunalarining dukkaklar soni belgisi bo‘yicha tahlil qilganimizda 2 - qaytariqda 104,4 - 138,2 dona oralig‘idagi miqdorlarni namayon qildi. Dukkaklar soni belgisi bo‘yicha eng yuqori ko‘rsatkich L/S - 57040 namunasida aniqlandi (2-rasm).



2-rasm. 2-qaytariqda o'rganilgan yasmiq o'simligining dukkaklar soni, dona

Uning dukkaklar soni o'simlikda 138,2 dona ekanligi aniqlandi. Nisbatan past ko'rsatkichlar, L/S - 57013, L/S - 57048 namunalarida kuzatilib, dukkaklar soni 123,0 - 125,6 dona oralig'idagi miqdorlarni tashkil etdi.

Yasmiq o'simligining eng past ko'rsatkichi L/S - 57030 namunasida kuzatilib, uning dukkaklar soni 104,4 dona ekanligi namayon bo`ldi.

Tadqiqot natijalariga ko'ra, jahon kolleksiyasidan keltirilgan yasmiqning mayda urug`li xalqaro elita ko`chatzori namunalarining dukkaklar soni belgisi bo'yicha tahlil qilganimizda 3 - qaytariqda 105,2 - 136,0 dona oralig'idagi miqdorlarni tashkil etdi. Dukkaklar soni belgisi bo'yicha eng yuqori ko'rsatkich L/S - 57040 namunasida kuzatildi (3-rasm).



3-rasm. 3-qaytariqda o’rganilgan yasmiq o’simligining dukkaklar soni, dona

Uning dukkaklar soni o‘simlikda 136,0 dona ekanligi kuzatildi. Nisbatan past ko‘rsatkichlar, L/S - 57013, L/S - 57048 namunalarida aniqlanib, dukkaklar soni 125,6 - 129,6 dona oralig‘idagi miqdorlarni tashkil etdi.

Yasmiq o‘simligining eng past ko‘rsatkichi LIENS - 20 57017 namunasida kuzatilib, uning dukkaklar soni 105,2 dona ekanligi aniqlandi.

XULOSA

Xulosa qilib shuni ta’kidlashimiz mumkinki, olib borilgan izlanishlar natijasida jahon kollektsiyasidan keltirilgan yasmiqning mayda urug`li xalqaro elita ko`chatzori yasmiq namunalarining dukkaklar sonining yuqori ko‘rsatkich belgisi bo‘yicha, L/S - 57040 namunasida kuzatildi. Ushbu qaytariqlardagi yuqori ko’rsatkichga ega bo’lgan L/S - 57040 namunasini kelgusida genetika va seleksion izlanishlarda boshlang‘ich manba sifatida foydalanish tavsiya etiladi.

REFERENCES

1. Аманова М.Э., Худайқулов Ж.Б. Яшил нўхат ва ясмиқ етиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 40 б.
2. Амелин А.В. Биологический потенциал гороха и его реализация на разных этапах развития культуры // Селекция и семеноводство. 1999. № 2-3. С. 15-21.
3. Амелин А.В. Об изменении элементов структуры урожая у зерновых сортов гороха в результате селекции // Селекция и семеноводство.1993. № 2. С. 9-14.
4. Амелин А.В., Монахова Н.А. Влияние селекционного процесса на потребительские качества семян P. Sativum L. // Актуальные проблемы развития прикладных исследований и пути повышения их эффективности в сельскохозяйственном производстве. Казань, 2001.
5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта // Москва: Агропромиздат, 1985. – 351 с.
6. Муталов, К. А., & Турсунова, Н. М. (2021). ПОЛУКУСТАРНИЧКОВАЯ РАСТИТЕЛЬНОСТЬ ТЫТРОВАЯ ФОРМАЦИЯ SALSOLA GEMMASCENS PALL. *Academic research in educational sciences*, *2*(1), 1030-1034.
7. Муротов, О. О. Ў., Тувганбаева, Ж. Қ. Қ., Аманов, Б. Х., & Турсунова, Н. М. (2022). ДУККАКДОШЛАР ОИЛАСИГА МАНСУБ FAGOPYRUM ESCULENTUM, PHASEOLUS VULGARIS L. НАМУНАЛАРИДА УРУҒ УНУВЧАНЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, *3*(2), 566-571.
8. Турсунова, Н. М., Аманов, Б. Х., & Закиров, Д. У. (2021). PHASEOLUS VULGARIS L. ТУРИГА МАНСУБ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАМУНАЛАРНИ ДУРАГАЙЛАШ ВА БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАРИНИ ЛАБОРАТОРИЯ

ШАРОИТИДА УНУВЧАНЛИГИ АНИҚЛАШ. *Academic research in educational sciences*, *2*(8), 506-511.
9. Atabayeva X.N., Xudayqulov J.B. O'simlikshunoslik. -T.: «Fan va texnologiya», 2018, 211 - 215 bet.
10. Asilbekova, A. A. Q., & Mo'Minov, H. A. (2022). YASMIQ O'SIMLIGI BO'YICHA OLIB BORILGAN TADQIQOTLAR TAHLILI. *Academic research in educational sciences*, *3*(1), 1039-1047.
11. Coyne C.J., Mc. Gee R.J., Redden R. Lentil germplasm: a basis for improvement // Grain legumes. 2011. ISSUE N. 57. P. 11-12.
12. Emami M.K. Genetic mapping in lentil (Lens culinaris Medik.) // PhD Thesis: Indian Agricultural Research Institute. 1996.
13. Emami M.K., Sharma B. Linkage between three morphological markers in lentil // Plant Breed. 1999. V. 118. P. 579-581.
14. Erskine W. Characterization of responses to temperature and photoperiod for time to flowering in a world lentil collection // Theor. Appl. Genet. 1990. V. 80. P. 193-199.
15. Kumar Y. Linkage between genes for leaf colour, plant pubescence, number of leaflets and plant height in lentil (Lens culinaris Medik.) // Euphytica. 2005. V. 145. P. 41-48.
16. Muehlbauer F., Sarker A. Tannin free lentils: A promising development for specialty use and increased value // Grain legumes. Issue N. 57. 2011. P. 27-28.
17. Murtazoyev M.Z., Mamarximov O.M., Qodirov O'.G`., O'simlikshunoslik// "Fan va texnologiyalar" Toshkent-2012. 51 b.
18. Mirzarahimova, S. X. Q., Amanov, B. X., & Muminov, H. A. (2022). ISSIQXONA SHAROITIDA O 'STIRILGAN NO 'XAT O 'SIMLIGINING QIMMATLI XO 'JALIK BELGILARINI QIYOSIY TAQQOSLASH. *Academic research in educational sciences*, *3*(1), 466-470.
19. Sarker A. Inheritance and linkage relationship of days to flower and morphological loci in lentil (Lens culinaris Medikus subsp. culinaris) // J. Hered. 1999. V. 90. P. 270-275.
20. Sarker A. New sources of resistence for Fusarium wilt in lentil (Lens culinaris Medikus subsp. culinaris) / // J. Lentil Res. 2004. V. 1. P. 30-33.
21. Sharma B. Genes for traits of economic importance in lentil // Grain legumes. ISSUE N. 57. 2011. P. 15-17.
22. Sharma B. Genetics of economic traits // The lentil: botany, production and uses. - Erskine W., Muehlbauer F., Sarker A., Sharma B. (eds.). CAB International, Wallingford, UK. 2009. P. 76-101.
23. Sharma B., Emami M.K. Discovery of a new gene causing dark green cotyledons and pathway of pigment synthesis in lentil (Lens culinaris Medik.) // Euphytica. 2002. V. 124. P. 349-353.
24. FAO STAT [электронный ресурс]. - режим доступа: http: faostat. fao. org.

IQTISODIY VA STATISTIK MASALALARNI YECHISHDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING MANTIQIY TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISH

Munisa Aminovna Davlatova
Chirchiq davlat pedagogika universiteti "Boshlang'ich ta'lim" fakulteti
"Boshlang'ich ta'lim metodikasi" kafedrasi o'qituvchisi
ddavlatova.m@cspi.uz

ANNOTATSIYA

Bu maqolada boshlang'ich sinflarda matematika darslarida iqtisodiy va statistik masalalarni yechishga o'rgatish axamiyati va ularga mos keluvchi topshiriqlar, matematika fanining o'qitish samaradorligini oshirishda iqtisodiy va statistik masalalarni ahamiyati yoritib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Iqtisodiy masala, statistik masala, variatsion qator, o'rta arifmetik qiymat, moda, jadval, diagramma, xalqaro baholash tadqiqoti, matematika, baholash, savodxonlik, TIMSS, ta'lim standart.

ABSTRACT

In this article, the importance of teaching to solve economic and statistical problems in mathematics classes in elementary grades and the tasks corresponding to them, the importance of economic and statistical problems in increasing the effectiveness of teaching mathematics is highlighted.

Keywords: Economic problem, statistical problem, variational series, arithmetic mean, mode, table, diagram, international assessment research, mathematics, assessment, literacy, TIMSS, educational standard.

KIRISH

Mamlakatimiz inavatsion rivojlalanish yo'lida shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir davrda kelajagimiz davomchilari bo'lmish yoshlarni, ularning bilim va ko'nikmalarini xorijiy ta'lim standartlari asosida shakllantirish zamonaviy aniq mezon va talablar asosida baholash tizimini takomillashtirish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasining Prezidentining "O'zbekiston Respublikasining yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi 2017-yil 7-fevraldagi farmoni bilan tasdiqlangan "2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasining beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi" doirasida O'zbekiston ta'lim

sifatini baholashda yangicha monitoring tizimini xalqaro baholash dasturlari yordamida aniqlash va qiyoslashga asoslangan tizim shakllantirilmoqda. Barchamizga ma'lumki muxtaram prezidentimiz tomonidan maktablarda o'tiladigan matematika faninig samaradorligini oshirish, yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammo va kamchiliklarni oldini olish, matematika fanidan o'quvchilar faol qatnashib, fan olimpiadalarida munosib o'rinlarni olishlarida olib borilayotgan islohatlar alohida o'rin tutadi. 2020-yil 7-may kuni Ozbekiston Respublikasi Prezidentining "Matematika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida"gi qarori imzolandi. Prezidentimiz tomonidan imzolanayotgan har bir qarorlari o'quvchilarning o'sib kelayotgan kelajak avlodning olayotgan bilimlari maktab davridanoq puxta va mukkamal bo'lishi, olgan bilimlari bilan chet davlatlardagi o'zi bilan tengdosh bo'lgan o'quvchilar bilan bellasha olishi va Ozbekiston ta'lim tizimini dunyo miqyosiga olib chiqishiga qaratilgan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Mamlakatimizda so'nggi yillarda ta'lim tizimini tubdan isloh qilish va ta'lim sifatini baholash hamda raqamli ta'limni rivojlantirish bo'yicha keng ko'lamli ishlar olib borilmoqda. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019- yil ***29-apreldagi "O'zbekiston respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5712-sonli Farmonida*** "PISA" (The Programme for International Student Assessment) o'quvchilarni baholash xalqaro dasturi reytingida O'zbekistonning 2021 yilda birinchi 70 talikka, 2025 yilda 60 talikka va 2030 yilga kelib esa, birinchi 30 ta ilg'or mamlakatlar qatoriga kiritish ko'zda tutilgan[1].

TIMSS (Trends in International mathematics and scince study) 4-va 8-sinf o'quvchilarining matematika va tabiiy fanlardan o'zlashtirish darajasini baholash dasturi bo'lib, bu tadqiqot to'rt yilda bir marta o'tkaziladi. TIMSS dasturi o'zini birinchi tadqiqotini 1995 -yilda boshlagan bo'lib, 2019-yilga qadar har to'rt yilda 1999, 2003, 2007 2011,2015 va 2019 yillarda tashkil etilib kelinmoqda. Navbatdagi 8-davriylik 2023-yilda amalga oshirish rejalashtirilmoqda. TIMSS va boshqa xalqaro tadqiqotlarda qatnashish orqali rivojlangan mamlakatlar tajribalarini O'zbekiston ta'lim tizimida qo'llash, o'z natijalarini boshqa davlatlar natijalari bilan qiyosiy taqqoslash imkoniyatlariga ega bo'ladi.TIMSS savollari shundan iboratki matematik misol va masalalari mantiqiy fikrlashni talab qiladigan savollardan tuziladi.

Iqtisodiy-statistik mazmundagi masala deb, ma'lum bir

iqtisodiy yoki statistik tushunchani yoki uni yoritib beruvchi axborotni o‘z ichiga olgan masalaga aytiladi.

Boshlang'ich matematika kursida o'rganilishi mumkin bo‘lgan eng sodda iqtisodiy tushunchalar quyidagilar: tejamkorlik, ish unumi, mahsulotning narxi, bahosi, sifati, foyda, iqtisod kabilar bo'lib, statistikaga oid dastlabki tushunchalar: kuzatuv va ma'lumot to'plash, to‘plangan ma'lumotlarni tartiblash, variatsion qator, o'rta arfmetik qiymat. chastota, nisbiy chastota, moda, jadval va diagrammalardan iborat.

Bunday mazmundagi masalalarni boshlang'ich sinf matematika darsliklarida uchratish mumkin, lekin ulaming tarbiyaviy ahamiyatini kuchaytirish va o'quvchi-larning iqtisodiy ongini shakllantinshga yo'naltirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Iqtisodiy tarbiyaning muhim vazifalandan biri o'quvchilami tejamkor likka o'rgatishdir. Atrofimizdagi barcha predmetlar: jonli va jonsiz tabiat, uy-ro‘zg‘or buyumlari, maktab jihozlari, shaxsiy buyumlar va boshqalarni avaylab-asrash, uzmaslik, sindirmaslik. yirtmaslik. atrof muhitni ozoda saqlash, ehtiyotlik bilan munosabatda bolish kerakligini bolalar ongigiga singdirib borishsh kerak. Bu vazifa matematika darslarida iqtisodiy-statastik mazmundagi masalalarni yechish orqali amalga oshiriladi.

Quyidagi masalani ko'raylik:

1-masala. Maktab oshxonasidagi 1 kunlik non qoldiqlari 2 kg ni tashkil etdi. Agar har kun shunchadan non qoldiqlari qolsa, maktabdagi 210 o‘qish kunida qancha non isrof bo‘ladi? Shuncha nonni o'rtacha oila necha kun iste'mol qilishi mumkin?

Bu masalani yechish uchun o‘rtacha oila tushunchasini oydinlashtirish va bunday oila bir kunda qancha non iste'mol qilishini aniqlash kerak bo‘ladi.

Yechish:

1. 2kg ·210=420kg

2. O‘rtacha oila tushunchasini oydinlashtirish uchun har bir

o'quvchining oila a'zolari sonini aniqlaymiz. Olingan natijalarni ketma-ket yozib olamiz.

3. 10, 4, 3, 2, 5, 4, 5, 4, 4, 4, 8, 5, 5, 4, 3,6, 4, 4, 5, 6, 4,7,6,3.

Oila a'zolari soni								0
Oilalar soni								

Variatsion qatordan shuni xulosa qilish mumkin-ki, 4 kishilik oilalar ko'pchilikni tashkil etar ekan. Ular 9 ta. Demak 4 kishilik oila bu sinfda moda bo'ladi. Endi o'rtacha qiymatni topaylik.

Jami oilalar soni:

1+3+9+5+4+1 +1 =24(ta)

Jami oiladagi odamlar soni:

2 ·1+3· 3+4 ·9+5 ·5-6· 3+7· 1+8·1+10· l=115(ta)

O'rtacha oila a'zolari soni 115:24=4(5 qoldiq)

Demak o‘rtacha oila a’zolari soni 4 ga teng. Agar bu oilada har kuni o'rtacha 2kg non iste'mol qilinsa,

420:2=210(kun)

420 kg nonni bu oila 210 kun. ya’ni 7 oy iste'mol qilishi mumkin ekan.

Bu masalani yechishda tejamkorlik, isrof. ma'lumot to'plash, to'plangan ma’lumotlarni tartiblash, variatsion qator, o'rta arifmetik qiymat, moda, jadval kabi tushunchalar ma'nosi ochib berildi.

Ish unumi deganda, vaqt birligida bajarilgan ish hajmi tushuniladi. Ish unumdorligi tushunchasi o'quvchming mehnati bilan bog’lanadi. O’quvchining ish unumi uning bilimi, tezkorligi, ya'ni, tez o'qishi, tez yo zishi, tez misol lshlashi kabilarga bog’liq. Agar u vazifani tez va xatosiz bajarsa, ishi unumli bo'ladi. Shunga ko'ra 1 minutda o'quvchi bajarishi mumkin bolgan ish hajmi aniqlanib, taqqoslansa, juda foydali va ko'rgazmali bo’ladi.

Quyidagicha masala berilishi mumkin.

2-masala. Brigada ishchilarining ish unumi haqida quyidagi ma'lumotlar olingan (ish unumi deganda 1 soatda ishlab chiqarilgan detallar soni ko'zda tutilgan):

26, 25, 24, 25, 28, 39, 28, 32, 24, 37, 20, 22, 30, 31, 35, 26, 23, 27, 28. Ma’lumot-larni 5 tadan detal oralig’ida tartiblang, o'rtacha ish unumini toping. Variatsion qatorning modasini aniqlang. Ma'lumotlar asosida diagramma tuzing.

Xozirgi kunda mamlakatimizda yashil makon dasturi amalga oshirilayotgan bir davrda atrof muhitni toza saqlashga,

tabiatni asrashga o’rgatish maqsadida quyidagicha mazmundagi masalalrni tuzishimiz mumkin.

3-masala. Darsdan keyin sinf xonasida 500 gr qog'oz chiqindilari qolgani ma'lum bo'ldi, Agar har kuni shunchadan qog'oz isrof bo’lsa, 210 o'qish kunida qancha qog'oz isrof bo'ladi? Agar 1 ta daraxtdan 50kg qog'oz olinsa, bu tashlangan qog'ozlar qancha daraxtni kesilishdan asrab qolishi mumkin edi?

Matematika darslarida iqtisodiy masalalarni hal qilishga o'rgatish kelajakda oila byudjetini yanada oqilona rejalashtirishga yordam beradi. Asosiysi, iqtisodiy fikrlashni rivojlantirish: muammoni ko'rish, uni tahlil qilish va oqilona qarorlar qabul qilish qobiliyatidir.Quyidagicha masalarni tuzish mumkin.

4-masala. Moxlaroyim oilaviy byudjetidagi 1 oylik daromad, sarf-xarajatlardan ortib qolsa, yangi yil uchun ko’ylak sotib olib berishlari mumkinligini o’yladi va umumiy daromad va sarf xarajatlarni hisoblab ko’rdi. Dadasi 2200000 so’m, oyisi 1800000 so’m oylik maosh olishadi, buvisi va buvasi birgalikda 1600000 so’m pensiya olishadi. 1 oyga oziq ovqat uchun o’rtacha 2500000 so’m, ukasini bog’cha to’loviga 206000 so’m, kommunal to’lovlarga o’rtacha 400000 ming so’m sarflashadi, kredit to’lovlar uchun 1100000 so’m to’lashadi. O’ylab ko‘ringchi Moxlaroyim yangi yil uchun yangi ko’ylak ololadimi?

XULOSA

Iqtisodiy statistik masalalarni yechishga o’rgatish yuqori sinflarga o’tganda iqtisodiy bilim asoslarini o’rganishga zamin yaratadi.Tadbirkorlik qobiliyatini rivojlantirish bilan iqtisodiy nazariyani o'rganish kelajakda biznesda muvaffaqiyatga erishishga yordam beradi. Iqtisod qilishga o’rganish esa kelajakda oila byudjetini yanada oqilona rejalashtirishga yordam beradi. O’quvchilarda zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy, statistik komptensiyalarni shakllantirish, mantiqiy masalalarni hal qilish jarayonlari o'quvchilarning kasb tanlash qobiliyatini muammolarni oson hal qilish usullarini shakllantiradi.

REFERENCES

1. “2017 – 2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini

rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi”. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi farmoni.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 7-maydagi “Matematika sohasida ta’lim sifatini oshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5712-son qarori.

4. Abdullayeva B.S., Sadikova A.V., Muxitdinova M.N., Toshpo`latova M.I. Matematika. TDPU. (Boshlang`ich ta’lim va sport-tarbiyaviy ish bakalavriyat ta’lim yo`nalishi talabalari uchun darslik) Toshkent-2014, 365 bet

5. Akramjon O’ktamjonovich Mirzayev, Odina Davronbek Qizi Pozilova. Matematika fanini o’qitish samaradorligini oshirishda TIMSS xalqaro tadqiqotining o‘rni.Academic Research in Educational Sciences. VOLUME 3 | ISSUE 4 | 2022. P.75

6. Xamedova N.A, Ibragimova Z, Tasetov T. Matematika. Darslik. T.: Turon-iqbol, 2007. 363b.

7. Хамедова Н.А., Садыкова А.В., Лактаева И.Ш.. Математика. Учебное пособие. Т.: Жахон-принт, 2007. 140 с.

8. Стойлова Л.П. Теоретические основы начального курса математики. Учебное пособие. Москва. «Академия». 2014 272 с.

9. David Surovski. Advanced High-School Mathematics. 2011. 425 p.

10. Herbert Gintis , Mathematical Literacy for Humanists, 90 p.

ЭВРИСТИК МЕТОД ЁРДАМИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎҚУВ ФАОЛЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Мадрахимович Эгамберган Худойназаров
Урганч давлат университети “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси доценти.

Саида Матназаровна Ражабова
Урганч давлат университети “Таълим назарияси ва методикаси” (бошланғич таълим) мутахасислиги магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчилари ўқув фаоллигини шакллантириш методлари ва уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари таҳлил қилинган, ҳамда муаллифларнинг шахсий фикрлари хулоса ўрнида келтирилган.

Калит сўзлар : метод. Евристик метод, еврика, фаоллик, ўқув фаоллик, компетенсия, кўникма, билим.

ABSTRACT

In this article, using the heuristic method, the methods of forming the learning activity of elementary school students and their specific features are analyzed, and the personal opinions of the authors are presented in the conclusion.

Keywords: method. Heuristic method, eureka, activity, educational activity, competence, skill, knowledge.

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон жамиятида ижодкор, фаол фуқароларга бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Улар, биринчи навбатда, билимларни мустақил эгаллашга лаёқатли, билишнинг унумли методлари билан қуролланган бўлишлари лозим. Бундай сифатларга эга бўлган шахсни шакллантириш бошланғич синфлардан бошлаб, ўқувчиларга комплекс таъсир кўрсатиш натижасида амалга ошади. Мазкур вазифани ечишнинг асосий йўналишларидан бири ўқувчиларда эвристик фаолиятни шакллантиришдан иборат.

Эвристик фаолият тушунчаси доирасида муайян руҳий жараёнлар
тушунилиб, унинг натижасида муаммоларга ечим топилади,

янги
стратегиялар ишлаб чиқилади, бир қатор янгиликлар қўлга киритилади. “Эвристик фаолият” тушунчаси “Ижодий тафаккур”, “Маҳсулдор тафаккур” тушунчалари билан тенг имкониятларга эга. Шунга кўра, эвристик фаолият инсон тафаккурининг ранг-баранг ифодаси ҳисобланади. Бундай фаолият натижасида янги ҳаркатлар тизими вужудга келади ёки инсонни ўраб турган объектлар ҳақида илгари маълум бўлмаган қонуниятлар кашф этилади. Эвристик фаолиятни шакллантириш муаммоси кўпқиррали муаммолар сирасига кириб, эвристик фаолият ўқув жараёнининг кўп жиҳатлари билан бевосита боғланади. У айни бир вақтнинг ўзида шахсни шакллантириш нуқтаи назаридан режа, натижа, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш ва фаоллаштириш йўли, ўқув жараёни самарадорлигини ошириш воситаси сифатида намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛГИЯ

Эвристик фаолият ёки ижодий тафаккурни шакллантириш жараёнини ташкил этишнинг педагогик-психологик йўналишлари Р.Г.Сафарова, Б.Адизов, Г.Нажмиддинова, Э.Ғозиев, Х.П.Назарова, Б.Г.Ананьев, Е.А.Александров, С.С.Бакулевская, Г.Армстронг, Н.В.Бугорскаяларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Ўқувчиларда эвристик тафаккурни шакллантириш имконини берадиган педагогик шарт-шароитлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Улар:

- мустақил ишларнинг мавжудлиги;
- ўқувчиларда ўқув-билув фаолиятига нисбатан юқори даражадаги қизиқишни ҳосил қилиш;
- ўқишга нисбатан ижобий майлларни шакллантириш;
- ўқитишнинг фаол методларидан фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг мавжуд лаёқатларини ривожлантириш кабилар.

Таълимнинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтиш жараёнида ўқувчиларнинг ривожланиши диққат ва интеллектнинг ўзаро таъсири натижасида кучаяди. Бу жараёнда асосан ўқувчиларда креатив, эвристик тафаккурни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижодий лаёқатлар, яратувчилик сифатлари ҳар бир ўқувчида мавжуд. Бу сифатлар ўзида идрок, ҳозиржавоблик, фаол ҳаракатлар ҳамда мулоқотни мужассамлаштиради. Ижодий тафаккурга

эга бўлган ўқувчилар ўзгалар билан мулоқот қилиш, ўзлигини намоён этишга эҳтиёж сезадилар.

О.О.Макарычеванинг [2] таъбири билан айтганда, бошланғич синф ўқувчиларининг ижодкорлик лаёқати уларнинг муаммоларни тез идрок этишларидан бошланади. Бунинг натижасида улар муаммоларни билимлар, турли ахборотлар билан уйғунлаштирган ҳолда англаб етадилар. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурлари ўқитувчи томонидан рағбатлантирилиши керак. Бунда улар 5 та принципга таяниши лозим. Улар:

- ноодатий саволларга нисбатан эътиборли муносабатда бўлиш;
- муайян, ноодатий ғояларга нисбатан ҳурмат билан қарашлари;
- ўқувчиларга ўз ғояларининг аҳамиятли эканлигини англатиш;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини рағбатлантириш;
- режалаштирилмаган амалий машғулотлар ва ўқув жараёни учун муайян вақт ажратиш.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўқувчиларда эвристик фаолият тажрибасини шакллантириш учун уларга ақлий операцияларни амалга ошириш усулларини ўргатиш талаб қилинади. Бунинг учун ўқитувчилар билиш ҳамда маҳсулдор фаолиятни амалга ошириш усулларидан фойдаланишлари лозим. Чунки ақлий операциялар билан бир қаторда анъанавий тарзда таҳлил қилиш, умумлаштириш, қиёслаш, оммалаштириш ва эвристик усуллардан ҳам фойдаланиш назарда тутилади. Бундай методлар ўқувчиларнинг муаммоларни ечиш усулларини излашларига кўмаклашади. Маълумки, тафаккур ўзининг мазмун-моҳиятига кўра:

1. Объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикос жараёни, инсоннинг фикрлаш қобилияти; фикрлаш.

2. Ўйлаш, фикр юритиш, муҳокама; ўй.

3. Тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли; объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни [3].

Тафаккур – инсон маънавиятининг таркибий қисми, билишнинг оламдаги нарса ва ходисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс эттирадиган ақлий босқичи [3; 193-б.]. М.В.Клариннинг [4]. таъбири билан айтганда, ўқитувчи таълим
жараёнини шундай ташкил этиши керакки, мазкур жараён

ўқувчиларнинг
мустақил ижодий тафаккурини шакллантириш имкониятини яратиши лозим.

Ижодий тафаккур қуйидаги ўзига хосликларга эга. Жумладан:
- ҳаракат усулларини кенг миқёсда қўллай олиш;
- зарур ҳолларда дастлаб қўлланган ечимларни амалга ошириш усулларидан воз кечиш;

Эвристик методлар когнитив методлар билан уйғун тарзда қўлланилади. Ўқитишнинг когнитив методлари ҳам эвристик топшириқлар каби ўқувчини мустақил ижодий фикрлаш, изланишга ундайди.

Бундай методлар сирасига:
- ўқувчиларни ижодий фаолликка ундовчи методлар;
- фикрий фаолиятга олиб кирувчи методлар;
- ўқувчиларни образли ҳамда рамзий белгилар ёрдамида ишлашга
жалб қилувчи методлар;
- эвристик саволлар билан мурожаат қилиш методи;
- қиёслаш методи;
- далилларни далиллардан фарқлаш методи;
- эвристик кузатиш методи;
- эвристик тадқиқот методи;
- тушунчаларни лойиҳалаш методи;
- қоидаларни лойиҳалаш методи;
- фаразларни илгари суриш методи;
- башорат қилиш методи;
- хатолар устида ишлаш методи;
- назарияларни лойиҳалаш методи кабилар киради.

Биз қуйида уларнинг баъзилари устида батафсил тўхталамиз:

Эмпатия, яъни ўқувчиларни ижодий фаолликка руҳлантирувчи, ўқувчиларни образли кўриш орқали фаолликка ундовчи, фикрий фаолиятга олиб кирувчи, эвристик кузатиш ва когнитив методлардир.

В.Н.Соколовнинг фикрича, эвристик ўқитиш жараёнида қўлланиладиган энг самарали метод креатив метод саналади. Мазкур метод доирасига ўйлаб кўриш, “Агарда...”, образли расмлар, гиперболизация, агглютинация, синектика, “Ақлий ҳужум”, инверсия, яъни мурожаат методларини киритиш мумкин. Ўқитишнинг креатив методи ўқувчиларнинг шахсий таълимий маҳсулотларини яратишига йўналтирилган.

Мазкур жараёнда билиш имкониятлари мавжуд, бироқ у шахсий ижодий фаолият кўринишида амалга ошади. Асосий натижа эса маҳсулот олишдан иборат.

Ўйлаб кўриш методи муайян ақлий фаолият натижасида ўқувчиларнинг аввал маълум бўлмаган маҳсулотни қўлга киритишларида намоён бўлади. Ушбу метод қуйидаги усуллар ёрдамида татбиқ қилинади:

а) бир объектнинг сифатларини иккинчисига қўшиш орқали янги объект яратиш;

б) муайян объектнинг ўзига хос хусусиятларини излаб топиш;
в) ўрганилаётган объектнинг таркибий қисмларини ўзгартириш ҳамда янги ўзгартирилган объектнинг ўзига хос хусусиятларини тасвирлаб ёзиш каби.

“Агарда...” методи ўқувчиларни хаёл суриш, фантазия қилишга ўргатади. Бундай топшириқларни бажариш орқали ўқувчиларнинг тасаввурлари ривожланишлари билан бир қаторда моддий борлиқнинг ўзига хос жиҳатларини яхшироқ тушуниш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Гиперболизация методи ўқувчининг билиш объектлари, таркибий қисмлари ҳамда сифатининг ортиши ёки камайишини ифодалайди. Мазкур метод ёрдамида ўқувчилар объектив реалликдан фантазия, яъни хаёлот оламига қараб фикрлай бошлайдилар.

Агглютинация методи доирасида эса ўқувчиларга объектив воқеликда ўзаро бирлашмайдиган сифатлар, ўзига хосликлар, нарсабуюмларнинг қисмлари ва уларнинг тавсирларини бириктириш топширилади. Бундай вазиятда ўқувчилар уларнинг бирлашмаслигини асослаб бера олишлари керак.

“Ақлий ҳужум” методининг асосий вазифаси ўқувчиларни ортиқча юкламалардан озод қилган ҳолда кўпроқ ғоялар, фаразларни илгари суришларини таъминлашдан иборат. Ушбу методни қўллаш жараёнида улар ортиқча зўриқиш, инерция, қатъий қолиплар асосида ишлаш кабилардан озод қилинадилар. Натижада ўқувчилар мустақил фикрлай бошлайдилар, уларда янги фаразлар вужудга келади. “Ақлий ҳужум” методи асосида ташкил этиладиган ўқув ишлари қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: ғояларни илгари суриш, муаммоли вазиятларни ва ғояларни баҳолаш, етакчи ҳолатларни ҳисобга олиш.

Ғояларни илгари суриш муайян қоидалар асосида амалга оширилади. Бу босқичда танқид қилиш ман этилади. Барча ғоялар ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади. Бу жараёнда ҳазил-мутойиба сўзлар қўлланилади, луқмалар

ташланади. Шундан кейингина илгари сурилган ғоялар тизимлаштирилади, гуруҳларга ажратилади, умумий принциплар ва ёндашувлар асосида аниқланади. Навбатдаги босқичда танлаб олинган ғояларни амалга оширишда учрайдиган тўсиқлар муҳокама қилинади, баён қилинган танқидий фикрлар баҳоланади. Танқидга учрамайдиган ғоялар танлаб олинади.

Синектика методи “Ақлий ҳужум” методига таянади. Унда турли кўринишдаги ўхшаш ҳолатлар, сўзлар воситасида фикр баён қилиш инверсия ва фикрий боғланишларни амалга ошириш назарда тутилади. Дастлаб ўқувчилар билан муаммонинг умумий белгилари муҳокама қилинади, дастлабки ечимлар илгари сурилади, ўхшаш жиҳатлар етакчи мавқега эга бўлади ва ривожланади, муаммони тушуниб етиш учун ўхшаш ҳолатлардан фойдаланилади. Ечимларнинг муқобил вариантлари танлаб олинади, янги ўхшашликлар изланади, муаммога қайтилади.

Инверсия, яъни мурожаат методи бир қолипдаги усуллар, ўзаро қарама-қарши бўлган муқобил ечимни топишда қўлланилади. Шу тариқа, замонавий таълим жараёнида қўлланиладиган эвристик технологиялар ўрганиладиган ўқув предметлари доирасида ўқувчиларнинг таълимий маҳсулотлар яратиш, мустақил таълим траекторияларини туза олишларига имкон беради. Таълимий маҳсулот тушунчаси доирасида:

а) ўқувчи фаолиятининг моддийлашган шакли тушунилади; у ҳукм, матнлар, расмлар, ишланмалар кўринишида бўлиши мумкин;
б) ривожлантирувчи таълим жараёнида ўқувчи шахсий сифатларининг ўзгариши англашилади.

Эвристик методлар сирасига **синектик метод** ҳам киради. Синектик (юнон. sunergeia – ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) метод – жамоавий интеллектуал фаолиятнинг психологик асосларини ўзида мужассамлаштирган тасвирийижодий иш туридир [3; 98-б.]. Уни қўллаш методикаси ақлий ҳужум методига ўхшайди. Ушбу метод ижодий фаолият тажрибасига эга бўлмаган ўқувчилар билан ишлаш давомида қўлланилади. Бунинг учун ижодий фаолиятга оид тажрибаларни тўплаш усуллари билан ишлайдиган ўқувчилар гуруҳини жамлаш талаб этилади. Бунда ўқув-билув йўналишидаги махсус тайёргарлик жараёни амалга оширилади. Бошланғич синф ўқитувчилари ҳам мазкур методни қўллаш тажрибасига эга бўлишлари лозим.

Синектик машғулотлар қуйидаги таркибий тузилишга эга: танишиш мақсадида уни таҳлил қилиш, дастлабки ечимларни саралаш, муаммони англаш, ўхшаш саволларни топишга ундаш, муаммонинг ўхшаш жиҳатларини уйғунлаштириш, уларнинг

ривожланиши учун шароит яратиш, янги ғояларни уйғунлаштириш учун уларнинг ўхшаш жиҳатларини излаб топиш, муқобил вариантларини танлаш, янги муқобил ғояларни илгари суриш, янги ғояларни ривожлантириш ва унинг ижобий жиҳатларини баҳолаш.

Дидактик ўйин методидан турли-туман кўринишларда фойдаланиш мумкин: ишчан, ролли ва бошқарувга асосланган, ташкилий фаолиятли ўйинлар. Педагогик жараёнда энг кўп тарқалган ўйин тури ишчан ўйинлардир. Эвристик методлар ўқувчиларнинг рухиятига қуйидаги шаклларда таъсир кўрсатади. Барча муносабатларни йўналтириш ва қатъий таҳлил қилиш, таълим жараёни субъектларининг ўқув ҳамда касбий фаолияти жараёнида вужудга келган муаммоларни бартараф этиш талаб қилинади. Ишчан ўйинларнинг ташкилий жиҳати турли ҳаракат моделларни имитациялашда намоён бўлади. Мазкур ўйинлар муаммоларнинг вужудга келиши ва уларга ечим излаш жараёнини ўзида мужассамлаштиради.

Б.Садуллаевнинг [5] фикрича, ишчан ўйинлар таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи характерга эга бўлиб, уларнинг мазкур жиҳатлари педагогик жараёнда ривожланиб боради. Ишчан ўйинлар ўзининг дидактик имкониятига кўра ўқувчини фаоллаштирувчи, ривожлантирувчи характерига эга. Ишчан ўйинлар ўқувчиларнинг шахсий сифатларини такомиллаштирувчи педагогик восита ҳисобланади. Мазкур ўйинлар икки хил характерга эга: касбий ўқув фаолияти ва унда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш имкониятига эга [5; 31-б.].

Ўқувчиларда билим, кўникма ва компетенцияларни ҳосил қилиш ўқув предметини ўқитиш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнида амалга ошади. Билимлар ижтимоий ҳаётда фаол қўллаш, ўқувчиларда ижтимоий фаолият тажрибасини ҳосил қилиш мақсадида уларга тақдим этилади. Муайян сюжет билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар динамикаси, касбий вазиятларнинг яхлит манзарасини шакллантириш мақсадида эвристик машғулотлар ташкил этилади.

В.И.Андреевнинг [6] фикрича, ишчан ўйинлар жараёнида ўқувчилар интеллектуал ҳамкорлик кўникмаларини ҳам ўзлаштирадилар. Шунингдек, муайян касбга оид қадриятли йўналишлар ва қоидаларни ҳам ўз тажрибаларига сингдирадилар [6]. Ишчан ўйинларни қўллаш жараёнида ўқитувчи умумпедагогик ҳамда хусусий педагогик принципларга таянади. Улар:

- ўқув ҳамда касбий фаолиятни имитацион моделлаштириш;
- ўйинни ташкил этишда ранг-баранглиқка асосланиш;
- ўқувчилар жамоасини педагогик бошқариш кабилар.

Ушбу принциплар ўйинга асосланган ўқув жараёнининг таркибий қисмлари, мантиқий асослари, ички алоқадорлиги, тизимли қўллашнинг самарали омилларини ўз ичига олади. Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўйинларнинг педагогик жиҳатдан ўзига хослиги ва фойдалилиги ўқитувчи фақат ўқув ёки ўйин мақсадини алоҳида-алоҳида илгари сурганда ўз аҳамиятини йўқотади. Бундай вазиятда ўйинларнинг шакллантирувчилик аҳамияти пасаяди. Дарснинг барча мақсадларини мувофиқлаштирган ҳолда ўйиннинг ривожлантирувчилик функциясига алоҳида эътибор қаратилгандагина унинг самарадорлиги ва эвристик моҳияти ортади.

Ўқувчиларда шахсий сифатларнинг ривожланишида ишчан ўйинлар бир қатор имкониятларга эга:

- ўрганилаётган ўқув материалларини тизимлаштириш, ҳаётга яқинлаштириш ва имитацион моделларини шакллантириш;
- фаолиятнинг алоҳида компонентлари ва таркибини шакллантириш;
- ўқувчиларни билимларни эгаллаш эхтиёжи, унга эришиш йўллари ва усуллари, уни сақлаш, ўқув жараёни ҳақида чуқур ўйлаш, шахсий фаолликка ундаш, ҳиссий майллардан онгли равишда касбий майлларга ўтиш имкониятларини кенгайтириш учун қулай шароит яратиш ва ўқув жараёнини реал воқеликка яқинлаштириш имконини таъминлаш;
- педагогик жараённинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функцияларини уйғунлаштириш;
- ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишлари, ўз фаолиятларини намоён этишлари, ўз-ўзларини бошқаришларини таъминлаш.

Ишчан ўйинлар ўқувчилар ўзлаштиришлари зарур бўлган фаолиятнинг мазмун моҳиятини англаб етганларидан кейин ташкил этилади. Унинг ўзига хос жиҳатларини ойдинлаштириш ва таянч тушунчаларни ўзлаштиришга кўмаклашади.

ХУЛОСА

Юқорида таъкидланган талабларга амал қилинмаган ҳолларда ишчан ўйинлар ўқувчиларга билим бериш, уларни ривожлантириш ва тарбиялаш имкониятига эга бўлмайди ва ўзининг педагогик аҳамиятини йўқотади. Ишчан ўйинларнинг турли-туманлиги ўзининг мураккаблик даражасига кўра қуйидагиларда намоён бўлади:

- имитацион машқлар;
- ўқув касбий вазиятлар таҳлили;
- муайян ролларни бажариш.

изланишларнинг юзага келишидир. Спорт изланишлари соҳаси жадал интеллектуал мақсадларни, традицион тиббий ва педагогик изланишларни фалсафий тарихий ва ижтимоий изланишлар билан тўлдиради. Фан ва педагогикани аралашуви спортнинг маданий ва тарихий соҳаларини ўрганиш имкониятини юзага келтирди. Бу борада Говард Слашернинг 1967 йилда эълон қилинган “Инсон, спорт ва мавжудлик” Элеонор Метенинг 1968 йилда босиб чиқарилган “Харакат ва унинг аҳамияти” асарининг нашр қилиниши кейинчалик спорт фалсафасининг пайдо бўлиши учун бир қатор тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келсада, спорт фалсафасининг янги изланишлар соҳасида ўз ўрнига эга бўлишига замин яратди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қадимда Олимпия ўйинлари стадиондаги югуриш йўлакчаларига, кураш гиламларига чиқадиган, отчопарда аравалар пойгасида қатнашадиган бевосита спортчилар билан бирга файласуфлар, мусиқачилар, шоирлар, ҳайкалтарошлар, рассомларни ҳам ўз бағрига чорлар эди. Тарихий манбалар муқаддас Олимпия шаҳри атрофидаги театрларда Олимпиада доирасида санъат танловлари, мушоиралар мунтазам ўтказиб келинганлигидан яққол далолат беради. Спорт бир қатор халқлар маданиятига Қадимги Грек маданияти, замонавий Америка маданиятларига ўз таъсирини ўтказган бўлса ҳам бирор жиддий фалсафий эътиборга эга бўлмаган. Иккинчи воқеа айнан шу йилларда спортга фалсафий ёндашув бўлди. Ўз даврларида Аристотель, Платонлар ҳам ўйин ва спорт ҳақида гоҳо маъқуллаб, гоҳо хавас билан фикрлар билдиришган. Аммо, кўплаб фалсафа намоёндалари спортни жиддий қабул қилишмаган улар спорт вақт сарф қилиш учун арзимас нарса деб қарашган. Спортга бундай эътиборсиз муносабат, танага таъсир этувчи восита сифатида нафақат фалсафа ўтмиши, унинг дин билан боғлиқлиги ва унинг доимий саволларга муносабати билан боғлиқлигидир. Бироқ қийинчиликларга қарамай вазият ўзгара бошлади, файласуфлар спорт ўйинларига жиддийроқ муносабатда бўла бошладилар. Бунда йирик файласуф прагматик ҳаракатлар билан боғланган “Спорт: фалсафий изланишлар” китобини ёзган Пол Вейснинг ҳиссаси кттадир. Пол Вейснинг ушбу китобини фалсафа оламида шовқин тортишув билан кутиб олишди. Спорт мавзуси халқаро обрўга эга Пол Вейснинг таланти ва вақтини банд қилиши унинг ҳамкасблари орасида сезилмай қолмади, ҳаттоки, қарама-қарши бўлган файласуфлар ҳам бунга бефарқ қолмадилар. Ана шу хаакатлар натижасида 1970 йилларнинг бошларига келиб спорт фалсафаси мустаҳкам оёққа туриб олди. 1972

йилда спорт изланишлари ва фалсафа соҳасидаги мутахассислар “спортни ўрганиш бўйича фалсафий жамият”ни туздилар. Бу жамият аъзолари спортчиларнинг ахлоқий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратдилар. Спортчиларда рақибга нисбатан хурматсизлик, қоидабузарликка йўл қўймаслик, фармацевтик дорилардан фойдаланмаслик каби жиҳатларни шакллантириш кераклигини таъкидладилар.

Спортнинг ахлоқий жиҳатларини ўрганувчи адабиётлар кўпайиб бормоқда. Хусусан, у адабиётлар қадрловчи хаспўшловчилар ва келтирилаётган хулқ-атворлар тўғрисидаги саволларга жавоб беради.

Бундан ташқари, фалсафа жавоб берадиган муаммолар, махсус муаммолар эмас, аҳлоқий муаммолар бўлиб, улар бизнинг турли, ўзаро чиқишолмайдиган ижтимоий ҳақгўйлик концепцияларини ва ҳаёт “бойлик”ларини савол остига қўядилар. Гар, фалсафа шундай ахлоқий рол ўйнар экан, унинг дисциплинар автономияси ва профессионал ҳолати билан боғлиқ муаммолар, ортиқ муаммо бўлмай қолади.

Улар муаммо бўлмай қолишларининг сабаби, фалсафа маданий ва ижтимоий танқид билан, ўз масалаларини ҳал этиш учун, ижтимоий реформалар воситаси сифатида, орасидаги чегарани босиб ўтиши лозим бўлади. Бу умумий фалсафагагина эмас, хусусан спорт фалсафасига ҳам тегишлидир. Шундай таъсирга эга бўлган ҳолда, дисциплинар чегаралардан чўчимай, у тарихий ва ижтимоий саволларга эътибор қаратади. Танқид ва аҳлоқий ишлар билан шуғулланувчи спорт файласуфларини илмий изланишлари спортни ўрганиш натижасида жамият ва маданият соҳасидаги изланишларнинг асосий муаммоларини тушунишга ёрдам беради.

Бугунги кунда нафақат шаҳарлар ва туман марказлари, балки олисдаги қишлоқ жойларида ҳам йигит ва қизларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Улар нафақат жисмоний жиҳатдан чиниқиб, ўзларини бунёдкорлик фаолиятига тайёрламоқдалар, шу билан бир қаторда турли, энг нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилмоқдалар ва бутун дунёга Ватанимиз довруғини ёймоқдалар.

«Ёшларимиз шарафига баланд кўтарилаётган Ўзбекистон байроғи деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов, минг-минглаб спорт ихлосмандлари, халқаро жамоатчилик томонидан қизғин олқишлар билан кутиб олинаётганлигининг ўзи шу юртда яшаётган ҳар қайси инсонга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этиши шубҳасиз».Ҳақиқатан ҳам олимпия ўйинлари ғолиблари ва совриндорлари бўлган

спортчиларимиз барчамизнинг фахримизга айлангандирлар.

Буюк файласуф И. Кантнинг фикрича, инсонни ватанпарварликка қиладиган иккита чексизлик мавжуд. Биринчиси, инсоннинг боши устидаги юлдузли осмон ва иккинчиси, унинг ичидаги ахлоқий яъни руҳий оламдир. Инсон биринчи чексизликни янги оламлар ва маконларни ўрганиш орқали, иккинчисини эса, ўзини-ўзи англаш, виждонига қулоқ тутиш орқали енгиб ўтади. Инсон виждонини ўзи яшаётган маънавий ҳаёт қадриятлари даражасида англайди. Ўз-ўзини такомиллаштириб боради.

Спортчининг ахлоқини унинг онгида эзгулик, поклик, масъулият қай даражада мустаҳкам қарор топгани, ҳиссиётлари, эътиқоди, ҳаракатга ундовчи сабаблари, нафсонияти, иродаси ва характерини қай даражада яхшилагани кўрсатади. Муваффақиятлардан эсанкираш, ўзига маҳлиё бўлиш, мураббий ва бошқа спортчиларга ҳурматсизлик, буларнинг барчаси ва бошқалар ахлоқий заифлигини кўрсатади.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

ХУЛОСА

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор”. Аҳлоқийлик инсон руҳини тозаловчи фақат инсонгагина хос бўлган ўз илдизлари билан айбдорлик ва пушаймонлик ҳиссига бориб туташадиган инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган жиҳатдир. Ахлоқийликни уят ёки қўрқув билан адаштирмаслик лозим. Уят одатда спортчи шахсини тарбиялашнинг илк босқичларида намоён бўлади. Уятнинг мавжудлиги спортчида ахлоқий туйғулар уйғонаётганлигини кўрсатади.Спортчи уни қўрқув эмас, балки ахлоқий нормалар бошқараётганлигини тушунган пайтдан у мураббийга, дўстларига, ўртоқларига, спортчиларга қўрққани учун эмас, балки виждони буюргани учун хушмуомалада бўлади.Ахлоқ мавжудлигининг муҳим кўрсаткичи инсоннинг унга ёрдам берган, машқ қилдирган кишиларни унутмаслиги ҳисобланади. Бундан ташқари, инсоннинг ҳалоллиги ва меҳрибонлиги ватан

олдидаги маъсулиятида кўринади. Спортнинг, жумладан мусобақалар, рақобат, беллашувларнинг маънавийлиги, уларни инсонпарварлаштириш буларнинг барчаси спортчиларнинг ахлоқий тарбиялашга қаратилиши лозим. Бизнинг назаримизда бу шахсни маънавий ахлоқий шакллантириш тизимида асосий бўғиндир.

REFERENCES

1. Мухамедова, З. М., Саттарова, Д. Г., & Худайбергенова, П. Т. (2019). РОЛЬ ГУМАНИСТИКИ В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА ВРАЧЕЙ. *Гуманитарный трактат*, (52), 19-23.
2. Gapparovna, S. D., & Toshpulatovna, X. P. (2021). IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *9*(10), 138-141.
3. Умирзакова, Н. А., Худойбергенова, П. Т., & Курбанова, Е. (2020). БИОЭТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ТРАНСПЛАНТОЛОГИИ. *Гуманитарный трактат*, (97), 13-14.
4. Худайбергенова, П. Т. (2018). ОБРАЗ МАВЛОНО ДЖАЛОЛИДДИНА РУМИ В КОНТЕКСТЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ ВОСТОКА И МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ. *Гуманитарный трактат*, (33), 28-30.
5. Атамуратова, Ф. С., & Мисирова, Ш. А. (2021). Значение изучения биоэтики в медицинских вузах: международный опыт.
6. Мухамедов, А. Р (2021). «Вопросы совершенствования законодательства Узбекистана о преступлениях в сфере трансплантологии с учетом зарубежного опыта», *Биоэтика и право*
7. Mukhamedzhanovna, M. Z., Akmalovna, U. N., Abdusamatovich, K. S., Gapparovna, S. D., Arifovna, U. D., & Tashpulatovna, K. P. (2021). Bioethics-Paradigm of Humanization of Medical Education. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 125-133.
8. Мухамедова, З. М. (2019). Умирзакова Н. *А. Феномен медицинских гуманитарных наук и международный опыт интеграции гуманитарных наук в медицинском образовании. Философские проблемы биологии и медицины: феномен биорациональности*, (13), 304.
9. Мухамедова, З. М. (2019). Интеграция гуманитарных наук в медицинское образование: проблемы и перспективы. *Journal of Health Development*, (1 (30)), 37-45.

10. Мухамедова, З. М. (2009). Биоэтика. *Учебное пособие. Ташкент*.
11. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2021). АКТУАЛЬНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО КОНТЕКСТА БИОЭТИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Гуманитарный трактат*, (99), 7-15.
12. Mukhamedova, Z. M., & Umirzakova, N. A. (2019). The phenomenon of medical humanities and the international experience of integrating the humanities in medical education. *Philosophical problems of biology and medicine: the phenomenon of biorationality*, (13).
13. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2018). Паллиативная помощь: современость и традиции мусульманской биомедицинской этики. *Гуманитарный трактат*, (21), 38-40.
14. Mukhamedova, Z. M. (2006, October). Issues and contradictions in bioethics of 21st century: Islamic prospects. In *Abstract book, First sub-regional expert meeting on ethics education in science and technology, Iran, Tehran* (pp. 28-29).
15. Мухамедова, З. М. (2005). Исламская биоэтика в историческом аспекте. *Сайт Ташкентской Медицинской Академии: www. rpat. uzsci. net*.
16. Мухамедова, З. М. (2004). Введение в биоэтику. *Т., Уч. пособие-2004.-120с.; Мухамедова ЗМ Биоэтика. Т. ЎзМУ Ресурс маркази. Ўкув кўлланма-2006. 144б; Мухамедова ЗМ и др. Биоэтика. Т. Уч. пособие-2009.163 с*.
17. Сатарова, Д. Г., & Умирзакова, Н. А. (2016). РАЗВИТИЕ ГЛОБАЛЬНОЙ ЭТИКИ И ВСЕОБЩАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ О БИОЭТИКЕ И ПРАВАХ ЧЕЛОВЕКА. In *Этика и история философии* (pp. 202-207).
18. Саттарова, Д. Г. (2015). СТРАТЕГИЯ КОМПЬЮТЕРИЗАЦИИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ И ПРОБЛЕМА ГУМАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ. *îàãéëéîëäàÖ íêÄÑàñàà à ëéÇêÖåÖççéëíú*, 116.
19. Сатарова, Д. Г. (2014). СОЦИАЛЬНЫЙ ИДЕАЛ И ПОСТКОЛОНИАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ДЛЯ" ПОНИМАЮЩЕГО КОНТРОЛЯ". *Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов*, (1), 106-108.
20. Sadullaevna, Y. L., & Baratovna, A. G. (2021). LOGICAL PRINCIPLES IN THE DOCTRINE OF IBN SINA AND THEIR FORMATION CHARACTERISTICS.
21. Юлдашева, Л. С., & Абдурахимова, Д. М. (2021). ЖАМИЯТДА ОДОБ-АХЛОҚ МЕЪЁРЛАРИНИ БУЗИЛИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ. *Журнал Социальных Исследований*, *4*(4).

22. Yuldasheva, L. S., Khashimova, G. F., & Khosilova, A. A. (2020). THE CONCEPT OF TRUTH IN KANT AND HEGEL. *Theoretical & Applied Science*, (2), 451-454.
23. Il'ina, G. V., Berezhnaya, I. A., & Yuldasheva, L. S. (2019). Formirovanie gotovnosti pedagogov k realizatsii so-vremennykh zdorov'esberegayushchikh tekhnologii s det'mi doshkol'nogo vozrasta: monografiya, Magnitogorsk, Izd-vo Magnitogorsk. gos. tekhn. un-ta im. *GI Nosova*.
24. Obol'nikova, E. A., & Yuldasheva, L. S. (1973). Isolation and identification of the ubiquinone synthesized by the fungus Blakeslea trispora. *Applied Biochemistry and Microbiology*, *7*(1), 38-40.
25. Akkazieva, B., Tello, J., Smith, B., Jakab, M., Krasovsky, K., Sautenkova, N., ... & Shoismatuloeva, M. (2015). Better noncommunicable disease outcomes: challenges and opportunities for health systems. *Tajikistan country assessment. Geneva: WHO*.
26. Умирзакова, Н. А. (2019). Репродуктивные технологии в системе здравоохранения Узбекистана в качестве социальной инновации. In *Наука, образование, инновации: апробация результатов исследований* (pp. 884-888).
27. Умирзакова, Н. А. (2022). СТОМАТОЛОГИК ТАЪЛИМДА БИОЭТИКАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ДОЛЗАРБЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, (2), 69-72.
28. Умирзакова, Н. А. Востребованность биоэтики для гуманизации медицинского образования в Узбекистане. *IX М1ЖНАРОДНОГО СИМПОЗ1УМУ З БЮЕТИКИ ЗДОРОВ'Я, МЕДИЦИНА ТА ФШОСОФШ: СТРАТЕГИ ВИЖИВАННЯ*, 15-16.
29. Умирзакова, Н. А. (2020). Значение изучения биоэтики в формировании профессиональной компетентности у студентов медицинских ВУЗов. *Научные исследования XXI века.-Нефтекамск*, (5), 7.
30. Умирзакова, Н. А. (2020). БИОЭТИКА КАК ЦЕННОСТНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧЕЙ. *Гуманитарный трактат*, (77), 4-7.
31. Мухамедова, З. М., Умирзакова, Н. А., & Бабаджанов, Ж. (2017). Проблема смерти мозга в исламской биоэтике. *Гуманитарный трактат*, (17), 15-18.

АҲОЛИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДА МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Лутфулло Карроматуллоевич Ахатов
Чирчиқ давлат пеагогика университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Кейинги йилларда мамлакатимиз ахолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш – устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Калит сўзлар: спорт, миллий ўйинлар, тарбия, маданият, маънавият.

КИРИШ

Мамлакатимизда барча соҳаларда жумладан, спорт соҳасига эътибор берилиб тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлагани каби: “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир”. XX аср бошларида ижод қилган маърифатпарварларимиздан бири Абдулла Авлоний “Инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан коинотдаги барча махлуқотдан афзалдир. Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи эса инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ, ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир”, – деб таъкидлайди.

Аҳолининг саломатлигини яхшилаш ва таълим тарбияни ривожлантириш, шунингдек жамиятимизда соғлом авлодни вояга етказиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Инсоният тафаккури тарихидан маълумки, фан, таълим тарбия ва спортнинг ютуқлари асосан эзгу ғояларга, яхши амалларга хизмат қилиб келган. Хақиқатдан ҳам спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги роли, унинг жисмоний соғломлигининг асоси эканлиги, ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда аҳамияти каттадир.

Миллий ўйинлар ёш авлодни жасорат ва адолат, Ватанни севиш, халқига ҳизмат қилиш, меҳнатсеварлик, меҳр-саҳоват ҳалоллик ва поклик руҳида тарбиялайди. Халқ шунинг учун ҳам курашда ҳалол, мард полвонни, улоқда чапдас ва моҳир чавандозни

қутлайди. Халқ миллий ўйинларининг ғолибларини нафақат чиройли ҳаракатлари балки, иштирокчининг тантилиги, мардлиги, чапдастлиги эвазига эъзозлайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Миллий ўйинлар, пойгалар, беллашувлар турли мусобақалар ёрдамида энг яхши удумлар, анъаналар ва маросимлар авлоддан-авлодга ўтиб тарихий меросга айланиб сақланиб келмоқда. Халқ сайиллари, байрамлари миллий ўйинларсиз ўтмаган, унда ёши улғайиб қолганлар ўз шогирдларига хаёт эстафетасини топширганлар. Ёшлар мусобақаларнинг сир-асрорларини яхшироқ, ўзлаштириш, кундалик фаолиятларга ёрдам берадиган омилларига айлантириш учун интилганлар. Сайилларда, байрамларда мусобақаларни тарафма-тараф бўлиб ўтказиш қатнашчиларнинг жамоа бўлиб ҳаракат қилишлари иштирокчиларнинг бақувват, эпчил ва чаққон, қийинчиликка чидамли, тиришқоқ ва тадбиркор бўлишларини тақазо этган. Миллий ўйинлар, кураш, кўпкари ва спортнинг оммавий турлари ҳалқ орасида қадимдан саҳоват белгиси сифатида намоён бўлган. Машҳур улоқчилар, полвонлар, халқ ўйинлари иштирокчилари тез-тез мусобақалар ўтказиб, беллашувлардан тўпланган маблағни етим-есирлар, кўп болали оилалар ҳамда қарияларга ҳадя этганлар, кўприклар, мачитлар, мадрасалар, каналлар, йўллар ва бошқа халқ ҳашарларига иштирок этганлар ва хашарчиларга илхом бағишлаганлар. Миллий ўйинлар аждодлар анъанасини давом эттиришни, миллий қадриятларни йўқ бўлиб кетишини олдини олади. Минг йиллик тарихга эга Алпомиш достонидан мард ва жасур Алпомишни севимли ёри Ойбарчинга етишиш учун 90 қармоқ полвони билан кураш тушгани маълум. Халқ сайиллари ва байрамларида кураш мусобақалари ўтказиб турмаганда йиллар ўткан сайин курашимиз йўқ бўлиб кетган бўлар эди. Пойгалар, қиз қувди ёки ким узоққа отади машқлари, улоқ-кўпкари ҳам ниҳоятда қадимий бўлиб, миллий анъаналаримиз эвазига сақланиб қолган.

От билан турли машқларни бажариш қадим-қадимдан йигитларга хосдир. “Интизор” достонида Авазхон Ғиротни якка ғишт устида ўйнатар эди, деб тасвирланган. Миллий ўйинлар тури фақатгина кураш ёки кўпкаридан иборат эмас. Қиз қувди, Қулоқ чўзма, оқ теракми кўк терак, чиллак, арғумчоқ, варрак, отиб қочар, дўппи, анакай, подачи, дурра, ланка, қотди, лапар, алифбе каби 100 дан ортиқ миллий ўйинлар тури мавжуд бўлиб уларнинг ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Аслида ана шу ўйинлар замирида каттага ҳурмат, ёшларга нисбатан меҳр-шавқат, болалар камоли ва

тарбиясида ота-оналарни азиз фарзандлари олдидаги бурчлари, ўз навбатида фарзандларнинг меҳр-садоқатлари мужассамлашади. Шу боисдан ота-боболаримиз болаларига жуда ёшликларидан ҳалқ қаҳрамонлари, уларни ёвуз кучларга қарши курашларда кўрсатган жасоратлари, матонат, дўстлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик фазилатларини ўзида мужассам этган достон ва эртаклар, ривоят ва тўқималарни сўзлаб берганлар, миллий ўйинлар асосида ҳалол, ростгўй бўлиш, тўғри гапириш, ҳақсизликка қарши бефарқ бўлмаслик, рақибга нисбатан ҳурмат фазилатларини сингдирганлар. Миллий ўйинларда мағлуб бўлган рақиб устидан ҳеч қачон масхара қилинмаган. Аксинча хато ва камчиликлар кўриб чиқилиб биргаликда ҳал этилган.

Халқимиз қадимдан насл-насаби етти пуштининг тозалигига айникса авлодининг соғлигига катта эътибор билан караган. Амир Темур ўз қўл остидаги бошлиқлари юзбоши, мингбоши ва сардорларни ҳам жисмоний жиҳатдан, ҳам онгли тафаккури, тактик фикрлаш ва шу каби фазилатларига катта аҳамият берган. Жангчиларни эса чапдастлигини, жасурлигини, қўрқмас, ботирлигини яхши кўрган ва уларга вақти келганда ўз ҳазинасидан ҳар турдаги инъомлар беришга жазм қилган.

Маълумки, ҳар бир жисмоний куч-қудрат жуда кўп жисмоний машғулотлар натижасида рўёбга чиқади.

Амир Темур ва унинг авлодлари даврида жисмоний тарбияга бағишланган мусобақалар жуда кўплаб бўлган. Салоҳиддин Тошкандий қайд этганидек, булар ҳақида кўплаб «китобга ёзғонлар», манбаларда қайд этилган. Афсуски, бу мавзу ҳалигача кам ўрганилган. Мирзо Улуғбек ҳам, Ҳусайн Бойқаро ҳам ўз даврларида қўл остидаги аскарларнинг шундай сифатларга эга бўлишига интилганлар.

Навоий ўзининг Фарход ва Ширин асарида Фарходни жуда ҳам жисмоний бақувват этиб таърифлагани бежиз эмас. Чунки, ўз даврида қаҳрамонларнинг жисмоний бақувватлигини, ақлий донолигини ёшлар онгига сингдириш уларда қаҳрамонга нисбатан меҳр уйғотиши табиийдир. Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб айтмоқчимизки, қадим замонлардан бизнинг бобокалонларимиз ўз раҳбарлигидаги аскарлари жисмонан чиниққан, бақувват, қўрқмас, жасур ва ботир бўлишига эътибор бериб келганлар.

Амир Темур даврида ҳар бир авлоддан ўзлари яшаб турган минтақасини рақиб тажовузидан ҳимоя қилиш учун аскарлар тайёрлаш талаб қилинган. Аскарларни ҳимоя учун керакли махсус жисмоний машқлар билан шуғуллантириш керак бўлган. Масалан: найза билан жанг қилиш учун қўлларига узун-узун ёғочлар олиб санчиш

машқлари: найзани қайтаришда қалқон кийиб найзаларни қайтарган. Ёғоч ва осмондан тўқилган одам шаклини ясаб найза қадаш, пичоқ уриш машқларидан фойдаланилган. Ҳамма жисмоний машқларни аскарлар тўлиқ уст-бошларини кийиб машқ қилишган. Улар узоқ масофаларга юриш, югуриш, тошларни улоқтириш, сувдан кечиб ўтиш, от устида кураш каби машқлар билан шуғулланганлар.

Бу ҳакида ўз муносабатини билдириб келган бир канча алломаларимиз ва мутафаккирларимиз мавжуддир. Шулардан бири бўлган Шох ва шоир бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) “Бобурнома” қомусий асарида хам XVI-аср бошларидаги жисмоний маданиятга оид қимматли маълумотларни топиш мумкин. Унда миллий курашимизнинг ўзига хос минг йиллик илдизи барқарор эканлиги гўзал урф-одатларимиз ўз ифодасини топган. Тарихий асарлар билан танишар эканмиз, мусобоқада ғолибга ҳам, мағлубга ҳам бирдек катта ҳурмат кўрсатилганлигини билиб оламиз. Болалар миллий ўйинлар жараёнида фақатгина чаққон, чапдаст қўрқмас жасур бўлиб тарбияланмасдан, санаш, сўзларни тўғри талаффуз этиш, ўзини тута билиш хотираларини чарҳлаш каби жиҳатлари билан ҳам ажралиб турганлар. Миллий ўйинлар билан машғул бўлган беш ёшли бола миллонгача санашни ўзлаштиради. Бу болани қобилияти жуда зўрлигидан эмас, балки ўйинларда қизиқиш натижасидир. Ёшларни миллий ўйинлар хасад, номардлик, баҳиллик каби иллатлардан халос этади. Умуман олганда миллий мафкурамиз руҳида соғлом, бақувват, ҳур фикрли, озод ва обод ватанни севишга, керак бўлса жонини беришга тайёр комил инсонни тарбиялашда миллий ўйинлар қадриятимизнинг ажралмас қисми сифатида хизмат қилади. Миллий ўйинларда каттани хурмат кичикни иззат қилиш нақлига амал қилинади. Ўйин қоидаларига болаликдан қатъий амал қилиш, ҳакамни сўзини ҳақ деб билиш, ўйинда ғолиб ёки мағлуб бўлишга қарамасдан натижани тан олишни ўрганиш ёшларни аҳлоқ нормалари асосида тарбиялашнинг асосидир. Миллий ўйинларнинг самарасини ошириш учун қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

а) Боғча, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртлари ўқув дастурларида миллий ўйинларни кенг ёритиш.

б) Аҳолини барча қатламлари фойдалана оладиган илмий методик қўлланмаларни мукаммал яратиш ва ҳалқимизга тўла қонли етказиш.

в) Махалла, туман, вилоят, республика босқичлардан иборат миллий ўйинлар турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларни ташкил этиш билан чекланиб қолмасдан режалаштирилган мусобақаларни рекламасини кенгайтириш.

г) Миллий ўйинларга барча миллат вакилларини жалб этиш ва ёшлар онги шуурига сингдириш уларни комил этиб тарбиялаш учун кенг йўл очади.

Юртбошимиз ташаббуси билан мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга етказиш юксак мақсад этиб белгиланди. Ана шу эзгу мақсад йўлида, ёшларимизнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиш, маҳоратини мутассил ошириб бориш, юксак маънавиятли, баркамол инсонлар сифатида камолга етишиш учун улкан куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. натижада юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит яратилмоқда. Шу ўринда Президентимиз, “...Оллоҳнинг ўзи инсон зотини вужудга келтирар экан, уни турли қиёфада, нафақат юз-кўзи, балки феъл-атворини ҳам бир-бирига ўхшамайдиган қилиб яратган. Ер юзида қанча инсон яшайдиган бўлса, бармоғининг изи ҳам, ички дунёси ҳам бир хил бўлган иккита одамни топиш, учратиш қийин. Табиийки, бу инсонларнинг фикрлаш ва яшаш тарзи ҳам бир-биридан фарқ қилади”, – деб инсоннинг ҳаётини энг олий неъмат сифатида ардоқлайди.

Инсон саломатлиги унга инъом этилган энг олий ижтимоий бойлик ҳисобланади. Аммо, инсон саломатлиги ўз-ўзидан кечадиган ва юзага келадиган табий жараён эмас, аксинча, бу одат инсоннинг ўз-ўзига эътибори ва саъйи-ҳаракати орқали давом этадиган воқеликдир. Бу қуйидаги тартибларда яққол намоён бўлади:

Биринчидан, инсон саломатлиги тамойиллари сингдирилишида; Иккинчидан, шахснинг жисмоний шаклланиши, оила ва талим тизимида; Учинчидан, маҳаллада ҳар бир шахснинг саломатлигини асраш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли саломатлигини сақлашда, соғлом турмуш тарзида спортнинг ўрни беқиёс. Ҳеч шубҳа йўққи, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Аҳоли соғлом наслга эга бўлиши кўп томондан спорт билан жиддий шуғуланишга боғлиқ. Шунинг учун ҳам юртимизда эртанги кун ворислари учун юртбошимиз томонидан болалар спортига беқиёс аҳамият бериляптики, бу воқеликлар замирида келажакнинг дадил қадамлари овозини эшитамиз. Халқимиз узоқ йиллар хорижлик спортчиларга ҳавас қилиб яшади. Бугун эса Она-ватанимиз мустақил, барча спорт кошоналарида ёшлар қадами залворли тус олди. Мактабдан бўшаган бола, албатта спорт майдонларига ошиқаяпти, мусобоқаларга қатнашаяпти,

мураббийнинг таълим-тарбияси билан саломатлигини мустаҳкамламоқда. Бўш вақтни беҳуда отқазмасдан айни пайтда, спортда ютуқларга эришаётган бола эртага жамиятнинг соғлом вакилига айланиши тайин. Соғлом насл - соғлом жамият асосини ташкил этиши бор гап. Соғлом жамият ва соғлом наслни эса соғлом турмуш тарзларини илмий тадбиқ этмай туриб, шакиллантириб бўлмайди. Соғлом турмуш тарзи деганда замирида, жисмоний саломатлик ва камолоти инсоннинг маънавий ва мафкуравий саломатлиги унинг шахс сифатида тўла камол топишига мужассамдир. Аҳолини соғломлаштиришда спорт турларининг ўрни кўп ҳолларда маҳалла зиммасига тушади. Лекин тан айтиб ўтиш керакки, бизнинг халқда бир оз тортиниш каби хислатлар бор. Масалан, юраги хаста одам врач тафсиясига кўра, фақат соғлигини йўқотгандагина жисмоний машқлар билан шуғуллана бошлайди. Соғломлаштирувчи машқни одат тусига киритган бемор ўзидаги саломатлик тарзини яхши томонга ўзгарганлигини сезиб, ичиш ва чекишдан ўзини қутқаради. Соғлом авлод тарбиясида жисмоний тарбиянинг ўрни бебаҳо чунки инсон саломатлиги унинг руҳий ҳолати турмуш кечириш шароити ва энг муҳими унинг танасидаги фаол ҳаракатларга боғликдир. Ана шу жараёнлар мажмуи бир маромда борса овқат ҳазм қилиш, юрак ва қон айланиш тизимининг равон бўлишига олиб келади. Барчага маълумки ҳаракат малакалари (жисмоний меҳнат, махсус жисмоний машқлар) мунтазам бўлганда ва тобора такомилаштирилганда инсон саломатлиги доим яхши бўлади. Доно халқимиз “Соғ танда соғлом ақл”, деб бежиз айтмаган. Инсон соғлом бўлгандагина ҳаёт ва турмуш юмушларига лаёқатли бўлади, кўзлаган мақсад сари интилади унинг охирига етади.

ХУЛОСА

Бизга маълумки, инсон ҳаракат билан тирик. Бу тириклик асосини табиий жисмоний ҳаракат ташкил этади. Жисмоний маданият ҳаракатлар занжири. Қачонки бу занжир узилса, инсон умри ҳам узилади. Жисмоний маданият, таълим тарбия кенг маънода, инсоннинг барча табиий ва ижтимоий қобилиятларини рўёбга чиқарувчи, уни тобора инсонийлаштириб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий чиниқтириб, юксалтириб борувчи жараёндир. Бу ҳақда профессор Тилаб Маҳмудов: “Жисмоний маданиятдан тобора узоқлашиб борган сари киши ўз умрига ўзи болта уради. Унда лоқайдлик, сояпарварлик, дангасалик, ишёқмаслик, оқбилаклик, текинхўрлик сингари хунуклик аломатлари кучаяди”, – деб таъкидлайди. Мазкур фикрлардан, инсон маънавий камолотида асосий ўринни

эгаллайдиган жисмоний маданият ва таълим тарбиядан тобора узоқлашиб борса, нафақат юқоридаги ҳолатлар балки, касаллик ва ўлим сабаблари ҳам вужудга келади деган хулоса келиб чиқади.

Маълумки, 1985-1990 йиларда жамият ва ижтимоий - маданият шароитлар ҳамда уни бошқариш жараёнларида бирмунча янгиланиш жараёнлари вужудга кела бошланди. Ўзбекистон шароитида “Наврўз” байрамини қайта тиклаш бошланди. Бу ўз навбатида миллий қадриятлар маънавият ва маданиятни ривожлантиришга асос солди, “Наврўз” байрамига бағишлаб, Футбол, кураш, енгил атлетика ва халқ миллий ўйинлари катта спорт мусобоқалари ташкил қилина бошланди. Бу эса ўз навбатида турли тўгараклар, спорт мактабларини ташкил қилиш спорт ва ўйин майдонларини кўпайишига сабаб бўлди. Юртимизда аҳолини ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиши учун керакли имкониятлар яратилиб кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда, оналик ва болалик ижтимоий муҳофазаси соғлом оила муҳитини шакллантириш, соғлом бола туғилиши, ҳар тарафлама уйғун ривожланган. Етук шахсни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга моликдир. Президентимиз томонидан қабул қилинган “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда жорий йилнинг 1- июлидаги “2009-2013 йиларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш соғлом бола туғилиши жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора – тадбирлари дастури” аҳолининг кенг қатламлари орасида соғлом турмуш тарғиботини кучайтириш саломатликни мустаҳкамлаш оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи бирламчи бўғинлар фаолиятини янада такомилаштириш мақсадидаги устивор вазифалар ижросини таъминлашга чуқур эътибор қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Спорт – бу гўзаллик, жисмоний ҳаракат, саломатликка етакловчи катта куч бўлиб, ҳар биримизнинг ўз соғлимизга бўлган эътиборни янада кучайтиради. Шу боис, келажак авлодимиз соғлиғи йўлидаги ишларимиз ривожини янада камол топтириш учун ҳаммамиз бирдек маъсул бўлишимиз зарур. Хулоса қиладиган бўлсак, барчамиз миллий ўйинларимизни бирдек ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшиб,аҳолимиз соғлигини яхшилаш йўлида хизмат қилайлик.

REFERENCES

1. Мухамедова, З. М., Саттарова, Д. Г., & Худайбергенова, П. Т. (2019). РОЛЬ ГУМАНИСТИКИ В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА ВРАЧЕЙ. *Гуманитарный трактат*, (52), 19-23.
2. Gapparovna, S. D., & Toshpulatovna, X. P. (2021). IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *9*(10), 138-141.
3. Умирзакова, Н. А., Худойбергенова, П. Т., & Курбанова, Е. (2020). БИОЭТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ТРАНСПЛАНТОЛОГИИ. *Гуманитарный трактат*, (97), 13-14.
4. Худайбергенова, П. Т. (2018). ОБРАЗ МАВЛОНО ДЖАЛОЛИДДИНА РУМИ В КОНТЕКСТЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ ВОСТОКА И МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ. *Гуманитарный трактат*, (33), 28-30.
5. Атамуратова, Ф. С., & Мисирова, Ш. А. (2021). Значение изучения биоэтики в медицинских вузах: международный опыт.
6. Мухамедов, А. Р (2021). «Вопросы совершенствования законодательства Узбекистана о преступлениях в сфере трансплантологии с учетом зарубежного опыта», *Биоэтика и право*
7. Mukhamedzhanovna, M. Z., Akmalovna, U. N., Abdusamatovich, K. S., Gapparovna, S. D., Arifovna, U. D., & Tashpulatovna, K. P. (2021). Bioethics-Paradigm of Humanization of Medical Education. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 125-133.
8. Мухамедова, З. М. (2019). Умирзакова Н. *А. Феномен медицинских гуманитарных наук и международный опыт интеграции гуманитарных наук в медицинском образовании. Философские проблемы биологии и медицины: феномен биорациональности*, (13), 304.
9. Мухамедова, З. М. (2019). Интеграция гуманитарных наук в медицинское образование: проблемы и перспективы. *Journal of Health Development*, (1 (30)), 37-45.
10. Мухамедова, З. М. (2009). Биоэтика. *Учебное пособие. Ташкент*.
11. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2021). АКТУАЛЬНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО КОНТЕКСТА БИОЭТИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Гуманитарный трактат*, (99), 7-15.

12. Mukhamedova, Z. M., & Umirzakova, N. A. (2019). The phenomenon of medical humanities and the international experience of integrating the humanities in medical education. *Philosophical problems of biology and medicine: the phenomenon of biorationality*, (13).
13. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2018). Паллиативная помощь: современость и традиции мусульманской биомедицинской этики. *Гуманитарный трактат*, (21), 38-40.
14. Mukhamedova, Z. M. (2006, October). Issues and contradictions in bioethics of 21st century: Islamic prospects. In *Abstract book, First sub-regional expert meeting on ethics education in science and technology, Iran, Tehran* (pp. 28-29).
15. Мухамедова, З. М. (2005). Исламская биоэтика в историческом аспекте. *Сайт Ташкентской Медицинской Академии: www. rpam. uzsci. net*.
16. Мухамедова, З. М. (2004). Введение в биоэтику. *Т., Уч. пособие-2004.-120с.; Мухамедова ЗМ Биоэтика. Т. ЎзМУ Ресурс маркази. Ўкув кўлланма-2006. 144б; Мухамедова ЗМ и др. Биоэтика. Т. Уч. пособие-2009.163 с*.
17. Сатарова, Д. Г., & Умирзакова, Н. А. (2016). РАЗВИТИЕ ГЛОБАЛЬНОЙ ЭТИКИ И ВСЕОБЩАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ О БИОЭТИКЕ И ПРАВАХ ЧЕЛОВЕКА. In *Этика и история философии* (pp. 202-207).
18. Саттарова, Д. Г. (2015). СТРАТЕГИЯ КОМПЬЮТЕРИЗАЦИИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ И ПРОБЛЕМА ГУМАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ. *îàãéëéîëäàÖ íêÄÑàñàà à ëéÇêÖåÖççéëíú*, 116.
19. Сатарова, Д. Г. (2014). СОЦИАЛЬНЫЙ ИДЕАЛ И ПОСТКОЛОНИАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ДЛЯ" ПОНИМАЮЩЕГО КОНТРОЛЯ". *Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов*, (1), 106-108.
20. Sadullaevna, Y. L., & Baratovna, A. G. (2021). LOGICAL PRINCIPLES IN THE DOCTRINE OF IBN SINA AND THEIR FORMATION CHARACTERISTICS.
21. Юлдашева, Л. С., & Абдурахимова, Д. М. (2021). ЖАМИЯТДА ОДОБ-АҲЛОҚ МЕЪЁРЛАРИНИ БУЗИЛИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ. *Журнал Социальных Исследований*, *4*(4).
22. Yuldasheva, L. S., Khashimova, G. F., & Khosilova, A. A. (2020). THE CONCEPT OF TRUTH IN KANT AND HEGEL. *Theoretical & Applied Science*, (2), 451-454.
23. Il'ina, G. V., Berezhnaya, I. A., & Yuldasheva, L. S. (2019). Formirovanie gotovnosti pedagogov k realizatsii so-vremennykh zdorov'esberegayushchikh tekhnologii s det'mi doshkol'nogo vozrasta: monografiya, Magnitogorsk, Izd-vo Magnitogorsk. gos. tekhn. un-ta im. *GI Nosova*.

24. Obol'nikova, E. A., & Yuldasheva, L. S. (1973). Isolation and identification of the ubiquinone synthesized by the fungus Blakeslea trispora. *Applied Biochemistry and Microbiology*, *7*(1), 38-40.
25. Akkazieva, B., Tello, J., Smith, B., Jakab, M., Krasovsky, K., Sautenkova, N., ... & Shoismatuloeva, M. (2015). Better noncommunicable disease outcomes: challenges and opportunities for health systems. *Tajikistan country assessment. Geneva: WHO*.
26. Умирзакова, Н. А. (2019). Репродуктивные технологии в системе здравоохранения Узбекистана в качестве социальной инновации. In *Наука, образование, инновации: апробация результатов исследований* (pp. 884-888).
27. Умирзакова, Н. А. (2022). СТОМАТОЛОГИК ТАЪЛИМДА БИОЭТИКАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ДОЛЗАРБЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, (2), 69-72.
28. Умирзакова, Н. А. Востребованность биоэтики для гуманизации медицинского образования в Узбекистане. *IX М1ЖНАРОДНОГО СИМПОЗ1УМУ З БЮЕТИКИ ЗДОРОВ'Я, МЕДИЦИНА ТА ФШОСОФШ: СТРАТЕГИ ВИЖИВАННЯ*, 15-16.
29. Умирзакова, Н. А. (2020). Значение изучения биоэтики в формировании профессиональной компетентности у студентов медицинских ВУЗов. *Научные исследования XXI века.-Нефтекамск*, (5), 7.
30. Умирзакова, Н. А. (2020). БИОЭТИКА КАК ЦЕННОСТНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧЕЙ. *Гуманитарный трактат*, (77), 4-7.
31. Мухамедова, З. М., Умирзакова, Н. А., & Бабаджанов, Ж. (2017). Проблема смерти мозга в исламской биоэтике. *Гуманитарный трактат*, (17), 15-18.

СПОРТ-ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Тимур Абдувалиевич Мадалимов
Тошкент давлат транспорт университети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Дунё ҳамжамиятида сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда спорт соҳаларида ўз ўрнимизга, мавқеимизга эга бўлиш имконияти туғилди. Кўкрагига озодлик шамоли теккан давлатнинг эртанги куни қандай бўлиши, қайси йўлдан бориши, унинг келажак тақдирини белгилар эди. Ўтиш давримизнинг дастлабки йилларидаёқ эндигина оёққа тураётган республикамиз иқтисодиёти олдида қатор долзарб муаммолар турсада, энг асосий эътибор қанчалик вақт, маблағ кетишидан қатъий назар теран фикрли, маънавий баркамол, янги техника ва технологияларни мукаммал эгаллаган жисмоний бақувват, том маънода соғлом авлодни шакллантиришга қаратилди. “Мамлакитимизда барпо этилаётган ўғил-қизларимиз учун бағрини очаётган минг-минглаб замонавий мактаблар, коллежлар, олий ўқув юртлари, санъат, маданият ва спорт масканлари ана шу эзгу, ҳақиқатдан ҳам тарихий ишларимизнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда”. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатларни чуқурлаштириш, эркин демократик фуқаролик жамиятини қуриш, ҳамда давлатимизни буюк давлатлар қаторига кўтариш каби жараёнларни ҳаётга тадбиқ қилиш, келажак авлоднинг нафақат ақл-идроки, маънавий-маърифий, сиёсий-маданий жиҳатдан шаклланганлигига, балки, уларнинг саломатлиги, жисмоний баркамоллигига ҳам боғлиқлиги ҳисобга олиниб, 1992 йил 14 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида “Жисмоний тарбия ва спорт” тўғрисида қонун қабул қилинди.

Шунингдек, 1992 йил январ ойида миллий Олимпия комитети тузилиб, у Халқаро Олимпия Комитетига расман аъзо этилди.

Калит сўзлар: тарбия, спорт, маданият, маънавият, тарих, давлат.

КИРИШ

Спортчиларимизга дунё спортига йўл очилиши натижасида республикамиз вакиллари юксак натижаларга эришдилар. 1996 йилда Атлантада ўтказилган XXV Олимпия ўйинларида илк бора спортчиларимиз мустақил равишда иштирок этишди. Ватанимиз байроғи остида харакат қилган спортчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилдилар. Шу ўринда Ўзбекистонлик спорт усталари

дунё спорт майдонларида иттифоқ таркибида иштирок этишмаганми? Бугунги ютуқларни илгариги ютуқлардан фарқи нимада? Каби ҳақли саволлар туғилиши табиий.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, юртимиз спортчилари иттифоқ таркибида ҳам бир қанча нуфузли мусобақаларда иштирок этганлар ва зафар қучганлар. Тўсиқлар оша 110 метрга югуриш бўйича бир неча маротаба собиқ иттифоқ чемпиони Сергей Попов, 1988 йил Сеул Олимпиадасида 5 м.85см баландликдан сакраб кумуш медал соҳиби бўлган Родион Гатауллин, Москвада бўлиб ўтган Олимпиадада 3000 метрга югуриш бўйича 8-ўринни эгаллаган Анатолий Димов, сузувчиларимиздан Юрий Фролов, Сергей Канов, Светлана Бананина, футболчиларимиздан Б. Абдураимов, Г. Красницкий, Михаил Ан, Фёдоровларнинг иттифоқ терма жамоаси таркибидаги иштирокларини, иқтидорли футболчимиз Миржамол Қосимовнинг собиқ иттифоқ ёшлар таркибида жаҳон чемпиони бўлганида жамоани етакчи сифатида майдонга олиб тушганини яхши биламиз. Лекин диққат билан қарасак бугунги Ўзбекистонлик спортчиларимиз собиқ иттифоқ даврида майдонга тушган спортчилардан кескин фарқ қилади. Иттифоқ таркибида майдонга тушган спортчи тарозининг бир палласида рақибни иккинчи палласида собиқ иттифоқ талабларини қўйган бўлса, бугунги Ўзбекистонлик спортчи тарозининг бир палласида рақибни, иккинчи палласида эса ор-номусни, миллат тақдирини, юрт шаънини қўйиб майдонга чиқмоқда.

Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян “Мен рингда йиқилиб кетаётганимда кўзимга ҳилпираб турган Ўзбекистон байроғи кўринди ва бу байроқ менга куч ато этиб, ўзимни ўнглаб олиб рақибимга шундай зарба бердимки, зарбамдан рақибим ўзини йўқотиб нақдоун бўлди” дея байроғимиздан руҳланиб ғалаба қозонганини ғурур билан таъкидлайди. 2002 йил 13 октябрь куни Пусанда ўтказилган Осиё ўйинларининг бокс бўйича финал учрашувларида ўтаётган бир пайтда ҳамюртимиз Беҳзод Хидиров вакилларимиздан биринчи бўлиб рингга чиқади ва финал учрашувида мағлубиятга учраб кумуш медал билан кифояланади. Шунда оғир вазнли Рустам Саидов кутилмаганда 60 кг вазнли Дилшод Маҳмудовга юзланади-“Менга қара, Дилшод укам, энди ҳаммамизнинг тақдиримиз сенга боғлиқ!-яъни сен ютсанг, биз ҳам ғолиб чиқамиз, буни ҳар сонияда ёдингда тут!” дея далда беради. Рустамни юрт тақдирини, мамлакат шаънини Дилшодни қолаверса, барча боксчиларимизни олдига кундаланг қилиб қўйишидан ортиқроқ маъсулият бўлмаса

керак. Унинг сўзларидан таъсирланган Дилшод Махмудов боксчиларимизга биринчи бўлиб олтин медални ҳадя этди. Дилшоднинг ғалабасидан руҳланган, маъсулиятни янада кучлироқ ҳис этган Ўткирбек Хайдаров, Икром Бердиев, Сергей Михайловлар ҳам юртимиз байроғини баланд кўтаришга аренани мажбур этишди. Сўзини амалда исботлаган Рустам Саидов ватанимиз боксчиларига 5-олтин медални туфҳа этди. Боксчиларимиз ғалабалари эвазига XIV Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари умумкоманда ҳисобига 5-ўринни эгалладилар. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шахсни спорт билан шуғулланиши уни ватанпарварлиги билан мужассамлашиб кетади. Жисмоний ва ватанпарварлик тарбиялари мужассамлашиб бораверишу натижасида кишининг танаси ҳамда руҳияти тарбияланади. Шу ўринда тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ватанимизни ёвлардан ҳимоя қилган Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Махмуд Таробий, Темур, Мадаминбек (Муҳаммадаминбек Аҳмадбек ўғли) Дукчи эшон (Эшон Мухаммадали Халфа Мулла Собир сўфи ўғли) каби узоқ ва яқин ўтмишда яшаб ўтган аждодларимиз юрт озодлиги, миллат равнақини ҳимоя қилишда сиёсий, иқтисодий, маданий билимларга эга бўлиш билан биргаликда кучли қиличбоз, моҳир мерган, бақувват-полвон ҳамда ажойиб чавандоз умуман олганда ақлий ва жисмоний тарбиялари муштарак шахслар бўлганликларини кўрамиз.

Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг инсон саломатлигига аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Доимий машғулотлар мактаб ёшигача бўлган болаларни шамоллаш, асаб касалликлари, ясси товонлик, ортиқча вазн каби нуқсонларини даволашда муҳим роль ўйнайди. Жисмоний машқлар шахс жисмоний камолотига ижобий таъсир этиши билан биргаликда шахснинг аҳлоқий тарбиясига ҳам ижобий таъсир этади. Спортнинг кураш, кўпкари, футбол, каби турлари ҳалоллик, поклик, рақибга нисбатан одилликка ўргатади. Шу ўринда биргина мисол келтирадиган бўлсак миллионлар ўйинига айланиб улгурган футболда кейинги йилларда рақиб ўйинчиларидан бирортаси жароҳат олиб майдонда ҳаракатланмай қолса, унинг ҳурмати учун тўпни эгаллаб турган рақиб жамоа аъзоси тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборади. Парашют спорти, алпинизм, югуриш, бокс ва карате турлари кишини танаси-ю, руҳини тарбиялаш, ўз устида ишлаш, яширин ички имкониятларидан фойдаланишга ўргатса, биллиард, шахмот, шашка каби спорт турлари билан шуғулланиш инсонни ақлини чархлайди. Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг яна бир хусусияти борки, инсон турли хил ялқовликлар, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, аср

балоси бўлмиш гиёҳвандлик, жиноятчилик каби иллатлардан йироқ, соғлом турмуш тарзини амалга оширади. Шу ўринда спортга бироз таъриф бериб ўтсак, “спорт- қисқа маънода шахсий мусобақа фаолияти дейилса, кенг маънода шахсий мусобақа фаолияти шу фаолият асосидан келиб чиқадиган махсус тайёргарлик ҳамда унинг норма ва ютуқлари тушунилади”.

Спорт мусобақаларсиз мавжуд эмаслигига қарамасдан унинг функциялари фвқатгина мусобақалашиш беллашиш билангина чегараланиб қолмайди. Спорт инсоннинг комил бўлишига унинг жисмоний ва маънавий дунёқарашининг ривожланишига ёрдам берадиган самарали усулларни таклиф этади.

Спорт ўз-ўзини тарбиялаш учун етакчи омиллардан бири ҳисобланади. Спортдаги кўрсаткичларнинг ўсиш меъёрига қараб спортчи нафақат жисмоний, балки руҳий, ақлий, аҳлоқий, маънавий ва ватанпарварлик нуқтаи-назаридан тарбия жараёнига кириб боради. Бу борада спортнинг педагогик аҳамияти ҳам ниҳоятда каттадир.

Спорт (инг. sport-уйин)- жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва усули, жисмоний машқларнинг турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизими.

Спорт–ирода сифатларини тўла намоён этишни талаб этадиган мардоновор, кўпинча ҳатто бешафқат фаолият туридир. Биз манбаларда спортга турли хил берилган таърифларни кўп учратамиз. Замонавий олимпиада асосчиси Пъер де Кубертеннинг машҳур “Спорт мадҳияси” олий мукофот – Олтин медальга сазовор бўлган. Мадҳияда айтилишича, спорт –бу ҳаётимизнинг доимий йўлдоши, чинакам ва ишончли дўст. Спорт билан мунтазам шуғулланиш руҳ ва танага қувонч бахш этади. Бу сўзлар ва таърифлар замирида жуда кўп фалсафий мушоҳадага бой маъно-мазмун мужассам. Призедентимиз спортга баҳо берар экан, уни шундай талқин қилди: “Спорт – ўзбек халқига қадимий анъана. Ўзбекистонимизда юзлаб халқ миллий спорт ўйинлари билан бир қаторда замонавий спорт ҳам ривож топаяпти” деб ўринли таърифлаганлар.

Спорт миллатларни бирлаштирадиган, халқларни жипслаштирадиган ва улар ўртасида ўзаро дўстлик, биродарлик ришталарини боғлайдиган воситадир.

Бизга маълумки, инсон ҳаракат билан тирик. Бу тириклик асосини табиий жисмоний ҳаракат ташкил этади. Жисмоний маданият ҳаракатлар занжири. Қачонки бу занжир узилса, инсон умри ҳам узилади. Жисмоний маданият, таълим тарбия кенг

маънода, инсоннинг барча табиий ва ижтимоий қобилиятларини рўёбга чиқарувчи, уни тобора инсонийлаштириб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий чиниқтириб, юксалтириб борувчи жараёндир. Бу ҳақда профессор Тилаб Маҳмудов: “Жисмоний маданиятдан тобора узоқлашиб борган сари киши ўз умрига ўзи болта уради. Унда лоқайдлик, сояпарварлик, дангасалик, ишёқмаслик, оқбилаклик, текинхўрлик сингари хунуклик аломатлари кучаяди”, – деб таъкидлайди. Мазкур фикрлардан, инсон маънавий камолотида асосий ўринни эгаллайдиган жисмоний маданият ва таълим тарбиядан тобора узоқлашиб борса, нафақат юқоридаги ҳолатлар балки, касаллик ва ўлим сабаблари ҳам вужудга келади деган хулоса келиб чиқади.

Инсон онгли равишда тушунган ҳолда уларга тўла амал қилмайди. Бунинг турли сабаблари бор, яни ишга шошилиш, ишдан чарчаб қайтиш, транспортда юриш, эринчоқлик ва ҳ.к. Бунинг яна бир томони шундаки, кўпчилик кишилар жисмоний машқларнинг тури, уни бажариш тартиб – қоидаларини яхши билмайди. Ўқувчи ёшлар жисмоний тарбияни яхши ўзлаштирмаганликлари учун катта ёшга борганда уни деярли бутунлай тарк этади. Ана шу хатоларни яхшилаш ва аҳолининг жисмоний камолотини ривожлантириш мақсадида турли қонун ва низомлар ишлаб чиқилган. Республикамизда 1994 йил 2 майда давлатимизнинг биринчи юксак нишони “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этиш тўғрисидаги фармони муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бу низомда аҳолини соғлиғини яхшилаш, болаларни соғлом қилиб тарбиялаш ва оналикни ҳимоя қилиш масалалари баён этилган шу билан биргаликда бу вазифаларни амалга ошириш учун соғлиқни сақлаш вазирлиги, турли идоралар, маҳалла оқсоқоллари, спорт ташкилотлари халқ таълим тизимидаги мутасадди ходимларга аниқ топшириқлар берилган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, ҳозирги даврга келиб спорт ва жисмоний тарбия ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормокда. Соғлом авлодни вояга етказиш ҳозирги замоннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб бунга жуда жиддий ёндошишни талаб этади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлган ёшларга кенг имкониятлар, шароитлар яратиб бериш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, маънавиятли қилиб тарбиялаш, ҳар томонлама етук инсон бўлишларига кўмаклашиш учун спорт-тарбия воситаларидан бири бўлиб қолаверади.

REFERENCES

1. Мухамедова, З. М., Саттарова, Д. Г., & Худайбергенова, П. Т. (2019). РОЛЬ ГУМАНИСТИКИ В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА ВРАЧЕЙ. *Гуманитарный трактат*, (52), 19-23.
2. Gapparovna, S. D., & Toshpulatovna, X. P. (2021). IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *9*(10), 138-141.
3. Умирзакова, Н. А., Худойбергенова, П. Т., & Курбанова, Е. (2020). БИОЭТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ТРАНСПЛАНТОЛОГИИ. *Гуманитарный трактат*, (97), 13-14.
4. Худайбергенова, П. Т. (2018). ОБРАЗ МАВЛОНО ДЖАЛОЛИДДИНА РУМИ В КОНТЕКСТЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ ВОСТОКА И МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ. *Гуманитарный трактат*, (33), 28-30.
5. Атамуратова, Ф. С., & Мисирова, Ш. А. (2021). Значение изучения биоэтики в медицинских вузах: международный опыт.
6. Мухамедов, А. Р (2021). «Вопросы совершенствования законодательства Узбекистана о преступлениях в сфере трансплантологии с учетом зарубежного опыта», *Биоэтика и право*
7. Mukhamedzhanovna, M. Z., Akmalovna, U. N., Abdusamatovich, K. S., Gapparovna, S. D., Arifovna, U. D., & Tashpulatovna, K. P. (2021). Bioethics-Paradigm of Humanization of Medical Education. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 125-133.
8. Мухамедова, З. М. (2019). Умирзакова Н. *А. Феномен медицинских гуманитарных наук и международный опыт интеграции гуманитарных наук в медицинском образовании. Философские проблемы биологии и медицины: феномен биорациональности*, (13), 304.
9. Мухамедова, З. М. (2019). Интеграция гуманитарных наук в медицинское образование: проблемы и перспективы. *Journal of Health Development*, (1 (30)), 37-45.
10. Мухамедова, З. М. (2009). Биоэтика. *Учебное пособие. Ташкент*.
11. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2021). АКТУАЛЬНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО КОНТЕКСТА БИОЭТИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Гуманитарный трактат*, (99), 7-15.

12. Mukhamedova, Z. M., & Umirzakova, N. A. (2019). The phenomenon of medical humanities and the international experience of integrating the humanities in medical education. *Philosophical problems of biology and medicine: the phenomenon of biorationality*, (13).
13. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2018). Паллиативная помощь: современость и традиции мусульманской биомедицинской этики. *Гуманитарный трактат*, (21), 38-40.
14. Mukhamedova, Z. M. (2006, October). Issues and contradictions in bioethics of 21st century: Islamic prospects. In *Abstract book, First sub-regional expert meeting on ethics education in science and technology, Iran, Tehran* (pp. 28-29).
15. Мухамедова, З. М. (2005). Исламская биоэтика в историческом аспекте. *Сайт Ташкентской Медицинской Академии: www. rpam. uzsci. net*.
16. Мухамедова, З. М. (2004). Введение в биоэтику. *Т., Уч. пособие-2004.-120с.; Мухамедова ЗМ Биоэтика. Т. ЎзМУ Ресурс маркази. Ўкув кўлланма-2006. 144б; Мухамедова ЗМ и др. Биоэтика. Т. Уч. пособие-2009.163 с*.
Основной целью преподавания предмета «Воспитание» в начальных классах является необходимость заложить фундамент нравственно-этических ценностей, благородных качеств личности, глубоких гуманистических понятий и знаний, патриотических убеждений, ответственности, устойчивости в добрых убеждениях, долга в сознание и мировоззрение подрастающего поколения, которое будет продолжать строить прогрессивное будущее нашей страны.

Применение практических методов и педагогических приёмов в начальном образовании. Современный процесс образования предполагает инновационный подход обучения к проведению уроков по предмету «Воспитание» в начальных классах. «В процессе обучения, необходимо применять разнообразные методы и формы работы с детьми, учитывать их индивидуальные особенности,

заинтересовывать занятиями. Мысли учителя должны быть доступны всем обучаемым»[3]. Существуют различные методы и приёмы, которые можно использовать на уроках, и учитель должен проявить творческий подход для правильного выбора необходимого практического метода или приёма. Преподаватель должен чётко представлять, чему он хочет обучить детей, какие качества и способности хочет развить у учащихся.

«Методы обучения – это упорядоченная деятельность педагога и учеников, направленная на достижение поставленной цели обучения, совокупность путей, способов решения задач образования»[4].

Урок – это основная форма организации обучения с целью передачи знаний учителем и овладения этими знаниями учениками. Нетрадиционное обучение представляет собой применение практических методов и приёмов для создания на уроке, под руководством учителя, проблемных ситуаций и активную самостоятельную деятельность учащихся по их разрешению, в результате чего и происходит творческое овладение знаниями, умениями и развитие мыслительных способностей у детей. Во время проведения нетрадиционных уроков, используя инновационные интерактивные методы обучения, осуществляется решение образовательных, развивающих и воспитательных задач.

Педагогическая инновация – нововведения в педагогической деятельности, изменение технологии обучения и воспитания для повышения их эффективности. Сегодня мы строим наше великое будущее и должны руководствоваться прежде всего основами инновационных идей и подходов.

Интерактивные методы - это такие методы, которые требуют взаимодействия между учащимися, учителем и учениками для достижения определённой учебной цели. Формы применения интерактивных методов на уроке бывают разные: коллективные, групповые, «работа в парах», работа «цепочкой». Применяя данные формы обучения, учитель не предоставляет учащимся готовых знаний, а побуждает учеников к самостоятельному поиску. Активность учителя уступает место активности учащихся, его цель – создать условия для творческой инициативы детей. Каждый педагог, учитывая содержание учебного материала и возрастные особенности учащихся, может создать и применить свои авторские методы для решения образовательных и воспитательных задач. Профессионализм учителя заключается в тонком чувствовании возможностей изучаемого предмета и в понимании его воспитательных функций. В.А. Сухомлинский писал: «У учителя, умеющего воспитывать знаниями, эти

знания выступают как инструмент, с помощью которого ученики сознательно осуществляют новые шаги в познании мира». Существуют такие интерактивные методы и приёмы, которые можно применить на уроках по предмету «Воспитание» для учащихся 1-4 классов: «Мозговой штурм», «Синквейн», «Кластер», «Найди пару», «Дерево добрых дел», «Снежный ком», метод «Интервью», «Диаграмма Венна», метод «Маленький учитель». Все эти методы были апробированы мною в моей практической деятельности в школе, они доступны и эффективны для учащихся начальных классов и имели положительный эффект в организации самостоятельной, творческой, исследовательской деятельности на уроке.

Правильное применение интерактивных методов на уроках по предмету «Воспитание», согласно определённой теме урока, развивают у учащихся положительные качества личности для воспитания интеллектуально развитого, образованного и культурного члена нашего общества. Например, во время урока, на этапе объяснения новой темы, учитель может применить метод «Мозговой штурм», предоставив учащимся возможность самим угадать тему урока или ключевое слово, которое присутствует в названии темы, угадав загадку, кроссворд или ребус «Угадай слово по первым буквам» (ученики по картинкам угадывают предметы и по первым буквам складывают слово). Педагог заранее готовит задания для применения данного метода в учебном процессе. Задания можно приготовить в виде карточек, используя коллективную или групповую работу. Данный метод повышает мотивацию к получению новых знаний, развивает мышление и интерес к новой информации. Метод «Синквейн» уже прочно вошёл в практику многих учителей. Этот метод можно использовать на уроках по предмету «Воспитание», например, при изучении темы «Земля, очаровавшая мир» во 2 классе. За основу можно взять главное слово: Родина.

Синквейн (в переводе с французского означает «пять») – это пятистрочный стих, который позволяет развивать у детей образное мышление, осмысление темы, словарный запас и речь.

Первая строчка – одно имя существительное (Родина);

вторая строчка – подобрать 2 имени прилагательных к слову «Родина»;

третья строчка –подобрать 3 глагола к данному слову;

четвёртая строчка – составить предложение из 4 слов со словом «Родина»;

пятая строчка – подобрать синоним к слову «Родина» (Отчизна).

Когда будет составлен «Синквейн», ученики, по желанию, выразительно читают его вслух. Это и будет завершением работы по методу «Синквейн». Пятистрочный стих, выразительно, с интонацией прочитанный, может быть не в рифму, но будет иметь положительное влияние на учащихся, как результат успешного коллективного завершения работы. Данный метод можно использовать и при изучении других тем на уроках по предмету «Воспитание» и урок будет носить характер интегрированного обучения, так как происходит слияние двух предметов: «Воспитания» и «Русского языка и читательской грамотности».

Метод «Кластер» - графическая форма организации информации, интерактивный метод, который развивает способность устанавливать всесторонние связи по отношению к понятию или событию изучаемой темы. Этот метод удобен, понятен и доступен для понимания учащихся младших классов.

Метод «Найди пару». Цель данного метода: уметь находить логическую связь между словами и словосочетаниями в пословицах, поговорках и понятиях изучаемой темы. Например, при изучении темы «Моя родная школа» во 2 классе, используя данный метод, учитель на доску вывешивает в два ряда карточки с пословицами о школе, учении и знаниях (в первом ряду – начало пословиц, во втором ряду – продолжение пословиц). Карточки изначально расположены неверно по отношению к друг другу и учащиеся, выходя к доске, советуясь друг с другом, должны правильно линиями соединить начало и конец пословиц. После окончания работы, учащиеся выразительно читают пословицы и объясняют их смысл и воспитательное значение.

Пословицы и поговорки – это мудрые изречения, созданные народом и имеющие глубокие воспитательные функции.

Для метода «Найди пару» можно использовать следующие пословицы и поговорки:

«Мир освещается солнцем, а человек – знаниями», «Ученье - свет, а неученье - тьма», «Знание – лучшее богатство», «Книга – путь к знаниям», «Грамоте учиться – всегда пригодится», «Школа – цветник знаний».

Метод «Дерево добрых дел». Особенностью этого метода является вовлечение всех членов классного коллектива в творческую деятельность.

Этот метод можно использовать при изучении темы «Гуманность» во 2 классе. Учитель заранее готовит плакат с нарисованным деревом. Учащиеся на отдельных листочках пишут добрые дела, которые хотели бы совершить. Затем ученики выходят к

доске, зачитывают написанное и приклеивают свои листочки к дереву «Добрых дел» и это дерево «оживает» и «расцветает» от добрых дел детей. Цель данного метода: развитие у младших школьников доброты, воспитание гуманного отношения к друг другу и окружающей нас среде.

Метод «Снежный ком» выполняется «цепочкой» в игровой форме по рядам: учитель называет первую фразу темы урока и добавляет своё слово, первый ученик повторяет фразу учителя и добавленное слово и дополнительно добавляет своё слово и так далее. Выигрывает тот ряд, ученики которого ни разу не ошиблись. Данный метод можно использовать при изучении темы «Кем стать?» во 2 классе. Учитель, начиная игру, может сказать: «Я знаю следующие профессии: строитель…», ученик добавляет : «Я знаю следующие профессии: строитель, учитель…» Так продолжается игра и «снежный ком», состоящий из названий различных профессий «растёт». Цель этого метода: развитие речи, памяти, эффективное усвоение предметов и объектов изучаемой темы.

Метод «Интервью» целесообразно использовать при проверке домашнего задания в форме парной работы. Ученик в роли журналиста задаёт вопросы другому ученику по заданной теме, а тот в свою очередь отвечает на них. Цель метода «Интервью»: умение формулировать вопросы и слушать своего собеседника.

Метод «Диаграмма Венна» (названа по имени английского логика Джона Венна) состоит из двух пересекающихся кругов. На месте пересечения этих кругов, учащиеся указывают общность понятий или явлений изучаемой темы, а в тех местах, где эти круги не пересекаются - их разницу. Цель данного метода: развитие умения сравнивать и находить общее в предметах или явлениях нашей жизни.

Применяя метод «Маленький учитель», педагог предлагает ученику на время инсценировать роль учителя, при этом помогая и поддерживая его. Этот метод можно использовать на любом этапе урока по усмотрению учителя. Цель данного метода: развитие уверенности в характере ребёнка, активности, инициативности и уважения к труду учителя.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В заключении хочется отметить о важности применения разнообразных педагогических методов и приёмов на уроках по предмету «Воспитание». Использование данного инновационного подхода к современному уроку имеет большое воспитательное значение для развития у учащихся начальной школы духовно –

нравственных качеств личности и решения важных педагогических задач:

1. Задач социальной педагогики (связь с семьёй, умение учащихся вести себя в социуме);
2. Развитие патриотического воспитания (любовь к Родине и уважение к национальным обычаям и традициям нашего народа);
3. Задач трудового воспитания (воспитание трудолюбия у младших школьников, направление на правильный выбор профессии);
4. Развитие творческой активности школьников (умение детей самостоятельно и творчески мыслить);
5. Развитие нравственных качеств личности (уважение к старшим, честность, справедливость, доброта);
6. Развитие мотивации к познавательной деятельности (желание ребёнка узнавать новое, активизация любознательности и повышения интереса к знаниям);
7. Эстетическое воспитание (умение видеть красоту в окружающем нас мире).

Каждый педагог, руководствуясь принципами повышения качества и эффективности учебной и воспитательной работы, должен стремиться к тому, чтобы урок способствовал развитию у учащихся умения самостоятельно анализировать ситуацию, делать выводы, находить нужное решение в жизненных ситуациях.

Президент Узбекистана Ш.М. Мирзиёев в своей книге «От национального возрождения – к национальному прогрессу» написал, обращаясь к учителям нашей страны: «Действительно, кропотливый труд и настоящая самоотверженность тех, кто посвятил свою жизнь воспитанию молодого поколения, достойны самой высокой оценки. Когда мы говорим об этом, вспоминаем слова великого просветителя Махмудходжи Бехбуди: «Давайте своим детям те знания, которые пригодятся не только сегодня, но и в будущем»[5].

REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. От национального возрождения – к национальному прогрессу. т.4 Ташкент – «Узбекистан» - 2020. С.-10
2. Абу Али ибн Сина. Книга спасения // В кн.: Антология мировой философии.-Москва: Педагогика.1974.-С.-730
3. Б.С. Абдуллаева, М.Б. Уразова, Н.Х. Вохидова. Общая педагогика. Учебное пособие. «Sano-standart», Ташкент – 2017.С.-164

4. Шавкат Мирзиёев. От национального возрождения – к национальному прогрессу. т.4 Ташкент – «Узбекистан» - 2020. С.-314
5. М.Х. Умарова. Теория и история педагогики. Учебное пособие. Издательско-полиграфический творческий дом имени Чулпана. Ташкент – 2018
6. Jabborova O.M., Umarova.Z.A. Boshlang‘ich ta‘limda — “Tarbiya” fanini o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. – Chirchiq, 2021
7. Шахло Ботирова, Турдали Султонов. Методика преподавания предмета «Воспитание» в начальных классах. Учебное пособие. «ZEBO-PRINT» Тошкент – 2022
8. https://www.gazeta.uz/ru/2020/09/24/textbooks/

ИНСОН ТАФАКУРИДА ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

К. Б. Мухаммадиев
Тошкент давлат транспорт университети доценти, п.ф.б.ф.д (PhD)
komilmuhammadiev@yandex.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инсон тафакурида диний ва дунёвий билимларнинг аҳамияти ўзоро мутаносиблиги талқин қилинган. Инсон маънавиятининг шаклланишида диний ва ахлоқий нормаларнинг уйғунлиги қиёсий таҳлил қилинган. Жамиятнинг ижтимоий негизининг ривожида диний ва ахлоқий қоидалар ўртага ташланиб, қиёсий таҳлилланган. Ахлоқий ва диний меъёрларнинг жамиятдаги енг муҳим белгилари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Жамият, ахлоқ, дин, Ахлоқий ва диний меъёр, виждон, норационаллик, рационаллик, хулқ – атвор, комил инсон, ахлоқий қадрият, трансцендентал ахлоқ, насронийлар, буддистлар, яҳудийлар, атеистлар, секталар, умуминсонийлик, радикаллик.

КИРИШ

Инсон ақлан ривож топган жонзот бўлгани боис, унинг ахлоқий меъёрлари анча мураккаблашган. Бошқа ҳайвонларда эса у жўн ва оддий. Демак, ахлоқий меъёрларнинг мураккаблик даражасига кўра спектрини ҳосил қилиш мумкин. Бу спектр барча жамоавий жонзотларни қамраб олади ва ахлоқ эволюциясини акс эттиради. Ҳамма тирик мавжудотларнинг овқатланишга қанчалик эҳтиёжи бўлса, муайян тартиб - қоидаларга ҳам шунчалик эҳтиёжи бор. Жамият ахлоқ қонун қоидаларига риоя этиши ва уни ҳурмат қилиши албатта зарур. Бордию ахлоқ қонун қоидаларига риоя этилмас экан, эволюция натижасида қирилиб кетган яъни адаптация қилолмаган жонворлар сингари жамият ҳам таназзулга учрайди. Инсонларда ҳам ахлоқ жамиятдаги айрим талаблар оқибатида пайдо бўлган. Аввал англанмаган шаклда вужудга келиб, кейин мифлар, динлар, давлат қонунлари кўринишида мураккаблашиб борган. Бу жараён минглаб йилларга чўзилгани аниқ.

Кўпчилигимиз ахлоқ деганда қандайдир мавҳум, минглаб йиллар муқаддам пайдо бўлган, ўзгармас, барча инсоний муносабатларимиз, ҳаттоки соф шахсий

қилмишларимизни ҳам тартибга солиши керак бўлган “куч”ни тушунамиз. Бу “куч” асосан виждон ҳисобланади. Биз ахлоқнинг мутлақ эканлиги, ўзгармаслиги ва барча замонлар ва маконлар учун ягона бўлишини инкор қиламиз. Уни мавжуд шароит ва эҳтиёжларнинг ҳосиласи ва ўз навбатида ўша шароитга яна таъсир этувчи меъёрлар йиғиндиси сифатида кўрамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ахлоқ муайян жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб турувчи ва ўша жамиятдаги бирлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи меъёрлардир. Уларнинг шахс ва, асосан, жамият манфаати ва эҳтиёжига хизмат қилиши, амалда иш бериши уларнинг мавжудлигини оқловчи бирламчи мезондир.

Шу ўринда ахлоқ ўзи қандай пайдо бўлган деган масалага қисқача тўхталсак. Бунинг асосан икки тур изоҳи бор. Биринчиси, ахлоқий меъёрларни Худо ёки худолар жорий қилган дегувчи диний-теологик ёндашув. Ушбу ёндашувга кўра ахлоқ ҳозир қандай бўлса шундайлигича қачонлардир илоҳий куч томонидан инсонларга туширилган ва у ўзгармасдир. Улар турли муқаддас китобларда ёзиб қўйилган.

Иккинчи ёндашув эса эволюцион ёндашув бўлиб – унга кўра, ахлоқ аввалига примитив шаклда пайдо бўлган ва кейинчалик турлича кўринишга кириб ўзгариб, мураккаблашиб борган, турли даврларда яшаган инсонларнинг маъқул ижтимоий муносабатлар ҳақидаги қарашларини ўзида ифодалаб келган меъёрлардир. Ахлоқий меъёрлар жуда мураккаб ҳодиса бўлиб, бу жараённи тўхтатиб қолишнинг имкони йўқ. Тўхтатишга қаттиқ бел боғлаган миллатлар таназзулга учрайди ёки таслим бўлади. Бу каби ўзгаришлар, ҳаттоки, энг консерватив куч саналувчи динда ҳам кузатилади. Бу кўпинча диний матнларни қайта талқин қилиш йўли билан амалга ошириладиган, ўта зиддиятли, мўътадил ва радикал диний жамоалар ўртасида можароларга сабаб бўладиган жараёндир. Радикал қанот аста секин камайиб боради ва камайгани сари янада радикаллашиб, қатъий чоралар кўриш йўлига ўтади.

Антик даврнинг машҳур мутафаккири Арасту ахлоқнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятига тўхталиб шундай деган эди: «Табиат инсон қўлига қурол – ақлий ва ахлоқий куч берган, аммо у шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин; шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади». Шунинг учун ҳам ахлоқ

инсонийликка ундовчи восита бўлиб, у диннинг ёрдами ила вужудга келади.

Ахлоқнинг асоси пухта ўйланган таълим тизими ва қонун устуворлигининг таъминланишидир. Бу хусусида немис классик фалсафаси асосчиси қуйидагича тафсифлайди. Кант “Амалий ақл танқиди” асарида инсон яхшилик ва ёмонлик ҳақида қалбининг ҳиссий иштиёқи ва интилишларига асосланиб эмас, ақл заковати ёрдамида хулоса чиқариш керак, деган назарияни ўртага ташлайди. Гносеологияда бўлгани каби ўзининг фалсафасида Кант кишиларнинг қилмишларини асословчи умумий ва зарурий ахлоқий қонунларни топишга ҳаракат қилган. Кант фикрича, мутлоқ, умумий, барча учун аҳамиятли бўлиши мумкин ва бўлиши шарт, яъни қонун шаклига эга бўлиши керак. Фақат императив ахлоқ - (лот.imperativus -фармон) тамойилларига ва қоидаларига мос келадиган хулқ-атворгина ахлоқийдир. У априор хараркторга эга синтетик ҳуқуқ бўлиб, унинг асосий қонунига кўра, шундай максимал яъни, хулқ атворнинг субъектив томойили асосида ҳаракат қилиш керакки, у ўз навбатида барча учун умумий қонун бўлиб қолиши керак деб, шундай тарифни беради:“Ўзингга ва бошқа инсонларга ахлоқий восита сифатида эмас, ахлоқий мақсад сифатида қарагин, чунки инсон ҳаёт ўзида энг олий мақсадни мужассамлаштирилган”. Унинг маълумотига кўра, ахлоқий қонунларга ҳурмат билан қараш инсонларни ўз-ўзини ҳурмат қилишга, бурч тақозаси эса шахсий мукаммаллик ва бошқаларни бахтига сабаб бўлади.

Инсон ахлоқини шундайдеб ёзади Эрих Фромм, - “бир одам - обрў эгаси инсон учун нима яхшилигини белгилаб беради, ўзни тутиш қонун-қоидалари ва меъёрларини ҳам ўйлаб топади, ўрнатади. Инсонпарварлик ахлоқи эса бу қонун-қоидалар ва меъёрларни ўзи яратиши, ўзи бошқариши ҳамда уларга ўзи амал қилиши билан фарқланади»

Фромм обрўпарварлик ахлоқинининг икки асосини кўрсатиб ўтади: биринчиси – рационал обрўпарварлик, унга кўра, рационал обрў эгаси ўзига юкланган вазифани омилкорлик воситасида бажариб, мазкур вазифани юклаганлар томонидан ҳурматга сазовор бўлади. Бироқ рационал обрўпарварлик вақтинчалик ҳадиса, у обрў эгаси фаолиятининг самарадорлиги билан боғлиқ. Иккинчиси – норационал обрўпарварлик, у бир томондан ҳукмронликка, иккинчи томондан, қўрқувга асосланади ва узоқ муддат давом этади: муайян тарихий даврни ўз ичига олади. Норационал обрўпарварлик танқидни на фақат тан олмайди, балки тақиқлайди. Рационал обрўпарварлик обрў эгаси тамонидан субъектга нисбатан ахлоқий тенгликни тақазо этса, норационал обрўпарварлик айнан тенгсизлик асосига қурилади. Бунда обрў эгасига «гап қайтармаслик»,

«қулоқ солиш» - фазилат, «қулоқ солмаслик» - иллат ҳисобланади.

Асрлар мобайнида дин ва ахлоққа бир бутунлик ўлароқ қаралган; содир этилган гуноҳ учун жазо муқаррарлигига бўлган ишонч инсонларни ёмонликдан қайтариши бот-бот таъкидланган. Ҳатто баъзи ашаддий атеистлар ҳам динни жамият ахлоқини назорат қилувчи институт сифатида тан олган. Балки шундан бўлса керак, диний таълимотлар илдизини асосан ахлоқий масалалар эгаллаган.

“Инсоният тафаккури тараққиётида илк бора эзгу ният, эзгу сўз ва эзгуликка асосланган амалиёт бирлиги ҳар қандай ижтимоий ривожланишнинг асоси эканлиги тўғрисидаги буюк таълимот Зардўшт гоҳларида шакллантирилган эди. Фуқаролари бошқа фикрни ўйлаб, бошқа сўзларни айтишга ва яна бошқа амалий ишлар қилишга йўналтирилган жамият муқаррар тарзда таназзулга юз тутиши мумкинлиги тўғрисидаги инқилобий ғоя ҳам айнан ана шу таълимотга мансуб. Инсоният эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амалиётга изчил амал қилибгина инқироздан қутулиши ва фаровон ҳаётга етишиши мумкин, деган пурҳикмат хулосалар чиқарилган”.

Зардўштнинг муқаддас диний китоби «Авесто»да баён этилган бу дурдона фикрлар замирида юксак ахлоқ, комил инсон қиёфасини акс эттирувчи ахлоқий фазилат ифода этилган. Дарҳақиқат, агар одамда эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал уйғун бўлмас экан, ундай одамнинг қадр-қиммати ҳам бўлмайди, ундай одамга ишониб ҳам бўлмайди, ундай одам кўпчилик назаридан қолади.

Европа уйғониш даврининг мутафаккирлари ахлоқий қадриятларга трансцендентал ахлоқ нуқтаи назаридан эмас, балки реал, амалий ахлоқ, ҳаётий, дунёвий нуқтаи назаридан қараладиган бўлди. Голланд файласуфи Спиноза ахлоқни илоҳийлаштириб талқин этишни танқид қилди. У ақлни ахлоқнинг асоси деб эътироф этиб, кишининг хатти-ҳаракатлари фақат унинг ўзига боғлиқ, одамнинг ўзи яхши-ёмонни ажратишга қодир эканлигини таъкидлайди, инсоннинг тафаккури қудратига ишонч унинг ахлоқий таълимотининг ютуғидир. Немис файласуфи Кант эса инсон ҳиссиёти орқали нарса ва ҳодисалардан қониқиш ҳосил қилади, бу қониқиш уни ҳатто фикрлашга чорлайди. Инсон ахлоқий бурч билан, яхшилик қилиш билан бахтга эришиш мумкин, дейди. Кант инсон билишининг имкониятларини кўрсатар экан, фаннинг билишдаги аҳамиятига катта эътибор беради. Шунинг билан Кант, ўз сўзи билан айтганда, “эътиқодга ҳам ўрин қўяди. Ишонч эътиқодгина инсон жонининг ўлмаслигига ишониш эркинлиги асосида худонинг мавжудлигини ақлий исботлайди”, дейди.

Аслини олганда, маълум маънода, динийлик ва ахлоқийлик бир-бирига чамбарчас тушунчалардир. Улар дунё ва инсон ҳаётининг моҳиятига турлича қараш усулларидир. Ҳар иккаласининг ҳам объекти битта – дунёда инсон ҳаёти. Дин ҳам бу дунёда қандай яшаш кераклигини ўргатади. Ғаззолий у дунёдаги дўзах азоблари ҳақида ёзар экан, бу дунёда қандай яшаш лозимлигини уқтиради, кишиларнинг ҳиссиётига таъсир қилиш орқали тарбиялайди. Динлардаги буюк умуминсоний ғоялар аслда дунёнинг ахлоқий масалалрига хизмат қилади. Ижтимоий ҳаётда шундай жараёнлар борки, ундаги муаммоларни ҳал қилишда динийлик кўпроқ самара беради. Аҳлоқий поклик, ўткинчи дунё лаззатларига ҳаддан ортиқ берилиб кетмаслик, инсонга хиёнат қилмаслик, Оллоҳ яратган яхши нарсаларга зарар етказмай, табиатни асраб-авайлаш каби муаммоларни ҳал қилишда диннинг аҳамияти салмоқли. Бундан ташқари кишилик жамиятининг маънавий такомиллик даражаси бевосита диний дунёқарашнинг шаклланиши билан боғлиқ. Чунки диний дунёқараш кишининг дунё тўғрисидаги тасаввурларини яхлит бир тизимга келтириб олам тўғрисида эътиқодга асосланган умумий изчил манзарани яратади. Бу эса ижтимоий тараққиётнинг кейинги босқичлари учун зарур бўлган маънавий такомиллашиш жараёнининг узлуксизлигини таминлашга хизмат қилади.

Маълумки жамият тараққиёти давомида турли дин шакллари вужудга келди. Дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни жонлантириб, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантира олган қудратли омил эканлигини доимо эсда сақлашимиз зарур. Бу эса ўз навбатида фуқароларимизда маданият, баҳамжиҳатлик, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Уларни муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларига руҳий мадад берувчи қудратли куч сифатида, қадриятларимизни сақлаб қолинишини таъминлаб авлоддан авлодга етказишда кенг имкониятлар очиб беради.

Деярли барча тарихий даврларда хусусан, ҳозирги пайтда ҳам давлат сиёсати даражасида диндан ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида фойдаланиб келинган. Динни вужудга келтирувчи ижтимоий, тарихий, гносеологик ва психолгик илдизларнинг ҳар бири унинг моҳиятини англаб олишимизга имкон туғдиради.

Бугунги кунда демократик жамиятларда диний ташкилотларнинг ғоявий ва амалий фаолиятини ижобий баҳолаётганлигини эътироф этмоқ керак.

Дин ва давлат ўртасидаги муносабатларда миллий, умуминсонийлик ва ахлоқийлик тамойилларининг ўзаро уйғунлигига амал қилиниши, дин ва диний муассасаларга

холисона ёндашилиши давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида ўз аксини топаётганлигини қайд қилмоқ зарур. Бундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда содир бўлаётган демократик жараёнларда диний ташкилотларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортиб бориши кузатилмоқда.

Диний ташкилотларга хос ижтимоий-сиёсий фаолликнинг ортаётганини эътиборга олиб, уни икки йўналишда - ижтимоий ҳаётда ва дунёқарашда шахснинг фаоллигини ошириш кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунга кўра, диннинг ижтимоий илдизлари жамият аъзоларини фаолликка , эзгуликка, тинчлик ва хотиржамликка етакловчи омилга айланаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Маълумки, диннинг илдизлари бевосита инсон руҳияти билан боғлиқ тарзда талқин этилади. Бу ўринда инсоннинг ақлий ва ахлоқий имкониятларини ҳам ўзаро боғлиқликда олган ҳолда маънавий-маърифий тарбияда диннинг ҳам ўзига хос аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти “...диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарур”, деб такидлайди.

Чинакам ахлоқли инсон диндор бўлгани ёки дўзахдан қўрққани учун эмас, аксинча, айнан ахлоқли бўлгани учун ҳам Яратганнинг кўрсатмаларига амал қилади. Диндан мутлақо бехабар, бироқ “дин ҳимоячисиман” дейдиганлардан минг чандон ахлоқлироқ инсонларни кузатганимизда улардаги ахлоқ диндан эмас, бошқа бир асосдан келиб чиқаётганига амин бўламиз. Бундай инсонларни мусулмонлар, насронийлар, буддистлар, яҳудийлар, атеистлар орасидан кўплаб топиш мумкин.

Хўш, дин жамият ахлоқини яхшилай олмаса, у ҳолда нима бу вазифани бажаради? Бунга жавобимиз жуда оддий – тўғри йўлга қўйилган таълим ва қонунлар ижросининг қатъий таъминланишигина вазиятни ўнглаши мумкин. Бир томондан мустақил, танқидий фикрлай оладиган шахсни тарбиялашни бош мақсадга айлантирган дунёвий таълим тизими ва адолат тамойилларига содиқ ижроия ва суд ҳокимияти. Ана шу икки шарт бажарилгандан кейингина дин жамиятда ижобий роль ўйнай бошлайди, кишиларнинг маънавий-руҳий озуқасига айланади. Ислом давлатларида эса вазият бунинг акси. Давлат ўзининг энг муҳим функцияси – қонун устуворлигини таъминлай олмайди, етарлича дунёвий таълим кўрмаган омма эса дунёвий қонунлар ва ҳукуматни тан олмайдиган радикал воизларнинг итоаткор сомеларига айланиб қолган. Ваҳоланки, бундай радикал воизлар бошқа динларда ҳам бор. Бироқ уларнинг таъсири биз

мусулмонлардагичалик эмас. Нима учун? Шунинг учунки, уларнинг сомелари бизлардагичалик ишонувчан эмас. Ишонувчанлари ҳам башарти ҳаддидан ошса, қонун уларнинг жойи қаерда эканини кўрсатиб қўяди. Биз биламизки, АҚШда радикал диний секталар анча фаол. Бунинг сабаби, бизнингча, у ерда мактаб таълими етарли даражада қониқарли эмас. “Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг 2010 йилги ҳисоботига кўра, АҚШ бу соҳада ривожланган давлатлар орасида 23-ўринни эгаллайди”. Нуфузли университетлар ва баъзи хусусий мактабларгина хорижликлар эътиборини ўзига жалб эта олади. У ҳолда нега ўша секталар ижтимоий ахлоқсизлик ва тартибсизликларни келтириб чиқариб, хавфсизликка таҳдид сололмайди? Бунинг сабаби оддий – у ерда конституция ва қонунларни бузганлар жазодан қочиб қутула олмайди. Мавриди келганда бир масалага тўхталиб ўтиш жоиз. Аввал дунёвий таълим бериш керакми ёки диний, деган мавзуда баҳслар бўлиб туради. Бу саволга жавоб қилишда аввал диний таълим кўрганлар кўпроқ экстремизмга мойилми ёки дунёвий таълим олиб сўнг дин билан қизиққанларми – мана шунга эътибор қаратишимиз лозим. Худо, нариги дунё, жаннат, дўзах, гуноҳ каби тушунчаларни энди таълим олишни бошлаётган, дунё ва инсонлар тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлмаган боланинг онгу тафаккури қабул қилишга қодир эмас. Улар бола ақлини, таъбири жоиз бўлса, фалаж аҳволга солиб қўяди. Оқибатда эса эркинликдан, эркин ва танқидий фикрлашдан қўрқадиган, дунёвий фанлар борасида эса қуруқ ёдлашдан нариги ўтмайдиган чаламуллалар пайдо бўлади. Чунки дин тафаккурга эмас, балки авторитетга сўзсиз ишониш ва итоат этиш кўникмасини аввал-бошданоқ шакллантириб қўяди. Эркин ахлоқий тафаккур салоҳияти эса ҳали бўй кўрсатмасданоқ янчиб ташланади. Бундай таълим кўрганлар кейинчалик ҳам эътиқодига ва ахлоқига зид ёки ўзгачароқ фикрга дуч келса, ўша заҳоти ундан халос бўлишга интилади. Ундаги ижодкорлик қобилияти чекланиб қолади. Демак, диний таълим фақат юқори синф ўқувчиларига берилиши, шунда ҳам дарс тарғибот мақсадида эмас, билим бериш учун, хулоса чиқаришни ўқувчининг ўз ақлу тафаккури ихтиёрига қолдирган ҳолда ўтилиши, динлар ўзаро қиёсий ўрганилаётганда холислик ва танқидийлик тамойилига риоя этилиши, бизнингча, мақсадга мувофиқдир. Дин етарлича дунёвий таълим кўрган жамиятда ижобий роль ўйнаса, бунинг акси бўлган вазиятда аҳвол ўзгача тус олади.

ХУЛОСА

Демак, ёшларимизнинг динга бўлган муносабатларини ижобийлигини ҳамда унга нисбатан қизиқишнинг юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, маънавий-маърифий тарбияда диний омил ҳам ўзига беқиёс аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Зеро, мустақил давлатимизга, энг аввало, иймони бутун, қалби тоза инсонлар, биринчи навбатда ёшлар керак. Ҳар кунги фаолиятларида инсонларга эзгу амаллар, савоб ишлар қилиш, солиҳ хулқ соҳиби бўлган ёшларимиз дунёқараши-нафақат ўзини шу билан барча ёр-биродарларини ҳам эзгуликка етаклайдиган маънавий омиллардан бири эканлигига ёш авлодни ишонтиришнинг ўзи ҳам дунёвий маърифатдан ўзга нарса эмас.

Умуман олганимизда, диний ғояларни англаш ва ўрганиш, ҳозирги вақтда кенг қамровли ислоҳотларни ўтказиш жараёнида жамиятни маънавий бойитиш, миллий онгимизни янада юксалтириш, келажаги буюк давлатни яратувчи ёш авлодни дунёвийлик руҳида, миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилган бўлур эди.

REFERENCES

1. Аристотель. Политика. –М., 1911. С. 9.
2. Фромм Э. Человек для себя. Минск, Хорвест, 2004. С. 18.
3. Ницше Ф. Зардўшт таваллоси.//Тафаккур. 1995. 1-сон. Б. 94
4. Schiepp P. I.Kants practical ethics Evanston, 1964. P. 71.
5. И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Тошкент 1997. 36-бет.
6. Раматов, Ж. С., Баратов, Р. Ў., Кушаков, Ф. А., Валиев, Л. А., & Хасанов, М. Н. (2022). ЖАМИЯТДА СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *PEDAGOGS jurnali*, *19*(1), 13-18.
7. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 963-969.
8. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Ҳ., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, *8*(1), 102-108.
9. Ҳасанов, М. Н., Бекмуратов, Б. Ж., Турғунов, Б. Ш., & Маматқулов, У. С. (2022). ФОРОБИЙНИНГ ТАЪЛИМОТИДА ЁШЛАР ВА ИНСОН ТАЛИМ-ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАХЛИЛИ.

10. Ҳасанов, М. Н., Зайниддинов, Б. З., Абдухалилов, О. А., & Джурайев, Д. Д. (2022). МЕҲНАТДА ИНСОННИ ШАКЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ.
11. Ramatov, J.S. va Xasanov, MN (2022). Ta'lim amaliyotida innovatsiyalarni jalb qilishning nazariy modelini tahlil qilish. *Sharq uyg'onishi: innovatsion, ta'lim, tabiiy va ijtimoiy fanlar* , *2* (6), 937-942.
12.У.К.Эрниёзов, М.Н. Ҳасанов, & Х.С.Машарипов. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ АНТРОПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, *4*(3), 130–136.
13.Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Л. А. Валиев (2022). ИНСОН ДУНЁҚАРАШИНИНГНИНГ ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ТАЛҚИНИ. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2 (7), 78-82.
14.J. S. Ramatov, M. Hasanov MAFKURAVIY AXLOQ TARBIYASINING AHAMIYATI // Pedagogik fanlar boyicha akademik tadqiqotlar. 2022 yil. 6-son. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/mafkuraviy-ta-didlarni-oldini-olishda-ahlo-iy-tarbiyaning-a-amiyati (kirish sanasi: 04.10.2022).
15.Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 973-979.
16.Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Лочин Азаматович Валиев (2022). АУРОБИНДО ГХОШ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАЛСАФИЙ МЕЪРОСИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 1161-1169.

ИПАК ТОЛАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИ

Мардонжон Олим ўғли Аслонов
Ўзбекистон Миллий университети
aslonov.mardon@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада «АГУ-112» ва «Пайпи» навли ипак толаларининг электрўтказувчанлигининг температура таъсирида ўзгаришини ва вольт-ампер характеристикасини ҳамда турли янги легирлаш моддаларига боғлиқлиги қонуниятлари таҳлил қилинган. Тажрибада намуналарни легирлаш учун 5% ли $Al_2(SO_4)_3$ нинг сувдаги эритмаси ва 10% ли йоднинг спиртдаги эритмаси олинди.

Калит сўзлар: «АГУ-112», «Пайпи», $Al_2(SO_4)_3$, легирланган ипак толаси, интеграция, микроэлектроника, электрон техника, наноэлектроника, наноструктуралар, яримўтказгич.

ABSTRACT

In this article, the change of electrical conductivity and volt-ampere characteristics of "AGU-112" and "Pypi" silk fibers under the influence of temperature and the laws of dependence on various new alloying substances are analyzed. In the experiment, a 5% solution of $Al_2(SO_4)_3$ in water and a 10% solution of iodine in alcohol were taken for alloying the samples.

Keywords: "AGU-112", "Pypi", $Al_2(SO_4)_3$, doped silk fiber, integration, microelectronics, electronic technology, nanoelectronics, nanostructures, semiconductor.

КИРИШ

Ҳозирги пайтда микроэлектроника ўзининг энг юқори босқичига эришди. Бу эса ўз навбатида электрон техниканинг интеграциясини, яъни наноэлектроникани ривожлантиришдир. Наноэлектроника равнақи, толалар физикасини мукаммал ривожлантиришни тақозо этади. Бундан келиб чиққан ҳолда XXI асрнинг биринчи ярмида наноструктуралар ривожланишининг долзарб муаммоларини ҳал қилишнинг йўлларидан бири толалар физикаси асосларини ўрганиш ўта муҳимдир. Ўзбекистонда пахта ва ипак толалари дунёда биринчи бўлиб яримўтказгич хоссаларга эга эканлиги аниқланди. Текширишлар шуни кўрсатадики пахта ва ипак толалари навларига қараб хусусиятлари ҳар хил бўлар экан. Табиий толалар наноструктурага эгадир. Бундай структураларни ўрганишда, улардаги физикавий жараёнлар ва ҳодисалар намоён бўлади [1-4].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозиргача табиий толаларнинг хусусан, пахта ва ипак толаларининг физикавий хусусиятлари тўлиқ текширилмаган айниқса, электрофизикавий хоссалари. Шунинг учун табиий толаларининг электрофизик хоссаларини ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бу тадқиқот ишимизда илгари текширилмаган, «АГУ-112» навли ипак толаларининг электрўтказувчанлигининг температура таъсирида ўзгаришини ва вольт-ампер характеристикасини ҳамда турли янги легирлаш моддаларига боғлиқлиги қонуниятларини аниқлашдан иборат.

НАТИЖАЛАР

Тажриба учун «АГУ-112» навли ипак толалари танлаб олинган. Тажрибада намуналарни легирлаш учун 5% ли $Al_2(SO_4)_3$ нинг сувдаги эритмаси ва 10% ли йоднинг спиртдаги эритмаси олинди. Ипак толалари камида 30 минут бу эритмалар ичига солиниб шимдирилди. Эритма билан тўлиқ ҳўлланган толалар термостат ичига жойланиб 75^0C ли ҳароратда 5 соат давомида легирланди. Толалар таркибига кириб қолган атомлар унинг электрофизик хоссаларини бир неча ўн марта оширади.

Кимёвий бирикмалар билан легирланган ипак толасининг молекуляр структурасини ўзгариши натижасида уларнинг электрон ҳолатини ўзгартириш мумкин. Бу ўз навбатида, ипак толаларида электрофизик хоссаларини ўзгаришига олиб келади. Ипак толалари 75^0C температурада 5% ли $Al_2(SO_4)_3$ ва 10% ли йод билан беш соат давомида ишлов берилган намуналарни вольт–ампер характеристикаси 1-расмда келтирилган. «АГУ-112» ИТ си намунасига берилган кучланиш миқдори 0-100 В гача бўлиб, ҳар хил температураларда тадқиқот олиб борилди.



1-расм. «АГУ-112» навли ИТнинг ВАХ лари: 1-Дастлабки(легирланмаган) «АГУ-112» ИТнинг ВАХ; 2- 5% ли $Al_2(SO_4)_3$ билан легирланган «АГУ-112» ИТнинг ВАХ; 3-10% ли йод билан легирланган «АГУ-112» ИТнинг ВАХ.

Иккинчи тажриба учун «Пайпи» навли сариқ рангли ипак толалари танлаб олинган. Тажрибада намуналарни легирлаш учун 5% ли кальций дигидроген $Ca(H_2PO_4)_2$ нинг сувдаги эритмаси олинди. Ипак толалари бу эритмалар ичига солиниб шимдирилди. Толалар таркибига кириб қолган атомлар унинг электрўтказувчанлигини бир неча ўн марта оширади.

Кимёвий бирикмалар билан легирланган ипак толасининг молекуляр структурасини ўзгариши натижасида уларнинг электрон ҳолатини ўзгартириш мумкин. Бу ўз навбатида, ипак толаларида электрофизик хоссаларини ўзгаришига олиб келади. Легирланмаган «Пайпи» навли сариқ рангли ипак толасидан ўтадиган ток жуда кичик эканлиги аниқланди (I<10-10нА). Намунадаги толалар сони 17465 тадан иборат.



2 – расм. $Ca(H_2PO_4)_2$ билан легирланган «Пайпи» навли сариқ рангли ипак толасининг ВАХ си (1). Сублимациядан кейинги ВАХ си (2).

2 – расмда (2 – чизиқ) $Ca(H_2PO_4)_2$ билан легирланган намунанинг ВАХ си келтирилган. Намунага 100 V кучланиш қўйилганда намунадан 2 nA гача ток ўтганлигини кўриш мумкин. Сўнгра намунани 50^0C гача қиздирганда, сублимация натижасида намунадан ўтадиган ток камайганлигини кўришимиз мумкин (2 – расм, 2 – чизиқ).

Тадқиқотлар натижасини хулоса қилиб айтганда илк бор ҳали физикавий

хусусиятлари тадқиқ қилинмаган «Пайпи» навли сариқ рангли ипак толаларининг электрофизикавий хоссалари аниқланди.

МУҲОКАМА

«Пайпи» навли сариқ рангли ипак толалари танлаб олинган. Тажрибада намуналарни легирлаш учун 5% ли кальций дигидроген $Ca(H_2PO_4)_2$ нинг сувдаги эритмаси олинди. Ипак толалари бу эритмалар ичига солиниб шимдирилди. Толалар таркибига кириб қолган атомлар унинг электрўтказувчанлигини бир неча ўн марта оширади. Кимёвий бирикмалар билан легирланган ипак толасининг молекуляр структурасини ўзгариши натижасида уларнинг электрон ҳолатини ўзгартириш мумкин. Бу ўз навбатида, ипак толаларида электрофизик хоссаларини ўзгаришига олиб келади.

ХУЛОСА

Тажрибада намуналарни легирлаш учун 5% ли кальций дигидроген $Ca(H_2PO_4)_2$ нинг сувдаги эритмаси олинди. Ипак толалари бу эритмалар ичига солиниб шимдирилди. Толалар таркибига кириб қолган атомлар унинг электрўтказувчанлигини бир неча ўн марта оширади. Тадқиқотлар натижасини хулоса қилиб айтганда илк бор ҳали физикавий хусусиятлари тадқиқ қилинмаган «Пайпи» навли сариқ рангли ипак толаларининг электрофизикавий хоссалари аниқланди.

REFERENCES

1. Х.У. Усманов, Г.В. Никонович. Электронная микроскопия целлюлозы. Ташкент. «Фан», 1962, 246с.
2. А.Т. Мамадалимов, П.К.Хабибуллаев, М.Шерматов // УФЖ, 1999г. т.1. №6, стр.465-479.
3. А.Т.Мамадалимов. Новое научное направление физики полупроводников: природные полупроводники. “Тенденции развития современной физики полупроводников: проблемы, достижения и перспективы”. Сборник материалов международной онлайн конференции. www.e-science.uz 28 мая 2020г., с 16-25.
4. Н.К.Хакимова. Свойства природных полупроводниковых волокон. Ташкент. “KALEON PRESS”, 2021 г., 112 с.

VALENTLIK NAZARIYASI

Ravshanxo‘ja Rasulov
Chirchiq davlat pedagogika universiteti professori

ANNOTATSIYA

So‘zning nutqda o‘rganilishi, uning boshqa so‘zlar bilan birika olish imkoniyati, semantik sintagmani tuzuvi, o‘z semantikasini to‘la ochish uchun muayyan so‘z va so‘z formalarini talab etishi valentlik nazariyasining asosidir.

So‘z valentligi substansial-semantik fakt sifatida so‘z ma’nosi bilan, so‘z ma’nosining gap konstruksiyasida voqelanishi bilan bog‘liqdir. Valentlik nazariyasining obyektivligi, aktualligi, ilmiy-amaliy mohiyati so‘zning leksik-semantik kuchi, mavqei bilan belgilanadi. Valentlik nazariyasi tilshunoslikning semasiologiya, semantik sintaksis kabi muhim va murakkab sohalari bilan bevosita aloqador.

Kalit so‘zlar: valentlik, so‘z valentligi, semantik munosabat, sintaktik munosabat, fe’l valentligi.

KIRISH

So‘zning “ruhi”, “joni” bo‘lgan semantikasi uning muayyan so‘zlar bilan birikishini ta’minlaydiki, birikma, gap kabi nutq birliklari so‘zlarning nutqda boshqa so‘zlar bilan birika olish ma’no imkoniyatining, valentlik munosabatining natijasi sifatida qaralmog‘i lozim. Bundan valentlik nazariyasining tilshunoslik fani uchun ilmiy-amaliy ahamiyati qay darajada katta ekanligi yaqqol aks etib turibdi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODIKASI

Tilshunoslikka valentlik nazariyasi o‘tgan asrning 40-yillari oxirida kirib kelgan (1). Valentlik nazariyasida biror so‘zning boshqa so‘zni o‘ziga biriktirish xususiyati umumlashtiriladi (2).

Tilning aloqa vositasi sifatidagi ijtimoiy-amaliy, ilmiy qiymati uning birliklarining mazmun planiga egaligidan, biror tushunchaning ifodalanishidan kelib chiqadi (3).

NATIJALAR

Valentlik so‘zga substansial yondashuvning natijasi sifatida so‘zning ichki imkoniyati, so‘zga xos muayyan semantik xususiyat sifatida baholanadi. Murakkab tushuncha ifodalovchi

nutq birliklaridan tortib, fikr ifodalovchi nutq birliklarining yuzaga kelishi bevosita so‘z valentligi bilan bog‘liqdir. Ayni vaqtda so‘zlarning nutqda birikib kelishi mutlaq hodisa emas, balki nisbiydir. Chunki so‘zlar grammatik model taqazo etgan har qanday so‘zlarga emas, balki ulardan ba’zilariga birikadi (4). Demak, so‘zlarning o‘zaro birikish imkoniyati chegaralangan bo‘lib, bu har bir so‘zning ma’no imkoniyati bilan o‘lchanadi. Aniqrog‘i, birikuvchi so‘z sememalarining semalar tarkibida shu sememalarni biriktirish qobiliyatiga ega, har ikkala sememaga umumiy xos semantik komponentlar (klassemalar) bo‘lib, semantik sintagma sememalari shu semalar orqali o‘zaro birikadi, mantiqiy munosabatga kirishadi (5). Ko‘rinadiki, so‘zlar ba’zi so‘zlar bilan semantik birikib, sintaktik konstruksiyani hosil qilsa, boshqa so‘zlar bilan faqat lisoniy fakt, nominativ birlik xarakteriga egaligi bilangina umumiylikni hosil qiladi, ya’ni ular o‘zaro mantiqiy aloqaga kirishmaydi. Bunday munosabatga kirishganda ham, bu faqat sun’iy, shaklan bo‘lib, obyektiv turlicha faktlar bilan tasdiqlanmaydi. Qiyoslang: *semiz xolodilnik, to‘rtburchak velosiped, odamni o‘qimoq* kabilar.

So‘zlarning birikishi, ular orasidagi mantiqiy aloqa dastavval til birliklarining semantik imkoniyatiga (substansial xususiyatiga) ko‘ra amalga oshadi. Demak, so‘zlarning (leksemalarning) semantik bog‘lanishi bevosita ular sememalarining semantik munosabatini yuzaga chiqaradi. Leksema sememalarining o‘zaro munosabati masalasi esa hozirgi tilshunoslikning (semasiologiyaning) eng muhim nuqtasidir. Demak, muayyan so‘zning muayyan so‘z bilan birikishi uning semantik imkoniyatiga ko‘ra sodir bo‘lsa, bu holda talab qiluvchi va talab qilinuvchi so‘zlarning o‘zaro munosabati masalasi yuzaga keladi. So‘zlar orasidagi semantik munosabat esa bevosita sintaktik munosabatni yuzaga keltiradi, ya’ni semantik sintagmalarni, sintaktik konstruksiyalarni tuzadi. Chunki sintaktik munosabat asosida semantik munosabat yotadi. Bundan esa o‘z navbatida semantika va sintaksisning o‘zaro dialektik bog‘liqligi masalasi kelib chiqadi. Aniqrog‘i, V.G.Gak ta’kidlaganidek, “sintaksis qanchalik semantik tabiatga ega bo‘lsa, semantika ham shunchalik sintaktik tabiatga egadir”(6).

Sintaktik birliklarning semantikasi, ular komponentlarining o‘zaro munosabati, jumladan, nutqda fe’l leksemaning boshqa nutq birliklari bilan birika olish imkoniyati kabi masalalar-semantik sintaksis tilshunoslik fanining eng kam o‘rganilgan aspektidir(7). Semantik sintaksisning birikma semantikasi va gap semantikasi kabi turlari uning asosiy, muhim tomonlaridan biridir. Ayni vaqtda so‘z (fe’l) valentligi bevosita semantik sintaksis bilan bog‘liq masaladir. Demak, valentlik semantik-sintaktik jarayon sifatida alohida diqqatga sazovordir. Aytilganlarga ko‘ra so‘z valentligi masalasini

o‘rganish semantik sintaksis bilan uzviy bog‘liq bo‘lib, keng ma’noda so‘z , so‘z birikmasi va gap semantikasini o‘rganish demakdir.

MUHOKAMA

So‘z valentligi substansial hodisa sifatida bevosita so‘zning xususiyati, uning semantik qobiliyati ekan, bundan mantiqiy ravishda so‘zning semantik valentligi tushunchasi kelib chiqadi. Binobarin, so‘zning semantik valentligi so‘zga tegishli potensial semantik imkoniyat bo‘lib, uning leksik ma’nosidan kelib chiqib, so‘zning boshqa til birliklaridan farqlanishini, alohidaligini, konkretligini ko‘rsatuvchi asosiy me’zon sanaladi. U saylash imkoniga egaligi bilan mustaqil bo‘ladi (8), so‘zlar orasidagi sintaktik aloqani ta’minlaydi. Shunday qilib, til va nutq birligi bo‘lgan so‘zlarning o‘zaro semantik-sintaktik aloqalari aslida ularning o‘zida, substansiyasida (mohiyatida) valentlik imkoni “shaklida” qayd etilgan, jamlangan.

Shuni ta’kidlash lozimki, so‘z valentligi substansial fakt sifatida so‘zning doimiy ichki xususiyati bo‘lib, bu xususiyat nutq faoliyatida, so‘zlarning o‘zaro bog‘lanishida yuzaga kelmaydi. U, aytilganidek, nutqqacha, ya’ni tilda - til “birligi” sifatida so‘z semantik tuzilishida mavjud bo‘ladi, “yashaydi”, potensial imkoniyat tarzida saqlanadi. Nutqda esa ushbu imkoniyat, substansial fakt “harakatga keladi”, namoyon bo‘ladi, turli nutq birliklarida o‘zining aniq ifodasini topadi. Demak, valentlik, bir tomondan, jonli nutqni – so‘zlar orasidagi sintaktik aloqani, so‘zlarning o‘zaro birikuvini ta’minlaydi, ikkinchi tomondan, valentlik so‘zlar orasidagi sintaktik aloqada, so‘zlarning birikuvida “ko‘rinadi”, ta’sir qiluvchi “kuchga” aylanadi. Binobarin, sintaktik aloqadan valentlik kelib chiqmaydi, balki valentlikdan sintaktik aloqa kelib chiqadi.

Valentlik – ichki imkoniyat, potensial bo‘lsa, sintaktik aloqa uning namoyon bo‘lishidir. Valentlik – til “birligi” bo‘lsa, sintaktik aloqa nutq “birligi”dir. Valentlik – mohiyat bo‘lsa, sintaktik aloqa hodisadir. Valentlik – umumiylik bo‘lsa, sintaktik aloqa xususiylikdir. Valentlik – sabab bo‘lsa, sintaktik aloqa natijadir. Shunday qilib, so‘z semantik valentligi, aytilganidek, nutqda so‘zlarning o‘zaro birikishida – kommunikativ va nominativ birliklarning hosil bo‘lishida “tug‘ilmaydi”, balki u “azaldan” so‘zda, uning substansiyasida mavjud yashirin imkoniyat – yuzaga chiqishga tayyor turgan semantik qobiliyat bo‘lib, bu substansial xususiyat nutq jarayonida voqe bo‘ladi. S.N. Ivanov ta’kidlaganidek “grammatik forma … muayyan xususiyatlarga (grammatik formaning ma’nolari) ega narsa, predmet bo‘lib (falsafiy ma’noda), bu xususiyatlar shu narsa, predmetning turlicha munosabatlarida yuzaga chiqadi (grammatik formaning sintaktik funksiyalari) (9) yoki “grammatik forma… o‘zining konkret

reallashishidan tashqarida ham o‘z xususiyatlariga, ma’nolariga ega bo‘ladi” (10). Shunisi xarakterliki, so‘z valentligi har qancha yetakchi, birlamchi, asosiy bo‘lmasin, u nutqda – so‘zlar orasidagi o‘zaro munosabatda, nutq birliklarining sintaktik aloqasidagina “qudratli kuchga” – kommunikatsiyaning asosiga aylanadi. Shu tufayli so‘zlar orasidagi sintaktik aloqa so‘z valentligini yuzaga chiqarishi, reallashtirishi, “ko‘rinadigan” holatga o‘tkazishi bilan alohida muhim ahamiyatga egadir. Demak, so‘z valentligida valentlik munosabatiga kirishgan so‘zlarda ikki tomonlama aloqa, bog‘liqlik bo‘lishi tabiiy va ayni vaqtda zaruriy holdir. Binobarin, valentlik bir tomonlama hodisa emas, balki ikki tomonlama – ham semantic, ham sintaktik hodisadir. Kommunikatsiya jarayoni lisoniy planda semantik-sintaktik jarayon, so‘zlar orasidagi semantik-sintaktik aloqa sifatida baholanadi. Shunday qilib, so‘zlar orasidagi sintaktik aloqa asosida so‘zning valentlik imkoni yotadi. Sintaktik aloqa so‘zning valentlik qobiliyatiga egaligini, valentlik umumiy xususiyatining nutqda, so‘zlar orasidagi turlicha bog‘lanishlarda – xususiylikda namoyon bo‘lishini ko‘rsatadiki, bu aslida “umumiylik va xususiylik, mohiyat va hodisa dialektikasining voqe bo‘lishidir” (11).

Aytilganlardan ma’lum bo‘ldiki, so‘z valentligi ikki tomonlama aloqani talab qiladi. Valentlik faqat hokim, boshqaruvchi so‘z (masalan fe’l) bilangina emas, balki tobe boshqariluvchi so‘z (masalan ot) bilan ham – so‘zlarning hokim va tobe aloqasi bilan belgilanadi. Chunki hokim so‘z (fe’l) semantik qurilishida tobe so‘z (ot) yashirin mavjud bo‘ladi. Nutqda esa ushbu so‘z (ot) harakatga kelib, muayyan grammatik shaklda qatnashadi, sintaktik konstruksiyalarni tuzishda faol ishtirok etadi. Qiyoslang: qolmoq fe’lining semantik valentliklari – bu fe’l bevosita sintaktik aloqaga kirishgan, uning semantik valentliklarini namoyon qiluvchi so‘z va so‘z formalaridir: Men o‘z yurtimda Vatanimni sevganim uchun, xalqimga astoydil mehnat qilish uchun qoldim.



Ko‘rinadiki, qolmoq valentlik substansial xususiyatiga ko‘ra agens, o‘rin, sabab va maqsad kabi valentliklarga ega bo‘lib, ularning ifodalovchilari (realizatorlari) bilan semantik-sintaktik aloqaga kirishgan. Ushbu gapda agens, o‘rin, sabab va maqsad kabi fe’l semantikasining

14. Уголовный Кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V ЗРК, Глава 18, Воинские уголовные правонарушения; электрон манбага мурожаат санаси: 10.10.2022 й., https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252
15. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики, утвержден законом от 28 октября 2021 года № 127, Раздел X. Преступления против военной службы; электрон манбага мурожаат санаси: 27.09.2022 й., https://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112309
16. ВУК Албании, утвержден законом от 28 сентября 1995 года № 8003, электрон манбага мурожаат санаси: 17.09.2022 й., http://www.mod.gov.al/images/akteligjore/ kodipenal/1.pdf.
17. Crime code of Serbia, утвержден законом от 29 сентября 2005 года № RS053, Глава 35. Criminal offences against the army of Serbia, article 417, электрон манбага мурожаат санаси: 03.11.2022 й., https://wipolex.wipo.int/ru/legislation/details17052
18. Penal code of Estonia, утвержден законом от 06 июня 2001 года № RT I 2001, 61, 364, Глава 24. Offences relating to service in defense forces, электрон манбага мурожаат санаси: 27.09.2022 й., https://derechos.org/intlaw/doc/est1.html

FRAZEOLOGIK BIRIKMALARNING TARJIMA MASALASI

Orzigul Ulugbek qizi Ablakulova
Chirchiq Davlat pedagogika univesiteti
nurmuhammadjon19@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada atoqli tarjimashunos olimlarning ingliz badiiy diskursida uchraydigan turg‘un so‘z birikmalarini tarjima qilishdagi muammolar haqidagi fikrlari hamda turg‘un so‘z birikmalarini tarjima qilishda foydalaniladigan strategiyalar keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: tarjima, turg‘un so‘z birikmalari, iboralar, ekvivalent, idiomatik tarjima, strategiya.

KIRISH

Hozirgi zamon ingliz tilshunosligida tarkibiy tuzilish va ma'no jihatdan ajralmas birikmalar turg‘un so‘z birikmalari deyiladi. Ular nutqda erkin holda hosil bo‘lmaydi, nutqga tayyor holda kirib keladi. Bunday so‘z birliklari tarkibiga kiruvchi leksik komponentlar turg‘un bo‘lib, ular yagona umumiy ma'no bilan birlashadi.Turg‘un so‘z birikmalarini badiiy matnlarda juda ko‘p uchraydigan leksik birliklardan biri hisoblanadi. Bo‘yoqdorligi, hissiy ekspressivligi, anyan bir 222 til egalarining madaniyatiga xosligi tufayli ularni tarjima qilish erkin so‘z birikmalarini tarjima qilishga qaraganda murakkabroq jarayon hisoblanadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Turg‘un so‘z birikmalarini tarjima qilish hozirgi zamon tarjimashunosligi uchun dolzarb masalardan biri hisoblanadi. Shuni ta'kidlash kerakki, tarjima jarayonida unga teng keladigan ekvivalentini topish tarjimon uchun eng muhim bosqichdir. Tarjima jarayonida turg‘un so‘z birikmalarini tarjima qilish uchun tarjimon ularni erkin so‘z birikmalaridan ajrata olish, frazeologik lug‘atlardan foydalanishi va turg‘un so‘z birikmalari qatnashgan kontekstni yaxshi tushinib olishi muhim ahamiyatga ega. Turg‘un so‘z birikmalari ko‘p hollarda madaniyat xususiyatlarini va aynan bir millatning mentalitetini o‘zida aks ettiradi. Shu sababli, turg‘un so‘z birikmalarini tarjima qilish zamonaviy tarjimonlik uchun dolzarb mavzu sifatida qaraladi hamda tarjimashunoslikda turg‘un so‘z birikmalarini tarjima qilishdagi qiyinchiliklar chuqur o‘rganilgan

va ularni tarjima qilishga oid bir qator yo‘nalishlar ko‘rsatib o‘tilgan.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Tarjimashunos olim Nyumarkning (1988) fikriga ko‘ra: ""Ibora" nafaqat ma'nosi ularning tarkibiy qismlarining ma'nolaridan anglanib bo‘lmaydigan so‘zlar guruhi, balki, biror til egalari uchun tabiiy bo‘lgan lingvistik ishlatilishi va odamlar o‘ziga xos tarzda foydalanishi hisoblanadi"(28-bet). Shu bois turg‘un so‘z birikmalarini tarjima qilish bir qator qiyinchiliklarni yuzaga keltiradi. Nyumarkning takidlashicha, tarjimon duch keladigan asosiy muammolar grammatik emas, balki leksik, ya'ni, so‘zlar, turg‘un so‘z birikmalari, maqollar va iboralar hisoblanadi. (Newmark, 1988).

Davies talabalar iboralar va turg‘un so‘z birikmalarini tarjima qilishda duch kelishi mumkin bo‘lgan bir qator muammolarni qayd etib o‘tgan:

-turg‘un so‘z birikmalarini tanish va ajratib olish;

-matn tajima qilinishi zarur bo‘lgan tilda ekvivalentning yo‘qligi;

-tarjima qilish mo‘ljallangan tilda tarjima qilinayotgan farazeologik birlikning ekvivalenti mavjud bo‘lsa ammo bu farazeologik birlikdan manba matnda boshqa maqsadda foydalanish holatlari; -manba matnda bir idioma bir vaqtning o‘zida asl ma'nosida va ko‘chma ma'noda ham ishlatiladigan hollarda (2004, 193-bet)

Beyker (1992) "turg‘un so‘z birikmalarini tarjima qilish jarayonida kelib chiqadigan asosiy muammolar deb ikkita asosiy yo‘nalishni ko‘rsatib o‘tadi: turg‘un so‘z birikmalarini tanib olish hamda to‘g‘ri tarjima qilish va turg‘un so‘z birikmalari tarjima qilish mo‘ljallangan tilga olib o‘tadigan ma’noning turli jihatlarini ham tarjima qilishdagi qiyinchiliklar”

Mollanazar uchun "iboralarni tarjima qilishda birinchi qadam ularni tanib olishdir. Tarjimonlar iboralarni so‘zma-so‘z tarjima qilish kabi xatolikka yo‘l 223 qo‘yadilar. Idiomlarni so‘zma-so‘z tarjima qilish ko‘pincha bema'ni yoki hatto ba'zan kulgili tarjimani vujudga keltiradi "(2004, 52-bet).

Straksiene (2009) ma'lumotlariga ko‘ra, tarjimon tarjima qilishda duch keladigan muammolardan biri bu iboralar darajasida ekvivalentlikning yo‘qligi. Barcha tillarda iboralar mavjud. Ammo ikkalasida ham manba tilidagi iboraga shaklan va ma'no jihatdan mos keladigan ekvivalentni topish oson emas. Idiomalar madaniyatga bog‘liq elementni o‘z ichiga olishi mumkin va bu tarjimon uchun muammo tug‘diradi.

Idiomlarni tarjima qilish strategiyalari

Tarjimashunoslik tarixi davomida mantni bir tildan ikkinchi tilga tarjima qilishda foydalaniladigan turli xil strategiyalar haqida

yozilgan ko‘plab ilmiy adabiyotlar mavjud. Alohida olingan so‘zlarni tarjima qilishdan tashqari "so‘z kombinatsiyasi darajasidagi tarjimaning eng tipik namunasi bu turg‘un so‘z birikmalarining tarjimasi "(Katford, 1965, 44-bet). U shuningdek, bunday birliklarning ma'nosi ularning tarkibiy qismlarining ma'nosi bilan bir xil emasligini va bunday birliklarni ko‘p hollarda so‘zma-so‘z tarjima qilish mumkinmasligi ta'kidlaydi. Turg‘un so‘z birikmalariga "tarjima birligi” sifatida qaraladi.

Beyker (1992) fikricha, odamning chet tilida iboralar va turgu’n so‘z birikmalarini ishlatish bo‘yicha kompetentsiyasi til egasiniki bilan taqoslab bo‘lmaydi. Uning ta'kidlashicha, ko‘pchilik tarjimonlar ibora va turgu’n so‘z birikmalarini qachon va qanday foydalanish borasida ona tilida so‘zlashuvchilari bilan bir xil dajajaga erisha olmaydilar. U shuningdek, tarjima jaraynida tilning tabiiy ishlatilishi matn va muallif, mavzu va o‘quvchilardan kelib chiqqan holda turli xil turg‘un so‘z birikmalari, uslublar yoki registrlarni o‘z ichiga oladi (Newmark, 1988). U iboralar tarjima qilish va idiomatik tarjima turlarini ajratib ko‘rsatadi va shunday deydi “idiomatik tarjima asl nusxadagi xabarni takrorlaydi, ammo asl nusxada mavjud bo‘lmagan turg‘un so‘z birikmalarini va iboralarni afzal ko‘rish orqali ma'nodagi kichik farqlarni buzadi.” (Newmark, 1988, 47-bet).

Beyker tarjima strategiyasida turg‘un so‘z birikmalarini va iboralarni tarjima qilishga oid to‘rt strategiyani taqdim etadi: (1992, 72-77 betlar)

1. Ma'no va shakl jihatidan iborani o‘xshash ishlatish Ushbu strategiya manba va maqsadli tildagi deyarli bir xil ma'noga ega bo‘lgan iborani ishlatish hisoblanadi, shuningdek bu iboralarning leksemalari ham o‘xshash bo‘ladi. Bunday mutanosiblikkaga faqat kamdan kam hollarda erishish mumkin. Inglizcha “on the tip off my tongue” iborasi o‘zbekcha “tilimning uchida” iborasi bilan o‘xshash ma'no va shaklga ega.

2. Ma’no jihatdan o‘xshash, ammo bir-biriga shaklan o‘xshamaydigan iborani ishlatish Odatda manba tildagi iborasi yoki turg‘un so‘z birikmalariga o‘xshash ma`noga ega bo‘lgan, ammo turlicha leksemalardan tashkil topgan iborani yoki turg‘un so‘z birikmalarini topish mumkin. Masalan, inglizcha "add fuel to the fire” iborasiga o‘zbek tilida "olovga yog‘ sepmoq" iborasi ma’no jihatdan o‘xshash.

3) Parafraza tarjimasi Ekvivalent topilmagan yoki ekvivalent iborani qo‘llash uslubiy jihatdan noo‘rin bo‘lgan holatda turg‘un so‘z birikmalarini va iboralarni tarjima qilishning eng keng tarqalgan usuli hisoblanadi. Masalan, o‘zbekcha “ipidan ignasigacha aytmoq” iborasini “ to tell every detail of something” shaklida tarjima qilish mukin yoki o‘zbekcha “ilonning yog‘ini yalagan” iborasini “cunning” tarzida tarjima qilish mumkin.

4) Tarjimada iboralarni tushirib qoldirish Bitta so‘zlar singari, ba'zida maqsadli matnda iborani umuman tashlab o‘tish mumkin. Bunga sabab iborani osonlik bilan boshqa so‘zlar bilan ifodalashning imkoni yo‘qlgi yoki stilistik jihatdan maqsadli matnga munosib bo‘lmasligi mumkin. Masalan, o‘zbek tilidagi “bor tovog‘im, kel tovog‘im, bormasang, kelmasang, o‘rtada sin tovog‘im” iborasini ingliz tilida ifodalash juda qiyin.

XULOSA

Turg‘un so‘z birikmalarini tarjima qilishda quyidagi strategiyalarda foydalanish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz

-matnda berilgan turg‘un so‘z birikmalarini yaxshi tushinib tahlil qilib olgach uning o‘zbek tilida ishlatinadigan, matn xususiyatiga mos tushadigan o‘zbek tilidagi ekvivalentini topib tarjima qilish;

-matnda keltirilgan turg‘un so‘z birikmasining o‘zbek tilida ekvivalenti topilmasa yoki yoki ulardan foydalanish matn xusiyatlariga mos tushmagan taqdirda turg‘un so‘z birikmalarining ma`nosini erkin so‘z birikmalari yordamida ifodalash;

REFERENCES

1. Baker, M. (1992).In Other Words, a coursebook on Translation. London: Routledge.
2. Bassnett, S. (2002).Translation Studies (3rded.). London and New York: Routledge.
3. Catford, J. C. (1965). A Linguistic Theory of Translation. London: Oxford University Press.
4. Mollanazar, H. (2004). Principles and Methodology of Translation. Tehran: SAMT
5. Newmark, P. (1988). A Textbook of Translation. New York: Prentice Hall. 225
6. Straksiene, M. (2009).Analysis of Idiom Translation Strategies from English into Lithuanian.Retrieved from www.ceeol.com.
7. Aminova S.A. (2022) Teaching English to EFL young learners: The use of acruvity-based.Central Asian Journal For Interdisiplinary Studies (CARJIS) ISSN:2181-2454 Volume 2, Issue 11
8. Umarova D.R. (2021) translation problems of phrasal verbs,. Academic research in educational sciences, ISSN:2181-1385 Volume 2, Issue 2
9. Bo’riyev, F. X., Ablaqulov, L. Q., Qo’Ldosheva, G. X. (2021). Bo‘lajak kimyo o‘qituvchisini uslubiy tayyorgarligida axborot kommunikatsion texnologiyalarning ro’li. Academic research in educational sciences, 2(9), 164-170.
10. Ablakulova O.U. (2021), Diskurs tushinchasi va uning tadqiqi, Academic research in educational sciences 2 (11), 1167-1172, 2021

INVESTIGATING PROBLEMS OF ENGLISH LITERATURE TEACHING TO EFL HIGH SCHOOL STUDENTS

Dilafruz Razzakberdiyevna Umarova
Teacher of English Language Department, Chirchik State Pedagogical University
dilafruz_umarova91@gmail.com

ABSTRACT

This article focuses on the problems of non-native speakers when they read literature in English. In this article also mentions the causes of difficulties in the process of reading literature

Keywords: English literature teaching; student-related problems; English language proficiency; linguistic and literary competence; curriculum development, cultural values, interpretation and inference.

INTRODUCTION

The introduction of English literature as a separate school subject into the Uzbek high school curriculum revealed a slew of issues during its practical implementation, including students' low levels of English proficiency, teacher incompetence, low motivation, and lack of confidence, limited resources, and a lack of materials. The literature component in English is aimed at enhancing students' language proficiency, and it is also geared for the purpose of generating the aesthetic part of the language that is personal response from students.

Different cultures have different sets of values that define ideas such as good and terrible, right and wrong, and reasoning standards. The thought patterns of the inhabitants revolve around cultural norms and values and cannot be characterized outside of their society. Values practiced and accepted in one culture may not be appreciated in another. Dealing with foreign literature is a difficult issue because the content is completely dependent on values and beliefs that necessitate a cross-cultural understanding in order to comprehend the book. When examined in a different cultural setting, interpreting such work presents certain difficulties.

Given the vastness and multifaceted nature of the new experience, as well as the ongoing interference of a number of external circumstances, the emphasis of this study was restricted to identify the principal source of problems in EFL contextualized English literature instruction. A teacher questionnaire and an English language competence

exam were utilized to collect data for this purpose. According to the questionnaire analysis, student-related problems, particularly students with poor proficiency levels, are the most significant cause of difficulty for English teachers.

METHODOLOGY/DISCUSSION

The language proficiency exam was used to determine whether this finding confirmed or denied the teacher's perception of students' poor proficiency levels. The test indicated the true levels of competency of students in accordance with the Common European Framework of Reference for Languages (CEFR). It revealed that approximately half of the students' proficiency levels were significantly lower than expected, partially confirming the teacher's opinion on low proficiency levels as evidence of students' general inadequacy for studying English literature at the levels prescribed by the national curriculum. The study concluded that there is an urgent need to re-adjust English literature curriculum to account for students' actual levels of skill, and to evaluate or reconsider it in ways that favor linguistic competence growth over literary development.

Among the issues in EFL literature teaching - poor motivation, lack of confidence, insufficient teaching methods, test stress, under qualified teachers, insufficient in-service training - students competence levels have always stood out as the most significant (Abdullah, T. et al, 2007)

According to Krishnasamy (2015), unless the program reflects students' true levels of competence, there is a risk of establishing "a mismatch between the material picked and students' linguistic aptitude," which would undoubtedly have a detrimental impact on course implementation (p.139). There is no doubt that students should have a strong enough command of the English language to keep up with the speed and workload of the English literature program. English literature, after all, is a real academic discipline. When it comes to deciding what degree of competency students should have in order to study English literature, the debate becomes heated.

The study of English literature should begin with "mastery of the English language itself." Similar viewpoints go so far as to say that English literature should be studied solely by expert English students rather than novices. Nonetheless, given the immense appeal of English literature around the world, particularly in EFL environments, such radical viewpoints are unlikely to be accepted and implemented.

One of the most beneficial activities to come from reading a novel as a class is discussion. Discuss what you read. Discuss what the author's message is. Discuss what your opinion of the issue is. Allow your students to observe what they read, interpret it and apply it to their own lives. Giving discussion questions ahead of time will allow students to think while they read and be more prepared for class discussions.

In addition to proficiency levels, although motivation and self-confidence are regarded as essential factors influencing student performance, field knowledge and teacher training are regarded as equally important factors influencing instructor performance. In Katz's (2001) study, English teachers perceived themselves to be professionally inept in teaching English literature, criticizing their pre-service training for its predominant concentration on English language teaching rather than English literature.

CONCLUSION

It can be concluded that the objective of learning English literature, which is to cultivate the learners' aesthetic sense, enhance their reflective thinking skills, and appreciate foreign culture, is not being met. Few suggestions are provided to improve the effectiveness of English novel study.

• Tolerance and appreciation for cross-cultural values can be nurtured in students if foreign literature is introduced at a young age.

• When local and global literatures are studied concurrently, students can compare and contrast different civilizations. Their comprehension of diverse nations' rites and customs would be broadened, as would their respect for other nations and religions.

• Teachers who work with foreign texts should be taught in order to design successful ways that allow students to enjoy the texts on pure literary grounds without being influenced by their own cultural values.

REFERENCES

1. Abdullah, T., Zakaria, M., Ismail, F., Wan Mansor, W. & Abdulaziz M. (2007). A New Teaching Model to Teach Literature for the TESL Pre- Training Service Programme in University Teknologi Malaysia. Project Report. Faculty of Management and Human Resource Development, Skudai, Johor. Retrieved in June 2015 from http://eprints.utm.my/3970/1/75167.pdf

2. Hakemulder, J. (2000). The moral laboratory: Experiments examining the effects of reading literature on social perception and moral self-concept, Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins Publishing Company.
3. Krishnasamy, J. (2015). An Investigation of Teachers‟ Approaches Employed in Teaching the English Literature. Asian Journal of Education and e-Learning (ISSN: 2321 -2454). 2 (3).

QUMLI GRUNTNING FIZIKAVIY KO‘RSATKICHLARINI TAVSIFLASH ORQALI HISOBIY QARSHILIGINI ANIQLASH

Anora Baxtiyerovna Karimova
Toshkent davlat transport universiteti, assistent,

X. Sheraliyeva
Toshkent davlat transport universiteti talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada gruntlarning hosil bo‘lishi ya’ni genezesidan kelib chiqib qumli gruntning xususiyatlarini o‘ziga xosligi ko‘rib chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Gigroskopik namlik, solishtirma og‘irlik, g‘ovaklilik, zarrachalar zichligi.

ABSTRACT

This article examines the characteristics of sandy soil based on its formation, that is, its genesis.

Keywords: Hygroscopic moisture, specific gravity, porosity, particle density.

KIRISH

Binolar uchun zamin, ba’zi inshootlar uchun esa xomashyo sifatida foydalaniladigan tog‘ jinslari **grunt** deb yuritiladi. Gruntning fizikaviy xossasini baholash muhim tavsiflardan biri hisoblanadi.

Hozirgi zamon binokorlik ishlari (qurilish mezonlari va qoidalari)da tabiiy zaminlarni tashkil etuvchi gruntlar quyidagi turlarga bo‘linadi:

- ✓ - qoya gruntlari
- ✓ - yirik zarrali gruntlar
- ✓ - loyli gruntlar
- ✓ - qumli gruntlar

Biz yuqoridagi grunt turlaridan qumli gruntni laboratoriya sharoitida fizik – mexanik xossalarini ko‘rib o‘tdik. Tabiatda qumli gruntlar turlicha bo‘lib, ko‘pincha yumaloqroq holatda uchraydi. Qum zarralarining o‘lchami odatda 0,05-2,0 mm oralig‘ida bo‘ladi. Ular ichida 0,005-0,05 mm yiriklikdagi changsimon zarralar ham uchrashi mumkin. Shuningdek qum tarkibida o‘lchami 0,005 mm dan kichik bo‘lgan loysimon zarralar ham uchrab turadi, lekin ular 3% dan kam miqdorni tashkil etgani

uchun qumning xususiyatlariga deyarli ta’sir ko‘rsatmaydi. Qumlar hosil bo‘lish sharoitiga ko‘ra turlicha bo‘ladi. Masalan, dengiz cho‘kindisi tarkibida hosil bo‘lgan qum mayda zarralarining miqdori ko‘pligi bilan ajralib turadi. Daryo oqimida hosil bo‘lgan qum esa tekis qatlam holida, muzliklar davridagi qum - dag‘al, aralash, shamol ta’sirida hosil bo‘lgan qum esa mayda zarrali holatda namoyon bo‘ladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Agarda qum to‘kma holatda uchrasa, bino qurishdan oldin uni zichlashtirish talab etiladi. Suvga to‘yingan mayda zarrali serg‘ovak qum tabiatda muvozanat holatini saqlab kavlash jarayonida esa ularning tezda oquvchan quyqaga aylanishi ehtimolini yuzaga keltiradi. Shulardan kelib chiqib qumli gruntning blok sxemasini ko‘rib o‘tamiz:



1 – rasm. Donadorlik tarkibini aniqlash

Laboratoriya mashg‘ulotida aniqlangan natijalar bo‘yicha qumli gruntning donadorlik tarkibi quyidagi 1-jadval orqali aniqlandi.

1-jadval:

Elak o‘chami	**Fraksiya o‘lchami**	**Elakdagi qoldiq (gramm)**	**Elakdagi qoldiq (%)**	**Zarrachalar miqdori berilgan diametrda (%)**	**Zarrachalar miqdori berilgan diametrda (%)**	**Donadorlik tarkibi bo‘yicha grunt turi**
2,0	**>2**	1,3	1,3	99,9	1,3	shag‘alsimon
0,5	**2-0,5**	5,80	5,80	98,6	7,1	yirik
0,25	**0,5-0,25**	70,1	70,1	92,8	77,2	**o‘rtacha yiriklikda** (bir jinsli)
0,1	**0,25-0,1**	20,6	20,6	22,7	97,8	Mayda
	<0,1	2,1	2,1	2,1	99,9	changsimon

Qumli grunt nobirjinsliligi darajasini O‘zRST 25.100-95 bo‘yicha aniqlash quyidagi formula orqali bajariladi:

$$C_u = \frac{d_{60}}{d_{10}} \quad , \qquad (1)$$



bu yerda d_{60}– nazorat qiluvchi diametr; d_{10} – amaldagi yoki samarali diametr. d_{60} va d_{10} donadorlik tarkibi grafigi yordamida chiziladi. Agar $C_u \leq 3$ bo‘lsa qumli gruntimiz birjinsli, agar $C_u > 3$ bo‘lsa qum nobirjinslidir.

Ushbu jadval va grafik orqali qumli grunt donadorlik tarkibi bo‘yicha **o‘rtacha yiriklikda** hamda **bir jinsli** ekanligini ko‘rishimiz mumkin.

Shu asnoda qumli grunting **tabiiy namligi** va **gigroskopik namligini** ham ko‘rib o‘tamiz.

Tabiiy namlik laboratoriya sharoitida quritish shkafi yordamida grunt tarkibidagi suv massasining doimiy massagacha t=100 – 105° issiqlikda quritilish orqali aniqlansa, gigroskopik namlik esa eksikator yordamida qumli gruntning havo tarkibida bo‘lgan bug‘ holatidagi namlikni o‘ziga tortib olishini aniqlaydi.



Biz laboratoriya sharoitida qumli gruntning **zichligi va solishtirma og‘irligi**ni kesuvchi halqalar usulida hisobladik. Z**arrachalar zichligini** esa piknometr yordamida aniqlaymiz.

G‘ovaklik (n) - qumli grunt birlik hajmidagi g‘ovak qismining hajmi.

$$n = \frac{V_n}{V} 100\% . \qquad (2)$$

G‘ovaklilik koefitsiyenti (e) - qumli grunt tarkibidagi g‘ovak qism hajmi, gruntning qattiq qismi hajmiga nisbatidir.

$$e = \frac{V_n}{V_d} = \frac{\rho_s - \rho_d}{\rho_d} . \qquad (3)$$

O‘zRST 25.100-95 bo‘yicha g‘ovaklik koefitsiyenti 2-jadval asosida aniqlanadi.

2-jadval:

Qumlarning turlari	G`ovaklilik doimiysi, e		
	shag`alli, yirik va o`rtacha yiriklikdagi qumlar	mayda qumlar	changli qumlar
Zich O`rtacha zichlikdagi G`ovak	< 0,55 0,55 – 0,70 > 0,70	< 0,60 0,60 – 0,75 > 0,75	< 0,60 0,60 – 0,80 > 0,80

Yuqorida hisoblangan zarrachalar zichligi, g‘ovaklik koeffitsiyenti, tabiiy namligi va suv zichligi (ρ_w=1) olinadi,

Qumli gruntning g‘ovaklik koefitsiyenti bilan bir qatorda suvga to’yinish koefitsiyentini ham ko’rib o’tamiz. Suvga to‘yinish koeffitsiyentini aniqlashda ham O‘zRST 25.100-95 bo‘yicha 3-jadval orqali tanlanadi.

3-jadval:

Gruntlarning xillari	Suvga to‘yinish doimiysi S_r
Suvga to‘yinish kichik darajada Suvga to‘yinish rta darajada Suvga to‘yingan	0 – 0,50 0,50 – 0,80 0,80 – 1

Qumli gruntning ma’lum vaqt ichida biror miqdor suv o‘tkazish xossasi gruntning suv o‘tkazuvchanligi deyiladi. Qumli gruntning bu xossasi uning donadorlik tarkibi, strukturasi, qalinligi va zichligiga bog‘liq. Qumli gruntning donadorlik tarkibidagi zarrachalari, shuningdek struktura elementlari qancha yirik va g‘ovak bo‘lsa, qumli gruntning suv o‘tkazuvchanligi shuncha yaxshi, aksincha, qumli gruntning zarrachalari mayda va strukturasi zich bo‘lsa, suv o‘tkazuvchanligi past bo‘ladi.

4-jadval asosida qumli gruntning hisobiy (shartli) qarshilik **R, kPa** aniqlashda standartdan olingan barcha tavsiflar orqali xulosa qilinadi.

4-jadval:

Qumli gruntlar va ularning namligi	Zamindagi o‘rtacha zichlik qumli gruntlarning shartli qarshiligi R, kPa
Namlikka bog‘liq bo‘lmagan yirik va shag‘alsimon	343
O‘rtacha yiriklikdagi:	
1. Kam namlangan	294

2. Nam va suvga to‘yingan	245
Mayda:	
1. Kam namlangan	196
2. Nam va suvga to‘yingan	147
Changsimon:	
1. Kam namlangan	196
2. Nam	147
3. Suvga to‘yingan	98

XULOSA

Qumli gruntning fizikaviy ko‘rsatkichlarini aniqlashda O‘zRST 25.100-95 bo‘yicha quyidagi ko‘rsatkichlar orqali olib borildi: donadorlik tarkibi, nobirjinslilik darajasi, g‘ovaklik koefitsiyenti va suvga to‘yinish koefitsiyentlaridan foydalangan holda shartli qarshilik qurilish me’yoriy qoidalari yoki shaxarsozlik normalari va qoidalari normativ xujjatlaridan foydalangan holda aniqlanadi.

REFERENCES

1. M.Z. Nazarov Injenerlikgeologiyasi. T.: O‘qituvchi, 1980. -177 b.
2. K.J.Salyamova, Turg‘unbaeva J.R., G.B.Ismailova, Gruntlar mexanikasi, zamin va poydevorlar. O‘quv qo‘llanma, 2020.
3. Turg‘unbaeva J.R., Gruntlar mexanikasi, zamin va poydevorlar. 5340200 –“Bino va inshootlar qurilishi (temir yo‘l binolari)”, 5340200 – “Bino va inshootlar qurilishi (temir yo‘llar)”, 5340600 – “Transport inshootlarining ekspluatatsiyasi (temir yo‘llar)” ta’lim yo’nalishlari 3-bosqich bakalavriat talabalari uchun laboratoriya ishlarini bajarishga doir uslubiy ko‘rsatmalar. Toshkent-2019. TTYMI – 84 b.
4. O‘zRST 25100-95 Gruntlar. Tasnifnoma. O’zb. Resp. Davarxitektqurilish qo‘mitasi, 1996. – 218 b.
5. Fan va ta’limga oid saytlar: www.tsue.fan.uz
6. https://uza.uz/ru/tech/glina

СОДЕРЖАНИЕ И ОСОБЕННОСТИ МЕДИАТЕКСТА

Хурлиман Нажиматдиновна Исмаилова
Стажёр-преподаватель кафедры русского языка и литературы Каракалпакского государственного университета имени Бердаха

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются содержание медиатекстов – текстов массовой коммуникации и их особенности; показана роль медиатекстов в современном информационном пространстве, направленная на эмоциональное воздействие читателя.

Ключевые слова: медиатекст, дискурс, публицистика, эмоциональность оценочность, языковой элемент.

ABSTRACT

The article deals with the content of media texts - texts of mass communication and their features; The role of media texts in the modern information space, aimed at the emotional impact of the reader, is shown.

Keywords: media text, discourse, journalism, emotionality, appraisal, linguistic element.

ВВЕДЕНИЕ

В настоящее время в современном информационном пространстве широко представлены медиатексты – тексты массовой коммуникации, в которых одновременно присутствуют вербальные и медийные (рисунок, графика, звук и т.п.) компоненты. Адресатом данной разновидности текстов является массовый потребитель [2, с.23]. В современных деловых и общественно-политических журналах и газетах отмечается тенденция к использованию медийных компонентов в тексте.

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Рассмотрим особенности массмедийного текста.

Т.Г. Добросклонская называет следующие разновидности медиатекста: «массово-коммуникативный текст», «массмедийный текст», «журналистский текст», «публицистический текст», «газетный текст», «телетекст», «рекламный текст», «PR-текст», «Интернет-текст» и т.д. [4, с.34].

Современные лингвисты под термином «медиатекст» понимают «динамическую сложную единицу высшего порядка, посредством которой осуществляется речевое общение в сфере массовых коммуникаций» [4, с.33].

Любой текст в классическом понимании может быть перенесен в сферу массмедия, тогда он получит новые оттенки значения и «медийные добавки» [6, с.4], более того, он будет интерпретирован шире. Так, Г.С. Мельник отмечает, что готовый массмедийный текст «выходит за пределы знаковой системы языка, приближаясь к семиотическому пониманию текста» [6, с.27].

Общеизвестно, что важнейшим свойством «массмедиа является их активное влияние на мышление индивида, благодаря чему формируется сложная и многомерная картина мира, обеспечивающая социализацию реципиента» [6, с.12]. Это относится к общественно-политическим изданиям, влияние которых трудно переоценить. Добавим, что для массового типа газеты характерна интенция развлечения, которая «апеллирует к эмоциональной сфере адресата и нацелена на то, чтобы заставить его пережить яркие эмоции и тем самым доставить ему удовольствие» [6, с.14].

В свете современных лингвокогнитивных исследований учеными широко используется понятие «дискурс». Оно применимо и к текстам СМИ, поэтому в исследовательской литературе встречаем термин «медиадискурс».

Многочисленные определения дискурса можно свести к двум группам. В первой содержание понятия «дискурс» синонимично понятию «текст». В таком случае дискурс возводят до статуса речи (в широком смысле), и текст становится его частью (В.В. Красных, Е.С. Кубрякова, О.В. Александрова, Н.В. Петрова, В.Е. Чернявская, Т.В. Милевская).

Вторая точка зрения трактует дискурс как процесс коммуникации: «текст плюс ситуация», а текст, соответственно, определялся как «дискурс минус ситуация». Так, дискурс характеризует Н.Д. Арутюнова, понимая под ним «связный текст в совокупности с экстралингвистическими, прагматическими, социокультурными, психологическими и другими факторами», как «речь, погруженную в жизнь» [1, с.46]. Подобное явление отмечают и в работах известного лингвиста В.И. Карасик. По мнению этого исследователя, дискурс – это «текст, погруженный в ситуацию общения» [5, с.8]. Таким образом, дискурс и текст не отождествляют, а рассматривают как смежные понятия.

Т.А. Ван Дейк дает определения дискурсу в широком и узком смыслах. Так, дискурс в широком смысле есть «коммуникативное событие, происходящее между говорящим и слушающим в процессе коммуникативного действия в определенном

временном, пространственном и прочем контексте». Данное понимание дискурса характерно для второй группы определений этого понятия (дискурс как процесс коммуникации). Под дискурсом в узком смысле Ван Дейк понимает завершенный или продолжающийся «продукт» коммуникативного действия, его письменный или речевой результат, который интерпретируется реципиентами [3, с.56].

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В рамках темы данной статьи следует отметить, что массмедийный дискурс имеет свою специфику: стилевая гибридность, различные типы аргументации, клиширование, оценочность, информирование с целью воздействия, аграмматизация, композиционные особенности. В данный тип дискурса входят языковые элементы различных стилей, поэтому в нем широко представлены разговорные единицы, варваризмы, заимствования.

В свете сказанного делаем вывод, что медиатекст является полифункциональным и многогранным явлением, соответственно, его анализ должен быть выполнен с точки зрения его структуры, следует применять иконографический герменевтический, семиотический методы, учитывать его эстетические, идеологические, философские, этические параметры.

Массмедийный текст есть особое многофункциональное и многогранное явление. Он имеет свою специфику: стилевая гибридность, различные типы аргументации, клиширование, оценочность, информирование с целью воздействия, аграмматизация, композиционные особенности. В данный тип дискурса входят языковые элементы различных стилей, поэтому в нем широко представлены разговорные единицы, варваризмы, заимствования.

REFERENCES

1. Арутюнова Н.Д. Дискурс // Лингвистический энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия, 1990. С. 136-137.
2. Грабельников А.А. Массовая информация в России: от первой газеты до информационного общества. – М.: Изд-во РУДН, 2001. – 384 с.
3. Дейк, ван Т.А. Стратегии понимания связного текста / Т.А. ван Дейк, В.Кинч // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1988. – Вып. 23 – С. 153 – 212.
4. Добросклонская Т.Г. Вопросы изучения медиатекстов: опыт исследования современной английской медиа речи. – М.: МАКС Пресс, 2000. – 288 с.

5. Карасик, В.И. О типах дискурса / В.И. Карасик // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. Тр. – Волгоград: Перемена, 2000 (а). – С. 5 – 20.
6. Мельник Г.С. Медиатекст как объект лингвистических исследований // Журналистский ежегодник. – 2012. – №1. – С. 29.
7. Хамидуллаева Г.А. (2021). Воплощение темы блокады в лирике О.Берггольц. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS), 1 (2), 89-92
8. Хамидуллаева Г.А. (2021). Императив как средство воздействия в рекламных текстах. Academic research in educational sciences, 2 (8), 518-525.
9. Хамидуллаева Г.А., Целых В. (2021). Семантические особенности экспрессивных слов в публицистической речи. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS), 1 (3), 242-245
10. Хамидуллаева Г.А. (2022). Эллиптические предложения в рекламных текстах. Academic research in educational sciences, 3 (3), 405-409.
11. Хамидуллаева Г.А. (2021). Типология образов в лирике О.Берггольц. Academic research in educational sciences, 2 (12), 1039-1045.
12. Исмаилова, Х. Н. (2021). Становление великого гения узбекской литературы алишера навои. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 1(2), 76-83.
13. Исмаилова, Х. Н. (2021). Великая «хамса»(пятерица) а. навои как художественный прорыв тюркской литературы. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 1(2), 67-72.
14. Исмаилова, Х. Н. (2021). Особенности выражения национальной ментальности в «Пятерице» Алишера Навои» (на материале поэмы «Смятение праведных»). Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 1(2), 57-66.

AVTOTRANSPORT KORXONALARIDA AVTOMOBILLARNING TEXNIK EKSPLUATSIYASIDA ISHLAB CHIQARISHNING YANGI SHAKL VA USULLARINI QO‘LLASH

Zamirbek Muxtorovich Xametov
Farg‘ona politexnika instituti, “Yer usti transport tizimlari va ularning ekspluatatsiyasi” kafedrasi mudiri
zamir311384@mail.ru

ANNOTATSIYA

Harakatdagi tarkibning yangilanishi, avtomobil konstruktsiyalarning murakkablashuvi va elektronlashuvi avtotransport korxonalarida avtomobillarning texnik ekspluatsiyasida ishlab chiqarishning yangi shakl va usullarini qo’llashni taqozo qiladi. Maqolada kelajakda avtomobil texnik ekspluatatsiyasining rivojiga ta’sir etuvchi asosiy omillar tahlil qilingan va ishlab chiqarishni rivojlantirishning innovatsion shakllari keltirilgan.

Kalit so’zlar: avtotransport korxonasi, texnologik jihozlar, texnik xizmat ko’rsatish, ta’mirlash, ishlab chiqarish, texnologik jarayon, ekspluatatsiya.

ABSTRACT

The modernization of vehicles, the complication and electronization of vehicle structures require the use of new forms and methods of production in the technical operation of vehicles at motor transport enterprises.

The article analyzes the main factors influencing the development of the technical operation of the car in the future, and presents innovative forms of production development.

Keywords: motor transport company, technological equipment; maintenance, repair, production, technological process, operation.

KIRISH

Respublikamiz Mustaqillikka erishgach, mamlakatimizda avtomobilsozlikka asos solindi, faoliyat yuritayotgan GM Uzbekistan, SamAvto va MAN kabi avtomobil ishlab chiqaruvchi zavodlar Respublikamiz iqtisodiy salohiyatiga, xususan, avtobus, yengil va yuk avtomobillari ishlab chiqarish bilan ulkan hissa qo’shmoqda va korxonalardagi avtomobil tarkibi yangilanmoqda. Bu o’z navbatida hozirda faoliyat yuritayotgan avtotransport korxonalari harakatdagi tarkibida mamlakatimizda ishlab chiqarilayotgan

avtomobillar salmog'ining sezilarli darajada o'sib borishiga olib kelmoqda.

Avtotransport korxonalarida (ATK) harakatdagi tarkibdan samarali va ishonchli foydalanish ko'p jihatdan ishlab chiqarish texnika bazasining holatiga, mexanizatsiyalashganlik darajasiga, ekspluatatsiyadagi avtomobillarning parametrlariga mos kelishiga va faoliyat ko'rsatish sharoitiga bog'liqdir.

ATKda texnik xizmat ko'rsatish (TXK) va ta'mirlash texnologik jarayonlarini mexanizatsiyalash, avtomobillarning ish qobiliyatini va bajariladigan ishlarni yuqori sifatini ta'minlashda qilinadigan sarf-harajatlarni kamaytirishning asosiy yo'llaridan biridir. Texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash ish xajmlarini kamaytirish mexanizatsiya vositalarini qo'llash natijasida ma'lum texnologik operatsiyalarga sarflanadigan vaqtni kamaytirish hisobiga erishiladi.

ATKda texnologik jarayonlarini mexanizatsiyalash darajasini haqiqiy qiymatini bilish qaysi ishlab chiqarish bo'limlarida qo'l mehnati, og'ir va malaka talab etilmaydigan ishlar ulushini aniqlash hamda ularni bartaraf etishda kompleks tadbirlar ishlab chiqarish imkonini beradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ko'p sonli kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, xizmatlarni va ishlab chiqarishni takomillashtirish bo'yicha har qanday tadbir, masalan, fondlarni oshirib borish, mexanizatsiyalash, yangi tashkiliy shakllarni va texnologiyani qo'llash avvaliga salmoqli samara beradi, keyinchalik olinadigan samara kamayadi, ya'ni to'yinish hosil bo'ladi va kapital mablag'larning va boshqa turdagi resurslar samaradorligining kamayish qonuni ishga tushadi (1-rasm).

Masalan, texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash jarayonlarining mexanizatsiyalashganlik darajasini avtotransport korxonasi bo'yicha 1%ga ko'tarish korxona foydasining quyidagicha o'sishiga olib keladi: mexanizatsiyaning boshlang'ich darajasi 10% bo'lganda 3,6%ga; mexanizatsiyaning boshlang'ich darajasi 34% bo'lganda 0,6%ga; mexanizatsiyaning boshlang'ich darajasi 45% bo'lganda faqat 0,4%ga.



1–rasm. Mexanizatsiyalashganlik darajasining texnik tayyorgarlik koeffitsiyentiga (1), extiyot qismlar xarajatiga (2), texnik xizmat ko'rsatish va joriy ta'mirlashning mehnat hajmiga (3) ta'siri.

Samaradorlikning kamayish qonuniyati ishlab chiqarish funktsiyasi bilan izohlanadi, uning umumiy ko'rinishni quyidagicha:

$$X = A \cdot K^{\mu} \cdot L^{(1-\mu)} \qquad (1)$$

bu yerda:

X - ishlab chiqarilgan mahsulot va ko'rsatilgan xizmatlarning hajmi;

A - miqyos (masshtab) koeffitsiyenti;

K - asosiy ishlab chiqarish fondlarining hajmi;

L - xodimlar soni;

μ - asosiy fondlarning o'sishiga nisbatan mahsulot ishlab chiqarishning elastiklik koeffitsiyenti;

(1-μ) - mehnat resurslarining o'sishiga nisbatan ishlab chiqarishning elastik koeffitsiyenti.

Elastiklik koeffitsienti tegishli resurs (asosiy fondlar yoki mehnat resurslari), sifat tarkibi o'zgarmaganda, 1%ga oshsa, ishlab chiqarish hajmining necha foizga oshishini ko'rsatadi.

Demak, texnik jihatdan bir turdagi vositalarni va texnologik usullarni qo'llash va kasbiy saviyasi o'zgarmagan xodimlar sonini ko'paytirish so'zsiz samaradorlik ko'rsatkichining asta-sekin pasayishiga olib keladi. Bu – ishlab chiqarish va jamiyat rivojlanishining ekstensiv shaklidir.

Olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, mehnat unumdorligiga (П) texnologik jihozlar bilan ta'minlanganlik (Ф)

va ishlab chiqarishning texnologiya saviyasi (У) bir xil darajada ta’sir qiladi (2-rasm):

Masalan, texnologik jihozlar bilan ta’minlanganlikni 15%ga oshirish, qo’llanilayotgan texnologik jarayonlar saviyasini o’zgartirmagan holda, mehnat unumdorligini atigi 7%ga ko’taradi, **texnologik jihozlar** bilan ta’minlanganlik 30%ga oshganda 14%ga ko’tariladi va h.k.

Ko’pchilik resurs va texnologik ta’sir harakati ushbu muhim qonunga bo’ysunadi. Bular jumlasiga ishlab chiqarish bazasining holatini, ishlab chiqarish jarayonlari mexanizatsiyalashgani, xodimlar bilan ta’minlanganlik, TXK va ta’mirlash tizimiga kiritilgan tavsiyalar bajarilishini va h.k.larni kiritish mumkin. Saviyasi o’zgarmagan texnologiyani qo’llash miqyosini kengaytirish ham samaradorlik oshish sur’atlari kamayishiga olib keladi.



2–rasm. Texnologiya saviyasining (У) unumdorlikka ta’siri:
$У_1 > У_2$; $П_1 > П_2$; $Ф = Ф_1 = Ф_2$.

Bir turdagi buyumlarni, xizmatlarni, texnologiyalarni ishlatganda samaraning pasayib borishini, ular bilan tegishli bozorlar to’yinishini shunga mos keladigan diffuziya jarayoniga o’xshash mexanizm bilan tushuntiriladi va uni vaqt bo’yicha S-ko’rinishli mantiqiy samaradorlik chizig’i bilan izohlanadi:

Shunday qilib, rivojlanishning intensiv shakli o’z vaqtida yangi texnik yechimlariga, texnologik jarayonlarga va boshqarish shakllariga o’tishni ta’minlaydi.

Texnologik jihozlarni asrash shakli unumdorlikning yoki foydaning texnologik jihozlar bilan ta’minlanganlikka nisbatan ildam o’sishini bildiradi, texnologik jihozlarga talabgorlik esa-aksincha. Keyingisi jonli mehnat jismga aylangan mehnat bilan yetarlicha almashtirilmagan, qo’l mehnatining salmog’i yuqori bo’lgan shart-sharoitlarga xos bo’lib, bular, xususan, avtotransport vositalariga texnik xizmat ko’rsatish va ta’mirlashda ko’rinadi, ayniqsa kompleks ATK va kichik korxonalarda ko’rinadi. Ishlab

chiqarishning texnologik jihozlarga talabgorlik shaklidan, texnologik jihozlar asrash shakliga o'tish yangi mehnat vositalarini va texnologiyalarni qo'llash bilan yoki ma'lum texnologiya chegarasida rivojlanish bosqichlarini o'zgartirish bilan bog'liqdir.

Avtomobil texnik ekspluatatsiyasi(ATE)ning yaqin 10...15 yilda uning rivojiga ta'sir ko'rsatadigan quyidagi asosiy omillarini ko'rsatish mumkin:

1. Mamlakatning avtomobil parki, ayniqsa, yengil avtomobil parki, uning rusumlari, markalari o'sishida davom etadi, shunga mos ravishda parkni ishga layoqatliligini ta'minlovchi ATEning vazifalari ham ortib boradi.

2. Parkda, xususiy avtomobillar sektori (80%dan ortiq) o'sib boradi, u nafaqat yengil, balki yuk-yo'lovchi va kam yuk ko'taradigan yuk avtomobillarni va kam o'rinli avtobuslarni o'z ichiga oladi. Avtomobillarning konstruktsiyalari murakkablashgan, yo'l va ekologik xavfsizligiga talab qat'iylashib borgan va aholining turmush darajasi o'sib borgan sari, bu avtomobillarga maxsus korxonalarda (ustaxonalarda, texnik xizmat ko'rsatish stantsiyalarida, dilerlarda, yuqori toifali korxonalarda) xizmat ko'rsatish ulushi oshib boradi va xalqaro tajribaga binoan 70...80%ga etadi.

3. Avtomobillarning yuk ko'tarishi va sig'imi bo'yicha parklar tarkibini (avtomobillarning gabarit o'lchamlari va og'irligi, agregatlarning og'irligi, uskunalar, xodimlar va ishlab chiqarish bazasiga talablar) o'zgarishi avtomobillar texnik ekspluatatsiyasiga salmoqli ta'sir ko'rsatadi:

- yengil avtomobillar bilan umumiy yoki yaqin konstruktiv bazaga ega bo'lgan kam yuk ko'taruvchi yuk avtomobillar, mikroavtobuslar va kichik sig'imli avtobuslar hissasining ko'payishi bu guruh avtomobillardan texnik foydalanishni tashkil etishni yengillashtiradi;
- yuk tashuvchi parkning yanada ixtisoslashuvi (60...65%gacha), maxsus uskunalarga texnik xizmat ko'rsatish va ularni ta'mirlashni tashkil etishni talab qiladi;
- Xalqaro va shaharlararo yuk tashishlarda jadal ishlayotgan katta yuk ko'taruvchi va katta o'lchamli avtopoezdlarni (yillik yo'l-yurishi 100 000 km va undan ko'p)ning keng qo'llash, ularning mustahkamligiga, yo'l va ekologik xavfsizligiga oshirilgan talablar qo'yadi, ular Xalqaro standart talablariga javob berishi kerak bo'ladi.

ATKning diversifikatsiyasi, ularning maydalashuvi, tadbirkorlikning rivojlanishi parklarning qutblashishiga va avtomobillarning aksar qismi korxonalarda, to'planib qolishga olib keladi. Ular yetarli darajada ishlab chiqarish-texnik bazasiga, xodimlarga,

texnologiyalarga ega bo'lmaydi, o'z parkini raqobat muhitida yetarli darajada ishga layoqatliligini ta'minlashga qodir tashkiliy tuzilmaga ega emas.

Shunday an'analar asnosida, raqobatchilik va sifatga talab qat'iylashgan bozor sharoitida, butunlay boshqa tashkiliy tamoyillar (xo'jalik mustaqilligi darajasi, narxni belgilash, qarz berish, talablarni o'z vaqtida bajarish va sifatini kafolatlash) asosida, kichik ATKdan ko'ra katta ishlab chiqarish dasturli, samarali ishlab chiqarishga imkon yaratadigan, ixtisoslashgan ishlab chiqarishni, marakazlashgan texnik xizmat ko'rsatishni va ta'mirlashni qayta tiklash maqsadga muvofiq bo'ladi (1-jadval). Bu ishlar yiriklashtirish (kontsentratsiyalash), (kooperatsiya) va ixtisoslash ko'rinishida amalga oshiriladi.

Kontsentratsiyalash – bu avtomobil transportining harakatlanuvchi tarkibiga texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash ishlarini bajarish uchun ishlab-chiqarish texnik bazasini (IChTB), mehnat va boshqa resurslarni birlashtirishdir. Odatda, ITBni kontsentratsiyalash avtomobil parkini yiriklashtirish va korxonaning yagona tashkiliy-boshqaruv tarkibini tuzish bilan bog'liq. Kontsentratsiyalash ishlab chiqarish dasturining o'sishiga olib keladi.

1-jadval

Ishlab chiqarish turli ko'rinishlarining texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlari.

O'lchamlar	Texnik xizmat:	
	Kompleks avtotransport korxonasida	markazlashgan ixtisoslashgan ishlab chiqarishda
Ish joyida bajariladigan buyum amallarining o'rtacha miqdori	200	30
Mehnat unumdorligi, %	100	180-200
Mexanizatsiyalashganlik darajasi, %	25	40
Ishlab chiqarish maydonining 1 m^2 yuzasidan olinadigan mahsulot, %	100	200-250
Fondning unumdorligi(fontootdacha), %	100	500-600

Ixtisoslashtirish – bu, harakatlanuvchi tarkibga, agregat va tizimlarga texnik xizmat ko'rsatish va ularni ta'mirlash ishlarining cheklangan ro'yxati (nomenklaturasi)ni bajarishga qaratilgan bu ilg'or texnologik jarayonlarni va unumdor texnologiyalarni samarali ishlatish, malakali xodimlarni jalb qilish imkonini beradi.

Hamkorlik (kooperatsiya) - bu, harakatlanuvchi tarkibga texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash bo'yicha ma'lum ishlarni, yoki ular qismlarini ikki yoki bir nechta korxona yoki ishlab chiqarish bo'linmalari tomonidan hamkorlikda bajarishdir; ular orasida

texnologik, tashkiliy-boshqaruv, xo'jalik va axborotlar aloqasi aniq-tayin tashkil qilinishi taqozo etiladi.

XULOSA

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, avtotransport korxonalarida harakatdagi tarkibning yangilanishi, avtomobil konstruktsiyalarning murakkablashuvi va elektronlashuvi texnik foydalanishda shu o'zgarishlarga mos keladigan nazorat-diagnostika va texnologik uskunalarni qo'llashni taqozo etadi, hamda ularni ishonchligiga, aniqligiga va metrologiya o'lchamlari bilan ta'minlanganligiga talab oshib ketadi. Bu xildagi ishlar malakali xodimlarni jalb etishni va murakkab texnologik uskunalarni qo'llashni talab etadi, ularni bajarish asosan ixtisoslashgan korxona va ishlab chiqarishlarda, shuningdek yuqori toifali korxonalarda rivojlanadi.

REFERENCES

1. Avtomobillarning texnik eksplutatsiyasi. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. (Kuznetsov E. S. tahriri ostidagi qayta ishlangan va to'ldirilgan ruscha 4-nashrdan TAYI professori Sidiknazarov Q. M. tahriri ostida tarjima) - T.: Voris-nashriyot, 2006. - 630 b (Technical operation of cars).
2. Islomov Sh. E. Avtotransport tarmog'i korxonalarini loyihalash (O'quv qo'llanma) I qism. T.:«Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2021, 274b (Design of motor transport enterprises).
3. Islomov, S., & Nomozboyev, O. (2021). Avtotransport korxonalarini innovatsion jihozlashga ta'sir qilivchi ekspluatatsion omillar. Academic research in educational sciences, 2(4), 216-223 (Operating factors affecting the innovative equipment of transport enterprises).
4. Eshquvvatovich, I. S., & Abdurakhimovich, P. U. (2021). The importance of the level of motorization in the development of vehicle maintenance. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 1(1), 18-26.
5. Mansurovna, M. L., & Eshquvvatovich, I. S. (2021). Study of the influence of operating factors of a vehicle on accident by the method of expert evaluation. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 1(1), 10-17.
6. Eshquvvatovich, I. S., & Baxtiyorovich, A. I. (2021). Avtotransport korxonalarini texnologik jihozlashga ta'sir qiluvchi asosiy faktorlarni aniqlashda ekspert baholash usulidan foydalanish. Me′ morchilik va qurilish muammolari, 147.

ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ШИРИН МАККАЖЎХОРИ ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ЎСУВ ДАВРИГА ТАЪСИРИ

Шерзод Шермахматович Сармонов
к/х.ф.ф.д., к.и.х.

Дилдора Улуғбековна Файзуллаева
Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти, таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг суғориладиган майдонлари, оч-тусли буз тупроқ иқлим шароитларида ширин маккажўхорининг «Мазза» ва «Замон» навларини такрорий экин сифатида экилганда экиш схемаси ва мақбул ўғитлаш меъёри ўрганилган. Тажрибаларда фенологик кузатувлар олиб борилганда, экиш схемаси ва менерал ўғитларнинг меъёри билан озиқлантириш ширин маккажўхори навларида мақбул ҳосил элементларини тўпланишини таъминлаган.

Калит сўзлар: Дон, маккажўхори, маккажўхори навлари, такрорий, экиш тизими, ўсув даври, униб чиқиш, ривожланиш фазалари, вариант, ўғит меъёри, вегетация даври.

ABSTRACT

In this article, the scheme of sowing varieties of sweet corn "Mazza" and "Zamon" as the repeated crop and the optimal rate of fertilizer application, on irrigated lands of light gray soil climatic conditions in the Kashkadarya region, was studied. When conducting phenological observations in the experiments, the sowing scheme and top dressing with the norm of mineral fertilizers ensured the accumulation of optimal yield elements in sweet corn varieties.

Keywords: Grain, corn, corn varieties, repeated, sowing scheme, growth period, germination, development phases, variant, fertilizer rate, growing season.

КИРИШ

Маккажўхори энг қимматли, юқори ҳосилли дон экини ҳисобланиб озиқ-овқат, ем-ҳашак, техник ва агротехник аҳамиятга эга[1]. Такрорий экинларни ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва тупроқни ишлаш усуллари сезиларли таъсир кўрсатади. Дуккакли дон экинларидан энг юқори дон ҳосили эрта муддатда, тупроқ шудгорлаб экилганда ловияда, озуқа экинларидан маккажўхорида шаклланди, шундай нисбат, тупроқ чизеллаб ва тупроққа ишлов бермасдан экилганда ҳам

кузатилди. Экиш муддатларининг кечикиб бориши билан ўрганилган барча экин навларида камайиб бориши маълум бўлди. А.Ф.Остонақулов, Т.Ҳалилов, Н,Қулдошов Б.Абдурахмоновларнинг маълумотларига кўра, Кузги бошоқли дон экинлари ҳосилидан бўшаган майдонларда анғизда такрорий экинлар диверсифкатсиясини кучайтириш мақсадида тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатувчи , илдизлардаги туганак бактериялар ёрдамида симбиоз жараёнида, мавсум давомида 80-200 кг/ азот туплайдиган дуккакли дон экинларидан соя, мош, ловияни юқори дон ва силос масса ҳосилини берадиган озуқа экинларидан маккажўхори ва оқжўхори етиштириш иқтисодий ва экологик жиҳатдан самарали ҳисобланади. [2].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Рычкова Марина Ивановнанинг аниқлашича N174P61+15KO ўғитларининг ҳисобланган дозасини фракция қўллаш билан Ширин маккажўхорининг озуқавий режими учун янада қулай шароитлар яратилгани бу ўғитсиз вариантга нисбатан ўсимликларнинг омон қолиши 91% дан 98% гача, вегетатция даврининг давомийлиги 73-77 кунгача, поя баландлиги 164 дан 193 см гача, барг майдони 31,1 дан 46,4 минг м/га гача яшил массаси 46,3 дан 67,5 т/га гача, қуруқ биомасса 14,4 дан 20,9 т/га гача, дон ҳосилдорлиги 9,51 т/га ташкил қилди. [3].

Маккажўхорининг Замон ва Мазза навлари такрорий экин сифатида экилгандан сўнг ўртача 4-6 кунда тўлиқ униб чиқиш фазасига ўтганлиги аниқланди. Маккажўхори навлари тўлиқ униб чиққандан сўнг, 5-6 кунда 3-4 барг чиқариши кузатилди.

Маккажўхори ўсимлигининг Замон навида 90x10, 90x15, 90x20 экиш схемалари ўғитсиз вариантларида тўлиқ униб чиққандан сўнг, ўртача **9-10 барг чиқариш** фазаси 11-15 кунда бўлган бўлса, Мазза навида эса, 11-13 кун эканлиги кузатилди. N_{60} P_{90} K_{60} ўғитлаш вариантларда эса ўртача 11-16 кун бўлганлиги, Мазза навида 11-14 кун эканлиги қайд этилди. N_{90} P_{90} K_{60} ўғитлар қўллаш вариантларда эса ўртача 10-15 кун, Мазза навида эса 11-14 кун бўлган бўлса, N_{120} P_{90} K_{60} вариантларда ўртача 11-16 кун, Мазза навида 12-15 кун эканлиги кузатилди.

Най ўраш фазасига ўтиш даври маккажўхорининг Замон навининг 90x10, 90x15, 90x20 экиш схемасига кўра, ўғитсиз вариантларида ўртача 20-21 кун бўлган бўлса, Мазза навида эса 19-21 кун, N_{60} P_{90} K_{60} вариантларида 20-21 кун, Мазза навида 19-22 кун, Замон навининг N_{90} P_{90} K_{60} вариантда 20-21 кунда бўлган бўлса,

Масса навида 19-21 кун, Замон навининг N_{120} P_{90} K_{60} вариантларида 20-22 кун, Масса навида эса 20-23 кун бўлганлиги кузатилди.

Сўта чиқариш фазасида ширин маккажўхорининг Замон навининг 90x10, 90x15, 90x20 экиш схемасига кўра ўғитсиз вариантларида 33-36 кун, Масса навида 32-36 кун, N_{60} P_{90} K_{60} вариантларда эса 34-37 кун, Масса навида 33-38 кун бўлган бўлса, N_{90} P_{90} K_{60} вариантларда 34-37 кун, Масса навида 34-38 кун, N_{120} P_{90} K_{60} вариантларда Замон ва Масса навларида ўртача 35-38 кун бўлганлиги кузатилди.

Сут пишиш фазасида маккажўхорининг Замон ва Масса навларининг 90x10, 90x15, 90x20 экиш схемаси ўғитсиз вариантларида 55-59 кун, N_{60} P_{90} K_{60} вариантларда 55-60 кун, N_{90} P_{90} K_{60} вариантларда 55-59 кун, N_{120} P_{90} K_{60} вариантларда ўртача 56-61 кун бўлганлиги кузатилди.

Мум пишиш фазаси кузатилганида, ширин маккажўхорининг Замон навининг 90x10, 90x15, 90x20 экиш схемасига ўғитсиз вариантларида 78-82 кун, Масса навида эса 78-83 кун, N_{60} P_{90} K_{60} вариантларда 79-82 кун, Масса навида 79-82 кун бўлган бўлса, N_{90} P_{90} K_{60} вариантларда 79-83 кун, Масса навида 80-83 кун, N_{120} P_{90} K_{60} вариантларда эса, ўртача 79-84 кун, Масса навида 80-84 кун бўлганлиги аниқланди.

1-Расм

Ширин маккажўхорининг Замон ва Масза навларида **тўлиқ пишиш** 8-16 августгача давом этди. Тажриба давомида вегетация даври ширин маккажўхорининг Замон навининг 90х10 схемадаги вариантларида 86-89 кун, Масза навида эса 87-89 кун, 90х15 схемадаги Замон навининг вариантларда 85-86 кун, Масза навида 85-89 кун, 90х20 схемадаги Замон нави вариантларида 83-85 кун, Масза навида 84-86 кунгача давом этгани кузатилди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, такрорий экин сифатида экилган ширин маккажўхори ўсимлигининг Замон ва Масза навларининг 90х10, 90х15, 90х20 экиш схемаси, ўғитлаш меъёри, барг ҳосил қилиш, най ўраш, сўта чиқариш, сут ва мум пишиш, ҳамда тўлиқ пишиш фазалари кузатилганда 90х15 экиш схемаси ҳамда менерал ўғитларнинг N_{120} P_{90} K_{60} меъёри билан озиқлантириш ширин маккажўхори навларида самаралироқ эканлиги аниқланди.

REFERENCES

1. Атабаева Х. Н., Худайқулов Ж. Б. “Ўсимликшунослик”, “Фан ва технологиялар” нашриёти, Тошкент. -2018.
2. А.Ф.Остонақулов, Т.Ҳалилов, Н,Қулдошов Б.Абдурахмонов ва бошқалар (гугл академя) Life Sciences and agriculture 2.1-2020
3. Режим орошения и удобрение сахарной кукурузы на обыкновенных черноземах Рычкова Марина Ивановна 2007.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК САНЪАТИНИНГ ҚАДИМГИ НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАТИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

У. Қ. Юсупов
ТВЧДПУ “Тасвирий санъат”кафедраси катта ўқитувчиси
ulugbekyusupov799@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳайкалтарошлик санъатининг ўтмиш меросини талабаларга ўргатиш орқали уларда эстетик тарбияни риволантириш назарда тутилган. Бунга асос қилиб эрамиздан олдинги II-IV асрларга оид Ўзбекистон худудидан археологик қазишмалар натижасида Сурходарё вилоятидан топилган асори атиқалар асос қилиб олинди. Бу манбаалар талабаларга ўтмишда яшаб ўтган аждодларимизнинг яшаш тарзи, маданияти борасидаги тушунчаларини бойитишга ҳамда тарихий маданиятимизга бўлган тасаввурларини кенгайтишга хизмат қилади деган умиддамиз.

АННОТАЦИЯ

В этой статье предусмотрено популяризировать эстетическое воспитание, обучая студентов прошлому наследию скульптурного искусства. Основываясь на этом, в результате археологических раскопок, посвященных II-IV векам до нашей эры, в Сурходарьинской области были основаны артефакты. Мы надеемся, что эти источники помогут студентам обогатить представления о образе жизни, культуре наших предков, проживающих в прошлом, и расширить их представления о нашей исторической культуре.

ABSTRACT

This article aims to popularize aesthetic education by teaching students the past heritage of sculptural art. Based on this, as a result of archaeological excavations dedicated to the II-IV centuries BC, artifacts were founded in the Surkhodarya region. We hope that these sources will help students enrich their ideas about the lifestyle, culture of our ancestors living in the past, and expand their understanding of our historical culture.

Ҳаммамизга маълумки, ҳайкалтарошлик энг қадимги санъат турларидан бўлиб, у ҳар бир даврда ўз йўналиши ва мазмунига эга бўлган. Ўтмишга назар ташлар эканмиз, ҳайкалтарошлик санъати қадимдан тараққий этганлигини кўрамиз. Мисрлик ҳайкалтарош Тутмес яратган “Нефертити”, ёки Юнонистонлик ҳайкалтарош Мероннинг “Диск отувчи” (1-расм), Скопаснинг “Раққоса Монеда" (2-расм) ҳайкаллари бунинг ёрқин намунасидир. Шу жумладан юрти-мизнинг Далварзинтепа, Халчаён, Айритом, Кампиртепа, Болаликтепа, Қоратепа, Афросиёб, қадимги Хоразм давлатининг Тупроқ қалъа, Жонбос қалъа, Аёз қалъа каби бир қатор худудларидан археологик қазишмалар натижасида топилган олдинги II–V минггинчи асрларга бориб тақалувчи намуналар ҳайкалтарошлик санъатининг Ўзбекистон худудида хам узоқ тарихга эга эканлигидан далолат беради. Бу ўринда, айниқса, Тупроқ қалъадан топилган, кўза сиртига релъеф услубида ишланган “ Она ва бола” худолар тасвири ўзининг мукаммаллиги билан алохида бадиий қимматга эгадир. Аммо бундай ҳайкалларнинг аксарияти ўз даврида юмшоқ материалда ишланганлиги ва узоқ муддат тупроқ остида қолиб кетганлиги сабабли бизгача асл холича етиб келмаган. Ўрта Осиёнинг қадимий ёдгорликларини ўрганиш 1930 йилларда бошланган бўлса, асосан 1960 йилларга келиб бунга эътибор янада кучайди. С. П. Толстов, В. А. Шишкин, Я. Ғуломов, М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова, Б. Я. Ставский, Б. Турғунов каби олимлар бу сохада самарали меҳнат қилдилар. Шунга



1-расм. Мерон.“Диск отувчи” Эрамиздан олдинги V аср ўрталари



2-расм. Скопас. «Раққоса Монеда» Эрамиздан олдинги IV- аср

қарамасдан ҳалигача Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистон худудидаги эрамиздан олдинги даврларга оид қадимий ёдгорликлар тўлалигича ўрганилгани йўқ. Аммо хозиргача топилган ва аниқланган маълумотларга кўра, Ўрта Осиёда олдинги асрларда ҳам санъат ва маданият юксак даражада бўлганлигидан далолат беради. Бу эса халқимиз ўтмишини ўрганишда жуда катта имкониятдир. Масалан: Л. И. Ремпельнинг "Архитектурный орнамент Узбекистана" , Г. А. Пугаченкованинг "Архитектурные памятники Нись ", М. Т. Аминжоновнинг "Қадимги ёдгорликлар қиссаси" каби бир қанча адабиётларда араблар истилосигача бўлган Ўрта Осиё ерларидан топилган ёдгорликлардан бошқа халқлар қатори грек ва махаллий халқларнинг бир-бирига таъсири бўлганлиги тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирилган.

1932 йилнинг октябр ойида чегара қўшинлари аскарлари Термиздан 13 км. юқорида Айритомга яқин худудда сувда ётган, тош плиткага аканфа дарахти барглари орасига кўкракгача рельеф усулида ўйиб ишланган учта (арфа, люта ва дўмбира чалаётган) мусиқачи ҳайкали, яъни фриз бўлагини Амударёдан топиб олишади (3-расм). Бу ҳайкал маълум муддат ўтгач Тошкентга "Тарихий ёдгорликлар ҳамда маданий бойликларни асраш" қўмитасига олиб келинади. Бу топилма келгусида юртимиз бўйлаб тарихий ёдгорликларни топиш ва ўрганиш учун кенг кўламли қидирув ишларини бошланишига асосий туртки бўлди.

Қадимшунос олимлар бу ҳайкалнинг жуда қадимий эканлигига ишонч хосил қилишгач М. Е. Массон раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузилиб Сурхондарё вилоятига юборилади ва улар томонидан Айритомда олиб борилган қазишмалар натижасида кўплаб ноёб буюмлар: сапол идишлар, тақинчоқлар, тангалар ҳамда ҳайкалтарошлик намуналари топилган. Юртимиз худудларидан топилган тасвирий ва амалий санъат буюмларининг энг намунали кўринишлари Кушонлар салтанати даврига тўғри келади.

Шарқнинг Ўрта Осиёдаги Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон халқлари тарихидагина эмас, балки бутун дунё халқлари тарихида ўчмас из қолдирган қушонлар даври маданияти инсоният тараққиётининг илғор

3- расм.**“Мусиқачилар**”Айритомдан топилган рельеф бўлаклари. Эрамиздан олдинги I – II асрлар

даврларидан бири бўлган. Топилган санъат ва меҳнат намуналарига қараб хар қандай инсон ҳайратга тушади. Чунки, буддизмга хос ишланган ҳайкалларнинг аксарияти анатомик жиҳатдан мукаммал ишланган. Санъат асарларини юқори савияда яратиш учун инсон онги ва тафаккури юқори даражада бўлмоғи даркор. Бу ҳайкалтарошлик намуналари қушон империяси хукумронлик қилган даврда халқнинг яшаш тарзи, санъат, илм-фан ва маданияти юқори савияда бўлганлигини кўрсатади. Шу давлат яшаган давр эса тарихда “ **Кушон даври**” – деб аталади. Кушон даври эрамиздан олдинги I асрнинг охирларидан тортиб эрамизнинг IV асри яримигача бўлган даврни ўз ичига олади. Ҳинд водийсидан тортиб Парфиягача бўлган ерларни ишғол қилган бу буюк империянинг маркази шимолий - шарқий Ҳиндистон ерлари, яъни ҳозирги Афғонистон бўлган.

Ёзма манбаларга қараганда кўчманчи “Катта юечки” қабиласи Юнон-Бактрия шохлиги устидан ғалаба қозонгандан кейин Амударёнинг ўнг сохилига жойлашиб олади ва бешта князликка: Хюми, Шуами, Хиса, Думи ва Гуйшуанга бўлинади. Кўчманчи қабилалар Бактриянинг бой анъана- лари, тараққий этган давлат тузуми ва юқори ривожланган маданиятининг шоҳиди бўладилар. Бактрияликлар ўзларининг ижтимоий - иқтисодий тузуми билан кўчманчилардан анча юқорида турар эдилар. Шунинг учун улар бактрияликларнинг ютуқларини ўзлаштиришга киришдилар. Бу фақатгина кўчмачи қабилаларнинг хоҳишигина бўлмай, балки жамият тараққиёти тақозоси ҳам эди. Қабила хокимлари биринчи ўринда Бактрияда зўр тараққий этган товар-пул муомаласини ҳал қилишга киришдилар. Уларда янги тангалар чиқариш учун тажриба йўқлиги туфайли, энг оддий усул, яъни мазкур худудларда муомалада бўлган Евкратид ва Гелиокл тангаларига тақлид қилиб танга зарб қила

бошладилар. Археологик тадқиқотларга қараганда Гелиокл тангаларига тақлид қилиб чиқарилган тангалар бу даврда кўпроқ муомалада бўлган. Тангаларнинг олд томонида номаълум шоҳнинг боши, орқа томонида эса юнонлар худоси Зевснинг ҳайкали ўрнига отнинг рельефи тасвирланган. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари ва айниқса,кўчманчи қабилалар отларни улуғлашган, унга сажда қилганлар. Қизиғи шундаки, бу хилдаги тангаларнинг асосий қисми Сурхондарё вилоятидан топилди. Тахмин қилинишича бу тангалар кушон-гуйшуан вилоятининг хокимлари томонидан зарб қилинган. От тасвирини тангаларга жойлаштирилиши бу ерда янги давлат пайдо бўлаётганлигидан далолат беради. От тасвири туширилган тангалар асосан Далварзинтепа ва Холчаён атрофларидан топилмоқда. Шунга асосланиб, Г. А. Пугаченкова “Кушон-гуйшуан вилоятининг пойтахти Далварзинтепа ўрнида бўлган” – деб хисоблайди. Янги давлат тараққиётининг иккинчи босқичида тангаларнинг олд томонидаги тасвир ўзгарди. Унда шоҳнинг ҳайкали тасвирланган.

А) Б) В)

4-расм. **Герай тангаси:** А- олд кўриниши, Б -орқа кўриниши, В- орқа кўриниш, парча

Унинг юз қиёфаси Холчаёндан топилган ҳайкалларга ўхшаб кетади. Тангаларнинг орқа томонида отлиқ киши хайкали тасвирланган ва юнон ҳарфлари билан битилган тўртта сўз ҳам мавжуд. Биринчи сўз - **ҳукумрон**, иккинчи сўз - **Герай**, учинчи сўз - **ҳалигача ўқилмаган**, тўртинчи сўз - **кушон** деб ўқилади (4- расм). Шундай қилиб кушон-гуйшуан уруғидан бўлган биринчи ҳукумдорнинг номи Герай бўлганлиги аниқланди. Лекин Герайнинг қачон ҳукумронлик қилганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ. Кўпгина тадқиқотчилар уни милоддан олдинги биринчи асрнинг иккинчи яримида ҳукумронлик қилган деб хисоблашади. Хитой йилномаларидаги баъзи манбаларга кўра “Юечки” қабилалари Бактрияни босиб олганларидан кейин тахминан юз йилдан кўпроқ вақт ўтгач гуйшуан ҳокими Кадфиз қолган тўрт юечки қабилаларини мағлубиятга учратиб ўзини “Кушон ҳукумдори”- деб эълон қилади. Кужула Кадфиз, Герайнинг

ўғли ёки набираси бўлган. Бу ҳукумдор тез орада Парфия билан Қобулни, кейинроқ Арохосия ҳамда Кашмирни босиб олади ва **Кушонлар салтанати**га асос солади.

Собиқ президентимиз И.А.Каримовнинг **“Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожат қилмайлик минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият санъат намуналарини, хар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизиция мавжуд бўлганлигини кўриш муқаррар. Зеро, ўзликни англаш аввало, тарихдан бошланади.”**- деган сўзларида юксак маъно бор.

Кушонлар даври санъатини ҳар томонлама ўрганар эканмиз, Ўзбекистон ҳудудида улкан маданият яратилганининг гувоҳи бўламиз. Бу маданият ва санъат ўзининг серқирралиги ва характерлиги билан ўтмиш аждодларимизнинг меҳнат махсулини кўзгу сифатида намоён қилади.

Кушон даври санъати ўзининг кенг ёйилиши билан турли-туман намуналарни вужудга келтирди. Бундай намуналар тасвирланган ёдгорликлардан бири Холчаёндир. Бу ёдгорлик 1959 йилнинг охири 1960 йилларнинг бошларида Г. А. Пугаченкова раҳбарлигида Санъатшунослик илмий тадқиқот институти олимлари томондан очилган. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Холчаён комплекси фақат Бактрияни эмас, балки бутун Ўрта Осиё бадиий маданиятининг умумий тадрижий тараққиётида муҳим ўринни эгаллайди(5-расм).



5-расм. **Холчаён**. Хонакатепа саройининг реконструктив чизмаси

Ёдгорликни муфассал таърифлаб ўтирмай, марказий ўринни эгаллаган ҳайкал композицияларига тўхталиб ўтсак. Бу композициялар ҳокимлар саройининг тантанали маросимлар ўтказиладиган заллар атрофини безайдиган унсурлар хисобланиб, ҳайкалларнинг кейинги тахлилида кўрсатилишича, улар илк кушон авлоди, Герайлар авлодига хосдир. Ҳайкал композициясининг мазмуни асосан, сарой ҳаётига, тахтиравонда ўтирган ҳоким ва унинг аъёнларига

тааллуқлидир (6- расм). Бу даврда яратилган ҳайкалларда ҳалқларимизнинг ички ва ташқи қиёфаси, маънавий олами намоён қилинган. Ҳайкаллардаги соч ва соқоллар кўкимтир қора рангда,

6-расм. **Холчаён**. Хонакатепа саройи марказий хонасига ишланган рельеф панонинг реконструктив чизмаси

айримларида чамаси сочнинг қўнғир ранглилигини акс эттирувчи оч жигарранг бўёқ излари кўзга ташланади. Қош, киприк чизиқлари, кўз соққасининг ёй пардаси қора рангда белгиланган.

Подшоҳлик қавми вакиллари билан боғлик бир қатор ҳайкаллар алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳайкаллар воқеаий шахслар сифатида яратилган бўлиб, уларнинг юзидаги майда деталларга, кўз ифодаси, соч турмаги ва кийим – кечакларидаги букумларгача катта эътибор берилган. Масалан, композициянинг марказида жойлашган тахтиравонда ўтирган аёл ҳайкалига эътибор берсак.У товонигача тегиб турган узун куйлак кийиб олган тарзда ифодаланган. Юзи навқирон, тухумсимон шаклда бўлиб, кенг пешона тепасида тиллақош кўзга ташланади. Қаншар ёйлари суст ифодаланган бўлиб, улар аста кўз усти юзаси билан туташиб кетади. Юқори қавоқлари анча бўртик, пастки қавоқлар эса хийлагина суст бўртган, кўз косаси катта, ёноқ суяги айтарли сезилмайди. Бурни тўғри, ингичка, оғзи кичик, лаблари яққол тасвирланган, ияги ясси, бирмунча силлиқланган бўлиб, аста бўйинга туташиб кетади. Пешона устига тушган қуюқ сочларини ушлаб турган тиллақош унинг юқори табақага мансуб эканлигидан далолат беради. Шуни айтиш керакки, баъзи тасвирларда европага оид аҳолига хос бўлмаган ўзига хос марфологик ҳусусиятлар мавжудлиги аниқ кўзга ташланади.Бу биринчи навбатда кўз қисмига, бурун тузулиши ва ёноқ бўртмаларига тааллуқлидир. Дарҳақиқат, ҳайкал тасвирида мўъжазгина кўз ўйиқлари, бодомқовоқлик, кўзнинг ташқи бурчаги ички бурчагидан юқорироқ эканлиги, ёноқларнинг нисбатан бўртганлиги каби муҳим белгилар тасвирлардаги

одамларда монголоид ирқига мансуб унсурларнинг муайян қисми мавжудлигидан далолат беради.

Сурхондарёнинг Далварзинтепа, Айритом, Кампиртепа, Болаликтепа, Қоратепа, Самарқанднинг Афросиёб каби ҳудудларидан топилган кўплаб ҳайкалтарошлик намуналари жаҳон ҳалқлари тариҳи ва маданиятида юксак ўринларни эгаллайди. Зеро, қадимшунос олим М. Е. Массон Афросиёбда археологик қазишма ишларини олиб бораётганда шогирдларига қарата: **“Билинглар, европа ҳали қошиқни иҳтиро қилмаган бир пайтда, бу ерлик ҳалқ санчқи(вилька)да овқат еган экан**”- деб бежизга айтмаган. Бу айни ҳақиқатдир.

REFERENCES

1. Одноралов Н. В. Скульптура и скульптурные материалы. М, 1975
2. И.Носиров Материалшунослик. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Т. Узбекистон 2001 й. 252 б.
3. Ставиский Б. Я. “К югу от Железных ворот» М. 1977 г
4. Исломов Ф. Х. Ҳайкалтарошлик. « Ўқитувчи» нашриёти. 2007 й.
5. У.Қ. Юсупов Ҳайкалтарошлик. Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланма. 2014й.

THE EFFECT OF SELF-REGULATED LEARNING DIMENSIONS ON SELF-EFFICACY AMONG UNIVERSITY STUDENTS

Kamran Hatifi
Lecturer, Panjsher Institute of Higher Education, Afghanistan
kamaranhatifi@gmail.com

Assadullah Qatey
Lecturer, Samangan Institute of Higher Education, Afghanistan
assadullah786qatey@gmail.com

Abdul Walid Qadiri
Lecturer, Samangan Institute of Higher Education, Afghanistan
wali.qadiri398@gmail.com

Mohammad Ismail Stanikzai
Assistant Professor, Laghman University, Afghanistan
ismail.stanikzai55@gmail.com

ABSTRACT

The purpose of the present study was to investigate various dimensions of self-regulated learning namely; self-awareness, Planning and goal setting, self-motivation, self-control, self-evaluation as well as self-modification and their impact on general self-efficacy among English as foreign Language university learners (EFL) of Afghanistan. One hundred eighty Students (105 males and 75 females) studying at four public universities (two central universities of Kabul province and two eastern provincial universities) of Afghanistan were taken into account. Self-regulated learning scale developed by Gupta Madhu and Mehtani Dimple (2017) and general self-efficacy scale developed by Ralf Schwarzer and Matthias Jerusalem (1995) were administered in the study. The results of data analysis indicated that male and female university students do not differ significantly from each other with respect to various dimensions of self-regulated learning. In addition, stepwise regression analysis revealed that, self-awareness and self-control significantly predict the self-efficacy of university students of Afghanistan. Therefore, it is suggested that teachers should make their students aware of the concept of self-regulated learning skills particularly self-awareness and self-control in order to support and scaffold students' emotions, thoughts, feelings and behaviors in the process of language learning which may ultimately lead them toward academic success.

Keywords: English Language, Self-Regulated Learning, Self-Efficacy

INTRODUCTION

Language learning is a complex, time-devoting task that needs persistence, dedication and hard work. Oxford (2001) noted that, achieving adequate language expertise depends on self-regulatory skills of students. Self-regulated learning is directing one's own learning (Boekaerts and Corno, 2005). Self-regulated learning refers to an individual ability to understand and control one's learning environment, the ability of good time management, selection of most efficient learning and problem solving strategies as well as the capability to vigorously monitor and assess their learning. Graham and Harris (2000) defined self-regulated learning as the abilities of goal setting, self-monitoring, self-instruction as well as self-reinforcement. Self-regulation is a self-directive process of learning whereby learners apply their mental abilities (Zimmerman, 2002).

Moreover, smart and effective learners are self-regulated, they analyze task requirements, setting realistic and result oriented goals and adapt appropriate winning strategies in order to attain the objectives placed by them. They also monitor progress while working on a specific task, eliminate overlapping behaviors and motivate themselves in order to foster the process and achieve the targets. Paris and Paris (2001) asserted that self-regulated learners are asking questions, take active notes, allocate their time and their resources in such a way that assist them to be responsible of their own learning.

Besides, self-regulation establishes link between personal and environmental characteristics as well as with academic achievement (Pintrich, 2004). Therefore, it can be concluded that, learners who demonstrate more appropriate self-regulatory strategies, displays outstanding educational outcomes (Pintrich, 2000).

Considering the existing literature pertaining to self-regulated learning strategies, it can be concluded, that most of the studies were conducted with school level (Miller, 2000; Pajares & Graham, 1999; Peklaj & Pecjak, 2002) and few studies on university level (Fettahlioglu, 2011). However, there is no to limited studies pertaining to the effect of dimensions of self-regulated learning on general self-efficacy among English as foreign language university level students in Afghanistan. Hence, the aim of the present study was to investigate the impact of dimensions of self-regulated learning namely; self-awareness, Planning and goal setting, self-motivation, self-control, self-evaluation and self-modification on general self-efficacy among English as foreign language university learners of Afghanistan to identify the most influential dimensions and further help them to develop as well as how to self-regulate their English Language learning.

REVIEW OF RELATED LITERATURE

Mizumoto (2013) conducted an empirical study on 115 University English Language students in order to investigate the impact of self-regulated learning approach on self-efficacy in a vocabulary learning class. The study found that treatment group showed steady improvement of self-efficacy and vocabulary knowledge compare to control group by applying self-regulated learning approach. This empirical study also proposed that self-efficacy can be enhanced via self-regulated learning approach which will ultimately contribute in the vocabulary learning.

Wang et al (2013) examined 200 Chinese and 160 German college students to explore their self–efficacy beliefs and self-regulated learning strategies. The participants of the study completed two surveys regarding their self-efficacy beliefs and self-regulated learning. All the respondents also took an English language test to assess their English language ability. The study found statistically considerable relationship among self-efficacy and use of self-regulated learning strategies, and English language test scores. Besides, the study further found that female students achieved higher levels of self-efficacy beliefs but reported lower scores on the English language test in both countries.

Los et al (2014) examined 316 undergraduate college level students to investigate the process as well as how self-regulation and self-efficacy influence educational attainments. Data were collected through online survey using multidimensional self-efficacy and motivated strategies for learning questionnaire for self-regulation. The study asserted significant association between self-efficacy and self-regulated learning. Students who possess self-efficacy employ self-regulation strategies, they understand and allocate different learning strategies as well as they are planned to show best academic achievements. The study further added that, learners with greater degree of self-efficacy apply various spectrums of self-regulation strategies either cognitive or metacognitive. The study also noted that, resource management (study environment, time, and peer learning effort regulation) strategies of self-regulation are significantly associated with positive academic outcomes. Similarly, Brown et al. (2016) carried out a study on 278 university students and asserted that self-regulation for learning had a statistically significant relationship to self-efficacy.

Alotaibi et al (2017) explored 356 English and Mathematics college students at King Saud University in order to figure out the link between self-regulated learning and educational achievements. The study found significant association between self-regulated learning and

academic achievement of students. The study further asserted that, goal setting and planning are considerably linked with students' achievement meaning hereby that self-regulated learning facilitates academic attainments in English Language and mathematics.

Zheng et al (2018) studied the correlation between English language learners online self-regulation and their self-efficacy in terms of learning English as a foreign language (EFL). Data were gathered from 424 university English language students by applying online self-regulated English learning (OSEL) and the English Language self-efficacy (ELSE) scales. The study found that, self-evaluation was the most influential predictor for explaining students' variance of self-efficacy in English language listening, speaking, and reading skills.

Yabukoshi (2018) undertook the study on four university students of Japan with various levels of self-efficacy to examine self-regulated learning process with respect to look for improvement in listening proficiency of English Language outside the classroom. Data were collected through interviews, learning dairies and self-report. The study found that learners with high level of self-efficacy were different, specific and frequent in their self-regulated learning process when compared to their peers who showed low level of self-efficacy. The study also concluded that, self-efficacious learners who demonstrated better listening progress indicated advanced metacognitive strategy use in self-regulated learning process.

OBJECTIVES OF THE STUDY

1. To Study various dimensions of self-regulated learning namely; self-awareness, Planning and goal setting, self-motivation, self-control, self-evaluation and self-modification among university students of Afghanistan.
2. To find out difference in dimensions of self-regulated learning between male and female university students of Afghanistan.
3. To assess the impact of various dimensions of self-regulated on self-efficacy among university students of Afghanistan.

HYPOTHESES

1. There exists no significance difference in dimensions of self-regulated learning between male and female university students of Afghanistan
2. There exists no significance impact of dimensions of self-regulated learning on self-efficacy among university students of Afghanistan.

MATERIALS AND METHODS

Participants

One hundred and eighty English as foreign language university students (105 males and 75 females) have taken part in the current study. The participants of the study were selected from four public universities of Afghanistan namely; Kabul University, Professor Shaheed Rabani Education University, Nangharhar University and Laghman University.

Instruments

For data collection, 48 items standardized Self-Regulated Learning Scale developed by Gupta Madhu and Mehtani Dimple (2017) on the basis of self-regulated learning strategies and ten items General Self-Efficacy Scale designed by Ralf Schwarzer and Matthias Jerusalem (1995) that evaluate general sense of perceived self-efficacy considering the aim in mind to anticipate difficult conditions and adaptation of them after experiencing all kinds of stress, barriers and setbacks in life.

Data Analysis

To attain the objectives of the study, data were properly arranged and tabulated. IBM SPSS (24 version) statistical techniques namely, T-test and stepwise regression were applied.

RESULTS AND DISCUSSION

Table 1 Showing Difference in Various Dimensions of Self-Regulated Learning among Male and Female University Students of Afghanistan

Dimensions of Self-Regulated Learning	Gender		Mean Score	SD	Df	t Value	P Value	Remarks
Self-Awareness	Male	05	30.08	4.393	78	-1.736	.084	Insignificant
	Female	5	31.16	3.727				
Planning and Goal Setting	Male	05	22.40	3.418	78	-1.952	.053	Insignificant
	Female	5	23.47	3.874				
Self-Motivation	Male	05	25.42	4.090	78	1.047	.297	Insignificant

	Female	5	24.80	3.647				
Self-Control	Male	05	31.27	4.438	78	-.192	.848	Insignificant
	Female	5	31.39	3.687				
Self-Evaluation	Male	05	34.82	4.837	78	-.980	.328	Insignificant
	Female	5	35.55	5.009				
Self-Modification	Male	05	31.21	5.091	78	-1.897	.059	Insignificant
	Female	5	32.59	4.362				

Table 1 exhibits that p-value for male and female university students on self-awareness dimension of self-regulated learning is (p=.084), P value for Planning and Goal Setting dimension of self-regulated learning is (p=.053) result regarding self-motivation came out to be (p=.297) P value for male and female university students in self-control is (p=.848) P value for self-evaluation came out to be (p=.328) and results pertaining to self-modification found to be (p=.059) which are greater than .05 level of significance indicating that null hypothesis as there exist is no significant difference in various dimensions of self-regulated learning between male and female university students of Afghanistan is accepted indicating that male and female university students of Afghanistan do not differ significantly from each other in terms of various dimensions of self-regulated learning.

Results Pertaining to the Impact of Various Dimensions of Self-Regulated Learning on Outcome Variable Self-efficacy among University Students of Afghanistan.

Table 2 Showing Model Summary

Model	R	R Square	Adjusted R Square	Std. Error
1	.283	.080	.075	5.467

Predictors: (Constant), Dimension of Self-Regulated Learning: Self-Awareness (SA)

Table 3 Showing Model Fit of ANOVA

Model	Sum of Squares	df	Mean Square	F	Sig
1Regression	461.453	178	461.453	15.439	.000[b]
Residual	5320.347	79	29.890		
Total	5781.800				

Dependent Variable: SE

Predictors: (Constant), SRL Dimension: Self-Awareness (SA)

From the above model summary table 2, it is clear that self-awareness dimension of independent variable self-regulated learning yielded a coefficient of regression (R) .283 which indicates weak positive correlation and R Square for same is found to be .080. This regression model is significantly predicting the contribution of self-awareness dimension of independent variable on outcome variable self-efficacy. Further looking at the summary table 2 that, only 8% contribution is made of self-awareness dimension of self-regulated learning on self-efficacy. The contribution 8% is significant and the same is found true where the ANOVA table 3 also indicates that the analysis of contribution of the regression data produced an "F" value (15.439) which is significant as P value came out to be (P=.000) that is less than at .05 level of significance (p<.05) indicating that there is significant impact of self-awareness dimension of self-regulated learning on self-efficacy among university students of Afghanistan.

Table 4 Showing COEFFICIENT

Model	**Unstandardized Coefficients**		**Standardized Coefficients**	**t-value**	**Sig**
	B	**Std. Error**	**Beta**		
1 (Constant)	17.497	3.031		5.772	.000
Self-Awareness	.387	.098	.283	3.929	.000

Dependentvariable: SE

It can be also observed from table 4 that self-awareness dimension of independent variable self-regulated learning contributes to the prediction of self-efficacy. The result showed that the following beta weights which represents the relative impact of self-awareness the dimension of independent variable self-regulated learning to the prediction which observed as: self-awareness β=.283, t=5.772). Similarly, the p-value in the same table 4 came out to be (p=.000) which is less than at .05 level of significance (p<.05) indicating the significance of beta contribution of self-awareness dimension of self-regulated learning to influence the self-efficacy of university students of Afghanistan meaning thereby that self-awareness dimension of independent variable significantly predicts the self-efficacy of university students of Afghanistan.

Self-efficacy=17.497+ (.387*self-awareness dimension of self-regulated learning)

Table 5 Showing Model Summary

Model	R	R Square	Adjusted R Square	Std. Error
1	.240[a]	.058	.052	5.533

Predictors: (Constant), Self-Regulated Learning Dimension: Planning and Goal Setting (PGS)

Table 6 Showing Model Fit of ANOVA

Model	Sum of Squares	Df	Mean Square	F	Sig
1Regression	332.976		332.976	10.878	.001[b]
Residual	5448.824	78	30.611		
Total	5781.800	79			

Dependent Variable: SE

Predictors: (Constant) SRL Dimension: Planning and Goal Setting

From the above summary table 5, it is clear that planning and goal setting dimension of independent variable self-regulated learning yielded a coefficient of regression (R) .240 which show weak positive correlation and R Square for the same is found to be .058. This regression model is significantly predicting the impact of planning and goal setting dimension of independent variable self-regulated learning on outcome variable self-efficacy. Further looking at the summary table 5 that, only 5.8% contribution is made of planning and goal setting dimension of self-regulated learning on self-efficacy. The contribution 5.8% is significant and the same is found true where the ANOVA table 6 also exhibits that the analysis of contribution of the regression data produced an “F” value (10.878) which is significant as P value came out to be (P=.001) which is less than at .05 level of significance, (p<.05) indicating that there is significant impact of planning and goal setting” dimension of self-regulated learning on self-efficacy among university students of Afghanistan.

Table 7 Showing COEFFICIENT

Model	Unstandardized Coefficients		Standardized Coefficients	t-value	Sig
	B	Std. Error	Beta		
1 (Constant)	20.747	2.626		7.902	.000
Planning and Goal Setting (PGA)	.374	.114	.240	3.298	.001

Dependent variable: SE

Predictors: (Constant), SRL Dimension Planning and Goal Setting

It can be also observed from table 7 that planning and goal setting dimension of independent variable self-regulated learning contributes to the prediction of self-efficacy. The result indicated that the following beta weights which represented the relative contribution of planning and goal setting the dimension of independent variable to the prediction were observed as: self-awareness β=.240, t=3.298). Similarly, the p-value in the same table 7 came out to be (p=.001) which is less than .05 level of significance (p<.05) indicating the significance of beta contribution of planning and goal setting dimension of self-regulated learning to influence the self-efficacy of university students of Afghanistan meaning thereby that planning and goal setting dimension of self-regulated significantly influence the self-efficacy of university students of Afghanistan.

Self-efficacy=20.747+ (.374*planning and goal setting dimension of self-regulated learning).

Table 8 Showing Model Summary

Model	R	R Square	Adjusted R Square	Std. Error of the Estimate
1	.115[a]	.013	.008	5.661

Predictors: (Constant), Self-Regulated Learning Dimension: Self-Motivation (SM)

Table 9 Showing Model Fit of ANOVA

Model	Sum of Squares	Df	Mean Square	F	Sig
1Regression	76.982	78	76.982	2.402	.123[b]
Residual	5704.818	79	32.050		
Total	5781.800				

Dependent Variable: SE

Predictors: (Constant), SRL Dimension: Self-Motivation (SM)

From the above summary table 8, it is clear that self-motivation dimension of independent variable self-regulated learning yielded a coefficient of regression (R) .115 that indicates weak positive correlation and the R Square for same is found to be .013. This regression model is insignificant to predict the contribution of self-motivation dimension of self-regulated learning on self-efficacy. Further, looking at summary table 8 that only 1.3% contribution is made of self-motivation dimension of self-regulated learning on self-efficacy. The contribution is insignificant and the same is found to be true where ANOVA table 9 also exhibits the contribution of the regression data produced an F value (2.402) which is insignificant as P value came out to be (P=.123) that is greater than at .05 level of significance, (p>.05) indicating that there exists no significant

impact of self-motivation dimension of self-regulated learning on self-efficacy among university students of Afghanistan.

Table 10 Showing Coefficient

Model	Unstandardized Coefficients		Standardized Coefficients	t-value	Sig
	B	Std. Error	Beta		
1 (Constant)	25.083	2.754		9.109	.000
Self-Motivation (SM)	.168	.108	.115	1.550	.123

Dependent variable: SE

It can be also depicted from table 10, that self-motivation dimension of independent variable self-regulated learning does not significantly contribute to the prediction of self-efficacy. The result indicates that the following beta weights that represent the relative contribution of self-motivation dimension of predicting variable self-efficacy to the prediction were observed as: self-awareness β=.115, t=1.550). Similarly, table 10 also exhibits the p value which is came out to be (p=.123) which is greater than (.05) level of significance (p>.05) showing the insignificance of beta contribution of self-motivation dimension of self-regulated learning to influence the self-efficacy of university students of Afghanistan meaning thereby that self-motivation dimension of self-regulated learning does not significantly predicts the self-efficacy among university students of Afghanistan.

Self-efficacy=25.083+ (.168* self-motivation dimension of self-regulated learning)

Table 11 showing Model summary

Model	R	R Square	Adjusted R Square	Std. Error of the Estimate
1	.291[a]	.085	.080	5.452

Predictors: (Constant), Self-Regulated Learning Dimension: Self-Control (SC)

Table 12 Showing Model Fit of ANOVA

Model	Sum of Squares	Df	Mean Square	F	Sig
1Regression	491.131	78	49.131	16.524	.000[b]
Residual	5290.669	79	29.723		
Total	5781.800				

Dependent Variable: SE

Predictors: (Constant), SRL Dimension: Self-Control (SC)

From the above regression table 11, it is evident that self-control dimension of independent variable self-regulated learning yielded a coefficient of regression (R) .291 which indicates weak positive correlation and R Square for same is found to be .080. This regression model is significantly predicting the contribution of self-control dimension of independent variable of self-regulated on self-efficacy. Further, looking at summary table 11 only 8% contribution is made of self-control dimension of self-regulated learning on self-efficacy. The contribution is significant and the same is found to be true where ANOVA table 12 also reveals the analysis of contribution of the regression data produced an "F" value (16.524) which is significant as P value came out to be (P=.000) that is less than at .05 level of significance, (p<.05) indicating that, there is significant impact of "self-control" dimension of self-regulated learning on self-efficacy among university students of Afghanistan.

Table 13 Showing Coefficient

Model	Unstandardized Coefficients		Standardized Coefficients	t-value	Sig
	B	Std. Error	Beta		
1 (Constant)	16.743	3.116		5.347	.000
Self-Control(SC)	.401	.099	.291	4.065	.000

Dependent variable: SE

It can be also seen from table 13, that self-control dimension of independent variable self-regulated learning contributes to the prediction of self-efficacy indicating the following beta weights which represented the relative contribution of self-control the dimension of independent variable self-regulated learning to the prediction were observed as: self-control β=.291, t=4.065). Similarly, the p-value in the same table 13 came out to be (p=.000) which is less than at .05 level of significance (p<.05) indicating the significance of beta contribution of self-control to predict the self-efficacy of university students of Afghanistan meaning thereby that self-control dimension of self-regulated learning significantly influence the self-efficacy among university students of Afghanistan.

Self-efficacy=16.743+ (.401*self-control dimension of self-regulated learning)

Table 14 Showing Model Summary

Model	R	R Square	Adjusted R Square	Std. Error of the Estimate
1	.254[a]	.065	.059	5.512

Predictors: (Constant), Self-Regulated Learning Dimension: Self-Evaluation (SE)

Table 15 Showing Model Fit of ANOVA

Model	Sum of Squares	Df	Mean Square	F	Sig
1Regression	373.582	78	373.582	12.296	.001[b]
Residual	5408.218	79	30.383		
Total	5781.800				

Dependent Variable: SE
Predictors: (Constant), SRL Dimension: Self-Evaluation (SE)

From the above summary table 14, it is clear that self-evaluation dimension of independent variable self-regulated learning showed a coefficient of regression (R) .254 which indicates weak positive correlation and R Square for same is found to be .059. This regression model is significantly predicting the contribution of self-evaluation dimension of independent variable self-regulated on self-efficacy. Further looking at summary table 14, it can be seen that only 5.9% contribution is made of self-evaluation dimension of self-regulated learning to self-efficacy. The contribution is significant and the same is found to be true where the ANOVA table 15 also indicates the analysis of contribution regression data produced an "F" value (12.296) which is significant as P value came out to be (P=.001) which is less than at .05, level of significance (p<.05) meaning thereby, that self-evaluation" dimension of self-regulated learning significantly influenced the self-efficacy among university students of Afghanistan.

Table 16 Showing Coefficient

Model	Unstandardized Coefficients		Standardized Coefficients	t-value	Sig
	B	Std. Error	Beta		
1 (Constant)	18.964	2.976		6.372	.000
Self-Evaluation (SE)	.294	.084	.254	3.507	.001

Dependent variable: SE

It can be also depicted from table 16 that self-evaluation dimension of independent variable self-regulated learning contributes to the prediction of self-efficacy. The result indicates that the following beta weights which represents the relative contribution of self-evaluation dimension of independent variable self-regulated learning to the prediction were observed as: self-evaluation β=.254, t=3.507). Similarly, the p-value in the same table 16 came out to be (p=.001) which is less than .05 level of significance (p<.05) indicating the significance of beta contribution of self-evaluation dimension of self-regulated learning to the self-efficacy of university students of Afghanistan

meaning thereby, that self-evaluation dimension of self-regulated learning significantly influence the self-efficacy of university students of Afghanistan.

Self-efficacy=18.964+ (.294*self-evaluation dimension of self-regulated learning)

Table 17 Showing Model Summary

Model	R	R Square	Adjusted R Square	Std. Error of the Estimate
1	.257[a]	.066	.061	5.508

Predictors: (Constant), Self-Regulated Learning Dimension: Self-Modification (SM)

Table 18 Showing Model Fit of ANOVA

Model	Sum of Squares	Df	Mean Square	F	Sig
1Regression	382.049	78	382.049	12.594	.000[b]
Residual	5399.751	79	30.336		
Total	5781.800				

Dependent Variable: SE

Predictors: (Constant), SRL Dimension: Self-Modification (SM)

From the above regression table 17, it is clear that self-modification dimension of independent variable self-regulated learning yielded coefficient of regression (R) .257 which indicates weak positive correlation and R Square for same is found to be .066. This regression model is significantly predicting the contribution of self-modification dimension of independent variable self-regulated learning on self-efficacy. Further looking at summary table 17, it can be also observed that only 6.1% contribution is made of self-modification dimension of self-regulated learning to self-efficacy. The contribution is significant and the same is found to be true where the ANOVA table 18 also indicates that the analysis of contribution regression data produced an "F" value (12.594) which is significant as P value came out to be (P=.000) which is less than at .05 level of significance (p<.05) indicating thereby that self-modification dimension of independent variable self-regulated learning is significantly influenced the self-efficacy among university students of Afghanistan.

Table 19 Showing Coefficient

Model	Unstandardized Coefficients		Standardized Coefficients	t-value	Sig
	B	Std. Error	Beta		
1 (Constant)	19.699	2.736		7.199	.000
Self-Modification (SM)	.302	.085	.257	3.549	.000

Dependent variable: SE

Table 19 also exhibits that self-modification dimension of independent variable self-regulated learning contributes to the

prediction of self-efficacy. The result indicates that the following beta weights that represents relative contribution of self-modification dimension of independent variable self-regulated learning to the prediction were observed as: self-modification β=.257, t=3.549). Similarly, the p-value in the same table 3.32 came out to be (p=.000) which is less than at .05 level of significance (p<.05) indicating the significance of beta contribution of self-modification dimension of self-regulated learning to influence the self-efficacy of university students of Afghanistan meaning thereby that self-modification dimension of self-regulated learning significantly influence the self-efficacy among university students of Afghanistan.

Self-efficacy=19.699+ (.302*self-modification dimension of self-regulated learning)

Summary of Stepwise Regression Analysis, Pertaining to the Various Dimensions of Self-Regulated Learning

Table Showing Model Summary

Model	R	R Square	Adjusted R Square	Std. Error of the Estimate
1	.291[a]	.085	.080	5.452
2	.332[b]	.110	.100	5.391

Predictors: (Constant), SC
Predictors: (Constant), SC, SA

Table 21 Showing Model Fit of ANOVA

Model	Sum of Squares	df	Mean Square	F	Sig
1Regression	491.131	78	491.131	16.524	.000[b]
Residual	5290.669	79	29.723		
Total	5781.800				
3Regression	637.367	77	318.684	10.965	.000[c]
Residual	5144.433	79	29.065		
Total	5781.800				

Dependent Variable: SE
Predictors: (Constant), SC
Predictors: (Constant), SC, SA

From the above summary table 20, it is evident that after applying stepwise regression to the all six dimensions of independent variable self-regulated learning yielded a coefficient of regression (R) for two dimensions of self-regulated learning; self-control and self-awareness. The (r) value for self-control dimension of self-regulated learning is (r=291) and R Square for the same is found to be .85. This regression model is significantly predicting the contribution of self-control dimension of independent variable of self-regulated learning to self-efficacy.

Further, looking at the summary table 20, it indicates that only 8.5% contribution is made of self-control dimension of self-

regulated learning on self-efficacy in the model 1. The variance is significant and the same is found to be true where the ANOVA table 21 of the regression data produced an "F" value (16.524) which is significant as P value came out to be (P=.000) is less than at .05 level of significance (p<.05) meaning thereby that self-control dimension of self-regulated learning significantly predicts the self-efficacy among university students of Afghanistan.

Further looking at table 2o, it can be also observed that self-awareness dimension of independent variable self-regulated learning yielded a coefficient of regression R (r=332) and R square for the same is found to be .110 indicating that 11% variance in self-efficacy is explained by "self-awareness" dimension of predictor variable self-regulated learning in the model 2. The variance is significant and the same is found to be true where the ANOVA table 3.34 of the regression data produced an "F" value (10.965) which is significant as p value came out to be (p=.000) is less than at .05 level of significance (p<.05) meaning thereby that there is a significant impact of "self-awareness" dimension of self-regulated learning on self-efficacy among university students of Afghanistan.

Table 22 Showing Coefficient

Model	**Unstandardized Coefficients**		**Standardized Coefficients**	**t-value**	**Sig**
	B	**Std. Error**	**Beta**		
1 (Constant)	16.743	3.116		5.374	.000
Self-Control (SC)	.401	.099	.291	4.065	.000
2 (Constant)	13.001	3.504		3.711	.000
SC	.276	.112	.201	2.460	.015
Self-Awareness (SA)	.251	.112	.183	2.243	.026

Dependent Variable: SE

Table 22 further exhibits the remaining dimensions of independent variable self-regulated learning significantly contribute to the prediction of dependent variable (self-efficacy) with t=2.460, p=.015 for self-control, t=2.243, p=.026 for self-awareness respectively. The β-value in the table 3.15 indicates the relative contribution of dimensions of independent variables self-regulated learning indicating that both self-control and self-awareness dimensions of independent variables significantly predict the self-efficacy of university students of Afghanistan. Further looking at the β-values

of both dimensions in the table 22, it can be inferring that dimension with highest β-value is reasonably considered as the most predicting dimension. The β-values for dimensions of self-control came out to be (.201) whereas it came out as (.183) for self-awareness dimension which facilitates to infer that self-control is the most predicting dimension to self-efficacy as compared to self-awareness dimensions of self-regulated learning. The stepwise regression equation formulated for the variable is given below.

Self-efficacy= 13.001+ (.276*self-control+.251*self-awareness)

Table 23 Showing Excluded Variables

Excluded Variables					
Model Dimensions of SRL	Beta In	t-value	Sig.	Partial Correlation	Co linearity Statistics Tolerance
PGS	.100[c]	1.221	.224	.092	.747
SM	.013[c]	.172	.864	.013	.889
SE	.091[c]	1.039	.300	.078	.657
SMD	.101[c]	1.154	.250	.087	.657
a. Dependent Variable: SE					
b. Predictors in the Model: (Constant), SC					
c. Predictors in the Model: (Constant), SC, SA					

After applying stepwise regression technique, table 23 also supports the data whereas four dimensions of self-regulated learning were excluded and only two dimensions as mentioned in table 22 were retained as significant predictors to the self-efficacy among university students of Afghanistan. It can be seen from the table 23 that in case of planning and goal setting dimension of self-regulated learning the (t=1.221, p=.224) as the p-value is greater than .05 level of significance hence, it stands insignificant. Similarly, Self-motivation dimension of self-regulated learning the (t=.172, p=.864) as the p-value is greater than .05 level of significance hence, it stands insignificant. In case of self-evaluation dimension of self-regulated learning the (t=1.039, p=.300) as the p-value is greater than .05 level of significance hence, it stands insignificant. Likewise, self-modification dimension of self-regulated learning the (t=1.154, p=.250) as the p-value is greater than .05 level of significance hence, it also stands insignificant.

CONCLUSION AND IMPLICATION OF THE STUDY

Stepwise regression model revealed that, out of all six various dimensions of self-regulated learning only two

dimensions namely; self-control and self-awareness are exerting more impact on self-efficacy among university students of Afghanistan. As per the findings of the present study, it can be asserted that self-awareness and self-control dimensions of self-regulated learning significantly predicts the general self-efficacy of EFL university students of Afghanistan. This indicates that self-awareness and self-control are the main variables that work closely in order to simplify as well as scaffold the English language learning process of the respective students. Self-awareness refers to the understanding one's emotion and one's potentiality or strengths limitations as well as one's values and motives (Goleman et al, 2002). It also refers as being aware of oneself such as one's feelings, traits and behaviors. Students with high level of self-awareness are committed and honest with their selves meaning thereby that, such students are realistic neither self-critical nor extremely self-confident. These types of students have two common attributions like self-reflection and thoughtfulness. Previous explanation also demonstrates that students' knowledge about self-awareness may better assist them to differentiate the similarities and differences between present condition and the required or standard one.

The present finding of the study is also in line with Gharetepeh et al (2015). Gharetepeh et al (2015) examined 128 students of public health school to explore the role of emotional intelligence in identifying self-efficacy. Data were collected through emotional intelligence and self-efficacy questionnaires. The study revealed that self-awareness, self-motivation and social consciousness significantly influenced the self-efficacy of the respective students.

On the other hand, self-control dimension of self-regulated learning also significantly predicts the self-efficacy among university students of Afghanistan. The human ability to use self-control is arguably one of the effective and useful adaptations of the human psyche. Self-control refers to as the ability to change and adjust self in order to create better and best fit between self and environment (Rothbaum et al, 1982). It is the ability of an individual to change their internal responses and suppressed undesired behavioral tendencies to avoid acting on them. It indicates that self-control students are all round developed and careful regarding their academic tasks. They are committed to avoid undesired actions and further motivate them to keep eyes on their academic life to achieve desired goals. When there is a best fit between self and academic environment, it indicates that students are well-planned, managed and curious about their academic activities that leads to self-satisfaction resultantly chances are likely there for the improvement and enhancement of self-efficacy which is

considered as the core pillar in the academic success of the students.

Implications

It has been found that self-awareness and self-control dimensions of independent variable self-regulated learning significantly predict the self-efficacy among university students of Afghanistan. Based on the present result, the researcher suggests that educators should make aware their students regarding the concept of both self-awareness and self-control and its significance in the language learning. Teachers should support their learners' emotions and feelings in order to develop their cognitive ability and that by itself lead to motivational environment which is crucial in language learning classrooms. This awareness can be done through providing training to students to improve their self-regulation skills particularly self-control and self-awareness and the approaches of adjustment of their selves with academic environment. Once they are able to adjust their selves with the respective environment there appears a best fit between self and environment where Students begin suppressing undesired behaviors and pay attention to the required academic tasks that may ultimately influence and enhance their self-efficacy resultantly desired language outcomes can be achieved.

REFERENCES

1. Atsushi, M. (2013). Enhancing Self-efficacy in Vocabulary Learning: A Self-Regulated Learning Approach, *Vocabulary and Instruction*, 2(1), 15-24.
2. Alotaibi, K. et al. (2017). The Relationship between Self-Regulated Learning and Academic Achievement for a Sample of Community College Students at King Saud University, *Education Journal*, 6(1), Science PG Publishing Group.
3. Boekaerts, M. & Corno, L. (2005). Self-regulation in the Classroom: A perspective on Assessment and Intervention Applied Psychology: *An International Review*, 54(2), P 199-231.
4. Brown, G. T., Peterson, E. R., & Yao, E. S. (2016). Student conceptions of feedback: Impact on self-regulation, self-efficacy, and academic achievement. British Journal of Educational Psychology, 86(4), 606-629.
5. Fettahlıoğlu, P. (2011). The analysis of using self-regulated learning strategies according to gender factor. Procedia-Social and Behavioral Sciences, 15, 2748-2752.Goleman, D., Boyatzis, R. E., & McKee, A. (2002). Primal Leadership: Realizing the Power of emotional intelligence, London, UK: Time Warner.
6. Graham, S. & Harris, K. R. (2000). The role of self-regulation and transcription skills in writing and writing development. Educational Psychologist, 35(1), 3-12. https://doi.org/10.1207/S15326985EP3501_2.

7. Gharetepeh, A., Safari, Y., Pashaei, T., Razaei, M., & Kajbaf, M. B. (2015). Emotional intelligence as a predictor of self-efficacy among students with different levels of academic achievement at Kermanshah University of Medical Sciences. Journal of advances in medical education & professionalism, 3(2), 50.
8. Los, A. (2014). The Effects of Self-regulation and Self-efficacy on Academic Outcome, *ProQuest*, Published Dissertation.
9. Miller, J. W. (2000). Exploring the source of self-regulated learning: The influence of internal and external comparisons. Journal of Instructional Psychology, 27, 47-52.
10. Oxford, R. (2001). Language Learning Strategies, The Cambridge Guide to Teaching English to Speakers of other Languages, pages, 166-172, Cambridge: Cambridge University Press.
11. Pajares, F., & Graham, L. (1999). Self-efficacy, motivation constructs, and mathematics performance of entering middle school students. Contemporary educational psychology, 24(2), 124-139.
12. Pintrich, P. R. (2004). A conceptual Framework for Assessing Motivation and Self-Regulated Learning in College Students, Educational Psychology Review, 16(4), P 385-407.
13. Pintrich, P. R. (2000). The Role of Goal Orientation in Self-Regulated Learning, In M. Boekaerts.P.R. Pintrich & M. Zeidner (Eds.), Handbook of Self-Regulation, pp. 451–502.
14. Paris, S. G. and Paris, A.H. (2001). Classroom Application of Research on Self-Regulated Learning, Educational Psychologist,36, Pages, 86-101.
15. Peklaj, C., & Pecjak, S. (2002). Differences in students' self-regulated learning according to their achievement and sex. Studia Psychology, 44(1), 29-43.
16. Rothbaum, F., Weisz, J. R., & Snyder, S. S. (1982). Changing the world and changing the self: A two-process model of perceived control. Journal of personality and social psychology, 42(1), 5.
17. Wang, C., Schwab, G., Fenn, P., & Chang, M. (2013). Self-efficacy and self-regulated learning strategies for English language learners: Comparison between Chinese and German college students. *Journal of Educational and Developmental Psychology*, *3*(1), 173.
18. Yabukoshi, T. (2021). Self-regulation and self-efficacy for the improvement of listening proficiency outside the classroom. *The Language Learning Journal*, *49*(1), 27-40.
19. Zimmerman, B.J. (2002). Becoming a Self-regulated learner: An overview, *Theory into Practice*, Vol. 41, No. 2, P, 64-70
20. Su, Y., Zheng, C., Liang, J. C., & Tsai, C. C. (2018). Examining the relationship between English language learners' online self-regulation and their self-efficacy. *Australasian Journal of Educational Technology*, *34*(3).

EKSPORTBOP QOVUN VA TARVUZ NAVLARINI YETISHTIRISH VA ULARNING AGROBIOLOGIK XUSUSIYATLARI

Mirzamad Isaevich Odinaev
Toshkent davlat agrar universiteti, q.x.f.f.d. (PhD)
mirzamad_odinayev@mail.ru

Dilmurod Valijon o‘g‘li Xakimov
Toshkent davlat agrar universiteti, t.f.f.d. (PhD)
dhakimov91@mail.ru

Azizbek Ro‘ziqul o‘g‘li Abdirayimov
Toshkent davlat agrar universiteti, assistent
abdirayimov9191@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada respublikamizda yetishtirilayotgan poliz mahsulotlaridan qovun va tarvuzning eksportbop hamda mahalliy kechpishar navlari bo‘yicha umumiy sifat ko‘rsatkichlari haqida ma’lumot keltirilgan. Ushbu qovun navlarining agrobiologik va texnologik ko‘rsatkichlari keltirilgan. Qovun navlarini yetishtirish texnologiyasi, ekish sxemasi va zarar keltiruvchi xashorat va kasalliklar haqida qisqacha ma’lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Quruq modda, qand miqdori, klechatka, et qismi, qovun palagi, qovun navlari, tarvuz navlari, qirqim, sershox, buyraksimon, saqlanuvchan, ellipsimon, dumaloqsimon, po‘sti qattiq, shirali, eruvchan, xushbo‘y.

ABSTRACT

This article provides information on the general quality indicators of export and local late-ripening varieties of melons and watermelons that are cultivated in our republic. Agrobiological and technological indicators of these melon varieties are given. Brief information about the technology of growing melon varieties, planting scheme and pests and diseases.

Keywords. Dry matter, amount of sugar, klechatka, part of meat, melon peel, melon varieties, watermelon varieties, cut, branched, kidney-shaped, preserved, elliptical, round, hard-skinned, juicy, soluble, fragrant.

KIRISH

Jahon miqyosida yetishtirilgan qovunlar umumiy hajmining 85 foizi 14 mamlakat, ya'ni Xitoy, Turkiya, Eron, Hindiston, Qozog'iston, AQSh, O'zbekiston, Misr, Ispaniya, Gvatemala, Italiya, Meksika, Braziliya va Marokash hissasiga to'g'ri keladi. 2018 yili jahon miqyosida umumiy qiymati $1,8 mlrd.ga teng 2,4 mln. tonna qovun eksport qilingan. Eng yirik qovun eksportchilari Ispaniya, Gvatemala, Braziliya, Gonduras, AQSh, Gollandiya, Meksika va Kosta-Rika hisoblanadi. Mazkur sakkiz mamlakatning jahon bozoridagi qovun eksporti bo'yicha umumiy ulushi taxminan 80 foizni tashkil qiladi. [6]

2018-19 yillarda qovunning o'rtacha eksport narxi bir tonna hisobiga $800 ni tashkil qildi. Har bir mamlakatning eksport narxi bir-biridan keskin farq qiladi. 2018 yili qovunni eng yuqori narxlarda Gollandiya eksport qilgan bo'lsa (bir tonnasi $1155), eng past narx Gvatemala eksportida kuzatilgan (tonnasi $594). [5]

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Jahonda qovun import qiluvchi mamlakatlar orasida eng yiriklari - AQSh, Gollandiya, Fransiya, Angliya, Kanada, Germaniya va Iroqdir. Qovun importining 65-70%ga yaqini bu yetti mamlakatnig umumiy hissasiga to'g'ri keladi. Gollandiya eng yirik eksportchi hamda importchilar ro'yxatidan o'rin olgani uning yirik reeksportyor ekanligi bilan izohlanadi. Qiymat jihatidan olib qaralganda, jahon bo'yicha eng yirik qovun bozorlari – AQSh ($400-470 mln.), Fransiya ($180-200 mln.), Angliya ($160-180 mln.), Germaniya ($130-170 mln.) va Kanadada ($100 mln.)dir.[6]

O'zbekistonda esa har yili o'rtacha 60 ming gektardan ortiq maydonga poliz ekilib, shundan 60-65% ni tarvuz, 35-38% ni qovun egallaydi. Mamlakatimizda qovunning 150 dan ortiq yetishtiriladigan navi yaratilgan shundan 50 dan ortiq navlar rayonlashtirilgan. Qovun issiqsevar, yorug'sevar o'simlik, qurg'oqchilikka va tuproq sho'rlanishiga chidamli. O'zbekistonda ekiladigan qovun navlari to'rt botanik turga mansub handalak, amiri, kassaba va zard. Markaziy Osiyoda qovun poliz ekinlari orasida ekiladigan maydoni jihatidan 1-o'rinda turadi. O'zbekistonda va O'rta Osiyodagi boshqa respublikalarda, asosan, O'rta Osiyo kenja turiga mansub qovunlar ekiladi.

Respublikamizda 2021 yilda 2,3 million tonna poliz ekinlari yetishtirilgan. Davlat statistika qo'mitasi xabariga ko'ra 2021 yilda 320,3 ming tonna poliz mahsulotlari yetishtirish bilan Surxondaryo viloyati yetakchilik qilgan. Jizzax 269,5 ming tonna va Sirdaryo 260,8 ming tonna

viloyatlari hisobiga to‘g‘ri kelgan. Qoraqalpog‘iston R. – 164,8 ming tonna tonna poliz mahsulotlari yetishtirilgan. [1]

1-diagramma



Mamlakatimizda yetishtirilayotgan poliz mahsulotlari o‘tgan yili qiymati qariyb 34 mln. dollarlik 104 ming tonna qovun-tarvuz eksport qilindi. Taqqoslash uchun misol keltiradigan bo‘lsak, o‘tgan yilning xuddi shu davrida 12,3 mln. dollarlik 29,7 ming tonna qovun-tarvuz eksportga yo‘naltirilgan edi. Bu yilgi eksport hajmi o‘tgan yilning mos davriga nisbatan umumiy qiymat va miqdor jihatidan deyarli 3 barobar ko‘p bo‘ldi. Xususan, tarvuz eksporti hajmi qariyb 8 baravar (6300 dan 49 000 tonnagacha), qovun eksporti esa 2,4 barobar (22 700 dan 54 700 tonnagacha) oshgan.[3]

Qovunning biologik va marfologik xususiyatlari - Qovun sucumis melo L turkumiga mansub o‘simlik qovoqdoshlar oilasi bodring turkumiga mansub bo‘lib bir yillik o‘t o‘simliklar turiga kiradigan poliz ekinidir. Urug‘i tuproq harorati 14-15^0 ga yetganda una boshlaydi. Qovun urug‘i ekilgandan keyin 5-7 kunda unib chiqadi. Agar harorat 13^0 dan pastga tushib ketsa urug‘lar chiriydi. Qovunning palagi baquvvat bo‘lib, yer bag‘irlab yoki chirmashib o‘sadi, undan 3-4 ta tartib shoxlar o‘sib chiqadi va uzunligi 3-4 m ga, palagidagi hamma shoxlarning o‘rtacha uzunligi 20-25 m ga yetadi [4].

Qovunning ertapishar, o‘rtapishar, kechpishar navlari bor. Qovun mevasining shakli turlicha yumaloq, ovalsimon,

cho‘zinchoq bo‘ladi. Po‘sti qalin 1,5-2 sm, o‘rtacha 1 - 1,5 sm, yupqa 0,5 - 1,4 sm, qattiq, eti juda yumshoq, yumshoq, kuvrak, sersuv, sershira, qumoq, ba’zilariniki tolali, rangi oq, qizil, sarg‘ish, yashilroq. Urug‘i oq, och sariq va sariq. 1000 dona urug‘i vazni 30-45g. Navlarga qarab qovun vaznida eti 63-84, po‘sti 10-30 urug‘i va urug‘tutarlari 3,1-7,7% ni tashkil etadi.

Tarvuz- issiqsevar, yorug‘sevar o‘simlik, qurg‘oqchilikka chidamli, urug‘i tuproq harorati 14-16° da una boshlaydi (qulay sharoit 20°). Ekilgandan keyin 5-6 kunda unib chiqadi. Tarvuzning ertapishar, o‘rtapishar va kechpishar navlari bor. Ertapishar navlari 80- 90, o‘rtapisharlari 90-100 va kechpisharlari 110-120 kunda pishadi. Tarvuz. yangiligida iste’mol qilinadi, sanoatda qayta ishlash uchun xom ashyo, xashaki Tarvuz Chorvachilikda shirali ozuqa sifatida foydalaniladi.

Qovun mevasining kimyoviy tarkibi. Meva tarkibida 8-20% quruq modda, 18% qand (saxaroza), 0,1-0,7% kletchatka, 0,2-35,2 mg% S, RR vitaminlari, folat kislota, kaliy, natriy, kalsiy, magniy, temir, fosfor, oltingugurt va mikroelementlar bor. Qovun tibbiyotda bod, sil, kamqonlik, ziqnafas, jigar va buyrak kasalliklarini davolashda tavsiya etiladi. Xalq tabobatida podagra (niqriz)ga davo, peshob haydovchi, qabziyatdan xoli qiluvchi, asabni tinchlantiruvchi omil sifatida qo‘llaniladi.

Ekish uchun tavsiya etiladigan navlar. Respublikada eng ko‘p ekiladigan qovun navlari, Oqurug‘, Asati, Bo‘rikalla, Ko‘ktinna, Ko‘kcha, Cho‘gari, Qizilurug‘, mahalliy sariq handalak, Obi novvot, Shakarpalak, Rohat, Suyunchi–2, Oltin vodiy, Lazzatli, Oltintepa, Kichkintoy, Gurvak, To‘yona, Gurlan, Amudaryo, Gulobi Xorazmiy, Zar gulobi, Saxovat, Torpeda, Umrboqiy, Beshak, Davlatboy, Toshloqi, Dahbedi, Ko‘ybosh, Gulobi va boshqalar kiradi. Ertapishar navlari 55-65, o‘rtapisharlari 67-70, kechpishar navlari 80 - 90 kunda pishib yetiladi. Qovun yangiligida yeyiladi, qovun qoqi qilinadi [3].

Tarvuzning dunyo bo‘yicha ma’lum bo‘lgan barcha navlari 10 ta ekologikgeografik guruhga bo‘linadi. O‘rta Osiyo tarvuzi alohida ekologikgeografik guruhni tashkil etadi. Palagi 4-5 m gacha boradi. Ildizi chuqur joylashgan o‘q ildiz, barg qo‘ltiklaridan o‘sib chiqqan jingalaklari yordamida ilashib, chirmashib usadi. Barg bandi uzun, barglari bir necha bo‘lakchalardan iborat, rangi och yashil, oq va uzun tuklar bilan qoplangan. Otalik va onalik gullari alohidaalohida joylashgan. Asosan chetdan changlanadi. Tarvuz mevasining shakli yumaloq, ovalsimon, silindrsimon. Po‘sti qalin (1,5 sm), o‘rtacha (1,1,5 sm), yupqa (1 yemdan kam), qattiq, eti yumshoq, sersuv, sershira, qumoq, ba’zan tolali. Etining rangi qizil, ayrim navlari malinasimon. Urug‘i, oq sariq, qora, qizil, kulrang. 1000 dona urug‘i vazni 40-120g. Mevasi tarkibida 8,0-13,5% quruq modda, 5,8-11% qand (fruktoza; xashaki tarvuzda 3,2-5% quruq

modda, 1,2-3% qand, 1 kg ida 0,09 ozuqa birligi), 90% dan ko‘proq suv, turli vitaminlar (Vr V2 RR) va mineral tuzlar, urug‘ida 25-30% moy, fitin kislotasi bor.

Qovun ekish sxemasi: qovun 3 muddatda ekiladi. O‘zbekistonning markaziy viloyatlarida qovunning ertachi navlari 15 aprelgacha, o‘rtagisi 20 apreldan 10 maygacha, kechkisi 15 maydan 10 iyungacha; janubiy viloyatlarda ertagi navlar 10 aprelgacha, o‘rtagisi 10-20 aprelda, kechkilari esa 10-20 iyunda ekiladi. Shimoliy viloyatlarda ertachi qovunni 20 aprelgacha, o‘rtagisini 25 apreldan 10 maygacha, kechkisini 20-30 mayda ekish lozim. Ekish sxemasi qovun navi va sharoitga qarab (210+70):2x70sm, (270+90):2x70sm, Urug‘lar ekishdan oldin dorilab 2-3 kun ivitiladi urug‘lar 3-6 sm chuqurlikka ekiladi, 1 ga yerga qo‘lda ekilganda urug‘ hajmiga qarab 2,5- 3,0 kg, qatorlarga ekadigan seyalka bilan ekishda 5-6 kg urug‘ sarflanadi. Ildizi o‘qildiz uzunligi 1 m gacha boradi. Chopiq paytida yagana qilib bittadan o‘simlik qoldiriladi. O‘suv davrida qator oralari 2-3 marta yumshatiladi. Tuproq sharoitiga qarab 5-6 marta sug‘oriladi. Hosildorligi 250-300 s/ga.

O‘g‘itlash. Qovun uchun 1 sotixga tuk holda 0,750 g azotli, 0,750 g fosforli va 0,500 g kaliyli, organik o‘g‘itlardan 300 - 400 kg solinadi. Bo‘z tuproqli yerlarda o‘suv davrida ekinni har gal 1 sotixga 4 - 5 m^3 hisobidan 8-9 marta sug‘orish kifoya. Sizot suvi yuza joylashgan dalalarda esa bo‘z tuproqli yerlarga qaraganda kamroq (4-5 marta) sug‘oriladi. O‘suv davrida poliz ekinlarini suv bilan bir tekis ta’minlash hosildorlikni oshirish garovidir.

Kasallik va zararkunandalarga qarshi kurashish. Urug‘larni ekishdan oldin Fundazol preparati (1 kg uruqqa 4-8 g) bilan yoki Ponaktin (1 kg uruqqa 4 g) bilan namlab ekish tavsiya etiladi. Kasalliklardan zararsizlantirish maqsadida urug‘lar ekishdan oldin birorta mikroelementlarga solib bo‘ktirib qo‘yiladi. Ular: mis, rux va marganes (0,05% yoki 0,5 g/kg), temir va bor (0,025% yoki 2,5 g/kg). Ivitish suyuqlik harorati 20-22^oS bo‘lganda 12 soat davom etadi.

Zararkunandalari - poliz biti (shirasi), o‘rgimchakkana, oqqanot, kuzgi tunlam, poliz qo‘ng‘izi, qovun pashshasi va boshqalar.

Kurash usullari: agrotexnik usulda ekinlarni almashlab ekishga rioya qilish, yerlarni chuqur haydash, yaxob suvi berish.

Biologik usulda poliz bitiga va o‘rgimchakkanaga qarshi oltinko‘z kushandasini, oqqanotga qarshi enkarziya parazitini qo‘llash tavsiya etiladi.

Kimyoviy usulda 10 sotixga oqqanot, shiralarga qarshi Mospilan 20% (25–30 ml), Sipermetrin 25% (30 ml) va boshqa preparatlar qo‘llaniladi. Qovun maysa pashshasi va qovun pashshasiga qarshi Atilla 5% em.k. (200 ml), Sumi-Alfa 5% em.k. (300 g) preparatlari qo‘llaniladi.

Kasalliklari. Ildiz chirish, fuzarioz so‘lish, unshudring, oddiy bodring mozaikasiga qarshi ekinlarni almashlab ekishga rioya qilish, o‘simlik qoldiqlarini yo‘qotish, fungitsidlardan Topaz 10% (200–250 ml), Kurzat R n. kuk. (200–250 g), Foliar BT 22,5% (50 ml) preparatlarini 60-70 litr suvga aralashtirib purkash tavsiya etiladi.

Hosilni yig‘ishtirish. Qovun hosili pishib yetilganlarini tanlab-tanlab olish yo‘li bilan uch-besh marta yig‘ib olinadi. Kechki muddatda ekilgan navlar hosili esa bir marta yig‘ishtirib olinadi. Pishgan qovunlar polizda uzoq muddat tursa nobud bo‘ladi.

Yurtimizning turli navdagi qovun va tarvuzlari xorij bozorlarida ham xaridorgir hisoblanadi. Shu bois har yili ushbu mahsulotlar xorijiy davlatlarga katta miqdorda eksport qilinadi. Jumladan, mamlakatimizda 2022 yilda qovun-tarvuz eksportidan xorijga qiymati 22,7 million dollarga teng 82,9 ming tonna qovun va tarvuz eksport qilgan. Bu yil mamlakatimizda yetishtirilgan qovun va tarvuzlar 23 ta xorijiy davlatlar bozorlariga yetkazib berilgan bo‘lib, eksport hajmi 2021 yil bilan solishtirilganda 22,7 ming tonnaga kamaygan. 2022 yil mobaynida O‘zbekiston eng ko‘p qovun va tarvuz eksport qilgan davlatlar:



Kichkintoy. Erta o‘rtapishar nav, o‘sish davri 75-80 kun. Palagi baquvvat, sershox. Bargi qalin, to‘q yashil rangli, qirqimli. Mevasi sharsimon, o‘rtacha, vazni 0,8-1,2 kg, yuzasi tekis, sariq rangli, to‘liq mayin to‘r bilan qoplangan. Eti och yashil, tig‘iz, mayin, yoqimli hidi bor. Qand miqdori 14,4%. Hosildorligi 19-22 t/ga. Un-shudring kasalligiga chidamli.

Torpeda. Oddiy mevalari oval uzunligi 0,3 dan 0,5 m gacha o‘sadi; kumushrang tomirlar tarmog‘i bilan qoplangan sariq teri; pulpa sutli, qalinligi taxminan 6 sm; mustahkamlik suvli, yog‘li; ko‘p sonli urug‘lar.Torpedo qovunining quyoshi va yozi issiq bo‘lgan ta’mi juda yaxshi deb baholandi. O‘rta chiziqda mevaning tarkibidagi shakar miqdori sezilarli darajada kamayishi mumkin.



Ko‘ktinni-1087. O‘rtapishar nav, o‘sish davri 80-85 kun. Palagi uzun, bargi buyraksimon. Mevasi silindrsimon, vazni 3,5-6,0 kg, yuzasi silliq, och yashil rangli, o‘rta katakli, dag‘al, po‘sti qattiq. Eti oq, qalin, karsillaydigan, shirin. Tarkibidagi qand moddasi miqdori 8-11%. Hosildorligi 22-26 t/ga. Tashishga chidamliligi yaxshi. Saqlanuvchanligi o‘rta.

Oq ypyg‘-1137. Ўртapishar nav, o‘sish davri 80-88 kun. Palagi o‘rta. Bargi buyraksimon, qirqilmagan. Mevasi cho‘zinchoq, vazni 4,0-7,0 kg, yuzasi silliq, mevaband qismi yashil va yuqori qismi salkam oq tusli, po‘sti o‘rta qattiq. Eti oq, qalin, kam tolali, kam karsillaydigan, shirali, kam hidli. Tarkibidagi qand moddasi miqdori 8,2-9,4%. Hosildorligi 25-35 t/ga. Tashishga chidamliligi va saqlanuvchanligi o‘rta.



Shakarpalak-2580. O‘rtapishar nav, o‘sish davri 80-90 kun. Palagi o‘rtacha. Bargi yumaloq-yuraksimon, o‘rta hajmli. Mevasi silindrsimon-elipsimon, vazni 3,0-4,0 kg, yuzasi silliq, oq-qizg‘ish, to‘ri ostida mayda yashil dog‘lar bor, to‘ri to‘la, po‘sti qattiq. Eti qizg‘ish, o‘rta qalin, o‘rta tolali, karsillaydigan, shirali, shirin, vanil hidli. Tarkibidagi qand moddasi miqdori 9,0-11,0%. Hosildorligi 25-30 t/ga. Tashishga chidamliligi va saqlanuvchanligi yaxshi.



Suyunchi-2. O‘rtapishar nav, o‘sish davri 83-87 kun. Mevasi cho‘zinchoq-tuxumsimon, vazni 2,0-2,5 kg, yuzasi silliq, to‘ri to‘liq, mayda katakli, qovunga kulrang tus beradi, po‘sti oqishlimon rang, qo‘shaloq jimjima yo‘li bor. Eti qizil, karsillaydi, sersuv, shirin. Tarkibida qand miqdori 10,6-11,8%. Hosildorligi 25-30 t/ga. Un-shudring kasalligiga chidamli.



Zar gulobi. O‘rta kechpishar, o‘sish davri 100-105 kun. Palagi kuchli o‘suvchan. Bargi yuraksimon, cheti qirrali, yashil rangli. Mevasi tuxumsimon, vazni 5-6 kg, yuzasi silliq, meva bandi tomoni biroz segmentlashgan va to‘r bilan qoplangan, sarg‘ish-yashil rangli, po‘sti o‘rta qalin. Eti oq, qalin 7-8 sm, yarim karsillama, saqlov davrida eti yumshoq, sersuv, eruvchan. Tarkibidagi qand moddasi miqdori 12-14%. Hosildorligi 40-45 t/ga.

Assate-3806 qovun navi o‘rtapishar nav, o‘suv davri 81-97 kun. Palagi o‘rta. Bargi yuraksimon, o‘rta xajmli. Mevasi tuxumsimon, vazni 3,4-4,0 kg, yuzasi silliq, oqishsariq, to‘ri to‘la, po‘sti yumshoq. Eti oq, qalin, kam tolali, juda shirali, shirin, nok xidli. Tarkibidagi qand moddasi miqdori 7,3-8,9%. Hosildorligi 25-30 t/ga. Tashishga chidamliligi va saqlanuvchanligi o‘rta.

Mamlakatimizda tarvuzning 20 dan ortiq navlari ekib kelinadi. Biroq, rayonlashtirilgan tarvuz navlari atigi 12 ta. Tarvuz navlari palaklarining uzunligi va barg yaprog`ining tuzilishi, mevasining

katta-kichikligi, shakli, yuzasi, rangi hamda naqshining tusi, xili, po'stining qalin-yupqaligi, etining rangi, yumshoq-qattiqligi, shiradorligi, urug`larining katta-kichikligi, ranga, yuzasining qay tariqa tuzilgani va undagi naqshlari jihatidan bir-biridan farq qiladi 11-rasmga qarang.

Kuzibay 30 Mevalari noto'g'ri sharsimon, silliq, og'irligi 3,7-4,4 kg. To'q yashil, qora-yashil naqshlari chiziqli. Po'stlog'i qalin. yorqin pushti, donador, o'rta labli. Eriydigan qattiq moddalar miqdori 7,2%, qandlari -6,8%. Ta`m bahosi 3,5-4,7 ball. Urug'lari katta, oq kulrang va jigarrang. O'sish davri 120-130 kun. Hosildorlik 8–9 t/ga, sug'oriladigan yerlarda 30–32 t/ga. Uzoq muddatli saqlashga yaroqli. Kasallikka chidamli.

Guliston-Mevalari sharsimon, silliqdir. Rangi och yashil, to'q yashil chiziqlar. Po'stlog'i qalin. Mevasining o'rtacha og'irligi 3,0-4,3 kg ni tashkil qiladi. ozgina ezilgan, suvli, shirin, eriydigan qurug` moddalarning tarkibi 8,7%, shakar -7,6%, ta'm bahosi 4,5 ball. Urug'lar katta, keng oval, oq, silliq. 110-120 kun. Hosildorligi 31-40 t/ga. Tashish va saqlash sifati yuqori. Kasallikka o'rtacha chidamli. Uzoq muddatli saqlash uchun mo`ljallangan.

Dilnoz - Mevalari sharsimon, silliq, og'irligi 3,5-5 kg. Rangi to'q yashil, deyarli qora rangga bo'yalgan, naqshi quyuq, o'rtacha qalin po'stlog'ining mayda-mayda chiziqlari. Go'shti yorqin qizil, yumshoq, suvli, shirin. Degustatir bahosi 4,8 ball. Eriydigan qattiq moddalar miqdori 7,8%, shakar 6,7%. Urug'lari kichik, qora.

XULOSA

Ushbu maqolada O‘zbekiston sharoitida etishtirilayotgan eksportbop qovun va tarvuzning navlarini etishtirish bo‘yicha eng maqbul navlar, nav xususiyatlari, ekish sxemalari agrotexnik tadbirlar, kasallik va xashoratlaga qarshi kurash choralari to‘g‘risida qisqacha ma’lumot keltirilagan. Bugungi kunda mamlakatimizda eksportga muljallab ko‘proq ekilayotgan qovun Kichkintoy Erta-o‘rta-pishar. Torpeda, Ko‘ktinni-1087, Oq urug‘-1137, Shakarpalak-2580, Suyunchi-2, Zar gulobi, Assate-3806 navlarini tashkil etmoqda. Tarvuzning esa mahalliy kech pishar eng ko’p ekiladigan Kuzibay 30, Guliston va Dilnoz navlari keltirishimiz mumkin.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 12 apreldagi “Meva-sabzavot, kartoshka va poliz mahsulotlarini xarid qilish va ulardan foydalanish tizimini takomillashtirish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-2520-son qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 12 apreldagi “Meva-sabzavot mahsulotlari, uzum, poliz, dukkakli ekinlar, shuningdek, quritilgan sabzavot va mevalarni mahalliy esport qiluvchilarni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha qo‘shimcha chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3377-son qarori.
3. Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 12 fevraldagi “Xorazm viloyatida qovun etishtirish hajmlarini yanada ko‘paytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 114-son qarori.
4. Qovun va tarvuz yetishtirishi. 100 kitob to‘plami. Qo‘llanma “Tasvir nashriyoti” uyi Toshkent - 2021 y. “AGROBANK” ATB.
5. Qovun va tarvuz ekini zararli organizimlariga qarshi kurash. Qo‘llanma “Tasvir nashriyoti” uyi. Toshkent - 2022 y. “AGROBANK” ATB.

6. Хакимов, Д. В., & Мирзаев, О. А. (2017). Задачи метрологического обеспечения в повышении качества агропромышленной продукции. In Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования (pp. 1657-1660).
7. Хакимов Д. В. и др. Улучшения потенциала национальной инфраструктуры качества и проблемы экспорта плодоовощной продукции //Итоги и перспективы развития агропромышленного комплекса. – 2018. – С. 502-508.
8. Odinayev, M., Buriev, K., Sultonov, K., & Eralieva, S. (2021). Analysis of mechanical properties, biochemical composition and technological parameters of grape (Vitis) raisin varieties in conditions of Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 284, p. 03023). EDP Sciences.
9. Хакимов, Д. В.У., Мамажонов, А.А., & Саттаров, М.О. (2020). Управление внутренним аудитом в соответствии с международными стандартами. Universum: экономика и юриспруденция, (4 (69)), 4-12.

TESTING READING SKILL HAS A POSITIVE IMPACT ON LEARNING

Ziuarkhan Satniyazovna Toreniyazova
Perizat Karamatdinovna Jaumitbaeva
Karakalpak Institute of Agriculture and Agrotechnology

ABSTRACT

The article about the communicative ways of teaching a foreign language with testing communicative competence of reading skill of learners and the types of introducing multiple tests in the teaching and learning English. Aim of the article is to prove that reading tests both in practice phase in the classroom and in real communication entail unique features that result in real contribution to overall language learning.

Keywords: Language-related ability, designing tests, testing, True/False questions, Yes-No Questions, WH questions, reading comprehension.

Reading comprehension is not easy to do. In Asia, it indicated that the students in fourth graders were very low in reading ability and in comprehending a simple paragraph from a grade-level text. It is said that “many questions, controversies, and challenges remain regarding the most effective way of identifying children at risk for reading problems”.[1]

Testing reading is important to do in order to evaluate the aspects that can be used to arise the effective way of analyzing and identifying the needs to be put into account concern reading.

Testing reading seems to be confusing since no understanding what items to be tested. Reading comprehension, fluency, speed, includes making the text of the test, the validity, reliability, difficulty, and types of the test should be absolutely considered at all. The followings are the discussion on testing reading in the hope that teachers can understand how to do testing reading for the students.

There are some considerations to be involved when doing the test of reading and those should be put into account such as what to test and assess, types of test, how to test, and when to test.

What to test and assess

Designing tests of reading in a second language, the aim is normally to test language-related ability, not intelligence (Alderson, 2000). Dealing with reading, the ability here refers to the capability in

[1] Language Testing & Evaluation Fernandes Arung 2013

decoding texts, reading fluently, reading quickly (speed), and comprehending text. Four types of ability will represent in what to test in testing reading and the first three types are the basics to reading comprehension.

Some of these techniques test reading in isolation (such as multiple choice questions) and some require other skills and knowledge to be used alongside reading skills (such as when learners write a short answer). Each test type has its own advantages and disadvantages and a discussion of these can be found in Alderson (2000). Research (e.g. Francis et al, 2006, cited in Geva and Ramírez, 2015) has shown that different test types can give different indications about an individual learner's reading ability. This is perhaps not surprising given that different test formats test slightly different aspects of reading. Therefore in high-stakes tests it is important to use a range of reading tasks so that a rounded picture of ability emerges. There are many question types that are commonly used in the testing of reading.

These include:

• multiple choice questions

• True/False questions – a modification of multiple choice questions, but with a single distractor (wrong answer)

• questions requiring a short written answer

• cloze tests, where a word is deleted at regular intervals, such as every seventh word, for learners to supply the missing item

• gap fills, where a word is deleted at irregular intervals, allowing the test writer to decide on where to place gaps

• using information from a text to complete a table, chart, or diagram

• putting sentences or paragraphs into a correct sequence

• inserting sentences or paragraphs into a text

• correcting errors in a text.

The main goal of reading comprehension tests is to measure reading mastery without stressing grammar or spelling. However, in assessing reading, failure to take errors in language use into consideration may lead to the perception that spelling, grammar, and punctuation are not essential to language learning. Therefore, reading comprehension assessment should target not only students‟ comprehension of a text but also the factors that facilitate or impede this comprehension.

1. Yes-No Questions These are questions that should be answered with either yes or no. However, teachers are recommended to follow up these questions by other types of questions to make sure that students have understood the text as Yes/No questions can be answered correctly by chance.

2. True or False questions

This is another type of a reading test that is familiar to most learners .It consists of a text accompanied by a series of statements. Learners need to decide and mention whether the given statements are true or false according to the text. This kind of reading comprehension questions provides learners with a set of sentences or statements. For answering these questions, learners are required to read the text and discover the true and the false statements without giving answers in a complex written response .They are good activities for memory of literal details in the text but they are limited in assessing specific comprehension skills such as making inferences and meanings. More importantly, teachers should not rely exclusively on them because, like Yes/No questions, learners can give right answers by chance without knowing why these answers are correct.

True or False questions need to be carefully designed because the false answers should target the potential misunderstandings of a text. Besides, the false answers that sound obviously incorrect do not help teachers assess learners‟ comprehension because learners do not need to understand the text to recognize them as incorrect.

3. Matching

This type is likely to be less familiar to learners, but increasingly common. They are used by many assessors. Some of reading comprehension tests designers may include more than one matching task in their tests.

For doing a matching task, learners need to choose from a list of prompts. These prompts may be statements, headings, or question completion .For instance, learners can be asked to match a description to the appropriate paragraph, or to match words and phrases to their meanings.

4. WH questions

Wh questions are questions that begin with Wh such as: “where”, “why”, “who”, “when”, and “how”. These questions are useful in providing learners with literal understanding of a text and help them recognize information in the text and make evaluations and personal predictions.

Reading comprehension assessment has been a significant landmark in the educational landscape for just over 80 years. Its history is a remarkable story, one characterized by cycles of great hope and expectation alternating with periods of disappointment and frustration. Assessment is aimed to maximize and improve the teaching-learning process by providing copious opportunities for learners to discover their weaknesses and to raise their learning standards. This can be reached by linking assessment results to classroom instruction and by providing constructive activities that truly conform to learners‟

needs. This report attempted to explore the importance of assessment in EFL classrooms.

REFERENCES

1. Buck, G. (2010). Assessing listening. Cambridge: CUP.
Cross, D. (1992). A practical handbook of language teaching. London: Prentice Hall International Limited.
2. Crystal, D. (1994). An encyclopedic dictionary of language and languages. Harmondsworth: Penguin.
3. Harmer, J. (2007). The practice of English language teaching. Edinburgh Gate: Pearson Education Limited.
4. Harmer, J. (2008). How to teach English. Edinburgh Gate: Pearson Education Limited.
Lynch, T. (2007). Study listening. London: CUP.
5. Richards, J.C. and Renandya, W.A. (Eds.). (2010). Methodology in language teaching Cambridge: CUP.
6. Rivers, W. M. (1978). Teaching foreign language skills. London: University of Chicago Press.

ZIYORAT TURIZMI TARIXI VA UNING TURIZM SOHASIDA TUTGAN O'RNI

Nuralibek Bozarov
Denov tadbirkorlik va pedogogika instituti magistranti
nuralibek_bozarov@dtpi.uz, https://orcid.org/0000-0002-6219-159X

ANNOTATSIYA

Ziyorat turizmi - hozirgi kunda keng tarqalgan turizm sohasi hisoblanadi. Ziyorat turizmi mohiyatan ziyoratgohlarni ziyorat qilish jarayonidir. Odatda, ziyoratlar diniy maqsadlar uchun kunlar, haftalar yoki hatto oylar davomida olib boriladigan uzoq safarlarni tashkil qiladi. Ular butun bir sayohatni o'z ichiga olib, e'tiqodli odamlar o'z dinlari bilan munosabatlarini mustahkamlash uchun boradigan maskanlardir. Ziyorat turizmi tashrif buyurish mumkin bo'lgan shahar yoki ma'lum hududdagi masjidlar va cherkovlarga yoki boshqa diniy diqqatga sazovor joylarga tashrif buyurishni o'z ichiga olishi mumkin Ziyorat turizmi turistlarni diniy munosabat va urf-odatlarga erishish uchun to'liq yoki kuchli turtki beradigan turizm turidir. Ushbu maqolada ziyorat turizmining tavsifi va uning mohiyati, hozirgi kunda qay darajada ahamiyat kasb etishi haqida to'xtalib o'tamiz.

Kalit so'zlar: Ziyorat turizmi, diniy ziyoratgoh, ziyoratgoh, maqbara

ABSTRACT

Pilgrimage tourism is currently a widespread tourism industry. Pilgrimage tourism is essentially the process of visiting places of pilgrimage. Pilgrimages are usually long journeys of days, weeks or even months for religious purposes. They are places where people of faith go to strengthen their relationship with their religion, encompassing a whole journey. Pilgrimage tourism may include visits to churches and mosques or other religious places of interest in a particular city or region Pilgrimage tourism is tourism that fully or strongly motivates tourists to achieve religious attitudes and practices is a type. In this article, we will well on the description of pilgrimage tourism, its essence, and how important it is today.

Keywords: Pilgrimage tourism, religious pilgrimage, shrine, mausoleum.

KIRISH

Ziyorat turizmi - turli din vakillarining ziyorat maqsadidagi sayohatlari majmuidir. An'anaga ko'ra, u diniy maqsadli sayohatlarga taalluqlidir, lekin u ziyoratchi uchun alohida

ahamiyatga ega bo'lgan dunyoviy sayohatga ham tegishli bo'lishi mumkin. Ziyorat turizmi ahamiyatini ikki xususiyatga ko'ra asoslash mumkin: ziyorat turizmi ziyoratgoh uchun qanchalik muhim ahamiyat kasb etadi. Ziyoratchilar uchun ziyorat turizmi qanchalik muhim? Ziyorat ko'plab insonlar uchun qiyin paytlarda ruhiy ozuqa olish imkoniyati hamdir. Insonlar diniy ma'rifatni his qilish uchun ma'lum manzillarga sayohat qilishadi. Ko'pincha uzoq va ba'zan qiyin bo'lgan sayohat insonlar uchun fikr yuritish imkoniyatdir. Ziyoratlar din bilan munosabatlarni chuqurlashtirishning bir usuli bo'lishi mumkin. Bu, albatta, e'tiqodga qanchalik sadoqatli ekanligini ko'rsatishning bir usuli va bu dinning o'zi haqida ko'proq bilish imkoniyatidir. Sayohat shakli sifatida ziyorat odamlarga muqaddas joylarni ziyorat qilish imkoniyatini beradi. Diniy maqsadlarda sayohat qiluvchi sayohatchi - muqaddas joylar va diniy markazlarni ziyorat qilish uchun olti oydan ortiq bo'lmagan muddatga doimiy yashash mamlakatidan tashqariga chiqadigan shaxs tushuniladi. Diniy turizm deganda, odatdagi muhitdan tashqarida bo'lgan muqaddas joylar va diniy markazlarga sayohat qiluvchi sayohatchilarga xizmat ko'rsatish va ularning ehtiyojlarini qondirish bilan bog'liq faoliyat tushunilishi kerak.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Diniy turizm ikki asosiy turga bo'linadi:

- ziyorat turizmi;
- ekskursiya va ma'rifiy yo'nalishdagi diniy turizm

Hozirgi kunda dunyo bo‘yicha har yili 200 mln.dan ortiq kishilar aynan ziyorat maqsadida jahondagi turli ziyoratgohlar va o‘zlari uchun muqaddas hisoblangan maskanlarga borib, diniy sayohatlarni amalga oshirmoqda. Statistik ma’lumotlarga nazar tashlaydigan bo‘lsak, yiliga 150 mln xristianlar, 45 mln musulmonlar, 40 mln. buddistlar va sintoistlar, 30 mln induistlar diniy ziyorat maqsadida sayohat qiladilar.

Diniy ziyorat o’rta asrlarga kelib, Salib yurishi shaklida o‘ziga xos ommaviy xarakter kasb etdi. U musulmonlar qarshi kurash bayrog‘i ostida, xristianlarning muqaddas joylarini ulardan ozod qilish shiori ostida o‘tkazilgan.

Ziyorat harakatlari XV – XVI asrlarda ancha faollashdi. Muqaddas yer (Quddus)ga borayotganlarning ko‘pchiligi o‘z maqsadlari va qiziqishlarini diniy ziyorat bilan niqoblashgan.

Ziyoratgohlarning keng va xilma-xil geografiyasini o‘rganish uchun rayonlashtirishdan foydalaniladi. Jahonda ziyoratning bir qancha makro hududi mavjud:

- Xristian Yevropasi;xristianlik va boshqa ko‘psonli dinlar bilan mustahkam o‘rin egallovchi Shimoliy Amerika;

- Xristianlik va an’anaviy dinlar bilan bog’langan Lotin Amerikasi;
- Islomni qabul qilgan Shimoliy Afrika;
- Islom hukmron va alohida xristianlik va an’anaviy dinlar mavjud G‘arbiy va Sharqiy Afrika;
- Islom ,buddizm, xristianlik va hinduzim dinlari keng tarqalgan Sharqiy Osiyo;
- Islom dini keng yoyilgan O‘rta Osiyo;
- G‘arbiy Osiyo - islom va xristianlik, iudizm dinlari keng yoyilgan hudud;
- Janubiy Osiyo iudizm va buddizm keng tarqalgan hudud hisoblanadi. Shuningdek xristianlik, jaynizm, sikxizm va islom dinlari mavjud.

Har bir makrohudud eng avvalo ziyoratning jahoniy markazlari bilan mashhur. Ular e’tiqodchilarning xalqaro oqimini qabul, qiladilar va ko‘pincha diniy ixtisoslashtirishning ma’muriy, sanoat, madaniy va turistik markazlari funksiyalari bilan qo‘shilib ketadi. Bundan tashqari, makrohududlarda milliy va mahalliy ahamiyatga ega diniy sig‘inish obektlari mavjud. Quddus shahri-jahonning eng yirik diniy markazlaridan biri hisoblanadi. Quddus uch din e’tiqodchilari islom, xristianlik, iudizm uchun muqaddas markaz hamdir.

Bu makromintaqalar mavjud diniy ziyoratgohlar salohiyatidan kelib chiqqan holda ajratilgan. Ular ichida eng muhim mintaqa Yevropada Vatikan, G‘arbiy Osiyoda Saudiya Arabistonidagi Makka va Madina va Quddus shaharlari hisoblanadi. O‘rta Osiyda esa O‘zbekistonning qadimiy Buxoro va Samarqand, Toshkent, Termiz, Xiva va boshqa shaharlarida diniy turistik resurslar mavjud.

4. Koksal F., Mutluay E., Gencel O. Characteristics of isolation mortars produced with expanded vermiculite and waste expanded polystyrene // Constr. Build. Mater. 2020. Vol. 236.
5. Takeuchi A. Adsorption of Cs+ ion into diand tri-octahedral vermiculites as demonstrated by classical molecular dynamics simulation // Mater. Trans. 2021. Vol. 62, № 4.
6. Stawiński W. et al. The influence of acid treatments over vermiculite based material as adsorbent for cationic textile dyestuffs // Chemosphere. 2016. Vol. 153.
7. Kremenetskaya I. et al. Physicochemical transformation of expanded vermiculite after long-term use in hydroponics // Appl. Clay Sci. 2020. Vol. 198.
8. Eshchanov R.A. Vermikulit asosidagi ion almashinuvchi materiallarning xossalari. 2022. № January.
9. Tuchowska M. et al. Organo-modified vermiculite: Preparation, characterization, and sorption of arsenic compounds // Minerals. 2019. Vol. 9, № 8.
10. Zhao G. Sorption of Heavy Metal Ions from Aqueous Solutions: A Review // Open Colloid Sci. J. 2011. Vol. 4, № 1. P. 19–31.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУПРОҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ШОЛИ ЕТИШТИРИШДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Сағит Ережепович Курбанбаев
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтининг Қорақалпоғистонминтақавий маркази директори

Шавкат Аббосович Усманова
Ирригация ва сув муаммолари илмийтадқиқот институти лаборатория мудири

Ерлан Бекмаханович Батырбаев
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Тадқиқот натижалари асосида шоли етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларини қўлланилишини белгиловчи худуднинг тупроқ иқлим шароитларига мос мақбул суғориш режимлари асосланиб, тупроқнинг механик таркиби, шўрланганлик даражаси, коллектор-зовур сувларининг минерализацияси, тажриба вариантларида шолини сувни тежовчи технологиялар орқали етиштириш бўйича дала ва лаборатория тадқиқотлари олиб борилди.

Калит сўзлар: Тупроқ, сув, шоли, технология, томчилатиб, суғориш, меъёр, режим, тежамкорлик, сизот сувлари, минерализация, баланс, шўрланиш.

ABSTRACT

Based on the results of the research, based on the optimal irrigation regimes for the soil and climatic conditions of the region, determining the use of drip irrigation technologies in rice cultivation, field and laboratory studies were carried out on the mechanical composition of the soil, the level of salinity, the mineralization of collector and reservoir waters, and the experimental options for the cultivation of rice using water-saving technologies. .

Keywords: Soil, water, rice, technology, drip irrigation, rate, mode, economy, leachate, mineralization, balance, salinity.

КИРИШ

Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитларида қишлоқ хўжалиги экинларини, асосан пахтачиликда суғориш техникаси ва технологияларини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бироқ сув танқислиги шароитида шоли етиштиришда сувни тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш бўйича фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бажарилмаган. Сўнгги йилларда кузатилаётган глабал иқлим ўзгариши натижасида минтақамизда хусусан республикамизда тез-тез кузатилаётган сув тақчиллиги шароитида шоли етиштириладиган майдонларнинг тобора қисқаришига олиб келмоқда. Шоли етиштиришда аксарият ҳолларда сув тежамкор суғориш технологияларнинг амалиётда синаб кўрилмаганлиги ёки суғориш режими бўйича илмий асосланган тавсияларнинг мавжуд эмаслиги амалиётда шоли етиштиришда сув тежамкор суғориш технологияларининг кенг майдонларда жорий қилишга тўсиқ бўлмоқда. Бугунги кунда республикамиз кенг майдонларда экилаётган районлашган шоли навларининг аксарияти сувга ўта талабчан ҳисобланиб, қурғоқчил шароитларда сув бостиришга нисбатан юқори маҳсулдорликка эга ҳисобланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги экинлари орасида нисбатан кўп сув талаб қиладиган шоли етиштиришда сувни иқтисод қилишни таъминловчи самарали сув тежамкор суғориш технологияларини синовдан ўтказиш ўта муҳим ҳисобланади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Шоли етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларни жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган дала тадқиқот-тажриба ишлари учун шолининг “Гулистон” нави танлаб олиниб, Қорақалпоғистон Республикасида Нукус туманидаги Дон ва шоли Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тажриба майдони ташкил этилди. Дала тажрибаларида шолини вариантлар бўйича ўсиб ривожланиш бўйича фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар, фенологик, тупроқ, ўсимлик намуналари таҳлиллари “Ўзбекистонда шоли етиштириш бўйича услубий кўрсатма”дан ҳамда ГОСТ 32-2001 талаблари бўйича бажарилди. Шоли ҳосилдорлиги бўйича маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1979; 1985) услубиятлари асосида аниқланди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

Ҳар йили кузда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Мелиоратив экспедицияси томонидан тупроқнинг шўрланиши намунасини текширган маълумотларига кўра 2020 йилда 37,49 фоиз майдонлар шўрланмаган, 25,85 фоиз майдон кам шўрланган ерлар, 36,67 фоиз ни ўрта ва кучли шўрланган майдонлар ташкил қилган. 2021 йилда суғориладиган ерларнинг 37,56 фоизини шўрланмаган майдонлар, 25,89 фоиздан ортиғини кам шўрланган ерлар, 36,55 фоиз майдон ўрта ва кучли шўрлангандир. Бундан кўринадики, тупроқнинг шўрланиш даражаси йилдан-йилга кам миқдорда камайиб борган (1-жадвал).

1-жадвал

Вегетация даври давомида суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражалари хақидаги маълумотлар

Йиллар	Жами суғориладиган майдон, минг.га	шу жумладан							
		Шўрланмаган		кам шўрланган		ўртача шўрланган		кучли шўрланган	
		Майдон	%	майдон	%	Майдон	%	майдон	%
2020	30,80	11,547	37,4	7,961	25,8	11,04	35,8	0,246	0,8
2021	30,74	11,547	37,5	7,961	25,8	10,99	35,7	0,246	0,8

Сизот сувлар сатҳи ва минерализацияси

Тадқиқотлар олиб борилган ҳудудлар кесимида суғориладиган ерларнинг умумий сув-туз балансларини тузиш учун асосан 2020-2021 йиллар давомида Мелиоратив экспедиция маълумотлари бўйича Нукус туманнинг сизот сувлари жойлашиш чуқурлиги таҳлил қилинганда 2020-2021 йиллар мобайнида сизот сувлари сатҳи кузга бориб пасайган (2-жадвал)

2-жадвал

Вегетация даврида тажриба майдонида суғориладиган майдонларда сизот сувлар чуқурлиги, м

Ойлар	Йиллар	Суғорил адиган майдон, минг, га	Майдондаги сизот сувлар сатҳи, м									
			0-1 м		1-1,5 м		1,5-2 м		2-3 м		3-5 м	
			минг , га	%	минг , га	%	минг , га	%	минг , га	%	минг , га	%
Апрель	2020	30,80	0,81	2,63	2,64	8,57	18,31	59,45	7,33	23,80	1,71	5,55
	2021	30,80	0,67	2,18	2,3	7,47	19,89	64,58	6,19	20,10	1,75	5,68
Июль	2020	30,80	7,55	24,51	6,8	22,08	15,13	49,12	0,8	2,60	0,52	1,69
	2021	30,80	1,58	5,13	1,67	5,42	17,06	55,39	9,75	31,66	0,74	2,40
Октябрь	2020	30,80	0,55	1,79	5,57	18,08	20,72	67,27	3,05	9,90	0,91	2,95
	2021	30,80	0,95	3,08	1,24	4,03	22,67	73,60	4,25	13,80	1,69	5,49

Шоли етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича суғориш

тажрибаларини амалга ошириш учун бир марталик сув истеъмоли меъёрларини ҳисоблаш ва ушбу меъёрларга асосан дала тадқиқотлари ташкил этилди.

Дала тажриба тадқиқотлари жараёнида шолини сув тежовчи суғориш технологиялари орқали суғорилиши кўзда тутилганлиги сабабли ҳар бир суғоришдан олдин суғориш меъёрларини аниқлаб олинади ва суғориш ишлари амалга оширилади.

Шолини бостириб суғориш меъёрини қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$m=\alpha\cdot H\cdot(A-B)\cdot 100 \text{ ; м}^3\text{/га} \qquad (3.5.1)$$

бу ерда: α-тупроқнинг ҳажм оғирлиги, г/см^3; Н-ҳисобий қатлам қалинлиги, см; А-тупроқнинг тўла нам сиғими, оғирликка нисбатан % да; В-суғориш олди тупроқнинг намлиги, тупроқнинг тўла нам сиғимига нисбатан % да.

Шолининг сувга бўлган талабини қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$E=K\cdot 0{,}0018\cdot(25+t^o)^2\cdot(100-\alpha) \qquad (3.5.2)$$

бу ерда: К-шолининг экин коэффициенти (сувли майдон учун 1,0-1,2 сувсиз майдонда эса 0,85); α-ўртача ойлик ҳавонинг нисбий намлиги, %; t^o-ўртача ойлик ҳавонинг ҳарорати, ^{o}С.

Тупроқнинг тўла нам сиғимини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$W=H\cdot(A-\beta_н) \qquad (3.5.3)$$

бу ерда: Н-илдиз қатламининг биринчи марта тўйиниш чуқурлиги, шоли учун 1,5 метр тавсия этилади (уруғ суви беришдаги бостириб суғориш усули учун), м; А-бир метр қатламдаги тупроқнинг ғоваклиги, м^3/га; $\beta_н$-биринчи суғоришдан олдинги тупроқнинг намлиги, шоли учун 85% деб қабул қилинган.

$$\beta_н=0{,}85\cdot W_{чДНС} \qquad (3.5.4)$$

бу ерда: $W_{чДНС}$-илдиз қатламидаги чегаравий нам сиғими, м^3/га.

Шоли экилган майдонларда чекларнинг доимий сув билан тўлдирилган шароитдаги бостириб суғориш усулида мавсумий сув сарфи ҳисобий 23000 м^3/га тенг бўлади. Бостириб суғориш усулида илдиз қарлами тупроғининг механик таркибига боғлиқ ҳолдаги фильтрацияга йўқотишларни ҳисобга олинса шолининг мавсумий сув сарфи 30 000 м^3/га гача етиши мумкин.

Олиб борилаётган дала тажрибаларида шоли етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этилган майдонларда биринчи суғориш, яъни шолининг уруғ

суви бостириб суғориш усулида амалга оширилди. Шолининг уруғ сувини сув тежовчи суғороиш технологиялари орқали амалга ошириш учун суғоригш меъёрини ҳисоблашда шолининг суткалик суғориш меъёрларини аниқлаш усулидан фойдаланилди. Шоли етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этилган майдонларда шолининг уруғ суви, яъни биринчи суғориш меъёрларини қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди:

$$m_1 = W + 100 \cdot h_1 + E_1 \cdot t_1 \quad (3.5.5)$$

бу ерда: W-биринчи марта бостириб суғориш учун ҳисобланган ҳисобий қатлам тупроғининг тўла нам сиғимидан 85% олинади, $м^3$/га; h_1-сув тежовчи суғориш технологияси орқали суғориш шароити учун ҳисобий қатлам қалинлиги, см; E_1-шоли экини даласидан бўладиган ўртача ойлик буғланиш миқдори, $м^3$/га; t_1-суғориш давомийлиги, соат.

Шоли етиштиришда сув тежовчи суғориш технологиялар орқали шолининг суғориш меъёрларини қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди:

$$m_n = (E_n + f_n) \cdot t_n - 10 \cdot P_n \quad (3.5.6)$$

бу ерда: E_n-суғориш давридаги шоли даласидан бўладиган суткалик буғланиш миқдори (n-суғориш рақами), $м^3$/га; f_n-суғориш даврида даладан бўладиган суткалик фильтрация миқдори, $м^3$/га; t_n-суғориш оралиғи муддати, сутка; P_n-суғориш давридаги атмосфера ёғинлари йиғиндиси, мм/сутка.

Ушбу ифодадан фойдаланилган ҳолда сув тежовчи суғориш технологиялари орқали суғоришда ҳисобий бир марталик суғориш меъёрларни аниқлаб олиш мумкин.

Сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилинган тажриба майдонида шолининг “Гулистон” нави экилган бўлиб, шолини суғориш тадқиқотларининг 1-вариантида, яъни анъанавий бостириб суғорилган назорат вариантларида шолининг мавсумий сув истеъмоли меъёри 20465 $м^3$/га ни. Тадқиқотнинг 2-варианти натижалари бўйича томчилатиб суғорилган шолининг мавсумий сув истеъмоли меъёрлари 12766 $м^3$/га ни ташкил қилиб, бир марталик томчилатиб суғориш меъёри 120-244 $м^3$/га, томчилатиб суғориш технологияси орқали суғоришлар сони 47 марта, бостириб суғориш назорат вариантига нисбатан мавсумда 37,6 фоиз суғориш суви тежалди. Тадқиқотнинг 3-варианти натижалари бўйича амалдаги томчилатиб суғорилган шолининг мавсумий сув истеъмоли меъёри 15062 $м^3$/га ни ташкил қилиб, бир марталик амалдаги томчилатиб суғориш меъёри 110-152 $м^3$/га, томчилатиб суғоришлар сони 92 марта, бостириб суғорилган назорат вариантига нисбатан мавсумда 26,4 фоиз суғориш суви тежалди.

4-жадвал

Нукус туманидаги тажриба даласида экилган “Гулистон” шоли навининг вариантлари бўйича мавсумий сув истеъмоли меъёрлари

Вариантлар, №	Шоли навлари	Шоли навларининг вегетация даври, кун	Суғориш усуллари	Экиш олдидан бостириб суғориш меъёри, м³/га	Бир марталик суғориш меъёри, м³/га	Бир марталик суғориш меъёри, ўртача (м³/га)	Мавсумий суғориш меъёри, м³/га	Етиштирилган хосил, ц/га	1 ц ҳосил етиштириш учун сарфланган сув сарфи, м³/ц
1	2	3	4	7	8	9	10	11	12
1	Гулистон	90-95	Анъанавий бостириб суғориш усули (Назорат варианти)	2265	1500-2000	1300	20465	47,9	427
2			Томчилатиб суғориш		120-244	224	12776	35,0	365
3			Томчилатиб суғориш		110-152	139	15062	43,0	351

Тажрибалар давомида олинган натижаларга асосан шоли етиштиришда сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилинганида сувдан фойдаланиш самарадорлиги ортиши кузатилди. Тажриба майдонида экилган шолининг “Гулистон” навини томчилатиб суғориш технологияси орқали суғорилган 2-вариантда 1 ц шоли ҳосили етиштириш учун сарфланган сув миқдори эса 365 м³/ц ни, 3-вариантда 1 ц шоли ҳосили етиштириш учун сарфланган сув миқдори мавсумда 351 м³/ц ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

Шоли етиштиришда сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида Нукус туманидаги Дон ва шоли ИИЧБ тажриба станциясидаги биринчи тажриба майдонида шолининг “Гулистон” навини томчилатиб суғориш технологияси асосида дала тадқиқотлари олиб борилди. Тажриба тизими 3 та вариантда олиб борилган бўлиб, 1-вариант назорат варианти, яъни анъанавий усулда бостириб суғориш, 2-вариант томчилатиб суғориш (кун оралатиб суғориш), 3-вариант томчилатиб суғориш (ҳар куни суғориш).

Тадқиқотлар давомида шолини анъанавий бостириб суғориш усули қўлланилган назорат варианти, яъни 1-вариантларда вегетация даври давомида бир марталик бостириб суғориш меъёри ўртача 1300 $м^3$/га ни, мавсумий суғориш меъёри 20465 $м^3$/га ни ташкил қилди.

Шолини кун оралатиб томчилатиб суғорилган 2-вариантларида бир марталик томчилатиб суғориш меъёри 120-244 $м^3$/га ни, мавсумий суғориш меъёри 12776 $м^3$/га ни, 3-вариантда шоли ҳар куни томчилатиб суғорилган вариантларда бир марталик томчилатиб суғориш меъёри 110-152 $м^3$/га ни, мавсумий суғориш меъёри 15062 $м^3$/га ни ташкил қилди.

Тажриба натижаларига асосан 1 ц шоли ҳосили етиштириш учун сарфланган сув миқдори вариантлар бўйича катта фарқ кузатилди. Бунда анъанавий усулда бостириб суғорилган вариантларда 1 ц шоли ҳосили етиштириш учун 427 $м^3$ сув сарфланган бўлса, томчилатиб суғориш вариантларида 351-365 $м^3$ ни ташкил қилди.

Етиштирилган шоли ҳосилдорлиги бўйича олиб борилган кузатув натижаларига кўра анъанавий усулда бостириб суғорилган назорат варианларида 47,9 ц/га, томчилатиб суғориш вариантларида 35,0-43,0 ц/га, шоли ҳосили етиштирилди.

Анъанавий бостириб суғориш вариантларига нисбатан томчилатиб суғориш вариантларида 26,4-37,6 фоиз сув иқтисод қилишга эришилди.

Олиб борилган тадқиқотларнинг дастлабки йилидаги олинган натижаларига асосан шолини анъанавий бостириб суғориш усулига нисбатан томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинган вариантларда сувни иқтисод қилиш кўрсаткичи юқори бўлганлиги билан бирга ҳосилдорлик кўрсаткичи камайганлиги кузатилди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2021 йилдаги ПҚ-4973-сон “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. А.Рамазанов. Рис на засоленных землях низовьев Амударьи. Ташкент-1983. Б. 27-64.
3. В.Т.Лев. Орошения риса в Узбекистане. Тошкент-1984. Б. 39-65.
4. Б.А.Доспехов “Методика полевого опыта” (1979; 1985)
5. Е.В.Величко, Ю.Н.Поляков, В.П.Амелин. “Экономия воды при вздельывании риса” Краснодарское книжное издательство 1985. Б. 20-163.

6. Андрюшин М.А. Орошение риса. М.: Колос, 1997, Б. 128.
7. Худайкулов С.М. Источник распределения сорной растительности рисовых полей Узбекистана и меры борьбы с ними.Ташкент “Фан”1972, Б. 56.
8. Ахмедов Х.А., Нгуен Тхе Куанг, Бараев Ф.А. Водный баланс рисовых чеков - “Гидротехника и мелиорация в условиях Узбекистана” - Труды ТИИИМСХ, вып., Ташкент, 1985.
9. Баженов М.Г., Сарсенбаев М.Х. Регулирование водносолевого режима земель рисовых систем. Алма- Ата, Кайнар, 1979, Б. 150.
10. Бараев Ф.А., Ахмедов Х.А., Ерназаров А.Ю. Рекомендации по внедрению прогрессивных конструкций рисовых карт в Узбекской ССР. Ташкент, МСХ УзССР, 1985, Б. 12.
11. Бакиров Ш., Банаев Б. Экономическая эффективность мелиорации в производстве риса. Алма-Ата, “Кайнар” 1976, Б. 120.
12. Беркалиев З.Т., Буруменский В.С., Шкаликов Ф.В. К вопросу организации и проведения водобалансовых исследований на рисовых оросительных системах. Труды КазНИИВХ, том IV, вып. 3: орошение, М., 1971, Б. 16-19.
13. 23. Возделывание риса на орошаемых землях. Сборник статей. Под ред. К.С. Кириченко и Е.П.Алешина. М.: Изд-во М-ва сел. хозяйства РСФСР, 1963. Б. 103.
14. ИСМИТИ, “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразим вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларида шоли етиштиришда сувни тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш” мавзудаги лойиҳа ҳисоботи, 2022 йил.

O'ZBEKISTON VA KOREYA O'RTASIDAGI DIPLOMATIK MUNOSABATLAR

Ilyos Ismoilovich Oqbo‘tayev
Denov tadbirkorlik va pedogogika instituti magisrtanti

ANNOTATSIYA

Koreya va O’zbekiston aloqalari qadimdan mavjud bo’lgan, buyuk ipak yo’li orqali bog’langan aloqalar bugungi kunga kelib juda mustahkamlandi. Koreya va O’zbekiston o’rtasidagi masofa uzoq bo’lsada o’zaro manfaatli aloqalar orqali yaqinlik hosil bo’ldi. Mazkur davlatlar o’rtasidagi munosabatlar 1992-yilda o’rnatilgan bo’lib, bu yil aloqalar 30 yillik tarixga ega. Ushbu maqola davlatlarimiz o‘rtasidagi aloqalarni o‘rnatilish tarixi, rivojlanish tendensiyalari, siyosiy, savdo-iqtisodiy va madaniy – gumanitar yo‘nalishlarda hamkorlik masalalari keng yoritilgan.

Kalit so’zlar: diplomatik aloqalar, strategik sherikchilik, iqtisodiy rivojlanish, mehnat munosabatlari, investitsion hamkorlik, hukumatlararo bitim, millatlararo totuvlik, madaniy aloqalar.

KIRISH

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishganidan so‘ng jahon hamjamiyatining teng huquqli a’zosiga aylandi. Tashqi siyosiy yo‘nalishda mustaqil O‘zbekiston tez sur’atlarda rivojlanayotgan dunyoning barcha davlatlari bilan, shu bilan birga Koreya Respublikasi bilan ham yaqindan hamkorlik qilishga urg‘u bermoqda.

Koreya Respublikasi O‘zbekistonning mustaqilligini birinchilardan bo‘lib, ya’ni 1991-yilning oxirlarida tan olgan, diplomatik aloqalar 1992-yil 29-yanvarda o‘rnatilgan. O‘tgan 30 yillik davr mobaynida har ikki tomon davlat rahbarlari o‘rtasida oliy darajadagi 17 ta uchrashuv o‘tkazilgan. Ushbu uchrashuvlarning har birida tomonlar siyosiy, savdo-iqtisodiy, madaniy-gumanitar aloqalarni rivojlantirish yuzasidan muhim ahamiyatga ega bo‘lgan kelishuvlarga erishganlar.

O‘zbekiston va Koreya Respublikasi o‘zaro munosabatlarni yanada mustahkamlash maqsadida 2006-yilda mamlakatlarimiz o‘rtasida Strategik sheriklik to‘g‘risidagi Qo‘shma deklaratsiya imzolandi.

2014-yilda esa Strategik sheriklikni yanada rivojlantirish va chuqurlashtirish to‘g‘risidagi qo‘shma deklaratsiya imzolandi. Ushbu hujjat respublikalar o‘rtasidagi siyosiy, savdo-iqtisodiy

hamda madaniy-gumanitar sohalarda munosabatlarni sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish imkonini yaratdi.

Ikki mamlakatning siyosiy munosabatlari haqida so‘z ketganda, avvalo, davlat rahbarlari o‘rtasidagi samimiy do‘stlikni ta’kidlash kerak. Bu do‘stlik Janubiy Koreya Prezidenti Li Myon Bak Seul meri bo‘lgan yillari boshlangan. 2008-yilda Li Myon Bak prezident saylovida g‘alaba qozonib, davlat rahbari lavozimini egallagach, inauguratsiya marosimiga oliy faxriy mehmon sifatida O‘zbekiston rahbarini taklif etdi. 2009-yilning may oyida O‘zbekiston va Janubiy Koreya rahbarlari Toshkentda uchrashdilar. Davlat rahabarlarining har bir uchrashuvi ikki davlat o‘rtasidagi aloqalarni yanada mustahkamlab bordi.

So‘nggi to‘rt yil davomida esa O‘zbekiston-Janubiy Koreya munosabatlari ikki davlat rahbarlari o‘rtasidagi boy va sermazmun siyosiy muloqotga asoslangan holda sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarildi.

O'zbekiston bilan Janubiy Koreya geografik jihatdan bir-biridan uzoq, lekin ko'ngli yaqin, tinchlik va taraqqiyot yo'lida maqsadi mushtarak davlatlardir. Tarixdan ma'lumki, mamlakatlarimiz Buyuk ipak yo'li davrlaridan boshlab o'zaro bordi-keldi qilgan. Samarqanddagi "Afrosiyob" muzeyida saqlanayotgan devoriy suratlarda VII asr o'rtalarida Samarqand hukmdorining qadimgi Koreya – Choson elchisini qabul qilish marosimi aks ettirilgani bunga yorqin misol bo'la oladi.

Mamlakatlarimiz vaqt sinovidan o'tgan ishonchli strategik sheriklardir. Oliy darajadagi muloqotlar va mushtarak intilishlar samarasida mamlakatlarimiz hamkorligi barcha yo'nalishlarda izchil rivojlanmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2017-yil 22-25-noyabr kunlari Koreya Respublikasiga davlat tashrifi o'zaro munosabatlarni sifat jihatdan yangi bosqichga ko'tardi.

2019-yilning 18-aprel kuni Koreya Respublikasi Prezidenti Mun Chje Inning O‘zbekistonga davlat tashrifi bo‘lib o‘tdi. Ushbu tashrif davomida O‘zbekiston Respublikasi bilan Koreya Respublikasi o‘rtasida alohida strategik sheriklik to‘g‘risidagi Qo‘shma deklaratsiya imzolandi, muhim kelishuvlarga erishildi va umumiy qiymati 12 milliard dollardan ortiq bo‘lgan kelishuvlar imzolandi. Ular energetika, neft-gaz, kimyo, tog‘-kon sanoati, mashinasozlik, elektrotexnika, to‘qimachilik va yengil sanoat, transport va logistika, infratuzilma, AKT, raqamli tibbiyot kabi sohalarni qamrab oladi. Bulardan, xususan, “Angren” iqtisodiy zonasini “Inchon” erkin iqtisodiy zonasi boshqaruviga o‘tkazish, ommabop dori vositalari ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish to‘g‘risidagi kelishuv e’tiborga molik.

2021-yil 28-yanvar kuni pandemiya sababli O‘zbekiston va Janubiy Koreya Prezidentlari Shavkat Mirziyoyev va Mun Chje Inning videokonferensaloqa formatida sammiti bo‘lib o‘tdi. Onlayn sammit yakunlari bo‘yicha “to‘rtinchi sanoat inqilobi”ni ilgari surish maqsadida “raqamlashtirish” sohasida hamkorlik to‘g‘risidagi memorandum, Janubiy Koreya Iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirish jamg‘armasi (EDCF) bilan umumiy qiymati 1 mlrd dollar bo’lgan kelishuv, shuningdek, Koreyaning yangi kelishuvi loyihasining asosiy elementi bo‘lgan raqamli va yashil sektorlarda hamkorlikni kengaytirish bo‘yicha o‘zaro anglashuv memorandumi imzolandi.

Muhim yo‘nalishlarda, shu jumladan, Koreya kompaniyalari bilan birgalikda tashkil etilayotgan farmatsevtika klasteri negizida samarali vaksina va zardoblar, kasalliklarni tez va aniq tashxislash tizimlarini ishlab chiqish bo‘yicha birgalikdagi ishlarni davom ettirish taklifi bildirildi.

Bundan tashqari, zamonaviy laboratoriyalar yaratish va chegaralardagi sanitariya nazorati punktlarini modernizatsiya qilish, yuqori malakali vrachlarni tayyorlash, tibbiy chiqindilarni utilizatsiya qilish korxonalarini tashkil etish, mintaqada epidemiologik vaziyatni monitoring qilish va barvaqt prognozlashtirishning integratsiyalashgan tizimini joriy etish muhimligi qayd etildi.

Davlatimiz rahbari Koreya Respublikasini mamlakatimizga raqamli va “yashil” texnologiyalarni keltirishda asosiy hamkorlardan biri deb bilishini alohida ta’kidladi.

Oliy, kasb-hunar va maktabgacha ta’lim, sog‘liqni saqlash, madaniy meros ob’yektlarini raqamlashtirish va restavratsiya qilish sohalaridagi hamkorlikning joriy va istiqbolli dasturlari ko‘rib chiqildi.

Joriy yilda janubiy koreyalik hamkorlar ishtirokida amalga oshirilayotgan loyihalar doirasida jami 400 million dollargacha investitsiyalarni o‘zlashtirilishi ma’lum qilindi.

Bugungi kunga qadar ikki davlat Tashqi ishlar vazirliklari o‘rtasida 14 raund siyosiy maslahatlashuvlar bo‘lib o‘tdi *(oxirgisi 2020 yil 5 noyabrda videoanjuman shaklida o‘tkazilgan)*. 2018-yil 17 – 18-aprel kunlari Koreya Respublikasi tashqi ishlar vaziri Kan Gyon Xva O‘zbekistonga rasmiy tashrif bilan keldi. 2007-yil noyabr oyidan buyon “Koreya Respublikasi – Markaziy Osiyo” yillik hamkorlik forumi faoliyat ko‘rsatib kelmoqda. 2020-yil noyabr oyida Tashqi ishlar vaziri A. Kamilov Forumning 13-yig‘ilishida ishtirok etdi.

Xalqaro tashkilotlar doirasidagi hamkorlikda O‘zbekiston Respublikasi bugungi kunga qadar Koreya Respublikasining barcha tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlab kelgan. Xususan, BMT ning irqiy kamsitishni bartaraf etish bo‘yicha Qo‘mitasiga (2018 –

2021 yillar), EKOSOS (2016 y.), inson huquqlari Kengashiga (2013 – 2015 y. va 2016 – 2018 y.), xalqaro huquq Komissiyasiga (2017 – 2021 y.), BMTning xalqaro savdo huquqi bo‘yicha komissiyasiga (2013-2019 y. va 2019-2025 y.), xalqaro telekommunikatsiya Ittifoqi Kengashiga (2010 – 2014 y., 2014 – 2018 y. va 2018 – 2022 y.), xalqaro telekommunikatsiya Ittifoqi Kengashi telekommunikatsiya standartlashtirish byurosi direktorligiga (2014 y.), Jahon meteorologiya tashkiloti Ijroiya Kengashi a’zoligiga (2011 y., 2015 y., 2019 y.) ilgari surgan nomzodlarini qo‘llab quvvatladi.

O‘z navbatida rasmiy Seul ham BMT Bosh assambleyasi doirasida O‘zbekistonning tashabbusi bilan 2018-yilda qabul qilingan ikkita, ya’ni “Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, barqarorlik va barqaror taraqqiyotni ta’minlash bo‘yicha mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash” hamda “Ta’lim va diniy bag‘rikenglik” rezolyusiyani qo‘llab-quvvatladi va unga hammualliflik qildi. Shuningdek, Janubiy Koreya 2021 – 2023-yillar davomida O‘zbekistonning BMT inson huquqlari Kengashiga nomzodini qo‘llab-quvvatladi.

Hamkorlikning shartnomaviy – huquqiy asoslariga to‘xtaladigan bo‘lsak, respublikalar o‘rtasida 181 ta hujjat imzolangan bo‘lib, ulardan 4 tasi davlatlararo, 53 tasi hukumatlararo, 75 tasi idoralararo va 49 tasi boshqa hujjatlar (xalqaro shartnoma maqomiga ega bo‘lmagan xalqaro hujjatlar).

Koreya Respublikasi O‘zbekistonning Osiyo-tinch okeani mintaqasi davlatlari savdo hamkorlari orasida yetakchi o‘rinlarni egallaydi. Xususan, 1992-yilda imzolangan savdo bitimiga muvofiq mamlakatlar o‘rtasida eng qulay afzalliklar rejimi o‘rnatilgan. Ikki davlat o‘rtasidagi savdo-iqtisodiy munosabatlar yildan yilga o‘sib borishi tomonlar o‘rtasidagi munosabatlar mustahkam “poydevor”ga egaligi bilan ajralib turadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining ma’lumotlariga ko‘ra 2020-yil yakuni bo‘yicha ikki davlat o‘rtasidagi tashqi savdo aylanmasi 2 142,3 million AQSh dollarni tashkil qildi. Shundan eksport – 45,5 million AQSh dollarni, import esa – 1 872,7 million AQSh dollarni tashkil qildi.

O‘zbekistonning Janubiy Koreyaga eksport qiladigan asosiy mahsulotlari transport, qurilish, turizm xizmatlari (33,5%), yog‘och va yog‘och mahsulotlari (20,6%), to‘qimachilik mahsulotlari (13,4%), kimyoviy mahsulotlar (10,3%), elektr uskunalar va uning qismlari (6,2%), oziq-ovqat mahsulotlari (4,3%), qurilish materiallari (4,1%), yog‘li urug‘lar, mevalar (2,6%) va boshqalar.

Koreyadan keltiriladigan import mahsulotlarining asosiy qismini transport vositalari va ularning ehtiyot qismlari (41,1%), turli xil mexanik va elektr uskunalar (23,1%), plastmassa va ulardan tayyorlangan mahsulotlar (5,5%), qurilish materiallari (5,3%), qora metall va undan tayyorlangan mahsulotlar (4,1%), optik uskunalar va apparatlar (3,2%), kimyoviy mahsulotlar (2,4%), kauchuk va rezina mahsulotlari (2,3%) va boshqalar.

Tomonlar investitsion hamkorlik bo‘yicha ham ulkan yutuqlarga erishib kelmoqda. Xususan, 1992 – 2020-yillar mobaynida Koreyaning O‘zbekiston iqtisodiyotiga jalb qilingan to‘g‘ridan – to‘g‘ri investitsiyalari hajmi 7 milliard AQSh dollardan ortiq. Koreya investitsiyasi ishtirokidagi korxonalar soni esa 875 tani tashkil qilib, ulardan 539 tasi – 100% Koreya kapitali ishtirokida shakllantirilgan. Ushbu korxonalarning faoliyati asosan savdo, yengil sanoat, tog‘-kon, kimyo, oziq – ovqat sanoatlariga, mashinasozlik va metalga ishlov berish, uy-joy-kommunal xo‘jaligi, sog‘liqni saqlash, turizm va xizmatlar sohalariga ixtisoslashgan.

O‘zbekistonga investitsiya kiritgan eng yirik kompaniyalar “Koreya milliy neft korporatsiyasi” (KNOC), “Koreya gaz korporatsiyasi” (KoGas), “Daewoo International”, “Korean Air”, “Shindong Enercom”, “Haintex” va “LG” hisoblanadi.

Shu jumladan, “Koreya gaz korporatsiyasi” (KoGas) “O‘zbekneftgaz” AJ bilan hamkorlikda O‘zbekiston shimoli-g‘arbidagi Ustyurt yassi tog‘ligida qiymati 4 milliard AQSh dollar bo‘lgan gaz-kimyo majmuasini 2016-yilda qurib bitirdi. “Koreya milliy neft korporatsiyasi” esa Farg‘ona vodiysida yangi neft konlarini qidirib topish loyihalarini amalga oshirish ustida ish olib bormoqda.

Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi tomonidan 74 ta Koreya kompaniyalarining vakolatxonalari akkreditatsiyadan o‘tgan.

Moliya-texnikaviy ko‘mak sohasida Koreya Eksimbanki iqtisodiy rivojlanish va hamkorlik Fondi (EDCF) tizimidagi hamkorlik doirasida:

- 2014 – 2017 y. – 179,5 million AQSh dollarli 4 ta loyiha;
- 2018 – 2020 y. – 659,4 million AQSh dollarli 7 ta loyiha;
- 2021 – 2022 y. – 1,37 milliard AQSh dollarli 12 ta loyiha amalga oshiriladi.

Undan tashqari, Xalqaro Hamkorlik bo‘yicha Koreya Agentligi (KOICA) yo‘nalishidagi texnik hamkorlik O‘zbekistonga beg‘araz asbob-uskunalar taqdim etish, mutaxassislar va xodimlarni Koreya Respublikasida o‘qitish, koreys ekspertlari va ko‘ngillilarni O‘zbekistonga yuborish yo‘nalishlarida amalga oshirmoqda. Xususan, 1995 – 2020-yillar mobaynida KOICA yo‘nalishida O‘zbekiston Respublikasiga ko‘rsatilgan beg‘araz yordamning umumiy hajmi 130 million AQSh dollarni tashkil qilib, mablag‘lar sog‘liqni saqlash, ta’lim, axborot texnologiyalar, kommunal xo‘jalik,

qishloq va suv xo‘jaligi, energetika sohalaridagi loyihalarni amalga oshirishga maqsadida yo‘naltirilgan.

NATIJALAR

Shuningdek, bugungi kunga qadar KOICAning texnik hamkorligi doirasida O‘zbekiston vazirliklari va idoralarining 2 000 dan ortiq vakillari Koreya Respublikasida tahsil oldi hamda 70 dan ortiq koreyalik ekspertlar hamda 500 dan ortiq ko‘ngillilari O‘zbekistonda o‘z missiyasini amalga oshirdi.

2007-yildan buyon davlatlarimiz o‘rtasida mehnat migratsiyasi sohasidagi hamkorlik doirasida Bandlikka ruxsat berish tizimi bo‘yicha 31,5 mingdan ortiq O‘zbekiston fuqarosi Janubiy Koreyaga yuborildi. Hozirgi kunda Janubiy Koreyada 17 mingga yaqin o‘zbekistonliklar mehnat qilmoqda. Har yili Koreya Hukumati tomonidan O‘zbekiston uchun 3 – 3,2 ming kishi atorofida kvota ajratiladi.

2018-yil sentyabr oyida Koreyaning Kvanju shahrida O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi huzuridagi tashqi mehnat migratsiyasi agentligining vakolatxonasi tashkil etildi.

Madaniy-gumanitar hamkorlik yo‘nalishida ham bir qator yutuqlarga erishilmoqda. Xususan, ta’lim sohasida Toshkentda 1992-yildan boshlab Koreya ta’lim markazi faoliyat ko‘rsatib kelmoqda. Mahalliy oliygohlar Koreyaning 45 dan ortiq universitet, ilmiy-tadqiqot va ishlab chiqarish tashkilotlari bilan hamkorlik qilib kelmoqda.

O‘zbekistonda Koreyaning Inxa, Puchon, Yoju, universitetlari, filialari hamda Farg‘onada Koreya xalqaro universiteti faoliyat yuritib kelmoqda. 2021-yil 1-fevralda esa Aju universitetining filiali ochildi.

Toshkentda Koreya metodologiyasi bo‘yicha tashkil etilgan 324-sonli maktabgacha ta’lim muassasasi faoliyat yuritadi.

Sog‘liqni saqlash sohasidagi hamkorlik doirasida hozirga qadar respublikamizning 400 dan ortiq tibbiyot mutaxassislari Koreyaning yetakchi klinika va markazlarida malakasini oshirdi. 2019-yil aprel oyida sog‘liqni saqlash sohasida O‘zbekiston-Koreya hamkorlik markazi tashkil etildi.

2020-yil may oyida EDCF fondi ko‘magida Toshkentda qiymati 130 million AQSh dollarli “Bolalar ko‘p tarmoqli tibbiyot markazi” qurilishi yakunlandi. Bugungi kunda Koreya tomoni bilan qiymati 150 million AQSh dollarli “Kattalar ko‘p tarmoqli tibbiyot markazi” hamda 150 million AQSh dollarli “Onkologik klinika” qurilishi bo‘yicha loyihalar ishlab chiqilmoqda.

Ikki davlat o‘rtasida madaniyat sohasida aloqalar ham izchillik bilan davom etmoqda. 2014-yilda Toshkentdagi

“Do‘stlik bog‘i” hududining bir qismida Seul bog‘i tashkil etildi. 2018-yil oktyabr oyida Seulda “O‘zbekiston madaniyati haftaligi” tashkil etildi.

2019-yil mart oyida “Koreya – Markaziy Osiyo” hamkorlik forumi kotibiyati tomonidan tashkil yetilgan “Seulda Navro‘z” xalqaro festivalida" “Navro‘z” va “Lazgi” ijodiy guruhlari ishtirok etdi. 2019-yil aprel oyida Toshkentda Koreya madaniyati va san’ati uyi faoliyatini boshladi. Toshkent ko‘chalaridan biri “Seul” deb nomlandi.

Turizm sohasida 2018-yil 10-fevraldan buyon O‘zbekistonda Koreya Respublikasi fuqarolari uchun 30 kunga qadar vizasiz rejimi joriy etildi. 2019-yilda Janubiy Koreyalik mashhur aktrisa Li Yong-aye O‘zbekistonning Koreyadagi sayyohlik elchisi etib tayinlandi.

2020-yil davomida O‘zbekistonga 6 489 ta Koreya fuqarosi tashrif buyurdi (2019-yilda – 35 524 ta, 2018-yilda – 27 269 ta).

Bugungi kunda, hamkorlikning yangi yo‘nalishi sifatida O‘zbekiston Respublikasi va Janubiy Koreya o‘rtasidagi tashqi savdo aylanmasining nomutanosibligini tenglashtirish hamda eksport-import operatsiyalari nomenklaturasini diversifikatsiya qilish maqsadida ikki davlat o‘rtasida Erkin savdo to‘g‘risida bitim imzolanishi bo‘yicha muzokaralar olib borilmoqda.

O‘zbekiston bilan erkin savdo to‘g‘risida bitim imzolanishi to‘g‘risida Koreya Respublikasi Prezidenti 2020-yil 31-dekabrda Koreya xalqiga yo‘llagan yangi yil tabrigida ham alohida to‘xtalib o‘tdi.

Ma’lumot uchun: Erkin savdo to‘g‘risida bitim – xalqaro integratsiyaning bir turi bo‘lib, xalqaro shartnomaga muvofiq ishtirokchi davlatlar o‘rtasida o‘zaro savdoda bojxona to‘lovlari, soliqlar, yig‘imlar, shuningdek miqdoriy cheklovlar bekor qilinadi.

Joriy yil 24-sentyabrda O‘zbekiston Respublikasi Investitsiyalar va tashqi savdo vaziri o‘rinbosari B. Abidov hamda Koreya Respublikasi Savdo, sanoat va energetika vazirligining erkin savdo bitimlari bo‘yicha Bosh direktori Yang Gi Uk videokonferensiya shaklida Erkin savdo to‘g‘risida Bitim loyihasi yuzasidan navbatdagi sessiyalararo muzokaralar o‘tkazdi.

Tomonlar Bitim loyihasini ko‘rib chiqdilar hamda ayrim tovarlarga qo‘llanaladigan tarif cheklovlarini soddalashtirish istiqbollarini muhokama qildilar.

Shu bilan birga, Janubiy Koreya O‘zbekiston Respublikasini Jahon savdo tashkilotiga a’zo bo‘lishida ko‘maklashib kelmoqda. Jumladan, O‘zbekistonni Jahon savdo tashkilotiga a’zo bo‘lish bo‘yicha tashkil etilgan ishchi guruhga Koreya Respublikasining Jahon savdo tashkilotidagi doimiy vakili janob Li Te Xon raislik qiladi. 2020-yil avgust

oyida JST kotibiyat bilan Ishchi guruh yig‘ilishining 5 raundi o‘tkazildi. Hozirgi kunda O‘zbekistonda janubiy koreyalik investorlar bilan hamkorlikda tashkil etilgan 412 ta korxona, ushbu mamlakatdagi 81 ta kompaniyaning vakolatxonalari ishlamoqda. O‘zbekistonga kiritilgan investitsiyalar hajmi esa 6 milliard dollardan oshib ketdi. Koreya Respublikasi O‘zbekistonning asosiy tashqi savdo hamkorlaridan biri hisoblanadi. Yurtimiz tashqi savdosining 7,8 foizi aynan Janubiy Koreyaga tegishli bo‘lib, 2014-yili o‘zaro tovar ayirboshlash hajmi 2 milliard dollardan oshdi.

Ikki mamlakat o‘rtasidagi munosabatlar to‘g‘risida so‘z ketganida, madaniyat va ta'lim sohasidagi hamkorliklar to‘g‘risida alohida to‘xtalib o‘tish joiz. 1992-yildan beri Toshkentda Koreys ta'lim markazi faoliyat ko‘rsatib kelayapti. Bir nechta universitet va institutlarda koreys tili va madaniyati markazlari ochilgan. 13ta oliy ta'lim muassasasi, 28ta maktab va litseyda koreys tili o‘rgatilmoqda. O‘zbekiston universitetlari Janubiy Koreyadagi o‘ttizdan ziyod oliy o‘quv yurti va ilmiy ishlab chiqarish tashkilotlari bilan hamkorlik qilib kelmoqda.

Tarixiy, madaniy jihatdan ham ko‘plab uyg‘unliklarni ko‘rish mumkin. Jafokash koreys xalqi ham o‘zbeklar singari o‘tmishda ko‘p bor bosqinchilar zulmi ostida yashashga, ularga qarshi qon va jon kurashini olib borishga majbur bo‘lgan. Ana shunday qiyinchiliklar evaziga bo‘lsa kerak, koreyslar hozirgi tinch va farovon muhitda ham o‘zlarining mehnatsevarligi, tirishqoqligi bilan ajralib turadi, yangiliklarga qo‘l urib, turmush tarzini yanada farovonlashtirishga intilib yashaydi.

Bugungi murakkab vaziyatda dunyo tinchligi, xavfsizlik va barqarorlik davlatlar hamda millatlarning o‘zaro ishonchi, hamjihatligi va do‘stona aloqalarni mustahkam o‘rnatishiga bog‘liq bo‘lib qoldi. Ijtimoiy-siyosiy, madaniy-iqtisodiy munosabatlarning ijobiy o‘zanda rivojlanishigina global muhitda, integratsiyalangan sharoitda yashashga ko‘nikib ulgurgan insoniyatni bugungi tang vaziyatdan olib chiqishi mumkin.

Shavkat Mirziyoyevning Koreyaga amalga oshirgan davlat tashrifi doirasida o‘zaro hamkorlikning “yashil” taraqqiyot, raqamlashtirish va ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlash bo‘yicha ilgari surilgan tashabbuslarini amalga oshirish nihoyatda muhim ahamiyatga ega, deb hisoblaymiz.

O’zbekiston-Koreya munosabatlarini rivojlantirish doirasida o‘z navbatida, samarali siyosiy muloqotni amalga oshirishda parlamentlararo hamkorlik, birinchi navbatda, parlamentlararo “do‘stlik guruhlari”ning o‘rni borligini alohida ta’kidlaymiz. Ular mamlakatlarimiz o‘rtasidagi hamkorlikni amaliy mazmun bilan to‘ldirib, qonun ijodkorligi masalalari bo‘yicha tajriba almashish, davlat boshqaruvi, fuqarolik jamiyati, gender masalalari, ta’lim,

mintaqaviy rivojlanish sohalariga elektron parlament mexanizmlari, islohotlarni joriy qilish imkonini beradi.

Umuman olganda, diplomatik aloqalar o‘rnatilganidan buyon Koreya Respublikasi barcha yo‘nalishlarda, xususan amalga oshirilayotgan iqtisodiy-ijtimoiy o‘zgarishlarda, xalqaro masalalalarda O‘zbekistonning sinalgan, ishonchli strategik hamkoriga aylandi. O‘z navbatida O‘zbekiston bilan siyosiy, iqtisodiy jabhalarda keng aloqalarni yo‘lga qo‘yish Koreya tomoni manfaatlariga ham to‘la mos keladi. Bundan kelib chiqqan holda tomonlar yaqin va uzoq istiqbolda ikki tomonlama aloqalarini yanada rivojlantirish va mustahkamlashga harakat qiladilar.

XULOSA

Mamlakatlarimiz BMT va boshqa xalqaro tashkilotlar doirasida bir-birini qo'llab-quvvatlab kelmoqda. O'zbekiston Koreya Respublikasining global xavfsizlikni ta'minlash borasida katta ahamiyatga ega bo'lgan, Koreya yarim orolidagi o'zaro hamjihatlikni mustahkamlashga yo'naltirilgan tinchliksevar siyosatini ma'qullaydi.

O'z navbatida, Koreya Respublikasi 2018-yilda O'zbekiston tashabbusi bilan BMT Bosh Assambleyasi tomonidan qabul qilingan "Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, barqarorlik va izchil taraqqiyotni ta'minlash bo'yicha mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash" hamda "Ma'rifat va diniy bag'rikenglik" rezolyutsiyalarini qo'llab-quvvatladi.

Parlamentlararo aloqalar, hukumatlar, vazirlik va idoralarning delegatsiyalar almashuvlari faollashdi, tashqi siyosat idoralari o'rtasida siyosiy maslahatlashuvlar mexanizmi samarali tus oldi. Ta'kidlash joizki, bugungi kunda koreslar o‘rtasida ham o‘zbek tili, milliy urf-odatlarimiz, madaniyatimiz va san'atimizga katta qiziqish bildirganlar juda ko‘pchilikni tashkil qiladi. Janubiy Koreyaning Tegu va Pusan chet tillari universitetlarida o‘zbek tili o‘rgatilmoqda.

REFERENCES

1. Xurshidbek Samiyev. O‘zbekiston va Koreya o‘rtasidagi hamkorlik natijalari. https://review.uz/uz/post/ozbekiston-va-koreya-respublikasi-ortasidagi-hamkorlik-natijalari.
2. Obid Hakimov “The Korea Post” jurnali. O’zbekiston Koreya iqtisodiy hamkorlik istiqbollari. https://review.uz/post/uzbekistan-koreya-perspektiv-ekonomicheskogo-sotrudnichestva
3. Sanjar Said. O‘zbekiston-Janubiy Koreya munosabatlari: tenglik, do‘stlik, hamjihatlik.

https://kun.uz/uz/news/2015/11/06/ozbekiston-janubiy-koreya-munosabatlari-tenglik-dostlik-hamjihatlik
4. Мусаев Б. Меҳнат ҳуқуқи: уни ҳимоя қилиш борасида. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ҳамкорлиги.-Тошкент: 2017. –Б. 76.
5. Kamoliddin, M. (2020). Conceptual approach to democratization of public administration. *Russia and the moslem world*, (2 (308)), 66-76.
6. Mansurjonovich, M. K. (2022). Methods for Assessing the Efficiency of Management at the Current Stage of State Development. Middle European Scientific Bulletin, 20, 61-67.
7. Миграция соҳасидаги истиқболли режалар самараси // Koryo sinmun.. 7-сон (309). 2018, 31 август.
8. Очёт справки. N=02/00-02/11=3263/04.07.2019.(Tashqi migratsiya agentligi yillik hisoboti).
9. O‘zbekiston – Janubiy Koreya: strategik sheriklikning yangi bosqichi. Vendredi, 2017 yil 24-noyabr. https://www.un.int/uzbekistan/fr/news/uzbekistan-%E2%80%93-south-korea-new-stage-strategic-partnership#
10. http://lex.uz/docs/2048490/«Бир давлат фуқароларининг бошқа давлат ҳудудида вақтинча меҳнат фаолияти тўғрисида»ги битим.
11. Тошкент шаҳар Ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази тўғрисида низом.https://mehnat.uz/uz/subordinate-organizations/position/244/
12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамкорлик муносабатлари ривожи.http://mehnat.uz/
13. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» http://www.lex.uz/acts/246880/
14. Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази ташкил этиш бўйича. http://www.lex.uz/acts/246880/
15. Касб-ҳунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида http://www.lex.uz/acts/2648089/

КОНСТИТУЦИЯ ВА ТЕНГЛИЛИК ПРИНЦИПИ ЖАМИЯТ НИГОҲИДА

Луиза Туганова
Чирчиқ давлат педагогика университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Аниқ ифодаланган конституциявий стандартлар мавжуд бўлганда имкониятларнинг тенглигини, тенглик сиёсатини олиб бориш орқали таъминлаш керак эканлиги аниқ намоён бўлади. Иккала жинс вакиллари учун ҳам имкониятларнинг чекланишига қаратилган тизимли равишда дискриминацияга қарши давлат сиёсатини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Ушбу мақолада жамиятда конститутция ва тенглилик принципи тўғрисида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: глобаллашув, аёл, ҳуқуқ, аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглик, фаол, янги Ўзбекистон, хотин-қизлар фаоллиги, ижтимоий, жамият, демократик ислоҳотлар.

ABSTRACT

When there are clearly defined constitutional standards, it is clear that equality of opportunity must be ensured through a policy of equality. It is advisable to pursue a systematic antidiscrimination policy aimed at limiting opportunities for both sexes. This article analyzes the constitution and the principle of equality in society.

Keywords: globalization**,** women, law, women's rights, gender equality, asset, new Uzbekistan, women's activism, social, society, democratic reforms.

КИРИШ

“Қонун” бу тушунчанинг нақадар кенглигини тушуниш ва ўрганиш учун йиллар, балки асрлар ҳам камлик қилиши мумкин. Жамият илк босқичларида ҳам маълум маънода қонунлар асосида ривожлана бошлаган. Давлатларнинг пайдо бўлиши билан “Конституция” тушунчаси юзага келган ва такомиллашиб жамиятнинг асосини ташкил эта бошлаганлиги ҳозирги куннинг қонунларга асосан бошқарилишини ўша даврдан бошлаб таъминлаб келинганлигини гувоҳи бўламиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аёлларнинг гендер тенгликка эришиш каби масалаларни тадқиқ этишда Мустақил Давлатлар

Ҳамдўстлиги тадқиқотчилари томонидан аёллар фаоллиги, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётда тутган ўрни хусусида қатор монографик тадқиқотлар эълон қилинган. бу борада Н.Иванова, М.Мартин, И.Грошев, С.Пригожина, Л.Попова каби файласуфларнинг илмий изланишларини намуна қилиш мумкин. Ушбу тадқиқотлар мавзумиз доирасидаги аёллар масъуллиги, жамият тараққиётида тутган ўрни каби муаммони қисман тадқиқ этишда маълум даражада назарий асос бўлди. Аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалалари ҳамда аёл ҳуқуқлари ва ижтимоий мавқеи масалаларини С.А.Ахроров (Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш), Н.Д.Жўраева (Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни), Н.М.Муравьёва (Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари), Г.Б.Ўразалиева (Гендер муносабатларининг аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш) каби олимлар илмий-методологик жиҳатдан тадқиқ этишган.

Биз гендер тенглик муаммоларини таҳлил қилар эканмиз, жинслар ўртасидаги табиий-биологик фарқлардан эмас, балки ижтимоий фарқлардан келиб чиқдик. Гендер ижтимоий табақаланишнинг асосий тамойилларидан бири сифатида қаралади, чунки эркаклик ва аёллар нафақат бошқача, балки шундай тарзда шаклланганки, биринчиси доминант, иккинчиси эса бўйсунувчи. Бугунги замонавий глобаллашув жараёнида гендер тенглик муаммоларини ўрганишда аксиологик таҳлил, қиёсий усуллардан фойдаландик.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Жамиятнинг тараққий этиши, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиши каби ижтимоий-тарихий жараёнларда аёллар муаммоси турли кўринишларда юзага келади. Қадимда юнон файласуфлари Суқрот, Арасту, Афлотун каби олимлари энг яхши давлат сифатида жамиятда тенглик ва адолат ҳукм сурган полисни назарда тутишган. Энг яхши қонунлар сифатида ҳам барча тенглигини кафолатлаган қонунларни илгари суришган. Эркак ва аёллар тенглиги ғоясини юнон олими Антифонт ўз асарларида қўллаган ҳолда: «Табиат барчани: аёлларни ҳам, эркакларни ҳам тенг қилиб яратади, лекин одамлар инсонларни тенгсиз ҳолатга солувчи қонунларни ишлаб чиқишади», деб таъкидлаган[1].

Ҳозирда дунё бўйича ишсизларнинг 60 фоизини аёллар ташкил қилади. Уларнинг 40% ни олий маълумотга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2017 йил 13-24 март кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтган бутун дунё бўйлаб хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлашга бағишланган

йиғилишда 47 та мамлакат фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг фаол иштирокида хотин-қизларнинг яшаш шароитларини, турмуш тарзини яхшилаш, мавқеини мустаҳкамлаш йўлларини белгилаб бериш таклифи киритилди[2, 6].

Адолатли жамиятнинг энг муҳим қадриятларидан бири бу тенглик принципи бўлган ва шундай бўлиб қолади, унга кўра жамиятнинг барча аъзолари учун тенг шароитлар яратилиши керак. Тенглик ғояси Ж.Ж.Руссонинг қарашларида баён этилади. Унинг сўзларида ҳамма одамлар эркин туғиладилар деб таъкидланган бўлиб, бу қарашлар кўпгина конституциявий ҳужжатларда ўз аксини топди ва шу тариқа нафақат сиёсий, балки ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди[3].

1970 йилдан бошлаб Европада аёлларнинг сиёсий лавозимдаги вакиллигида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Сиёсий партиялар бу ўзгаришларни амалга оширишда сиёсий идоралар учун кадрлар тайёрлашда асосий рол эгаллайди. Кўпгина мамлакатларда аёлларнинг сайланган лавозимлари кўпайишидан аввал сиёсий партияларнинг ўзларида ўзгаришлар содир бўлган[4].

Ўтган асрнинг 70 – йиллар охирида бир қатор мусулмон мамлакатларида ҳам минтақавий конвенция доираларида инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган халқаро – ҳуқуқий актлар қабул қилишга урунишлар бўлган. Мусулмон дунёсида 1980 йилда қабул қилинган “Умумжаҳон Ислом декларацияси” инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоялаш ва таъминлаш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган халқаро – ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб қолди[5].

Ҳозирги вақтда давлат ва халқ ўртасидаги муносабатларда тенглик тамойилини тан олиниши ва бу тамойилни ҳаётга тадбиқ этилиши учун барча зарур саъй – ҳаракатлар амалга оширилмоқда ва шу шарт билангина давлат демократик деб тан олиниши ва ўзининг шундай позитцияга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун жамиятда тенгликка эришиш нафақат давлатга, балки унинг фуқароларига ҳам боғлиқ бир қатор объектив ва субъектив ҳолатлар эканлиги, уларнинг доираси эса жуда кенглигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Бу, албатта, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларга ҳам тегишли. Тарихий жиҳатдан жамият ва давлат тараққиёти билан янги дунёқарашнинг шаклланиши, турли соҳалардаги ўзгаришлар ҳаётнинг ҳар бир соҳасида эркаклар ва аёлларнинг ўзаро таъсири сифатида амалиётда намоён бўлмоқда ва чуқур ички трансформацияни бошдан кечирмоқда[6]. Бу эса ўз навбатида тенглик ҳолатининг ўзига хос кўрсаткичи сифатида жамиятда ҳаракат қилиш, эркак ва аёлнинг ҳуқуқ ва

эркинликларнинг тенглик тамойили келажакнинг ривожланишида ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин бўлган жинслар ўртасидаги жуда ҳарактерли муносабатларни очиб беради. Ҳар қандай давлат ва жамиятда тенглик тушунчасининг асосий хусусиятларини мужассамлаштира олиши ва умуман олганда унинг моҳияти ва мазмунини ўзида акс эттиришга интилиши лозим. Эркак ва аёллар тенглигини ижтимоий – ҳуқуқий ҳодиса сифатида баҳолар экан, шуни таъкидлаш керакки, у мавжуд ижтимоий муносабатларни тавсифлайди.

Маълумки, тенгсизлик сабабли жамиятнинг шаклланишига тўсқинлик қилувчи барча тушунчаларга барҳам бермоқ лозимлигига қаратилган саъй – ҳаракатларни амалга оширишда эса қонунларнинг ўрни белгиланганлигини, жамиятда гендер муносабатларига нисбатан кучли эътиқод шаклланишини таълим тарбия орқали амалга оширилаётганлиги бунга далолатдир. Оила ва жамиятда жинсни ҳурмат қилиш анъаналари бу қийин вазифани ҳал қилиш чораларини давлат билан биргаликда амалга ошира олиши тўғрисида айтиб ўтилади.

Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли... Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципни ҳаётимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон манфаатлари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шунингдек, инсон қадри улуғланиши, барча ислоҳотлар инсон манфаатлари учун олиб борилмоқда. Бу масала Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам алоҳида йўналиш сифатида белгиланган.

Асосий қонунимизнинг 13-моддасида давлат органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари, шунингдек 15-моддасида фуқаролар ўзини - ўзи бошқариш органларининг, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги иштироклари белгиланган[7]. Жумладан мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида ёхуд тадбиркорлик соҳасида кўзга ташланган ўзгаришлар мисолида намоён бўлмоқда.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти ҳисобланади. Мамлакатимизнинг тараққиёти жамият аъзоларининг

ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришни долзарб вазифа қилиб қўяр экан, шу ўринда аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади, зеро улар аҳолининг 51 фоизини ташкил этадилар[8]. Шиддат билан ривожланаётган бу даврда айниқса аёлларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, унинг соҳаларда олиб борилаётган ҳуқуқий ўзгаришлардан боҳабар бўлиши, аёлнинг нафақат келажак авлод тарбиячиси балки жамият тарбиячиси сифатида намоён бўлишда ўз аксини топмоғи лозим.

Конституция қонунлар мажмуи эмас, у ягона ғоя, мантиқ, ўзак йўналиш билан йўғрилган яхлит, буткул бир ҳужжат ҳисобланади. Бош қонуннинг фазилатини, моҳияти ҳамда табиатини унинг нормалари ва тартиб – қоидалари, Конституциянинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, унда инсон ҳуқуқлари нечоғлик ҳимояга олингалиги билан ўлчаш одат бўлиб қолган. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларни демократия тошу тарозисида тортиб кўриб, ишонч билан айтиш мумкинки, жамиятнинг барча соҳалардаги тенгликка асосланган муносабатлари кафолатлаб қўйилган.

Хусусан Конституциямизнинг 18-моддасида инсон ҳуқуқлари жаҳонда етакчи мақомга эга эканлиги, асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг рағбатлантирилиши ҳамда ҳимояланиши, янада муҳимроғи, жамиятда ҳар бир инсон ҳуқуқлари кафолатларининг амалдаги тизимининг ташкил этилиши ҳуқуқий давлат қуришнинг бош шарти ҳисобланганлиги шахснинг дахлсиз хусусияти сифатида изоҳланган. Инсон ҳуқуқлари асосида инсон шахси қадрияти туради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддасининг 2-қисмида “имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилган ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” лиги таъкидланади.Мазкур қоида Ўзбекистонқонунчилик ҳужжатларининг бутун бир туркумида мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга биноан фуқароларнинг фақат айрим қатламлари – нафақахўрлар, ногиронлар, хотин – қизлар, болалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимларига фақат Қонунга мувофиқ бирор – бир имтиёз берилиши мумкин.

Шу маънода асосий қонунимизнинг 46-моддаси ҳам тенглик принципига асосланади. Хотин – қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги талабининг Конституцияга киритилиши муҳим асосга эга, негаки БМТнинг 1979 йилги “Аёллар ҳуқуқларининг барча турларини камситишга барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция талабларига кўра “Давлатлар ўз конституцияларига жинсий тенглик тўғрисида алоҳида қоидалар киритишлари зарур”.

Хотин – қизлар ва эркаклар тенглиги тарихий ютуқдир ва унга асосан жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаётида ҳақиқий жинсий тенгликка эришилади.

Аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мақсадида давлат қўшимча чора – тадбирларни амалга оширмоқда. Аёлларга билим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, унинг тенг ҳақ олиш, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш, маълум бир имтиёзларга эга бўлиш учун эркаклар билан тенг имкониятлар берилган. Аёлларнинг оиладаги ўрни, жисмоний имкониятлари ҳисобга олиниб уларга меҳнат қилишда, соғлиғини сақлашда, маълум бир мансабларни эгаллашда, ижтимоий ҳимояланишда, соғлом авлодни ўстиришда, ҳуқуқий ҳимояланишда, оналик ва болаликни қўллаб – қувватлашда лозим бўлган шарт – шароитлар ва имтиёзлар яратилган.

Хотин – қизлар ва эркаклар тенглигини етарли даражада таъминлаш ва кафолатлаш ҳар бир демократик давлатнинг устувор вазифаларидан биридир. Конституцияда бу тўғрисида махсус норманинг мавжудлиги давлатимизнинг чинакам демоератик давлат эканлигининг кафолатидир[9].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш учун таълимга, молиявий ресурсларга, сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун ҳақиқий имкониятларни яратиш зарур. Бу БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ХМТ каби халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган механизмлар мавжуд бўлиб, уларни мамлакатимизга татбиқ этишни кучайтирмоқ лозим. Гендер тенглигини таъминлашнинг мукаммал институционал асосларини яратиш, шу жумладан ушбу мақсадлар учун тегишли молиявий ва инсон ресурсларини ажратиш даркор. Анъанавий гендер роллар билан боғлиқ стереотипларни йўқ қилишга эришиш учун жамият ҳаётининг барча соҳаларига гендер тенглиги ва гендер стандартлари тамойилларини ҳар томонлама сингдириш, кенг маърифий тадбирлар орқали гендер стереотипларини йўқ қилишга кўмаклашиш зарур. Фуқаролик жамияти, хусусан, нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, хотин-қизлар ва ёшлар ҳаракатлари билан конструктив мулоқот ўрнатиш гендер муаммоларини бартараф этишда самарали ҳамкорликдир.

Шунингдек, дунёда гендер тенглиги ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга эришиш керак. Бу нафақат аёлларга, балки бутун инсониятга фойда келтиради. Бу борада дунёнинг турли мамлакатларидаги аёллар ўртасида халқаро ҳамкорлик кучайиб, хилма-хил шаклларга эга: тажриба алмашиш учун

қўшма тадбирларни ўтказиш, аёлларни сиёсий ва иқтисодий қарамликдан озод қилиш учун глобал аҳамиятга эга бўлган стратегияларни ишлаб чиқишдан тортиб, энди ривожланиб бораётган миллий аёллар ҳаракатларини моддий қўллаб-қувватлашгача бўлган саъй-ҳаракатлар мамлакатларнинг гендер тенглигига эришишда ўз хиссасини қўшмоқда.

REFERENCES

1. Чвыкалов В.В. Гендерное равенство в праве. – Краснодар: 2012.
2. Доклад заседания ООН, посвященный укреплению статуса женщин по всему миру. - Нью-Йорк, 2017.С.-6.
3. Крылов Б.С. Проблемы равноправия и равенства в российском конституционном праве // Журнал российского права. 2002. № 11. С. 3.
4. European Expert Network Women in Decision-Making // «Participation of women in four political groups in the European Parliament». 1994 г
5. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ” - Тошкент: “Ўзбекистон” 2001 йил Б.90
6. Зайков Д.Е. Развитие принципа равенства прав и свобод мужчин и женщин в советский и постсоветский периоды // История государства и права. 2011. № 18. С. 18.
7. https://yuz.uz/news/yangilanayotgan-ozbekistonda-gender-tenglikning-huquqiy-asoslari
8. Уразалиева Г. Гендер ва аёллар ҳуқуқий маданияти. – Тошкент: 2009. – Б.3.
9. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ” - Тошкент: “Ўзбекистон” 2001. – Б.252-254
10. Доклад заседания ООН, посвященный укреплению статуса женщин по всему миру. - Нью-Йорк, 2017.С.-6.
11. Tuganova Luiza Djurayevna (2022). Reforms to protect the rights and interests of women in the renewed Uzbekistan is a priority direction of state policy. Web of Scientist: International Scientific Research Journal (WoS). Volume 3, Issue 12, Dec., 2022. – pp. 1014-1021.
12. Bekbayeva Durdona Djurayevna (2022). The significance of the implementation of five initiatives in the development of youth spirituality in the new Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal (WoS). ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 12, Dec., 2022. – pp. 1007-1013.
13. G.S. Rahmonova (2022). Theoretical and methodological fundamentals of developing non-standard thinking in students // Theoretical & Applied Science, 04 (108), 2022. – pp. 565-572.

ГИДРАВЛИЧЕСКИЙ ПРИНЦИП РАБОТЫ ВОДОПРИЕМНОГО УЗЛА НАСОСНЫХ СТАНЦИЙ С ЦИРКУЛЯЦИОННОЙ КОНСТРУКЦИЕЙ

Рахматилло Юлдашевич Шерматов
Зохиджон Мамасолиевич Ишанкулов
Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

АННОТАЦИЯ

В статье научно обоснованы пути усовершенствования с геометрической точки зрения конструкции водозаборного узла насосных станций, с целью повышения его надежности, улучшения режима работы, достижения высокой производственно-экономической эффективности.

Ключевые слова. насос, насосный агрегат, насосная станция, водопропускание, водозаборный узел, гидравлическое сопротивление, расход, наноса отложение, лопаточная камера, уклон, напор, общая масса, коэффициент сопротивления, потери напора, циркуляция.

ВВЕДЕНИЕ

Около 50% площади орошаемых земель в Узбекистане орошается с помощью насосных станций. Это, в свою очередь, вызывает расход больших энергетических ресурсов, повышения стоимости поливной воды, подаваемой потребителю по машинным каналам, в связи с удорожанием её, по сравнению с проточным каналом.

Снижение потребления электроэнергии насосными станциями хотя бы на 1 %, позволяет сэкономить 82...84 млн. кВт ч. электро энергии в год.

Повышение гидравлического сопротивления из-за осаждения наносов в водозаборных узлах и камерах насосных агрегатов, приведет к снижению водопроницаемости из-за подсоса воздуха насосными агрегатами, увеличению расхода электроэнергии, дополнительных вибрации в устройствах, что в свою очередь приводит к расходованию дополнительных средств на ремонт насосов и очистку сооружений от наносов. Эти дополнительные затраты еще больше увеличат стоимость оросительной воды. Поэтому, повышение технико-экономической эффективности насосных станций за счет совершенствования конструкции водозаборных сооружений является весьма актуальной задачей.

Для решения этой задачи необходимо проведение научных исследований по повышению эффективности водозаборных сооружений насосных станций оросительной

системы, основанных на анализе факторов, связанных со снижением производительности насосных станций, их последствий и причин.

Эффективность работы насосной станции зависит от производительности входящих в нее устройств. В частности снижение эксплуатационных показателей происходит из-за ухудшения гидравлических характеристик водозаборных сооружений насосных станций [2].

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

В результате осаждения взвешенных наносов в водозаборных узлах и крыльчатки камеры насосных станций, увеличивается гидравлическое сопротивление во всасывающем патрубке насосного устройства, происходит подсос воздуха в насосные агрегаты в результате образования накипи во входе, уменьшаются количество подаваемой воды, что приводит к увеличению потребления электроэнергии. Твердые частицы наносов, увлекаемые водой в детали насосов, вызывают их гидроабразивный износ, а также дополнительные нежелательные вибрации. Это, в свою очередь, вызывает дополнительных затрат средств на внеплановый ремонт насосов, очистку от грязи, осевшей в каналах входной камеры, а стоимость поднятой поливной воды возрастает в несколько раз [1,2].

На основании вышеизложенного можно сказать, что разработка дополнительных конструктивных решений по улучшению гидравлической характеристики водозаборных узлов насосных станций и повышению их эффективности будет являться основой для поиска решения перечисленных проблем.

С целью усовершенствования геометрию конструкции водозаборного узла, изменения режима его работы в лучшую сторону, предлагаемый вариант конструкции устройства основан на расчет использования благоприятного воздействия центробежной силы потока воды. Конструкции таких гидроциклонов чрезвычайно просты и недороги. Они компактны, просты в эксплуатации и обладают высокой производительностью [3, 4, 5, 6, 7, 8].

В данной конструкции вход воды в водоприемный узел размещен по ходу течения в прямоугольном канале, в нижней части конструкции внутри по ходу течения размещена еще одна прямоугольная камера для удаления наносов. Вход всасывающей трубы имеет равномерную глубину погружения h_2 и расположен вертикально в центре отсека, горизонтально на дне водоприемника. Эта искусственная циркуляция создает винтовую циркуляцию под действием скорости воды [6, 7].

Исследования показали, что при расчете и проектировании открытых гидроциклонных устройств расход осветленной воды и количество частиц в иле получаются как в орошаемых отстойниках. Анализ гидравлической сепарации мутных частиц по размерам показал свою эффективность при скорости воды в приемном сечении более 1 м/с.

Эффективность водопотребления одного циркуляционного агрегата $Q_{пр}$ определяется по следующей формуле [4, 5, 8]:

$$Q_{пр}=0{,}785\ q_{hc}D^{2}_{hc}, \qquad (1)$$

При определении габаритов напорного гидроциклона необходимо учитывать диаметры входного $d_{вх}$ и всасывающего $d_{вс}$ патрубков, отношение d_{en}/d_{ex} должно быть 0.5...1, а отношение d_{en}/D_{hc} должно быть 0,12.. .0.4.

Диаметр всасывающего патрубки $d_{вс}$ можно определить по следующей формуле:

$$d_{вп} \le (\frac{D_{hc}-d_{вх}}{2})-\Delta \qquad (2)$$

Диаметр выходного патрубка $d_{шн}$ определяется отношением $d_{шн}/d_{ex}$ в пределах 0.2...1.

Эффективность напорных гидроциклонов Q_{hc} для указанных габаритов, рассчитывается по следующей формуле:

$$Q_{hc}=9.58\cdot10^{3}\cdot d_{вп}\cdot d_{вх}\cdot\sqrt{g\Delta P}\ ,\quad м^3/с \qquad (3)$$

Примерное количество наносов, поступающих с водой в реку, можно найти по следующей формуле, рекомендованной Г. В. Лопатиным [4].

$$\rho_{ср}=\frac{4\sqrt{hl}}{n^2\omega}=\frac{4\vartheta\sqrt{l}}{n\omega^{h-0.17}} \qquad (4)$$

здесь: l - средняя толщина потока, г/м^3; h - средняя глубина течения, м; ϑ - средняя скорость течения, м/с; n-коэффициент толщины корня; ω - средняя расчетная гидравлическая мощность взвешенных плавающих наносов, м/с.

Существуют ряд количеств конструкций гидроциклонов, их можно разделить на четыре основные группы: цилиндрические, конические, коническо-цилиндрические гидроциклоны и турбоциклоны. Наибольшее распространение в производстве

получили цилиндро-конические гидроциклоны. Простота конструкции и его изготовления, высокая эффективность разделения потока, возможность создание менее плотного потока воды, низкие эксплуатационные расходы позволяют использовать данный тип конструкций гидроциклона.

Минимальный диаметр частиц, улавливаемых гидроциклоном, определяется по следующей формуле:

$$d_ч = \sqrt{\frac{K\mu_{ж}}{L\left(\frac{\rho_ч - \rho_{ж}}{\rho_{ж}}\right).\frac{\Delta p}{Q}}} \qquad (5)$$

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Таким образом, одним из способов повышения эффективности работы насосных станций является улучшение их эксплуатационных показателей качества. Следовательно, установлено что, использование конструктивных элементов гидроциклонного типа в водоприемных узлах насосных станций оросительной системы позволяет резко уменьшить количество наносов, попадающей в аэрационные камеры. Это, в свою очередь, снижает себестоимость перекачиваемой воды и повышает надежность насосных станций, тем самым предотвращая будущие дополнительные эксплуатационные расходы.

REFEREBCES

1. Гловацкий О.Я., Исаков Х.Х., Пак О.Ю., Талипов Ш.Г. Управление надежностью насосных станций по оценке технического состояния. Современные проблемы управления водными ресурсами. – Ташкент: 2004. т.2. с.19-24.

2. Джабборов Н., Якубов М., Абзалов Б. Насос станциялари қандай ишлаяпти. Сельское хозяйство Узбекистана. –Ташкент, 2007. – № 2.–с.28-29.

3. Мамажонов М. Повышение эффективности эксплуатации центробежных и осевых насосов насосных станций оросительных систем. Автореф. дис…докт…техн...наук.-Ташкент.:ТИМИ. 2006.-32 с.

4. В.Ф. Чебаевский, К.П.Вишневский, Н.Н.Накладов. Проектирование насосных станций и испытание насосных установок. – Москва.: Колос. 2000. – 62- 72 с.

5. Гловацкий О.Я. Теория и методы управления гидравлическими процессами при эксплуатации мелиоративных насосных станций: Автореф. Дис. док. техн. наук. – Москва.: МИСИ. 1989. – 12-18 с.

6. Соловьева А.Г. Экспериментальное исследование плавного расширения потока при наличии водоворотных зон. Известия ВНИИГ:т.46, 1977. с 241-253
7. Аверкиев А.Г. О длине водоворота при одностороннем плановом расширении струи в ограниченном пространстве. Изв.ВНИИГ.т.54,1985. с. 84-88.
8. Сабитов, А. У., Карабаев, А. Н., & Тургунова, Р. Техника и технология полива на террасированных склонах земель. НАУКОВІ ЗАСАДИ ПІДВИЩЕННЯ ЕФЕКТИВНОСТІ СІЛЬСЬКОГОСПОДАРСЬКОГО ВИРОБНИЦТВА SCIENTIFIC BASIS TO RAISE AGRICULTURAL PRODUCTION EFFECTIVENESS НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ.
https://scholar.google.com/scholar?cluster=4453007207579343097&hl=en&inst=8697446408056752236&oi=scholarr
9. Сабитов Аманулло Убайдуллаевич, & Карабаев Анваржон Неъматжанович (2021). Методика расчета рациональных параметров элементов техники полива. Universum: технические науки, (11-2 (92)), 66-68.
https://cyberleninka.ru/article/n/metodika-rascheta-ratsionalnyh-parametrov-elementov-tehniki-poliva
10. Махмудов, А., Карабаев, А. Н., & Абдувосиев, А. (2019). Влияние изменения условий эксплуатации Учкурганского гидроузла на его безопасность. ББК 20.1 я43 Э 40.
https://www.researchgate.net/profile/Ulugbek-Ashrapov/publication/363108743_Izvlecenie_zolota_iz_rastvorov_prudka_hvostovyh_othodov_gidrometallurgices-kogo_zavoda/links/630e29565eed5e4bd12fc55d/Izvlecenie-zolota-iz-rastvorov-prudka-hvostovyh-othodov-gidrometallurgices-kogo-zavoda.pdf#page=1018
11. Rakhmatillo, S., & Yunusbek, S. (2022). ANALYSIS OF STUDIES ON THE WATER SUPPLY DEPARTMENT OF IRRIGATION PUMPING STATIONS. Universum: технические науки, (4-12 (97)), 33-34.
https://cyberleninka.ru/article/n/analysis-of-studies-on-the-water-supply-department-of-irrigation-pumping-stations
12. Sattiyev Yunusbek, & Shermatov Rakhmatillo (2022). THE ROLE OF GEODESY WORK IN THE DESIGN OF PUMP STATIONS. Universum: технические науки, (4-11 (97)), 48-50.
https://cyberleninka.ru/article/n/the-role-of-geodesy-work-in-the-design-of-pump-stations
13. Мамажонов, М., Шакиров, Б. М., Шерматов, Р. Ю., &

Закиров, Р. В. (2017). ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ РЕКОМЕНДАЦИЙ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭФФЕКТИВНОСТИ НАСОСНЫХ СТАНЦИЙ. In Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства (pp. 1011-1016).
https://www.elibrary.ru/item.asp?id=30590024

14. Мамажонов, М., Шакиров, Б. М., & Шерматов, Р. Ю. (2015). Повышение эффективности эксплуатации насосных станций оросительных систем. In Проблемы управления водными и земельными ресурсами (pp. 278-287).
https://www.elibrary.ru/item.asp?id=35195742

15. Mamazhonov, M. M., Shakirov, B. M., & Shermatov, R. I. TECHNICAL SOLUTIONS TO IMPROVE HYDRAULIC CONDITIONS OF WATER INLET CHAMBERS OF PUMPING STATIONS.
https://journal.bsau.ru/archive/annotations/2015-2-3_en.pdf

ЎҚУВЧИЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ПРИНЦИПЛАРИ

Муҳсинжон Муқимжонович Отабоев
Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўқувчилар ҳуқуқбузарлигини олдини олишнинг методологик принциплари, тарбия жараёнига таъсир қилувчи омиллар, тарбия ёндашувлари, хусусан, тарбия муаммосига комплекс ёндашувнинг афзалликлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тарбия, тарбия принциплари, тарбияга комплекс ёндашув.

Жамият ривожланишининг жорий ва истиқбол эҳтиёжларини илмий асосда белгилаш, қонун устуворлиги принципларини изчил амалга ошириш ва ривожлантириш, уларни жамият ҳаётининг мустаҳкам негизларига айлантиришнинг муҳим тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кун педагогикасининг энг долзарб масалаларидан биридир.

Жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, унинг кафолатлари тўғрисидаги дастурий талабларни турмушга татбиқ этиш демократик тамойилларни мустаҳкамлаш ҳамда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Шу маънода мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалаларига доимо эътибор бериб келинмоқда. Бу жараён миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришда, жамиятда жамоатчилик тартибини муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашда жамоатчилик назоратини кучайтириш каби масалаларда намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз шароитида ҳуқуқбузарликка қарши кураш давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифалари билан чекланган шунчаки мақсад эмас. Бу жамиятда фаровон ва тинч турмуш тарзини қарор топтиришнинг комплекс вазифаларини ҳал қилишнинг воситаларидан биридир. Зеро, “Турмушнинг кундалик маромига инсонга ва унинг бошқа инсонларга муносабатига бир эмас, балки бир-бири билан боғлиқ бўлган кўпдан-кўп аниқ омиллар ва шарт-шароитлар таъсир кўрсатади. Хулқ-атворга алоқадор ҳар бир ҳодиса одатда бир эмас, балки кўпдан-кўп ижтимоий нормалар билан боғлиқдир”[1].

[1] В.Н.Кудрявцев. Социалистический аспект преступления. Вопросы с

Қонунчиликка мувофиқ мамлакатимизда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳуқубузарликларнинг келиб чиқиши ижтимоий омиллар комплекси билан олдиндан белгиланади. Бу ҳол ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини ташкил этишга принципиал ёндашишни талаб қилади.

Хулқ-атворига қараганда ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни назорат қилиб бориш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимнинг энг муҳим элементларидан биридир. У ҳуқуқбузарликнинг аниқ фактларига ёки бошқа ижтимоий қилмишларга тезда муносабат билдириш билан бевосита боғлиқдир. Ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларга нисбатан қўлланиладиган қонунда кўзда тутилган таъсир чоралари, уларни қайта тарбиялаш тадбирлари шулар жумласидандир.

Ижтимоий профилактика миллий тарбия тизимининг таркибий қисми бўлиб, таълим муассасалари ички ишлар органлари билан биргаликда тарбиявий-ҳуқуқий ишларда тўла иштирок этадилар.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш масаласи ҳамиша давлат аҳамиятига эга жиддий масалалардан бўлиб келган. Ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар муаммосига эътибор берилиши бу мамлакатимизда бу борада борадаги ҳодисаларнинг кўплигини англатмайди. Статистик маълумотлар уларнинг камайиш тенденциясини кўрсатмоқда. Аммо ҳар қандай ҳуқуқбузарлик замирида муайян ёшнинг тақдири, унинг мафкуравий, меҳнат ва ахлоқий тарбиясидаги нуқсон ётади.

Жамиятимизда ёшларга мамлакатимизнинг келажаги сифатида қаралади. Келгусида қонунчиликнинг ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволи бугунги кунда ёш авлодни тарбиялаш қандай йўлга қўйилганига, ёш авлодга қандай ижтимоий ва ахлоқий фазилатлар сингдирилишига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Бироқ ёшларнинг бир қисмида турмушга фақат истеъмолчилик назари билан қараш, меҳнатга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қадр-қийматига нигилистик муносабатда бўлиш устун туради. Ёшлар ҳуқуқий онгининг ўсганлиги ва ижтимоий фаоллиги, уларнинг ҳуқуқбузарликларга нисбатан тоқатсизлик кўникмаларини шакллантириш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини янада фаоллаштириш учун реал имкониятлар яратади.

Умуман, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш муаммосини ҳал қилишда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Зеро жамият тарихи бошдан-оёқ шахсларнинг ҳаракатларидан иборат бўлиб, ижтимоий

преступностью. вып. М.: 1973, -С.7.

фанларнинг вазифаси мазкур ҳаракатларнинг моҳиятини тушунтиришга йўналтирилади.

Инсониятнинг тадрижий тараққиёти, фан ва техника соҳасида эришилаётган ютуқлар жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг табиатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Жиноятчиликнинг объектив ва субъектив сабаблари бир қатор ижтимоий фанлар: фалсафа, социология, психология, ҳуқуқшунослик, педагогика фанлари вакиллари томонидан комплекс равишда ва чуқур тадқиқ этилиши керак.

Жиноятчиликни олдини олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб педагогик муаммоларидан ҳисобланади. Республикамиз Конститутцияси фуқароларга қонунларга риоя қилиш, давлат ва жамоат мулкини асарб-авайлаш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, қонун ва жамият манфаатларига зид ножўя хатти-ҳаракатларга муросасиз бўлишни, жамоат тартибини муҳофаза қилишга ҳар томонлама кўмаклашишни юклайди. Зеро, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг жамиятимизда амалда бўлган тизими ана шу конституцион қоидаларни рўёбга чиқаришнинг энг муҳим шарти ва таркибий қисмидир.

Мазкур муаммонинг педагогик-психологик жиҳатига келганда, бизнинг назаримизда, бу соҳада жиддий камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланади. Ҳолбуки, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал этишда педагогиканинг роли муттасил ортиб бормоқда. Жумладан, психолог ва педагог олимлар вояга етмаганларнинг ҳуқуққа зид хулқ-атворининг олдини олиш масалаларини тадқиқ этишга, ўз вақтида на оила, на мактаб ва на жамоатчилик эплай олмаган тарбияси оғир ўсмирларни қайта тарбиялаш муаммоларига эътиборни кучайтиришлари зарур. Ҳуқуқбузар ўсмирлар билан шуғулланадиган ички ишлар органлари уларнинг онги ва хулқ-атворини жамият учун матлуб бир йўналишда қайта қуришлари керак. Лекин бунинг учун улар педагогик таъсирнинг етарлича самарали воситалари билан қуролланган бўлишлари керак. Нафақат улар, балки вояга етмаганларни тарбиялашга ва хусусан уларни қайта тарбиялашда қатнашишга алоқадор ташкилотлар ва муассасаларнинг барча ходимлари ҳам ана шу воситалар билан қуролланишлари лозим.

Тарбияси оғир ўсмирлар билан амалий ва илмий тадқиқот иши олиб боришнинг кўп йиллик тажрибаси ҳамда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан шуғулланадиган муассасалар (вояга етмаган ишлари комиссиялари, профилактика инспекторлари,

умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар таълим муассасалари, тарбия-меҳнат колониялари) иши тизимини қатор йиллар давомида ўрганиб чиқиш шундай хулосага олиб келадики, педагогик жиҳатдан қаровсиз қолган ўқувчиларни ҳамда вояга етмаган ҳуқуқбузарларни тарбиялашга комплекс ёндашиш барча ўқувчиларни тарбиялашга бўлган комплекс ёндашишдан анча фарқ қилади. Агар хулқ-атвори яхши бўлган ўқувчилар учун комплекс илмий тавсияларни педагогика ва психология фанларининг вакиллари ишлаб чиқиши мумкин бўлса, вояга етмаган ҳуқуқбузарларни қайта тарбиялаш дастурларини тузиш турли фан вакилларининг қатнашишини талаб қилади. Шу билан бирга педагогика фани олдида вояга етмаган ўртасида ҳуқуқбузарларликларнинг олдини олишга комплекс ёндашиш асосларини ишлаб чиқиш вазифаси туради. Бинобарин, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини олини олиш муаммосига дуч келадиганларнинг ҳаммаси ана шу тадбирлар комплексини ўзлаштиришлари лозим.

Ҳодисаларнинг умумий боғлиқлиги ва уларнинг яхлитлиги тўғрисидаги тамойил тарбияга комплекс ёндашишнинг методологик асосидир. Вазифаларни тизимли ҳал қилиш энг самарали ёндашув эканлиги маълум. Фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида асосий бўғинни ажрата олиш комплекс ёндашувнинг энг муҳим методологик асосидир. Педагогика тарбиянинг кўп омилли жиҳатларидан уч жиҳатни – ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни етакси омил сифатида ажратиб кўрсатади. Тарбия омилларининг ўзаро алоқаси ва янада ривожланиши ҳозирги шароитда ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлиб, тарбиянинг бошқа томонларининг ҳам такомиллашувига кўмаклашади. Зеро, “Комплекс ёндашув юксакроқ тарбиявий наф келтиради, тарбиявий жараённи оптималлаштиради, бир вақтнинг ўзида кўплаб вазифаларни ҳал этиш, биргина тарбиявий таъсирнинг ўзидан кенг кўламда натижаларга эга бўлиш имконини беради”.[2]

Тарбияга комплекс ёндашув ривожланган инсоният ҳамжамияти табиатига, ҳар тарафлама камол топган шахсни шакллантириш жараёнида ҳал этилаётган вазифаларнинг моҳиятига жуда мосдир.

Комплекс ёндашув – бу тарбия амалиётини такомиллаштиришнинг ва миллий тарбиянинг ҳозирги босқичига мос воситадир, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш соҳасидаги фаолиятнинг, жамият турмуш тарзи меъёр ва тамойилларини қарор топтиришнинг методологик базасидир.

Хуллас, комплекс ёндашиш тарбияни оптималлаштириш усули бўлиб майдонга чиқади. Ҳар қандай

[2] Ю.К.Бабанский, Г.А.Победносцев. Комплексный подход к воспитанию школьников. –М.: 1998. -С.5.

тизим каби комплекс ёндашиш уни ташкил этган элементларнинг бирлигини тақозо қилади. Бу биринчидан, тарбиявий таъсирмақсадлари ва йўналишларининг бирлиги; иккинчидан, ижтимоий турмушнинг техникавий-иқтисодий, ташкилий, мафкуравий ва бошқа омилларини ҳисобга олиш; учинчидан, тарбиянинг барча воситалари ишини режалаштириш ва мувофиқлаштиришни яхшилаш; тўртинчидан, турли бегона жамоаларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бутун аҳолига тарбиявий таъсир кўрсатиш; бешинчидан, тарбиявий куч-ғайратнинг натижадорлигини доимий равишда амалда текшириб туриш, ана шу асосда тарбия жараёнининг ўзини илмий методлардан фойдаланган ҳолда тузатиб бориш демакдир.

REFERENCES

1. В.Н.Кудрявцев. Социалистический аспект преступления. Вопросы с преступностью. вып. М.: 1973, -С.7.
2. Ю.К.Бабанский, Г.А.Победносцев. Комплексныий подход к воспитанию школьников. –М.: 1998. -С.5.
3. З.Исмаилова. Тарбиявий ишлар методикаси. Дарслик, -Т.: Истиқлол. 2003.
4. Р.А.Мавлонова, О.Т.Тўраев, О.Хасанбоева ва б. Педагогика. –Т.: Ўқитувчи. 1998.
5. Ж.Ғ.Йўлдошев, Ж.Фозилов, Р.Султонов, Ҳ.Саидов. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. –Т.: 2000.

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ МУОМАЛА МАДАНИЯТИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Бекзоджон Валижонович Хасонбоев
Чирчиқ олий танк қўмондонлик мухандислик билим юрти Гуманитар фанлар кафедраси педагогика ва психология цикл бошлиғи

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муомала маданияти психологик аспектда таҳлил қилинган. Унда Шарқ алломаларининг муомала маданияти борасидаги қарашлари, муомаланинг шахс ижтимоийлашувидаги ўрни, кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни маромга келтиришда муомаланинг аҳамияти каби масалалар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: муомала, ахлоқ, теранлик, ирода, идрок, нутқ.

КИРИШ

Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган буюк аждодларимиз психологик нуқтаи назардан муомала муаммоси билан бевосита шуғулланмаган бўлсаларда, бироқ шахслараро муносабатларда унинг ўрни, аҳамияти масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Бу борада улар устоз билан шогирд таълимий-тарбиявий муносабатларида муомаланинг аҳамияти, мароми, уларнинг ўзаро бир-бирларини тушуниш, инсонни инсон томонидан идрок қилиш, бу жараёнда нутқнинг етакчилиги, устуворлиги юзасидан бир қатор ибратли фикр-мулоҳазалар қолдирганлар. Бу аснода муаллимнинг шахсий фазилатлари, касбий маҳорати, донишмандлиги тўғрисида ҳикматли фикрларни, миллий ва умуминсоний ғояларни илгари сурганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Абу Насир Фаробийнинг ижтимоий турмушда эгаллаган ўрни, мавқеи, обрўси турли хусусиятли ахборот (маълумот) узатиш, ўзга (нотаниш) одамларга таъсир кўрсатиш (ўтказиш), инсон ҳолатига тўғри баҳо бера билиш, инсонни инсон томонидан идрок қилиш, вазиятлардан олиб чиқиш, имкониятни ташхислашга қобиллиги, шахснинг ўзига хослиги тўғрисида илмий-амалий фикрлар билдирган. Уларнинг таъкидлашича, муаллимнинг вазифаси доно давлат раҳбарининг вазифасига жуда ўхшаб кетади. Шу сабабдан бўлса керак, устоз кўрган ва эшитганларининг барчасини яхшилаб эсда сақлаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутққа (нотиқликка) эга бўлиши ва шогирдларига айтмоқчи бўлган фикрини тўла

ва аниқ ифодалай олиши зарур. Бу борада аллома муомаланинг таркибий қисмлари, тузилиши, воситалари, шакллари, кўринишларининг ижтимоий турмушда юксак аҳамиятини, ролини таъкидлайди. Фаробийнинг мулоҳазасича, устоз нафақат фан билан шуғулланиб қолмай, балки ўз билимларини шогирдларига етказиши, бундай машаққатли меҳнатдан чарчаш нималигини билмаслиги лозим. Устоз май истеъмол қилишдан ўзини тийиши, чин сўзли бўлиб ёлғонни ва ёлғон айтганни ёмон кўриши, фаҳмли бўлиши ва ўз ор-номусини қадрлаши, шогирдларига нисбатан адолатли бўлиши, кўзлаган мақсадига эришишда қатийлик (қатиятлилик) кўрсата билиши лозим.

Уларнинг мулоҳазасича, бундай инсон одамийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришади. Бундай киши ҳар қандай хатти-ҳаракатда хабардор бўлган ва интилишлар туфайли бахтга эриша оладиган одамлар. Мутафаккир устоз шахсига хос бўлган қатор фазилатларга холисона, оқилона шарҳ беришга эришган комил инсондир. Худди шу боисдан берилган (қолдирилган) шарҳлар, талқинлар, илмий иловалар ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Абу Али Ибн Синонинг уқтиришича, устоз матонатли, соф виждонли, ростгўй ва шогирдни тарбиялаш услубларини ҳамда қоидаларни яхши биладиган одам бўлмоғи шарт. Устоз шогирднинг бутун ички ва ташқи оламини ўрганиб, унинг ақл қатламларига кира билмоғи лозим. Унинг мулоҳазасича, шогирдга қаратилган ҳар бир сўзни устоз имо-ишоралар билан тўлдириб бормоғи жоиз. Таълимда ўқитиш шакллари ва усулларини тушунтириш борасидаги фикрлари ўз даври ўқитиш тизими учун юксак қийматга эга бўлган. Ибн Синонинг таърифлашича, устоз ўта билимдон инсондир. Устоз барча дунёвий билимдан, маънавият оламидан хабардор бўлмоғи керак, булар жумласига ҳисоб-китоб илми ҳамда яхшилик қилиш киради. Таъкидлаб ўтилган илмий категорияларни аниқлаштириш бўйича улар қуйидагича мулоҳаза юритади. Таълим жараёнида нимадир олинади; олинган нарса ҳамма вақт ҳам кўзга кўринавермайди, хусусан, яхши ном, хурсандчилик, соддалик кабилар. Алломанинг тахминича, қаерда алмашиниш мавжуд экан, шубҳа йўққи, ўша жойда ҳисоб-китоб ҳам мавжуддир. Оддий халқ тилида ҳисоб-китоб деганда, ўртоқлар ўртасидаги ўзаро фикр ва нарса алмашиниши тушунилади. Мақташ, рағбатлантириш алмашиниш сирасига кирмайди. Ақл-фаросатли одам ўзига ёққан ҳар қандай нарсани фойдали деб билади. Яхшилик мукофот ўрнини босолмаганидек, хулқ-атвор қаторига ҳам кира олмайди. Яхшилик асли беғаразликдан келиб чиқади. Унингча, устознинг барча ҳаракатлари фақат яхшиликдир.

Ибн Сино устознинг одамийлик, меҳрибонлик сингари характер хислатларига марказий категория сифатида алоҳида урғу беради. Билдирилган фикрлар бугунги кундаги маънавият моҳиятига ҳамоҳангдир.

Насриддин Тусий «Ҳарбийлар тарбияси ҳақида» деган рисоласида раҳбарнинг юксак инсоний фазилат (сифат)ларини чуқур шарҳлаб берган. Асарда илгари сурилган ажойиб ибротавуз ғоялар ичида раҳбар шахси олдига қўйиладиган талаблар муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, раҳбар мунозара асносида инкор қилиб бўлмайдиган даражада исбот келтира олишни, ўз фикрининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса тоза, жумлалари мантиқан ўзаро боғланган бўлиши лозим. Раҳбар соф виждонли, ростгўй, шошмасдан, ишонч билан қатъий гапирадиган, баъзан эса шароитдан келиб чиққан ҳолда мулойим сўзлайдиган бўлиши шарт. Тусий раҳбарнинг нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заҳарханда, қўпол ёки дағал бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди. Раҳбар ўз нутқида ашёвий далиллар, мақоллар, ота-боболаримиз, қадимги аждодларимиз фикридан мисоллар келтириши жоиз. Бу эса ҳар қандай ҳолатда ҳам фойдалидир. Алломанинг ўгит-насиҳатлари, таълимоти ҳозирги даврда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Умар Ҳайёмнинг асарларида ҳам устознинг ижтимоий турмушдаги ўрни, мавқеи, кишилар билан муомаласи, муносабати, характер хусусиятлари, умуминсоний фазилатлари ҳақидаги фикр мулоҳазалари муносиб аҳамият касб этади. Унинг таъкидлашича, шогирдлар билимларни фақат устознинг берган маълумотлари ва китоб ўқиш орқалигина эмас, балки ҳаётий ҳодисаларни бевосита ўрганиш жараёнида, кўникма ва малакаларини эса амалиётда, айнан бир хил ҳаракат ва амалларни кўп маротаба такрорлаш, турли услубларни қўллаш натижасида эгаллаб оладилар. Унингча, таълимнинг амалиёт билан узвий алоқаси билимларни мустақил ўзлаштириш имконини яратади. Умар Ҳайём шогирдларга руҳий таъсир ўтказиши, кўрсатма бериш орқали ижодий изланиш фаолиятини фаоллаштириш тарафдори эди. Унинг илмий фарази муомала сеҳри, фаолият самарадорлиги, устознинг одоби ва назокати, шогирдлар билан ҳамкорлиги таълим билан тарбия маҳсулдорлигини ошириш шарти эканлигида мужассамлашади.

Алишер Навоий ўзининг бир қатор асарларида устознинг қобилияти, унинг обрўси, одоби, муомала маданияти, мароми, илм булоғи эканлиги тўғрисида мулоҳаза юритади. Унинг таълимий-тарбиявий қарашларида одоб, ахлоқ, муомала, теранлик, ақл-фаросатлилик, ирода кучи, характер-ҳислатлари (поклик, самимийлик, масулиятлилик ва ҳ.қ.) марказий ўрин тутади. Шунинг учун ижодкорлар,

устозлар ижтимоий турмушнинг ҳар қайси жабҳасида истеъдодли бўлиш кераклигини таъкидлайди. Навоий устознинг муомаласи, ширинсўзлилиги, эътиборлилиги ҳар жиҳатдан ибрат ва намуна бўлишлиги таълим-тарбия гарови эканлигига фикран ишора қилади. Уларнинг асарларида нутқ маданияти, муомала мароми, устоз билан шогирд муносабати, устоз донишмандлиги, иқтидор эгаси эканлиги тўғрисидаги бой материаллар жой олган. Навоий томонидан яратилган маталлар, афоризмлар, ўзаро муносабат мувофиқлиги, шахслараро муомала сеҳри бўйича фикрлари инсон камолотида муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, улар шоирлар баҳси юзасидан мулоҳаза юритилганда ҳам муомаланинг коммуникатив, интерактив, персептив таркибларига аҳамият берган.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Устоз-шогирд муносабати, сабоқ бериш усуллари, ҳамкорликни ташкил этиш хусусиятлари, ақлий теранлик, фикрий мантиқийлик, ҳиссий сезгирлик, жумбоқлик топшириқлар аҳамияти ва уларни ечиш йўл-йўриқлари А.Навоий ижодиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу нарса унинг комил инсон назариясида, камолот (ҳам ақлий, ҳам шахсий) таълимотида илмий-назарий аҳамият касб этади.

Устоз ва шогирд ўртасидаги муносабат, муомала мароми тўғрисидаги мулоҳазалар “Авесто”, “Қобуснома”, “Ҳотамнома”, “Қутадғу билиг” (Юсуф Хос Хожиб) каби таълимий-тарбиявий хусусиятга эга бўлган дидактик асарларда ўзаро таъсир етиш ва ўтказишнинг психологик хусусиятлари, механизмлари ўз аксини топган. Санаб ўтилган асарларнинг барчаси муайян ижтимоий-психологик таълимотга асосланганлиги, одобнома, муомаланома қабилида бўлганлиги туфайли тарбиячи-мураббийнинг шахсий-характереологик, касбий сифатларини шакллантириш босқичлари, даражалари, меъёрлари чуқур баён қилинган, изоҳлаб берилган ва таҳлил этилган. Одамлар билан муомала қилиш услублари, ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи намоён этиш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи такомиллаштириш йўл ва воситалари юзасидан мулоҳазалар билдирилган.

Мамлакатимиз ижтимоий-тарихий тараққиётининг кейинги даврларида Аҳмад Дониш, Бедил, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби ўз замонасининг илғор намояндалари, маърифатпарварлари бир даврнинг ўзида ҳам тарғиботчи, яъни ўзгаларга ижтимоий таъсир ўтказувчи, ҳам муаллим бўлганликлари сабабли «устоз-шогирд» муносабатлари, маънавияти, муомаласи, юксак ҳис-

туйғулари, жамиятдаги ўрни, шахслараро алоқадаги мавқеи, хулқ-атвори олдига қатор жиддий, маъсулиятли талаблар қўядилар. Мазкур касбнинг эгаларида таъкидлаб ўтилган фазилатлар шаклланган бўлиши, фақат ана шундагина ахлоқ, одоб, муомала, интеллект даражалари бўйича жамият аъзолари ўртасида ибратли шахс сифатида гавдаланиши мумкин. Юқоридаги муаллифлар ижодида муайян умумийлик мавжуд бўлиб, у тараққиётнинг ҳаракатлантирувчиси ўқимишли, фидоий инсон, зиёли тарбиячи, ақл-заковатли кишилар еканлиги, ижтимоий онгнинг мезони сифатида қабул қилиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрлардир.

Мамалакатимиз тараққиётини навбатдаги босқичида XX аср бошларида илғор ижтимоий-маънавий оқимлари қаторида жадидчилик ҳаракати вужудга келди. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари Мунаввар Қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту ва бошқа ижодкорлар, маърифатпарварлар ўз асарларида маданият, маънавият, муомала, шахслараро муносабат, ҳазрати инсон, эркин фикрловчи шахс муаммоларини тадқиқ этишга, тавсифини беришга, изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Миллий истиқлол, миллий ватанпарварлик туйғулари, муомала мароми, ижтимоий хулқ-атвор, миллий онг, мустақил фикрлаш, жанговар сафарбарлик ҳисси сингари миллий ғоялар уларнинг ижод маҳсулларини ташкил этади. Миллат умуминсоний маънавият ҳамда қадриятларни егаллаш (ўзлаштириш) учун билим олиши, зеҳнини, ақл-заковатини ўстириши, ижтимоий турмушда, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўз ўрнини топиши лозим. Уларнинг умумий қарашларига биноан, маънавият, маърифат, шахслараро, миллатлараро алоқа, муносабат ва муомалани илғор услублар ёрдами билан мақсадга мувофиқ амалга ошишини таъминлайди, деган юксак ғоя ётади.

Абдулла Авлоний таълим тизимини, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, мустақил, ижодий фикрлашга ўргатувчи услублардан фойдаланиш, устознинг малакасини ошириш ва бўлғуси мутахассисларни касбий тайёрлаш муаммосига янгича ёндашган маърифатпарварлардан биридир. Устознинг шахсий фазилатлари, муомаласи, ахлоқи, одоби, билимдонлиги, теранлиги, тийраклиги, топқирлиги, фаросатлилиги, ақл-заковатлилиги, бардошлилиги, зукколиги, изланувчанлигини таълим-тарбия учун асосий манба эканлигини таъкидлаб ўтади. Таълим устоз билан шогирднинг ҳамкорлик фаолияти, фаолликка асосланувчи тўғри ва тескари алоқалар мажмуаси, шахсни камол топиш жараёни сифатида талқин қилинади. Уларнинг мулоҳазасига қараганда, ижодий изланиш, ўқиш ва ўқитишнинг янги шакли, услуби ҳамда

воситаларини қидириш устознинг энг муҳим хислатларидан бири бўлиши зарур. Устоз билан шогирднинг индивидуал фикр алмашиниши имкониятларни рўёбга чиқариш кафолати эканлиги уқтирилади. Авлоний таълимотида ҳамкорлик, муомала усулига ўргатиш устоз-шогирд муносабатини янги юксак даражага кўтаради. Унингча, муомала мулоқотнинг мажмуаси сифатида ҳурмат ва ўзаро ҳурмат туйғуларини рўёбга чиқариб, шахслараро муносабатлар самарадорлигини ошириш воситаси тарзида хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ўрта Осиё мутафаккирлари, мамлакатимиз маърифатпарварларининг бой илмий-назарий, амалий-тадбиқий, маданий-маърифий, маънавий- психологик меросига асосланиб, мамлакатимиз олий ҳарбий билим юртлари сержантлар тайёрлаш мактаблари раҳбар ва бошлиқлар фаолиятига мутахассисларни таёрлашда унумли фойдаланмоқдалар, офицер ва сержант кадрлар тайёрлашда алломалар таълимотини қўлламоқдалар, уларнинг меросини ўрганмоқдалар ва тарғибот қилмоқдалар.

REFERENCES

1. Abulxanova-Slavskaya K.A. Deyatelnost i psixologiya lichnosti. — M.: «Nauka», 1980.
2. Avloniy A. Turkiy guliston yoxud axloq.- T.: «Rahbar», 1992.
3. A’zamxo‘jaeva E.A. Muomala maromining yosh xususiyatlari va dinamikasi. Psixol. fanl. nomz .dis... –T.: «SHarq», 2002.
4. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человека знания.- М.: «Наука», 1977.
5. Антология педагогической мысли Узбекской ССР. (Под.Ред. С.Р.Раджапова, О.С. Аббасовой и др). – М.: «Педагогика», 1986.
6. A’zamxo‘jaeva E.A. Muomala maromining yosh xususiyatlari va dinamikasi. Psixol. fanl. nomz .dis... –T.: «SHarq», 2002.
7. Баратов Ш.Р. Социально – психологические и научно – практические основ создания психологической службы в Узбекистане. Автореф. дисс. докт. психол. наук.- Т.: «SHarq», 1998
8. Berdiev Ganji. Boshlang‘ich sinf harbiylarida shaxslararo munosabatlarning o‘ziga xos xususiyatlari. Psixol. fanl. nom. dissertatsiyasi.-T.: «Sharq», 2000.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА СИНФ РАҲБАРИНИНГ ТАРБИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Муҳсинжон Муқимжонович Отабоев
Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида синф раҳбарларининг тарбиявий ишларни ташкил қилиши, мазкур жараёнда қўлланиладиган механизмлар ва технологиялар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тарбия, тарбия технологиялари, тарбия механизмлари, тарбия омиллари, узлуксиз маънавий тарбия концепцияси.

КИРИШ

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамаси томонидан **“Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”** [1] нинг қабул қилиниши бу борада амалга оширилаётган ишларнинг юксак натижаси бўлди. Ушбу концепциянинг қабул қилиниши ва жорий қилиниши таълим тизимида, жумладан, мактабларда тарбиявий ишларни тўғри ва мазмунли ташкил қилинишига асос бўлди. Концепция тарбиянинг муҳим босқичлари ва тамойиллари аниқ кўрсатилиб ўтилганлги билан аҳамиятга моликдир. Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган

4-устувор йўналишида мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланган [2].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бизнингча, таълим тизимида тарбиявий ишларни ташкил қилишда қуйидаги муҳим вазифалар мавжуд:

✓ ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини ва ўз ватанига нисбатан дахлдорлик туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш;

✓ миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш;

✓ демократик жамият қуриш жараёнида, янгиланаётган “Янги Ўзбекистон” шароитида амалга оширилаётган туб ислоҳатлар моҳияти билан таништириб бориш;

✓ ўз қобилиятлари ва қизиқишлари асосида маълум бир касбга йўналтириш, юксак мақсадли, билимли ва маърифатли бўлишга жалб қилиш;

✓ зарарли ёт ғояларга кўр-кўрона эргашиб кетмасликнинг олдини олиш мақсадида мустақил фикр юритишга ўргатиш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

✓ жамиятимизда мавжуд ахлоқий нормаларга онгли равишда риоя қилишларини таъминлаш;

✓ мамлакатимизда амалда бўлган қонунчилик нормаларига риоя қилишлари, ўз ҳуқуқлари каби ўзгалар ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари руҳида тарбиялаш, фаол фуқаролик позицияларини шакллантириш ва ҳоказо.

Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишда қуйидаги 3 та гуруҳни ажратиш мумкин.

1. Синф раҳбарининг ўқувчига бевосита таъсири:

- ривожланишининг индивидуал хусусиятларини, унинг муҳитини, қизиқишларини ўрганиш;
- тарбиявий таъсирини дастурлаш;
- ўқувчилар билан индивидуал ишлаш усуллари ва шакллари комплексини амалга ошириш;
- тарбиявий таъсирлар самарадорлигини таҳлил қилиш.

2. Тарбиявий муҳитни яратиш:

- синф жамоаси билан ишлаш;
- қулай ҳиссий муҳитни шакллантириш;
- ўқувчиларни турли ижтимоий тадбирларга жалб қилиш;
- болаларнинг ўзини ўзи бошқаришини ривожлантириш.

3. Бола ижтимоий муносабатларида турли субъектларининг таъсирини тўғрилаш:

- оилага ижтимоий ёрдам;
- ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- оммавий ахборот воситалари таъсирини тўғрилаш;
- жамиятнинг салбий таъсирини зарарсизлантириш;
- бошқа таълим муассасалари билан ўзаро муносабатлар олиб бориш.



1- расм. Синф раҳбарининг педагогик тайёрлигини таъминлаш ва фаолиятини ривожлантириш механизми

Педагогик назария ва амалиётда тарбиявий ишларнинг кўп шакллари яратилган, улар ниҳоятда кўп ва хилма-хил. Ҳар бир шакл бошқасини такрорламайди, фақат унга ўхшаш

бўлиши мумкин. Тарбиявий иш шаклларининг бошқасидан нимаси ажратиб туришини, яъни шаклнинг хусусиятларини аниқлаш керак. Э.В.Титова тарбиявий иш шаклларининг учта асосий турини таснифлайди: тадбирлар, амаллар, ўйинлар [3].

Ушбу шакллар мақсад йўналиши, иштирокчиларнинг позицияси бўйича бир-биридан фарқланишини изоҳлайди.

Тадбирлар - бу ўқитувчилар ёки бошқа таълим субъекти томонидан ўқувчиларга тўғридан-тўғри таълим бериш мақсадида ташкил этилади. У ушбу турдаги шаклнинг ўзига хос хусусияти, биринчи навбатда, болаларнинг мулоҳазали ва бажарувчи позицияси ва катталарнинг ташкилий роли ҳисобланади.

Рус тадқиқотчиси Э.В.Титова томонидан тарбиявий иш шакллари иккинчи гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари “амаллар” деб номланган. Амаллар - бу умумий иш, жамоа аъзолари томонидан кимнидир, шу жумладан, ўз манфаати ва қувончи учун ўтказиладиган ва уюштириладиган муҳим тадбирлар. М.П.Нечаев тарбия сифатини баҳолашни 2 та йўналишда амалга ошириш таклифини билдиради:

- танланган самарали воситалар, натижаларнинг мақсадга мос келиши (мувофиқлиги);
- фаолиятида қўйилган мақсадлар, танланган усуллар, фаолиятидаги психологик ва бошқа шарт-шароитлар [4].

Тарбия шаклларни фаолият турлари бўйича - таълим, меҳнат, спорт, бадиий, эстетик каби фаолият шаклларига ажратиш мумкин (**2-расм).**

2-расм. Синф раҳбарининг тарбияловчи сифатида таъсир қилиш услуби

Бунда тўғридан-тўғри услуби бевосита синф раҳбарининг тўғридан-тўғри таъсирига асосланган. Воситачилик эса фан ўқитувчилари, қўшимча таълим ўқитувчилари ва бошқа таълим субъектлари орқали амалга оширилади.

Тарбиявий ишларнинг энг кенг тарқалган шаклларидан бири индивидуал шакл бўлиб, бунга барча дарсдан ташқари машғулотлар, ўқитувчилар ва болалар ўртасидаги суҳбатлар,

маслаҳатлар бериш, фикр алмашиш (бу алоқа шакллари), биргаликдаги топшириқни бажариш, муайян ишда индивидуал ёрдам кўрсатиш, муаммонинг ечимини биргаликда излаш кабилар киради. Ушбу шакллар кўпинча бир-бирига ҳамроҳ бўлади. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бор, аммо тарбияловчилар олдидаги энг муҳим вазифа ўқувчиларни жамият талабларига мос равишда истеъдодларини руёбга чиқишига, ўзлигини англашига, маънан, жисмонан етук инсон сифатида тарбиялашга йўналтирилган. Уларнинг ҳар бири турли йўллар билан ўзаро муносабатда бўлиши керак, ҳар бирига ўзига хос, индивидуал муносабатлар услуби керак. Тарбиявий ишнинг индивидуал шакллари катта таълим имкониятларига эга. Самимий суҳбат бола учун бир нечта жамоавий ҳаракатлардан кўра фойдали бўлиши мумкинлигини педагог-психологлар тажрибаларида тасдиқлаганлар.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Тарбиявий иш шаклларининг бир туридан иккинчисига ўзаро ўтиш ҳолати ҳам мавжуд. Масалан, кўпинча болалар томонидан ташкиллаштирилган ва амалга оширилган экскурсия ёки мусобақа жамоавий ижодий уринишга айланиши мумкин. Тарбиявий ишнинг энг муҳим шаклларидан бири тарбиявий дарс соати бўлиб, мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий муносабатлар тизимининг шаклланишига ҳисса қўшадиган уюшган фаолият ҳисобланади. Машҳур рус педагоги Н.Е.Щуркова синф тарбивий соатининг қуйидаги таълим функцияларини кўрсатади: [5]

- тарбиявий;
- йўналтирувчи;
- йўналтирувчи ва шакллантирувчи.

Бунда синф раҳбари болаларни тарбиялайди, йўналтиради ва уларда маълум бир билим ва кўникмаларни шакллантиради. Бу жараёнда тарбиявий жараённи ташкил қилишда вақтни тўғри тақсимлай олиш муҳим.

Синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш ишлари, асосан, 2 та йўналишда олиб борилади (3-расм).



3-расм. Синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш йўналишлари

Тарбиявий иш бу таълим муассасасининг барча педагоглари зиммасидаги вазифа ҳисобланади. Шу ўринда синф раҳбари ўзига бириктирилган синфда дарс берувчи ўқитувчиларнинг тарбиявий ишларини мувофиқлаштиради ва бошқаради. Буни синф раҳбарининг ҳар бир ўқувчи оилавий шароити, қизиқишлари, руҳий ҳолати (ташвишлари, муаммолари) билан бевосита таниш бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Педагогикада **“тарбия технологияси”** тушунчасининг умумий қабул қилинган таърифи йўқ.

Тарбия технологияси - бу тарбиявий (ўқув) жараёни иштирокчиларининг мақсадли биргаликдаги ҳаракатларининг алгоритми (кетма-кетлиги) бўлиб, бу кутилган натижага эришишни таъминлайди.

Тарбия технологияларининг асосий хусусиятлари: изчиллик; контсептуаллик; илмий табиат; қонунга мувофиқлик; кафолатланган натижалар; алгоритмлилик; оптималлик; тарбиячи ва бола учун қулайлик ва бошқалар.

Инсонпарварлик тамойилини амалга ошириш фақат ижтимоий муҳитнинг турли таъсирини ҳисобга олган ҳолда бўлиши мумкин.

Инсонпарварлик тамойилини амалга ошириш шартлари:

- таълим вазифалари билан демократик жамиятнинг ижтимоий ривожланиш вазифалари ўртасидаги боғлиқлик;
- боланинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий институтларнинг ўзаро таъсирини мувофиқлаштириш;
- болаларга ижтимоий-педагогик ёрдам комплексини кўрсатиш;
- педагогик жараённи жамиятнинг реал имкониятларига йўналтириш;
- экологик ижтимоий муҳитнинг турли омилларини ҳисобга олиш (миллий, минтақавий, турар -жой тури, таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар);
- ўқувчиларнинг оммавий ахборот воситаларидан, интернет тизимидан қабул қилинган турли хил ахборотларни тузатиш.

Синф раҳбарларининг тарбияси, уларнинг умумий маданият даражасини баҳолашда болаларнинг одоб-ахлоқи, интеллектуал, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбияси ва меҳнат фазилатларининг шаклланиши ўрганилиши лозим.

Улар фаолиятидаги ютуқлар миқдорий ўлчов билан эмас, балки сифат ўзгаришлари билан баҳоланиши керак. Шундагина улар фаолиятини тўғри баҳолаш асосида фаолиятида ижодий, масъулиятли ёндашувни юзага келтириш мумкин бўлади. Синф раҳбари шахсининг ижодий салоҳияти шаклланиши янги ғоялар, асл ечимларни, инновацион шакл ва усулларни қўллаш асосида касбий вазифаларининг

бажарилишини яхшилаш, юзага келадиган вазиятларни чуқур таҳлил қилиш ва моҳиятини англашга асосланган муаммолар ижодий тасаввур ва фикрлаш тажрибаси орқали уни ҳал қилишнинг янги, ўзига хос усулларини топа олиш имкониятини беради.

ХУЛОСА

Умуман, ушбу кичик тадқиқот натижасида, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

умумий ўрта таълим сифат самарадорлигини таъминлашда таълим субъектларининг куч ва салоҳиятини бирлаштириш, улар фаолиятини мақсадли, тўғри йўналтириш таълим тизимига кластер ёндашувини татбиқ этишни тақозо қилади;

таълим сифатини таъминлашда таълим субъектлари фаолиятидаги натижа сифати жараён ва шароит сифатининг таъминланишига тўғри пропорционалдир;

таълим муассасаларининг тарбия сифатини баҳолашда миқдор ўзгаришлари эмас, балки сифат ўзгаришларининг устувор эканлиги инобатга олинмай келинмоқда ва бу тарбия сифатини баҳолаш мезонларининг қайта ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади;

таълим сифатини яхшилашда ота-оналарнинг ролини ошириш уларнинг ижтимоий-педагогик ролини ўзлаштириш даражасини яхшилаш билан бевосита боғлиқ.

REFERENCES

1. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси.Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31-декабрдаги 1059 қарорига 1-илова.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.– Б.39.
3. Титова Е. В. Если знать, как действовать. — М.: Просвещение, 1993. - С. 105-110.
4. Нечаев М.П. Оценка качества воспитания в условиях реализации ФГОС. Методическое пособие. – М.: УЦ «ПЕРСПЕКТИВА», 2014. – 126 с.
5. Щуркова, Н. Е. Новое воспитание в новой школе [Текст] / Н. Е. Щуркова, М. И. Мухин, А. В. Желаннова. - Москва : АРКТИ, 2012. -С-332

БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲИТГА МОСЛАШУВИДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Хурвалиева Тармиза Латиповна
Чирчиқ давлат педагогика университети Мактабгача таълим факультети, педагогика фанлари (DSc) доктори, доцент

АННОТАЦИЯ

Мақолада психологик ҳимояланиш шахснинг муқим барқарор ривожланиш тизими эканлиги асосланган. Болаларда қўрқув ҳисси, хавотир ва низоларни онгли равишда бартараф қилишга қаратилган психологик ҳимояланиш юзасидан маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: шахс, ижтимоийлашув, ҳимояланиш, “Мен” образи, мулоқотчанлик, механизм, ҳиссиёт, эгоистик, зўриқиш, диққат, ҳаракатли ўйин.

PROBLEMS OF PSYCHOLOGICAL PROTECTION IN THE ADAPTATION OF CHILDREN TO THE SOCIAL ENVIRONMENT

The article analyzes the features of mental development of preschool children. It is also based on data on the impact of the environment on child development in preparation for school education.

Keywords: Personality, socialization, protection, self-image, sociability, mechanism, emotion, selfishness, tension, attention, game-action.

КИРИШ

Шахснинг ижтимоийлашуви -бу маълум жамиятга мос билимлар, қадриятлар, меъёрлар, хатти-ҳаракатлар тизимидан иборат ижтимоий ҳаётга кириша бориш жараёнидир. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоийлашуви жараёни мураккаброқ бўлиши мумкин. Чунки бола ўз атрофидаги кишиларнинг таъсирига кўра ижтимоий ҳаётга мослаша бошлайди. Болада ижтимоий ҳаёт ва мактаб таълимига мослашишида турли хил вазиятлардаги зўриқишлар, ҳудди катталардай низоли вазиятдан чиқишга интилишлари психологик ҳимояланишга мойилликни юзага келтиради. Психологик ҳимояланиш-шахснинг муқим барқарор ривожланиш тизими бўлиб, у қўрқув ҳисси, хавотир ва низоларни онгли равишда бартараф қилишга йўналтирилганликдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Психологик ҳимояланишнинг асосий вазифаси-ижобий “Мен” образини шакллантириш, турли хил ташқи ҳолатлардаги вазиятларни бола онгига таъсир қилинишидан сақланиш, ҳавотирланишни сусайиши ва ўз-ўзини баҳолашни юқори бўлиши билан чегараланади. Психологик адабиётларда ижобий “МЕН” образи тўртта таркибга бўлинади. Яъни:

1. МЕН- ҳимояланган, хавфсиз, соғлом, омадли.
2. МЕН- мустақил, эркин, бўйсунмас, тобе эмас, ўзгалардан нимаси биландир устунроқ.
3. МЕН-ақлли, билағон, мослашувчан, вазиятни назорат қилувчи.
4. МЕН-чиройли, таъсирчан, севимли, такрорланмас, бошқаларга ўхшамас, ноёб.

Ижобий “МЕН” болада ўзини эркин ифодалашдаги шахсий тажрибасида намоён бўлиб, психологик ҳимоя механизмини яратади. Ўзини эркин ифодалаш истаги болада илк ёш давридаёқ турли тўсиқларга дуч келиб, у бу вақтда уларнинг ечимини топа олмайди. Айниқса катталар томонидан бола фаолиятини кўплаб танқид қилиниши бунга сабаб бўлади. Болага катталар томонидан ўтказилаётган турли хил таъсирлар унинг табиий ривожланишига тўсиқ бўлади бу эса психологик ҳимояланишни юзага келишга олиб келади. Ҳимояланиш механизмлари қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: таъсирчанлик ва ўз-ўзига таъсир, мулоқотчанлик, барчанинг диққат марказида бўлишга интилиш, кучли ҳиссиётларга бойлиги, мақтанчоқлик, ўзига нисбатан танқидни қабул қилмаслик. Салбий хулқ-атворнинг пайдо бўлиш сабаблари эса ёлғончилик, баҳона излашга мойиллик, ўйламасдан иш тутиш, ўзини салбий ҳаракатларини ошкора кўрсатиш кабиларда кўрина бошлайди.

Психологик ҳимоя механизмининг мураккаблиги шундаки, болада жавобгарлик ҳисси сусаяди, мағрурлик, эгоистлик, қасд олишга интилиш, тез ҳафа бўлиш, қайсарлик, камгаплик, пессимистлик, индамаслик каби салбий сифатлар ҳам юзага келиши мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бола ҳимояланиш реакциясининг шаклланишида ота-оналарнинг таъсири юқоридир. Ота-онанинг нотўғри мулоқоти гоҳида болада тушкинлик кайфиятини юзага келтиради. Шунинг учун бола ўзи учун махсус ҳимоя механизмини ишлаб чиқишга мажбур бўлиб, ота-онанинг таҳдид таъсиридан ҳимояланади. Масалан: зулмкор ота таъсирида яшаётган бола ўзини ҳиссий реакциясини

ривожлантириб, итоаткорлиги билан ҳимояланади, унинг барча топшириқларини сўзсиз бажариб, ўзининг “МЕН” ҳимоя механизмидан ташқарига чиқиб кетади. Ёки вазият бошқача тус олиши мумкин. Худди шу ҳолатда бола “МЕН” ҳимоясига ўтиб, ўзини ҳимоя қила бошлайди. Мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнининг тўғри йўлга қўйилганлиги юқоридаги муаммоларни олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши лозим. Шу билан биргаликда катталар томонидан кўрсатилаётган ёрдам бола психологик ҳимоясининг асосий бўғини бўлиб қолади.

Юқоридаги ҳолатлар боланинг соғлигига ва унинг тўлақонли ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Хўш шундай экан, боланинг психологик соғлигини ҳимоя қилишнинг қандай усул ва воситалардан фойдаланиш зарур. Яъни боланинг онги ва руҳий ички кечинмаларига салбий таъсир этувчи жараёнлар ечимини қандай топиш мумкин. Ҳар куни бола ҳаётида турли хил вазият ва муаммолар учрайди. Баъзан болага боғлиқ бўлиб, руҳиятидаги бир хиллик, ички ва шахслараро низоларни бартараф этилишига сабаб бўлади. Болаларга катталарга нисбатан бир мунча мураккаброқ чунки улар уч “**Олам**”да яшайдилар.

1. **“Тасаввур”** оламида бола нима бўлса, уни шундайлигича ўзи ўйлаганидек қабул қилади.

2. **“Болалар жамоаси”** оламида бола тасаввуридаги олам бошқачароқ тарзда бўлиб, уйда ва кўчадаги ҳолатлар болалар жамоаси ичида тўғри келмай қолиши мумкин.

3. **“Катталар”** оламида болалар ўзларини катталар олдида худди кичкина одамчалардек ҳис қиладилар.

Бола ўз ҳатти-ҳаракатлари ечимини топишда ўзи сезмаган ҳолатда муаммоли вазиятга тушиб қолиши мумкин. Болага ўз ички имкониятларидан фойдаланишига ёрдам бериш керак. Яъни, психологик ҳимояланишни турли шакллари, зўриқишни сусайтириш ва болага осойишталик яратиш шунингдек, психик соғликни сақланиши ҳақида ҳам қайғуриш даркор.

Психологик ҳимоя ўзига хос фильтр–тозаловчи сифатда намоён бўлиб, у бола онгига фақат салбий таъсир қилмайдиган маълумотларни етказиб беради. Психологик ҳимоя механизмида бола ўзи ва ўзгалар ҳаракати қандай бўлиши лозимлигини онгли равишда фикрлай олади. Ҳаёт тажрибасининг етишмаслиги боланинг руҳий жароҳат олишига сабаб бўлиши мумкин. Буларга катталарнинг бола меҳнатига бефарқлиги, болага ёққан нарсалар катталарга яъни ота-онаси ёки тарбиячисига ёқмаслиги айниқса уларга ***“Сендан бу иш***

чиқмайди" деб танбеҳ беришларини мисол қилиш мумкин. Бу бола қалбини жароҳатлайди ва уни омадсизликка олдиндан "дастурлаб" қўяди. У ўзини ҳеч нимани эплай олмайдиган, нўноқ ҳис қилади ва келажакда ташаббус кўрсатишга қўрқадиган бўлиб қолади. Бу болани ўзига бўлган ишончини сусайтиради. Шунингдек, болани бошқа болаларга таққослаб камситилиши; болага ота-онанинг вақт ажратмаслиги; онаси билан психик боғликликни йўқлигини мисол қилиш мумкин. Булар бола организми ва уни руҳиятига таъсир ўтказувчи салбий оқибатлардир. Аксинча, ота-оналар, тарбиячилар болаларнинг ўзига бўлган ишончини юксалтириши керак. Психологик ҳимоя шахсий "МЕН" ни ҳимоясида туради. Бола маълумки, доимо ўзининг юриш-туриши, сўзлари, ҳиссиёти, эҳтиёжи, ижодини, рағбатлантиришларини ёқтиради.

Бола "МЕН"ини ҳимоя қилиш учун турли вазиятларда ўзини назоратдан ва танқиддан сақлаш усулларидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилади [3]. Психик ҳимояланишнинг турли шакллари ёки усулларидан фойдаланишга мажбур бўлади. Болалар психик ҳимояланиш муаммоларини таниқли психолог олимлар Р.Грановский, Л.Гребенникова, Б.Зейгарник, Е. Романова ва бошқалар ўрганиб, психик ҳимояланиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиққанлар. Мактабгача ёшдаги болаларни ҳимоя реакцияларини онгли равишда шакллантириш учун машғулотларнинг мақсад ва мазмунини асосан психик ҳимоя механизмига йўналтириш керак. Бунда асосан руҳий зарар етказувчи омилларни камайтириб, ўзига баҳо беришни юқори даражада бўлишига, боланинг муваффақиятсиз ҳаракатларини камайтиришга эътибор қаратиш лозим.

Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган машғулотлар тузилиши қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Муаммоли вазиятни яратиш ва муҳокама қилиш.
2. Болалар қизиқтирган мавзулар бўйича улар билан дўстона суҳбат ўтказиш.
3. Ўз муаммоларини расм орқали ифодалаш.
4. Ҳаракатли ўйинлар, релаксация машқлари, фаол ҳаракатлар орқали болаларда ирода ҳулқини шакллантириш ва бу орқали ўзаро ёрдам кўникмаларига ўргатиш.
5. Машғулотлар 30 дақиқа давомида олиб борилиши зарур.

Қуйида бундай машғулотлардан намуналар келтирамиз.

Болалар ҳиссиёти ва ҳаракатларига доир машғулотлар.

Машғулотнинг мақсади:

- Болаларда психологик химоя механизмини аниқлаш;
- Улардаги ҳиссий зўриқишни сусайтиришга ўргатиш;
- Ноўрин ҳаракатларни онгли равишда тушинишларини таъминлаш.

Машғулотнинг бориши:

1. Муаммоли вазият: Пўлат ўртоқларига пластилиндан ясалган икки хил шаклни олиб келади. Бу шаклларни ўртоғи Ботир ясаганини айтиб, болалардан бу шакллар ким ёки нима эканлигини топишларини сўрайди. Болаларнинг барча жавоблари диққат билан тинглаб борилади.

Муаммоли вазиятни ҳамкорликда муҳокама қилиш:

- Ботир шакллардан кимни ясаган?
- Болалар нима учун бу шаклларни масхарабоз деб аташди? (чунки ясалган нарса кулгили эди)
- Ясалган нарса ўхшамагандан кейин Ботир нималарни ҳис қилди? (ҳаяжон, қайғу, ачиниш).

Вазият шу тариқа давом этади. Болалар ўзлари ясаган нарсалар ва расмларни эсга олиб, бу вазиятлардаги ҳис-туйғуларини ифодалай бошлайдилар. Тарбиячи болалар жавобларини умумлаштириб, ҳар бир инсон камчиликка йўл қўйиши аммо уни онгли равишда сезиб, тўғрилаш учун ҳаракат қилишларини тушунтириб беради ва доимо камчиликларни бартараф этишда бошқаларга зарар етказмасликларини таъкидлайди.

Болаларга машғулот давомида қуйидаги маслаҳатларни бериб бориш мумкин:

- Агар сен ноўрин ҳаракат қилиб, айб иш қилган бўлсанг, ундан ўзинг ҳам уялаётган бўлсанг, бундай вазиятда энг яхши йўл ўз айбингни тан олиб, кечирим сўрашдир. Шунда яқинларинг ва дўстларинг сени кечиришади.
- Ўзингни тинчлантириш учун эса қулайроқ ўтириб, кўзларни юмган ҳолда оҳиста нафас олишдир. Бунда нафас олганда 5 гача, нафас чиқарганда эса 7 гача санаш тавсия этилади. Бу жараёнда бола психик механизмининг ҳимояланиши тезлашади [1; 37].

ХУЛОСА

Катталар ва тарбиячилар боланинг ҳаёт йўлидаги ҳар бир ҳаракатини доимо рағбатлантириб уларнинг ўзига бўлган ишончини юксалтириши лозим.

Боланинг психик ҳимояланиши ўз “МЕН”лигини қабул қилиш ва буни бошқалар ҳам қабул қилишларига эришишидир. Лекин бола баъзан ўзини ўзлигидан ҳам ортиқроқ даражадаман деб ўйлаб, танқидга эътибор бермайди, йўқ нарсаларни ҳам худди

хаёлидаги “МЕН” каби ҳимоя қилаверади. Психик ҳимояланиш боланинг тўлақонли шахс бўлиб шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Болалар ўзларининг ҳимоя воситалари билан бир-бириларидан фарқланадилар: иродали болаларда бу нарса уларнинг мулоҳазакорлиги, доимий ижобий ҳаракатдаги фаолиятлари билан намоён бўлади, ўзига ишончи суст бўлган болалар эса бефарқлилиги ва бепарволиги билан ажралиб туради.

REFERENCES

1. Авдеева Ю.В. Коммуникативное развитие детей 5-7 лет.М.: Сфера, 2012-64 с.
2. Васильева М.А., Гербова В.В., Комарова Т.С. Программа воспитания и обучения в детском саду. М.: Мозаика-Синтез, 2005. – 208 с.
3. Давлетшин. М.Г., Ш.Дўстмуҳамедова ва бошқ. Ёш даврлари ва педагогик психология.Ўқув методик қўлланма.-Т.: 2004-129 б.
4. Хурвалиева, Тармиза Латиповна. "МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АТРОФ ОЛАМ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ." Academic research in educational sciences 3 (2020): 931-936.
5. Хурвалиева, Т. Л. (2021). МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АТРОФ ОЛАМ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МАЗМУНИ ВА КОМПОНЕНТЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2(3), 205-210.
6. Хурвалиева Т.Л Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш моделининг инновацион тузилмаси ва мазмуни. Муғаллим ҳәм үзлуксиз билимлендириў илимий-методикалық журнали. Нукус.2022.№1. 133-137 бетлар.
7. Хурвалиева Т.Л. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришнинг методик жиҳатлари. Ўзбекистон Миллий университети хабарлари.Тошкент.2022.№2.[1/2/1]. 263-266 бетлар
8. Хурвалиева Т.Л. Use of integrated tasks in preparation of preschool children on environment. International journal of innovative research in Sciense, Enjeenering, and texnology, India. 2022.№3. 2331-2334 v.
9. Хурвалиева Т.Л. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш тамойиллари ва самарали йўллари. Ta’lim, fan va innovatsiya. Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал. Тошкент. 2022 йил№3. 12-18 бетлар.

10. Хурвалиева, Т. Л. (2022). Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда атроф оламнинг таъсири. Academic research in educational sciences, 3(6), 290-294.
11. Хурвалиева Т.Л Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш тамойиллари ва самарали йўллари. Таълим фан ва инновация. Маънавий –маърифий, илмий-услубий журнал. Т.2022 №1-сон. 12-17 бетлар.
12. Latipovna, K. T., & Abdurashidovna, M. D. (2022). WAYS OF INTRODUCING PRE-SCHOOL CHILDREN WITH ENVIRONMENTS. British View, 7(2).
13. Khurvalieva, T. L., Nosirova, R. K., Khamidovna, N., & Maripova, M. J. A. (2022). POSSIBILITIES OF USING ART THERAPY IN PRESCHOOL EDUCATION. Ann. For. Res, 65(1), 5842-5848.
14. Хурвалиева, Т. Л. (2019). Мактабгача ешдаги болаларнинг психик ривожланишига оид назариялар. Современное образование (Узбекистан), (7 (80)), 23-30.
15. Хурвалиева, Т. Л. (2022). МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА СЕНЗИТИВ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ: https://doi. org/10.53885/edinres. 2022.9. 09.039 Хурвалиева Тармиза Латиповна Чирчиқ давлат педагогика университети, педагогика фанлари доктори (DSc), доцент Xolmatova Salima Qo'ziboevna Чирчиқ давлат педагогика университети "Болалар спорти" кафедраси ўқитувчиси. Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (9), 292-297.
16. Хурвалиева, Т. Л. (2022). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI ATROF OLAM BILAN TANISHTIRISHDA MILLIY VA XORIJIY TAJRIBALAR: Xurvalieva Tarmiza Latipovna, Pedagogika fanlari doktori (DSc), Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta'lim metodikasi kafedrasi dotsenti, Teshabaeva Zamira Sobirovna, Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta'lim metodikasi kafedrasi katta oqituvchisi. Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (7).

FAN-TA’LIM-ISHLAB CHIQARISHDA INTEGRATSIYON YONDASHUV

Avazbek Abdurashid o‘g‘li Yo‘ldoshev
Chirchiq davlat pedagogika universiteti Gumanitar fanlar fakulteti, Milliy g‘oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi kafedrasi magistranti
avazbekabdurashidov96@gmail.com

ANNOTATSIYA

Fan-ta’lim-ishlab chiqarishni integratsiya qilishda uchrayotgan muammolarni bartaraf qilish va integrasiyalash jarayoni yakunida ko‘zda tutilgan istiqbollar haqida mulohaza qilinadi.

Kalit so’zlar: integratsiya, inovatsiyon texnalogiyalar, Ilm-fan, texnologik va korporativ pozitsiyalar, integratsion ta’lim klasteri.

KIRISH

Hozirgi vaqtda yurtimiz iqtisodiyoti va uning ishlab chiqarish salohiyati jahon talablariga mos ravishda shakillanib bormoqda. Iqtisodiyot tarmoqlarini o‘zaro integratsiyalash jahon talablariga mos ravishda faoliyat yurishning asosi hisoblanadi.

Nafaqat iqtisodiy sohani balki ilm-fan va ta’limni ham bevosita iqtisodiyotimiz ishlab chiqarish salohiyatimiz bilan bog‘liq holatda amalga oshirish uni jahon talablarga mos ravishda shakilantrish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Hozirgi kunda integratsiya atamasi jahonda turli sohalarni, masalan, ijtimoiy, mintaqaviy, iqtisodiy, diniy, irqiy, tashkiliy integratsiya kabi sohalarni qamrab oladigan ijtimoiy tushuncha sifatida ishlatilinmoqda.

So’ngi vaqtlarda ta’lim tizimida olib borilayotgan islohotlar provard natijasi ong-tafakkuri ozod inson shaxsini tarbiyalash ekan bu o’z o’zidan integratsion ta’lim klasterlari tuzishni taqazo etadi. Shu o’rinda yuqoridagi barcha jarayonlarni tahlil qilgan holatda maqolada fan-ta’lim-ishlab chiqarish integratsiyasi va istqbollari haqida fikir yuritamiz. Quyida:

- Integratsiya o’zi nima?
- Ta’lim tizimidagi ahamiyati nimada?
- Ilm-fan, ta’lim va ishlab chiqarishda integratsiya qanday amalga oshiriladi? Kabi savollarga javob olishingiz mumkin.

ADABIYOTLAR TAHLILI

Integratsiya lotincha integratio – tiklash, to‘ldirish hamda integer – butun so’zlaridan kelib chiqqan bo’lib, qismlarni bir

butunga aylantirish uchun ularni birlashtirish, qo'shish yoki bir-biriga almashtirish harakatidir[1].

Ta’limda integratsion yondashuvning zarurati: O’zbekiston Respublikasini rivojlantirish to’g’risidagi Harakatlar strategiyasining “Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo’nalishlari” deb nomlangan 4-qismini 4.1. bandida yaqin besh yilda aholini ish bilan bandligi va real daromadlarini izchil oshirish, buning uchun esa “yangi ish o’rinlarini yaratish hamda aholining, eng avvalo, o’rta maxsus va oliy o’quv yurtlari bitiruvchilari bandligini ta’minlash”[2] kabi vazifalar belgilab qo’yilgan edi.

Sh.M.Mirziyoyevning “YANGI O‘ZBEKISTON STRATEGIYASI” nomli asarida sifatli ta’lim - inson kapitalini rivojlantirishning xal qiluvchi omili to‘g‘risida gapirib, bunda uzluksiz ta’lim tizimi uchun milliy o‘quv dasturini joriy etish, ta’lim sifatini oshirish va raqobatbardosh kadrlar tayyorlash masalalariga alohida e’tibor berib o‘tgan[3]. Bu masalalarni bugungi mehnat bozori tamoyillari asosida hal etishda “fan-ta’lim-ishlab chiqarish” innovasion hamkorligini amalga oshirish muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Xususan, davlatimiz rahbari Sh.Mirziyoyev raisligida joriy yilning 16 iyun kuni oliy ta’lim tizimidagi ustuvor vazifalarga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilishida 4 ta ustuvor vazifani ko‘rsatib o‘tdi:

Birinchisi – oliy ta’lim muassasalari boshqaruv kengashlarining rolini oshirish va kafedralar vakolatlarini kengaytirish.

Ikkinchisi – o‘quv jarayonini bozor talablariga moslashtirib, ishlab chiqarish bilan uzviyligini ta’minlash va talabaning o‘z ustida ishlashi uchun muhit yaratish.

Uchinchisi – oliy ta’lim muassasalarining ilmiy salohiyatini oshirish, ilm-fan va innovatsiyani rivojlantirish.

To‘rtinchisi – professor-o‘qituvchilar va talabalar uchun qog‘ozbozlikni kamaytirish, sohani raqamlashtirish orqali byurokratiya va korrupsiyani keskin qisqartirish. Bu vazifalarni samarali bajarish uchun oliy ta’lim muassasalariga akademik va tashkiliy-boshqaruv bo‘yicha mustaqil qaror qabul qilish vakolati berilishi ta’kidlandi va amalyotga tadbiq etilmoqda.

Shuningdek, integratsiyalashgan ta'lim-tarbiya, fanlararo aloqalaming ayrim jihatlari mashhur pedagoglaming (Y. Komenskiy, O. Lokk, I. Gerbart, M. Pestalossi, K. Ushinskiy va boshq.), didaktiklarning (Zverev, MA Oanilov, V.N. Maksimova, S.P. Baranova, M.N. Skatkin va boshq.), psixolog olimlarning (E.N. Kabanova, Meller, N.F. Talizina, Y.A. Samarina, G.1. Vergeles), medist olimlaming (M.R. Lvov, V.G. Goreskiy, N.N. Svetlovskaya, Y.M. Kolagin, G.N. Pristupova) ishlarida ko'rib chiqilgan[4, 215-217].

TAHLIL VA NATIJALAR

20-asrda avtonom ilmiy-tadqiqot institutlari mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish tizimi tahlilini yuritgan holatda unga mos ravishdagi nazaryalarni amalyotga joriy etish bilan shug'ulangan. Mutaxassislar tayyorlash bilan shug'ullanadigan universitet va institutlar keng ko'lamli tadqiqotlar bilan shug'ullanmagan. Shuningdek, 21-asr boshlarida ta'lim va tadqiqot bir-biridan ajralib turgan mamlakatlar oliy ta'lim muasasalaridan yetishib chiqgan kadrlarining raqobatbardoshligi va innovatsion texnologik ishlanmalarning rivojlanishi bilan bog'liq jiddiy qiyinchiliklarni boshdan kechira boshladilar. Shu vaqtdan ayrim malakatlarda ilm-fan va boshqa ta'lim muassasalar o'rtasidagi integratsiya jarayonlarini kuchaytirish boshlandi. Innovatsion tipdagi iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida ushbu sohadagi vaziyat sezilarli darajada o'zgardi.

Tadqiqot mehnat bozorida talabga ega bo'lgan mutaxassislarni tayyorlash uchun asos bo'lishi kerak. Shunday qilib, ilmiy tadqiqot markazlari nafaqat ilmiy bilimlarni yaratish va tarqatish, balki ishlab chiqarishda kadrlar, texnologik va korporativ pozitsiyalarni shakllantiradi hamda amalyotda uzviy qo'llab boradi.

MUHOKAMA

Mamlakatimizda ta'lim sifatini oshirishda fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasini asosiy omil sifatida foydalanishga e'tibor kuchaydi. Shuning uchun kadrlar tayyorlash sifatini oshirish va unda fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasining roli, uning xalqaro tajribasini o'rganish hamda ilg'or xorijiy tajribadan foydalanish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish dolzarb masalaga aylanmoqda.

Fan va ishlab chiqarishning integratsiyasi hamda o'zaro hamkorligi masalasini tadqiq etish xorijiy olimlar tomonidan o'rganilib kelinmoqda. Lekin ular tadqiqotlari bilan tanishish mazkur masalaga turli yondoshuv va qarashlar mavjudligini kursatadi. Moddiy mahsulotdan farqli ravishda oliy ta'limda kadrlar tayyorlash jarayoni va uning sifatini aniqlash juda ko'p o'ziga xos xususiyatlarga ega.

Kadrlar tayyorlash va uning sifatini oshirish masalalarini tadqiq etgan mahalliy hamda xorijiy olimlar asosan mavzuga sotsiologik va pedagogik nuqtai-nazardan yondoshganlar. Fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasi va uning ta'lim sifati hamda mehnat bozori talabiga moslashuvchan kadr tayyorlashdagi roli va uning samaradorligini oshirishda iqtisodiy-huquqiy mexanizmlardan foydalanish masalalari o'rganilmagan.

Oliy ta'limda fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasining ta'lim sifatiga ta'sirini baholash va ushbu

mexanizmdan samarali foydalanish yo‘llarini belgilashga oid tavsiyalar berish maqsadida avvalo ta’lim sifati tushunchasi mazmuni to‘g‘risidagi qarashlarni o‘rganish zarur. Ta’lim sifati, uning mazmuni va fan, ta’lim va ishlab chiqarish integratsiyasi to‘g‘risidagi qarashlarni o‘rganish asosida ta’lim sifatini yaxshilashdagi rolini oshirishga oid taklif hamda tavsiyalar ishlab chiqish mamlakatimizda ta’lim-tarbiya sohasidagi ishlar bo‘yicha belgilangan ustuvor vazifalar maqsadga muvofiqdir.

Akademik A.Novikov fikricha, «Ta’lim sifati deganda - me’yoriy talablar, ijtimoiy va shaxs ehtiyojlariga mos keladigan ta’lim natijasi darajasini ifodalovchi kursatkichlar tizimi tushiniladi»[5]. Olimning fikricha ta’lim sifati komponentlari me’yoriy talablar, ijtimoiy va shaxsiy ehtiyojdan iborat. Uni baholash uchun esa ushbu komponentlar darajasini ifodalovchi kursatkichlar tizimini aniqlash zarur.

A.M.Katsning fikricha “Ta’lim sifati shaxs, jamiyat va davlatning belgilangan talablarini qondirish darajasini ifodalovchi ta’lim elementlari yig‘indisi” hisoblanadi [6].

V.A.Malkova “Ta’lim sifati - o‘quvchining mavjud ijtimoiy sharoitlarga moslashishini ifodalovchi munosabatlar tizimi”, degan qarashni ilgari surgan [7]. Fikrlar va qarashlarni umumlashtiradigan bo‘lsak, ta’lim sifatida shaxs, jamiyat hamda davlat manfatlari uyg‘unligini ta’minlanishi muhim jihat hisoblnmoqda.

Demak, bu borada yetarlicha tariflar va nazaryalar mavjud. Bu muammolarni yo‘qotish va ta’lim orqali fanni, fan orqali ishlab chiqarishni rivojlantirish uchun integratsiyani amalga oshirish zarur.

V.A.Slastyoninning fikricha, “innovatsiya” maqsadga qaratilgan o‘zgarish bo‘lib, qo‘llanish sohasidagi tizimni bir holatdan sifat jihatdan yangi holatga o‘tkazish, uni tubdan takomillashtirishni, innovatsion jarayon-yangilikni yaratish, o‘zgartirish, qo‘llash va tarqatishdagi kompleks faoliyatni anglatadi [8]. Innovatsiyalar nafaqat ta’limni balki, jamiyat va davlat hayotining barcha sohalarida ham ijobiy o‘zgarishlarga olib keladi.

XULOSA

Ta‘lim jarayonida yangi bilimlarning fanlararo sintez jarayoni juda sekin kechib, ba’zida u bir qancha o‘n yilliklarga teng davrni qamrab oladi. O‘quv jarayonida o‘qituvchi bir yoki bir necha mashg‘ulot, yoki hatto bir necha daqiqa ichida talabani ilgari turli fanlariga oid o‘zlashtirilgan bilimlarga tayanuvchi sub’ektiv yangi bilimga — olib kelishi kerak bo‘ladi. Ya’ni, bilimlarni tayyor holatida berish emas, balki ularning sintezi uchun tegishli shart-sharoitlar yaratilishi kerak. Bu vazifani

amalga oshirishning texnologik usullaridan biri bir sohaga oid bilimlarni boshqasiga olib o‘tish bilan bog‘liq bo‘lib, u fanlararo aloqalarni o‘rnatishning asosiy mexanizmi hisoblanadi desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Ilmiy dunyoqarashni shakllantirishda yashirin aloqadorlik va bog’lanishlarni aniqlay bilish, fanlararo bog’lanish, ya’ni uzviylikni ta‘minlash bugungi kuning eng dolzarb masalalaridan biridir. Chunki fanlararo aloqadorlik ta’minlangan holda, darsni tashkil qila olgan o’qituvchi o’quvchilarda o’zining faniga bo’lgan qiziqishini oshiribgina qolmasdan, mazkur fanni o’zlashtirishga yordam beradi.

Ilmit tadqiqot markazlari, oliy ta’lim muasasalari va ishlab chiqarish korxonalarida faoliyat yuritayotgan har bir shaxs, rahbar va ilmiy xodim integratsiya va innavatsion- korporativ hamkorlik yordamida sifatini ta’minlash uchun zamonaviy yondashuvlar asoslarini bilishlari maqsadga muvofiq.

Bunday yondashuvlar asosida o’quvchilarga ta’lim dargohlarida olgan bilimlarini limiy tadqiqot muasaslarida mustahkamklash, ishlab chiqarish soha va tarmoqlarida amaliy jihatdan ko’rib chiqish imkonyati yaratilgan bo’lar edi.

REFERENCES

1. Nazarova G. Xalqaro iqtisodiyot integratsiya –Toshkent: Tafakkur-2010.-B.36.
2. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasi PF-4947-son farmoni // Xalq so’zi, 2017 yil 8 fevral.
3. Sh.M.Mirziyoyev “YANGI O‘ZBEKISTON STRATEGIYASI”. -Toshkent. “O‘zbekiston” nashriyoti, 2021. 464 bet.
4. Yo'ldoshev, A. (2022). *Uyg‘onish davri va uchunchi renessans poydevori: vorisiylik va o‘ziga xoslik*. Markaziy osiyo uyg‘onish davri ilm-fan va madaniyatini tadqiq etishning dolzarb muammolari xalqaro ilmiy anjumani.
5. Новиков А.М., Д.А. Новиков, «Как оценивать качество образования?», www.anovikov.ru, (Муаллиф таржимаси).
6. Кац А.М. www.mathnet.ru/at13796автор: АМ Кац. Теория и применение регуляторов скорости с упруго-присоединенным катарактом. А. М. Кац. Центральный научно-исследовательский дизельный.
7. Малькова В.А. studopedia.ru/11_140699_vnmalkova.html13 июн. 2015 г. - Новое понимание качества образования формируется в ответ на вызовы со стороны мирового сообщества, страны, области, города.
8. В.А. Сластёнин и др. Педагогика: учеб.пособие для студ. высш. пед. учеб. Заведений. М.:, 2015 г. "Oriental Art and

Culture" Scientific-Methodical Journal Volume 3 Issue 1 / March 2022 ISSN 2181-063X
9. G'afforova, G., & Yoldoshev, A. (2022). *Klaster tushunchasining falsafiy mohiyati*. International scientific and practical conference 'Modern psychology and pedagogy: problems and solutions'.
10. Berkinov, O. T. (2022). *Changes in media cultureand human thinking*. Инновации в технологиях и образовании: XV Международная научная конференция.
11. Berkinov O.T. (2022). Ijtimoiy tarmoq: yoshlar va “kelajak” // NamDU ilmiy Axborotnomasi, 3-son, -B.181-187.
12. Yo'ldoshev, A. (2022). *Ta'limga e'tabor - kelajakka e'tibor*. Barqaror rivojlanishda uzluksiz ta'lim: muammo va yechimlar xalqaro ilmiy-amaliy anjumani.
13. uz.wikipedia.org
14. yuz.uz

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ДАШТИ ҚИПЧОҚ БИЛАН САВДО МУНОСАБАТЛАРИ

Илхом Муҳиддинович Саидов
Тарих фанлари доктори, профессор

Акмал Сайдирасулович Якубов
Шароф Рашидов номидаги Самарканд давлат университети докторанти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Хива хонлиги ташқи дипломатик алоқаларида муҳим ва статегик аҳамият касб этган Дашқи Қипчоқ ҳудуди ва бу ерда кечган савдо муносабатлари таҳлил қилинган. Маълумки, Хива хонлигининг ташқи алоқаларида савдо муносабатларига алоҳида эътибор берилган жумладан, Дашти Қипчоқ билан олиб борилган савдо-сотиқ ишлари хонлик иқтисодий ҳаётининг асосий қисмини ташкил қилган.

Калит сўзлар: қозоқ жузлари, савдо, В.В. Бартольд, чорвадор хўжалик, П.И.Рычков, Кичик жуз, натурал хўжалик, Жеттиру.

КИРИШ

Хоразмнинг Дашти Қипчоқ (қозоқ жузлари) билан турли соҳалардаги алоқалари қадим замонларга бориб тақалади. В.В. Бартольднинг ёзишича, Ўрта Осиё маданий вилоятларининг кўчманчи турклар билан савдо-сотиқ олиб боишлари ҳар доим ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган. X асрдан бери Туркистон мусулмонлари ўзларининг кўчманчи қўшнилари шарофати билан жуда қулай вазиятдан фойдаланган ҳолда арзон ва катта миқдорда от ва гўшт олганлар[1].

Кўчманчи чорвадор хўжалиги бир томондан ўзини ўзи таъминлашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан ҳаёт кечириш учун зарур бўлган нарсаларни босқинчилик ва савдо орқали олиши билан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Кичик аҳолиси ҳаётида савдо катта ўрин эгаллаган. Қозоқлар ўз хўжаликларида етмайдиган нарсаларни айнан савдо орқали олардилар. П.И.Рычков таъкидлаганидек: “Кичик жуз

[1] Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Сочинения, т.2. ч.1. – Москва:Наука, 196. – С. 329.

аҳолиси руслар ва хиваликларга сотадиган отларидан барча талабларини қондиришда катта маҳорат кўрсатадилар”[2]. И.Г.Георги хулосасига биноан “қирғиз (қозоқ)лар ўз эҳтиёжлари ва ҳаётий манфаатларини Россия, Бухоро ва Хева, қўшни вилоятлар билан бўлган савдо орқали қониқтиришган”[3].

Кичик жузнинг барча хўжалик ҳаёти савдо билан алоқадор эканлигига манба ва илмий адабиёт ҳам бой маълумот беради. Кичик жуз билан қўшни бўлган Хоразм аҳолиси ҳам ғалла, буғдой, ун ва мануфактура маҳсулотларини четдан олгани маълум[4].

Баъзи маълумотларга қараганда деҳқончилик билан шуғуланадиган аҳоли ва чорвадорлар ўртасида буғдой ички савдоси чорва ва чорва маҳсулотлари, асирлар айирбошлаши орқали амалга оширилган[5]. Ғаллани чорва ва деҳқончилик асбоб-ускуналари билан алмаштириш минтақа аҳолиси учун ягона восита бўлгани ҳам савдо уларнинг ҳаётида катта ўрин эгаллашини исботлайди. Бундан ташқари, савдо, мол айирбошлаши деҳқончилик билан шуғулланишнинг асосий сабабларидан биридир. Камбағаллашган чорвадорлар қолган чорваларини сотиб (алмаштириб) керакли асбоб-анжом ва уруғлик либшлари мумкин бўлган. Шундай қилиб, овчилик, деҳқончилик ва уй ҳунармандчилиги қайси бир маънода ички ва ташқи савдо билан алоқаси бўлган.

Натурал хўжаликда савдо амалиётлари доимий характерга эга бўлмасдан тасодуфий ҳолатда амалга оширилиши маълум. Қозоқларнинг хўжалиги натурал хўжаликидан фарқ қилади. Унинг асосини биринчидан, кўчманчи чорвачилик ташкил қилади. Иккинчидан, ишлаб чиқарилган умумий маҳсулотнинг бир қисми зарур бўлган нарсаларни сотиб олиш учун сарфланган. Учунчидан, минтақа аҳолисининг хўжалиги чегараланган бўлмагай, балки ҳар бир хўжалик ва ёки оила ички ва ташқи савдо билан алоқаси бўлган. Қозоқ жузларида ишлаб чиқарилган баъзи маҳсулотлар (думма ёғи, қўй териси) Европа бозорларида ҳам сотилгани маълум[6]. Тўртинчидан, жузларнинг савдоси доимий бўлиб, қадим илдизларга эга бўлган. Бешинчидан, пул ролини уйнайдиган чорва билан олиб борилган. Олтинчидан, чорвага асосланган хусусий ва оилавий мулкчилик ҳамда ерга бўлган жамоа мулки

[2] Рычков П.И. Ответы на экономические вопросы, касающиеся до земледелия. // Труды ВЭО, СПб., 1767, Ч.7,е – С.132.
[3] Прошлое Казахстана в источниках и материалах.Сб.док. Москва-Алш-Ата,1935, сб.1. – С.162.
[4] Гавердовский Я.П. Примечания к рассмотрению Оренбургского края.РО ГПБ им.М.Е.Салтыкова-Щедрина, Ф 11, 37, л.39.
[5] Ўша жойда.
[6] Мансурова Ж. Ю.Хозяйство казахов Малого и Среднего жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. Дисс. канд.ист.наук. – Москва, 1884. – С. 186.

ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини ташкил қилиб, унинг шароитида савдо ривожланган. Бу барча зикр қилинган омиллар оддий товар ишлаб чиқариш хос бўлган. Шунинг учун, қозоқлар хўжалиги ўрганилаётган даврда баъзи натурал хусусиятларни сақлаган ҳолда бир қисм маҳсулотни ҳар бир оила хўжалигидаги чорва маҳсулотидан олган. Ортиқча маҳсулот товар сифатида турли шаклда сотилган ё алмаштирилган.

Савдо муносабатлари ҳар иккала томонга ҳам манфаат келтириб, меҳнат тақсимотига асосланган эди. Натижада минтақа ва воҳада ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари тараққий этиб, ишлаб чиқариш кучларнинг ҳам ривожаланишига олиб келарди. Савдо-сотиқ эса кейинги даврларда ҳам турли соҳадаги муносабатларни олдинга ривожланишига сабаб бўлди: ўзбек ва қозоқ халқларининг муносабатларини қизғин ривожланишига асос яратди. Ўрганилаётган даврда, айниқса темурийларнинг ўзаро курашлари, қозоқ султонларининг бу муносабатларга аралашувлари, шайбонийлар даврида ва кейинчалик жунғорлар босқини даврида Хива хонлиги ва қозоқ ерлари билан алоқалар жуда мураккаблашиб, оғир бўлиб кетган. Бироқ савдо муносабатлари турли тўсиқ ва қийинчиликларга қарамасдан давом этган. Зеро, ҳам ўтроқ ва ҳам кўчманчи аҳоли савдо муносабатларига, турли маҳсулот ва хом-ашёга муҳтож бўлган. П.П. Ивановнинг таъкидлашича, ўзаро уруш ва жанжаллардан сўнг томонлар зудлик билан савдо муносабатларини қайта тиклаш учун кўп саъй ва ҳаракатлар қилинган[7].

Ўрганилаётган даврда қозоқ жузлари аҳолисининг асосий савдо маҳсулотлари бу чорва моллари бўлган. Кўчманчилар қўшни халқларнинг деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабларини ўз чорва молларини алмаштириш ёки сотиш йўллари билан қондиришган. Улар асосан Бухоро ва Хива бозорларига келиб, ўз чорва ва уларнинг маҳсулотларини сотиб, ўзларига керак бўлган нарсаларни олиб кетишган[8]. Қозоқлар ичида ўзбек ҳунармандларининг барча маҳсулотлари кенг тарқалгани маълум[9]. 1792 йилда Шамайда биргина тошкентлик савдогарлар пахта ип газаламалардан 139 000 аршин, ёки 1957 рубл 15 тийинлик ҳамда камарлар, пўстин, мағз, буғдой, пахта ва бошқалардан 2287 рубл 30 тийинга нарса сотганлар[10].

[7] Иванов П.П. Казахи и Кокандское ханство. – С. 93.; К вопросу о взаимоотношениях казахских племен с оседлым и полуоседлым населением Хорезма в ХУШ-XIX вв. УП ЖАЭН. – М. -.Наука, 1964, 9 с.
[8] Небольсин П.Н. Очерки торговли России со Средней Азией // Записки РГО, кн.10. 2855 . – С.287.
[9] Тетеревников А.Н. Очерк внутренней торговли киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 4.
[10] Медуанов С. История казахско-узбекских отношений в XIX-начале XX вв. Туркестан, 1992. – С.125.

Ўрганилаётган даврнинг охирларига келиб Хива хонлиги ҳудудида Кичик жузнинг қуйидаги уруғ ва қабилалари Хива бозорларида савдо қилганлар: алимулла ва шекти, чумекей ак-кете, чумекей уджирай, жами етти минг ўтов. Улар Каспий денгизи, Барсуқ, Эмба, Темир, Уил, Қобла дарёларидан Урал дарёсигача, қишловда эса Сирдарё бўйларидаги Қоратепада, Қувондарё, Орол атрофида кўчиб юрган; Жеттирунинг чомишти-тобиин, бойули, черкеш, байули-тазлар, кизил-қуртнинг кўчиш жойлари ёзда Эмба бўйлари, қишда Орол ва Каспий денгизининг жануб-шарқий, шарқий-шимолида бўлган [11] . Қозоқларнинг Улуғ ва Ўрта жузлари халқи Бухоро ва Тошкентда савдо қилганлар. Хива бозорларида ҳам қозоқлар учун махсус бозор ва расталар бўлган (шунда қозоқ бозорларда 100 дан ортиқ расталар бўлган). Ўз навбатида қозоқлар бу бозорларда тери ва тери маҳсулотлари, жун, хуржун, арқон, эгар-жабдуқлар ва унинг абзал-анжомлари, кигиз, қозоқ гиламлари, қоплар, камарлар, ёғочдан қилинган маҳсулотларни сотганлар.

Кўп ҳолларда баъзи ҳунармандлар (пойабзалчилар, тикувчилар ва бошқалар) бевосита қозоқлар яшайдиган ҳудудларга бориб, жойида қозоқларнинг аёлу эркаги ва болаларига пойабзал, кийим кечак тикиб бериб, эвазига тери, мўйна, гўшт ва сут маҳсулотлари, пул олганлар. Баъзи йилларда Кичик жуз қозоқлари Хива бозорларига 200 минга яқин қўй олиб келиб сотганлар[12]. Манғқишлоқ ва Устюрт қозоқларига Хиванинг кўпгина бозорлари маълум бўлиб, бошқа ҳамқабилалари ва юртдошлари билан Хива, Қўнғирот, Янги Урганч, Кўҳна Урганч, Гурлан, Ҳазорасп, Хўжайли, Манғит, Қипчоқ ва Шоватда, Питнак, Беш-ариқ, Қўшкўпир, Хазават Қиёт, Амбар манак, Тошҳовуз, Иляли, Қилич Ниёзбий, Порсу, Шумагайда савдо-сотиқ ишларини олиб борганлар[13].

Хиванинг қозоқлар билан савдо муносабатлари учун Қўнғирот шаҳрининг ўрни катта бўлган. “Кўҳна Урганчдан кейин барча атрофдаги аҳоли шу шаҳарда бозор қилишган”, деб маълумот берилади архив ҳужжатларида[14]. Бу шаҳарда иккита катта бозордан ташқари (қозоқ ва ўзбек бозори) 300 дан ортиқ савдо расталари ва дўконлар бўлган. Қозоқ бозорлари кўчманчиларни баҳорда, кўчиб кетишларидан олдин ва яйловдан қайтиб келишларидан сўнг, қишловга келганларидан жуда гавжум бўлган. Нархлар ҳам шу вақтда анча

[11] Материалы по истории Казахской ССР (1785-1828). Т.4.– Алма-Ата: Изд-во АН КазССР. 1948. – С. 512-513.
[12] Тетеревников А.Н. Очерк внутренной торговли киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 51.
[13] Гришфельд В., Галкин М.Н. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. – Ташкент, 1903. Вып. II. – С.144 ва кейингилари.
[14] Қаранг: Медуанов С. История казахско-узбекских отношений в XIX-начале XX вв. Туркестан, 1992. – С.131. 1-чи изоҳ.

тушган[15].

Бундан ташқари қозоқ жузлари орқали Марказий Осиёлик савдогарлардан тошкентлик, бухоролик, қўқонлик ҳамда хоразмлик савдогарлар Россия билан савдо-сотиқ ишлари олиб борганлар. Шунда қозоқларнинг баъзи султон ва бийлари савдо карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаганлар. XIX асрнинг бошларидаги маълумотларга қараганда, 1803 йили Шамайга 50055 рублга мол-товар олиб келиниб, Шамайдан 62606 рубллик товар олиб кетилган. 1804 йили эса 80366 рубли мол олиб келиниб, 73981 рубллик маҳсулот олиб кетилган[16]. Бу кўрсатгич йилдан йилга ошиб борган. Башқа маълумотларга қараганда Шамайдан Ўрта Осиёга биргина кигизнинг ўзидан 1 млн рублга яқин олиб келинган экан[17]. Шамай шаҳри шу даврда нафақат Хитой, Тошкент, Қўқон, Хива ва Бухоро, балки Ўрта ва Катта жуз аҳолиси учун муҳим савдо марказига айланган эди[18].

Архив маълумотларига қараганда, Қозоқ жузларидан (маълумот Шамай-Тошкент йўналишига оид) 4-5 минг туяда товар олиб келинган, улардан 250 тасида намат, тери ва турли арқонлар бўлган. Шу йўналишдаги Марказий Осиё-Дашти Қипчоққа эса 10 минг туядан иборат савдо карвони борган[19]. Шунда Марказий Осиёлик савдогарлар қозоқ қабилалари яшаётган ҳудудлардан ўта туриб, ўртакашлик қилиб, мол айирбошлаши билан машғул бўлган. Улар ўз товарларинини чорвага, чорва маҳсулотларига, уй ҳунармандлари маҳсулотларига алмаштириб, уларни кейин бошқа жойларда сотганлар. Ўз навбатида улар Россия ва бошқа жойлардан қозоқларга керак бўлган маҳсулотларни сотиб олиб келтирган[20].

Айни шу масалани ёритиб, рус тадқиқотчиси А.Н. Тетеревников ёзган эдики, Марказий Осиё савдогарлари бизнинг божхона пунктларимизгача келиш вақтларида анча савдо-сотиқ ишларини олиб бориб, даштга қуйидаги молларни олиб келишади: улар ичида энг кўпи бўз-хомсурф матосидир, кейин эса чакмонлар, халат ва тўнлар, кўрпа-тўшаклар, тўппи, камарлар, чолвор,

[15] Ўз МА, И-383-жамғарма, 196-йиғма жилд, 12-варақ.
[16] Ўз МА. И-478-жамғарма, 204-йиғма жилд, 211 варақ.
[17] Масанов Э.А. Казахское войлочное производство во второй половине XIX в. и в начале XX в. // Трудқ ИИАЭ КазССР им. Ч.Ч. Валиханова. Т.6. – Алма-Ата, 1959. – С. 124.
[18] Янушкевич А. Дневник и письма из путешествия по казахским степям. (Перевод с польского и предисловие Ф. Стендовой). Под ред. Дюнсенбаева. Алма-Ата, I960. – С.5.
[19] Қаранг: Медуанов С. История казахско-узбекских отношений в XIX-начале XX вв. Туркестан, 1992. – С.136. 3 ва 4-чи изоҳ.
[20] Из истории внешнеторговых связей казахов в ХУШ в. В кн. Ученые записки ИВАН СССР. – Москва, 1958, т. 19. С.39-54.; Казахско-китайские торговые отношения в к.XVIII-в. В кн.: ТИИАЭ им.Ч.Ч.Валиханова АН Каз ССР. – Алма-Ата, 1952, т.15. – С.138-145.

заргарлик ва темир маҳсулотлари ва бошқалар[21]. Маълум бўлишича Марказий Осиёлик савдогарлар Россиядаги турли ярмарка ва бозорларидан рус фабрика-заводларининг маҳсулотларини (чини ва фарфордан, милтиқ ва тапончалар), яна шакар, оқ-қанд, сафар сандиғи, қозонлар, совун, атир ва ҳ. қозоқ жузларига олиб келиб сотишган ёки алмаштирганлар[22].

Ўз навбатида Хива бозорларида Орол ва Каспий атрофидаги қозоқлардан ҳам савдогарлар асосан чорва маҳсулотларини олиб келиб сотиб (асосан қўй, кейин от ва туяларни, чакмон, тери, наматлар, баскура), хонлик бозорларидан ун, турли матолар(бўз, хомсурф, шоҳи), халатлар, гиламлар, мева ва қоқ мевалар олиб кетишган. Ўрганилаётган даврда Хива хонлигидаги юқорида айтилган савдо марказларидан ташқари Хиванинг Кичик жузлар, Устюрт, Орол атрофида барпо этилган қалъа ва истеҳкомларида ҳам савдо-сотиқ ишларини олиб боришган. Кўпинча хивалик сарбозлар ва уларнинг оилалари келган қозоқлардан чорва, ва чорва маҳсулотларини сотиб олганлар. Баъзи каттароқ истеҳком ва қалъаларда ҳунарманд ва усталар ҳам келиб яшаган. Улар ўз маҳсулотларини чека-атрофдаги кўчманчи қозоқларга ҳам сотган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўрганилаётган даврда Хива хонлигида яшаётган қорақалпоқлар Кичик жуз қозоқларининг иқтисодий ва сиёсий тобелигида бўлган. Уларнинг асосий қисми ярим кўчманчи бўлиб, човачилик, деҳқончилик ва балиқчилик билан машғул бўлганлар. Уларнинг бир қисми Хоразм воҳасидаги ўзбеклар таъсирида деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқ бўлишган эди. Улар Сирдарё ва унинг ирмоқлари бўлган Қувондарё ва Жанидарёдан сунъий усулларда сув чиқариб, қишлоқ хўжалик зироатларини экканлар. Қадимий усуллардан фойдаланишни улар хоразмликлардан ўрганганликлари маълум[23].

XVIII асрда қорақалпоқлар қозоқоларга қўрғошин, порох ҳам сотган. Хива ҳудуларида ўзбекларга яқин жойларда яшаётган қорақалпоқлардан чиққан савдогарлар қозоқлар билан бўлган савдонинг асосий қисмини ўз қўлларида ушлаб, уларни ғалла билан таъминлаган.

Савдо ва корвон йўлларида қозоқ қабилалари савдогарлар ва корвон хавсизлигини таъминлашда ҳам иштирок этганлар. Бу иш билан XVIII асрнинг

[21] Тетеревников А.Н. Очерк внутренной торговли киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 9.
[22] Яна қаранг: Толыбеков, С. Е.. Кочевое общество казахов в XVII- начале XX века.: Полит.-экон.анализ . – Алма-Ата : Наука, 1971 . – 634 с.; Шу муаллиф. Общественно-экономический строй казахов в XVII-XIX веках . – Алма-Ата : Казгосиздат, 1959 .– 448 с.
[23] Муфассал қаранг: Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. – Москва, АКД. – 1984. – 272 с.

ўрталридан Ўрта ва Кчик жуз аҳолиси шуғулланишни бошлаган маълум[24]. Аксар ҳолларда бу иш билан ўз ҳудудларидан ўтадиган корвон ва савдо йўллари бо аҳолига бу иш фойда клтиргани аниқ. Корвон хавфсизлигини таъминлаган гуруҳ, масалан Бухородан Оренберггача 14 бухоро тиллосида ҳақ олишган[25].

Я.П.Гавердовский маълумотига қараганда Кичик жуздан бойули қабиласидан жунбас уруғи (7200 оила), алимулла қабиласининг чумекей уруғи (6000 оила), тозлар (3000 оила), жетирунинг кераит уруғи (4000 оила) корвонлар кузатиш ва муҳофазаси билан машғул бўлишган[26]. Шунда жунбаслар Троицк ва Бухорода савдо қилиб шу йўлларда корвонларни кузатган. Тозлар ва қизилқуртлар эса, Оренбургга Хива корвонларни олиб бориб, уердан Хивага Оренбергдан савдо корвонларига ҳамроҳлик қилишган.

Кичик жуздан 42 та қабиладан 5 та, яъне 12 %, жами 23200 оила корвон амниятини таъминлаш билан машғул бўлишган. Ўрта жуздан арғин қабиласидаги учта чард, джид, туртуул (жами 30000 оила), бағанали-найман қабиласидан қараул, қаракесак уруғлари (жами900 ва 4000 оила) шундай юк ташиш билан машғул бўлган. Шунда бошидаги уч уруғ корвонларни Муқаддас петрдан Кошғар, Тошкент ва Бухорогача, охирги иккита уруғ Бухородан Троицккача савдо қилишган[27].

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Хива ва дашти қипчоқ савдо алоқаларида қароқчилик катта зарар етказишган. Кўп ҳолларда “баранта” номини олган корвон йўлларидаги қароқчилик ва ўғриликкўчманчи қозоқларда катта даромад келтирган бўлса ҳам ўтроқ ва кўчманчилар ҳамда давлатлар ўртасидаги алоқаларга салбий таъсир кўрсатган. Бу қароқчиликдан кўпчилик азият чеккани ҳам маълум[28].

Ўрганилаётган даврда Кичик ва Ўрта жуздаги қозоқлар чорвачилик билан бирга ўзларига керакли бўлган товарлар ва ишлаб чиқариш воситаларни қароқчилик йўли билан ҳам қўлга киритишган. Шу даврдаги баримта номи остида муаллифлар қароқчиликнинг бир неча тури, жумладан корвонлардан ўғирлаш, савдогар ва корвон аъзоларидан олинадиган турли шаклдаги пора ва тамагарчилик, чорва ва одамларни ўғирлаш, ички баримта, яъне одат ҳуқуқи

[24] Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. Дисс. канд.ист.наук. – Москва, 1984. – С.150-151.
[25] Ўша жойда.
[26] Гавердовскйй Я.П. Исторический опыт торговли с Бухарией. ЦГВИА, ф.2б0, 0П.1, д. 2, л. 12-34 об.
[27] Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. – С.152.
[28] Шахматов В.Ф. К вопросу о причинах относительной застойности патриархально-феодальных отношений у кочевников. ВАН КАз ССР, 1959, вып. 5. –С.21

бўйича мажбурий судяларнинг қарорларини бажариш, қонунга зид равишда чорвани уғирлаш ва ҳ[29].

Жанна Юнисовна Мансурова ўзининг ишида ўша давр муаллифларининг маълумотлари асосида аниқладики, Кичик жуз аҳолисидан доимий равишда алимулла-қарасақол қабиласидан 4 та уруғ – 1700 оила, алимула-чумекей қабиласидан чумекей-текин (2500), чумекей куит (500о оила), чумекей кунят ва сари-кишкина (4000 юрта); алимула-турқара (10000 оила), алимула-кишкина-чиқти (800 оила) корвон йўлларида қароқчилик билан машғул бўлишган. Буларга яна яқин алоқада бўлган алимула-қаракесак ва кишкина-чиқти, жами 3500 оилани қўшиш керак. Бу жузда 42 та ҷабилан 8 қабила қароқчилик билан шуғулланиб, ўзларига керак бўлган кийим-кечак, матолар, пул, ишлов берилган тери, гиламлар, кумуш, тилла, бошқа бойликлар, умуман рус-ўртаосиё савдо маҳсулотларини ташкил қилган барча товарларни ўзлаштирганлар[30].

Бундай қароқчиликни корвонбошилар, қабила бийлари, қабила старшиналари, баъзан султонлар турли восита ва алдов йўллари билан ташкил қилишган[31].

Корвон талон-торожи ва савдо йўллардаги қароқчиликдан тушум жуда катта бўлган. Масалан, 1786 йилдан 1791 йил оралиғида олтита карвонга уюштирилган қароқчиликдан 445 000 рублга яқин мол ўғирлган. 1796 дан 1805 йилгача 2 млндан ортиқ товар ва бойлик Россия ва Ўрта Осиё савдо йўлларида талон-тарож қилишган.

Я.П.Гавердовский маълумотига қараганда Кичик жуз қабила ва уруғлари 9 йил давомида (агар ўртача оила аъзоларини 5 нафардан иборат деб билсак) киши бошига 13, 3 кумуш рублга тенг даромад олишган. Ўғирланган товарлар 3-10 баробарига арзон қароқчилар қўлига тушгани маълум бўлади[32].

Ўрганилаётган даврда қароқчиликнинг яна бир манба чорва ва одамларни ўғирлаш бўлган. 1750 йилдан 1825 йиллар орасида рус ва қозоқ жузлари орасидаги чагаралардан 3666 киши, корвнлардан 2 489 417 рублга тенг товарлар, 38 226 бош от, 24 549 бош қорамол, 21959 бош қўй ўғирланган[33].

[29] Фукс С.Л.Барымта. В кн.:Ученые записки Харьковского юридического ин-та. Харьков, 1948, вып.3. – С.13-15.
[30] Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. – С.153-154.
[31] Муфассал қаранг: Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. – С.153-172.
[32] Гавердовский Я.П. Ведомость и киргиз-кайсацком народе Средней и Меньшей орды с разделением на глав- - 256 - ные роды. ЦГВИА, ф.397,оп. 1,д.26, л.82-85.
[33] Қаранг: Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. – 18-чи илова.

Чегарада асир олинган руслар Ўрта Осиё бозорларида сотилган. Хива, туркманлар, қароқалпоқлар ерлари ва Эрондан ўғирланган асир ва қуллар Россия бозорлари ва Хива ва Бухоро қул бозорларида сотилгани маълум[34].

1721-1725 йилларда бутун минтақада фақат руслардан 6-7 минг рус асирлари бўлган. 1740 йили фақатгина Хивада 4 мингга яқин рус қуллари ва асирлари бўлган. 1770 йилда эса уларнинг сони 5 мингдан ошган[35].

Бир асир ё қул нархи 50 рублдан 950 рублгача бўлган. Кўпинча қул ўртача 200-300 рублга сотилган. Бу миқдор маблағга 300 бош қўй сотиб олишни инобатга олинса, бир асирни сотиб бутун молиявий вазъиятни тартибга солиш мумкин бўлган. Я.П.Гавердовский хулосасига кўра “қароқчилик шундай даромад келтириши билан кўп камағаллашган қазоқларнинг асосий даромади ва машғулотига айланган эди”[36].

ХУЛОСА

Хулоса қилиш мумкинки, қароқчилик ўрганилаётган даврда, айниқса ХУШ асрнинг охири – XIX асрнинг бошларида Кичик жуз аҳолиси учун ҳам аҳолининг иқтисодий талабини қондирадиган асосий машғулотлардан бирига айланган эди.

Ўрганилаётган даврда Хивадаги марказий ҳокимиятнинг зафлашуви, қозоқ жузлари ўртасидаги зиддият, жунғорларнинг бостириши минтақа, Хива ва Дашти қипчоқ, жумладан Кичик жуз ва қорақалпоқлар билан бўлган муносабатларга салбий таъсир кўрсатди.

REFERENCES

1. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Сочинения, т.2. ч.1. – Москва:Наука, 196. – С. 329.
2. Рычков П.И. Ответы на экономические вопросы, касающиеся до земледелия. // Труды ВЭО, СПб., 1767, Ч.7,е – С.132.
3. Прошлое Казахстана в источниках и материалах.Сб.док. Москва-Алш-Ата,1935, сб.1. – С.162.

[34] Ефремов Ш. Странствование Филиппа Ефремова в Киргизской степи,Бухарии, Хиве, Персии,Тибете, и Индии и возвращение его от туда через Англию в Россию.3-е изд., Казань,I8II. с, 16-17; Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент в 1800 г. ВРГ0,1851, ч. I, отц.VI. – С. 44. (1-43)

[35] Семенюк Г.И. Рабство в Казахстане в ХУ-XIX вв. ТИИАЭ. – Алма-Ата, 1959, т. 6. л. 177; Марков Г.Е. Кочевники Азии (структура хозяйства и общественной организации). -М.: 1СУ,1976. – С. 154. (316 с.)

[36] Гавердовский Я.П. Ведомость и киргиз-кайсацком народе Средней и Меньшей орды с разделением на глав- - 256 - ные роды. ЦГВИА, ф.397,оп. 1,д.26, л.82-85.

4. Гавердовский Я.П. Примечания к рассмотрению Оренбургского края.РО ГПБ им.М.Е.Салтыкова-Щедрина, Ф 11, 37, л.39.
5. Мансурова Ж. Ю.Хозяйство казахов Малого и Среднего жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. Дисс. канд.ист.наук. – Москва, 1884. – С. 186.
6. Иванов П.П. Казахи и Кокандское ханство. – С. 93.; К вопросу о взаимоотношениях казахских племен с оседлым и полуоседлым населением Хорезма в XУШ-XIX вв. УП ЖАЭН. – М. -.Наука, 1964, 9 с.
7. Небольсин П.Н. Очерки торговли России со Средней Азией // Записки РГО, кн.10. 2855. – С.287.
8. Тетеревников А.Н. Очерк внутренной торговли киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 4.
9. Медуанов С. История казахско-узбекских отношений в XIX-начале XX вв. Туркестан, 1992. – С.125.
10. Материалы по истории Казахской ССР (1785-1828). Т.4.– Алма-Ата: Изд-во АН КазССР. 1948. – С. 512-513.
11. Гришфельд В., Галкин М.Н. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. – Ташкент, 1903. Вып. II. – С.144 ва кейингилари.
12. Ўз МА, И-383-жамғарма, 196-йиғма жилд, 12-варақ.
13. Ўз МА. И-478-жамғарма, 204-йиғма жилд, 211 варақ.
14. Масанов Э.А. Казахское войлочное производство во второй половине XIX в. и в начале XX в. // Трудқ ИИАЭ КазССР им. Ч.Ч. Валиханова. Т.6. – Алма-Ата, 1959. – С. 124.
15. Янушкевич А. Дневник и письма из путешествия по казахским степям. (Перевод с польского и предисловие Ф. Стендовой). Под ред. Дюнсенбаева. Алма-Ата, I960. – С.5.

IBN MISKAVAYHNING "TARTIBUS-SAODAT" VA "MANAZILUL-ULUM" ASARI HAQIDA

Shahnoza Nodirovna Sulaymonova
TDShU doktoranti
shahnozanodirovna@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqola Musulmon Sharqi ijtimoiy-falsafiy tafakkuri tarixida yorqin iz qoldirgan buyuk mutafakkirlardan biri Abu Ali Ibn Miskavayhning axloqqa oid noyob asari "Tartibus-saodat" va "Manazilul-ulum" risolasiga bag'ishlanadi.

Kalit so'zlar: faylasuf, "Tartibus-saodat" va "Manazilul-ulum", "Tajoribul-umam", "Tahzibul-axloq", "Kitab at-Tahora", "Tathirul-A'roq".

ABSTRACT

The article is dedicated to one of the great thinkers, Abu Ali Ibn Miskawayh, who left a bright mark in the history of the socio-philosophical thinking of the Muslim East, a unique work on ethics "Tartibus-saadat" and the treatise "Manazilul-ulum".

Keywords: philosopher, "Tartibus-saodat" and "Manazilul-ulum", "Tajoribul-umam", "Tahzibul-akhloq", "Kitab at-Tahora", "Tathirul-A'raq".

KIRISH

Taxminan 320/932-421/1030 yillarda yashagan Ibn Miskavayh falsafa, tibbiyot, kimyo, adabiyot va tarix bilan shug'ullangan islom mutafakkiridir. Umrini Ray, Bag'dod va Sherozda o'tkazgan faylasuf Forobiy izdoshi hisoblanadi. U Abu Rayhon Beruniy, Abu Hayyon Tavhidiy kabi mashhur zamondoshlari bilan uchrashib, ma'lumot almashgan. Uning falsafa, tib, adabiyot va tarixga oid o'ttizdan ortiq asari bo'lsada, ularning juda oz qismi bugungi kungacha yetib kelgan. Ilm dunyosidagi har qanday ilmning tarixisiz nazariyasi bo'lmaydi, degan hikmat, ayniqsa axloqshunoslikka taalluqlidir. Zero, axloqshunoslik tarixi axloqiy tafakkurning vujudga kelishi hamda uning taraqqiyoti qonuniyatlarni o'rganadi, ma'naviy merosning ulkan qismi bo'lishi axloqiy ta'limotlar, hikmatlar, pand-o'gitlarni zamonaviy jamiyat hayotiga tadbiq etish targ'ib qilish yo'llarini tahlil etadi. Garchand har bir axloqiy konsepsiya ma'lum bir mutafakkir mulohazalari va faoliyatining mevasi bo'lsada, u mohiyatan, muayyan tarixiy davr talabidan kelib chiqadi. Ayni

paytda, turli odob va axloqiy qonun-qoidalarini o‘z ichiga oladigan axloqiy targ‘ibot muammolari, axloqiy pand-o‘gitlar va me’yoriy talablarni bajarish, axloqiy boshqarish sohasiga kiradi hamda axloqshunoslikning odatda “amaliy axloq” deb ataladigan qismini tashkil etadi.

Amaliy axloqning dastlabki namunalari bundan 3 yarim ming yil avval paydo bo‘ldi. Falsafiy-axloqiy oqimlar borasida gap ketganda, musulmon Sharqida ikki yo‘nalish alohida o‘rin tutadi. Bular mashshoyyunlik va tasavvuf axloqshunosligi. O‘rta asr musulmon Sharqida mashshoyyunlik yoki, boshqacha qilib aytganda, arastuchilik oqimining vakillari buyuk mutafakkirlar al-Forobiy, at-Turkiy, Abu Ali ibn Miskavayh, Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Abul Barakat al – Bag‘dodiy, Umar Xayyomlar hisoblanadi.

Ibn Miskavayhning axloq nazariyasiga qadimgi yunon mutafakkirlari sezilarli ta’sir o‘tkazganlar. Miskavayh yunon mutafakkirlarining jamiyat va ijtimoiy axloq to‘g‘risidagi ta’limotlarini islomiy nuqtai nazardan qayta ishlagan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Faylasufning tarix, adabiyot, falsafa kabi turli sohalarda turli asarlari bor. Uning tarix sohasidagi eng ko‘zga ko‘ringan asari “Tajoribul umam” Nuh to‘fonidan to 369/979-980 yillargacha bo‘lgan voqealarga bag‘ishlangan. Ko‘p misra, aforizm va hikoyatlardan iborat bo‘lgan bu asar bugungi kungacha yetib kelmagan. Uning al-Favzul-asg’ar nomli metafizikaga oid asari, axloqiy hikmatga oid asari – Jovidon Xirad, adolat haqidagi Risoli fi mahiyyatil-'adl risolasi va eng mashhur asari bo’lmish Tahzibul-axlaq faylasufning bugungi kungacha saqlanib qolgan asosiy asarlaridandir.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Ibn Miskavayhning eng mashhur asari “Tahzibul-axlaq va Tathirul-a'raq” bo'lib, u islom axloqiy tafakkurining eng muhim manbalaridan biri hisoblanadi. Islom falsafasi tarixchilaridan Majid Faxriy olimning arab tilida yozilgan “Tahzibul-axloq” (“Axloq takomili”) asarini Ibn Miskavayhning etikaga qo‘shgan ulkan hissasi sifatida baholaydi. Mutafakkirning bu asari uning ilmu axloq va hikmatga doir asarlari ichida asosiy o‘rin egallaydi.

“Tahzibul-axloq” asari ilmu nafsga oid falsafiy qarashlar, pand-nasihatlar, hissiyotlar va tuyg‘ularning o‘zaro aql va nafs bilan aloqasi, munosabati haqida yozilgan.

Darhaqiqat, mutafakkirning islom falsafasiga qo‘shgan ulushi, asosan, axloqshunoslikka oid qarashlari bilan belgilanadi.

Yana bir asari “Tartibus-saodat” va “Manazilul-ulum” axloqiy tafakkur jihatidan nihoyatda muhim asar “Tahzibul-axloq” soyasida qolib, ilmiy doiralar nazaridan chetda qoldi. Bu asar ham Ibn Miskavayhning falsafaga kirish asari bo‘lib, ham axloq va falsafa o‘rtasidagi bog‘liqlikni ochib berish nuqtai nazaridan faylasufning axloqiy tafakkurini aks ettiradi.

Ushbu risolani favqulodda topib olib, turkchaga tarjima qilgan turk olimi Humayra O’zturan shunday yozadi: “Ibn Miskavayh asarlarining qo‘lyozmalarini skanerlash chog‘ida Istanbul Millet kutubxonasida Ibn Miskavayhga tegishli bo‘lgan, aqoid mavzusini o‘z ichiga olgan “Kitabu Tartibus-saodat” nomli asarning yozuviga duch keldim. Darhol xayolimga Ibn Miskavayh “Tahzibul axloq” asarida eslatib o‘tgan “Kitabus-saadat” keldi va bu asarga tegishli ekanligini bilish uchun darrov asarni ko‘zdan kechirdim. Qarasam, bu yana bir tosh nusxa bo‘lib, unda Tartibus saodatning “Tahzibul-axlaq” izohida yozilgan risolasi bor. Men bu risolaning ilmiy doiralarda qanchalik mashhurligi, boshqa nusxalari qayerda, chop etilganmi yoki yo‘qmi, o‘rganib chiqdim. Natijada men ko‘rgan narsa shu bo‘ldiki, risola turk tadqiqotchilari qo‘liga hech qachon tushmagan va Ibn Miskavayh haqidagi tadqiqotlarda yo e’tibordan chetda qolgan yoki faqat uning nomini aytib o‘tilgan. Risolaning nomi tilga olingan manbalarda risolaning ikki nashri tilga olinganiga guvoh bo‘ldim.”[1]

Asar ikki jihatdan juda muhim hisoblanadi: birinchidan, islom axloq falsafasi nuqtai nazaridan, axloqiy asar sifatida, ikkinchidan, axloq falsafasi nuqtai nazaridan. Asarning so’ngi qismida fanlar tasnifi keltirilganligi jihatidan ham uning qiymati yanada ortadi.

Ibn Miskavayh bu asarni Ibn al-Amid xizmatida yozganligini hisobga olsak, shuningdek, uning nomi Tahzibda tilga olingani sababli undan oldin yozilgani ma’lum bo‘ladi. Bu risolani faylasufning eng qadimgi asarlaridan biri sifatida baholash mumkin. Risolaning yozilgan sanasi aniq bo‘lmasa-da, M.Arkun 358-360/969-971 yillar oralig‘ida yozilgan deb hisoblaydi. Ibn Miskavayh risolaning boshida undan saodat darajalari haqida so‘ralganini va bu asarni shunga javoban yozganligini aytadi.

Ibn Miskavayh bu risolani “Tahzibul-axlaq” asarida to‘rt marta zikr qilib, ulardan uchtasida “Tartibul-saadat”, birida esa Tartibul-saadat va manozilul-ulum nomini tilga olgan.

[1] Hümeyra Özturan. İbn Miskeveyh Mutluluk ve Felsefe. Topkapı/İstanbul. 2019.

XULOSA

“Tartibul-saodat” ikkinchi darajali manbalarda kam tilga olinadigan asar bo‘lib, u haqida alohida tadqiqotlar deyarli yo‘q. Ibn Miskavayhning axloq falsafasiga oid manbalarga kelsak, Ibn Miskavayh falsafasi Majid Fahriyning “Islomda axloqiy nazariyalar” asarida “Tartibul-saodat”ga murojaat qilish orqali yetkazilgani ko‘rish mumkin. Bundan tashqari, islom falsafasi manbalarida, islom axloq falsafasiga oid asarlarda risola unchalik tilga olinmaydi, turkiy adabiyotda esa asar umuman ma’lum emasligini aytish mumkin. Shu sababli, Ibn Miskavayhning axloqiy falsafasi haqida gap ketganda, faylasufning axloqiy qarashlari asosan uning Tahzibul-axloqi bilan chegaralangan bo’lib chiqib, “Tartibul-saodat” esa e'tibordan chetda qolgan deyish mumkin.

REFERENCES

1. Hümeyra Özturan. İbn Miskeveyh Mutluluk ve Felsefe. Topkapı/İstanbul. 2019.
2. Abadiy hikmat. A. Badaviy tahriri ostida. Tehron, universitet nashr. Hijr.1358 y.-B.20.
3. Abd al- Aziz Izzat.»Tahdib ul-akhlaq». Ibn Miskaweyh. – Beyrut. 1963. –R. 15.
4. Abdul Aziz Izzat. Ibn Miskavayhning axloq falsafasi va uning manbalari. Qohira, 1946 y. – B.7
5. Ahmedov B. O‘zbekiston tarixi manbalari. T.,2001 y. - B. 130
6. Ibn Miskaweyh «Tahdib ul-akhlaq». Beirut. 1966. –R. 14-26.
7. Ibn Miskaweyh.Al-Khikmat al-holida. – Beirut. 1952. –R. 15-45.
8. Qodirov M. Markaziy Osiyo, Yaqin va O‘rta Sharqning falsafiy tafakkuri. –T.: 2010. –V. 225.
9. Sulaymonov, J. Abdurahmon ibn Xaldunning tamaddun taraqqiyoti haqidagi qarashlarida jamiyat tahlili//*Academic Research in Educational Sciences*, Vol. 2 Special Issue 1, 2021. 451-455 R.
10. Sulaymonov, J.Karimov N.Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-9 Issue-1, November, 2019. P. 593-599.
11. Sulaymonova, Shahnoza. Farabi ve Miskaway'in etik görüşlerinin karşılaştırmalı analizi//”Islam’in Altin Chag’inda Ilimlerin Gelişmesine Katki Yapan Bilim Onculeri” Uluslararasi Avrasiya Chalishmalari Simpoziumi. Istanbul. 2020.;
12. Sulaymonova, S. N. (2021). IBN MISKAVAYH MASHSHOIYYUNLIK YO‘NALIShINING SISTEMALASHTIRUVCHISI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 15-20.

13. Sulaymonova, S. N. (2021). ABU NASR FOROBIY VA IBN MISKAVAYHNING HAYOTIY FAOLIYATI, ILMIY MEROSI. Sharqshunoslik, 2(214-223).
14. Sulaymonova, S. N. (2021). IBN MISKAVAYHNING ARAB TILIDA YOZILGAN ASARLARI TAVSIFI. Academic research in educational sciences, 2(2).
15. Sulaymonova, S. N. (2022). IBN MISKAVAYH ASARLARIDA HIND AXLOQIGA OID MULOHAZALAR. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 25), 635-641.
16. Tavhidiy Abu Xayyon. Al-havomil vash-shamovil. – Kair. 1951. –S. 102.
17. Yaqut. Irshad al-arib ila ma’rifat al-adib. (Mujam al-udaba)/ Edited by S.D.Margoliouth. – Montana-Whitefish. 2010. Vol. I. –R. 88-96.
18. Шмид Э. А Рукопись 3 том Всемирной истории Ибн Мискавейха, в книге; “ Труды государственной публичной библотеки УзССР” Ташкент 1936.-С. 1.
19. Шмид Э. А Рукопись 3 том Всемирной истории Ибн Мискавейха, в книге; “Труды государственной публичной библотеки УзССР” Ташкент 1936.;
20. Шустер Б. Я Шестой том Всемирной истории Ибн Мискавейха как источник по социалным отношением в позднем халифате“. Краткие сообщения Инс. народов Азии”, 1961, Т. 47., Крачковийский И. Ю Новая рукопись пятого тома Ибн Мискавейха ИАН 1916, ст;

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ ҒЎЗА ЎСИБ-РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ТОЛАСИНИНГ ТЕХНОЛОГИК-ХЎЖАЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

А. Исашов
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти профессори, қ.х.ф.д.

Р. Шерматов
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ассистенти

АННОТАЦИЯ

Ғўзани суғоришда кўп сув ва бир қанча агротехник тадбирлар талаб қилади хамда ғўзаниг бўйи, симподиал шохлари, шонаси ва кўсак сонлари ҳисоби тупроқнинг сув-озуқа тартиби, томчилатиб суғориш усулда фақатгина пахта ҳосилига эмас, балки тола сифатига ҳам таъсир қилиши ахамият касб этган.

Калит сўзлар: Ғўза, тупроқ, суғориш, агрономия, тола, экин, сув.

ABSTRACT

Irrigation of cotton requires a lot of water and a number of agronomic measures. It is noted that the calculation of the height of cotton, sympodial branches, stems and stems affects the water-nutritional regime of the soil, drip irrigation affects not only the yield of cotton, but also the quality of the fiber[1].

Keywords: Cotton, soil, irrigation, agronomy, fiber, crop, water.

КИРИШ

Қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил олишда, сувни ўз вақти ва меъёрида етарли таъминланишига боғлиқ. Кейинги йилларда дунёда иқлимни глобал исиши таъсирида экологик мувозанатнинг бузилиши натижасида сув танқислиги юзага келмоқда. Маълумотларга кўра қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга яроқли бўлган сув миқдори, 2013 йилга нисбатан 2018-2019 йилларда сувнинг ҳажми 35-40 фоизга камайиб кетган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги кунда бутун дунё, айниқса, Оролбўйи минтақасида сув захираларининг танқислиги муаммоси

сувнинг жуда кўп мақсадларда ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлатилиши натижасида янада долзарб аҳамият касб этмоқда[2,3].

Ушбу шароитда сувнинг ҳар бир томчисидан имкон қадар самарали фойдаланиш талаб этилади. Бу талаб, айниқса, сувни энг кўп истеъмол қиладиган соҳа-қишлоқ хўжалиги учун ўта долзарбдир.

Сўнги 3 йил давомида Президентимиз томонидан чиқарилаётган қарорлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экинлардан юқори ҳосил етиштириш мақсадида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш, дехқончилик маданиятини янада юксалтириш учун истиқболли томчилатиб суғориш усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда кенг жорий этишга имкон яратиб бермоқда[4].

Шу фармон ва қарорларни амалга оширишда дехқон фермер хўжаликлари ерларида сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экинлардан юқори ҳосил етиштириш мақсадида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш, дехқончилик маданиятини янада юксалтириш учун истиқболли томчилатиб суғориш усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда кенг жорий этиш мақсадида биз 2019-2020 йилларда Андижон вилояти Избоскан туманидаги “Фахриддин замин инвест” фермер хўжалигининг 12 гектар пахта майдонида дала тажрибаси ўтказилди.

Дастлаб тупроқнинг қатламлари бўйича морфологик тузилиши, механик таркиби, ҳажм оғирлиги ҳамда сув сиғимлари аниқланди. Вегетация давринининг боши ва охирида тупроқдан бир метр қалинликгача намуна олиш йўли билан тупроқ-сув ўтказувчанлиги ўрганилди, генетик қатламлар бўйича тупроқ намуналари олиниб, улардаги умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари аниқланди. Ғўзанинг гуллаш, гуллаш-мева тугиш, пишиш фазаларида 0-15 см, 15-30 см қатламларида тупроқ намуналари олиниб, улардаги ҳаракатчан азот, фосфор ва калий миқдорлари ўрганилди[5,6,7].

Ғўзанинг униб чиқган кундан ҳисоблаб 1 июл, август, сентябр ойларида ғўзаниг бўйи, симподиал шохлари, шонаси ва кўсак сонлари ҳисобга олинди.

3,6,9-симподиал шохларидан 50 дона чаноқдаги пахта олиниб, ўртача 1 дона чаноқдаги пахта оғирлиги ўрганилди. Пахта толаси технологик ташхисидан ўтказилди. Минг дона чигитни массаси, ундаги ёғ миқдори аниқланди[7].

Томчилатиб суғориш усулида суғориш тупроқнинг ҳаво, сув, иссиқлик ва озуқа режимлари, ғўзанинг ўсиб-ривожланишига ижобий таъсир этди.

Ғўзанинг униб чиқиш ва бошланғич фазаларидаги ривожланиш муддати агроиқлим шароитларига қарамасдан тажриба йилларида унчалик ўзгариш бўлгани йўқ. Тажриба йилларида иқлим шароити ўзгариб турсада, томчилатиб суғориш усулида суғориш ғўзани ўсув-амал даврига ижобий таъсир этди. Ғўзанинг бўйи мавсум бошланишида ҳамма вариантларда бир хил бўлди (1-жадвал)

1 июлда 2-жадвалдаги кузатишларда шу нарса аниқландики 4-5 вариантларда ғўзанинг бўйи назорат вариантига қараганда 5.2-9.3см. юқори бўлганлиги аниқланди, юқоридаги вариантларда назорат вариантига нисбатан ҳосил шохлари, шона сонларини кўпайиш тенденцияси кузатилган.

1-жадвал

Ғўзанинг ўсиб-ривожланиши

Вариантлар	1-июль			1-август				1-сентябр	
	Ғўза бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Шона-си, дона	Ғўза бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Шона-си, дона	Кўсак сони, дона	Кўсак сони, дона	Шу жум-ладан очилгани, дона
2019 йил									
1	56,3	5,6	5,7	84,0	13,8	7,7	4,1	9,4	3,4
2	59,3	6,7	6,8	88,0	14,9	8,8	5,3	10,0	4,6
3	63,3	6,9	6,9	89,0	15.1	9,1	6,0	10,6	4,6
4	64,3	7,0	7,1	89,8	15,4	11,2	6,2	10,9	4,8
5	64,5	7,1	7,2	90,2	15,9	13,4	6,6	11,9	5,3
2020 йил									
1	57,2	5,5	7,7	84,0	13,8	7,7	4,2	9,6	3,4
2	60,3	6,2	8,8	88,0	14,9	8,8	6,3	10,2	5,6
3	64,3	6,6	8,9	89,2	15,1	9,1	6,5	10,8	5,7
4	66,3	6,9	9,1	90,8	15,4	11,2	7,2	10,9	5,8
5	67,5	7,0	9,2	94,2	16,9	15,4	8,6	12,9	6,3

Пахтачиликнинг асосий вазифаси бу пахта толасини зарур ҳажмда ва тўқимачилик саноати учун тип ва саноат навлари бўйича етиштиришдир. Биринчи нав пахта хомашёси сентябрь-октябрь ойларида, яъни йиғиштириб олингач бир-икки ой мобайнида қайта ишланса (келаси йил июнь-июль ойларида) биринчи навдан тола чиқиши 30-31, иккинчи навдан учинчи ва тўртинчи навлардан 9 фоизгача камаяди[8,9]

Тупроқнинг сув-озуқа тартиби, томчилатиб суғориш усулда фақатгина пахта ҳосилига эмас, балки тола сифатига ҳам таъсир қилади (1-жадвал). Пахта толасининг хўжалик ва

технологик кўрсаткичлари томчилатиб суғориш усулида суғорилганда: 1000 дона чигит массаси 134.1 г, тола чиқиши 36.7 мм, тола узунлиги 33,6 мм, узилиши 4,5 г/с. ни ташкил этса, бу кўрсаткич назорат вариантда- 100,6; 35.4; 33,4 : 4,4 ни ташкил этди[10,11,12].

2-жадвал

Пахта толасинитехнологиква хўжалик кўрсаткичлари 2019-2020 йил

Вариантлар	1000 дона чигитма ссаси, г	Тола чиқиши, %	Тоза узунлиги, мм	Узилиш кучи, г,/с	Метрик рақами	Чўзилиш узунлиги, см
1	100,6	35,4	33,4	4,4	5233	28,2
2	100,9	35,6	33,4	4,4	5740	29,3
3	120,3	35,7	33,2	4,5	5765	29,3
4	120,8	35,7	33,5	4,5	5765	28,2
5	134,1	36,7	33,6	4,5	5765	29,3

ХУЛОСА

Андижон вилояти сизот сувлари 3.5-5 м. бўлган оч тусли бўз тупроқларда ғўзанинг “Андижон-36” навини томчилатиб суғориш технологиясини сув-озиқа тартиби, уларнинг ўсиб ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосилдорлигига қандай таъсир кўрсатишини ўрганиш бўйича дала тажрибалари асосида шундай хулосага келинди:

- сув тежамкор томчилатиб суғориш суғориш технологиясини ғўза навини суғориш тартибларига таъсирини ўрганилди;

- ғўза навининг сув тежамкортомчилатиб суғориш технологиясини хайдовдан кейин чуқур юмшатишни ғўзани ўсиш ва ривожланиши хамда хосилдорлигига таъсирини аниқланди;

- ғўза навининг сув тежамкор томчилатиб суғориш технологиясини тупроқдаги озуқа моддалар миқдорига таъсирини аниқланди;

- сув тежамкор томчилатиб суғориш технологиясини ғўза навларини ҳосилдорлигига ва пахта толасининг технологик кўрсаткичларига таъсирини аниқланди;

-пахтадан юқори хосил олишни таъминловчи тупроқнинг мақбул сув олди намлик тартиби ЧДНСга нисбатан 70х75х60 фоизни ташкил этади. Бунда суғориш

муддатини аниқлаш учун ҳисобий қатлам гуллагунча ва пахта очилганда 0-75 см, гуллаш, хосил тўплашда 0-100 см. ни ташкил этади;

-томчилатиб суғориш усулида сув эгат узунлиги бўйича намликни бир хилда тақсимланишига олиб келади, назоарт вариантга қараганда тақсимланиш коэффициенти 0,7-0,9 га ортади[13];

REFERENCES:

1. Ахмедов А. “Сувтежаш технологиялари” // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2008 йил 8-сон. - б. 37.
2. Безбородов Г.А. ва бошқалар – Ғўзани суғоришнинг сувтежовчи технологиялари ва маъдан ўғитлар билан озиқлантиришнинг самарали усуллари”- // ПСУЕАИТИ “Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, 2016 йил. II-қисм. - б. 111-115.
3. Исашев А., Мамаджанова Н. “Тажриба даласининг сувистеъмоли”.// Agroilm.- Тошкент, 2018.- № 4(54), - б. 73-74.
4.Камбаров Б.Ф., Цой О.Г., Курбонов З.М. «Методика техники и технологии поливов». //Режим орошения и техника мониторинга//. Тароз, 2002, - с. 82 - 88.
4. Allen, R. G., Clemmens, A. J., Burt, C. M., Solomon, K. and O’Halloran, T., Prediction accuracy for project wide evapotranspiration using crop coefficients and reference evapotranspiration. J. Irrig. Drain. Eng., 2005, 13, p. 24-36.
5. Allen, R. G. et al., A recommendation on standardized surface resistance for hourly calculation of reference ET0 by the FAO 56 Penman-Monteith method. Agric. WaterManage., 2006, 81. - p. 1-22.
6.Surin V.A., Sabitov A.U., Zuxriddinov S.S. Orositelnaya system. vtorskoesvidetelstvo №1658918 A 01 G 25/06 g. Moscow 1991
7.Surin V.A., Sabitov A.U., Zuxriddinov S.S. Technique samotechnogopoliva on terrasirovannyxsklonax. Land Reclamation and Water Resources Moscow №4, 1995.st 24 ... 26
8. Абдулхаков Ф. Х. и др. EFFECTS OF HUMIN PREPARATION FROM PEAT IN GROWING GHAZANI WITH IRRIGATION WATER //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2020. – №. 2-2. – С. 65-71.
9. Закиров Р. и др. THE PRIORITY METHOD OF DRIP IRRIGATION IS TINNING IN INTENSIVE GARDEN CONDITIONS //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2020. – №. 2-2. – С. 72-76.

10. Исашов А., Махмудов Д., Қамбаров Ш. ХАЙДОВДАН КЕЙИНГИ ЧУҚУР ЮМШАТИШ АГРОТЕХНИКАСИ БИЛАН ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ТУПРОҚ ҲАЖМ МАССАСИГА ТАЪСИРИ //International scientific journal of Biruni. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 22-27.
11. Isashov A. Sobitov O //Ispol'zovanie novykh netraditsionnykh vodosberegayushchikh, a takzhe uluchshayushchikh meliorativnoe sostoyanie zemel', metodov tekhniki i tekhnologii polivov na proektiruemykh oroshaemykh zemlyakh.
12. Исашов А., Махмудов Д., Қамбаров Ш. ҲАЙДОВДАН КЕЙИНГИ ЧУҚУР ЮМШАТИШ АГРОТЕХНИКАСИ БИЛАН ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ТУПРОҚ ҲАЖМ МАССАСИГА ТАЪСИРИ //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 1394-1400.
13. Исашов А. и др. ПРИМЕНЕНИЕ ВНУТРИПОЧВЕННОГО ОРОШЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ //Российский электронный научный журнал. – 2015. – №. 1. – С. 175-179.

MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASASI VA MAKTAB XAMKORLIGI YO`LLARI

Lola Uchqunovna Abdullaeva
CHDPU "Maktabgacha ta'lim" fakulteti Maktabgacha ta'lim metodikasi kafedrasi o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Mamlakatimizda mustaqillik yo'lidagi ilk qadamlardanoq jamiyatning barcha sohalarini qamrab olgan siyosit va iqtisodiy tub islohotlar amalga oshirila boshlandi. Ta'lim sohasida, jumladan uning birinchi pog'onasi hisoblanmish maktabgacha ta'lim sohasida ham katta o'zgarishlar qilinmoqda. MTM bilan maktab o'rtasidagi izchillik ta'limning shakl va uslublarida ham bu o'z aksini topgan. Bugungi kunda ushbu izchillik dozlarb masaladir. Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim muassasasi va maktab xamkorligi yoritilgan.

Kalit so'zlar: tarbiya , ta'lim, faoliyat, bolalar, yosh, o'yin, qonun.

ABSTRACT

From the very first steps on the path to independence, our country has undergone radical political and economic reforms that cover all spheres of society. Significant changes are taking place in the field of education, including pre-school education, which is its first step. The coherence between PSE and the school is reflected in the forms and methods of education. Today, this consistency is a matter of dosage. This article discusses preschool and school partnerships.

Keywords: upbringing, education, activity, children, age, play, law.

Maktabgacha ta'lim uzluksiz ta'lim tizimining boshlang'ich bosqichi hisoblanadi va O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» to'g'risidagi Qonun talablari asosida tashkil etiladi.

Maktabgacha ta'lim sog'lom, har tomonlama yetuk bolalarni tarbiyalash uchun zarur tashkiliy, uslubiy, psixologik, pedagogik shart-sharoit yaratadi, bolalarni maktabda muntazam ravishda ta'lim olishga tayyorlash ota-onalarga yordam beradi. So'ngi yillarda maktabgacha ta'lim tizimini takomillashtirish, ta'lim tarbiya mazmuni shakli vosita va metodlarini yangilashga alohida e'tibor berilmoqda.

MTMda bolalarni bilim, ko'nikma va malakalari har o'quv yili yakunida nazorat mashg'ulotlar orqali tekshirilib boriladi. 6-7 yoshdagi bolalarning maktabga tayyorgarlik darajasi ushbu davlat talablari ko'rsatkichlari asosida tekshiriladi.

Tayyorlov guruhi bolalarini maktabda o‘qishga tayyorlash muhirn o‘rinni egallaydi. U maktabgacha bolalikni yakunlaydi va maktabda o‘qishga o‘qituvchi bosqich hisoblanadi. Ayni shu davrda bolalar xulq-atvori, faoliyatida ularning aqliy, ma’naviy-irodaviy va ko‘tarinki sohalariga aloqador keyingi o‘qitishlar uchun muhim bo‘lgan xususiyatlar faol shakllanib boradi. Tayyorlov guruhi tarbiyachisining asosiy e’tibori barcha bolalarning maktabgacha ta’lim dasturida nazarda tutilgan mazmunni to‘liq egallab olishlariga qaratiladi, chunki bu maktab ta’limiga to‘laqonli tayyorlashning majburiy sharti hisoblanadi. Bolalarni maktabga tayyorlash vazifalaridan kelib chiquvchi katta guruhlardagi pedagogik jarayon o‘ziga xosdir. Bu o‘ziga xoslik maktabning ta’lim-tarbiya ishlaridan nusxa ko‘chirishgina emas, balki bolalarning ularda maktabda muvaffaqiyatli o‘qitish uchun zarur bo‘ladigan sifatlarni og‘ishmay shakllantirishga yo‘llangan faoliyat va xulq-atvorlarini maxsus tashkil etilishidadir.

Tayyorlov guruhiga kelganda bolaning har xii faoliyatlarida: o‘z-o‘ziga xizmat qilishda, navbatchi likda, tabiat qo‘ynidagi mehnatida mustaqil namoyon bo‘la boshlaydi. Boladagi mustaqillik va tashkilotchilik qobiliyati tarbiyachining bevosita rahbarligida ularning hamma faoliyatlarida shakllantirilib boriladi.

Jismoniy tarbiya dasturini bajarish umumiy vazifalarni amalga oshirish bilan bir qatorda, bolalarda ertalabki badantarbiya va jismoniy mashg‘ulotlarni bajonidil bajarish, o‘z harakatlarini takomillashtirishga xohish tarbiyalanadi. Shuning uchun bolaning jismoniy, aqliy faolligini va ish qobiliyatini o‘stiruvchi harakat faolligini rivojlantirish kerak. Tayyorlov guruhi bolalarini maktabda o‘qishga tayyorlash muhirni o‘rinni egallaydi. U maktabgacha bolalikni yakunlaydi va maktabda o‘qishga o‘tuvchi bosqich hisoblanadi. Ayni shu davrda bolalar xulq-atvori, faoliyatida ularning aqliy, ma’naviy-irodaviy va ko‘tarinki sohalariga aloqador keyingi o‘qitishlar uchun muhim bo‘lgan xususiyatlar faol shakllanib boradi.

Tayyorlov guruhi tarbiyachisining asosiy e’tibori barcha bolalarning maktabgacha ta’lim dasturida nazarda tutilgan mazmunni to‘liq egallab olishlariga qaratiladi, chunki bu maktab ta’limiga to‘laqonli tayyorlashning majburiy sharti hisoblanadi. Bolalarni maktabga tayyorlash vazifalaridan kelib chiquvchi katta guruhlardagi pedagogik jarayon o‘ziga xosdir. Bu o‘ziga xoslik maktabning ta’ lim-tarbiya ishlaridan nusxa ko‘chirishgina emas, balki bolalarning ularda maktabda muvaffaqiyatli o‘qitish uchun zarur bo‘ladigan sifatlarni og‘ishmay shakllantirishga yo‘Ilangan faoliyat va xulq-atvorlarini maxsus tashkil etilishidadir.

Tayyorlov guruhiga kelganda bolaning har xil faoliyatlarida: o‘z-o‘ziga xizmat qilishda, navbatchi likda, tabiat qo‘ynidagi mehnatida mustaqil namoyon bo‘la boshlaydi. Boladagi mustaqillik va tashkilotchilik

qobiliyati tarbiyachining bevosita rahbarligida ularning hamma faoliyatlarida shakllantirilib boriladi.

Jismoniy tarbiya dasturini bajarish umumiy vazifalarni amalga oshirish bilan bir qatorda, bolalarda ertalabki badantarbiya va jismoniy mashg‘ulotlarni bajonidil bajarish, o‘z harakatlarini takomillashtirishga xohish tarbiyalanadi. Shuning uchun bolaning jismoniy, aqliy faolligini va ish qobiliyatini o‘stiruvchi harakat faolligini rivojlantirish kerak. To‘g‘ri tashkil etilgan sayr bolalarni ng jismoniy rivojlanishida muhim o‘rin tutadi.

Tarbiyachi bolalarning normal uxlashi va ovqatlanishini ta’minlash bo‘yicha g‘amxo‘rlik qilib boradi. Ta’lim berish uslublaridagi izchillikning muhim sharti bolalarning bilim, malaka va ko‘nikmalarni ongli egallab olishlariga erishish, bog‘chada va maktabda ularning aqliy qobiliyatlarini va ijodiy faolliklarini o‘stirishdi r. MTMi va maktabning boshlang‘ich sinfida qo‘llani ladigan juda ko‘p usullar bir xil bo‘lib, ular bolalarning aqliy, axloqiy-irodaviy rivojlanishlarini yaxshilashga qaratil gan, shu bilan birga ularning yangi mazmundagi bilimlarni egallashga, amaliy faoliyatga, bilishga qiziqishini oshirib, o‘qituvchi bilan dars jarayonida yuzaga keladigan munosabatlar- ning murakkabroq shakllarini egallab olishlarga yordam beradi.

Tarbiyachining mashug‘ulotlar jarayonida bolalarning amaliy faoliyatlariga, bilish jarayoniga bunday raxbarlik qilishi maktab va MTM o‘rtasidagi ta’lim usulidagi izchillikning asosini tashkil etadi.

Maktabdagi dars, MTMidagi mashg‘ulot bir muncha o‘ziga xos xususiyatlarga ega, shu bilan birga ta’limning tashkiliy asosda olib borilishida esa umumiylik sezilib turadi. Mashg‘ulot va darslarning mazmuni aniq dastur asosida olib borilishi, aniq belgilangan vaqt ajratilishi, pedagogning rahbarlik roli, ta’limning ilmiy asoslangan metod va usullaridan foydalanish, ta’lim berish jarayonida bolalarda o‘quv faoliyati elementlari, o‘z xulqini ixtiyoriy boshqarish qobiliyati, ma’lum maqsadga qaratilgan aqliy ish bilan shug‘llanish qobiliyati tarbiyalab boriladi. Bular hammasi bolani maktab ta’limiga faol kirishib ketishga tayyorlaydi.

Shunday qilib, MTMlari bilan maktab o‘rtasida ta’lim-tarbiya ishidagi izchillik bola shaxsini aniq maqsad bilan har tomonlama rivojlantirib borish imkonini yaratadi.

Maktabgacha ta’lim muassasasi va maktab o‘rtasidagi aloqa ikki yo‘nalishda olib boriladi:

1. Maktabgacha ta’lim muassasasi bilan maktabning pedagoglar jamoasi o‘rtasidagi aloqa.

2. Maktabgacha ta’lim muassasasi bolalari va boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini bir-birlariga yaqinlashtirish.

Maktabning boshlang‘ich sinf o‘quvchilari katta va tayyorlov guruhlari olib boriladigan ishlar mazmuni bilan tanishib boradilar va maktabda ta’lim berishda bolalar egallagan bilim, malaka va ko‘nikmalarga asoslanadilar.

MTM bilan maktab pedagoglarining o‘zaro aloqa o‘rnatishlaridan ko‘zlangan asosiy maqsad bolalarni zamon talabiga javob beradigan darajada maktab ta’ limiga tayyorlash uchun o‘quv tarbiyaviy ishlar bo‘yicha maktab bilan maktabgacha ta’lim muassasasi o‘rtasida mustaxkam aloqa o‘rnatish, bolalarning maktabda muvaffaqiyatli o‘qib ketishlari uchun MTMsi va maktabda olib bori layotgan ta’lim-tarbiyaviy ishlarni chuqur tahlil qilib, bu sohada yuqori natijalarga erishishdir.

Maktabgacha ta’lim muassasasi bilan maktab o‘rtasidagi aloqaning mazmuni va shakllari yuqoridagi vazifalarga qarab belgilanadi.

MTMsi bilan maktab pedagogik tashviqot, metodik va amaliy masalalar yuzasidan bir-biri bi lan aloqa bog‘laydi. Pedagogik tashviqot ishlari MTMsi maktabga tayyorlov guruhi tarbiyach isining va birinchi sinf o‘qituvchisini MTMning maktabga tayyorlov guruhi da va birinchi sinfda olib boriladigan ta’l im-tarbiyaviy ishlar vazifasi bilan tanishtirishni, maktabga tayyorlov guruhi va I sinf dasturi mazmunini , tayyorlov guruh i bolalari va maktabdagi 1 sinf o‘quvchilarining o‘ziga xos xususiyatlarini o‘rganishni taqozo etadi. Mana shunday usulda ish olib bori lganda o‘qituvchi va tarbi yachilar maktabni 1 sinf va MTMni tayyorlov guruhidagi bolalarga xos bo‘lgan yosh xususiyatlarini, ularning ruhiy tabiatini, aqliy va ijtimoiy rivojlantirshlarini tushunib, ularni maktabga tayyorlov masalalarini yaxshiroq anglab olishlarida yordam beradi.

Bu maqsadni amalga oshirishda maktabgacha ta’lim muassasasi bilan maktab o‘rtasida quyidagicha konkret aloqa shakllari o‘rnatiladi: o‘ qituvchi va tarbiyachilar bolalarni maktabga tayyorlash va uzviylik masalalari bo‘yicha, bolalarni maktabga tayyorlash bo‘yicha birgalikda o‘tkaziladigan tadbirlarning mosligini muhokama qilish uchun seminar, pedagogik kengashlarda qatnashish, shuningdek bolalarning yosh xususiyatlarini, ularning MTMdan maktabga o‘tishlaridagi ruhiy qiyinchiliklar, maktab sharoitiga qiynalmay moslashishlariga yordam beruvchi omillar bo‘yicha tarbiyachi va o‘qituvchilar tomonidan tayyorlangan leksiyalar orqali tajriba almashuv va boshqalar kiradi.

Maktabgacha ta’lim muassasasi bilan maktab o‘rtasidagi uzviy aloqaning pedagogik vazifasi MTMning tayyorlov guruhida va maktabning 1-sinfida olib boriladigan ta’lim-tarbiyaviy ishlarni amalga oshiradigan faoliyat shakllari va usullari bilan o‘zaro tanishishni taqozo etadi.

Maktabgacha ta’lim muassasasi bilan maktab o‘rtasidagi aloqaning amaliy vazifasi, shundan iboratki, bir tomondan, o‘qituvchi MTMning tayyorlov guruhiga borib o‘zining bo‘lajak

o‘qituvchilari bilan tanishib boradi, ikkinchi tomondan tayyorlov guruhi tarbiyachilari o‘zlarining sobiq tarbiyalanuvchilari birinchi sinfda qanday o‘qiyotganini o‘rganib boradilar. Bolalarni maktabga kuzatishda har bir bolaga aniq tavsifnoma beriladi.

Bu tavsifnomada tarbiyachi har bir bolaning rivojlanishidagi o‘ziga xos xususiyatlarni ochib beradi, bu o‘qituvchiga bola bilan munosabatda bo‘lganda pedagogik nuqtai nazardan to‘g‘ri yondashishda yordam beradi. Tarbiyachi ham o‘z navbatida 1- sinfga borgan bolalari bilan izchil ravishda aloqa bog‘lab boradi, darslarda bevosita qatnashib qanday o‘qiyotganlari, xulqi, o‘qishdagi muvaffaqiyatsizliklari sababini o‘qituvchidan so‘rash orqali ham aniqlab boradi. Bular hammasi tarbiyachini bolalar bilan olib borgan ta’lim tarbiyaviy ishidagi yutuq va kamchiliklarni bilib olishga imkon yaratadi.

Tarbiyachi va o‘qituvchilar ilg‘or tajribalarni tarqatish, tashviqot, targ‘ibot qilish maqsadida shahar, rayon konferensiyalarida qatnashib fikr al mashadilar.

Maktabgacha ta’l im muassasasi bilan maktab o‘rtasidagi uzviy aloqa samarali bo‘lishi uchun quyidagi shartlarga rioya qilish lozim. MTM bilan maktab o‘rtasidagi aloqa izchil amalga oshirib borilishi, u uzoq muddatga mo‘ljallangan bo‘lishi, amalga oshiriladigan ishlar, hal etiladigan masalalar rejali tusda bo‘lishi zarur.

Hamkorlik asosini birgalikda ishlash bo‘yicha tuzilgan istiqbol rejasi tashkil etib, unda o‘zaro aloqaning bosh vazifasi, mazmuni, ish shakllari, vaqti, bajarish uchun javobgar shaxslar ko‘rsatilishi lozim.

Maktab bilan MTM yil davomida mana shunday aloqa o‘rnatib borishi natijasida ta’lim-tarbiyaviy ishlar yaxshi natija beradi.

Bolalarni maktab o‘quvchilariga yaqinlashtirish shakllari ham xilma-xil: maktabga ekskursiya uyushtirish, maktab muzeyiga, sinf xonasiga, kutubxona, ustaxonaga borish, birgalikdagi mashg‘ulotlar, bayram ertaliklari, musiqa-badiiy kechalar o‘tkazish, rasmlar hamda loy plastilindan yasalgan o‘yinchoqlar ko‘rgazmasini tashkil etish va boshqalardir.

Ta’limning tarbiyalovchi va rivojlantiruvchi xususiyati hozirgi zamon ta’limiga xos prinsipdir. Bu bolalardagi bilimga qiziq ish va bilish jaryonlarini rivojlantiradi. Buning uchun bolalarga beriladigan bilim, malaka, ko‘nikmala ma’lum izchillik bilan takomillashtirilib boriladi. Natijada bolalar kattalarning ko‘rsatmasi va namunasi bo‘yicha ish-harakatlarni bajarishga, oldin egallagan bilimlarini yangi faoliyatda qo‘llashga, o‘zining xulqi, ishi, hatti-harakatini nazorat qilish va to‘g‘ri baholashga o‘rganib boradilar.

Bolalarda topshiriqqa ongli munosabat shakllanadi. Tarbiyachining tushuntirish va ko‘rsatmalarini diqqat bilan tinglash, o‘z ishida yaxshi natijaga intilishi, ma’lum tezlik va izchillikda diqqat bilan ishlash malakasi shakllanadi, ish qobiliyati ortadi.

Tarbiyachi mashg‘ulot paytida har bir bolaning diqqati, tafakkuri, xotirasi, bilim va malaka darajasidagi o‘ziga xos xususiyatlami e’tiborga oladi.

Ta’lim jarayoniga alohida yondoshish aqliy vazifalarni, ularni bajarish usullarini murakkablashtirib borishni sekin-asta amalga oshirishni taqozo etadi. Masalan, bola biror narsani o‘zicha hikoya qilib bera olmasa, tarbiyachi unga mavzuga doir reja beradi, keyinchalik ishni mustaqil bajarishni topshiradi. Alohida yondoshish orqali tortinchoq, sust bolalar faollashtirib boriladi, materialni yaxshi o’zllashtiradigan bolalarga topshiriq murakkablashtiriladi.

Demak, maktabga tayyorlov guruhida qo‘llaniladigan metodlarning o‘ziga xos tomoni bor. Ko‘rgazmali metodlar bu erda faqat harakat usulida ishlatilmay, shu bilan birga bolalarning fikrlash faol iyatini faollashtirish uchun ham qo ’llaniladi.

Masalan, manzarali rasm chizish mashhg‘ulotida namunan ko‘rsatishdan mashg‘ulotning boshida xotirani, xayol obrazini jonlantirish uchun foydalaniladi, mashug‘lotning oxirida esa o‘zining bajargan ishini, rasmni to‘g‘ri bajarganini tekshi rish uchun namuna bilan taqqosligi ko‘rish maqsadida foydalaniladi.

Bilimlarni bolalar puxta o‘zlashtirib olshilari, ta’lim jarayonini faollashtirish maqsadida amaliy va o‘yin metodlarini ko‘rgazmali metod bilan to‘g‘ri qo‘shib olib borishda og‘zaki metod katta ahamiyatga ega. O‘yin metodlari, ayniqsa didaktik o‘yinlar metodi ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmaydi. Chunki ta’lim o‘yinlar, ayniqsa didaktik o‘yinlar orqali olib borilgan bolalar o‘quv vazifasini yaxshiroq anglab oladilar, bu ulardagi ixtiyoriy diqqatni oshiradi, faoliyatni faollashtirib, bilishga qiziqishni kuchaytiradi.

REFERENCES

1. Maxmudova O.A., Maxmudova S.A. "Maktabgacha ta`lim tizimida plastik materiallar bilan ishlash texnologiyalari". O`quv qo`llanma. "NISO POLIGRAF". Toshkent, 2019-120b.
2. Maxmudova O.A. "Maktabgacha yoshdagi bolalarni rasm chizishga o`rgatish metodikasi". O`quv qo`llanma. "NISO POLIGRAF" Toshkent, 2019 y.-152 b.
3. Kumon Publishing. Geometry & Measurement Grade 1 PDF Math Workbook, Kumon Publishing, 2008 USA, – 80 p
4. Djuraeva D.R. Maktabgacha ta’lim yoshdagi bolalarga ta’lim-tarbiya berishning zamonaviy tendentsiyalari. Uslubiy qo‘llanma - T.: 2015.

HYGIENIC ASSESSMENT OF THE ACTUAL NUTRITION OF CHILDREN ATHLETES PARTICIPATED IN CHESS

Javokhir Bakhodirovich Khaitov
Department of Children, Adolescents and Food Hygiene Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan E-mail.javohirhayitov@mail.ru

Khusan Raxmatulloyevich Khakberdiev
Department of Children, Adolescents and Food Hygiene Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan E-mail husan.haqberiyev1985@gmail.com

Eldor Mamurjonovich Buriboev
Department of Children, Adolescents and Food Hygiene Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan E-mail eldor.buriboev@tma.uz

Aida Sheraliyevna Kamilova
Department of Children, Adolescents and Food Hygiene Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan E-mail aida.kamilova1988@gmail.com

Bobirjon Abdunabiyevich Abdurakhimov
School of Public Health, Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan E-mail bobirjonabdurahimov@mail.ru

ABSTRACT

In the Republic of Uzbekistan, age norms have been developed, as well as average daily food sets and daily requirements for energy and basic nutrients for student athletes, however, these norms have not been developed for children and adolescents playing chess, which makes the problem of developing such norms with taking into account the actual nutrition of students - athletes involved in chess.

Keywords: actual nutrition of children and adolescents involved in chess.

Nutrition is a vital human need. The main tasks of nutrition are to provide the human body with energy, plastic substances and biologically active components. Any deviation from the adequate supply of nutrients to the body can cause significant damage to health, lead to a decrease in resistance to adverse environmental factors, deterioration of mental and physical performance.

A healthy child is the main problem of the near and distant future of any country, since all the potential (both economic and creative), all the prospects for social and economic development, a high standard of living, science and culture - all this is the result of the level of health achieved by children, their physical and intellectual performance.

Modern sport is a sport of high achievements, when a child is sent to sports sections from the age of 3-4, and he begins to endure excess loads in a completely unchildish way. The main task of parents and coaches in such realities of our time is to adequately adapt the child to this process, which cannot be done without proper healthy nutrition, taking into account age, health characteristics, type of sports activity, the period of training sessions and competitions, restorative rest, etc. However, not all coaches and athletes are familiar with the basics of nutrition science, and for this reason, athletes most often organize their nutrition incorrectly, often being carried away by a narrow circle of food. Excessive passion for any one type of food is not justified and cannot contribute to improving athletic performance.

There is a fairly large amount of data indicating that the actual nutrition of athletes during periods of training and competition does not always meet the elementary requirements of rational nutrition. When optimizing the nutrition of athletes, its phased organization seems to be the most appropriate. At the first stage, the nutrition of athletes should be streamlined within the framework of a balanced nutrition formula for a healthy person, taking into account the available data on the needs of athletes for energy and essential nutrients.Результаты исследования и их обсуждение. During the survey, attention was drawn to the fact that children, especially younger ones, are very poorly oriented in matters of the importance and rationality of nutrition. It should be noted that with increasing age in children and adolescents, knowledge on the consumption of basic foods becomes more complete.

An analysis of the provision of the studied children with basic food products showed that the actual nutrition of schoolchildren-athletes aged 7-10, 11-13 and 14-16 years old is not balanced and is deficient in some food products, due to the irrational hierarchy of food packages. According to the questionnaire survey, diets are characterized by the predominance of bakery, flour-grinding and confectionery products. In the daily diet, against the background of non-fulfillment of nutritional standards for fresh vegetables and fruits, the deficiency of dietary fiber in the diet was 90%.

When studying the consumption of bakery products, it was found that children and adolescents aged 7 to 10 years in the winter-spring period by 40%, and in the summer-autumn period

by 29% consumed them more than the norm. Similar increased rates were obtained for children aged 11-14 and 15-16 (42.5 and 28.3%). Widespread consumption by teenage boys aged 15-16 of various fast foods (hamburgers, hot dogs, french fries, etc.) was noted.

Girls at this age consumed confectionery and ice cream excessively.

Due to the insufficient amount of vegetables and fruits, a low level of minerals and vitamins was found in the diets of children. Chess players do not receive a number of essential ingredients (dietary fibers, essential trace elements and phospholipids) in the required amount.

Thus, the actual nutrition of children and adolescents in Uzbekistan involved in chess sports is irrational, deficient in almost all indicators; nutrition is poorly organized, there is a violation of the diet.

To ensure the harmonious development of children involved in chess, to increase their mental and physical performance, we have made a number of proposals that take into account both the identified shortcomings and the nutritional and biological value of the recommended products.

Protein is a particularly important component in the nutrition of a chess player, as it activates the release of adrenaline, which turns on the brain and increases the reaction rate. In this regard, it is recommended to increase the use of protein products as an animal (meat and meat products, eggs, fish products, chicken, rabbit, etc.) and plant origin (legumes).

Chess players - people engaged in intense mental work, it is advisable to eat meat, fish, cottage cheese, rye bread, peas and potatoes. These products contain B vitamins (B1, B2, B6 and B12) that are beneficial for the nervous system.

The diets of chess players should contain a lot of vegetables and fruits - sources of antioxidants, vitamins and minerals. This creates the best conditions for metabolism, increasing the body's resistance to infectious diseases, slowing down the development of atherosclerosis, normalizing the activity of the nervous system, increasing mental performance.

When organizing the daily nutrition of chess players, the following regimen and nature of nutrition is recommended: breakfast - a hot dish, a sandwich, a glass of tea or coffee; second breakfast (during a long break at school or at 12 o'clock at home); lunch should be after the school day and consist of at least three courses; at 15-16 hours, an afternoon snack is advisable (a bar of dark chocolate -30g, cookies, a cup of coffee or tea with sugar); dinner should be no later than 19-20 hours and consist of three courses.

Conclusion The conducted studies have shown that the nutrition of children and adolescents learning chess is carried out without taking into account the type of sport they play. The actual nutrition of these children and adolescents is unbalanced, not corresponding to their physiological needs, which is largely due to the failure to meet daily nutritional requirements - food consumption is generally lower by 12-13%. As a result, the content of protein, fat, minerals and vitamins in the diets of the examined children and adolescents does not meet age-related physiological norms, which requires a system of measures to optimize the nutrition of this group of students.

REFERENCES

1. Topanova A.A. Evaluation of nutritional status and individual nutritional correction of young athletes. Abstract of Candidate of Diss.- St. Petersburg.- 2009.- 324p.
2. Khaitov Zh.B., Shaykhova G.I. Hygienic assessment of the actual nutrition of school-age children involved in chess. / Collection of proceedings of the scientific-practical conference (with international participation) "Modern achievements and prospects for the development of health care and the population" - Tashkent-2019.
3. Tutelyan, V.A., Nikityuk D.B., Pozdnyakov A.L. Optimization of nutrition of athletes: realities and prospects // Vopr. Nutrition. - 2010. - T. 79, No. 3
4. Azizbekyan G.A. Principles of optimal nutrition for athletes of various specializations // Problems of nutrition. -2010.- Vol. 79, No. 4.
5. Pshendin A.I., Dondukovskaya R.R. Features of nutrition of young athletes // Theory and practice of physical culture. - 2003. - No. 3.
6. Chemical composition of food products. Book. 1: Reference tables of the content of essential nutrients and the energy value of food products / Ed. I. M. Skurina, I. M. Volgareva. - 2nd ed., revised. and additional - M .: Agropromizdat, 1987.
7. Hygienic requirements for catering for students of sports schools of the Republic of Uzbekistan. SanPin RUz No. 0333-16.
8. Chemical composition of Russian food products. Edited. I.M. Skurikhin and V.A. Tutelyan. - M .: DeLi print. - 2002.
9. Average daily rational norms of food consumption by sex and age, professional groups of the population Uzbekistan, SanPin No. 0250-08.
10 Aulin K.P. Minerals: Calcium // Nutrition in Sport / Maughan R.M. (Ed).- Blackwell Science Ltd., 2000.

МИКОГЕН СЕЗУВЧАНЛИК ВА УНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Дилафруз Гайратовна Абдуллаева
PhD, доцент
E.mail:abdullaeva.dg1976@gmail.com

Хусан Рахматиллоевич Ҳақбердиев
Ассистент, Тошкент тиббиёт академияси, болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси, Тошкент, Ўзбекистон
E-mail husan.haqberiyev1985@gmail.com

Аида Шералиевна Камилова
Тошкент тиббиёт академияси, болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси, Тошкент, Ўзбекистон
E-mail aida.kamilova1988@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Илмий мақола иссиқ иқлим шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари ва замбуруғларга сезувчанлик тарқалиши ҳамда унинг профилактикасини ўрганишга бағишланган. Ҳозирги кунда дунёнинг турли мамлакатларида замбуруғлар аллергик касалликларнинг этиологик омили сифатида маълум бўлиб, беморлардан тўлиқ йиғилган анамнез асосида ва in vitro замонавий ташхисот ёрдамида замбуруғ аллергенларига сезувчанликни ўрганиш мумкин. Иссиқ иқлим шароитида Aspergillus, Penicillium, Cladosporium, Alternaria ва Rhizopus каби моғор ва ачитқи замбуруғларига нисбатан иммуноглобулин Е антитаначаларни аниқлаш, ташхисот ва даволашга фақатгина алоҳида ёндашув ёрдамида муваффақиятга эришиш мумкин.

Калит сўзлар: озиқ-овқат маҳсулотлари, замбуруғ аллергенлари, аллерген махсус иммуноглобулин Е, атопия, ташқи муҳит омиллари.

Муаммонинг долзарблиги. Аллергик хасталиклар бутун дунёда аҳолининг турли ёш қатламларида учрамоқда, касалланиш кўрсаткичларининг ўсишига беморларда замбуруғларга нисбатан сезувчанликнинг ошиши сабаб бўлиши мумкин. Адабиёт манбаларининг таҳлили турли хилдаги аллергик касалликлар орасида замбуруғларга нисбатан сезувчанлик кенг тебранишга эга эканини (2% дан 60% гача) кўрсатди,

лекин кўпинча замбуруғларга сезувчанлик шифокорлар эътиборидан четда қолиши мумкин [11].

Замбуруғларга сезувчанлик кўпинча иммуноглобулин Е (IgE) – боғлиқ механизмлар билан тезкор типдаги аллергик реакциялар кўринишида намоён бўлади. Беморларда баъзан II, III ва IV типдаги аллергик касалликлар ҳам ривожланиши кузатилади [13]. Замбуруғларга нисбатан сезгирлиги бўлган беморларда иммун тизимдаги ўзгаришлар оқибатида уй чанги таркибидаги каначалар, уй ҳайвонлари аллергенлари ва озиқ-овқатларга нисбатан ҳам аллергик реакциялар кузатилиши мумкин. Замбуруғлар аллергенларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, улар хона ичида ва ташқарисида йилнинг турли фаслларида мавжуд бўлиши мумкин, шу сабабли беморларда йил бўйи касаллик симптомлари кузатилади [14].

Ҳозирги кунда моғор замбуруғлари организмда аллергик сезувчанлик ривожланишида муҳим аҳамиятга эга саналади, улар IgE-боғлиқ аллергик реакцияларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин [5, 9]. Замбуруғ билан доимий мулоқот натижасида нафас йўлларида колонизацияга олиб келади ва касаллик симптомларини чақиради [7].

Замбуруғ аллергенлари ташқи муҳит биоаэрозолларининг таркибига киради, аллергик ринит, конъюнктивит, бронхиал астма ва аллергик бронх-ўпка микози келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолатда моғор замбуруғлари ўсимлик чанглари ёки бошқа маиший аллергенларга нисбатан беморлар иммун тизимига сезиларли таъсир кўрсатади [12].

Aspergillus авлодига мансуб замбуруғлар дунёнинг турли мамлакатларида энг муҳим ингаляцион аллергенлардан бири бўлиб, 15,3-38% гача тарқалиш частотасига эга. Ушбу замбуруғ аллергокомпонентларидан: Asp n 14 (β-ксилосидаза) - касбий аллерген бўлиб, нон ишлаб чиқаришда фойдаланилади, нонвойларнинг қарийб 4% ида сезувчанлик белгиларини чақириши мумкин. Asp n 18 (вакуоляр серин-протеаза) оқсили ва унинг гомологлари Aspergillus fumigatus (Asp f 18) ва Penicillium (Pen ch 18 ва Pen o 18) да аниқланган. Asp n 25 (3-фитаза В) 85 кДа молекуляр оғирликка эга гликопротеин бўлиб, кўпинча фитатларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари, масалан, дон, дуккакли экинларга ишлов беришда ферментатив қўшимча сифатида ишлатилади, фойдали озиқ-овқат қўшимчаси сифатида тавсия этилади ва фитатларга бой маҳсулотларни яхши ҳазм бўлишида ёрдам беради [2, 14, 15, 16].

Замбуруғ споралари билан узоқ мулоқот натижасида IgG ва IgA ҳосил бўлишига олиб келадиган иммун реакциялар юзага келиши мумкин [10]. Кўпинча микоген

аллергия поливалент сенсибилизация билан бирга кечади. Кузатувларда маълум бўлишича, аллергик хасталиклардан азият чекувчи 20–65% инсонларда сабабчи аллерген замбуруғ аллергенлари бўлиб, уларнинг 20–25% да бронхиал астма кузатилади [3]. Бунда тахминан 3-6% ҳолатда бронхиал астма ривожланишига замбуруғ споралари сабаб бўлиши мумкин. Замбуруғ спораларининг юқори миқдори инсон яшаш шароитининг санитар-эпидемиологик хусусиятлари, географик минтақа, экологик омиллар, мавсум билан узвий боғлиқ. Замбуруғ спораларининг инсон нафас йўлларига кириб бориши уларнинг ўлчамига боғлиқ бўлиб, қанчалик кичик бўлса, шунчалик нафас йўлларига чуқурроқ кириб бориши кузатилади (кўпинча уларнинг ўлчами 1 дан 40 мкм гача бўлиши кузатилади) [3, 10].

Тадқиқотчилар таъкидлашича, 76,5% хонадонларда замбуруғ спораларининг юқори концентрациялари аниқланган бўлиб, улар шартли йўл қўйилган миқдордан (500КОЕ/м^3) юқори бўлиши кузатилгган. Барча аниқланган замбуруғлар ичида хона ҳавосида Penicillium spp., Aspergullus spp., Cladosporium spp. ҳамда Rhizopus spp. нинг юқори концентрацияси кузатилган. Ушбу хонадон эгалари қон зардобида замбуруғ аллергенларига нисбатан махсус IgE ва хона ҳавоси таркибидаги микромицетлар споралари орасида юқори даражада корреляцион боғланиш кузатилган. Rhizopus ва Cladosporium авлод моғор замбуруғлари уй чанги таркибида энг кўп тарқалган компонентлардан бири эканлиги аниқланган [6, 10].

Маълумки, Rhizopus замбуруғи нам шароитларда яшаши ва одатда нон маҳсулотларини нотўғри сақлаганда қорамтир замбуруғ кўринишида тарқалиши билан хавфли саналади. Cladosporium авлод замбуруғлари ҳам нисбатан нам шароитларда яшайди ва намлик етишмаслигига жуда сезгир саналади. Замбуруғлар пишлоқда, дон, ғалла маҳсулотларида ва ўсимликларда сақланиши маълум [14].

Амалиёт шифокорлари тўлиқ ва синчковлик билан йиғилган анамнез ёрдамида ижобий микотик анамнез бўйича тахмин қилишлари мумкин. Бунда қуйидаги жиҳатларга эътибор беришни тавсия қиламиз:

1. Маиший моғор билан мулоқот мавжудлиги. Аксарият беморлар касаллик симптомлари яшаш ёки иш шароитига боғлиқ бўлишидан бехабар бўладилар. Улар шифокорга касаллик симптомлари уй ёки иш шароитини ўзгартиргандан кейин пайдо бўлганини айтишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Баъзан эса тўлиқ анамнез йиққанда шифокор “айбдор” аллергенни ўзи топишига тўғри келади. Чунки микроскопик ўлчамдаги, кўз илғамайдиган

замбуруғлар яшаш хоналарида сезувчанлиги бўлган беморларда бронх-ўпка касалликларининг кечишига таъсир қилади. Бунда иқлим шароити, географик минтақа микромицетлар таркибига ва биокимвий жараёнларга маълум даражада таъсир қилади. Баъзи замбуруғларнинг конидиялари (Alternaria alternata, Mucor spp., Penicillinum spp., Aspergillus spp.) респиратор йўллар орқали кириб бориб, аллергик реакциялар, ички аъзолар микозлари (Aspergillus flavus, Asp. fumigatus, Asp. niger), микотоксикозлар (Alternaria alternata, Aspergillus flavus, Asp. fumigatus) чақиради [4, 6].

Айтиш лозим-ки, хонада замбуруғлар ўсиши ва ривожланиши намлик ва ҳароратга бевосита боғлиқ бўлиб, улар гул туваклари, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш жойлари, нотўғри шароитда сақланган маҳсулотлар (нон, сабзавот ва мевалар), душ хонаси, эски мебеллар, ахлат қутилари, органик субстратлар (жун мато)да кўпаяди. Бетон уйларга нисбатан ёғочдан ясалган уйларда намлик юқори бўлган шароитда кўпроқ учраши мумкин. Aspergillus fumigatus замбуруғлари ёстиқларда ҳам топилган. Penicillium авлод замбуруғлари эса ҳатто уй фундаментида ҳам учраши мумкин [11].

Cladosporum herbarum ташқи муҳитда кенг тарқалган бўлиб, ингаляцион замбуруғ аллергенларининг асосий манбаи саналади. Cladosporum herbarum хазонлар орасида чириган ўт ва дарахт шохларида, текстил ва озиқ-овқат маҳсулотларида ҳам учрайди. Cladosporum herbarum мўътадил иқлим шароитида қулай вазиятда ўсимлик баргларида ҳам учраб туради, унинг аллерген оқсиллари ҳаёт учун хавфли бўлган бронхиал астма ҳуружлари ҳамда юқори нафас йўлларида респиратор симптомларни келтириб чиқариши мумкин [14].

Альтернария, аспергилла, пеницилла и кладоспориум каби баъзи замбуруғларнинг споралари учувчан бўлиб, улар дунёнинг турли мамлакатларида кенг тарқалган. Alternaria alternata, кўпинча ўсимликларда сақланади ва аллерген замбуруғлар туркумига киради. Жигар рангдаги сегментланган мицелий таркибида апикал споралар-конидиялар ривожланади, улар алоҳида ёки занжир ҳосил қилиши мумкин. Етилмаган замбуруғ споралари шакли, ўлчами, ранги, ҳужайралар сони ва ҳужайра девори қалинлиги билан фарқланиши мумкин. Alternaria alternata тупроқ, чириган дарахт, маккажўхори, турли ўсимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, текстил маҳсулотлари таркибида сақланади, сабзавот-мевалар, ёнғоқларда қорамтир доғларни ҳосил қилиши мумкин. Alternaria alternata яшаш хоналарида, масалан, кондиционерда сақланиб, сезгирлиги

бўлган шахсларда аллергик ринит ва астма чақириши кузатилган [14].

Бизнинг амалиётимизда уйдаги доимий нам шароит туфайли шу хонада истиқомат қиладиган 13 ёшлик ўсмир болада Alternaria alternata бронхиал астма касаллик сиптомларини чақириши кузатилган. Уй шароити яхшилангач ва бола бошқа хонада яшаш бошлаши билан кўрсатилган даво чоралари ижобий натижа бера бошлаган [1].

Баъзи шаҳарлар ҳавосида альтернариялар йил бўйи кузатилади ва баҳор, ёз, кузда уларнинг концентрацияси чўққисига етади. Қатор метеорологик омиллар, жумладан, ҳаво ҳарорати ва атмосфера босими альтернария споралари концентрацияси билан корреляцион боғлиқликка эга [14]. Альтернария болаларда касаллик келиб чиқишига асосий сабабчи аллерген саналади, мўътадил иқлимда альтернария споралари майдан ноябргача вақт оралиғида аниқланади ва ёз-куз фаслларида концентрацияси энг юқори бўлади. Споралари дисперсияси қуруқ даврда шамол юқори тезлигида ва намлик кам шароитда, қуёш тик келган пешин маҳалида кузатилади. Споралари ўлчами йирик бўлишига қарамай, улар узоқ масофаларга уча олади, яъни қуруқ, шамолли кунларда дон ва ёввойи ўтлар ўсган ҳудудларда альтернария споралари 1 куб метр ҳавода 500 дан 1000 гача тарқалиши мумкин. Очиқ ҳавода 1 куб метрда 7500 гача, 1 куб метр хона ҳавосида 280 тагача спора тарқалиши кузатилган [14, 16].

2. Замбуруғ билан касбий мулоқот. Замбуруғлар кенг тарқалган бўлиб, улардан озиқ-овқат саноатида, чорвачилик, паррандачилик, ун, пишлоқ, пиво, вино ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, боғбончилик, фармацияда ачитқи, фермент препаратлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Кўпинча аллергик касалликлар билан хасталанган беморларда замбуруғларга нисбатан сезгирлик ривожланиши натижасида нам шароитли хоналар, ертўла, сабзавот-мева омборлари, архив, бассейнлар, метро станцияларида бўлганидан кейин замбуруғларга сезувчанлик бўғилиш ёки касаллик ҳуружлари кўринишида юзага келиши мумкин [8].

3. Атопия мавжудлиги. Катта ёшли беморлар ва болаларда наслида атопия ёки “атопик марш” мавжудлиги, бу ҳолат иммуноглобулин Е боғлиқ тезкор типдаги аллергик реакциялар тарзида кечиши билан характерланади.

4. Касаллик мавсумийлиги. Нафас тизими касалликлари бўлган, тез-тез касал бўладиган ва анамнезида микотик инфекция (балғам экмаси ва бурун суртмаси, нажас таҳлилида замбуруғлар аниқланиши, кандидоз, онихомикозлар, дерматофитиялар ва ҳоказо) кузатиладиган беморларда, айниқса, куз-баҳор ойларида

(замбуруғлар спора ҳосил қиладиган давр) аҳволи ёмонлашиши мумкин. Беморлардан анамнез йиққанда одатда уларнинг тез-тез шамоллаши, анамнезида риносинуситлар, обструктив бронхитлар аниқланишига эътибор қаратиш зарур. Биринчи қаватда ёки нам шароитда яшаган беморлар амбулатор карталарида кўпинча “астматик бронхит” ёки “астмоид компонент билан кечувчи бронхит” ташхиси қўйилган бўлади. Аксарият беморларда бронхиал астма қайталовчи обструктив бронхит клиник кўринишидан кейин юзага келади [8, 11].

5. Рухий-эмоционал лабиллик ва стрессга мойиллик. Турли генезга эга стрессларда иммун тизим яққол пасайиши кузатилади ва натижада патоген микроорганизмлар, жумладан замбуруғлар салбий таъсири ошиши кузатилади.

6. Озиқ-овқат анамнези. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сақланиш қоидалари бузилиши, уларнинг транспортировкаси маҳалида гигиеник қоида ва шароитларнинг бузилиши маҳсулотларда турли патоген замбуруғлар, жумладан, Candida (кўпинча сут маҳсулотларида), Rhizopus (нон, сабзавот-меваларда, айниқса пиёзда қора моғор), Alternaria alternata (картошка, помидорда қора нуқталар кўринишида), Botrytis cinerea (узум, карам, салат, помидорда кул ранг моғор), Aspergillus (чой пакетлари, қора мурч кукуни, кофе, мевалар, қандолат маҳсулотларида қора доғлар) кўпайишига замин яратади. Атопиклар ва замбуруғларга сезгирлиги бўлган болалар зарарланган сут маҳсулотлари, сабзавот-мевалар, пишлоқнинг замбуруғли навлари, ачитқили нон маҳсулотлари, уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотларини истеъмол қилгач, катта ёшли беморлар – сабзавотлар, мураббо, пиво, шампан виноси, вино, квас, кефир (яъни бижғиш маҳсулотлари), хамиртурушли нон ва оширилган хамир маҳсулотларини тановвул қилгандан кейин касаллик симптомлари юзага келиши кузатилади. Кўпинча аллергик реакцияларни Candida, Alternaria, Aspergillus авлод замбуруғлари чақиради [14]. Аллерген энтерал йўл билан тушганда (яъни моғор замбуруғлари сақлайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолидан кейин) меъда-ичак йўллари, тери ва нафас аъзолари аллергик хасталиклари авж олиши мумкин. Замбуруғлар билан мулоқот натижасида қаварчиқлар, ангионевротик шиш, атопик дерматит (Candida ва Malassezia замбуруғлари терида яшаши мумкин) каби тери зарарланиши белгилари кузатилади [11].

7. Дори анамнези. Болаларда эрта гўдаклик давридан бошлаб кўпинча нафас аъзолари касалликлари учрайди, антибактериал терапия ва глюкокортикоидларнинг тез-тез, узоқ муддат ва назоратсиз қўлланиши ичак микробиотасининг бузилиши,

нафас олиш қийинлашиши, бронхиал астма ҳуружлари каби асоратларга олиб келиши мумкин.

Агар беморларда ижобий замбуруғ анамнези аниқланса, уларга махсус аллергологик текширув буюрилиши зарур. Моғор ҳамда ачитқи замбуруғларига махсус иммуноглобулин Е ни аниқлаш долзарб муаммо бўлиб, болаларда аллергик бронх-ўпка хасталиклари замбуруғларига сезувчанлик билан бирга кечганда асоратларнинг юқори частотаси, оғир ва сурункали кечиши, умум қабул қилинган даволаш схемаларининг ишончсизлиги ва самарасизлиги билан фарқланади [8, 11].

Озиқ-овқат, ўсимлик, замбуруғ, эпидермал, латекс ва ташқи муҳитнинг бошқа аллергенларига махсус IgE in vitro ташхисоти бронх-ўпка касалликлари, аллергодерматозлар ва бошқа атопик хасталикларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга, бемор учун хавфсиз саналади, чунки бемор аллерген билан мулоқот қилмайди, касаллик қўзиган даврда, ҳатто гўдаклар ва ҳомиладор аёлларда ҳам синамани ўтказилиши мумкин, ёш бўйича ва турли сурункали касалликлар бўйича чекловлар йўқ.

Республикамизда иммуноблот аллерген панеллари ёрдамида in vitro аллергологик ташхисот ёрдамида (Cladosporum herbarum, Penicillinum notatum, Candida albicans, Alternaria alternata, Aspergilus flavus, Aspergillus fumigatus, Aspergillus niger, Aspergillus versicolor, Mucor mucedo, Rhizopus nigricans) каби аллергенларга нисбатан махсус IgE-антитаначаларини аниқлаш имкониятлари кенгайган. Ушбу аллерген панеллари ёрдамида ҳозирги кунда болалар, ҳомиладорлар, эмизикли оналар, турли ёшдаги аҳоли қатламида ташхислаш ва самарали даволаш чора-тадбирларини олиб бориш мумкин.

Хулоса. Бугунги кунда замбуруғларга нисбатан сезувчанликни аниқлаш имкониятлари кенгайган бўлиб, тиббиётнинг турли йўналишларида фаолият юритаётган шифокорлар учун профилактик, диагностик ва даволаш дастурларини ишлаб чиқишда янгича ёндашувларни талаб қилади. Замбуруғларга сезувчанликни олдини олишда беморнинг таомномалари таркиби, яшаш шароитларини эътиборга олиш ҳамда ёндош хасталикларини ўз вақтида даволаш муҳим аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Абдуллаева Д.Г., Хакбердиев Х.Р. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва замбуруғларга сезувчанлик ва унинг профилактикаси // Тошкент тиббиёт академияси ёш олимлар тиббиёт журнали. 2022. №2 (07). 136-141-б.

2. А.А. Баязитова Н.И., Глушко С.А., Лисовская Е.В. и др. Аллергены Aspergillus niger и Aspergillus fumigatus. Практическая медицина 3 (95) 2016. С. 73-76
3. Бержец В.М., Хлгатян С.В., Коренева Е.А., и др. Изучение распространенности сенсибилизации к плесневым грибам у жителей Москвы и Московской области // Иммунопатология, аллергология, инфектология. – 2012. – т. 3. – с. 18–22.
4. Гурина О.П. и др. Сенсибилизация к Aspergillus niger при рецидивирующем бронхите у детей //Проблемы медицинской микологии, 2011, Т.13, №2. -С.72
5. О.П. Гурина, Е.А. Дементьева, А.Е. Блинов, О.Н. Варламова, В.И. Тимохина IgE-гиперчувствительность к аллергенам грибков Rhizopus Nigricans и Cladosporium herbarum у детей с респираторными аллергозами // Педиатр. -2016. -Т.7. Вып.4. С.61-66.
6. Доршакова Е.В. и др. Микромицеты в естественной среде обитания и в помещениях – их потенциальная опасность для здоровья людей // роблемы медицинской микологии, 2012, Т.14, №3.-С.53-58.
7. Козлова Я.И., Фролова Е.В., Филлипова Л.В., и др. Микогенная сенсибилизация у пациентов с бронхиальной астмой в Санкт-Петербурге // Медицинская иммунология. – 2015. – № 17. – с. 67.
8. Мизерницкий Ю.Л., Миненкова Т.А.,и др. Клинико-иммунологические особенности аллергических бронхолегочных заболеваний у детей с грибковой сенсибилизацией // Российский вестник перинатологии и педиатрии, №1.-2012.-С.90-96
9. Митин Ю.А., Пастушенков В.Л., Углина О.А. Характеристика особенностей клинического течения, изменений иммунной системы у детей, больных острой дизентерией, имевших колонизацию кишечника грибами Aspergillus flavus// Медицинская иммунология. – 2015. – № 17. – с. 119–120.
10. Титова Н.Д. Разнообразие механизмов микогенной аллергии при атопической бронхиальной астме // Астма. – 2011. – т. 12. – № 1. – с. 5–10.
11. Царев С.В. Аллергия к грибам: особенности клинических проявлений и диагностики // Астма и аллергия. -2015. -№3. -С.3-6.
12. Христова Д., Кандова Я., Николов Г., Петрунов Б. Сенсибилизация к аллергенам плесневых грибов у пациентов с респираторной аллергией. Оптимизация диагностического процесса**.** Журнал микробиологии, эпидемиологии и иммунобиологии. 2020; 97 (2). С.119-124
13. Mitin YuA, Pastushenkov VL, Uglina OA. The characteristic features of clinical course, changes in immune system in children,

patients with acute dysentery, which had colonization of gut fungi Aspergillus flavus. Meditsinskaya immunologiya. 2015 (17):119-120.

14. Shalkhova G., Ermatov N., Abdullaeva D., Abdullaeva D., Yusupova O., Allayeva M. The Problem of Fungal Pathology in the hot climate in children and adults. International journal of Pharmaceutical Research Jan-Mar 2021.Vol. 13. Issue 1. P.2319-2323.

15. Vermani M., Vijayan V.K., Agarwal M.K. Identification of Aspergillus (A. flavus and A. niger) Allergens and Heterogeneity of Allergic Patients' IgE Response // Iranian Journal of Allergy, Asthma and Immunology. — 2015. — T. 14, №4. - C. 361

16. http://www.fao.org/fileadmin/user_upload/agns/pdf/CTAPhytase from_Aspergillus_Niger_Final.pdf (13.04.2016)

BUYRAK NEFROSKLEROZI VA SURUNKALI PYELONEFRITDA MONOSİTIK XEMOTAKSIK OQSILNING AHAMIYATI

M. P. Alimuxamedova
N. H. Muxamedova
B. B. Ortiqov
Toshkent tibbiyot akademiyasi

ANNOTATSIYA

Surunkali pielonefrit bilan og'rigan bemorlarda buyrak nefrosklerozi muammosi nefrologiya va umuman ichki tibbiyotning asosiy muammolaridan biri bo'lib, aholi orasida buyrak shikastlanishining yuqori tarqalishi, shu jumladan uning yosh, mehnatga layoqatli qismi, prognozning og'irligi va patogenez va shuning uchun davolash muammolarining etarli darajada rivojlanmaganligi bilan bog'liq. Buyrak nefrosklerozining patogenezini o'rganishda buyrakda yallig'lanish jarayonlarini amalga oshirish mexanizmlarini dekodlash va eng informatsion diagnostika usullarini ishlab chiqish muhim ahamiyatga ega.

Kalit so'zlar: surunkali pielonefrit, nefroskleroz, monotaksitar xemotaksik oqsil-1 (MSR-1) va 01 (TGF-01), interstitsial fibroz.

THE VALUE OF MONOCYTIC CHEMOTACTIC PROTEIN IN RENAL NEPHROSCLEROSIS WITH CHRONIC PYELONEPHRITIS

ABSTRACT

In patients with chronic pyelonephritis, the problem of renal nephrosclerosis is one of the main problems of Nephrology and Internal Medicine in general and is associated with a high prevalence of kidney damage among the population, including its young, able-bodied part, the severity of the prognosis and pathogenesis and, therefore, insufficient development of treatment problems. When studying the pathogenesis of renal nephrosclerosis, it is important to decode the mechanisms for the implementation of inflammatory processes in the kidney and develop the most informative diagnostic methods.

Keywords: chronic pyelonephritis, nephrosclerosis, monocytic chemotactic protein -1 (MSR-1), growth factor (TGF-01), interstitial fibrosis.

Tadqiqotning maqsadi: surunkali pielonefritli bemorlarda buyrak nefrosklerozining diagnostik laboratoriya biomarkerlarining axborot mazmunini baholash.

Tadqiqotning materiallar va usullari. TTA ko'p tarmoqli klinikasining nefrologiya, urologiya, endokrinologiya bo'limlarida kuzatilgan surunkali pielonefrit bilan bog'liq buyrak nefrosklerozi bilan og'rigan 22 yoshdan 58 yoshgacha bo'lgan 78 nafar bemorni tekshirilgan. Nefrosklerozsiz surunkali buyrak etishmovchiligi bo'lgan 40 ta bemor 1-guruhni va surunkali buyrak etishmovchiligi va nefrosklerozli 38 ta bemor - 2-guruhni tashkil etdi. Ferment bilan bog'liq immunoenzimatik, klinik va biokimyoviy tadqiqotlar «Mindray88-diagnostika – Inson» avtomatik analizatorlari yordamida amalga oshirildi.

Natijalar va muhokama. Surunkali buyrak kasalligi (CBK) prognozini baholash va profilaktik terapevtik usullardan o'z vaqtida foydalanish uchun nefropatiyaning rivojlanish tezligini aniqlash va nefroskleroz rivojlanishining erta klinik va biokimyoviy belgilarini aniqlash juda muhimdir. So'nggi yillarda nefrosklerozning shakllanishining patogenetik mexanizmlari faol o'rganilmoqda, chunki nefroskleroz urodinamika buzilgan bemorlarning 30-60% da shakllanadi. Shu bilan birga, buyrak nefrosklerozida buyrak shikastlanishining rivojlanishida ko'plab omillarning ishtiroki isbotlangan [2;4;6].

Bunday holatda proteinuriyaning nefrotoksik ta'siri interstitsial yallig'lanish orqali amalga oshiriladi va buyrak nefrosklerozining rivojlanishi bilan yakunlanadi. So'nggi paytlarda ko'plab tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, nefrosklerozning rivojlanishi hujayradan tashqari matritsa komponentlarining (fibronektin, I, III, IV tip kollagen, laminin va geparan sulfat proteoglikanlar) to'planishiga, shuningdek, quvurli hujayralar apoptozi, atrofiya, interstitsial hajmning kengayishi, peritubulyar kapillyarlarning yo'qolishiga olib keladi. Ushbu mexanizmlarning markaziy bo'g'ini - bu yallig'lanish va fibrozning molekulyar vositachilari, buyrak nefrosklerozining shakllanishi va rivojlanishi jarayonlarini va parakrin-avtokrin regulyatsiya qiluvchi - monositik xemotaktik oqsil - 1 (MCP-1), shuningdek transformatsion o'sish omilning - 01 (TGF-01), ishlab chiqarish bilan proteinuriya jarayonining zarar etkazuvchi komponentlari ta'sirida quvurli epiteliya hujayralarining faollashishini amalga oshiradi [1;3].

Surunkali pielonefritda buyrak nefrosklerozi bo'lgan barcha bemorlarda MCP-1 ning siydik bilan chiqarilish darajasi sog'lom odamlarga qaraganda yuqori edi. Surunkali pielonefrit bilan bog'liq buyrak nefrosklerozi bo'lgan bemorlarda MCP-1 ning eng yuqori siydik chiqarishi kuzatildi. MCP-1 dan farqli o'laroq, bemorlarda fibrogenik o'sish omili

TGF-01 ning siydik bilan ajralib chiqish darajasi nafaqat sog'lom odamlar bilan solishtirganda, balki oldingi guruhlardagi bemorlarga nisbatan ham sezilarli darajada yuqori edi. Shu bilan birga, TGF-01 ning chiqarilishi ko'rsatkichlari va sarum kreatinin darajasi o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlik va glomerulyar filtratsiya tezligi bilan teskari bog'liqlik aniqlandi.

Siydikdagi MCP-1 darajasi va siydikdagi kreatinin o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri sezilarli bog'liqlik aniqlandi. Surunkali pielonefrit bilan bog'liq buyrak nefrosklerozi bo'lgan bemorlarda MCP-1 ning eng yuqori siydik chiqarishi kuzatildi. Ushbu kimyokin ta'sirining profibrogenik yo'nalishi, shuningdek, MCP-1 siydik ko'rsatkichini birgalikda kasalliklarga chalingan bemorlar guruhida alohida ko'rib chiqish natijalari bilan tasdiqlanadi. MCP-1 ning asosan interstitium hududida ta'sir qiluvchi asosiy kimyokin sifatidagi roli, shuningdek, buyrak glomeruliyasida fibrozning ustun lokalizatsiyasi bilan uning darajasi maksimal bo'lganligi bilan tasdiqlanadi.

1-jadval.

Surunkali pielonefritda nefrosklerozli bemorlarning siydigida MCP-1 va TGF-01 miqdori

Ko'rsatkich	Sog'lom shaxslar, n =24	Nefrosklerozsiz SBE bilan og'rigan bemorlar, n =40	SBE bilan nefrosklerozli bemorlar, n =38
Monotsitik kemotaktik oqsil -1, pg/ml	0,45±0,03	4,92±0,63	39,56±2,98
Transformatsion o'sish omili -01 pg/ml	1,76±0,13	2,03±0,17	3,62±0,29*

Izoh: * - sog'lom odamlar bilan solishtirganda farqlarning ahamiyati P<0,05.

Natijada, surunkali pielonefrit bilan og'rigan bemorlarda davom etayotgan buyrak shikastlanishini erta aniqlash uchun siydik TGF-01 va mikroalbuminuriya biomarker sifatida ishlatilishi mumkin degan xulosaga keldi. Surunkali pielonefritda buyrak nefrosklerozi bo'lgan barcha bemorlarda MCP-1 ning siydik bilan chiqarilish darajasi sog'lom odamlarga qaraganda yuqori edi. MCP-1 dan farqli o'laroq, bemorlarda fibrogenik o'sish omili TGF-01 ning siydik bilan ajralib chiqish darajasi nafaqat sog'lom odamlar bilan solishtirganda, balki oldingi guruhlardagi bemorlarga nisbatan ham sezilarli darajada yuqori edi. Shu bilan birga, TGF-01 ning chiqarilishi ko'rsatkichlari va sarum kreatinin darajasi o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlik va glomerulyar filtratsiya tezligi bilan teskari bog'liqlik aniqlandi.

Shunday qilib, bizning tadqiqotimizda surunkali pielonefrit bilan birgalikda buyrak nefrosklerozi bo'lgan bemorlarda siydikda MCP-1 darajasining ortishi kuzatildi. Siydikdagi MCP-1 darajasi kunlik proteinuriya miqdori bilan bevosita bog'liq bo'lib, bu buyrak nefrosklerozining zamonaviy tushunchalariga mos keladi. Surunkali buyrak kasalligining aksariyat shakllarida apikal membranadan quvurli hujayralar tomonidan chiqariladigan MCP-1 siydikdagi asosiy manba hisoblanadi, deb taxmin qilinadi. Faqat oz miqdordagi MCP-1 kanalchalar bo'shlig'iga va siydikga kiradi, glomerulyar kapillyarlarning devori orqali qondan filtrlanadi. Ko'rinishidan, bu yo'l glomerulonefritning tez progressiv shakllarida muhimroqdir, glomerullarda lokalizatsiya qilingan aniq yallig'lanish o'zgarishlari ularning o'tkazuvchanligini sezilarli darajada o'zgartirganda, shu jumladan yallig'lanish sitokinlari uchun. Biz interstitsial fibrozli bemorlarda siydik MCP-1 va TGF-01, shuningdek, sarum kreatinin o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri kuchli korrelyatsiyani qayd etdik.

Umuman olganda, tadqiqotimiz natijalari interstitsial fibrozning dinamik jarayon ekanligini tasdiqlaydi va siydikni kasal organ (buyrak) bilan chambarchas bog'liq bo'lgan substrat sifatida ishlatish buyrakdagi yallig'lanish va fibroz jarayonlari haqida qimmatli ma'lumotlarni berishi mumkin. Xususan, siydikda MCP-1 va TGF-01 profibrogenik sitokinlar darajasini aniqlash surunkali pielonefritda buyrak nefrosklerozini baholashning informatsion noinvaziv usuli hisoblanadi. Shunday qilib, fibrozning erta, potentsial qaytariladigan bosqichini aniqlash faol immunosupressiv terapiya uchun ko'rsatma bo'lib, shu bilan birga, fibrozning ilg'or bosqichi haqidagi bayonot asosan nefroprotektiv strategiyaga o'tishni oqlaydi.

Xulosa. Keng ko'lamli klinik va laboratoriya tadqiqotlari asosida surunkali pielonefrit bilan og'rigan bemorlarda buyrak nefrosklerozi rivojlanishining patofiziologik jarayonlarining birligi isbotlangan, bu metodologik asosliligini, shuningdek, foydalanishning diagnostik va prognostik maqsadga muvofiqligini asoslaydi.

REFERENCES

1. Alessi M.C., Bastelica D., Marvi A., Morange P., Berthet B., Grino M., Juhan-Vague I. Plasma PAI-1 levels are more strongly related to liver steatosis than to adipose tissue accumulation // Arterioscl. Thromb. Vasc. Biol. – 2018. – Vol. 23. – P. 1262-1268.

2. Ando T, Okuda S, Yanagida T, et al. Localization of TGF and its receptors in the kidney. // Miner Electrolyte Metab 2013; 24 (1-2): 149-153

3. Bottinger EP, Bitzer M. TGF- signaling in renal disease. // J Am Soc Nephrol 2015; 13: 2600-2610
4. Fassett R. G [et al.] Biomarkers in chronic kidney disease. // Kidney Int. - 2019. - Vol. 80, N 8. - P. 806-821.
5. Есаян А.М. Хроническая болезнь почек: факторы риска, ранее выявление, принципы антигипертензивной терапии // Медицинский совет. 2019. №12. С.18-25
6. Слободян Е.И., Каладзе Н.Н., Говдалюк А.Л. Цитокины мочи - неинвазивные маркеры клинико-лабораторной ремиссии хронического пиелонефрита // Нефрология. - 2017. - Том 21. - № 2. - С. 73-82.

ОЦЕНКА КЛУБОЧКОВЫХ И КАНАЛЬЦЕВЫХ НАРУШЕНИЙ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ, АРТЕРИАЛЬНОЙ ГИПЕРТЕНЗИЕЙ, ПИЕЛОНЕФРИТОМ

М. П. Алимухамедова
Н. Х. Мухамедова
Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Узбекистан

АННОТАЦИЯ

Установлено, что более 50% летальных исходов у больных с терминальной почечной недостаточностью, получавших заместительную почечную терапию обусловлены сердечно-сосудистыми причинами. Ранняя диагностика для предупреждения развития осложнений тубулоэпителиальной системы почек у пациентов с заболеваниями сердечно-сосудистой системы, сахарным диабетом и артериальной гипертензией - одна из актуальных задач клиницистов нашей страны в силу потребности в мерах по увеличению продолжительности активной жизни населения. Её решение зависит, в том числе, и от своевременного выявления факторов риска, разработки маркеров рационального применения профилактических стратегий.

Ключевые слова: сахарный диабет, артериальная гипертензия, сердечно-сосудистые осложнения, микроальбуминурия.

ASSESSMENT OF GLUMERULAR AND TUBULAR DISORDERS IN PATIENTS WITH DIABETES MELLITUS, ARTERIAL HYPERTENSION, PYELONEPHRITIS

ABSTRACT

It has been established that more than 50% of deaths in patients with end-stage renal disease who received renal replacement therapy are due to cardiovascular causes. Early diagnosis to prevent the development of complications of the tubuloepithelial system of the kidneys in patients with diseases of the cardiovascular system, diabetes mellitus and arterial hypertension is one of the urgent tasks of clinicians in our country due to the need for measures to increase the duration of the active life of the population. Its solution depends, among other things, on the timely identification of risk factors, the development of markers for the rational use of preventive strategies.

Keywords: diabetes mellitus, arterial hypertension, cardiovascular complications, microalbuminuria.

В ходе исследований установлено, что более 50% летальных исходов у больных с терминальной почечной недостаточностью, получавших заместительную почечную терапию, обусловлены сердечно-сосудистыми причинами. Это грубые нарушения гемодинамики, метаболизма, гормонального обмена, лежащие в основе ускоренного атерогенеза, артериосклероза и кальцификации сосудов. У больных с сердечно-сосудистой патологией даже умеренная гиперкреатинемия, незначительное снижение скорости клубочковой фильтрации (СКФ) ассоциируются с увеличением сердечно-сосудистой и общей смертности. То есть даже умеренная почечная недостаточность ухудшает прогноз пациентов с сердечно-сосудистыми заболеваниями [13].

Другие органы-мишени эссенциальной артериальной гипертензии - миокард и сосудистая стенка, как правило, вовлекаются параллельно с нарастанием дисфункции эндотелия, локально-почечным признаком, которые можно определять по увеличению экскреции альбумина с мочой. Вместе с тем, именно у больных с микроальбуминурией поражение других органов-мишеней оказывается наибольшим. Частота гипертрофии левого желудочка при эссенциальной артериальной гипертензии с микроальбуминурией может достигать 55%, гипертонической ретинопатии - 69% [15,16].

Связь между микроальбуминурией и увеличением индекса массы миокарда левого желудочка, как наиболее надежный эхокардиографический признак гипертрофии левого желудочка подтверждена результатами анализа пациентов с эссенциальной артериальной гипертензией высокого риска, включенных в исследование LIFE [14].

Клиническими исследованиями выявлена ассоциация микроальбуминурии с увеличением жесткости сосудистой стенки, демонстрирующей нарастание каротидно-феморальной скорости пульсовой волны до 12 м/с [18].

Поэтому необходимо периодическое обследование всех больных с высоким риском сердечно-сосудистых осложнений, особенно страдающих эссенциальной артериальной гипертензией для выявления микроальбуминурии. Определение микроальбуминурии в динамике, в свою очередь, может быть одним из критериев эффективности лечебных и профилактических мер [19].

Оценка фильтрационной функции почек расчетными методами (формулы Cockroft-Gault, MDRD) с выявлением снижения расчетной скорости клубочковой фильтрации менее 60 мл/мин/1,73 м^2 или клиренса эндогенного креатинина приобретает особую

важность с точки зрения долгосрочного прогноза больных эссенциальной гипертензией - не только риска терминальной почечной недостаточности, но и вероятности сердечно-сосудистых осложнений.

Такое ухудшение фильтрационной функции почек, иногда выявляемое при нормальной креатининемии, соответствует 3-й и последующим стадиям хронической болезни почек "наднозологического" понятия, предложенного National Kidney Foundation (США) для описания общепопуляционных закономерностей течения хронических нефропатий и выделения эпидемиологически значимых факторов риска терминальной почечной недостаточности [1, 2, 7].

